

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

НАФОСАТ ГУРУНГЛАРИ

Тошкент
«Муҳаррир» нашриёти
2010

www.ziyouz.com kutubxonasi



УМАРАЛИ НОРМАТОВ

НАФОСАТ ГУРУНГЛАРИ

*Адабий-танқидий мақолалар, эссе,
хотира, қайд ва суҳбатлар*



Тошкент
«Муҳаррир» нашриёти
2010

УДК: 821
ББК 72.3(5Ў)+83.3(5Ў)6
Н79

Норматов, Умарали

Нафосат гурунглари: адабий-танқидий мақолалар, эссе, хотира, қайд ва суҳбатлар / У.Норматов; масъул муҳаррир ва сўнгсўз муаллифи А.Улуғов. – Т.: «Muharrir» nashrioti. 2010. – 390 б.

ББК 72.3(5Ў)+83.3(5Ў)6

Таниқли мунаққид, профессор Умарали Норматовнинг ушбу китоби салкам олтинчи йил давомида табаррук зиё маскани – Миллий университет даргоҳида топган, орттирган энг азиз бойлиги – устозлари, бирга ишлаган ҳамкасблари, шу даргоҳга озми-кўпми дахлдор ижодкорлар ҳақидаги хотира, дил сўзлари, дарсхоналарда замонавий адабий жараёнга оид нафосат гурунглари чоғи туғилган ўй-мушоҳада, баҳс-мунозара, адабий қайдлардан таркиб топган. Мажмуага, асосан, мустақиллик йиллари қовоғга тушган мақолалар киритилди. Айни пайтда, аҳамиятига кўра муаллифнинг ўтган аср 70–80-йиллариға оид айрим тақриз, адабий суҳбатлари ҳам ундан ўрин олган.

Масъул муҳаррир ва сўнгсўз муаллифи:

Абдуля УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчи:

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-386-39-6

© Умарали Норматов,
«Муҳаррир» нашриёти,
Тошкент, 2010.

ШАРАФ ВА БУРЧ

(Сўз боши ўрнида)

Анкеталардаги «Қаерда ўқигансиз ва қаерда ишлагансиз?» деган саволларга менинг жавобим битта - ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб юритилаётган қутлуғ даргоҳда олий ва аспирантура таълимини олганман, салкам олтимиш йиллик умрим шу даргоҳда ўтди, номзодлик, докторлик илмий даражалари, профессорлик илмий унвони, кафедра мудирлиги лавозими, Ўзбекистон Республикаси Фан аъёби, Давлат мукофоти лауреати унвонлари шу даргоҳдаги хизматларим жазига эришганман.

Ихтисослигим филолог - ўзбек адабиётшунослиги бўлгани туфайли ХХ аср иккинчи ярми миллий адабиётшунослигимизнинг даргалари саналмиш Ғ. Каримов, Н. Маллаев, С. Долимов, О. Шарафиддинов, М. Қўшжоновлар қўлида таълим олганим, қолаверса, улар сафида туриб ишлаганим билан фахрланаман. Утган аср 50-60-йиллари миллий университетимиз Республикада адабий-танқидий тафаккурнинг муҳим, балки етакчи ўчоқларидан бирига айланган эди. Ўзбек адабиёти кафедраси мудир, моҳир ташкилотчи, бағри кенг аллома профессор Фулом Каримовнинг савб-ҳаракати туфайли бу табарруқ масканда ажойиб илмий жамоа шаклланди. Ҳар бири ўз дунёси, ўз йўли, ўз сўзига эга ёрқин истеъдодлардан иборат жамоада чинакам илмий руҳ, ошкора баҳс-мунозаралар муҳити ҳукмрон эди. Устоз Фулом Каримов эркин фикрлайдиган, баҳс-мунозараларга мойил, билимдон, фидойи ёшларга алоҳида эътибор берар, илмий жамоа сафини улар ҳисобига бетиним тўлдириб борарди. Камина, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойбергенов, Бегали Қосимовлар шу улуг зотнинг назарига тушиб, бирин-кетин ўша жўшқин жамоа аъёлари сафидан ўрин олганмиз.

Менинг университетда топган энг катта бойлигим, бахтим шуки, мен Ояод Шарафиддиновнинг биринчи аспирант шоғирди бўлиш шарафига муяссар бўлганман. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб билиман. Мислсиз истеъдод соҳиби, шахси бутун бу сиймонинг ижодий жасорати туфайли Миллий университетимиз мамлакатимизда замонавий илимий-адабий жамоатчилик тан олган адабий-танқидий тафаккур марказларидан бирига айланди.

1974 йили ўша пайтга қадар ўзбек адабиёти кафедраси бағрида фаолият кўрсатган замонавий адабиёт фани билан шуғулланувчи илмий жамоа «Ҳозирги ўзбек адабиёти» номи билан аталган алоҳида кафедра сифатида ажралиб чиқди. Аслида устоз (Ўзод Шарафиддинов бошлиқ бўлиши лозим бўлган бу кафедрага ўша кезлардаги вазият тақозосига кўра мен мудир² этиб тайинлангандим; 26 йил шу кафедрага муттасил раҳбарлик қилишга тўғри келди. Бу йиллари кафедрада О.Шарафиддинов, А. Алиев, А.Расулов, Н. Худойбергенов, С. Содиқов, Б. Каримов, Р. Қўчқоров, А. Улуғов, Д. Куронов, У. Ҳамдам сингари истеъдодли мунаққид-адабиётшунослардан иборат илмий жамоа шаклланди. Кафедра аъзолари республикамиздаги адабий-танқидий тафаккур ривожига беқиёс ҳисса қўшди, Ўзод Шарафиддинов мактабига асос солинди.

Кафедра XX аср ўзбек миллий адабиёти тарихини ўрганиш йўлида катта ишларни амалга оширди. Истиқлол йилларида бу йўналишдаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Кафедра қошида ташкил этилган, камина раҳбарлик қилган «20-30-йиллар ўзбек адабиётини ўрганиш» илмий гуруҳи, сўнг - миллий истиқлол гояси ва ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги тараққиёти тамойиллари (Ўзод Шарафиддинов ижоди асосида) гранти бўйича бажарилган ишлар илмий-адабий жамоатчиликка маълум. Янги ўзбек адабиёти намоёндаларининг шўро даврида топталган шаънини тиклаш, улар меросини халққа қайтариш, XX аср адабиёти тарихини тўздан қайта баҳолаш, ҳолисона илмий ёритиш йўлида катта жонбозлик қилинди, «Абдулла Қодирийнинг бадий алами» номи остида жамоа тўплами, камина қаламига мансуб «Қодирий боғи», «Ўткан кунлар» ҳайрати», «Қаҳҳорни англаш машаққати», О. Шарафиддиновнинг «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» китоблари майдонга келди; Чўлпоннинг уч жылдан иборат «Асарлар»и, «Адабиёт надир» тўплами чоп этилди. Республика Фан ва технологиялар маркази гранти бўйича 2003-2005 йиллари О. Шарафиддиновнинг истиқлол йилларида яратган асарларидан иборат «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» китоблари нашрга тайёрланиб, чоп этилди. 2007 йили бу китоблар Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 1991 йил март ойида ташкил этилган мактаб адабий таълимини янгилаш бўйича тузилган ижодий гуруҳга раҳбарлик қилиш менга топширилди. Ижодий гуруҳ мактабда адабиёт ўқитишининг янги концепциясини ишлаб чиқди, V-XI синф «Ўзбек адабиёти» бўйича янги дастур тузилди, шу дастур асосида ўқув қўланмалари, сўнг дарсликлар яратилди. О. Шарафид-

дино ва камина тузган ва бизнинг иштирокимида тайёрланган олий ўқув юртлири учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» республикаимизда истиқлол ғоялари билан йўрилган илк дарслик сифатида юқори баҳоланди.

Янгиланган адабий-танқидий тафаккур руҳида тарбияланган илмий кадрлар тарбиялаш бобидаги хизматларимиз хусусида икки оғиз сўз айтиб ўтай. Кафедрада 50 дан ортиқ фан доктори ва номзодлари тайёрланди. Мамнуният билан шуни тавқидлаш жоизки, Чўлпон ижоди бўйича илк номзодлик, докторлик диссертациялари айни шу кафедрада тайёрланди. Кафедра мактабидан чиққан Ҳ.Болтабоев, Д.Куронов, Б.Каримов, А.Улугов, У. Ҳамдам каби иқтидорли ёшлар бугунги кунда адабий танқидчилигимиз ва адабиётшунослигимизнинг пешқадам вакиллари бўлиб етишдилар.

Шахсан ўз фаолиятимга келганда шуларни эслатиб ўтсам, буни мақтанлишга йўмасликларини илтимос қиламан: ҳозирга қадар 500 дан ортиқ адабий-танқидий мақола, 50 га яқин китоб, дарслик, ўқув қўлланмаларим чиқди. Истиқлол йилларида «Қодирий боғи», «Уткан кунлар» ҳайрати», «Қаҳҳорни англаш машаққати», «Умидбахш тамойиллар», «Тафаккур ёғдуси», «Кўнгилларга кўчган шеъринг», «Устоз ибрати», «Янги ўзбек адабиёти», «Ижод сеҳри», «Ижодкорнинг дахлсиз дунёси», «Қодирий мўъжизаси» китобларим ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу китобларнинг аксарияти танқидчи-адабиётшунос сифатида истиқлол давридаги миллий адабий жараёни қадам-бақаддам синчиклаб кузатиб бориш, адабиётимизда пайдо бўлган янги адабий-эстетик тамойилларни аниқлаш, бугунги адабий жараёнининг назарий муаммоларини ечиш йўлидаги уринишлар натижасидир. Менинг раҳбарлигимда икки фан доктори, 13 нафар фан номзоди тайёрланди, 50 дан ортиқ фан доктори, номзодлик ишларига оппонентлик қилдим...

Қисқаси, шу пайтга қадар нимагаки эришган бўлсам, шу муқаддас даргоҳ - Миллий университетимиз туғайлидир, мен бу билан фахрланаман ва айни пайтда, бу қутлуғ даргоҳ олдида ҳали кўп қарздор жанимни ҳеч қачон унутмайман.

Қўлингиздаги китоб, азизлар, мен айни шу даргоҳда топган, ортирган устозларим, бирга ишлаган ҳамкасбларим, шу даргоҳга озми-кўпми дахлдор ижодкорлар ҳақидаги хотиралар, дил сўзлари, дархоналарда кечган нафосат гурунглари чоғи туғилган ўй-мушоҳада, мулоҳазалардан иборат.

I. УСТОЗЛАР ИБРАТИ

УСТОЗИ АВАЛ

Ёш улғайиб борган сари босиб ўтилган йўл хотиралари кўз олдингиздан ўтаверар экан. Қарангки, камина ҳам кейинги йилларда беихтиёр хотиранавис бўлиб қолибман. Қизиқ, ўтилган йўл, устозлар, тенглош-сафдошлар ҳақида битилган хотираларнинг аксарияти миллий университетимиз билан алоқалор, айни шу даргоҳда кечган воқеа-ҳодисалар, шу ердаги алабий-илмий муҳит ҳақида баҳс этади. Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Шоислом Шомухамедов, Шавкат Раҳматуллаев, Аҳмад Алиев, Лазиз Қаюмов, Раҳматилла Иноғомов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойбергенов, Иброҳим Ғафуров - шу каби устозлар, сафдошлар ҳақида сўз кетганда, ўз-ўзидан гапнинг индаллоси Устози аввал Фулом Каримовга бориб тақалади; аниқроғи, гап-сўз шу табаррук зот исми шарифидан бошланади. Яна ажаб ҳол: юқорида номлари тилга олинган дўстларимиз ҳам ўзларининг университет билан боғлиқ ҳаётлари ҳақида гап кетганда, аввало, устоз Фулом Каримовга таъзим бажо келтириб ўтадилар.

Мен устоз Фулом акадан фақат таълим олган, мумтоз адабиётимиз тарихига оид маърузаларини тинглаган, у мудирлик қилган кафедра аспиранти бўлган эл қатори оддий шоғирдгина эмас. Ўттиз йил бир жамоада бирга ишлаган, чорак аср улфатчилик қилган одам сифатида бу аъиз сиймони озми-кўнми биламан. Фулом аканинг ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, XIX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этиш, Муқимий, Фурқат ҳаёти, ижодига оид маълумотларни тиклаш, асарларини қилириб топиб, тўплаб чоп эттириш, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш соҳасидаги хизматлари кенг илмий жамоатчиликка яхши таниш. Бироқ унинг илмий ташкилотчилик маҳорати, инсоний фазилатлари, эҳти-мол, кўпчиликка маълум эмасдир.

Фулом аканинг хислат-фазилатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Шулардан айримлари, ҳаммамиз, айниқса, бутунги ва келгуси авлод учун ибратли хислатлари устида икки оғиз сўз айтсам, дейман.

Миллат равнақи йўлидаги энг хатарли иллат - маҳаллийчилик, гуруҳбошлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничиликдир. Кўрлик,

кўряпмиз: кўп соҳаларда бўлгани каби илм-фан, ҳатто муқаддас ўқув даргоҳларида шундай кимсалар учрайдики, улар илмий даражага эришишлари, бирон мансаб-мартабага кўтаришлари биланоқ атрофига ўз одамларини тўнлаб, ўзгаларни ёмонотлиқ қилиш, бошқача фикрлайдиганларнинг баҳридан ўтиш пайига тушадилар. Бутун бошли яхшигина ишлаб турган илмий-педагогик жамоа ҳаёти ана шундай кимсаларнинг макри туфайли бирдан издан чиқади, элга, ёш авлодга зиё тарқатишдек эзгу вазифани зиммага олган зиёлилар орасида қутку, сабаби нотайин, охири кўринмайдиган можаролар, ҳар хил дилсийҳликлар авж олади, баъзан бу ҳол жиддий фожиаларга йўл очади...

Қарангки, шунча йил Фулом ака билан бирга ишлаб, улфатчилик қилиб, бу одамда ўша хил маҳдуд туйғунинг бирор учкунини ҳам кўрган, сезган эмасман. Шу хил ўй-фикрни, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаган, буни ўзи учун ор деб билган. Бу одамнинг қўлида кўп қулай имконият бор эди. ТошДУ жамоаси орасида, қолаверса, республикада катта обрў-эътиборга эга эдилар. Ҳамма ерга қўллари ётарди, катталарга сўзи ўтарди. Шундай бўла туриб, бирор яқин одамини, қариндош-уруғини ўз атрофига тўнлаган эмас.

Унинг шогирд-кадрлар танлаш-тайёрлаш, кафедрага мутахассисларни ишга таклиф этиш одатини эсласам, ҳозир ҳам ҳайратга тушаман. Бу одам учун шогирд, мутахассиснинг шахсий салоқати, ўзига маслакдошлиги мутлақо аҳамиятсиз эди. Ҳатто ўзи шахсан инсон сифатида ёқтирмайдиган, бир дастурхон атрофида бирга бир пиёла чой ичмайдиган, маслағи, фикр-қараши ўзиникига зид одамларни ҳам, мабодо ўз мустақил фикри, бетакрор олимлик қиёфаси бўлса, уни далил ишга таклиф этаверар эдилар.

Елимда, бир куни Фулом ака Озод ака билан мендан Норбой Худойбергеновни суриштириб қолдилар. Биз у ҳақда билганларимизни, чунончи, Норбой хийла далил, мустақил фикрлайдиган жанговар мунаққид эканини, марказий матбуотда яхши чиқишлар қилаётганини айтдик. Айни пайтда унинг бир оз жангари-жанжалкаш, бетгачопарлиги борлигини ҳам эслатиб ўтдик. «Зарари йўқ, ҳозир адабиётшунослик учун янгича, мустақил фикрлайдиган, далил гап айта оладиган одамлар керак... Менинг номимдан уни ишга таклиф этинглар», дедилар. Оралан кўп ўтмай, Норбой университет Ўзбек адабиёти кафедрасида иш бошлади.

Бошқа улкан адабиётшуносларнинг университетга ишга келиш жараёни ҳам айни шу тарзда кечди. Ўша кезлари университет ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаган Субутой Долимов, Натан Малла-

ев, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов, Аҳмад Алиев, Бердиати Имомов, Нолир Саидов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов, Санжар Солиқ, Нурбой Худойбергенов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Ботирхон Акромов - буларнинг ҳар бири ўзича бир дунё эди. Бир қарашда, уларнинг битта илмий жамоала бўлиши, ишлаши кўнларга ғайритабиий туюларди.

Ўша йиллари кескин мунозара, тортишув, «жанг»ларсиз ўтган бирорта муҳокама, илмий анжуманини эслай олмайман. Кўп ҳолларда ёш тадқиқотчи, диссертантлар ўз устози - илмий раҳбарининг қарашларига зид фикрлар билан бемалол чиқаверарди ва бу табиий ҳол, деб қараларди.

Фулом ака меҳр-жозибаси, ташкилотчилик иқтидори билан «боши бир қозонда қайнамайдиган» бу хил забардаст олимлар бошини қовуштириб, уларнинг ақл-заковатини, куч-қувватини, фикр-хаёлини ўша давр имконияти доирасида улкан, савоб ишларга йўналтира биларди. Гоҳо тенгдош дўстлари домлага: «Бунақа «жанжалкаш» одамларни атрофингизга тўплаб, бошингизга ғавғо орттириб нима қиласиз?» - дея таъна қилишарди. Шунда у: «Қизиқсиз-а, ҳамма бир хил кўшиқни айтадиган, мудирнинг қош-қовоғига қараб туралдиган, турли қарашлар, фикрлар «жанг»и йўқ жойда илм-фан ривожини бўладими?» дерди.

Баъзи бировлар Фулом акани замон бедодликларидан юрак олдириб қўйган ўта эҳтиёткор одам сифатида таърифлайдилар ва бу ҳақда латифалар ҳам тўқиб чиқарганлар. Дарҳақиқат, домла бир қарашда ўта эҳтиёткор, андишали одам эдилар. Бироқ бу эҳтиёткорлик, асло «жони ширинлиги» оқибати эмасди. У яратган илмий муҳит ҳам бунақа сохта латифаларни бутунлай рад этади. Тоталитар тизим шароитида шундай илмий муҳит яратиш учун жуда катта жасорат, отнинг калласидек юрак керак эди.

Фулом акадаги эҳтиёткорлик ўзини эмас, балки ўзгаларни, шогирдларини, қўл остида ишлайдиганларни бало-қазолардан асраш-авайлашга қаратилган эди. Мустабид алабий-маданий сиёсат таҳдид солиб турган бир замонда бу мўътабар зот чиндан ҳам қаноти остида ишлайдиганлар, шогирдлар, жасур мунаққил-адабиётшунослар учун чин қалқон, посбон эдилар. Бунини тасдиқлайдиган сон-саноксиз далиллар келтириш мумкин.

Кафедра аъзолари орасида Фулом аканинг энг ардоқли, ўта ҳурмат қиладиган одами ҳам, айни пайтда бошига энг кўп ғавғо соладигани ҳам Озод ака эди. Озод аканинг матбуотдаги, алабий йи-

гинлардаги ҳар бир чиқиши юқори донраларда, мустабил тузумнинг садоқатли малайларни даврасида дарҳол аке-сало берар, юқоридан университет раҳбариятига қўнғироқлар бўлар, табиийки, охиروقибат бундай зугум юки Озод ака ишлайдиган кафедра мудури зиммасига тушарди.

Озод аканинг номи бир гал ёзувчилар уюшмаси съездида тилга олинди, унга жиддий ғоявий айб қўйилди. Эртаси куни Фулом ака мени ўз ҳузурларига чақириб: «Норматов, ректоратдан телефон қилишди, иккаламиз Обид Содиқовичнинг ҳузурларига кирар эканмиз», деб қолдилар. Сездимки, вазият жиддий. Домла ана шундай тигиз дамларда исмимни эмас, фамилиямни айтиб, расмий муомала қилишга ўтардилар...

Иккимиз жим, бир-биримизга бир оғиз сўз айтмай ректоратга кирдик. Ҳар доим ўрнидан туриб, бизни қувноқ ҳолда кутиб оладиган ректоримиз Обид ака бу гал ўрнидан ҳам турмай столга эгилганича ўй суриб ўтирардилар. Секингина саломлашиб бизни ўтиришга таклиф эдилар. Бир оз сукутдан сўнг Фулом акага юзданиб: «Озодга нима бўлди?! Яна қовун туширибли-ку!» деб қолдилар.

Фулом ака Озод аканинг куни кеча - съездеда танқил остига олинган мақолааси хусусида ўз билганларини айтдилар, ётиғи билан Озод акани ҳимоя қилдилар. Мен ҳам домланинг сўзларига илова тариқасида съездедаги танқил асоссиз экани, уни кимлар, қай тариқа ва нима мақсадда уюштирганликларини сўзлаб бердим. Домла Озод аканинг замонавий танқилчиликдаги хизматлари ғоят катта эканини, катта иш камчилик, хатоларсиз бўлмаслигини, бу одамни ҳимоя қилиш зарурлигини эслатдилар.

Устознинг донишмандларча вазмин, мантиқли гаплари Обид акага ўз таъсирини ўтказди, бу одам аста-секин асд ҳолига кела бошлади. «Мен ҳам биламан, - деди Обид ака қаддини ростлаб ва чехраси очилиб. - Ҳозир республикада Озодга бас келадиган танқилчи йўқ. Бироқ бир оз партизанчилиги бор-да... Озодга айтинглар, хотиржам ишлайверсин, лекин ўзига ҳам эҳтиёт бўлсин, ҳасалғўй, фаразғўйларга қўл келадиган ишлардан ўзини тийиброқ юрсин...»

Аминманки, вазият жиддий бўлган, юқоридан Озод аканинг «овозини ўчириб қўйиш» ёки унинг «бахридан ўтиш» ҳақида кўрсатма тушган. Эҳтимол, Фулом аканинг ўрнида вазиятга қараб иш кўрадиган, иродасиз, ўз жони, манфаатини ўйлайдиган бошқа бир одам бўлганида бу иш бутунлай чаппасига айланиб кетиши, университет Озод акадай ноёб истеълод соҳибидан маҳрум бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Адабиётимизнинг, адабиёт илмининг бахтига ўша йиллари адабиёт кафедраси Фулом Каримовдай бағри кенг, донишманд ноёбон, университетда эса гап уқадиган, улкан истеъдод эгалари қалрига егадиган Обид Солиқовдай танти раҳбарлар борлиги учун Озод ака омон қолди. Обид ака ўша пайтлари энг юқори донраларда ҳам гапи ўталдиган обрў-эътиборли сиймо эдилар, табиийки, у киши Озод ака хусусида гегипшли жойларда ўз фикрини ўтказа билган.

Ўзбекистон компартияси пленумида Амир Темури масаласи кўтарилди, шунингдек, «ўтмишни идеаллаштириш»га қарини кескин гаплар айтилди. Юқоридан университет олимлари, жумладан, адабиётшунослар шу масалада пленум қарорини қўллаб-қувватловчи мақола билан матбуотда чиқишлари лозимлиги ҳақида топшириқ бўлди. Домла Озод ака билан мени шу хусусида маслаҳатга чақирдилар. Сезиб турибман, домла гоёг мушкул вазиятда қолганлар. Бир вақтлар ўзлари ҳам «ўтмишни идеаллаштириш» айби аъбини татиб кўрганлар. Бунинг устига бу гап «Темурини идеаллаштириш»да айбланган Иброҳим Мўминов олимлар ичида Фулом аканинг қалбига энг яқин, ниҳоятда ҳурмат қиладиган кишиси эди... Айни пайтда бу хил жиддий топшириқлардан бўйин товлашнинг иложи ҳам йўқ.

Маслаҳатга кўра, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бир йўсинда мақола ёзиладиган бўлди, фикрларни қоғозга тушириш вазифаси менга топширилди. Мен белгиланган муддатда мақола матнини тайёрлаб Фулом акага келтирдим. Танишиб чиқиб, умуман, маъқул топдилар; бир-икки жойига қалам теккизиб, шонилмай қайта ишлагани маслаҳат бердилар. Ораладн уч-тўрт кун ўтиб, мақола тайёр бўлганини айтганимда уни матбуотга етказишга шонилмасликни маслаҳат бердилар. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Бу орада пленум шов-шувлари ҳам босила бошладди, тайёр мақолани биров эсламади, қоғоздалигича қолиб кетди... Шу тариқа узокни кўралиган донишманд алюма ўзини ҳам, бизларни ҳам бир тавқи ланнатдан асраб қолдилар. Гарчи ҳар қанча эҳтиёткорлик билан ёзилган бўлмасин, ўша мақолада, барибир, тоталитар сиёсат тазйқи асорати бор эди-да.

Фулом ака бир кун улфатлар даврасида юрак ёзиб: «Мен юқоридагиларнинг айтганига «лаббай» деб турганимда, улар билан ҳам товоқ бўлганимда, виждонни ютиб, ҳамкасбларимни сотганимда, эҳтимол, юқори мартабаларга, алақачон мухбир аъзолик, балки академиклик даражаларига кўтарилган бўлардим; саксон ёшлик онамнинг сўзларига амал қилиб ҳалол яшадим, менга бундан ортиқ

мартаба, даражанинг кераги йўқ. Ҳаётда кўп кўрдим, нопок йўл билан топилган обрў, даража ҳеч кимга татиган эмас, ҳаром луқма бир кунни, албагга, тешиб чиқадилар...» деган эдилар. Устознинг шу сўзлари бир умрга ёдимда қолган.

Бузунги кунда Амир Темур номи билан аталаётган хиёбондан устоз билан университет бинноси томон ёнма-ён ўтаётганимизда, икки ёқдан енгил машина шитоб билан кела бошлади. Йўл ўртасига етиб борган эдик. Мен нима қиларимни билмай довлдираб қолдим. Шунда домла шартта қўлимдан тутиб, яшин тезлигида олға интилдилар. Аранг кўча чеккасига ўтиб олдик. Ҳар икки томондан ўқдай учиб келаётган иккала машина ҳам нақ боя мен иккиланиб турган жойга ғийқиллаб келиб тўхтади. Агар шу тигиз дақиқаларда домла бундай тезкор шижоат кўрсатмаганида, машиналарнинг тагида қолишимиз аниқ эди. Бир оз ўзимизга келганимиздан кейин домла: «Умарали, ҳаётда, турмушда шунақаси ҳам бўлади, бундай тигиз вазиятларда фақат тезкор ҳаракат даркор, иккиландингизми - тамом...» дедилар. Кейинчалик турмушда шу хил вазиятларга дуч келганимизда дарҳол ўша воқеа, устознинг ўша дамдаги пандлари ёдимга тушади.

Ёзги таътил чоғи Гулом ака бошлиқ жўралар Оқсоқотала дам олаётган эдик. Тунда жойимизни сой бўйидаги дарахтлар орасидаги соя-салқин ўринлардан тепаликдаги очик майдонга кўчириб, юлдузлар чарақлаб турган осмон остида кўриначаларга ёнбошлаб суҳбат қураддик. Бир гал осойишта гурунг қизгин баҳс-тортишувларга айланиб кетди. Баҳс шу тариқа давом этгудек бўлса, бирор дилсиёҳлик ҳам рўй бериши ҳеч гап эмас эди. Шунда устоз кутилмаганда: «Эй биродарлар, ҳу анави думли юлдузга қаранглар», дея осмон четига ишора қилдилар. Жазавали тортишувлар бирдан тақаттахт тўхтаб, ҳаммамиз домла ишора қилган томонга аланг-жалаң тикилдик. Бир неча дақиқа ўтди, аммо «думли юлдуз»дан ном-нишон йўқ... Шунда «сир» ошкор бўлди, даврала қувноқ қаҳқаҳа янгради. Ўз-ўзидан ҳордиқ чоғи ярашмайдиған даҳанаки жанглар барҳам топди. Ҳаммамиз хушёр тортидик. Устоз ҳеч қанақа панднасихатсиз даврага бутунлай ўзгача руҳ бахш этдилар...

Ўша тунги гурунглариимизга кутилмаганда ўзини «ўрмон қоровули» деб таништирган, кўзлари чақчайган мўйловдор ширакайф бир кимса келиб қўшилди. Чақирилмаган меҳмонга ҳурмат юзасидан жой кўрсатилди, дастурхонга тақлиф этилди. У жуда гапдон экан, ҳеч кимга сўз бермай, ярим тунга қалар энсамизни қотириб, эзмаланиб ўтирди. Эртаси, индинига ҳам шу аҳвол такрорланавер-

ди. Нима бўлганда ҳам, барибир, одамнинг юзи исенқ, бу ёғи ўзбекчилик, «бас қил энди, биродар, бизни холи қўй» деб бўлмайди. Охирги тун кайфи ошиб, роса «очилди». Учта хотини, улардан йнгирма чоғли фарзанди борлиги, тоғларда мол ўғирлик қилиб, эгаларини лол қолдириши, ҳатто одам ўлдириб, изини босди-босди қилиб юборгани, яна алланималар ҳақида ҳеч тан торгмай сайрай кетди... Тоқатимиз тоқ, нима қиларимизни билмаймиз. Шунда Фулом ака кутилмаганда: «Пистолетимни палаткада, ёстигим осгида қолдирибман, бориб олиб келай», дея ўрнидан қўзғалдилар. Бу гапни эшитган «меҳмон» бирдан ҳушёр тортиб гапдан тўхтади. Шунда устоз «тактикаси» сирини пайқаган Озод ака аланг-жаланг бўлиб турган «меҳмон»га қарата: «Бу оқсоқолни ганийсизми? Фулом Каримов деган генерални эшитганмисиз?» дея савол ташлади. У ҳам бўш келмай: «Ўзларини кўрмаганман, лекин номларини, довруғини эшитганман», дея жавоб қилди. Ўз навбатида Озод ака ҳам бўш келмай: «Ўша генерал мана шу киши бўладилар», дея таъкидлади. «Меҳмон» Фулом ака ортидан олазарак кузатар экан, ҳали у киши палаткага етмай туриб, ўрнидан қўзғалди-ю, бир зумда даф бўлди. Шу тариқа унинг қораси ўчди.

Эртаси нонушга пайти тунги ҳангомаларни эслаб, кулишиб ўғирлик. Шунда Озод ака ҳазил аралаш «Қанй энди генерал Фулом Каримов номини эшитганда фақат галамис ўрмон қоровулигина эмас, алабиётшуносликдаги қаллоблар ҳам шу тариқа гумдон бўлса, афсус, бунинг иложи йўқ-да!» деб қўйдилар.

Устози аввал ана шундай табаррук сиймо эдилар. Ҳар соҳада, ҳар қаламда юксак ички маданият барқ уриб турадиган оқилона амаллари билан ҳаммамизга ўрнак бўлганлар. Шунча йил кузатиб бу улуг зотнинг киши дилига, ҳатто рақибига ҳам озор етдиган хатти-ҳаракат қилгани, малол келадиган гап айтганини билмайман. Айниқса, устознинг ҳар қандай тигиз-мушкул вазиятда ҳам нажот йўлини топа билиш санъати мени лол қолдиради.

ОДАМОХУН СИЙМО

Мен университетда Фулом Каримов, Озод Шарафиддиновдек устозлар қатори беназир одамохун сиймо Субутой Долимовдан сабоқ олиш, узоқ йиллар бир кафедрада ишлаган, бундан ҳам муҳими, у киши жўрабошилик қилган даврада ўттиз йилдан ортиқ улфат тугинини шарафига муяссар бўлганлардан бириман. Шу муътабар даврадаги гурунлар мен учун ўзига хос дорилфунун ҳаёт, ибрат, одамийлик мактаби бўлган, десам асло янглишмайман.

Машхур созанда Турғун Алиматов танбур ёки сағода, Субутой домла эса дуторда ижро этган мақом наволарни, созлар жўрлигида янграган «Диҳирож», «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Чорзарб»ларининг сир-сеҳрга тўла илоҳий ноталарининг тинглаш завқи-сурури ҳаётимнинг энг тотли, хузурбахш дақиқалари тарзида қалбимнинг туб-тубига бир умрга мухрланиб қолган. Уларни эслаганда ҳаёлан ўша эртақлардагидай гаройиб бир оламга қайтгандай бўлман...

Субутой домла билан танишганимда у киши 50 ёшларда эди. Мана, бу фоний дунёни тарқ этганларига ҳам ўн беш йилдан ошибди. Лекин мен учун бу сиймо худди тирикдай, бу табаррук зотни эсласам, кўз олдимда ярим аср бурунги қиёфада гавдаланадилар. Негалигини билмайман, бу одам нимаси биландир жаҳонга машхур «Дон Кихот» романидаги Санчо Пансани эслатарди; бўйи-басти, қиёфаси, феъл-атвори, дўстга садоқати, самимияти, вужуд-вужудига сингиб кетган табассуми, комик табиасти. Ўзигагина хос, ўзигагина ярашадиган донишмандлик билан йўғрилган соддалиги - шуларнинг ҳосиласи бўлган ёқимтойлиги ўша доврўғли асар персонажига ўхшаб кетаверарди.

Бу табаррук зот ҳақида авваллари баъзи нарсалар ёзганман, насиб қилса яна ёзарман. Устоз таваллудининг 100 йиллиги арафасида у зот ҳаёти билан боғлиқ икки лавҳани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Уларнинг бири жиддий, иккинчиси эса ҳазилга мойил.

Утган аср 60-йилларининг бошлари. Аспирантурани тугатиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, университетда иш бошлаган кезларим меъла хасталигига йўлиқиб қолдим. Маҳалла поликлиникасидаги шифокор маслаҳатига кўра укол, турли дори-дармонлар ва парҳезга қатъий риоя қилиб, икки ойча даволандим. *Ейдиган таомларим: ошқовоқ, кисел, манная каша ва қайнатма шўрва...* Ўзим хуш кўралиган палов, қазн-қарта, кабоблар қатъий ман этилган. Парҳез, дори-дармонлардан ҳеч қанақа наф йўқ. Кундан-кунга озиб-тўзиб боряман, шу муддат давомида 17 килограмм вазнимни йўқотдим. Ўша кезлари устоз Субутой ака Ҳоразмда илмий-ижодий сафарда эдилар. Сафардан қайтгач, у кишига дуч келганимда: «Сенга нима бўлди, суробнинг тортилиб қолибди-ку!» дея ҳақил аралаш даъво қилдилар. «Касаллик тарихи»мдан, қайси шифокор қўлида даволанаётганимдан хабардор бўлгач: «Роса оламига учрабсан-у, бу ношуд, чаласавот врач қиёфасидаги азройилнинг қўлидан ҳеч ким омон чиқмаган, яхшиям вақтида келганим, яна бир ҳафта- ун кун шу хилда «даволаниш» давом этганда борми...»

ледилар-у, у ёғини айтмадилар. У ёғи маълум эди. Сўнг домла сўзида давом этиб, эртага таниш бир шифокор дўсти хузурига бирига олиб боришни ваъда қилдилар.

Эртаси белгиланган вақт Хадрадаги Тоштрам дарвозаси олдида учрашдик. Тоштрам поликлиникаси биносининг иккинчи қаватига домла мададила аранг кўтарилдим. Бош врач хонаси эшиги очилганида, тўрдаги столга тирсагини тираб ўтирган, оқ халат кийган, тўладан келган салобатли бир нуруний одам бирдан ўрнидан туриб, салобатли жуссасига ярашмайдиган бир чаққонлик билан Субутой ака хузурига келиб, кучоқ очди. Салом-алиқдан кейин домла менга мезбонни таништирдилар. «Сенларга бу одам ҳақида кўп гапириб берганман, болалик дўстим Ҳожи Соли Зокиров шу киши бўладилар. Биласан, менинг ака-укаларим, келинларим ҳаммаси шифокор, фан номзоди ва докторлар. Маболо бетоб бўлиб қолсам, уларга эмас, маъна шу Ҳожига қаратаман, тўғри унинг олдига келаман». Сўнг у кишига мени таништириб, «Бу йигит менинг ўғлимдай гап. Аҳволини қара, икки ой Хоразмда юриб келсам, шу ҳолга тушиб қолибди. Тузатиб берасан, гап тамом!» ледилар чўрт кесиб.

Ҳожи ака касаллик тарихини сўраб ҳам ўтирмади, томиримни ушлаб, қорин бўшлиғимни сийпалаб, дарҳол бир қарорга келди; кутилмаганда шу кундан бошлаб уқолу дори-дармонларни, нарҳезни тўхтатамасиз, секин-аста қора кўчқор ёғи, гўштида тайёрланган паловхон тўра, қазини-қарта ва кабобга ўтасиз, овқатдан олдин ва кейин мен ёзиб берган дориларни ичиб турасиз, дея рецетнда ёзилган дориларни қайси аптекадан олишим лозимлигини тайинладди. Мабодо бир ҳафта давомида ўзгариш бўлмаса яна хузурига боришимни айтди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, ўзгариш юз бера бошладди, ишпаҳалар очилиб, рангимга қон югуриб, чинакамига оёққа туриб кетдим. Бир ҳафта-ўн кундан сўнг Ҳожи ака хузурига касалдан шикоят қилиш эмас, балки шифо учун унга ташаккур айтгани бордим.

Шу тариқа, аввало, Аллоҳ, қолаверса, отамдай азиз бу устоз қалб саховати, ҳиммати сабаб ўттиз уч ёшимда ажал ёқасидан омон қайтганман. Бунақа саховатни унутиб бўладими, ахир!

* * *

Уша 60-йиллари рўй берган устоз ҳимматига оид бошқа бир кулгили воқеа ҳам сира эсимдан чиқмайди. Эски жўва бозорининг шундоқ ёнгинасида жойлашган машҳур I-мактабда талабаларимиз педагогик амалиёт ўтарди. Педагог олим Субутой ака бу ишга

рахбарлик қилар, биз каби уч-тўрт ёш домла у кишининг ёнида синфларга бўлиниб, талабалар билан ўтказиладиган машғулотларга бош-қош бўлиб турардик. Мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси ғоят ғайратли, билимдон, тажрибали Зода опа Баҳодировани Субутой ака «ўз қизим» деб ниҳоятла ҳурмат қилар, бу опалар талабалар эмас, ёш домлалар ҳам кўп нарса ўрганиши мумкин, деб қўлоғимизга қуярди. Зода опа ташаббуси билан амалиёт чоғи талабалар иштирокида адабий анжуманлар, ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар ўтказиш одат тусига кирганди. Бир гал ёш истеъдодли ёзувчининг яқингинада нашрдан чиққан қиссаси муаллиф иштирокида муҳокама этиладиган бўлди. Муҳокамага яхши тайёргарлик кўрилди. Белгиланган вақтда муаллифни мактабга бирга олиб келдим. Субутой ака бошлиқ университет домлалари, Зода опа билан мактаб ўқитувчилари, талабалар, ўқувчилар ёзувчини қўлда гулдасталар билан кутиб олди. Муҳокама иштирокчиларининг даярли барчаси қисса билан таниш, уни аллақачон ўқиб чиқишган. Учрашув ғоят мароқли ўтди, қизгин баҳслар, савол-жавоблар бўлди. Учрашувда энг ҳаяжонли, жўшқин гапни амалиётчи талаба-қизимиз айтди. Мен уларнинг гуруҳига дарсга кирмаган эдим, факультетда кўриб юрсам ҳам уни яқиндан танимасдим. Кўринишда «Сароб»даги Мунисхонни эслатадиган бу соҳибжамол қиз, замонавий маданият, ҳулқ-атвор, билимдонликда ҳам ушдан қолишмас экан. Ҳали уйланмаган, қиз қилириб, муносибини тополмай юрган ёзувчи укам унга маҳлиё бўлди-қолди. Мендан бу қизнинг боши очикми ёки очик эмаслиги, қанақа онладан эканлигини сўради. Мен уни яхши билмаслигимни, эрта-индин, албагта, суриштириб билиб беришни ваъда қилдим. Эртасига бу «қалтис юмуш» хусусида домлага оғиз очдим. Холис хизматга ҳамиша тайёр домламыз ёзувчини мафтун этган соҳибжамол қизимизни ҳузурларига чақириб, гузаржой манзилини аниқлаб олади, кечкурун хонадонига боражагини айтади. Қиз, бир чеккаси, бундай табаррук зотнинг хонадонларига таширф буюришидан боши осмонга етади, иккинчи томондан, таширф бонси нималан иборат эканлигини билдирмай, ҳайрон бўлади.

Ниҳоят, соҳибжамол қизимиз хонадонидоғилар домламызни эҳтиром билан қарши оладилар, салом-алик, тўкин дастурхон устидаги бир пиёла чойдан сўнг домла асл муддаога ўтади, «Қизингизга совчиликка келдим, истеъдодли, келажакли порлоқ ёзувчидан, мана, китоби ҳам чиққан» деб мезбонга китобчани узатади. Мезбон ҳайрон бўлиб ёқа ушлайди, «Бўй етган қизимиз йўқ-ку! Бўлса

бажонидил гапингизни икки қилмасдим...» дейди. Шу пайт тарелкада пишириқ кўтариб кирган соҳибжамолга ишора қилиб Субутой домла «Бу-чи, бу сизнинг қизингиз эмасми!» дея каловлапиб қолади. «Бу келиним-ку, домлажон!» деганида, даврада бирдан қаҳқаҳа янграйди. Шу заҳоти мезбон хонанинг бир чеккасидаги кароватчада ўйинчоғини шилдиратиб ётган бир ёшлар чамасидаги болакайни - набрасини меҳмон ҳузурига саломга келтиради...

Эртаси куни домла бу ҳангомани сўзлаб берар эканлар «Умримда бунақа шарманда бўлмаганман» дедилар. Аслида бунақа қувноқ «шармандалик»лар домла ҳаётида кўп бўлган.

Субутой домламиз ана шунақа аломат одамохун зот эдилар...

ОЛИМ, ТАРЖИМОН, МУРАББИЙ

Шоислом акани кўп қиррала ижодкор лейишарди. Дарҳақиқат, у, аввало, адабиётшунос олим, айни пайтда нуктадон таржимон. Ўзига ҳос шоир, шу билан баробар, яхшигина носир... Унинг фаолият, машғулот доираси ҳам кенг, хилма-хил: педагог-мураббий, ношир, илм-фаннинг моҳир ташкилотчиси - кўп йиллар ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетига деканлик қилган, чет эл шарқ адабиёти кафедрасини бошқарган. Ўзбекистон Давлат нашриётида шарқ халқлари адабиёти таҳририятига мудир, анча йиллар университетга проректор бўлди. Олим бир қатор жамоат ишларини ҳам олиб борди. Совет-Эрон дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими бюроси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қўмитаси президиуми аъзолигига сайланган, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, «Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти аъзоси, ТошДУ ҳузуридаги ўзбек адабиёти бўйича ихтисослашган кенгаш раиси вазифаларида ишлати.

Хилма-хил соҳа, вазифа, машғулотлар билан банд бўлиб кетиб, ўзининг ижодий қиёфасини йўқотиб қўйган иждкорлар ҳам йўқ эмас. Шоислом ака ўзига юклатилган барча вазифаларни қойилмақом қилиб адо этар, қайси соҳага қўл урса, унга сиққидилдан ёндашар эди. Аммо Шоислом ака учун шундай бир соҳа, шундай бир ўқ бор эдики, гўё унинг бутун онгли ҳаёти, фаолияти шу ўқ теварагида айланди. У биринчи талда форс-тожик мумтоз адабиётининг мафтуни, жонкуяр тарғиботчиси, бу соҳанинг ҳақиқий билимдони бўлган. Агар сиз бу оламнинг суҳбатида бўлсангиз, қандай мавзула гап бормасин, у албатта ўрнини топиб, шарқ бадийати ҳақида сўз очар, ўз фикрининг далили учун ё Саъдий, ё Умар Хайём, ё Ҳофиз, ё Навоий, ё Жомий ёки Бедилдан бирор байт

келтириб мағзини чақиб берарди, у қандай иш билан машғул бўлма-син, ҳаёлининг бир учи ё Фирдавсий мисрасининг ўзбекча ифо-даси, ё Саъдий. Бедил байтларининг янги маъноси, талқини ёки Ҳофиз ижодининг бирор ечилмаган жумбоғи билан банд эканли-гини пайқар эдингиз.

Агар унинг кабинетига кирсангиз, иш столининг бир четида турган қадимий қўлёзмаларга кўзингиз тушарди: таъкилий иш-лардан қўли бўшаса ёки танаффус пайти келса, дарҳол ўша қўлёз-маларни титкилашга тушар, унинг дам олиш кунлари, меҳнат таъ-тили ҳамшиша ижодий ишлар билан ўтарди.

Таниш-билишлари, дўстлари унинг ишчанлигига, ўз соҳаси бобида билимдонлигига қойил қолардилар. «Шоислом билан Қора денгиз бўйида ҳам бўлган эдим, бирга ишлаган эдик, - деб ёзган эди шоир Миртемир. - Мени ҳаммавақт ундаги ишчанлик, топа-фонлик, бой қалб, маънавий давлат дол қилиб келадн» .

Шоислом акада шарқ мумтоз шеърятига мафтунлик жуда эрта уйғонган. Навоий ижодидан илҳомланиб, ўн бир-ўн икки ёшлари-даноқ шеърлар ёза бошлаган. Ўша кезлардаёқ шарқ мумтоз ала-биёти бўйича мутахассис бўлишни, ҳаётини шу соҳага бахшида этишни кўнглига тугиб қўйган. Бироқ она юрт бошига гушган оғир кулфат - Иккинчи Жаҳон урушининг биринчи кунлариданоқ ёвуз душман билан юзма-юз жанг қилди, жангда оғир яраланди, даво-ланди, яна анча вақт ҳарбий хизматда бўлди. Ўша кезларда ҳам қўлидан қалам, қўйнидан мумтоз даҳолар девони тушмади, шеър муталааси, шеър машқи давом этди. Ниҳоят, анча кечикиб бўлса-да, мақсалига эришти - 26 ёшида САГУнинг шарқ факультети талабаси бўлди. А. В. Болдирев, А.Т. Тагирджанов сингари донгдор шарқшунослардан таълим олди, университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, шарқ факультетида ишла қолди, эрон шоири Эҳсон Табари ижоди бўйича номзодлик, «Форс-тожик адабиёти мумтозлари ижодида гуманистик ғоялар тараққиёти проблемасига доир» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлади... Шу та-риқа унинг ғоят қизғин, кўп қиррали ижодий фаолият даври бош-ланди. қисқа бир муддат ичида ўнлаб илмий, бадиий, таржима китоблари, шеър ва лавҳа-ҳикоятлари чиқди, хусусан, унинг Фир-давсий, Саъдий, Умар Хайём, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Бедил ҳақидаги илмий ишлари, аруз вазни, таржима на зарияси ҳамда ама-лиётига оид кузатиш ва хулосалари, Фирдавсий «Шоҳнома»сидан, Саъдий, Умар Хайём, Деҳлавий, Жомий, Бедил асарларидан қил-ган таржималари маданий ҳаётимизда қувончли ҳодиса бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи маланияти, санъати ва адабиёти жуда қадим замонлардан форс-тожик маланияти, санъати, адабиёти билан яқиндан ҳамкорликда ривожланган, ўзбек китобхони форс-тожик адабларининг шоҳ асарларини худди ўз миллий, маънавий бойлиги сифатида қадрлаган, ўтмишда Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Ҳофиз, Жомий, Бедилни билмаган ўзбек зиёлиси деярли бўлмаган, уларни таржимасиз оригиналда ўқиб ҳузур қила билган. Айни пайтда илғор ўзбек ижодкор зиёлилари бундай улкан сўз усталари яратган санъат дурдонларини халқ орасига ёйиш, уларни ўз она тилига кўчириш учун ҳам ҳаракат қилганлар. Бироқ бу ният XX асрга келиб, тўла рўёбга чиқа бошлади, форс-тожик адабиётининг республикамиздаги тарғиботи, илмий тадқиқи ва таржимаси изчил бир йўлга тушди, хусусан, 60-70-йилларга келиб, бу иш янги босқичга кўтарилди. Шоислом Шомуҳамедовнинг қизгин ижодий фаолияти худди шу даврга тўғри келди. Шоислом ака ҳам олим-тадқиқотчи, ҳам тарғиботчи, ҳам таржимон, ҳам ношир, муҳаррир, ҳам гашкилотчи, ҳам мураббий сифатида бу ишга гоят улкан ҳисса қўшди, аниқроғи, бу ишнинг бошида турди.

Шоислом Шомуҳамедовнинг форс-тожик адабиёти мумтозлари ҳақидаги ишлари ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам гоят қимматли, олим ҳар бир санъаткор ижодига оид етакчи хусусиятларни катта билимдонлик, назик дил билан очиб берди, айни пайтда атоқли сўз усталари ижодига ҳос муштарак томонларни ҳам кўрсатди. Олимнинг уқтиришича, мумтозларни бир-бирлари билан туташтириб турган энг таъсирчан, ҳаётбахш гоявий-эстетик омиллардан бири улар ижодига ҳос гуманизмдир, тадқиқотчи мумтоз шоирлар ижодини ҳаммадан бурун худди шу гуманизм нуқтаи назаридан текширади, натижада, гуманизм тадқиқи илмий ишларининг етакчи концепциясига айланади, олим илмий ишларининг маълум синтези бўлмиш докторлик диссертацияси худди шу форс-тожик мумтоз адабиётида гуманизм масалаларига бағишланганлиги ҳам тасо-дифий эмас.

Неча йиллар, батки асрлардан бери сўз санъатининг мангулик, умрбоқийлик сири, санъат ва адабиётдаги тараққиётнинг бош омили устида баҳслар кетади, бу хусусда гоят хилма-хил, ҳаттоки зиддиятли фикрлар бор. Бир гуруҳ тадқиқотчилар, санъаткорлар чинакам санъатнинг умрбоқийлик сири ундаги гуманизмда деб билдилар, гуманизм санъат ва адабиётдаги тараққиётнинг бош омили, деб ҳисоблайдилар, гуманизм санъат ва адабиётда фақат гоявий масала бўлиб қолмай, унинг бадииятга ҳам кучли таъсир кўрса-

тувчи фактори деб қарайдилар. Менимча, бу фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Ш. Шомуҳамедов ўз тадқиқотларида айни шу концепцияга таянади, фақат форс-тожик адабиётида эмас, балки жаҳон адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган даҳо санъаткорлар ижоди мисолида. Ҳоят ёрқин далиллар асосида ўз фикрни небот этади, мумтоз адиблар учун «гуманизм - абалдийлик ялови» деган афористик илмий хулосага келади.

Шоислом Шомуҳамедовнинг таржималари пухта илмий-назарий асосга қурилган. Шоислом ака дуч келган асарни эмас, аввало, форс-тожик адабиёти мумтоз вакиллариининг энг характерли, ибратли, бугунги ўзбек китобхони учун қизиқарли, ниҳоятда азиз асарларини танилаб таржима қилди, таржима учун танилаган асарларини эса илмий асосда чуқур ўрганиб, ҳар бир сатр, сўзга жо этилган образли маънонинг тағига егиб, уни чуқур ҳис этган ҳолда ўзбекчага ағдарди. Таржимон асли шоир бўлгани, маълум шеъринг завқ, тажрибага эга экани, ўзбек адабиётини, она тилининг шеъринг имкониятларини яхши билиши таржимала унга ниҳоятда қўл келди. Ш. Шомуҳамедов бадий таржима бобида Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир каби моҳир сўз усталари билан ҳамкорлик қилиш бахтига муяссар бўлган, улардан катта қўмак, сабоқ олган таржимондир. Унинг Умар Хайём рубойларидан қилган таржималарига эса Миртемир муҳаррирлик қилган эди.

Ш. Шомуҳамедов таржималари ҳақида талай мақолалар эълон этилди. Таржималарининг аҳамияти, сифати, муаллифнинг таржимонлик маҳорағи хусусида кўп илиқ гаплар айтилди. Таржимон санъатидан далилат берувчи баъзи далиллар келтириб ўтайлик. «Шоҳнома»даги Ҳоят ҳаяжонли, таржимон учун ниҳоятда масъулиягли ўринлар - Рустам билан Сухроб тўқнашуви, ота билан ўғил жанги, ўғилнинг ота томонидан ҳалок этилиши, Сухробнинг ўз ўғли эканидан воқиф бўлган отанинг адалсиз руҳий қийноқлари, Сухроб жасади устида чеккан ноалари тасвирини эслайлик. Мана, Рустам қалб итиробларининг аке салоси бўлмиш айрим сатрлар:

Бундай иш тушганми, ҳеч кимсага, боқ!

Ўз ўғлим ўлдирдим, сочга тўшиб оқ...

Мендекни кўрганми дийдан жаҳон,

Гудак тепасида бўлсам зўравон.

Кесилса бўларди ҳар икки қўлим,

Қора ер сариға йўналса йўлим...

*Не дерман, нечун у ўлди беғунаҳ,
Нечун қилдим ёруғ айёмим сиёҳ?*

*Қайси ота қилмиш бундай мудҳиш иш?
Сазоворман қанча олсам сарзаниш.*

*Қай ота ўлдирмиш жонажон ўғлин?
Ақли, баҳодир, навқирон ўғлин?*

*У тождор бобоси эшитса магар,
Покиза онага не бўлур хабар?*

*Сам наслига нафрат ёғилур осон,
Дерлар мени бедин, беақлу имон...*

Деярли минг йил бурун битилган, чуқур инсоний дард билан йўғрилган, бугунги кунда ҳам китобхонни ларзага соладиган бу хил шоҳ сатрларни шу тарзда - асл колоритини сақлаган ҳолда ҳозирги ўзбек шеърини тилига кўчириш ҳақиқаткам иш эмас!

Ёки Умар Хайёмдан қилинган, эл орасида жула машҳур бўлиб кетган мана бу рубоий таржимасини олайлик:

*Май ичсанг оқилу доно билан ич,
Ёки бир гул юзли зебо билан ич,
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.*

Бир томондан, асл нусхадаги маънога жула яқин турувчи, иккинчи томондан, сўзма-сўзликдан қочиб, оригиналдаги сатрлар, образларга эркин, ижодий ёндашишдан туғилган бу мисралар жула катта ижодий изланишлар самарасидир.

Жомийнинг мана бу қитъаси таржимаси чинакам бадиий кашфиёт даражасидадир:

*Пўлатдан бир парча тиш билан узмоқ,
Тирноқ билан тошда ариқлар қазмоқ,
Жаҳаннам ўтига бош билан кириш,
Кўзлар милки билан олов-чўғ териш,
Юз тева юкини бўйнига илиб,
Шарқдан то Ғарбгача югуриб-елиб -*

*Бормоқлик Жомийга енгилроқ, жўра,
Пастлар миннатини тортгандан кўра!*

Нихоят, Бедилдан олинган ушбу рубойни тинглаб кўринг:

*Ўз васфида олим гуфтори қизиқ,
Ўз ишқида мажнун ашвори қизиқ.
Бу даштнинг қумлари тўзғиб битгунча
Лофу ҳангоманинг бозори қизиқ.*

Таржимон Бедилга хос мураккаб образли, тагдор, сержилло маъноли, айни вақтда ўта жозибадор сатрларни катта маҳорат билан ўзбекчалаштира олган!

Унинг қаламига мансуб шу хил таржималар, олимнинг баркамол илмий тадқиқот ва тарғиботлари гуфайли ўзбек китобхони учун нодир хазина - бой мумтоз форс-тожик адабиёти гўё янгидан кашф этилди. Шоир Миртемир Шоислом аканинг бу боралаги хизматларидан қувониб: «Шоислом улкан ва фусункор хазина эшигини кенгроқ очиб қўйгани рост. У ўша афсонавий ва бой хазина эшигида гуриб: «Қани бир кўринг-чи!» дегувчи эшик оғасига ўхшайди хаёлимда» деган эди. Ёзувчи Пиримқул Қодиров худди шу фикрни лавом эттириб дейди: «Ота-боболаримизда олат бўлган саъдийхонлик, бедилхонлик, хайёмхонлик анъаналари бугун янги бир асосда лавом эттириляпти. Яхши-яхши давраларда Ҳофиз газалларини, Умар Хайём рубойларини ўзбекча ёддан айтиб ўтирган китобхонларни кўрасиз. Шунда бу рубой ва газалларнинг тарғиботчиси ва таржимони Ш. Шомухамедовга эҳтиромингиз ошади».

Ш. Шомухамедовнинг бутун илмий, тарғиботчилик, таржимонлик ва ташкилотчилик фаолияти чуқур байналминал руҳ билан йўғрилган, ҳар қаламда унинг форс-тожик мумтоз адабиётига, бинобарин, жаҳонга буюк даҳоларни берган улуг халққа чексиз меҳр-муҳаббати барқ уриб туради. Табиийки, бу гуйгу ўзгалар қалбига ҳам кўчиб ўтди, унинг тадқиқотлари, таржималари билан танишган китобхон бир умрга шу буюк адабиётнинг, буюк халқнинг мафлуни бўлиб қолди.

Ш. Шомухамедовнинг бадий асарлари ҳам аслида шарқ мумтоз адабиётига бўлган улкан меҳр самарасидир. Унинг қўшиқ қилиб айтиладиган талай газаллари, ўқувчиларга маъқул бўлган рубойлари, лавҳа-ҳикоятлари Саъдий, Умар Хайём, Навоий, Жомий, Бедил анъаналари руҳида битилган, уларда муаллиф шарқ даҳо

санъаткорларига хос гуманистик оҳансларни давом эттиради. Чин инсонийликка ёт, инсон шаънини ерга урадиган одат-тамойилларни қоралайди, муаллиф шарқ мумтоз адабиётининг қатор ба-рқарор шаклларида бугунги куннинг гапларини ҳам айтиш, ифо-далаш мумкинлигини намойиш этишга интилади. Хусусан, унинг «Гузистон», «Баҳористон» каби маишур асарларни эслагани, ҳаётни кузатишлар асосидаги ибратли лавҳа-ҳикоятлардан ташкил тошган «Гулбо» китоби ўқувчиларга манзур бўлди, адабий танқ-илчилик унга яхши баҳо берди. Қисқаси, Шоислом Шомухамедов баъдий ижодда ҳам ўзлигига солиқ қолди, шарқ мумтоз адабиёт-ининг мафтун эганини яна бир бор намойиш этди.

Шоислом Шомухамедовнинг талқиқотчилик, тарғиботчилик, таржимонлик фаолияти республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва маишур. Унинг қатор илмий асарлари қарлош республикаларда, чет элларда ҳам нашр этилган, бу ишлар илмий жамоатчилик то-монидан ижобий баҳо олган. И. Брагинский, Д. Комиссаров, Б. Гафур-ров, Р. Ходизода, О. Шарафидинов, Иржи Бечка каби муътабар олимлар унинг ҳақида кўп илқ сўзлар айтган. Унинг хизматлари ҳам муносиб тақдирланган. Форс-тожик адабиётини оммалашти-риш, шарқшунос кадрлар тайёрлашдаги хизматларини ҳисобга олиб Шоислом Шомухамедовга 1974 йили Санкт-Петербург Давлат Эр-митажи директори, академик Б. Б. Пиагровский билан бир қаторда Фирдавсий номидаги халқаро мукофот берилди, республикада филология фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахас-сислар тайёрлаш борасидаги хизматлари учун у 1977 йили «Ўзбе-кистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан тақ-дирланди.

Олим, таржимон, мураббий учун энг катта мукофот кўлаб адабиёт ихлосмандлари ва шоғирларининг унга бўлган меҳри, миннатдорчилик туйғусидир.

ШАРҚУ ҒАРБ ТАДҚИКОТЧИСИ

Ўтган аср 50-йилларининг бошлари. Биз, Гошкент Давлат уни-верситети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) талабалари, пахта теримдан қайтиб университет аудиториясида биринчи дарсни бошлаганимиз. Рўпарамиздаги суюкли муаллимамиз Фозила Сулаймонованинг чет эллар адабиёти фанидан маърузаларини чан-қоқлиқ билан тинглаётимиз. Опамиз, одатдагидек, эҳтирос би-лан куйиб-ёниб сўзлайди: бизни Ғарб адабий дунёсига бошлайди. Оралан ўн-ўн беш минутлар ўтиб, беҳос аудитория эшиги очил-

ди, деканат ходими бош суқиб, опамизни университет парткоми йўқлаётганини айтди. Муаллима авж пардада маърузасини тўхта-тиб, бизни осойишталикка ундаб, ташқарига равона бўлди. 60 чоелн талаба билан тирбанд аудитория сув қуйгандек жимжит. Опамизнинг бу хиллаги «ташрифни» тасодифий эмаслигини ҳаммамиз биламиз, аммо бу ҳақда бир-биримизга «чурқ» этиб оғиз очиниша ботинолмаймиз. Бунақа қўққис «терговлар» шахта теримидан бурун ҳам бўлган. Гап шундаки, опамизнинг умр йўлдоши машихур педагог, олим Хамид Сулаймонов халқ душмани айби билан ҳибсга олинган, шу туфайли Фозила опа қатъий назорат, таъқиб остида, махсус ташкилот ходимлари ҳафтада, баъзан кунора университетга келиб уни тергов қилишади... Ярим соатлардан кейин опамиз ранглари ўчган, рўмолчасини дам-бадам ёнли кўзларига босган ҳолда хонага кириб келди, бир неча сония ўзига келолмай, вужуди титраб турди; сўнг ўзини тутиб олиб, маърузани келган жойидан давом эттирди... Бунақа кўнгилсиз ҳодиса ўқув йили давомида неча бор такрорланди. Мустабид ҳукмдор вафотидан кейингина бундай таъқибу таҳдидлар барҳам топди. Биз ичкарида нима гап бўлганидан мутлақо беҳабармиз. Талаба-шоғирларгагина эмас, энг яқин оламларига ҳам опамиз бу хусусда асло оғиз очмаганлигига икромимиз. Аммо «ичкари»да қанақа даҳшатли - фожей тўқнашув, драмалар бўлиб ўтганлигини юракдан ҳис этиб турардик. Опамизнинг ўшандай муҳиш кунларда ўзлигини сақлаб, давр тўфонлари чоғи капитансиз қолган оила кемасини эсон-омон олиб ўтаётгани, ҳаёт йўлдоши, устози, дўсти ишини - илмий тадқиқотларини ва муаллимлик фаолиятини мардона давом эттирганлиги чиндан-да жасорат эли.

Фозила опа маърузалар чоғи тез-тез, аммо дон-дона қилиб русча сўзлар, мураккаб жойларига келганда ўзбекча шарҳлаб, тушунтириб ўтардилар. Вилоятлардан келган русчага заифроқ талабалар қатори мен ҳам маърузаларни ўзбекча батафсил конспект қилиб олардим. У кезлари хорижий алабиёт фани бўйича дарслик, ўқув кўлланимлари йўқ ҳисоб, фақат конспектларгина имтиҳонларда қўл келарди. Орадан салкам 60 йил ўтиб ўша гоҳ оддий қаламда ёки авторучкада ёзиб олинган конспектларни варақлаб ўтириб, бир ҳолатга лол қоламан. Опамиз Фарб алабиёти устида сўзлай туриб ўрни билан уларни шарқ алабиёти, маланияти, илм-фани билан қиёслаб ўтар. Фарб билан Шарқ тамалдуни орасидаги муштаракликларни эслатар, опа келтирган аниқ далиллар, қисқа-лўнда таҳдиллар бизни ҳайратга соларди. Бизнинг ўлкада ҳам қадимда

Ғарбни лол қолдирган. Ғарб тамаддуни ривожига кучли таъсир кўрсатган адабиёт, санъат, фан дурдоналари борлиги биз учун чиндан-да ҳайратомуз ноёб мўъжиза бўлиб туюларли ўша кезлари. Кейинчалик билсак, бу фанда компративистик - қиёсий метод деб аталар экан. Ўнг ажабланишни жиҳати шундаки, ўша кезлари шўро фанида бу метод қатагонга учраган эди. Биргина мисол. 1947 йили В. Жирмунский билан Ҳ. Зариповнинг Москвада чиққан «Узбекский народный героический эпос» китобида «Алпомиш» достони қадим юнон эпоси «Одиссея» билан қиёсий таҳлил қилиниб, бу икки буюк баъний обида орасида кўплаб муштаракликлар борлиги айтилгани учун талқиқот муаллифлари таъқибу таҳдидга дучор бўлган эдилар. «Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 2-сонида босилган «Адабиётшуносликда космополитизмга қарши» сарлавҳали мақолада муаллиф В.Жирмунский билан Х. Зарипов А. Веселовскийнинг реакцион методига таяниб, адабиётни «социал мундарижалдан, адабиётшунослик фанини эса социал курашдан, жамиятдаги синфлар курашидан бутунлай ажратиб кўйиш» йўлидан борганликда айблайди; бу билан улар «ирқчи фашистларга, бутун дунё устидан ҳукмронликка интилаётган Америка империализмига ёрдам беради. Веселовскийнинг совет адабиётшунослигига кириб олган вакиллари ана шу империалистларга хизмат қиладилар», дея ҳукм чиқарали.

Ана шундай даҳшатли дағдағалар ҳовури ҳали босилмаган кезларда «адабиёт фанини социал курашдан, жамиятдаги синфлар курашидан ажратиб», Шарқу Ғарб орасидаги муштаракликларга тортиш чиндан-да илмий жасорат эди! Опамизнинг ўзлари кейинчалик чоп этилган «Шарқ ва Ғарб» китобларига ёзган сўз бошисида кўп йиллар давомида Тошкент Давлат университетида чет эллар адабиётидан дарс ўтиб, талқиқот олиб борар экан, Шарқ ва Ғарб маданиятлари ҳамда адабиётлари орасидаги муштараклик ҳамиша ўзини қизиқтириб келганлигини эътироф этадилар. «Аmmo илмий адабиётда бу ҳолатни ёритувчи асарлар яқин вақтгача ёзилмаган. Борлари ҳам кўпинча европацентризм нуқтаи назаридан, Шарқ халқлари, Марказий Осиё халқлари маданиятини менсимаслик нуқтаи назаридан факт ва воқеаларни талқин қилади», деб ёздилар афеус-надомат билан.

Халқлар кечмиши, тарихини суриштирмай, ўтмишимизни нуқуд зулмат, мулҳиш қоқоқлик, диний жаҳолатдан иборат, деб аташга кескин қарши эди опамиз. Айниқса, ўтмишда «халқимиз саводсиз, ялангоёқ бўлган» деган иснодларга асло тоқат қилолмасди.

Ҳар кун радио орқали айтиладиган кўшиқда «Ким эдик тарихда биз номи қул, қаншоқ, гало» сатрлари бонг уриб турган кезлари опамизнинг маърузаларида ҳеч қанақа шиорбозлик, тарафқашликларга бормай, аниқ далил-исботлар орқали табиий равишда «Шарқ адабиёти - маданияти илмор Фарб тамаддуни билан тенг» деган эзу юя қалбларимизга синдирилларди. Ўттиз йил қалбила ардоқлаб юрган, дархоналарда суюкли шоғирдларигагина раво кўрилган ана шу эзу фикрлар, тўнланган бой материаллар, дил сўзларини матбуот орқали айтиш имкони йўқ эди ўша замонларда. Ниҳоят, истиқлолимиз эълон этилган кундуғ 1991 йилди «Фан» нашриётида ўша кўнгилдаги хазина «Шарқ ва Фарб» номи остида китоб бўлиб чиқди. Ниҳоят, 1997 йилди у янада такомиллаштирилган, янги сатмоқдор қисм билан тўлдирилган ҳолда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди. Фозила опамизнинг ўзбек ва хорижий тилларда чиққан қатор илмий мақолалари, «Шекспир Ўзбекистонда», «Люсьен Левен» монографиялари, у нашрга тайёрлаган «Навой асарларига ишланган расмлар», «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар», «Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар» альбомлари ўзимизда ҳам, жаҳон илм аҳли томонидан ҳам эътироф этилган. Шундай бўлса-да «Шарқ ва Фарб» олиманинг бош китоби бўлиб қолажак. Айни шу Шарқ ва Фарб алоқалари соҳасидаги тадқиқотлари учун олима мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун», Франциянинг «Академия пальмаси» орденларига сазовор бўлган. Бу китобнинг беқиёс, ибратли жиҳатлари кўп. Улардан айримларини айтиб ўтсам, дейман.

«Шарқ ва Фарб», аввало, адабиётшунос олиманинг асари, муаллиф биринчи галда, Фарб ва Шарқ адабий алоқаларини тадқиқ этишга жазм этади. Аммо бу жиддий муаммони соф филологик йўл билангина ҳал этиб бўлмаслигини назарда тутиб, уни Шарқ ва Фарб орасидаги тарихий-ижтимоий, илмий-фалсафий, диний, маданий алоқалар билан боғлиқ ҳолда кенг кўламда текшириш йўлидан боради. Бу соҳаларга доир ўзимизда ва хорижда кўнлаб тилларда яратилган бир неча юзлаб манбаларга таянган ҳолда мулоҳаза юрилади. Бугина эмас, айни пайтда у таржимашунос, манбашунос-матншунос, санъатшунос сифатида ҳам иш кўради. Олима тадқиқида Шарқ ва Фарб тарихий-ижтимоий, илмий-маданий, адабий алоқалар кўлами, бир-бирига таъсир доираси шу қадар кенг, самаралорки, улар билан танишган китобхон ҳайратдан ёқа ушлайди; «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган доно нақлнинг ҳақлигига чин дилдан яна бир бор иқрор бўлади.

Афсус, бугунги ёш тадқиқотчиларда маъна шундай кўламдорлик, турли ёндош соҳалардаги манбалардан хабардорлик, турли-туман нишончли фактлар тили билан сўзлаш маҳорати етишмайди. Ахир ҳар қандай эзгу даъво атрофлича исботини топгандагина илмий-маърифий қимматга эга бўла олади.

Китобда Шарқ ва Ғарб маданий-адабий алоқалари талқинидаги холислик асарга алоҳида жозиба бахш этади. Муаллиф европацентризм ғоясини асосли равишда рад этади, шу билан баробар, ҳеч қачон Шарқ билан Ғарбни бир-бирига қарама-қарши қўймайди, бириши устун санаб, иккинчисини камситмайди. Ўз навбатида, алолат кўзасидан ҳар бир халқ маданиятида юксалиш ва таназзул давлари бўлганлигини очиқ-ойдин айтаверади. Бирор миллий адабиётда пайдо бўлган буюк ихтиро, мақбул тажрибаларнинг бошқа халқлар адабиётига кўчиб ўтиши, янги-янги иланишлар, кўтарилишларга туртки бериши табиий бир ҳол эканини Шарқ ва Ғарб маданияти, адабиётининг кўп асрлик тарихи мисолида аниқ далиллар орқали кўрсатади.

Чунончи, китоб муаллифи антик адабиётда Марказий Осиё мавзусига оид кенг маълумот, мулоҳаза-мушоҳалалардан кейин Александр Македонский ва унинг Марказий Осиёга юриши, Ғарбда яратилган Александр ҳақидаги асарлар ва шоҳ образининг эволюцияси, сўнгра Александр Македонский тимсолининг Шарқ адабиётидаги талқинлари хусусида батафсил тўхталади. Бу мавзуга оид асарлар орасида ҳазрат Навоий қаламига мансуб «Салди Искандарий» дostonидаги талқин ўзига хос, бетакрор, бугундай янгича экани очиб берилади. Улуғ дostonнавис «Салди Искандарий» га қўл уришдан олдин бу тарихий сиймога оид кўпилаб тарихий ва адабий манбалар билан танишиб чиққан; ўз дostonида уларни мутлақо такрорламаган ҳолда, тамомида ўзгача йўлдан борган. «Салди Искандарий» тарихий асар, жангнома ҳам эмас, шоҳ биографиясини ҳикоя қилувчи солнома ҳам эмас, унда шоҳ образини идеаллаштириш ҳам йўқ. Дostonнавис тарихчи эмас, даҳо шоир-ижодкор сифатида Искандар тимсоли орқали ўзини, замондошларини қийнаётган, ҳаяжонга солаётган маънавий-ахлоқий муаммоларга эътиборни тортади. Шоҳни олдин шахс, тирик инсон сифатида кучли ва ожиз томонлари билан кўрсатади, унинг кечмиши, қилмиши, қисмати баҳонасида башарият учун мангу ибрат, сабоқлар чиқаради. Буюк шоирнинг ижодий кашфиётини олима ана шулардан қилдиради.

Ғарчи «Шарқ ва Ғарб» китобида илгари сурилган бундай тал-

қининг бугунги замонавий адабиётимиз учун аҳамияти ҳақида гапирилмаган бўлса-да, хушёр китобхон бунни юракдан сезиб, ҳис этиб туради. Ҳазратнинг бу борадаги ижодий сабоғи замонавий тарихий романчиликмиз учун қўл келганлигини тасдиқлайдиган ёрқин мисоллар кўп. Чунончи, Одил Ёқубов «Кўҳна дунё» романида айни шу йўлдан борган. Ёзувчи «Тарихчи олим иши тугаган жойда ёзувчининг иши бошланади» деган нақлга амал қилиб, романда тарихий шахслар - Ғазнавий, Беруний, Ибн Синолар биографиясини батафсил ҳикоя қилиш, тарих ҳақиқатини айнан қайта гавдалантириш эмас, бу буюк сиймолар орасидаги мураккаб, чингал ва кескин драматик муносабатлар ифоласи, балиий талқини орқали ўқувчини қалбларини ларзага соладиган жонли манзаралар оламига олиб киради; ҳодисалар моҳияти - бу кўҳна дунёнинг ҳамма замонлар учун сабоқ, ибрат бўладиган аччиқ ҳақиқати устида ўйлашга, фикрланишга, баҳслашишга ундайди. Эҳтимолки, бир вақтлар миллий университетимизда таълим олган, Фозила онамининг маърузаларини тинлаган адабимизга кейинчалик «Кўҳна дунё» устида ишлаган чоғларида муаллиманинг «Садди Исқандарий» хусусида айтган мулоҳазалари асқотган бўлса, ажаб эмас.

Ниҳоят, «Шарқ ва Ғарб» китобининг яна икки муҳим жиҳати-га ўқувчилар эътиборларини тортмоқчиман.

Китобнинг 213-саҳифасида олима ҳозирги жаҳон тамаддуни инқирози хусусидаги баҳслар устида сўз очиб, мана бундай мулоҳазаларни ўртага ташлайди: «Сўнгги йилларда Овруподаги у ёки бу мамлакатнинг донишмандлари маданият кризиси, танглиги, инсоният боши берк кўчага кириб қолганлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Бу кризис маданият кризиси эмас, балки рационализм, материализмга асосланган маданият танглиги деб ўйлайман. Большевиизм, коммунизм мафкурасида оламлар абстракт тафаккур, яхшилик нимала, ёвузлик нимала эканлиги ҳақида бош қотиришдан маҳрум бўлдилар. Натижада маънавий дунёмиз қашшоқлашди, ҳалол-ҳаромини унутдик, ҳамма нарсага эътиборсиз бағритошга айландик.

Ўтмишдаги буюк зотларнинг геннализми рационализм ва материалистик таълимотни ислом динига ҳос бўлган сирли борлиқ, ҳаёт, инсон ҳар бир ҳодиса ва шахсга ижодий ёндашувни тасаввуф фалсафаси билан уйғунлаштирганлар. Шу тариқа улар фанда буюк кашфиётлар яратишга муваффақ бўлганлар».

Нақалар теран, ўй-мулоҳазаларга ундовчи ибратли мулоҳазалар!.. Китоб интиҳосида олима унда қўйилган муаммоларни бир

китоб доирасида атрафлича ҳал этиш асло мумкин эмаслигини, бу қўллуғ иш давом эттирилиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтали. Президентимиз И.Каримов «Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарурлигини, бу масалага бугун етарлича аҳамият берилмаётганлигини таъкидлаб, қуйидаги вазифаларга эътиборимизни жалб этадилар: «Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашли, хориждан биз нималарни ўргатишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин - бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намойён этишда қатта аҳамиятга эга эканини донмо ёдла тутишимиз лозим... Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албатта ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият гоёт зарур. Шунинг учун унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи - худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди».

«Шарқ ва Ғарб» китоби муаллифи бу борада бошлаб берган тажрибаларини янги босқичга, янада кенгроқ миқёсларга кўтаришда Президентимизнинг маслаҳатлари адабиётшуносларимиз учун дастуриламал бўлажак.

«АВВАЛ КАЛОМ!..»

Менинг Миллий университетдаги талабалик йилларим 1952-1957 йилларда - тоталитар режимнинг тафаккурдаги асоратлари, ақлдапарастлик энг авжига чиққан ва догмастик қарашлар тагига сув кета бошлаган бир даврда кечган. Биринчи иккинчи курсларда ўқиган кезларимиз дарсликларда, жумладан, «ВКП(б) тарихи»да ёзилган барча гапларни ҳақиқат деб билганмиз. Тил ва адабиёт дарслари тўққизинчи сўбатдан иборат бўлган, «Тилшуносликка кириш» фанида фақат тил ҳақида марксистик таълимот ва тилшунос Маррнинг хато қарашлари хусусида маърузалар эшитганмиз. Кейинчалик секин аста бошқача гаплар чиқа бошлади. Саргайиб титилиб кетган, махсус идораларнинг гасидигидан ўтган маъруза матнларини бош кўтармай ўқиб берадиган, аннотсиони, диктовка қилиб ёздирадиган домчалар ҳам (дарвоқе, у вақтда устозларни «домла» дейиш гуноҳ саналарди) матндан бош кўтариб, ўз сўзларини айта бошлади. Шу орада яқиндагина фан номзоди дипломини олган ёш тилшунос Шавкат Раҳматуллаев «Ҳозирги ўзбек адабий тили»дан бизга дарсга кирди. Ҳеч қанақа маъруза матни-ге нисси тил илми-

дан сўз бошладди. Унинг маърузалари тилшуносликка оид китоблардаги гаплардан бутунлай бошқача эди. Шу пайтга қадар она тили фанидан билганларимизни - сўз туркумлари, гап бўлаклари ҳақида биз ёд олган қоидаларнинг ҳаммасини бирин-кетин чирпирак қила бошладди. Шавкат домла она тилимизнинг бойлиги аслида рус тилшунослигидан олиб ўзбекчалаштирилган андозаларга асло енгмаслигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар орқали кўрсатиб, ишбатлаб берар эдилар. Бошда домланинг бу хилдаги ғаройиб дарслари, илмий жасорати ҳаммамизни довлатратиб қўйди, домладан шикоят қилиб, деканатга кирганлар ҳам бўлди. Кейинроқ бошлан дўшани олиб, мушоҳада қилиб кўрсак, устознинг даъволарида жиддий асос бор экан; тил илмида ҳам ўйлаб кўрадиган, баҳолашадиган муаммолар бисёр экан. Секин-аста Шавкат ака ёнига ундан таълим олган Ожод ака, сўнг Матёқуб Қўшжоновлар қўшилди. Сокин дарсхоналар баҳс-мунозаралар ўчоғига айланди. Шу тариқа кўплар қатори шахсан мен ҳам филология илмида масалаларга таъкидий, ижодий ва мустақил ёндашиш сабоғини илк бор Шавкат домладан олганман. Дадил айтиш мумкинки, Шавкат Раҳматуллаев устози буюк тилшунос олим Аюб Ғулом қаторида тубдан янги-ланаётган миллий тилшунослигимиз ва тил таълими соҳаси сардорлариландир.

Тақдирни қарангки, Тошкент зилзиласидан сўнг Талабалар шаҳарчасида университет домлалари учун қурилан уйда Шавкат ака оиласи билан қўшни бўлиб қолдик. Устознинг умр йўлдоши Паттихон ая кейинчалик ўзбек аёлларидан биринчи олима, академик бўлиб етишган Раҳима Аминованинг дугонаси эди. Бу икки қўқонлик дугонанинг бири тошкентлик улкан филолог олим Солиқ Азимов, иккинчиси эса ёш тилшунос олим Шавкат Раҳматуллаев эътиборини қозонди, шу тариқа улар оила қуришди. Раҳима опа-ку илм-фан йўлидан кетди, истеъдодли кимёгар Паттихон ая эса заҳматкаш тилшунос Шавкат ака, биргина қизи Жамила тақдирини деб, улар учун бутун умрини фидо этди. Паттихон ая ниҳоятла назикгаб, озода, пазанда аёл эдилар. Бу камтарона хонадон бамисоли тартиб-интизом, саранжом-сарништалик истеҳкоми эди. Устоздан шиттиб эдим: 50 ёшга қадар уйланмай юрган устоз Аюб Ғулом бир гал унинг хонадонига келиб, бу ердаги саранжом-сарништаликни кўриб, ҳазил аралаш: «Паттихондай келин топилганида, шу бугуноқ уйланардим» деган экан. Шавкат акадаги ноёб истеъдодни, унинг чинакам фан олами эканини теран англаган аёл уни бетиним илм-фан йўлига ундаган, ўйлаш, ишлаш, ижод

этиш учун оилада барча шароитни муҳайё этган. Ҳатто Москвага бир йиллик аспирантура курсига борганда ҳам ёнида бирга бўлган.

Саккиз йил «дом»да, сўнг 1975 йилдан Беруний маҳалласида Шавкат ака оиласи билан бир кўчада яшаб, салкам ярим асрдан бери университетда бирга ишлаб кўп кузатганман: Шавкат акадай меҳнаткаш заҳматкаш олимни кам кўрганман, оиласи билан бир марта Кавказ, икки марта Чимкент сафарида бўлганини мустасно этганда, курортларда дам олганини, таътил ойлари ҳордиқ чиқарганини билмайман. Аллоҳ унинг танини пўлатдан яратганми, деган ҳаёлга борасан киши. Кўз тегмасин, саксон ёшга етиб, бирор жиддий ҳасталикка учрамаган, дори-дармон, укол олган, касалхонада даволанган эмас. Гинимсиз меҳнат-ижод, меҳнат-ижод, соғлом тан, соғлом ақл, ади қомат... «Дом»да турганида хорлиқ пайтлари «дом» ёнидаги мўъжазгина томорқала, маҳаллага кўчиб ўтгандан сўнг эса нукул ҳовлисида куймаланиб экин-тикин, довдарахтлар парварини билан овунади. Келли ойи вафотидан кейин эса оилавий юмушлар, икки набира тарбияси билан асосан ўзи шуғулланди. Ёнг муҳими, шу юмушлар жараёнида ҳам илмий фаолият бетиним лавом этади. Устознинг эътироф этишича, кўнлаб илмий муаммолар ана шу жараёнда ҳаёлан кўнгида ечимини топади.

Халқимизда «Аввал гаом, баъдаз калом» деган матал бор. Шавкат ака билан дийдорлашганимизда бу маталга бир оз таҳрир киритилади: устоз би чиқиға ташриф буюрганларида ёки мен уларнинг хонадонида бўлганимда аввал калом, сўнг таом русумига амал қилинади. Тил ва адабиёт илми янгилликлари, муаммолари устида даррлашиб кўпинча «таом» унутилади. Соатлаб баҳслашамиз, гапимиз асло ало бўлмайди. Аслини олганда, домла учун калом ҳаётда ҳамма нарсадан устун турди.

«Филология» юнунча «сўзга шайдолик» дегани. Шавкат ака бу ёруг дунёга сўз шайдоси бўлиб келди, болалигилан сўз сеҳри, унинг фаройиб шевалари кўнглини ром этди. У эсини таниб, одамлар орасида юриб, китоб титиб, она тилининг ҳали қоғозга тушмаган қанчадан-қанча сўз, иборалари, ўрганилмаган, кашф эгилмаган қонун-қоидалари борлигини англади. Халқ оғзидан эшитган, оҳори тўкилмаган сўзлар, адабий-расмий ёзма тил билан оғзаки нутқ орасидаги тафовутлар, шева хусусиятлари, ҳатто жаргонлар, порнографик иборалар - буларнинг барчаси уни ҳайратга солар, ўйга толдиради. Жаҳон тилшунослигида она тилидаги бу хил муаммолар батафсил ўрганилган, ҳатто порнографик сўзларнинг лугати

тузилган, улар устида талқиқоғлар олиб борилган... Шавкат акани бошлаёқ она тилимизининг латофати, нафосати қишлоқтиради. «Сўз кўрки - мақол» дейдилар. Тилдаги афкори эллар, фразеологик бирликлар эса мақолнинг эгачилари. Унинг илк илмий талқиқоти она тилимиздаги фразеологик бирликлар муаммосига бағинишди. Олим тилшуносликда кириб бормаган соҳа деярли йўқ, бироқ унинг диққат-эътибори кўпроқ амалиётга қаратилди. «Ўзбек тилининг фразеологик луғати», «Ўзбек тили антонимларининг ишхўли луғати», «Ўзбек тили омонимларининг ишхўли луғати», «Ўзбек тили антонимларининг ишхўли луғати», «Ўзбек тили омонимларининг ишхўли луғати», «Ўзбек тили антонимларининг ишхўли луғати», «Ўзбек тили омонимларининг ишхўли луғати» (туркий ва араб сўзлари), ўнлаб дарслик ва қўлланмалар, яқка ўзлари ижод этган олий ўқув юрглари учун тўдан янгича «Хозирги алабий ўзбек тили» дарслиги - буларнинг ҳар бири бир олим умр бўйи ало этиши мумкин бўлган фундаментал ишлардир. «Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар)» китобига илова тариқасида чоп этилган «Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами» талқиқотининг ўзида, мутахассислар фикрича, бир эмас, бир неча докторлик диссертациясининг «юк»и бор.

Шавкат ака, бир қараида, у қалар сўна чечан, «гапга тўн кийдирадиган» ноқиқлардан эмас. Унинг содда, вақмин, ўта оригинал мулоҳазалари ҳушёр тингловчиларни ҳаминша ўзига ром этади. Ҳар бир масалага унинг ўз қараиши бор. Улар сизни ўйлашга, баҳс-мунозараларга ундайди. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида икки йил кетма-кет янги ташкил топган Нукус университетига маърузалар ўқиш учун бирга борган эдик. Шавкат аканинг дарсларида талабалардан ташқари, домлалар, қолаверса, бошқа фан соҳалари олимлари ҳам иштирок этарди, дарс охирида эмас, давомида саволлар ёғилиб кетарди, бирорга савол жавобсиз қолмасди. Домла фақат ўзбек тили эмас, бошқа туркий тиллар, қолаверса, рус тилининг улкан билимдон эгани билан тингловчиларни лол қолдирарди. Шоғирдларидан бири «Шавкат домла маърузаларидан кейин аудиторияга киришга лондираб қоламиз» дегани эсимда...

Домланинг ўзбек тили ва тилшунослигимизнинг долзарб мунозарали масалаларига оид илмий маърузалари ва матбуотдаги чиқишлари, чунончи, «Сўз ишлатишнинг матбуотдаги бир кўриниши», «Яратишми ёки тузатишми?», «Миллий алифбомиз мукамал бўлсин», «2400 сўз тақдир» сарлавҳали мақолалари кенг жамоатчилик орасида жиддий шов-шувларга сабаб бўлган. Шавкат Раҳматуллаев, айниқса, лотин алифбосига асосланган янги ўзбек

ёзувини ишлаб чиқди ва такомиллаштириши йўлида катта жонбозлик кўрсатиб, шоғирди академик Азим Ҳожиёв билан ҳаммуаллифликда тузган «Ўзбек тилининг имло луғати» шу кунларда миллат индустрияси билан ҳам биргаликда чоп қилинган. Бу китобнинг тарқатиши ва қўлдан келиши билан ҳаводек беиннат хизмат қилмоқда.

Шавкат ака ниҳоятда беозор, бетараф одам бўлса-да илм-фан бобида бир оз ўзар, ўз сўзида қағний турадиган, қалби қаллобликни сиздирмайдиган ҳалол, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ўта талабчан одам. Ҳайрон қоласан киши, шундай одамнинг ҳам ғанимлари бор эди; уларнинг андишасизларча гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона фитналари, ҳамталари туфайли бу филолий олим кўп азиялар чекади, бунақа ҳамталар фақат ўзигагина эмас, беғуноҳ шоғирларига ҳам панд берди. Аюб Ғулом қатори замонавий миллий тилшунослик сардори ҳисобланмиш бу улўф зотнинг меҳнатлари узоқ йиллар сояда қолиб кетди. Илоҳий адолатни қарангки, пировадилда, ҳаммаси ўз жойига тушди, аслида илмдан йироқ ғаламислар алақачон унутилиб кетди, чин олим Шавкат домланинг шуҳратига эса шуҳрат қўшилиб бормоқда. Тутилган кунининг 80 йиллиги арафасида олимнинг Республикамизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши бу хил адолат тантанасининг ёрқин бир таслиғидир.

МУНАҚҚИД ЖАСОРАТИ

2009 йил баҳор айёмида таваллудининг 80 йиллиги нишонланган Озод Шарафиддинов ярим асрлик меҳнат ва ижод фаолияти давомида муаллим-мураббий, мунтаққид, публицист, таржимон, муҳаррир сифатида миллият маънавий-маданий ҳаётида ёрқин из қолдирди. Президентимиз айтганларидек, у ҳаётида ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юрдошларимиз, авваламбор, ёшларимиз учун ибрат намунасига айланди.

Бу улкан зотнинг мустақиллик йилларида, айниқса, оғир ҳас-талikka чалинган кезларидаги ижодий шижоати тарихда сийрак учрайдиган ноёб ҳолиса. Шу йиллар давомида ярагган асарларининг ўзи ярим асрлик бой ижодий меросининг учдан икки қисмини ташкил этади. Яна бир характерли жиҳати, дард билан олишувлар асносида қозоғга тушган битиклар ҳаётга, эл-юртга, адабиётга чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилгандир. Устоз ижодий фаолияти ва меросининг ҳар бир қирраси алоҳида олам; фаолият соҳаларининг ҳар бирида бу зот, чунончи, бир етук муаллим ёхуд бир етук публицист, таржимон, муҳаррир умри давомида яришиши мумкин бўлган мақомларга кўтарилган эди. Аммо унинг ада-

биёт илми, адабий танқид соҳасидаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Мунаққил Озод Шарафиддинов миллий танқидчилик майдонига, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, чақмоқдек яшнаб, момоқалдироқдек гулдурас солиб кириб келди, ярим аср давомида у танқидчилигимизнинг карвонбошиси бўлиб қолди; унинг саъй-ҳаракати туфайли танқидчилигимиз тарихида туб бурилиш, янги босқич бошланди, ўзига хос мактаб яратилди. Бу мактаб аҳамияти, кўламини тасаввур этиш учун ўша пайтга қадар танқидчилигимиз босиб ўтган йўлга, ўша кезлардаги вазиятга бир қур назар ташлаб ўтайлик.

Тарчи адабиётшунослик бобида бой тажрибаларимиз бор бўлса-да, замонавий танқидчилик бизда кейинроқ, ўтган аср бошларида майдонга келди. Бошда мунаққиллик вазифасини янги адабиётнинг асосчилари Қодирий, Чўлпон, Фитрат, кейинроқ, Ойбек, А. Қаҳҳордек сиймолар адо этдилар. Бироқ улар янги замон адабий ҳаракати учун бу кифоя қилмаслигини, махсус профессионал танқид ҳам зарурлигини яхши билардилар. Уларнинг малакали мунаққидлар тарбиясига нақалар катта эътибор берганликлари тарихдан маълум. Бунинг учун Абдулла Қодирийнинг Сотти Хусайнга, Чўлпоннинг Валуд Маҳмудга бўлган умиди, эътиборини эслаш кифоя.

Минг афсус, шўро адабий сиёсати, мамлакатда авж олдирилган синфий-мафкуравий курашлар жазабаси туфайли 20-йилларда истеъдодли мунаққил сифатида тан олинган Валуд Маҳмуд сиёсий жазаваларга дош беролмай, танқид майдонини эрта тарк этди. Бошда чин нафосат кашшофи сифатида танила бошлаган А. Саъдий, Қодирий катта умид боғлаган С.Хусайнлар вульгар социологизм йўлига тушиб олдилар. Бошқаларнинг қисмати ҳам деярли шу хилда кечди. Танқид чин истеъдодли, чин санъат асарини, тўзалликни кашф этишдек бош вазифасидан чекиниб ғоявий-синфий, сиёсий демагогия йўлига тушиб олди. Янги ўзбек адабиётида пайдо бўлган ноёб истеъдодларни, ноёб санъат дурдоналарни - Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон лирикасини, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Сароб», кейинроқ, «Кутлуг қон», «Навой», «Жаллолиддин» сингари асраларни китобхон байрамдек хуш қабул қилди, аммо жоҳил танқид «найза» кўтариб қарши олди; барчаси уркаттак қилиниб, улар устидан сиёсий ҳукмлар ўқилди. Бу хил жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ўта хатарли эди ўша кезлари. 30-йиллар жазабаси пайтида бу мудҳиш кампанияга қарши буюк сий-

мо Ойбек «Танқид соҳасида саволсизлик ва ур йиқитчиликка қарши ўт очайлик!» дея ҳайқирди билан чиқди. Аммо унинг назарасини эшитадиган бир ют тошилди. Аксинча, жасур алибининг ўзи «ур калтакчи»ларнинг ҳамласига дучор бўлди. Бу жазва гоҳ кўтарилиб, гоҳ бир оз юмшаб ўтган аср ўрталарига қадар лавом эди. Шу тариқа, айрим истеъноларни, масалан, Ҳ. Ёқубов ва А. Алимуҳаммедовнинг баъзи мақолаларини ҳисобга олмаганда, адабий танқид ўттиз йил давомида зиммалаги бош вазифасини адо этолмади, асосан, чин истеъодлар, асл асарлар шаънини топтаб, қатағонлар «тегирмони»га аниё тайёрлаб бериш билан банд бўлди.

Мустабид ҳукмдор вафотидан кейин жамият маънавий ҳаётида юз берган ўзгарниш, инсбий илқлик, эркинлик шабалалари таъсирида миллий адабиётимиз ривожига бошланган янги тўлқин, янги авлод ижодкорлари сафида мунаққид Озод Шарафилдинов ҳам бор эди. Ёш мунаққид ана шу тўлқиннинг олинги сафида борди, биринчи қаламлариданоқ сўз санъатидаги соғлом кучлар, асл асарлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъодларнинг кашфиётчиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Унинг «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон - қалб - поэзия», «Ниҳоллар» мақолалари шеърятни, адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишининг ёрқин намуналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида мигги колдулар - Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар пайдо бўлганида, бу истиқболни порлоқ чин истеъодларни илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга уналди. Устоз ва сафдошлари - Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов каби даврнинг пешқалам алиблари қалами остидан чиққан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг олдидан баҳосини олар эди. Мана шу жараён мунаққиднинг вафотига қадар лавом эди. Ярим аср мобайлида миллий адабиётимиз бўстонидан пайдо бўлган бирорга ёрқин истеъодли асар унинг эътиборидан четда қолган эмас.

Шу билан баробар, мунаққид устози Абдулла Қаҳҳордан руҳланиб адабиётдаги халтурага, ўртамиёначиликка қарши мардона курали олиб борди. 40-50-йилларда кенг тарқалган ўта сиёсатлашган, нуқул мустабид тузум мафкураси тарғиботида қаратилган қуруқ риторика, ваъхонликдан иборат «шеърят»нинг авра-астарини очиб ташлади, улардан қўлаб намуналар келтириб, «Шеърми шу асарлар, поэзия борми уларда?» деган кескин саволни қўяди ва

тераи илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ва мангик асосида «Йўқ!» дея жавоб бера олли. 50-йиллар шароитида бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди. Чунки кескин танқид остига олинган «шеърлар» муаллифлари унча-мунча ҳаваскор қаламкаш эмас, даврнинг донгдор шоирлари эдилар, бунинг устига, уларнинг танқид остига олинган шеърлари «ғоявий жиҳатдан» сиёсатга тўла мос эди. Ўзининг бу ижодий принципига ҳам мунаққид умрининг охирига қадар солиқ қолди. Дабдабали номлар билан аталган, жимжимадор ташбеҳлар билан тўлиб-тошган мағзи пуч асарларнинг асл башарасини очиб кўрсатишда давом этди. Эҳтимол, у айрим ҳолларда баҳони ошириброқ юборгандир, аммо, энг муҳими, бутун фаолияти давомида бу улуг олим бирорта ҳам чин истеъдод билан битилган асл асарни аёвсиз танқид остига олган эмас. Бирорта ҳам ёрқин истеъдод шаънига тегадиган сўз айтгани йўқ. Унинг мунаққид сифтидаги энг катта бахти, омади ана шунда. Мунаққиднинг «Замон - қалб - поэзия»дан кейинги ўзи учун энг ардоқли сўнгги китоби «Ижодни англаш бахти» деб аталиши бежиз эмас. Устоз айни шу хил ноёб фазилятлари туфайли ижод аҳли қалбига йўл топди, узоқ йиллар ёзувчи билан танқидчи ўртасида ғов бўлиб келган «бетон девор»ни қўприб ташлади, ёзувчи билан мунаққид бир-бирини тушуниб, англаб, бир-бирини эъозлаб яшаши, бир тилда сўзлашини мумкин эканлигини амалда кўрсатди. Шу тариқа у ҳам устоз, ҳам тенгдош, ҳам ёш қаламкашлар ардоғига бирдек сазовор бўлди. Мунаққиднинг номи муътабар адибларимиз қаторида тилга олинадиган бўлди. Унинг айни шу хизматлари туфайли адабий танқидчилигимиз мартабаси юксакликка кўтарилди.

Замонавий адабий жараён тадқиқи билан баробар, устознинг ХХ аср ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат туфайли топталган тарихини тиклаш, қагафон қилинган адиблар меросини халққа қайтариш, хусусан, Чўпонни юзага чиқариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасидир. Бу йўлда у ўттиз йил бетиним кураш олиб борди, ниҳоят, истиқлол шабадалари эса бошлаган паллага келиб, эзгу умидлари ушала бошлади; унинг раҳбарлигида Чўпоннинг аввал бир жилдик, сўнг уч жилдик асарлари нашрга тайёрланди, Чўпон ижоди бўйича ёзилган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди, ниҳоят, қатор тадқиқотлар, хусусан, «Чўпонни англаш» деб аталган ҳам тадқиқот, ҳам дoston деб аташга лойиқ аломат асар яратди.

Жаҳон адабий-танқидий тафаккури янгиликларидан мунтазам

хабардор, ҳеч қанақа қоллиларни тан олмайдиган, чин маънодаги эркин, озод ижодкорнинг бетакрор, ўзига хос жушқин ва латиф овози, услуби, ифода гарзи ҳам танқилчиллигимизда ноёб ҳодисадир. Адабиётшунос олим, айниқса, сўнгги йиллар ижодида илмий тафаккур билан бадиий ижодкорликни моҳирона уйғунлаштиришга муваффақ бўлди. Айни шу йўналишда битилган қатор бадиият-эсселари худди етук бадиий асардек шавқ билан ўқилади. Устознинг истиқлол ғояларини рўёбга чиқариш йўлидаги жонбозлиги, жамоат арбоби, «Жаҳон адабиёти» бош муҳаррири сифатида амалга оширган ишлари ҳам маънавий жасоратнинг эркин намуналаридир. Унинг бевосита муҳаррирлигида чиққан «Жаҳон адабиёти»нинг 100 га сонни, адабий жамоатчилик эътирофи этганидек, бутун бошлиқ университет бажариши мумкин бўлган улкан вазифани адо этди.

Маълумки, истиқлол арафасида республикамизнинг янги раҳбарияти ташаббуси билан адабий таълимни тубдан янгилаш ҳаракати бошланган эди. Айни шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳнинг XX аср ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи аъзолари - О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Назаров, Қ. Йўлдошев ва каминаниммасига ғоят жиддий ва масъулиятли вазифа юклатилган эди. Шўро сиёсати туфайли адабиёт тарихидан бадарга этилган Қолдирий, Чўлпон, Фитраг сингари улуғ сиймоларнинг шаънини тиклаш, шу билан баробар, бундан-да мушкулроқ масалани ҳал этиш - «шўро адиблари», «сопореализм» намояндалари, табиийки, улар рўйхати бошида турган Ҳамза ижодий меросини шўровий талқинлардан тозалаб, бор ҳолича ўқувчиларга етказиш лозим эди. Бунла устоз Озод Шарафиддиновнинг маслаҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Адабиётшунос олимнинг Ҳамзанинг ижодий тақдири ҳақидаги «Истибод қурбони» мақоласи улкан шоир ва драматургнинг миллий адабиётимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини белгилаш йўлида дадил қалам бўлди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, адабиётшунос олимнинг салкам ўттиз беш йиллик фаолияти шўро замонида кечди. Гарчи у ўша йиллари давр тазйиқи ва таъқибларнинг мардона енгиб ўта олган бўлса-да, бари бир чархи кажрафторнинг турфа ўйинларида у ҳам озми-кўлми иштирок этган. Ўша кезлари яратган асарларида замон асоратлари қандайдир кўринишда ўз зухурини қолдирган. Ижодкор олам учун ўз айбини тан олиш, ундан ибратли сабоқлар чиқариш ҳам савоб иш. Аслида ўзликни англаш ҳам ижодкор учун улкан бахт. Ўзини англамай туриб ўзгаларни англаш мумкин эмас. Бу борада ҳам устоз ҳамкасб тенгдошлари учун ибрат бўларли жа-

сораг кўрсата олди. «Эътиқодимни нега ўзгартирдим» балиаси бу-
нинг ёрқин исботидир.

Хулоса шуки, бу табаррук сиймо озод мамлакатнинг чин фар-
занли, қахрамони сифатида мураккаб ва шарафли йўлни босиб
ўтди, забардаст мунаққил сифатида зиммасилаги буюк миссияни
тула-тукис адо этишга муяссар бўлди. Устознинг қўлуғ саксон
ёшлик кунларига егиб келолмаганлиги унинг яқинлари учун бир
армон бўлиб турибди. Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки,
истиқлол йилларида унинг миллат, миллий маънавиятимиз, ада-
биётимиз олдидати буюк хизматлари муносиб тақдирланди, вафо-
тидан кейин ҳам у худди тириклигидагидек эл-юртнинг, мамлакат
юртбошинининг ардоғидадир. «Ижодни англаш баҳси», «Довонда-
ги ўйлар» китобларининг Республика Давлат мукофотига сазовор
бўлиши, аптома тузилган куннинг мамлакатимиз миқёсида кенг
нишонлангани шу эътиромнинг маънавий давомидир.

УСТОЗНИНГ БИР ШИЖОАТИ ХУСУСИДА...

Истиқлол арафасида республикаимизда янги раҳбарият ташаб-
буси билан адабий таълимни тубдан янгилаш ҳаракати бошланган
эди. Айни шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳнинг бевосита янги -
XX аср ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи аъзолари - О.
Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Назаров, Қ. Йўлдошев ва камини
зиммасига гоят жиддий ҳамда ўта масъулиятли вазифа юкланди.
Шўро адабий сийсати туфайли адабиёт тарихидан бадарға этилган
Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улкан сиймоларнинг топталган
шаънини тиклаш, шу билан баробар, бунидан-да мушкулроқ маса-
лани ҳал этиш - «шўро адиблари», «соцреализм намояндалари»,
табiiийки, улар рўйхати бошида турган Ҳамза ижодий меросини
шўровий талқинлардан тозалаб, бор ҳолича ҳолис илмий тарзда
ўқувчиларга, қолаверса, кенг жамоатчиликка етказиш лозим эди.

Ошкоралик жазаваси оқибати ўлароқ, ўша кезлари дарслик-
лардан муқим ўрин олган шўро адиблари, уларнинг ижод намуна-
ларига нисбатан нописанд муносабатлар, ҳаммалар, уларни таъ-
лим даргоҳларидан бутунлай бадарға этишга даъватлар авжида эди.
Ана шундай мураккаб шароитда илмий гуруҳ вазминлик билан
оқилона йўл тутди. Бунда устоз Озод Шарафиддиновнинг масла-
ҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ёзувчиларнинг Дўрмонда-
ги боғида кечган қизғин мулоқотлар чоғи устоз куйиб-пишиб айт-
ган мулоҳазалар, келтирган далил-исботлар ҳақом елди. «Табар-
рук адабий сиймоларимиз, улар қолдирган адабий мерос, жумла-

дан, шўро даври адабиёти бошида турган Ҳамза теварагида шу хил
нописанд танқидий гаплар чиқишига Ҳамза эмас, ўзимиз, ҳам за-
шунос олимлар айбдор, - деган эди у. - Ҳамза «инқилоб куйчиси»,
«ўзбек совет адабиётининг асосчиси», «соцреализмнинг асосчи-
си», «шўро адабиётининг яловбардори» сифатида шу қалар кўкларга
кўтарилдики, энди уни ана шу аршидан тушириб, ўз ўрнига қўйиш
пайти келди. Ўзи ёзмаган сатрларни, асарларни унга ёпиштириш
ғирт бемаънилик. Ҳамза бунга муҳтож эмас. Қолаверса, ясама пар-
доз-андозларга ҳам ҳожат йўқ. Муаллифлигига шубҳа йўқ асарла-
рининг ўзиёқ уни адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олишига
тўла асос берали. Биласизлар, Абдулла Қаҳҳор ўз вақтида сохта
йўллар билан Ҳамзани кўтар-кўтар қилишга кескин қарши чиққан
эди. Бир адабий йиғинда у Ҳамзанинг янги миллий адабиётимиз,
айниқса, бадиий тил равнақи йўлидаги хизмаглари эътироф
этган ҳолда катта жасорат билан «Ҳамза бамисоли янги йил арча-
си сингари ҳар хил ялтир-юлтирлар билан безалиб танланаётган-
ни»ни танқид қилган эди. «Мумтоз» деб ном олган азаматнинг битта
сўзини алмаштириб бўлмас эди. Ҳамзани мумтоз деб кўтараётган-
лар бутун бошли асарини қайта ёзиб чиқиб, тепасига унинг номи-
ни қўйишдан ор қилмаяптилар! Бехос Ҳамза тирилиб қолиб, бу
ишдан огоҳ бўлса, юраги ёрилиб қайта жон таслим қилган бўлар
эди...» Жасур адиб шу сўзларни айтганида, залда ўтирганларнинг
бирортаси лом-мим демеди, дея олмади. Аммо ўша кундан бош-
лаб, пана-настқамда адиб теварагида гивир шивир, фисқу фасол-
лар авж олди, жасур адибни «Ҳамзанинг душмани»га чиқаришди.
Ҳатто бир шоир «Ҳамза душманларига жавобим!» сарлавҳали шеър
битди. Биз танқидчи-адабиётшунослар эса кўра билиб, жим тура-
вердик. У даврлар ўтди-кетди. Энди жим туриш мумкин эмас. Ҳам-
занинг руҳини тинчитиш учун ҳам уни адабиётимиз тарихидаги ўз
ўрнига қўйишимиз керак...»

Шу мулоҳазалар асосида бир тўхтама келиб илмий гуруҳ ама-
лий ишга ўтди. Дастлабки қадам тарзида мактаб адабиёт дастури,
шу дастур асосида яратилган 11-синф дарслигида Ҳамза ижоди
янгича талқин этилди, кейинроқ олий ўқув юрглари учун мўлжал-
ланган «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дастури ва дарслигида бун-
дай талқин янада такомиллаштирилди. Дастлабки пайтлар устоз-
нинг ўзи бошчилик қилган «20-30-йиллар ўзбек адабиёти тараққи-
ёти муаммолари» давлат гранти илмий режасига «Ҳамза ижодий
меросининг янгича талқини муаммоси» ҳам киритилди ва бу мав-
зуда қатор хайрли ишлар амалга оширилди, жумладан, камина-

нинг «Янги бир анъананинг гутилиши», «Холислик хосияти» мақолатари устоз тавсияси бўйича ёзилган эди.

Ниҳоят, устознинг ўн йилдан ортиқ давр давомида ҳамма шахсияти, ижодий мероси тақдир устидаги бетиним ўй-мушоҳалалари самараси ўлароқ «Истибод қурбони ёхуд ўзгичдан маҳрум этилган шоир» сарлавҳали асари майдонга келди. Асар дастлаб «Трифаккур» журналининг 2000 йил 3-сонида эълон этилди, сўнг «Ижодни анлаш бахти» китобига киритилди. Китобда маъқур асарнинг «Истиқлол нурларида эврилаётган адабиёт» туркумидаги Чўлпон, Фитрат ҳамда жалил адабиётига бағишланган мақолалар қаторида берилиши тасодифий эмас.

«Истибод қурбони» устознинг ўша кезлардаги асарларига хос жўшқин публицистик руҳда битилган, бадиҳа-жессе жанри имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф кўнглида кечган ўй-мушоҳадаларни эмин-эркин тўкиб солиш йўлидан борган. Бу ерда гап фақат асарнинг ифода тарзи устида бораётгани йўқ. Ўш муҳими, «Истибод қурбони» муаллифининг муаммога қўтилмаган янги томонлардан ёнлашганини, миллий адабиётимиз яқин ўтмиши манзаралари ҳуеусидаги мавжуд тасаввурларни ост-уст қилиб ташлагани билан қимматлидир. Аввало, «инқилоб куйчиси», «инқилоб фидойиси», «Ўзбек совет адабиётининг асосчиси» санатмиш ҳамзанинг миллат эрки, озолини йўлида жон фидо этган «миллатчи», «аксинқилобчи», «халқ душмани» сифатида қатагон этилган Чўлпон, Фитратлар қаторига қўйиб – у ҳам «истибод қурбони» эканига даъво этиш фанда ҳақиқаткам жасорат эмас! Бундай қарашни адабиётшунос олим шунчаки даъво қилиш билан чекланмай, асар давомида уни атрафлича исбот этишга интилади, шўро даврида шоир ҳақида шаклланган сохта тасаввурлар илтизани очиб берали, турли-туман инқилобий ёрликлардан поклаб, бу улкан адибнинг асл сиймосини китобхон кўз олдида тавдалантиришга чоғланали ва бунга эришали ҳам.

Мақолада таъкиланганидек, ҳамма ҳаётлик чоғида, 20-йиллар адабий муҳитида сафдошлари Қолирий, Чўлпон, Фитратлар қаторида юрган, ўқув қўлланчаларига киритилган, ҳатто вафотидан кейин 30-йиллар биринчи ярмида ҳам алоҳида мавқега эга бўлган эмас. Нега 30-йиллар охирига келиб, у бирдан совет адабиёти машъалига айланди-қолди? Муаллиф, аввало, шу жиддий саволга жавоб излайди. «Инсоният тарихида янги давр очган», «ёзилган миллатларга эрк, озошлик ҳадя этган» Октябр инқилобига йигирма йил ўтган экан, у миллий адабиёт ривожинда ҳам «буюк ўзариш»

ясатан бўлиши, октябрни чин дилдан олқинглаб асарлар битган, октябр йўлидан мардона борган алиблар етишиб чиққан бўлиши даркор эли-ку! Қани улар? Қодирий, Ўзмон, Фитрат каби ўша давр миллий адабиёт даргалари «инқилоб душманлари» сифатида қатл этилган бўлса, уларга қарши туриб шўро адабиётини яратган инқилоб куйчиси бўлмоғи керак, бунгақа куйчи адабиёт майдонинда топилмаса, уни янчилас ясаш керак! «Хуллас, – деб ёзди муаллиф, – ўша йилларда бу рожа Ҳамзалиан муносиброқ одам топилмас. Шундай қилиб, ноярни ўзингилан маҳрум қилиб, олдин бир қўғирчоққа айлангирини жараёни бошланди. Бошқача айтганда, ўз вақтида омали келиб, шўроларнинг қатли омили омон қолган Ҳамза кейинчалик ҳукмрон мафкура маиhaftлари йўлида қурбон қилинди».

Адабий ҳолисатарга, ижодкор шахсияти ва меросига маркча-ленинча сифий-партиявий ёнланиш фақат яроқсиз тайриилмий методгина бўлиб қолмай, у ёлгон-яшиқлар, сохталиклар, ҳаптоки жиноятлар учун ҳам йўл очиб бериши мумкинлигини Ҳамза қисмати мисолида яққол кўриши мумкин. «Иетибдод қурбони» муаллифи Ҳамзанинг дунёқарши, Октябр инқилобига, жалид алиблари ва жалилчилик ҳаракатига муносабаги каби муаммоларнинг шўровий талқинлари устида қизини баҳслар юрилади. Эҳғимол, устоз мулоҳазаларида мунозарали ўринлар ҳам бордир, бироқ улар Сизу бизни фикрлашга уйлани билан қимматлидир. Шўровий талқинга кўра, Ҳамза Октябр инқилобига тайёр марксет сифатида етиб келган, уни зўр қувонч билан кутиб олган, ҳеч қанақа иккиланишларсиз шўролар томонида туриб унинг диможси йўлида кураш олиб борган ва шу йўлда қурбон бўлган. Асарда бу хил даъволарнинг ёлгонлигини исботловчи қўллаб далиллар келтирилади. Уларга қўшимча равишда яна айрим характерли ҳолатларни келтириши мумкин. Абдулла Қодирий «Таржимаи ҳол»ида Октябр арафасидаги ижтимоий вазият хусусида тўхталиб шуларни ёзди: «Аммо айта оламани, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (бу кунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман, социализм маслақидан тублик маълумотка эга бўлган киши йўқ бўлса ҳам эҳғимолки, битта-яримта бўлганлар. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман Ўзбекистон ишчи-деҳқонларидан ва бу кунги масбул ва тайри масбул ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман... Буюк Ўктабр инқилобини ҳам шу йўсуи онгсиз миллат ичида қаршиладим» («Дийёри бакр», 372-373-б.). Ализлар, бу суд олдида айтилган мардона эътироф! Топкентдек шаҳри азимда,

фақат Ўзбекистон эмас, Туркистон элининг ижтимоий-сиёсий жаранлар ўчоғида яшаб қизин фаолият олиб бorgan ҳақиқатгўй адибнинг эътирофи! Самимий бу эътироф айрим ақилпараст танқилчиларга қўл келиш, уш «Қодирий дунёқиранилаги ожизлик»ни тасдиқловчи ҳужжат сифатида дастак қилиб олдилар.

Кези келиб қолди, шу ўринда бир воқеани эслатиб ўтсам. 1973 йили шўро даври адибларининг таржимаи ҳолларини ўз ичига олувчи «Адабиётимиз автобиографияси» китоби тайёрланди. Тўйлам қўлёмаси муҳокамаси чоғи унга Абдулла Қодирий таржимаи ҳоли киритилмагани хусусида эътироз билдирилди. Шунда китоб тўшловчиси Қодирийнинг юқорида келтирилган сўзларини эслатиб, бу ҳақиқатга эил, сиёсий хато, ўша келларда бизда Ҳамза сингари етук онгли марксистларнинг бёрлигидан қўз юмиз; бинобарин, бундай ҳужжат Ҳамза таржимаи ҳоли ёнида турини мумкин эмас, дея қатъий ҳукм чиқарган эди. Қолбуки, Қодирийнинг мана шу эътирофлари битилган «Таржимаи ҳоли» аслагачоғи матбуотда эълон этилган, 1969 йили чиққан «Кичик асарлар» тўйламини киритилган, уни ҳеч ким «сиёсий хағлик»да айблашга тили бормаган эди.

Ўша даврларда ҳам озми-кўпми билардик, ошкоралик йилларига келиб, ҳаммаси ошкор бўлди: шаҳсан шўро ҳокимияти дохийси Ленинга ниҳоятла яқин, у билан ҳамқору ҳамфикр бўлган, фаолиятини, асарларини ўқиб, кузатиб бorgan М. Горкийдек адиб Октябрь тўнтаришидан кейин дохий юргизган сиёсат ҳақида қанчалар кескин «бемаврид» танқидий таилар айтган, мудом иккиланишлар оловида итироб чеккан. Наҳотки бизнинг Ҳамза ижодкор сифатида ҳеч иккиланимай Октябрь, шўролар шаънига ҳамду санолар ёғдириш билангина чекланган бўлса?! Шоирнинг Октябрдан кейин бир жойда қўним тонмай, сарсари кезиниши, пировардида, айрим сафдошлари каби компартия сафидан чиқариллигининг ўзиёқ қўн парасдан ларак берали. Агар синчиклаб кузатилса, ўша фожий йилларини ижодкор қалбидаги акс-саюси асарларида уфуриб турганлигини пайқаш қийин эмас. Ожод домла таъкидлаганларидек, бошқа сафдошлари каби Ҳамза ҳам дастлаб шўро дохийларининг миллий ўлкаларга эрк, озодлик бериш хусусидаги ваъдаларига ишониб октябрни шарафловчи асарлар ёзди, шўро идораларида фаол хизмат қилди. Ҳамзанинг инқилобий руҳаги шеър, драмалари сафдошлариникига қараганда кўпроқ ва иччилроқ экани ҳам ҳақиқат. Аммо ваъдалар қоғозда қолиб кетаётганлигини, зулм-ҳақсизлик аввалидан багтар давом этаётганлигини кўриб, у ҳам сафдошлари каби итироблар оловида қоврилди: шўро

даври фожиаларини аке эттирувчи асарлар битди: шўровий-инқи-
лобий руҳдан холи драмалар ҳам яратди. Буниен ҳам ҳақиқат. Устоз
Ҳамзанинг октябр инқилобига, шўролар сиёсатига муносабати
талқинларида бўлгани каби ўз даврининг жиддий ҳолисаси - жа-
дидчилик ҳаракатидаги ўрни, диний-исломий эътиқоли ҳақида ҳам
дадил гапларни ўртата таъшлайди. Улар билан танишганда яна бир
қарра амин бўламанки, мураккаб тарихий силсилалар паллалари-
да янаб ижод этган улкан адаблар шахсияти, меросини фақат қўб-
ларга ажратиб, қағзий тарзда у ёки бу ижтимоий ҳаракатнинг на-
моёнчаси сифатида талқин этишдан эҳтиёт бўлиш даркор экан.
Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, улкан истеъдод эгалар-
и ҳеч қачон бирор ижтимоий ҳаракат, адабий оқим доирасига
сигмаган, сиймайди ҳам. Фикрловчи инсон, айниқса, ижодкор ҳеч
қачон олдиндан белгилаб қўйилган чизиқ бўйлаб юрмайди, юр-
маган. У мудом изланади, ўзини тафтиш эғиб боради, янги йўллар
қидиради. Бу йўлларда у гоҳо излаганини тонади, гоҳо йўқотади. Чин
ижод аҳлининг қисмати шундай. Жумладан, Ҳамза ижодий бисоти-
да маърифатчилик, жадидчилик руҳидаги асарлар билан баробар
шўровий мафкура билан йўғрилган драма ва шеърларни ҳам иста-
ганча топиш мумкин. Муайян даврларда у гатай диний-исломий
руҳданги асарлар битган, айни пайтда ислом динимизга қарши «жи-
ҳодли акбар» эълон этилган кезлари «жанговар атеизм» жаъваси бал-
қиб турган даҳриёна сатрлар ҳам тўқиган. Ҳам анъанавий, ҳам янги-
ча - модерни йўлларда асарлар яратган. Сизу биз ижодкорни бор ҳоли-
ча кўриш, англашга бурчимиз. Шундай қилинганда ижодкорни иле-
аллаштирашга ҳам, камситишга ҳам асло ўрин қолмайди. Ижодкор
бисоти бор ҳолича кўрсатилгандагина, унинг инсоний жозибаси
очилади, ижодий мерҳумининг чин қиммати аён бўлади.

«Истеъдод қурбони» шу азалий ҳақиқатдан бизга оқилона сабоқ
бериши билан фойда қадрлидир.

2009 йил.

МУНОСИБ ЭЪЗОЗ

Тақдир тақозосини қарангки, устоз Озод Шарафиддиновнинг
ҳаётлигида 70 ёшлик тўйи Миллий театримиз биносиди нишон-
ланган эди. Мана энди вафотидан сўнг унинг 80 йиллик хотира
кечаси ҳам шу муҳташам бинода ўтди. Бу тасодифий эмас.

Шарафиддиновлар оиласи Қўқондан Тошкентга кўчиб келиб
Эски жува мавзеидан маскан топганда, 8 ёшлик Озоджон Эски
жува боюрининг эмас, хонадонларидан ярим чақирим нарида

жойлашган Академик театримиз ва «Турон» кутубхонасининг кунда-шундасига айланди. Бу икки қутлуғ маънавият маскани ўзининг тақдирида ўчмас из қолдирди. 30-40-йиллари театр сахнасида намойиш этилган барча сахна асарларини у такрор-такрор томоша қилди. Айниқса, «Ҳамлет» спектакли унинг жону дилини эди. Ҳамлетнинг «Ё ҳаёт, ё мамот» монолоғи бир умрга қалбида муҳрланиб қолди. Илк томоша чоғи қўлонига куйилиб қолган Ҳамлет монолоғини умр бўйи ёддан айғиб юрарди. Айни пайғолда у икки йил давомида «Турон» кутубхонасидаги ўзбек тилида чоп этилган барча мавжуд бадиий асарларни хатм қилиб чиқди. Сўнг рус тилидаги китоблар дунёсига шўнғиди... Мирю Бобур шеърлари мутолааси чоғи улуғ шоирнинг Ҳамлет сўзларига оҳангдош мана бу сатрлари ҳам ёш китобсевар қалбини асир этди:

*Кўнгли тилаган муродга етса киши,
Ё борча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб, бир сориға кетса киши.*

Ёш Озодбек катта ҳаётнинг бошидаёқ кўнгли тилаган мурод йўлида кураш йўлини танлади. Ким бўлсам экан, деган муаммо унинг учун алақачон ҳал этилган эди. Сўз санъатига шайдолик уни миллий университетнинг филология факультетига бошлади, сўнг Москва Адабиёт институти аспирантураси, яна жонажон университет даргоҳи унга кучоқ очди. Салкам 40 йил шу даргоҳда домдалик қилди.

Ўтган аср 50-йиллари ўрталарида адабий танқид майдонига кириб келар экан, 30-40-йиллари шўро адабий сиёсати туфайли вулгар социолоғизм оғуси билан захарланган чин истеъдод соҳибларини, асл асарларни топташга қаратилган танқид йўлидан кескин воз кечиб, биринчи қадамлариданоқ сўз санъатидаги соғлом кучлар, асл асарлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг кашфиётчиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Устоз айни шу хил фазилатларни туфайли ижод аҳли қалбига йўл топди, узоқ йиллар ёзувчи билан танқидчи ўртасида гов бўлиб келган «бетон девор»ни кўпориб ташлади, ёзувчи билан мунаққил бир-бирини тушуниб, англаб, бир-бирини эъзолаб яшаши, бир тилда сўзлаши мумкин эканлигини амалда кўрсатди. Шу тариқа, у миллий танқидчилигимиз тарихида туб бурилиш ясади, ўзига хош танқидчилик мактабига асос солди.

Устозининг ўттиз беш йиллик фаолияти мустабил тузум шароитида кечди, унинг улуг мақсадлар йўлидаги жонбўзликлари қандай қийинчиликлар, таъқибу тазйиқлар ичида кечганлиги ижод аҳлига яхши аён. Айниқса, Чўлпонни юзага чиқариш йўлида 30 йил давомида олиб борган курашлари тарихи мислсиз шижоатнинг намунаси. Ҳар қандай таъқибу тазйиқлар уни кўнгли тилаган муродидан асло қайтара олмади.

Устозининг энг кага бахти, омади шундаки, кўнглидаги эзуниятларини тўла амалга оширадиган кунларни кўриш, мустақиллик даврида яшаб ижод эгиш, хусусан, ўзининг икки маънавий қаноти - Чўлпон меросини халққа қайтариш, устози Қаҳҳор шаънини тиклашдек хайрли бурчини адо этиш унга nasib эди. Мустақилликнинг 15 йилли давомида, умрининг кейинги 8 йиллик оғир хасталик чоғида амалга оширган ишлари адабиёт тарихида сийрак учрайдиган ноёб ҳодиса. Президентимиз қарори билан таъсис этилган «Жаҳон адабиёти»нинг устоз бош муҳаррирлигида чоп этилган 100 та сонни, ижод аҳли томонидан эътироф этилганидек, бугун бир университет бажариши мумкин бўлган улкан миссияни адо этди. Шу йиллари устоз публицист ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Истиқлол юзларини амалга ошириш ишига жонжаҳонини бахш этди. Қарангки, 15 йил давомида битган асарлари 50 йиллик ижодий меросининг гўрдан уч қисмини ташкил этар экан. Ҳисоб-китобларга кўра, таржималарини ҳам қўшганда, устозининг ижодий мероси 20 жылга жо бўларкан. Ҳозирча бизда Навоий ва Ойбек асарларининг 20 жыллини чиққан. Учинчи 20 жыллик устозга nasib этса ажаб эмас.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жонски, мустақиллик йилларидагина устоз ҳақиқий қадрини топди. Буюк хизматлари учун ордени, Фан арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонлари билан тақдирланди, вафотидан кейин «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» китоблари учун унга давлат мукофоти берилди. Устоз бугун ҳам худди тириклигидагидек эъзозда. 80 йиллик тўйининг мамлакатимиз миқёсида муносиб тарзда ўтказилгани бунинг яққол исботидир.

Ниҳоят, яна бир ҳолатни эслатиб ўтсам дейман. Бугун умри, фаолияти давомида «элим деб, юрим деб» ёниб яшаб ўтган бу жасур сиймо ўз устози Абдулла Қаҳҳор каби ўлимни ҳам мардона туриб қарши олди; Аллоҳнинг раҳмати ёғиладиган рамазон ойининг биринчи кунини тонгда кўнгли тилаган муродлари ҳосил бўлганидан, садоқатли умр йўлининг Шарофат онамиз билан ўтказган

қунларидан мамнун ҳолда, сўнги дақиқаларига қадар тилдан қол-май, фикрлашдан тўхтамай, яқинлари қуршовида омонатини осонгина топшириш. Тиланимиз шуки, устознинг охирати ҳам обод бўлмай, иншооллоҳ!

2009 йил.

МИЛЛИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИМИЗНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Адабий танқид, биринчи гада, тўзалдикни ҳис этиш, англаш, кашф этиш санъати. Мунаққилнинг, қолаверса, адабий танқиднинг тарихий хизмати адабий-бадний жараёнга, аниқроғи, унлати янги, илғор, самарали тамойилларга кўрсатган таъсири билан белгиланади. Адабий танқиднинг бахти, омали ҳам, бахтсизлиги, фожияси ҳам айни шу ҳолатда намоён бўлади. Тарихдан бир-икки мисол келтириб ўтсам.

XIX аср рус адабиётининг «олтин даври» деб аталади. А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Гоголь, А. Островскийлар ижоди билан бошланиб, Л. Толстой, Ф. Достоевскийлар даҳоти муъжизалари билан интиҳосига етган аср адабиёти ривожда В. Белинский, Н. Добролюбовдек буюк танқидчиларнинг нақадар улкан хизмати борлигини ҳамма билади. Бу икки мунаққилнинг табарруқ номлари ўша даҳо сўз усталари қаторида эҳгиром билан тилга олинади.

XX аср Европа адабиёти, санъати тараққиёти «модернизм» деб аталган ноят улкан ранг-баранг, гаройиб, сирли-сеҳрли ва айни пайтда мароқли жараён гарзиди кечди. Анъанавийликка зид бу ҳаракат ўз йулида кўп тўсиқларга дуч келди, уни бадном этишга уринишлар бўлди. Бироқ бу қутлуғ ҳаракатнинг бахти, омали шундаки, унинг Ортега-и-Гассет, А. Камю, Ж. П. Сартр каби донишманд, жасур ҳимоячилари, назарийчилари бор эди. Модерн адабиёт, санъат улардан малад олиб башарият бадний тафаккурида янги бир эра очишга мушарраф бўлди, жаҳон аҳлига қутилмаган сон-саноксиз бадний ихтироларни инъом этди.

XX аср бошидаёқ ўзбек адабиёти туб янгилашни жараёнини бошдан кечирди, яккаҳоқим мафкура, мустабид тузум адабий-бадний сиёсати таъкибу таъийқларига қарамай, бизда Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, Европа адабиёти, бинобарин, жаҳон янги адабиёти таъи билан ўлчаганда ҳам тўлақонли баркамол асарлар яратилди. Афсус, минг афсус, ана шундай ноёб асарларнинг, миллий адабиётдаги янги самарали жараёнини англашга, илмий кашф этишга қодир адабий танқид шаклланмади. Тўғри, Валуд Маҳмуд, А. Алимўхаммедовдек ноёб танқидий истеъдол эгалари бор эди.

бирок ҳар иккиси ҳам юртда авж олган мафкуравий сиёсати жама-
валарга дош беролмай адабий танқид даргоҳини эрта тарк эти-
лар; мунаққиллик қаламчини қўлла тутган дурустгина билим со-
ҳиблари, ҳатто ижод одамлари эса вульгар социологизм йўлида
тушиб олдилар; шу тариқа танқидчилар чин санъат асарини ҳимоя
қилиш, илмий квалификацияси эмас, уларнинг қорақаловчиси, қушан-
лаеси, кўп ҳолларда, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «жа-
лолларини» сифатида майдонга чиқдилар. Қодирий романилари,
Чўлион шеърини, Фитрат драматургиясига ишбадан жоҳилона
ҳамлалар қатагон тегирмонига сув қуйиш бўлди. Ойбек лирикаси,
романилари, Абдулла Қаҳҳор роман ва комедиялари теварағидан
маншамалар бу икки улуғ аллома дилида, ижодий тақдирини қан-
чалар оғир асоратлар қолдиргани бугун ижод ва илм аҳлига аён.

XX аср иккинчи ярмига ўтиб, бутунлай ўзгача манзарани кўра-
май. 50- йиллар ўрталарига келиб, мустабил тузум жиноятлари-
нинг фойси этилиши, қатагон қурбонларининг оқланиши, қисман
бўлса-да, эркин ижодий тафаккурга йўл берилиши туфайли мил-
лий адабиётда жонланиш, янги тўқин бошланди. Мана шу ҳара-
катнинг бошида Абдулла Қаҳҳордек жасур сиймо турарди; унинг
теварағида О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов сингари
янги авлод ижодкорлари қатори, Матёқуб Қўшжонов билан Озод
Шарафиддиновдек истеъдодли мунаққиллар уюшган эди. Қаҳҳор
қанотини остидан чиққан бу икки аллома, далил айтиш мумкинки,
миллий танқидчилигинингга асос солди, иккиси ҳам ярим асрлик
ижодий фаолиятини давомида XX аср иккинчи ярми миллий адаби-
ётимиз, миллий адабий-танқидий тафаккуримиз ривожига ниҳо-
яда кучли таъсир кўрсатди. Бу икки сиймонинг давр адабий ҳара-
катида ўтаган хизматларини XIX аср рус маданият-адабий ҳаётида
Белинский билан Добролюбов, XX аср Европа маънавий дунёси-
да Ортега-и-Гассет, Камю, Сартрлар адо этган улуғ ишларга қиёс
қилиш мумкин.

Шаҳсан мен бу икки улуғ сиймо номларини ҳеч қачон тоқ ай-
толмайман. Озод Шарафиддиновнинг танқидчиликдаги хизматла-
ри устида сўз кетганда ҳаминиша М. Қўшжонов, устоз Матёқуб ака
ҳақида гапирганда эса домла Озод ака сиймоси кўз олдимда тавла-
ланиб туради.

Тақдирнинг тақозосини қарангки, гарчи бу икки аллома ора-
сида ўн ёш фарқ бўлса-да, танқидий фаолиятини баробар бошлаб,
ярим аср бир-бирларига елкадош, маслакдош бўлиб ижод этди-
лар, зиммалари тарихий вазифани адо этиб, бир йилда бу фойсий

дунёни тарқ этдилар. Иккалови ҳам деярли бир пайтда Миллий университет, сўнг Москва таълимини олдилар, у ердан фан номзоди бўлиб қайтдилар, университетнинг филология факультетига бирга фаолият бошладилар. Иккаласи ҳам XIX аср рус демократ танқидчилари Белинский, Добролюбов, Чернишевский анъаналари руҳида тарбияланган эдилар. Иккалови ҳам бамисоли Абдулла Қаҳҳорнинг, қолаверса, миллий танқидчилигимизнинг икки қаноти эди. Иккиси ҳам Қаҳҳор ёнида туриб, миллий адабиётдаги янги тўлқиннинг даракчиси, иштирокчиси, бирин-кетин пайдо бўлаётган ижод ниҳолларининг дояси ва ҳимоячиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси сифатида майонга чиқдилар. Қарангки, адабиёт майдонига чақмоқдек яшнаб кирган Э. Воҳидов, А. Орипов, Ш. Холмирзаев, Ҳ. Ҳошимовлар ҳимоясида бошланган анъаналар умрининг охирига қадар давом этди, чунончи, янги аср бошида ёш истеъдод У. Ҳамдамнинг «Мувоzanат» романини юзага чиқаришда иккиси бирдек жонбоғлик кўрсатдилар.

Танқид, бу Бехбудий таъбири билан айтганда, «сараламоқ» демакдир. Яхши, яроқли чин санъат асарини яроқсизидан ажрата билиш учун фаросат, бадий дил, нафосат туйғуси керак. Аллоҳ ҳар икки алломага ҳам ноёб дил, ижодни англаш бахтини насиб этди. Уларнинг сазой-ҳаракати тўғриси қисқа фурсат ичида миллий танқидчиликдаги вазият тубдан ўзгарди; бадий асар, муаллифи ким бўлишидан қатъи назар, ижтимоий-мафкуравий жиҳатига эмас, санъати, бадиятига қараб баҳоланганидан бўлди; сиёсий-мафкуравий мезон асосида кўкларга кўтариб мақталган, аммо бадиятдан йироқ асарларнинг куни битди, ҳар хил йўллар билан камситилган, турли сиёсий «ёрлик»лар тақалган асарлар адабиётдаги ўз ўрни, қадрини топа бошлади. Авваллари танқид тиғи энг истеъдодли асарларга қаратилган бўлса, эндиликда заиф, ҳатто «танқиддан тубан» нарсаларга, қолаверса, миллий адабиёт равнақи йўлидаги яна бир офат - ўртамиёначиликни фожия эшикка йўналтирилди.

Ҳарчи XX сьездан сўнг Қолирий, Чўлпон, Фитрат каби қагагон қурбонлари оқланган бўлса-да, улар ижодий меросини халққа қайтариш ниҳоятда машаққатли кечди. 1964 йил апрелида Қолирийнинг 70 йиллигига бағишланган камтарона йиғинда А. Қаҳҳор сўзлаган оташин нутқ, адибнинг эркин фикр йўлида оёқдаги китобчиларга қарши исёни илмий-адабий жамоатчиликни дарзага солди. Икки аллома ҳаёти, фаолиятининг муҳим йўналиши айни ўша исён руҳи билан йўғрилган. Улар умр бўйи мустақил тузумнинг адабиёт

соҳасидан энг қора иши, жиноятига қарши турдилар. Қодирин, Чулпон ҳақидаги ҳақиқат ва адолатни тиклаш йулида мардона кураш олиб бордилар. М.Қўшжоновнинг Қодиринга, О. Шарафиддиновнинг Чулпонга бағишланган ишлари XX аср миллий танқидчилигимизнинг ҳасби ҳоли, қалб индоси, фарёли каби янгради.

Икки адиоманинг устозна садоқати авлодлар учун мангу ибрат бўлиб қолажак! Абдулла Қаҳҳор умрининг суниги йилларида, вафотидан кейин унга муносабат совуқ тус олди; «Ёшлар билан суҳбат» китоби қатағон қилинди, унинг сафдош-маслакдошларининг номлари «қора рўйхат»га тиркалли, асарлари нашри пайсалга солинди; ҳаётлигида улуг адибдан кўп саховат кўрган айрим ожаиб табиат кимсалар ўзини четга олиб, «шоғирлик»дан воз кечдилар. Аммо М. Қўшжонов билан О. Шарафиддиновлар эса қатъият билан Қаҳҳор нояларига содиқ қолдилар, Қаҳҳор ҳақида гапирини, ёшидан бир дақиқа бўлсин тўхтамадилар. Ўша машъум «қора кукун»лар Қаҳҳор руҳи, хонадонини теваригида изғиб юрган кезлари бу табаррук хонадонини тавоф қилини, адиб умр йўлдоши Кибриё опа ҳолидан хабар олиб туриш одагини асло тарк этмадилар. Ҳар йили улуг адиб тутилган кунини унинг хонадонига ўтадиган ғайрирасмий хотира оқшомларига бош-қош бўлдилар. Таъқибу таъйиқлар шароитида М. Қўшжонов Қаҳҳор ижодига оид докторлик диссертацияси устидаги ишини ниҳоясига етказиб, уни муваффақият билан ҳимоя қилди. Озод ака эса Қаҳҳорга бағишланган монография, мақола-лар, хогира-эсселар туркумини яратди.

Бу икки адиоба табиатан ниҳоятда матонатли, метин иродали, Қодирий таъбирича, шахси бутун сиймолар бўлган. Улар табиатида, қисматида кўп муштаракликлар билан баробар, фарқли жиҳатлар ҳам бор эди. Матёқуб ака ниҳоятда вазмин, энг қалтис дамларда ҳам ўзини гута билар, қалбидаги тугёнларни жиловлай олар, гапирганда эҳтиросларга берилмас, овозини кўтармас, осойишталик билан рақибига зарба бера билар, нишонга беҳаго ура олар эди. Ижодкорлар орасида ҳаёти ва фаолиятини бу қалар қатъий режа, интизом асосига қурган бoshқа бировни билмайман. Ҳаддан ташқари кўп ақлий меҳнат, кўп ўқиш, кўп ўилаш оқибати бўлса керак, домла бош оғриғи дардига мубтало бўлиб, шифокорлар тавсиясига кўра, бир кеча-кундузда бир соатдан ортиқ ишловмайди-ган бўлиб қолдилар. Шу сабаб, университетдан кетишга мажбур бўлдилар, осойиштарoқ илмий даргоҳ - Тил ва адабиёт институтига ишга ўтдилар. Кейинчалик бош оғриғи бир оз чекиниб, бoshқа бир хасталик - кўз касаллигига учрадилар. Матнларни маҳсус ко-

тибга ўқитиб тинглайдиган бўлдилар. Ана шундай чеклашлар шаронтида адо этилган илмий-ижодий фаолиятнинг самараси соғлом, энг фаол ижодкорларнинг маҳсулоғидан бир неча баробар «кўп ва ҳуб» эди. Домлатан ҳар гал бунинг сирини сўратганимда, у киши Ойбекни мисол қилиб келтирар, ижтимоий сиёсии сиқувлар шаронтида ҳам, табиий иллат - хасталик чоғида ҳам ўзини қўлга ола билши, қағийи режа, режим асосида иш тутиши, бетиним ижод этиши санъатини Ойбекдан ўрганганман, дер эдилар.

Озод ака бу жиҳатдан Матёқуб аканинг тескариси эди. У ўт-олов, қолииларга тушмайдинган, режаю режимларни тан олмайдинган фаройиб бир хот эдилар. У фақат китоб ўқишини тарк эгмас, бироқ кўнгли чоимаса, бир неча кунлаб, ҳафталаб қўлига қалам олмасди. Кўнглида илҳом жўш уриб ёзишга чоғлангудек бўлса, уни ҳеч қандай куч тўхтатолмас, соғлаб бетиним ишлар, қўли кўнглидаги туғёнларни қоғозга туширишга улгурмасди. Унинг қўлэмасини «қоралама» деб бўлмас, ўилаб саҳифаларда бирорга ҳам тузатиши, таҳрирга муҳтож жумлалар бўлмасди. Унинг нутқлари қандай жўшқин, равон бўлса, ёзганлари ҳам ўшандай чиқарди. У кўп йиллар қанд касалидан азият чекди, лекин у ҳеч қачон парҳезга риоя қилган эмас. Умрининг сўнги етти-саккиз йили оғир хасталикларга қаслма-қасд улар билан мардона олишини ва ҳайратомуз бетиним меҳнат билан ўтди. Етти-саккиз йил давомида бир ижодкор сиймо етмиш-саксон йил давомида бажариши мумкин бўлган ишларни ана шу оғир хасталик чоғида адо этишга эришди.

Матёқуб ака билан ҳар гал учрашганимда, сатом-алиқдан кейин, биринчи галда, Озод аканинг соғлиғини, ишларини суриштирарди. Озод ака ҳам, ўз навбатида, Матёқубнинг соғлиғи, ишлари қалай деб сўрарди, бирор зарур гапи бўлса, «Уйингиз яқин, шу гапни унга етказиб қўйинг» дея илтимос қиларди. Айниқса, умрларининг охирларида бу икки сиймо бир-бирларига талниналган бўлиб қолди. Озод ака хонадомида бирор маърака-йинини режалаштирилса, таклиф этилганлар рўйхатининг бошида шу дўстинини неми шарифи турарди.

Қаранки, Матёқуб ака хасталаниб, касалхонада бир оз ўзларига келгач, хонадонига қайтиши биланоқ Озод акадан хабар олинган учун унинг ҳузурига борди. Икки маслақдон дўст икки соатдан ортиқ яккама-якка суҳбат қуради. Бу икки алломанинг сўнги учрашуви, дил изҳори, умр сарҳисоби, балки вилолашуви бўлди. Бир ҳафта ўтиб, Матёқуб ака жон таслим эди. Оралдан бир ярим ой ўтар-ўтмас Озод ака қадрони оргидан охират сафарига равона бўлди...

Миллий адабиётими з бўстони ярим аср обод қилиб ўтган ҳар икки аъломанинг - асрдош, маслакдош буюк хотларнинг охира тлари обод бўлсин!..

АДОЛАТ ФИДОЙИСИ

Мақоламиз қаҳрамони - ҳамкасбимиз Аҳмад ака ҳаёт бўлгани да, 2007 йилнинг саховатли куз кунларида унинг 90 ёшлик тўйини бирга нишонлаган бўлардик. Қутлуғ санага атиги уч ой қолганида, у бу фоний дунёни тарк этди. Марҳумнинг дафи маросимида шо гирдларидан бири мухтасар, аммо теран бир гап айтди: «Устоз бу тун илмий-ижодий фаолиятини мустабил тузум йилларида эл-юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган алиблар руҳини шод этишга бах шинда этди. Бинобарин, бу зот ҳам боқий дунёга шаҳид мақомида кетди, дейишга ҳақлимиз».

Шу сўзлар айтилганида, беихтиёр Аҳмад аканинг ўзим шахсан шоҳид бўлган ярим асрлик ҳаёт йўли, ноёб поэтик табиаги, қалб туғёнлари, ушалган ва ушалмай қолган орзу-армонлари бирма-бир кўз олдимдан ўта бошладди. Аҳмад аканинг ота-оналари Тошкент- нинг тагли-жойли, палаги тоза, меҳнаткаш фуқароларидан бўлган. Бу оилала етти ўғлон, бир қиз вояга етган. Уларнинг барчаси эл- юрт хизмати ва ардоғига сажвор фарзандлар бўлиб етишди; қайси касб-ҳунар, мансаб эгаси бўлмасин, Аллоҳ уларга мазмундор ҳаёт ва узоқ умр бахш этди. Жумладан, Абдуғаффор Алиев кўп йиллар Республика коммунал хўжалик вазири вазифасида ишлади, Аҳмад Алиев эса таниқли журналист, педагог, адабиётшунос олим бўлиб етишди. Турли тadbир-маросимлар баҳона Аҳмад аканинг сингил, барча оға-инилари билан шахсан ганишганман. Қизиқ ҳол, бир оила фарзандларининг ярми «Алиев», ярми «Ҳайдаров» деб ном- ланади. Сабабини суриштирганимда, Аҳмад ака ҳазил аралади: «Ота- мизнинг исмлари «Ҳайдарали» бўлган. Оилалаги тотувлик, адолат туфайли бўлса керак, бу табаррук номни тенг тақсимлаб, ярми- миз «Ҳайдар», ярмимиз «Али»сини фамилия қилиб олганмиз, де- ган эдилар.

Шахсан ўзларидан эшитиб эдим, яқинлари ҳам тасдиқлашди: Аҳмад ака расмий ҳужжатларда қайд этилганидек, 1919 йилда эмас, 17 йилнинг таҳликали куз фаслида дунёга келган экан. Болалик, ўсмирлик, хусусан, ўқувчи-талабалик даври ўтган асрнинг энг фожiali 20-30-йиллари кечган. Отасининг шаҳардаги савло дўко- ни, Дўрмондаги каттагина ер-сувлари, уй-жойлари тортиб олин- ган. Бу хил моддий йўқотишлар устига ўсмирлигидан шеърларини

ёл олган Чулпон, Богу, Элбек, Усмон Носир, ҳажвия ва романларини қўлдан қўймай ўқиган Қодирийлар устидagi машъум таъкибу таҳдидлар уни аламли ўйларга толдирган. Аммо бу ҳол Аҳмаджон қалбидagi адабиётга бўлган туғма оташин меҳрни асло сўндиролмади. Ун гўққиз ёшида педагогика институтига ўқиниға кирди. М. Шайхзода, Ҳ. Сулаймон маърузалари қалбига ўт солди, унинг сўз санъатига бўлган шайдолигини янада оширди: ўқиб туриб Гайбурлов бўлимида муаллимлик қилди, ўқиниши тугатиб, олти йил давомида мактабда адабиётдан дарс берди. Ўша кезлари айрим ғаламислар «Аҳмаджон иўлини қилиб, ҳарбий хизматдан четда юрибди» дея иғво тарқатишди. Лекида Аҳмад аканини бир кўзи туғма ожиз экани, шу туфайли ҳарбий хизматдан оқод қилинганлигини кўплар билмасди. Ниҳоятда ориятли бу ют умр бўйи ҳасталигини таъмагирлик мақсадида пesh қилмай ўтди. Ҳатто ҳарбий кўрик пайтида ҳам дардини сир сақлаган, сезгир кўз шифокори буни тасолифан пайқаб қолган...

1946 йилдан унинг журналистлик фаолияти бошланди. Дастлаб болалар газетасида, сўнг республика радиоси, партия журнали, давлат нашриётсида ишлади, публицистик мақола, таржималар билан шуғулланди; ўша кезлари унинг Ҳаким Назар, Ҳибиддин Муҳаммадхонов, Шариф Юсуповлар билан бир умрга ҳамкору ҳамдўстлиги бошланди, қалами қайрали. Сўнг илм дунёсига ўтди. Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таълим олди. Устоз адабиётшунос Низат Султонов раҳбарлигида ўзи учун энг ардоқли Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида тадқиқот олиб борди. Қодирий ва унинг сафдошлари эндинна расман оқланган, ижодий мероси халққа қайтарила бошлаган кезлари Қодирий романлари мавзусига қўл уриш, боз устига, буюк адиб ҳақидаги ҳақ гапни айғиш, илмий жамоатчилик олдида уни ҳимоя қилиш ниҳоятда қалтис бир иш эди. Гарчи мустабил тузум кишанлари парчалана бошлаган бўлсада, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтаганда, «кульг даври қоқиб кетган темир қоziқ атрофидан йирок кетиш» қийинчилик билан кечаетганиди. Шундай бир вазиятда диссертани бутун масъулиятни бўйинига олган ҳолда, дадил ишга киришди. Жараён у кутандан кўра ҳам мураккаброқ, машаққатлироқ кечди. Кейинчалик битган хотираларида муаллиф булар ҳақида батафеил ҳикоя қилиб берган. «Қирқ йиллик ҳаётим давомида чеккан заҳматларим тарозининг бир палласига, тўрт йиллик тадқиқотим туфайли бошимга тушган савлолар юки иккинчи палласига қўйилдиган бўлса, шуб-

ҳасиз, иккинчи наъла босиб кетарди», дея юрагини очибди бир гал Аҳмад ака афеус-надомат билан. Айни пайтда, у сўзида давом этиб: «Шукрим, алолат таптана қилди. Диссертация ҳимояси ил, айниқса, номюрлик дипломини қўла олган чоғлаги ҳолагимиз ифодаланган тилим ожизлик қилади. Ўша дақиқалар қирқ йиллик умримдаги бахтли дамларимнинг чўққиси бўлган» деганди.

Ҳақиқат осонликча юзага чиққани йўқ, ҳаёт-мамот курашини соғлом кучлар қатъий туриб, диссертациянинг ёнини олди: расмин ошпоенглар И. Мўминов билан О. Шарафидинов, шунингдек, Ойбек, М. Авезов, Х. Абдуллаев, Я. Гуломов, Х. Сулаймонова, Ҳамид Сулаймон, А. Қажумов каби алломадар бу масъулиягли дамларда унга таянч ва суянч бўлдилар.

А. Алиев Қоширий ҳақидаги илк диссертация муаллифи сифатида илмий-адабий жамоатчилик оғзига тушди. Ўша кезлари адабиёт илмидаги соғлом кучларни атрофига йигини пайида юрган Миллий университетимиз ўзбек адабиёти кафедраси mudiri профессор Гулом Каримов Аҳмад акани кафедрага ишга таклиф этди, бу таклифга у бажонидил розилик билдирди ва тез орада кафедранинг «Ўз одами»га айланди. Ўттиз йилдан ошди шу қўтлуғ масканда сидқилдан хизмат қилди. Университетда у моҳир педагог бўлини баробариди, яхшигина ташкилотчилик қобилиятини ҳам намойиш этди, бир неча йиллар филология факультети кечки ва сиртқи бўлимига деканлик қилди, муайян муддат университет проректори вазифасини бажарди. Ўша кезлари ўзбек ва рус филологияси, журналистика ихтисосликларини ўз ичига олувчи мазкур бўлим бутун бошли институтни эслатарди. Бу бўлимдаги жўшқин таълим-тарбиявий ҳамда ижодий муҳит кундузгисидан асло қолишмасди, адабий учрашувлар, баҳслар мулом давом этарди; ёш шоир Ҳабиб Саъдулла бош бўлган адабий тўғарак машғулотларига кўзи а кўринган адиблар таширф буюрар, машғулотларда айтилган «жамиятнинг қитиғига тегадиган» гаплар шаҳар бўйлаб овоза бўлиб турарди. Табиийки, бу хил қатъис чиқишлар ҳуфиялар орқали вақтида тегишли доираларга етказилар, махсус ҳолимлар эргаси кунийқ декан ҳонасига келиб, эшикка ичкаридан қулф солиб олиб, узоқ вақт деканини сўроққа тутар, сиқува олар, декан ҳам, ўз навбатида, бўш келмас, бундай можаролар аксар ҳолларда муроса йўли билан ҳал этилар, табиийки, «туноҳ»ларини асосий юкини декан ўз зиммасига олар, шу тариха кўп ҳолларда ўзларини бурни қонамас эди. Гоҳо декан Аҳмад аканинг қўли калталик қилиб қоларди. Хушёр ҳуфияларнинг «ҳолис хизмати» туфайли жабр чеккан

домла ва талабалар учун бу оламнинг изириоблар оловида эзиллиб, ўрганиб юрганни кўн кўрганман. Қолаверса, камина кафедра му-дири сифатида кафедра доценти Аҳмад Алиевнинг дарсларида ва-ирлик томонидан тасдиқланган дастурдан четга чиқиб, қатагон кўрбонлари ҳақида ваъзлар айтаётгани, шогирдларини шу мавзуда ишлашга даъват этаётгани хусусида кўн бор дакки эшитганман.

Педагоглик, раҳбарлик ишлари билан баробар, Аҳмад ака Ғулом Каримов таклифига кўра, Қодирий сафлонлари ижодий мероси буйича кўламли таъқиқот ишларига киришди. Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Ғози Юнус, Боту, Ёлбек ҳаёти ва ижодига оид бой мате-риал тўплади: кузатиш, мулоҳаза ва муҳокамаларини баҳоли қул-рат қоғозга тушириш ва ҳаракат қилди. Бирин-кетин «Абдулла Қодирий», «Ижод ва илганишлар», «Алабий мерос ва замонавийлик» китобларини, вақтли матбуотда эса юзлаб мақолаларини эълон этди. Улар тевариғида баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб ўтди, гоҳ адо-латли, гоҳ адолатсиз гаплар ҳам айтишди. Аҳмад ака эҳтиросга мой-ил, бир оз қизикқон, айни пайтда, мард-танги одам эдилар. Адо-латсизликка дуч келганида, алабий-илмий ҳаётдаги мунофиқлик, қаллобликни кўрганида тоқати тоқ бўлиб ўзини қўярга жой то-полмас, муҳокамалар чоғи муҳолифлари юзига кўнлидаги бор гап-ни шартта-шартта айтаверарди. Айниқса, Қодирий, Чўлпон, Фит-рат шаънини топтанга қаратилган ҳамлаларга асло тоқат қилол-масди. Буларни у тўё ўз шахсиятига, яқин одамлари шаънига қилин-ган тажовузлек қабул қиларди ва енг шимариб улар билан курашга тушарди. Айни пайтда, ўзининг ҳадли, имкониятларини ҳам яхши биларди, асарлари ҳақида айтилган асосли танқидий мулоҳазалар-ни мардона тан оларди. «Мен Озод ёки Матёқуб эмасман. Улар танқидчилик бобида ноёб талант эгалари. Мен эса улар йўлини тутган шунчаки шогирд, адолат филойисеман. Афсус, дилимдаги гапларни уларчалик қойил қилиб айтолмайман. Буни яхши бил-ман. Лекин менга бир нарса таскин беради: адолат йўлида улар сафида турганим учун фахрланаман» деган гаплари ҳеч эсимлан-чиқмайди.

Деканлик лавозимидан озод бўлиб олгач, айниқса, нафақага чиққанидан кейин, у бутунаси ўзи танлаган аср боши алабиёти уммонига шўнлиб кетди. Ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлиси эгагига ўзи учун маҳсус уй солдириб эртадан кечгача қўлёзмаларни тикки-лаш, қалрдон машинкасини бетиним чиқиллатиш билан шугул-ланди. Ёз ойларини Дўрмондаги ёзувчиларнинг ижод уйида ўтка-зар, болалик йиллари кечган ота мерос мулк нафаси уфуриб тур-

ган бу масканда у яйраб дам олар, кексаинига қарамай боғлаи ҳовузда йиғиларлек гаввож бўлиб суыр, дўстлар ила мароқли суҳбат қураб, илҳом билан ишлар, бинобаринг, машинкасини тинимсиз чиқиллатарди.

Унинг айниқса, бир хислати ҳаммани дол қолдирарди. У чиндан ҳам санъат шайдоси эди. Турғун Алиматовга ихлоси ниҳоятда баланд бўлган, хонадонидаги тўй, улфатчилик гурунглари усиз ўтмасди, моҳир соҳида танбур ёки сатода мақом куйларини янги рагганида бамисоли жунун ҳолига гушарди, ўзи ҳам дуторда яхшигина машқлар чаларди. Ўз хонадонигина эмас, қариндош-урунлари, яқин дўстлари даврасидаги, жумладан, Дўрмондаги хос ўтиришларга ҳам Турғун акани таклиф этар, улуғ соҳида эса дўстининг истагига бажонидил розилик билдирарди.

Тинимсиз меҳнат, илмий иланишлар самараси ўлароқ саксондан ошганида олимнинг «Маънавият, қатрият ва бадиният» номли салобатли китоби дунёга келди. Уни муаллифнинг несиқюл йилларида ушалган орзу-армонлари шукронаси, умр бўйи олиб борган адолат йўлидаги курашлари нфёдаси, ҳаёт, илмий ижод бобидаги иланишларидан чиқарган сабоқ ва хулосалари, деб агаиш мумкин. Китоб муносиб тақдирланди, таниқли журналист олим Бойбўга Дўстқораев «Жаҳон адабиёти» журналада эълон этилган мақоласида уни «умрни узайтирувчи фарзанд» деб баҳолади.

Бундай баҳога илова тарзида яна шуларни қўшиш мумкин: Аҳмад аканинг садоқатли рафиқаси Мунира онамиз билан 60 йиллик тотув умр йулидан ёрқин ёлгорлик бўлиб, ота касбини давом эттираётган ёлғиз фарзанди Гулчехра ва у орқали ушалган эзу орзулари - ўзи ошчлаб катта қилган, бугун эл-юрт хизматида юрган уч набира - Отабек, Ойбек, Улугбеклар қолди. Улар бор экан, бу табаррук хонадоннинг 90 йил порлаб турган чироғи ҳеч қачон ўчмагай.

2007 йил, октябрь.

МИРЗА АКаниНГ НАДОМАТИ

Таниқли ёзувчи, публицист ва таржимон Мирзакалон Исмоиллийни биз тенгли таниш-билишлари ихчамгина қилиб «Мирза ака» деб атар эдик. Камина ҳам бир оддий китобхон, қолаверса, мунаққил сифатида унинг қалами остидан чиққан галдаги ҳар бир асарини муиттаҳам ўқиб, кузатиб бораардим. Уларнинг айримлари ҳақида ёзганман, радио ва телевидениедаги эшиттирилиш-кўрсатувларда қатнашганман. Айни пайтда бир неча бор Мирза аканинг суҳбатларини олганман.

Адиб туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан матбуот ва телевидениедаги қатор чиқишлар, хусусан, Зухриддин, Шодмонбек мақолалари кўплар қатори менда ҳам яхши таассурот қолдирди. Айниқса, Тоҳир Маликнинг «Озод инсон ҳақида қўшиқ» қиссасини мароқ билан ўқиб чиқдим.

Мирза аканинг айни шу номдаги уруш даврига оид очерки номи билан аталган бу ҳужжатли қисса, аслида, адиб тўғрисидаги хотиралардан иборат. Хатқимизда «Жигар - жигар, лигар - лигар» деган нақб бор. Яхши хотира ёзиш учун, аввало, маҳорат керак, маҳорат билан баробар, хотираданис қаҳрамони шахсияти ва ҳаётини яқиндан биладиган, балки, унга шахсан дахлдор юз бўлиши даркор. Айниқса, қалам аҳлига яқин ижодкор одамнинг у ҳақида ёзганлари ўзгача шукуҳ касб этади. Бунинг жаҳон адабиётида ҳам, ўзимизда ҳам ёрқин мисоллари кўп. Чунончи, «Отам ҳақида», «Қолирийнинг сўнгги кунлари», «Ойбегим меннинг», «Чорак аср ҳамнафас», «Шоиранинг февруза олами» - Ҳабибулла Қолирий, Зарифа Саидвосирова, Кибриё Қаҳҳорова, Саид Аҳмад қаламига мансуб хотира асарлари бу даъвоини тўла тасдиқлайди. Мирза аканинг жигари - жиян ва шотирд - таниқин ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Озод инсон ҳақида қўшиқ» қиссаси ҳам, менимча, ўша асарлар қаторидан ўрин олишга ҳақли.

Қисса тил, ифода, баъний талқин, сюжет-композицион тузилиши жиҳатидан ўзига хос. Воқеа-ҳодисаларни ифодаланида муаллиф замонавий адабиётда кенг урф бўлган ретроспектив - орта назар танлаш усулидан унумли фойдаланали, қаҳрамон умрининг сўнгги сарҳисоб дақиқаларидаги тигиз руҳий ҳолати ифодаси орқали кечмишга қайтиб, бот-бот унинг умр дафтариини варақлаш, аниқроғи, ҳаётидаги энг ҳаяжонли драматик лавҳаларни бирма-бир кўз олдимизда тавлалантириш йўлидан боради. Ҳаётда бўлиб ўтган реал воқеалар, аниқ шахслар билан боғлиқ ҳодиса-ҳолатлар ҳам бош қаҳрамон, ҳам муаллиф тасавурида уйғунлашган ҳолда, гаройиб полифония ҳосил этган, оғир хаста ҳолда гоҳ ҳушига келиб, гоҳ беҳуш ётган одамнинг ҳаётидан ўтган кечинмалар унга ниҳоятда яқин шахс - муаллиф тасавурлари орқали берилиши хотира-қиссанинг ҳужжатлилик хусусиятини сақлаган ҳолда, асарнинг баъний уфқини хийла кенгайтирган.

Қисса мутолааси жараёнида беихтиёр Мирза ака билан мулоқотлар чоғида бу кўпини кўрган, ўта тортинчоқ, камтарин, камсуқум кимсанинг ўзим шоҳид бўлган айрим хислатлари, унинг ўзи менга айтиб берган саргузаштлари, айниқса, қиссага кирмай қолган лагерь ҳаётига оид бир ҳаяжонли воқеа ёдимга тушди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири, илиқ куз фасли. Семашко номидаги шифохонада даволанаётган эдим. Мирза ака ҳам шу ерда эканлар. Бир неча кун гушлик ва кечки гаомдан сўнг шифохона биноси орқасидаги кўркам боғда у киши билан бирга сайр этиб, соатлаб суҳбатлашган эдик. Университетда ўқиган йиллари, дарс берган машҳур олим-домдалар ҳақида ғоят қизиқ ва қимматли хогираларини тинглаб, уларни китоб қилиш мумкин-ку деганим да, «Вақти келар, ёзарман» деган эдилар... Мирза ака негадир хонасига киришни хоҳдамасди. Бир гал сабабинини сўраганимда, хонада тўрт бемор гуришини, ҳамхоналари орасида уни тушунадиган зот йўқлигини, боз устига, бу ерда даволаниш баробарида, ижодий режалар билан келгани, ишлаш учун эса бу ердаги шароит пачорлигидан шикоят қилди. Шунда мен: «Ижод аҳлини ниҳоятда ҳурмат қиладиган фан доктори, профессор, кардиология кафедраси мудирини Зиёд Долимовга учрашиб, қулайроқ шароит яратиб беришни илтимос қилсангиз бўлади-ку», дедим. Мирза ака бир оз ўйланиб туриб: «Мен Зиёдни яхши биламан. У ҳам мени ҳурмат қилади. Икковимиз деярли тенгдошимиз. Аммо мен ҳеч кимдан, ҳатто яқин одамларимдан ҳам ҳеч қачон ҳеч нарса илтимос қилмасликка онт инганман», - деди қатъий қилиб. Сўнг Қарағанда лагерига бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Қарангки, ўша кунни кечаси уни ён дафгаримга ёзиб қўйган эканман, асл ҳолида Сиз аниқ ўқувчиларга тақдим этаётирман, ўқиб кўринг-а:

...Қарағанданинг қаҳратон қиш чилласи. Бир ҳафтаки қор бўрони кўз очирмайди. Совуқ 20-30 градусдан пастга тушмайди. Туфланган туфук муз парчасига айланиб, ердаги қор қатламини ўйиб, ичкари кириб кетади. Турадиган масканимиз - ёғоч барак билан иш жойимиз - шахта ораси 5-6 чақирим йўл. Айниқса, ишдан қайтиш чоғи танамдан дармон кетиб, оёқларим каловланиб юролмай қоламан. Ҳамроҳларим икки қўлтигимдан суяб, аранг баракка олиб келишади. Ўшандай кунларнинг бирида ёши мендан улутроқ, аммо чайир дўстим: «Мирза, бу кетишда ё бедаво дардга йўлиқасан, ёки нобуд бўлиб кетасан. Яқинда лагерга янги раҳбар келган. Ўқимишли, зиёли одам дейишади. Ахир сен журналист - ёзувчисан, русчага, ёзув-чизувга устасан, котибликка ҳам ярайсан. Ҳузурига кир, аҳволингни тушунтир, илтимос қил. Лагерда сенбон иш топилди», - деб маслаҳат берди. Бу гал менга маъкул тушди. Эртаси эрталаб янги раҳбар ҳузурига кирдим. Ёшгина, кўринишидан зиёлинамо йиғит экан. Яқин олиб дардимни - арзимни айтдим. Бирдан қовоғи уюлиб, қаҳри кўзгаб, истеҳю билан отаси тенги одамга -

менга чақчайиб, сенсираб: «Ҳали «журналистман» дегин, боз устига ёзувчиман» дегин!.. Қани уша ёзалиган қаламинг, менга берчи!» - дея ўрнидан туриб бирдан тепамда ҳозир бўлди. Чўнтагимдан қаламимни олиб узатганимда, уни икки қўллаб шартга синдирди-да, хона бурчагидати саватчага прғитди, шу заҳоти бор овоз билан ўқирганича адъютантини чақирди ва унга курак олиб келишни буюрди. Ҳаял ўтмай, у айтган матоҳни келтирди. Бошлиқ куракни унинг қўлидан силтаб олиб менга тутқазди-да, қатъий буйруқ оҳангида: «Илтимосинг қондирилди, бутундан бошлаб шахтага қатнамайсан, барак билан ҳожатхона орасидаги йўлакни қордан тозалаб турасан. Агар йўлакда бир кафт қор туриб қолса, кўрадиганингни кўрасан. Уқдингми?! Жўна!» дея гапни чўрт кесди.

Қўлимда темир куракни тутиб, каловланган ҳолда хонадан чиқарканман гўё «Бой ила хизматчи»даги Ғофирнинг «Ялима, бу итларга!» деган наъраси шушдоққина қулогим остида шанғиллаб эшитилиб турарли. Нега бу махлуққа ялидим, унлан нажот кутдим?! Бунақа хўрликдан кўра кўплар қатори улар орасида юриб, ўша шахта йўларида ўлиб кетсам бўлмасмиди, дея афсус-надоматлар оловида ўртанардим... Шу-шу «илтимос», «ёлвориш» деган сўзлардан ҳазар қиладиган бўлганман...

Ажаб саодатки, орадан икки кун ўтиб Мирза акани хотиржам, хуррам ҳолда учратдим. Суриштириб билдим, Зиёл домла беихтиёр Мирза аканинг шифохонада эканидан хабар топиб, у кишини ҳузурларига чорлаб, иш кабинетларини вақтинча бўшатиб, адибнинг даволаниши, ижод билан шугулланиши учун ҳамма шароитни муҳайё этиб берибдилар. Мирза аканинг тортинчоқлик билан ҳай-ҳайлашларига қарамай: «Сиздек адибнинг бу даргоҳда даволаниб, ижод этиши - шифохонамиз учун катта обрў-шараф» деб туриб олибдилар.

Шундан кейин Мирза ака боғ сайрига чиқмай қўйдилар. Икки ҳафта давомида даволаниш баробарида ижод оғушида хотиржам яйраб нафас олдилар.

2009 йил 12 февраль.

II. САФДОШААР ДАВРАСИЛА

ЧИН ИНСОН, ЗИЁЛИ ОЛИМ, ИСТЕЪДОДШУНОС ЭДИ...

Нуриддин Шукуров билан ilk бор 1957 йил апрелида Самарқанд университетиде ўтказилган Республика талабалар илмий конференциясида танишганман. Конференцияда мен «Ғафур Ғулום шеъриятининг эстетик принциплари» мавзусида маъруза қилган эдим. Маърузалар муҳокамаси чоғи Нуриддин ака сўз олиб, менинг ишимга яхши баҳо берди: конференциядан кейин мени ҳузурга чақириб, узоқ суҳбатлашди, келгуси режаларимни сурштирди. Кейин билсам, жуссаеи кичик бўлса-да, услувор, гап-сўзлари пишқиқ бу домла мендан бор-йўни бир ёш кагга экан. Йигирма ёшида университетни, сўнг аспирантурани тугатиб, аллақачон домлаликни бошлаб юборган эканлар. Шу тариқа Самарқанд университети домласи билан Ўрта Осиё Давлат университети талабаси орасида бошланган танишув сўнг дўстликка, илмий-ижодий ҳамкорликка айланиб бир умр давом эди. Мен ҳар гал Самарқандга борганимда Нуриддин акани кўрмай қайтмас эдим. Гоҳ университетда, гоҳ «Ленин йўли» газетаси таҳририятида, гоҳ «Шалода» адабий гурағи даврасида, гоҳ Гастелло - ҳозирги Нуриддин Шукуров кўчасидаги 62-уйда неча бор бу дўстим билан мароқли гурунлар қурганмиз, қизғин баҳс-мунозаралар олиб борганмиз.

Ўз кузатишларимдан келиб чиқиб, далил айта оламан: XX аср иккинчи ярми Самарқанд адабий муҳитида Воҳид Абдуллаев билан Ботирхон Валихўжаев мумтоз адабиёт тадқиқотчилари сардори саналсалар. Нуриддин Шукуров замонавий адабиётшунослик, танқидчилик, адабий ҳаракат сардори эдилар. Нуриддин акада ҳам мунаққидлик, ҳам журналистлик, ҳам нотиклик, ҳам ташкилотчилик, ҳам мураббий-устозлик иқидори ажойиб бир тарзда мужссам эди. У минбарга чиққанда, айниқса, гап шеърят устида кетганида ҳам олим, ҳам шоир бўлиб тўлиб-тошиб сўзлар, шеърый ва насрий нутқ орасидаги чегара сезилмай кетарди. Хусусан, Ғ. Ғулוםнинг юзлаб шеърларини ёд биларди. Мен Нуриддин акани истеъдодлунослик бобида замондош-гендош Озод ака билан бир қаторга қўйишни истардим. Ўтган асрнинг 60-80-йилларида Самарқанд муҳитида етишиб чиққан адабий истеъодларининг деярли

бarchасига у раҳнамолик қилган. Биргина Омон Матжондек шоирга устоз бўлишининг, бу улкан шоир томонидан устоз деб эътироф этилишининг ўзи катта бахт! Барот Ёйқобилов, Жонибек Субҳон, Ўткир Раҳмаг, Асқарали Шарофов, Илҳом Ҳасан, Муртазо Қаршибоев каби ўнлаб адабий истеъдодлар Нуриддин ака қалб саховатидан баҳраманл бўлганлар.

Единда, бир гал Тошкент, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган талабалар олимпиадасига Самарқанд университетида қатнашган ёни истеъдодларга Нуриддин ака бошлиқ бўлиб келдилар. У киши Муртазо Қаршибоев деган тортинчоққина йигитни менга таништириб, «Умарали, шу йигитга эътибор беринг: ўзи бир оз ёввойи табиат, лекин ниҳоятда билимдон, ноёб истеъдод» деди. Муртазо кейинчалик кафедрамиз талқиқотчиси сифатида Қодирий, Чўлпон ижоди бўйича талқиқотлар олиб борди, яхши бир китобча чиқарди, айни пайтда «Муштум», «Тафаккур» журналларида хизматни давом эттирди, бири-биридан чиройли, оригинал мақодалари билан жамоатчилик эътиборига тушди... Нуриддин ака ҳар гал учрашганимизда «Муртазонини тергаб туринг, ишини тезроқ тугаллаб, ҳимоя қилсин, ўзига қўйиб берсангиз, юраверали бу ёввойи-тортинчоқ!» дея кулиб қўярди.

Нуриддин аканинг раҳбарлик иқтидори, ташкилотчилик қобилияти университетда деканлик, хусусан, проректорлик лавозимларида ишлаган кезлари, айниқса, ёрқин намоён бўлди. 1985 йили унинг ташаббуси билан Самарқанд университетидеда уюштирилган олий ўқув юрларида адабиёт ўқиғини муаммоларига бағишланган илмий анжуман ниҳоятда юксак савияда ўтган эди. Республика олий ўқув юрларида ишлайдиган улкан адабиётшунос олимлар - Ф.Каримов, Н.Маддаев, С.Долимов, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, Н.Шукуров, С.Мирзаевларнинг чиқишларида ўша давр адабиётшунослигининг жиддий муаммолари кўтарилган эди. Айниқса, мумтоз адабиётимиз тарихи бўйича Н.Маддаев, В.Абдуллаев, Ф.Каримовлар қаламига мансуб дарсликлар бўлгани ҳолда, XX аср адабиётидан ҳанузгача дарсликнинг йўқлиги кечирилмас бир ҳол эканлиги айтилди. Шу кескин танқид баҳона бўлиб XX аср ўзбек адабиёти тарихи бўйича махсус дарслик яратишга киришилди. И.Султонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Шукуров, Б.Назаров, А.Қаттабеков ва камини - Умарали Норматовлардан иборат муаллифлар жамоаси қаламига мансуб «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1990) майдонга келди.

Замонавий зиёли, раҳбар ходим бўлмиш Нуриддин ака миллий

урф-олатларимизни ҳам қадрлайдиган инсон эди. Самарқанд заминига қаллим кўиншимиз биланоқ у киши бизни ўша йил ёнида оламдан ўтган устоз Воҳид Абдуллаев хонадонига бошлаб борди. С.Долимов чиройли бир овоз билан «Қуръон» тилонат қилиб, са-вобини устоз руҳониягига бахшида этдилар.

Илмий анжуман сўлим сентябрь ойида, айни пишиқчилик пайтида ўтган эди. Нуриддин ака меҳмонларни тоғ этагидаги узумчилик хўжалигига бошлаб бордилар. Қирларга тугашиб кетган бепоён ишкомлар, ҳар бир ишкомда узумнинг ўзга бир нави. Узумнинг бунча хилма-хил тури бир майдонга йиғилганини илк бор кўришим. Нуриддин ака бамисоли миришкор боғбон сингари ҳар бир ишкомдаги узум навини тазрифлаб, ҳазил-мутойиба билан уни қайсидир меҳмонга ҳая этарди. Ниҳоят, бир ишкомга етганимизда, уни «Қоракалтак» деб атади ва мунаққид Норбой Худойбергановга бахшида этди... Бўлди - кулги, бўлди - кулги... Норбой ҳам ўзида йўқ шод эди... Ўша дақиқаларга қадар менга хиёла жиддий туюлган Нуриддин акада нозик юмор туйғуси ҳам кучли эканига амин бўлдим!

Етти муаллифдан иборат адабиёт тарихи дарслиги жамоасини уюштириш вазифаси менинг чекимга тушган эди. Муаллифлар ичида энг интизомлиси, лафзи ҳаёли Нуриддин ака бўлиб чиқди. Самарқандда гуриб деярли ҳар куни менга телефон орқали қўнги-роқ қилар, дарслик устидаги ишнинг боришини суриштирар, муаммолар хусусида фикр олишар эдик. Ўзларига тегишли барча бобларни вақтида, белгиланган ҳажмда тайёрлаб топширидилар. Дарслик муҳаррири - ўз шогирдлари Асқарали Шаролов билан матн таҳрири устида жиддий иш олиб бордилар. Ниҳоят, дарслик чиқди. Дарсликка кирган муаллифларга дарслик китоби ҳая этилди. «Асқад Мухтор» бобини Нуриддин ака ёзган эди. Асқад акадан мазкур боб ҳақидаги фикрини сўраганимда «Нуриддин чин зиёли олим, бу боб чин зиёлиларча ёзилибди» деган эдилар.

Нуриддин ака билан баҳслашган пайтларимиз ҳам бўлган. У бир неча бор менга таъна қилиб: «Умарали, нега Сиз «социалистик реализм - очик система» деган муаммога бунчалик ёпишиб олдингиз» дерди. Бу хусусдаги эътирозини матбуотдаги чиқишларидан бирида ёзди ҳам. Мен ҳам бўш келмасдим. 30-40-йилларда соц-реализм чегараси ниҳоятда торайтирилиб қўйилган, бу йўлдан салгина чиқиш кагга гуноҳ санатар эди. 50-йилларга келиб француз адабиётшуноси Р. Гародининг «Худудсиз реализм» китоби рус тилида пайдо бўлди, сўнг унинг таъсирида социалистик реализмни

«очик система» деб аташ фанда кенг ёнида бошланди. Аслида бу социализм қатъий чегараларини - имкониятларини кенгайтириш йулидаги бир уриниш эди. Бу ингилсин, масалан, бизда Қолирий, Чўлпон каби адибларни, «Ўткан кунлар», «Абулфайзхон», «Сароб», «Жалолдин» каби асарларни оқлаш, энг муҳими, мавжуд қолпларга асло сизмайдиған А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Нарфи, О.Магжонлар шеъринини, О.Ёқубов, П.Қолиров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Ўркиш Аъзамлар ҳикоя, ҳисса, романларини ҳимоя қилиш воситаси эди... Мен шулар хусусида куйиб-пишиб сўзлаганимда, Нуриддин ака ўйга толиб: «Ҳа, бу ёғи ҳам бор» дерди.

Нуриддин Шукуров ана шундай одамни, ҳамкасбини тушунадиган чин инсон, чин зиёли, шоиртабнат олим, моҳир истеълодшунос эди...

КАТЪИЯТ

Бегали билан бир олий ўқув даргоҳида таҳсил олганмиз. Гулом Каримов бошлиқ кафедрада олашма-кейин аспирант бўлдик, номзодлик, докторлик диссертацияларини ёқладик, бир кафедрада ишладик, шу кутлуғ маскан бағридан ажратиб чиққан кафедраларда мудирлик лавозимларида ишладик. Бегали менинг устозим Ошод ака билан оға-инилек қалрдон, сирдош-маслақдош эди. Боз устига, у менинг энг сеvimли қайишенигим Мағлубахон билан оила қуриб, қариндошга айландик. Ҳаёт экан, энг яқин оилалар орасида учрайдиған айрим баланд-паст гаплар ҳам орамизда бўлиб ўтган. Иш, адабий-илмий муаммолар юзасидан тортишган вақтларимиз бўлган. Бегали туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан хонадошида тор доирада Муҳаммад Али, Жуманазар каби яқин дўстлари иштирокида ўтган даврада у меъзонлар ҳақида бирма-бир сўз айтиб, жумладан, каминга келганда «Умарали ака олим-мунаққил сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам самимий, ҳатто унинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам самимий» дегани сира ёдимдан чиқмайди. Ўша пайтга қадар бу хусусда сира ўйлаб кўрган эмас эканман. Шунда мен бирдан ўзимни «таниб олгандай» бўлдим. Мунилоқ ўйлаб қарасам, фақат Бегали билан эмас, ўзимга тенгдош, ўзимдан катта ёки кичик ҳамкасблар, адиблар билан узоқ йиллар илмий-ижодий муаммолар юзасидан қизгин баҳслашиб-тортишиб юрган, тоҳо кескинроқ кетган бўлсам-да, бу борада ҳеч қачон шахсий гаразни аралаштирган, «рақибим» вига тушиб, ундан ўч олиш йўлини тутган эмасман. Бизнинг Бегали билан муносабатларимиз айни шу

тарзда кечган. Бунга яратганининг ўзи, қолаверса, яқин дўстларим гувоҳ.

Университетда Бегали билан салкам қирқ йил давомида кечган воқеаларни қайта ҳаёлдан ўтказар эканман, икки лавҳа ярқ этиб, кўз олимда гавдаланади. Назаримда, шу икки лавҳа - умрини икки палласида Бегалининг шахсияти, инсон, олим сифатидан фазилат-хислатлари шунлоққина намоён бўлади.

Биринчи лавҳа

Кўпчиликка аён, истиқлол арафасида собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб мамлакатимизда мактаб адабий таълимини янгилан масаласи кўтарилди. Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, умумий ўрта адабий таълим концепциясини ишлаб чиқиш, янги дастур тузиш, сўнгра тубдан янгиланган дарсликлар яратиш бўйича ижодий гуруҳ тузилди; ижодий гуруҳга раҳбар этиб каминна, мумтоз адабиёт масалалари бўйича Бегали раҳбар ўринбосари этиб тайинланди. Уша йилнинг баҳорида Дўрмондан Ёзувчилар уйида ижодий гуруҳ иш бошлади. Бир ой давом этган илмий-ижодий изланишлар, тушу кун кечган баҳсу мунозаралар ишчи гуруҳ аъзолари ҳаётида ўчмас из қолдирди, дасам асло янгилимайман. Уша пайтга қадар 90 йиллик адабий таълим соҳасидан тажрибалар сарҳисоб этилди, йўл қўйилган хатолар аниқланди; аynи пайтда бу боралаги кўни-қўшни мамлакатлар, қолаверса, жаҳон тажрибаси имкон қадар ҳисобга олинди. Истиқлол арафасидаёқ эса бошлаган эркинлик шабалаларидан илҳом олиб, яқин кечмишда топталган миллий-адабий қадриятларимизни тиклаш, ҳақиқатни барқарор этиш йўлида катта ижодий жасорат кўрсатилди. Бегали расман тасдиқланган ишчи гуруҳ аъзолари билангина чекланмай, эркин, ижодий фикрлайдиган, мумтоз адабиётимиз тарихи билан шуғулланалиган деярли барча адабиётшуносларни ўз атрафига уюштирди. Масалата ёндашув бобидаги энг муҳим янгилик шундан иборат элики, узоқ йиллар мумтоз адабиётимиз тарихини ҳаққоний ёритиш, баҳолаш йўлидаги асосий ғов - адабиёт тарихига синфий ёндашиш ақидасидан бутунлай воз кечилди; мумтоз адабиётимизга ажратилган манбалар ҳажми ва соати икки баробар кўпайтирилди. Бегали ўзи чуқур ўрганган, бутун илмий фаолиятини баҳшида этган миллий уйғониш - жадидчилик даври адабиёти илк бор мактаб адабий дастуридан муносиб ўрин олди.

Очигини айтишим керак, аynи шу масалала Бегали билан жид-

дий баҳслашган пайларимиз ҳам бўлди. Бегали ўзи учун ардоқли, илжай-илжай топганларини - жалил адабиётига оид манбаларни мактаб дастури, дарсликларига мумкин қадар кўпроқ киритишга тиришар, бу борала қатъий туриб оларди. Ўз навбатида, мен ҳам эътирозларимни дингиз айттардим. Бегали ва унинг сафдошлари илжай-илжай топган миллий уйғониш даврига оид 300 га яқин адабий номлар, улар қаламига мансуб асарларининг ўз даври учун ижтимоий-маърифий аҳамиятини асло инкор элмаган, камситмаган ҳолда, уларнинг аксарияти бадийий жиҳатдан ночор эканлигини ҳам унутмайлик, дарслик-хрестоматиялардан фақат чинакам бадийят намуналаригина ўрин олишга ҳақли, аке ҳолда, дарсликларга зўрма-зўраки киритилган бадийий ожиз асар туфайли биз ардоқламоқчи бўлган муаллифнинг ўзи ҳам, қолаверса, мактаб ўқувчиси ҳам зарар кўриши мумкин эканлигини айтиб, адабий жараённинг шафқатсиз ҳақиқати ҳусусида талқиқот олиб борган рус адабиётшуноси Ю. Андреев далил-исботларини эслатиб ўтардим. Собик Иттифоқ Ёзувчилар союзининг VIII съездида бу гаройибтабиат олим билан учрашиб журналда эълон этилган шов-шувларга сабаб бўлган мақолааси ҳусусида суҳбатлашган эдик. (Кези келганда эслатиб ўтай, бу олимнинг «Бахтли бўл, ўғлим» китобини устоз О. Шарафиддинов ўзбек тилига таржима этган, асар ўқувчиларга манзур бўлган эди...) Унинг айтишича, XX асрнинг 75 йили давомида рус адабиётида яратилиб дунё юзини кўрган асарларнинг атиси икки фойзигина адабиёт тарихида қолибди, шу икки фойзининг юздан биригидин адабиёт хрестоматия ва дарсликларидан ўрин олибди, аср охирига бориб бу кўрсаткич тенг ярмига, балким, 90 фойзга қисқариши мумкин, деган эди у. Астойдил ўрганилса, би элаги кўрсаткич русларникидан ортикроқ бўлиши аниқ. Ўзимизнинг беҳбудий бежиз айтмаган: «Танқил бу - сараламоқ!» Шунин эслатганимда, Бегали бир оз юмшаб: «Умарали ака, миллий уйғониш даврига оид шўро даврида топилган бисотнинг қолган-қутганлари ҳам йўқолиб кетиш ёқасида турибди. Саралаш қочмайди. Саралашдан олдин, бэр бисотни юзага чиқариб, тиклаб олайлик. Энг яхшилари билан элимизни, ҳусусан, ёш авлодни мумкин қадар кўпроқ таништирайлик. Ҳозир шуниси ниҳоятда зарур. У ёгини келажак кўрсатар» дея яна ўз ақиласида қатъий туриб оларди.

Умуман олганда, Бегали ўз ақлида ниҳоятда қатъиятли, ўжар бошлаган ишнинг охирига етказмагунча қўймайдиганлар хилидан эди. Бунин мен асло камчилик деб билмайман. У илм-фанда нимага

эришган бўлса, бошқаларга ёқин-ёқмаситидан қағъи на зар, Аллоҳ берган табиатилани айни шу хислати - қағъияти туфайли эришди

Иккинчи лавҳа

Айни шу қағъият Бегали умринини ноёнида оғир бедаво дард билан олишув асносида ҳам намоён бўлди. Ҳар қанча пинҳон гутилган бўлмасин, бу ақдди - ўта сезгир инсон қандай дардга мубтало эканлигини яхши биларди. Била туриб, катта умид билан мўъжиза руй беришига - соғайиб кетишига умид боғлаб нафас оларди.

Буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Минг бир жон» ҳикоясида инсон табиатига ҳос мана бундай ноёб кузатиш бор. Асар бош қаҳрамони дейди: «У ёғини суриштирсангиз, мен одам бодасининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилагани ҳали эрта» дерчигини деган умид билан. дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ зўр умид билан қарагани деб биламан». Бошқа бир персонаж тилидан адиб ёзди: «Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта... ҳозир тулаб қолган шамдек липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам, қолган мингтасини ёқиб кейин сўнали».

Китобда битилган бу аёл инсон табиатига ҳос ноёб гаъриф-тавсифини ҳаёдаги исботини шахсан ўзим икки шахс тимсолида кўришга муяссар бўлганман. Шоир Шавкат Раҳмон онкология касалхонасида сўнги бор оғир аҳволда ётганида бир ҳафта давомида ҳолидан хабар олиб турганман. Ҳар гал уйда тайёрлатиб олиб берган тансиқ таомлар учун миннатдорчилик билдирар, нафас олишга қийналиб, бетоқағ ҳолда ётганига қарамай, кўзларида умид учқуни чарақлаб турарди. Яқин орада ҳукумат касалхонасига ўтказишмоқчи, у ерда янгича усулда даволашмоқчи эканини айтиб, албатта, тузалиб кетишига умид боғлар, тўхтаб-тўхтаб келажакдаги ижодий режалари ҳақида сўзлар эди...

Бегали билан сўнги учрашувимизда ҳам айни шу ҳол такрорланди. Фарғоналик адабиётшунос олим Нўрulloҳ Солижонов билан ҳузурга борганимизда бирдан чехраси очилиб кетди. Ҳатто ўрнидан турмоқчи бўлди. Илтимосимга кўра ёстиққа қайта бош кўйди. Ҳақиқатан ҳоли ночор бўлса ҳам, кайфияти яхши эди. Диктафон орқали кўнглидаги гапларни қоғозга туширётганини айтди. Беихтиёр «Қиладиган ишларим кўп... бу давосиз дард менга қаёқдан ёпишди-я» деб юборди. Мен унга далда бериш учун «Ўзингизга

яхши аён, дунёда давосиз дарлнинг ўзи йўқ. Бунга мисоллар беҳисоб. Узоққа бормайлик, ўзимизга яқин соҳадан айрим воқеаларни эслайлик. Биласиз, ёзувчи Солженицин ўттиз ёшларида «бедаво» саналган дарлга йўлиққан, ўзимизнинг Тошкентда, ТошМИда даволанган, мана бугун саксондан ошиб, тўқсонга қараб кетяпти. Грузин адиби Амирижиби ҳам «бедаво» дарлни енгиб узоқ умр кўрди. Номин жаҳонга машҳур Маркес «бедаво хасталик» билан олишувда бўш келгани йўқ...» Сўнг гапини давом эттириб: «Хузурингизга киришдан олдин Сизни даволаётган табиб билан суҳбатлашдик, домланинг танида, руҳиятида соғайиш томон бурилиш бошланди» деган хушхабарни айтди» деганимда бирдан икки чаккасига қон югуриб, кўзлари яшнаб кетди. «Ҳа, янаш учун курашиш керак экан. Ўлимга рози бўладиган аҳмоқ йўқ!» деди ўзинга хос андак ҳазил аралаш қатъият билан.

Ўша кунни кечкурун Озод акага телефонда Бегали билан учрашувдаги шу гапларни сўзлаб бердим. Устоз ўша кунни ёзган, эртасиёқ матбуотда чиққан бир мақоласида Бегалининг қатъият билан айтган гапларини келтириб ўтган эди. Минг афсус, тақдир экан, орадан кўн ўтмай, шафқатсиз ўлим уни ораמידан олиб кетди. Бироқ аъло инсонларга хос ҳаётга, ижодга бўлган дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ меҳри, умиди, бу йўлдаги миселсиз қатъияти билан у бир умрга қалбимизда қолди.

2008 йил, сентябр.

«Кўнгли поку сўзи поку ўзи пок...»

Ўлмас ҳақида ўйласам, беихтиёр ҳазрат Навонийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги «Кўнгли поку... сўзи поку ўзи пок» сатрлари ёдимга тушди. Дарҳақиқат, Ўлмас биринчи галда ҳам кўнгли, ҳам сўзи, ҳам ўзи пок инсон эди. Аллоҳ унинг сиймосида комил инсонга хос юксак ақл-идрок, беназир истеълод, маънавий поклик, боз устига кўркем қадри-қомат каби хислату фазилатларни тўқис ҳолда мужассам этган эди. Назаримда, унинг умр йўли ҳам инсоний баркамоллик, гўзаллик, покликнинг тимсоли бўлиб туюлди менга.

Ўлмас билан Миллий университетда бир даврда ўқиганмиз. У мендан бор-йўти бир курс олдинда эди. Фақат курсдошларингизга эмас, бугун факультет талабалари унга ҳавас ва эҳтиром билан боқарди. Ўлмаснинг ишқий дostonларимизни эслатадиган, кўнглиларни орзинқтирувчи ишқий саргузашти шундоққина кўз олдимизда гунча тутиб, гул очган. Рус филологияси бўлимида Зухра исмли

ҳар жиҳатдан баркамол қиз бўларди. Унга ошиқу шайло бўлганлар соғ-саноқсиз эди. Бу сўлим, майин-мулойим қизга ҳеч ким ҳадди ситиб, яқинишга йўлашга ботино имасди. Бу пари пайкар қайси бахти кулган йиғишга насиб этаркан, деб юрардик... Ўз навбатида, Ўлмасга пинҳона кўнгил қўйган қизларнинг алади ҳам бисёр эди. Шу орада Ўлмас билан Зухра орасида яқинлик юз берди. Шунда мен гаройиб ҳолатга дуч келдим. Бундан вофиқ бўлган йиғиш қизлар барчаси бирлек енгил тин олди. Зухра пайида юрган йиғишлар ҳам, Ўлмасга ҳавас билан интилан қизлар ҳам кўнгилда ҳеч қанақа кек сақламай «ҳар жиҳатдан бир-бирига муносиб» дея тақдирга ган берганларига шахсан ўзим гувоҳ.

Ўлмас ва Зухранинг ҳар жиҳатдан тенгликка, вафо ва садоқатга асосланган ишқий-оилавий умр достони ҳали ёзилмаган бўлса-да, унинг шўъалари ёлқини Ўлмаснинг ҳикоя, қисса, роман, драмаларида кўзга яққол таниланиб туради.

Ўлмас ҳақидаги хотираларимнинг ҳаммаси қозога туширилса каттагина китоб бўлиши тайин. Насиб қилса уларни ёзарман. Ҳозирча «ҳамир учидан патир», деганларидек ҳаёлдаги айрим лавҳаларни келтириб ўтсам...

* * *

Аминманки, Ўлмас умри давомида Зухрадан бошқа қиз - аёл зотига қиё боққан эмас. Буни Ўлмаснинг устози, ота ўрнида энг яқин кишиси Саид Аҳмад ака ҳам қайга-қайта таъкидлар эди. 1986 йили собиқ Иттифоқ ёзувчиларининг VIII съезди кунларида бунга яна бир бор иқдор бўлганман. Республикамиздан сайланган делегатлар «Россия» меҳмонхонасининг 5-қаватида жойлашдик. Саид Аҳмад ака ўзига яқин Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст ва каминаларни ўз хонаси агрофига тўплаб олди. Ҳар кун кечкурун Саид Аҳмад ака хонасида тўпланамиз, ярим тунга қалар ҳангомаланиб ўтираемиз. Кун ора бу гурунги уюшма раҳбарлари учун ажратилган алоҳида хонага жойлашган Ўлмас ҳам таширф буюради. «Съезд мажлисларидagi расмий, зерикарли нутқлардан толиқиб устознинг ичак узли ҳангомаларини эшитиб дам олгани келдим» дейди ўзига ярашганига табассум билан Ўлмас. Одатдагидек, Саид Аҳмад шоғирлар даврасида «қайнайди», Ўлмас эса кулгидан кўзлари ёшланиб яйрайди. Охирида устоз ҳазил-мутойиба нишабини Ўлмасга йўлдади. «Укам Ўлмас-жон, мана, съезд ҳам охиридаб қоляпти. Бир ҳафтадан бери кузатаман, Иттифоқимизнинг турли чеккаларидан келган «мана - мен»

деган жонон шоирларнинг кўзи минбардаги нотиқларга эмас, сьезд президиумида ўтирган Сенга қадалган, ҳаммаси ҳам эркак юти шундай кўркем бўладими-я, дея энтикиб ўтиришади. Сен эса беларвохсан, бирортасига қиё боқмайсан... Указон, илтимос, шу шройинини ва ўтирган жойинини бир кунгина менга бериб тургин. Мен ҳам эркак бўлиб қадди-бастигма ҳавас билан тикилиб турган жононларга кўз қисиб, бир хумордан чиқай...» дея илтижо қилади. Ўлмас эса тўлиб-тошиб кулиб «Оббо, Саид Аҳмад ака-ей, етмишга стаянсанзу, шўхлигингиз қолмайди-я» дея румолчаси билан кўзлагини қувонч ёшларини артади.

* * *

Шу воқеадан икки ойча бурун Ўлмаснинг таклифига биноан Грузия Ёзувчилари съездига республикаимиздан вакил бўлиб боришимга тўғри келди. Маслаҳатга кўра, съездда нутқ сўзлашим, нутқ матнини эса тайёрлаб олишим керак экан. Грузин-Ўзбек алабий алоқалари, грузин алибларининг Ўзбек тилига таржима қилинган асарлари ҳақида бой материал тўпладим. Русча 6-7 саҳифалик нутқ матни билан танишиб чиқишни Ўлмасдан илтимос қилдим. Ўлмас бажонидил рози бўлди. Эртаси ҳузурига борганимда шаҳсан ўзи таҳрир қилган нутқ матни иш столи устида турарди. «Умуман, маъқул, бироқ чўзилиб кетибди, меҳмоннинг сўзи 3-4 минутдан ошмаслиги керак, шунини ҳисобга олиб қисқартирдим, грузинлар кайфиятига мос тушадиган иборалар қўшдим» деди ва «Дата Тутташхиа», «Абадият қонуни» таржимларини уюшча раҳбари сифатида дастхат битиб грузин ҳамкасбларига совға тарзида топширишни сўраб, қўлимга тутқазди.

Уйга келиб, Ўлмас таҳриридан чиққан матнини ўқиб ҳайрон қолдим. Очиги, нутқим матнини олдин таниқди бир рус алибига ўқитиб олган эдим; Ўлмаснинг таҳрири рус алибиникидан «аъло» чиқибди, матн тенг ярмига қисқарган бўлса ҳам факт ва маъно тўла сақланган, боз устига, мезбонлар кайфиятига мос образли иборалар билан жоб берилган. Оқибат кутилгандан ҳам ортиқ бўлди, нутқини ҳам, совға-саломларни ҳам мезбонлар ниҳоятда хуш қабул қилди.

* * *

Ўлмас ўз асарларининг савия-даражасини яхши билар, ортиқча мақтовларга учмас, танқидларга ҳам хафа бўлмасди, айни пайтда эътировларини ҳам қилинмай, юксак бир маданият - одоб билан изҳор этарди. «Боллар қўшиқлари» ҳақидаги мақолам хусусида «Яхши

тушуниб, дилдан ҳис этиб ёзибсиз, лекин мақтовни бир оз ошириб юборибсиз» деганди. Бир гал устоз Озод Шарафиддиновнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссаси ҳақидаги танқидий руҳдаги чиқиши устида гап очиб: «Шундай жиддий баҳс-мунозаралар керак, фойдали, лекин айрим масалаларда Озод ака бир оз кескинроқ кетмаганмикин», дея қўнғилидаги эътирозини ҳам ётти билан изҳор этгани ёдимла.

* * *

Ниҳоят, менинг ҳаётимла, тақдиримла чуқур из қолдирган бир воқеани айтиб ўтай.

70-йиллар охириларида, не-не машаққатлар, сарсон-саргардонликлардан сўнг П. Қодировнинг «Юлдузли туллар» романи дунё юзини кўрди. Уни китобхонлар ҳам, адабий танқид ҳам хуш қабул қилди. Асар тез орада рус ва бошқа тилларга таржима этилиди, республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Мустабил тузумнинг тузуриқсиз адабий сиёсатини қарангки, 80-йиллар ўрталарига келиб, аввал республика Ёзувчилар уюшмаси съезида, сўнг Ўзкомпартия пленумида роман муаллифига катта ғоявий-сиёсий айблар қўйилди. Матбуотда пленумда айтилган танқидий фикрларни қўллаб-қувватловчи чиқишлар пайдо бўлди, «романда тарихга, тарихий шахсларга синфий ёиланиш, синфийлик тушунчаси йўқ», «Бобур образи идеаллаштирилган» деган алмисоқдан қолган илдалар айтилди.

Шу орада Ёзувчилар уюшмасида Пленум яқунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Мен унда сўзга чиқиб, партия пленумида «Юлдузли туллар» ҳақида айтилган танқидий фикрларга қўшилмаслигини айдим. Бу сўзни залдагилар олқишлар билан кутиб олди. Бироқ ҳамкасбларимиздан бири сўз олиб, мени сиёсий калтабинликка айблади. Мен нима қиларимни билмай қолдим. Залда ўтирганлар, айниқса, мажлис ҳайъати ҳайрон... Муҳокама охирида Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Ўлмас Умарбеков сўз олди. У ғоят усталик билан мунозарата яқун ясади. Мени ҳам, мажлис ҳайъатини ҳам мушкул вазиятдан қутқариб қолди. «Асар ҳақида хилма-хил фикрлар бўлиши мумкин. - дея ётти билан сўз бошладим у. - Партия пленумида докладчи «Юлдузли туллар» ҳақида ўз мулоҳазаларини айтган эди. Бу ердаги муҳокамада танқидчи Умарали Норматов ҳам ўз фикрини айтди. Бундай фикр алмашувлар яна давом этгаверishi мумкин. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканини келажакнинг ўзи кўрсатади».

Ғоят тани вазият бирдан енгиллангандай бўлди. Қўнлар шунда Ўлмаснинг моҳир ташкилотчи, уста дипломаг эканига тани берган эдилар. Худо кўрсатмасин, Уюшма раҳбари боғли нотикнинг ёнини олиб, мени компартия пленуми қарорига қарши чиқишда айблаганда борми, бошимга не қўнлар тушини аён эди. Ўлмас Уюшмадаги эмас, турли масъул раҳбарлик лавозимларида ишлаган кезлари ҳам ҳеч кимнинг бурнини қонатган эмас. Ҳар қандай мушкул, чигал вазиятларда ҳамини ҳамоя қилган. Кўнгли, сўзи, ўзи пок инсон аини пайтда ана шундай халоскор-нажоткор бўлиши тайин.

ОҒА-ИНИЛИК ШУКУҲИ

Абдуғафур билан мен университетда талабалик йиллари танишганман. Қўнлари чақлаб, вужуддан куч-тайрат ёғилиб турадиган, ғоят одамоҳун, билимдон бу йиғит мендан икки курс ортда ўқирди. Адабий тўғарак машғулотларида фаол қатнашар, адабий лаврлардаги дадил сўзлари - чиқишлари билан Ғ. Каримов, Н. Маллаев, С. Долимов, аиниқса, Матёқуб домла. Оюл ака эътиборини қозонган эди. Университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, Қарши педагогика институтига ишга йўланма олди. Тошкентда туғилиб, шу ерда вояга етган, аввал мактаб, сўнг университет таълимини олган чин шаҳарлик йиғит республикамизнинг олис вилоятида, ўша йиллари оддий район марказини, бординки, катгароқ қишлоқни жаладиган Қарши шаҳрида, қишлоқ мактабларини ёдга гуширадиган бинога жойлашган педагогика институтида бамисоли қишлоқ зиёлига айланиб, иш бошлади. Ўша кезлари институтда бағри кенг аялома Қурбон Ўлжабоев ректорлик қиларди. Бу одам, ундан сўнг ректорлик лавозимини эгаллаган Ориф Икромовлар Абдуғафурни ўз фарзандларидек бағрига олди. Абдуғафур олис Қарши ўқув даргоҳига пойтахт университети руҳини олиб кирди, бу ерда ҳам аини университетдагидек ҳаёт ва адабиёт ҳақида далил гаплар, баҳс-мунозаралар, адабий учрашувлар одат тусига кира бошлади; институт билан университет орасида илмий-иҷодий алоқалар ринтаси вужудга келди. Қарши институтининг филология факультети Абдуғафур воситачилигида бора бора университетимизнинг ўннга хос «филиали»га айлана бошлади. Устозлар қатори мен ҳам у ерда маърузалар ўқишга борадиган бўлдим. Абдуғафур асосан рус филологиясида рус тилида ўқийдиган маърузалари билан тингловчилар эътиборини қозонди.

Қарши шаҳридаги салкам ўн йиллик ҳаёт, фаолият Абдуғафур

учун яна бир доридфулун ваифасини ўтади. Ўнгирма икки иллик умри пойтахтда кечган йилги олин Қаршида гуё онадан қайта туғилгандай бўлди, оилавий бахтининг ҳам ўша ерда топди. Рус филологияси факультетига ўқийдиган, ҳам ўзбекча миллий, ҳам оғрунча яхши тарбия кўрган, жануб оғтобидан тобланиб вояга етган, кўзларидан ўт чақнайдиган термизлик шўх қиз Раънохоннинг меҳрини қозонди, у билан оила қурди.

Кейинчалик Термиз сафари чоғи Абдуғафур орқали Раънохоннинг оила аъзолари билан танишдим, айниқса, Раънохоннинг отаси Маҳмуд ака билан мулоқотлар менда унутилмас таассуротлар қолдирган. Бир қарашда юзлаган чечак касали қолдирган асоратлар гуфайли совуқроқ кўринган бу олам билан танишсангиз, суҳбатига тўймак эдингиз. Асли касби савдо ходими бўлган бу аломатинсон филолог олим Озод ака каби китоб шайлоси эди. Хонасидаги шкафлар жаҳон ва рус адабиёти намуналари билан тўла гуарди. Улар савлатга териб қўйилгани йўқ. Маҳмуд ака уларнинг деярли ҳаммасини ўқиб чиққан, фарзандаларини ҳам ўқини, уқинига ўргатган. Раънохон фақат шаҳто кўзлари, шўх-шолон хапти-ҳаракатларига эмас, биринчи гада, китобга, сўз санъатига шайлолиги билан ҳам Абдуғафурни ўзига ром этган.

Абдуғафур бу юрда турмушининг пасту баландлари, оддий меҳнаткаш қишлоқ одамларининг, фақир ҳақирларнинг дарду дунёси билан яқиндан танишди. Ўша кезлари миллий адабиётимизда, хусусан, насримизда Абдулла Қаҳҳор изидан борган О. Ёқубов, П. Қолиров каби ҳақгўй адиблар ижодида заҳматкаш қишлоқ одамлари турмуши, меҳнати билан боғлиқ ўткир муаммолар далил кўтарилган бошлаган эди. Ёш адабиётшунос буларни кўриб ҳаяжонланарди ва кўнглида шу мавзуда талқиқот олиб бориши нияти туғилди. Шу эзу ният уни университет аспирантурасига етаклаб келди. Илмий ишига устоз Озод Шарафидинов раҳбарлик қилди. Шу тариқа Абдуғафур ҳаётида янги давр бошланди. Мен Озод аканинг тўнғич шогирди эдим. Абдуғафурга иккинчи шогирд бўлиши насиб эди. Мен ҳам, Абдуғафур ҳам устозни маънавий падар деб билардик. Ўша шарафли аспирантлик - бир маънавий падарга фарзанд тутинган шуқудди йиллардан бошлаб, иккимиз оға-инига айланиб кетдик. Абдуғафур «Замонавий ўзбек қиссаларида ёш қаҳрамонлар характери» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаганидан сўнг, кўп ўтмай, Фулом Каримов ва Озод Шарафидиновлар таклифи билан университетга ишга таклиф этилди. Шунга ҳам салкам қирқ йил бўлибди, бир кафедрада бирга иш-

лаймиз, улфатчилик, оилавий борди-келди қиламиз, қувончимиз ҳам, ташвишларимиз ҳам ўртада. Қирқ йиллик саргузаштларимиз қозоғга туширилса, қирқга китоб бўлади-ёв. Бу уринда иним Абдуғафурга хос бир-икки хислат - унинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ айрим жиҳатлар устида тўхталиб ўтсам, дейман...

Абдуғафур отасидан жуло бўлганида ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган эди. Уни онаси, жаннати аломат кайвони онахон Меҳрихон ая бутун умрини, меҳрини шу ўғлонига фидо этиб етимлигини билдирмай катта қилди, яхши тарбия берди, ўқитди; олис юртда ишлашига, ундан-да олис юрт қиёғига ўйланишига монелик кўрсатмай, термизлик Раънохон хонадонига келин бўлиб тушганда унга ўз фарзандидай меҳр-мурувват кўрсатди, набираларини ювиб-тараб ўз фарзандидан ортқ кўриб катта қилди. Ҳар гал бу хонадонга борганимизда аввало бу меҳридарё габаррук онахонни тавоф қилардик. Абдуғафур ҳам, ўз навбатида, она ҳурматиини жойига кўярли, фарзандлик бурчини тўла-тўкие ўташда, она дуосини олишда Абдуғафурга тенг келадиган ўғлонни ҳаётда кам учратганман. Онахон 84 ёшда қаю қилганида, олтмишини қоралаб келаётган ўғилнинг боладай ичдан хўрсиниб кўздан ёш тўкиб турганини сира-сира унутолмайман.

Маънавий падари - устозига меҳр-мурувват, салоқат бобида ҳам Абдуғафур Озод ака раҳбарлигида номзодлик лисертациясини ҳимоя қилган 27 нафар шоғирд ичида олдинги ўринда турали, десам муболага бўлмас. Гарчи устозга тўнгич шоғирд саналсам ҳам, бу одам ҳеч кимга айтмайдиган юрак розларини Нуриддин билан Абдуғафурга очарди. Гоҳи Озод акага «Нега шу гапларни менга айтмай, Нуриддин билан Абдуғафурга айтасиз» деб гинахонлик қилганимизда, «Сиз ҳар ҳолда кафедрани мудирини - амалдор одамсини, раҳбар одамга ҳамма сирини ошкор қилиб бўлавермайди-ла», дея ҳазил қиларди.лар. Абдуғафур маънавий падари олдидаги бурчини устоз ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам қойилмақом қилиб адо этди, адо этиб келаётир; устоз ҳақида учта китоб, ўнлаб мақола эълон этди.

Абдуғафур 1996-98 йиллари ўзбек филологияси факультетига деканлик қилган келари яхшигина ташкилотчилик қобилиятини намойиш этди. Дўстимнинг ярим асрлик жушқин адабий-танқидий фаолияти, хусусан, адабий танқид назариясига оид ишлари, «Танқид, танқид, бақолаш» монографияси ҳақида ҳам кўп илқ гаплар айтиш мумкин. Булар алоҳида мақола мавзуси.

Шахсан ўзим ҳам Абдуғафурдан чин инсонлик меҳрини кўриб,

гуйиб келаман. Мен асли фаргоналикман. Салкам элик ишдан бери оиламиз билан Тошкенда яшаймиз. Ке и келганда айтиб утай Менниг она авлод аждодаларим шажараси Тошкенгга келиб туга нади. Бобомиз Ахмад қози Тошкеннинг Қорасув лаҳасидан, те нерат Жўрабекка яқин одамлардан бўлган, ўтган аср бошларида Фаргонага, аниқроқи. Яйпанга қози қилиб юборилган, у ерли Турдалибойшини ўгли Нормат қорига қизларидан бири - Сорахонни келин қилиб узатган. Камина ана шу жуфдликнинг фарзандларидан бири бўлиб дунёга келганман. Бобомиз 20-иниларининг охирига қалар қозиллик лавозимида хизмаг қилиб, вазифасидан бўшатилган, она шадрига келиб шу ерда вафот этганлар. Қабрлари Оқ уй маҳалласи қабристонда. Набира, эваралари ҳозир ҳам ўша даҳада яшаб келаётир. Шунга қарамай, оиламиз учун қайта тошкенлик бўлиб кетип осон кечган эмас. Яшай, рўнор тебратип, қиз узатиб, келин олиб, тўй-маъракалар ўтказип, қувончли кунларда ҳам, бошга иш тушган қайғули дақиқаларда ҳам одамга маслаҳат ўй, сирдон, таянч ва суянч керак. Абдуғафур мениг учун қалрдон қўшним, ҳамкасбим Раҳматилла қатори бир ини сифатида қоядай таянчим ва суянчим бўлиб келди. Тошкенглек шахру ачимда ана шундай она-инилик шуққини ато этган Аллоҳга шукроналар айтаман. Етмишини қарнидаб келаётган иним Абдуғафур катта ибратли бир оиланиг сардори, тиниб-тинчиган уч ўғил, икки қизга ота, ўн оғли набира, икки чеварага бобо; ҳали қарликни бўйинга олгани йўқ, университет профессори лавозимида хизматда, жўшқин алабий-танқидий фаолият давом этмоқда. Кўнлингиздаги жамики эзу орзу-ниятларининг руёбга чиқишига тилакдошман, азизим!

ЯРИМ АСРГА ЧЎЗИЛГАН МУЛОҚОТ

Ўтган аср 60- иниларининг бошлари. Тошкенг давлат, ҳозирги Миллий университетнинг ўзбек адабиёти кафедраси мудирин Гулом Каримов таклифига кўра камина - кафедра аспиранти филология факультети битирувчи курс талабалари билан адабиёт фанидан устоз бошлаган семинар машғулотларининг давом эттирилган бўлдим. Тасолифни қарангки, биринчи машғулот Гафуров деган талабанинг маърузасини тинлашдан бошланди. Гўё шабада эсса, эгилиб кетгудек озғин-позик, бўйчан йитиг минбарга оҳистагина кўтарилди. Маърузани ҳам тани-жиёмига мос майин-мудойим овозда секингина бошладди. Мен уни овозни баландроқ кўтариб сўзлашга ундамоқчи эдим, бунга ҳожаг қолмади, каттагина аудиторияни

тўлдириб ўтирган талабалар жимиб, ҳамманинг кўзи-қулоғи минбарга қадалган. Маъруза Саид Аҳмад ҳикоялари хусусида эди. Ўша кезлари яқин кечмишда чеккап кулфаларини - лагер қийноқларини бир оз унутиб, нисбий эркинлик шабадаларидан илҳомланиб, тўлиб-тошиб дилбар лирик ҳикоялар битаётган адибимиз ҳақида узук-юлуқ гаплар айтилаётган, мен ҳам анча-мунча нарсалар қоралаган эдим. Минбардаги талабанинг ўй-мушоҳалари, талқинлари, ифода тарзи уларнинг бирортасига ўхшамасди. Адабий асарни ҳаётнинг айни нуسخаси деб тушуниш, «ҳаётийлик ва ғоявийлик - бош мезон» шiori остида иш кўриш, адабий асардан даврга мос ғоя қидириш, асар персонажларига тирик олам, бетакрор шахс эмас, умумлашма ғоя тимсоли деб қараи, агар асар шу талабларга жавоб берса, муаллиф шаънига ҳамду санолар ёғдириши, жавоб бермаса, уни «уркалтак» қилиш анъанаси ҳали ҳам давом этарди... «Социологик таҳлил» деб аталган «мактаб»га мансуб мақолаларда мунаққилнинг «мен»и, шахси деярли кўринмас, у жамият, ҳокимият, партия номидан сўзлар, ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан асарга, адабий ҳолисага баҳо берар, ҳукмлар чиқарарди. «Шахсий фикр», «шахсий мулоҳаза» жамият, шўро фаши учун хавfli саналарди, салгина бўлсин мавжуд андозалаи четга чиқиш «субъективизм», «буржуача индивидуализм» томон тойиб кетиш дея кескин қораланади эди. Мана шу маъшум қолини ёриб чиқишга илк урнинлар бошланган эди ўша кезлари. Абдулла Қаҳҳор мактаби даргалари - университет домчалари О.Шарафиддинов билан М. Қўшжоновлар миллий танқидчилигимиздаги шу ҳаракатнинг бошида турардилар. Бу ҳислат, табиийки, талабаларга ҳам юқа бошлади. Мен буни илк бор талаба Гафуров тимсолида кўриб турардим.

Маърузачи Саид Аҳмад ҳикоялари хусусида ўзининг шахсий кузатиш, мулоҳазаларини, ҳикоялар муголааси жараёнида кўнглида кечган туйғулар, ўй-мушоҳазаларни изҳор этарди, асар персонажларига худди тирик инсон сифатида қарар, улар билан жонли мулоқотга киришар, қалбига кулоқ гутар, қалб кечинмаларини ўз қалби ғалвиридан ўтказиб, улар дарди-дунёсини тушуниб, юракдан ҳис этиб мулоҳаза юригар, уларга қўшилиб гоҳ қувонар, сурур оғушига фарқ бўлар, гоҳ ўртанар, алам-ўкинчлар оловида қоврилар, гоҳ улар билан баҳслашар-тортишарди...

Маърузани тинглаб туриб, хаёлга толган эдим. Танқид ҳам илм-фан, ҳам ижод. Ахир илм-фан, ижод шахсий фикр, субъектив мушоҳада, мулоҳазалардан бониланади-ку ахир! Шахсий фикр, субъек-

тив мушоҳадатларининг салмоғи, қўлами масаласи бу - бошқа гап. Ҳаммаси бирданига бўлмайди. Қолаверса, улкан адабимизнинг ўша кезлари яратган ҳикоялари ҳам, рости, салмоқли, қўламли фикрлар айтиш, хулосалар чиқариш имконини бермасди. Ҳар ҳолда, мавжуд асарлар савияси даражасида бетакрор мулоҳазаларни чиқор этишнинг ўзи ўша давр учун катта гап эди. Ўша маърузалар бошланган изланишлар кейинчалик «Прозанинг шоири» китоби билан интиҳосига етди. Бир қарашда бўшгина, нозик-ниҳол кўринган бу йилги кўксига олов, ёниқ асов туйғулар, қатъият, кўндал кетадиган туғён, фикрлашга - ўй суришга чанқоқлик бўй бериб турарди.

Ўша кундан бошлаб, талаба Гафуров мен учун ёш иқтидор, я мунаққил Иброҳим Гафуровга айланди. Ўзаро дўстлигимиз бошланди. Университетни битиргунга қадар бўш вақтлари у билан соатлаб турунлашадиган бўлдик, гоҳ университет хоналарида, гоҳ кўча-кўйда, гоҳ каминанини камтарона кулбасида, гоҳ Халқаро факультет биносига яқин нашриёт чойхонасида бир пиёла чой устида соатлаб дардлашардик. Сўхбатларимиз менинг ёки унинг маълумотида янги чиққан мақоламиз ёки адабиётимизда пайдо бўлган янги ном, асарлар устида кетарди. Унинг булар хусусидаги «ўта шахсий» қарашлари мени ниҳоятда қизиқтирарди. У тадаба, мен эса аспирантлик давримиздан бошланган интиҳосиз мулоқот Иброҳимжон Гафур Фулом нашриётида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да, «Миллий тикланиш»да, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси раҳбариятида, Республика парламентида масъул лавозимларда хизмат қилган кезлари узлуксиз давом эди. Боз устига тарихга киргулик, фахрланса арзигулик ноёб даврада салкам қирқ йилдан бери улфатчилик қиламиз. Бу йиллар давомида не-не савдолар гушмали бошимизга, ҳам қувончли, ҳам қайғули кунларда ҳамиша бирига бўлдик. Тақдир тақозосими ёки тасодифми, ҳатто Республика давлат мукофотини ҳам тенг тақсимлаб олганмиз.

Иброҳимжоннинг менга кўрсатган ҳимматлари олдида бир умрга ундан қарздорман. Гафур Фулом номидаги нашриётда чоп этилган илк китобларим - «Маҳорат сирлари» (М. Қўшжонов ҳаммуаллифлигида), «Жанр имкониятлари» унинг далласи билан чиққан. Яна ўша нашриёт бош муҳаррири И. Гафуров ташаббуси билан бирин-кетин «Шуҳрат», «Санил Аҳмад», «Насримиз уфқлари», «Насримиз анъаналари» босилди. Айни унинг тақдирига кўра «Адабиётимизнинг ярим асри», «Инқилоб ва адабиёт», «Адабиёт ва

змон» тўғламларига тўпловчи сифатида қатнаштим.

Иброҳимжон масъул лавозимларда ишлаган кезлари яхши ташкилотчи эканини намоён эди. Унда ўзини кўрсатиш, лабдабабозликдан асар ҳам йўқ; энг жиддий, қатъис масала-муаммоларни ҳам шовқин-суронсиз, бежанжал, беозор бир тарзда ҳал этар, муҳолифи билан олишиб-гортишиб ўтирмай тивиз вазиятни нажот томон оқилона буриб кўборар эди. «Тирик сатрлар», «Адабиётимизнинг ярим асри», «Инқилоб ва ижод» китобларини нашрга тайёрлашга бунга гувоҳ бўлганман. «Инқилоб ва ижод» тўғламига тақдим этилган Ғ. Каримов билан И. Султон мақолаларида бири-бирига зил қарашлар бор эди. Бошқча ҳар иккала олим ҳам ўз сўзида қатъий туриб олди, устозлардан бири ҳатто муҳолифининг мақоласи шу ҳолда берилгудек бўлса, ўз ишини қайтариб олаётганини айтди. Тўпловчи сифатида нима қиларимни билмай қолдим. Ниҳоят, нашриёт бош муҳаррири Иброҳимжон ташаббусни ўз қўлига олди, иккала мақолани ҳам ўзи таҳрир эталган бўлди; сик ҳам куймади, кабоб ҳам - яни таҳрирдан чиққан матнларга иккала устоз ҳам эътироз билдирмади.

Бошқа бир мисол. Иброҳимжоннинг ҳаммуаллифликда М.Қўшжонов ҳақида бир китобчаси босилди. Ҳаммуаллифининг гўрлиги туфайли унинг қаламига мансуб ўринларда ўзгаларнинг фикрларини ўзлаштириб олми ҳолларига йўл қўйилганлиги аён бўлди. Бир жанжалкаш ҳамкасбимизга бу факт қўл келиб қолди. У ҳақида шовқин-сурон кўтарди. Иброҳимжон осойиштагина бу ҳолга изох бериб, ҳаммуаллифига ишониб хато қилгани учун уэр сўради. Аммо бояги жанжалкаш ҳамкасбимиз бари бир тинчимасди, матбуотда чиқиш қилди, галлаг муҳокама мажлисларида такрор-такрор сўзга чиқиб, ҳамкасбини булғашга давом этаверди. Иброҳимжон «плагиятга» муҳтож эмаслигини, унинг бетакрор матни «плагият»ни асло қабул қилмаслигини ўша танқидчининг ўзи ҳам яхши билар, бида туриб бу қилгиликни қўймас эди. Иброҳимжон бунақа бачкана ҳамталарга нарво ҳам қилмай қўйди. Аммо мен чидамолдим. Бир анжуманда жанжалкашнинг галлаги ҳамласига жавобан кескинроқ гап айтдим. «Бу кимсанинг шаллақиликларига қачонгача тоқат қиламиз!» дедим.

Ўнимда ўтирган Иброҳимжон қулогимга шивирлаб: «Чакки қилдингиз, бу кимсага тенг келиб бўлмайди. Ўзингизга бало орттирддингиз» деди. Айни Иброҳимжон айтганича бўлди, энди Иброҳимжон қолиб, у менга ташланадиган бўлди, менинг «хато қарашларим»ни фош этувчи қулоч-қулоч мақолалар ёзишга ўтди...

Иброҳимжон «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да бош муҳаррир Уринбосари лавозимида ишлаган кезлари бир мақола қўлёлимини қўлимга тутқазиб, тапишиб чиқишимни илтимос қилди. Мақола муаллифи шахсан мен ҳурмат қилалитан истеъдодли шоир укамиз қаламига мансуб бўлиб, у ўша кезлардаги «ошкоралик» «қайта қуриш» жаъваси таъбирида хийла жангарилик билан битилган, шахсан менинг яқин ўтмишда йўл қўйган хатоларим, муросасозликка борганим, жумладан, Ш.Рашидов асарлари ҳақида мақтов гаплар айтганим учун шаънимга маломатлар ёғдирилган эди.

Очиги, мақола таъбири кўзгади. Авзоимга қараб гуриб, Иброҳимжон: «Умарали ака, ўзингни босиб олинг, ҳар ҳолда ёшнингиз улуғ, катта олимсиз, устозсиз, «сен-мен»га бормай, осойишталик билан унга жавоб қилинг, ҳар икки мақолани ҳам газетادا ёнма-ён берамиз; илтимос, бу баҳс икки муаллифининг шунчаки жанжалига айланиб кетмасин, бошқалар учун ибрат, сабоқ бўларли баҳсга айлانسин», дея маслаҳат берди. Бу маслаҳат менга маъқул тушди. Иброҳимжон айтганича йўл тутдим. Шоир ва мунаққил баҳси газетادا чиқди. Қўнчилик оғзига тушди, менинг жавобларим ҳақдо шоир укамизга ҳам оғир ботмади.

Иброҳимжон масъул лавозимлардаги хизматлар чоғи бунақа савоб ишларни кўн қилган.

Умумтаълим мактаблари учун адабиёт фанидан янги дастур ва дарсликлар устида ишланган, дарсликларга кирган жаҳон адабиёти намуналари матни таржимасини танлашда бошқа моҳир таржимонлар қатори Иброҳимжон билан ҳам ҳамкорлик қилганимиз; 5-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуасидаги Конфуций ҳикматлари, айни шу китобдаги Ч. Айтматовнинг «Қиёмат» романидан олинган «Олтовлон ва еттинчи» ривояти Н. Гафуров таржимасида берилган.

Ниҳоят, Иброҳимжоннинг яна бир саховатини айтмай ўтолмайман. «Ижод сеҳри» тўпламининг учун сўз боши тарзида ёзиб берган мақоласи қўлёлимининг ўқиб, ҳайратга тушдим, очиги, унда ўзим ҳам шу пайтга қадар билмаган, ёки эътибор бермаган ҳаётим, табиатимдаги бир талай жиҳатларни қаламга олганки, улар билан танишиб, наҳотки мен шундай одам бўлсам, деган уйларга бордим, қолаверса, андак гурурланиб ҳам қўйдим...

Иброҳимжоннинг мунаққил сифатидаги ижодий фаолиятига келсак, Саид Аҳмад ҳақидаги юқорида тилга олинган чиқишидан тортиб «Гузалликнинг олмос қирралари», «Лириканинг юраги», «Жозоба», «Ёнар сўз», «Юрак аланга», «Шеърят - изланиш де-

мак», «Ўттиз йил изҳори», «Дил эркинлиги», ниҳоят, «Ҳаё - халоскор» китобигача барча-барчасида муаллифнинг сиймоси «мана - мен» деб туради, салкам ярим аср давомида мен кузатган, билганларимдан, у ҳақида ёзилган, айтилган гаплардан кўпрогини унинг китоблари қатларидан топиш мумкин. Ҳагто унинг хос овози энг яхши таржималарида, «Жиноят ва жазо», «Телба», «Зардушт таваллоси», «Қиёмат» каби шоҳ асарларнинг ўзбекча талқинларида, хусусан, Ф. Достоевский даҳоси кашф этган кўп овозли - «полифония» қатида баралла эшитилиб туради. Даҳоларга жўровоз бўлиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...

Иброҳимжон ўзига замондош кўплаб мунаққидлар каби илмий-танқидий фаолиятни балиий ижод билан қўшиб олиб боради, ҳам насрда, ҳам шеърингда қалам тебратиб келади. Унинг XX аср иккинчи ярми Шарқ шеъриятида, аввало Миср, сўнг форс янги - модерни шеъриятида урф бўлган «мансура» шаклига ҳамоҳан тарзда яратган шу номдаги асарлари теварагида адабий давраларда турли фикр-мулоҳазалар айтилди, айтилмоқда. Афсус, ҳозирча улар жиддийроқ ўрганилган, ҳаққоний баҳосини олган эмас. Кимларгадир ёқиш ёки ёқмаслигидан қагъи назар, мансуралар мунаққид Иброҳим Гафуровнинг адабий танқидни эссе жанрига яқинлаштириш, икки жанрни омухта қилиш йўлидаги уринишлари ҳосиласидир. Мунаққиднинг ўзи эътироф этганидек, мансуралар эркин шеър жанрига жуда яқин, лекин эркин шеър эмас. Улар муаллифни ўртаган ўй, хаёл, орзу ва эришилмаган, йўқотилган нарсалар тўғрисидаги фикр оқимлари, қолаверса, илмий бадиаларига сизмаган шахсий кечинмалари, ўй-мушоҳадалари изҳоридир. «Ҳаё - халоскор» китобига кирган муаллифнинг ўзи «мансуралар, бадиалар, адабий-танқидий эсселар, суҳбат, публицистика» деб тақдим этган нарсалар ифода йўсини, оҳанги, мушоҳада тарзи, таҳлил, талқин усуллари жиҳатидан бир-бирларига ниҳоятда яқин.

Адабий танқидга, мунаққидга берилган кўплаб таъриф-тавсифлар орасида «танқид - гўзалликни кашф этиш санъати», «мунаққид бу нафосатшунос» деган иборалар ҳам учрайди. Бундай таъриф-тавсиф ҳаммадан кўпроқ Иброҳимжонга ярашади. Мунаққид кўп ҳолларда бир мисра, бир байт, битта деталь асрнинг чинакам нафосатини, ижодкорнинг асл бисотини ярқ этиб намоён этишга муваффақ бўлади. Масалан, Машраб ҳақидаги мақола-ларилан бирида шоирнинг:

*Аршинг кунгурасин устига қўйдум оёқим,
Ломакондин жой олибман, бу маконни на қилай?! -*

байтини келтиради да мунаққид «дунё шоирларида бундай фавкулодда сураг бормикан йўқми» деган саволни ўртага қўяди ва шундай мулоҳаза юритади: «Бу фавкулодда ҳайратомуз байтда Машраб кўз ўнгимида киннот қалар юксалиб турди. Унинг кунгурасига оёғини қўйиб турган инсон боласини тасаввурингизга келтирини. Инсон бу байтда шу қалар буюк ва тенгсиз бир мақомда кўринади».

Дарҳақиқат, жаҳон тасвирий санъатида инсон тасаввури парвозига таянадиган импрессионизм оқими буюк намояндалари ҳавас қилгудек гаройиб манзара! Сўни мунаққид мана бундай хулосага келади: «Машраб жуда кўп ғазалларида ўзининг тасаввурингиздаги реал оламга сизмаганлиги ҳақида ўраниб ва куйиниб ёзади. Бу ерда эса яна ўша дунёга сизмаган зот ўзини киннот кунгурасига оёқ босиб тургандек тасаввур этади».

Нафосатшунос мунаққид замондош адиб Одил Ёқубовнинг 80 ёшига бағишлаб ёзган мақоласида ёзувчининг «Матлуба» қиссасида нишон берган санъаткорона тасвир маҳорати «Қанот жуфт бўлади»да батамом шаклланиб етганлигининг далили сифатида биргина деталь келтиради. Қиссанинг бир ерида унинг қаҳрамони Акрам севган қизини табиат оғушида интизор кутаркан «Акрам гуллаб турган жийда навдасига юзини босди» деб бошланадиган бир гўзал тасвирни эслатади-да, сўнг мақола муаллифи ёзади: «Шу гўзал жумла тасвирда адибнинг бутун борлини намён бўлади. Балки муболага бўлиб кўринару, лекин ўша пайтда наздимда буюк эпопеялар ёзишган Михаил Шолохов ёки Марсел Пруст каби адиблар бундай жумлаларни ўқисалар эди, албатта ёзувчи маҳоратига таъ берган бўлардилар, деб ўйлаганман. Бу қиссада тасвирлар шунчалар бой, самимий, гўзал эди».

Бу китобда ярқ этиб кўринган миллий танқидчилигимиз учун ибрат, сабоқ бўларди яна бир жиҳатга эътиборни жалб этиб ўтишни истардим. Иброҳимжон адабий асарларга ва ҳодисаларга фақат мунаққид, ёзувчи-шоир эмас, айни пайтда таржимон нигоҳи орқали ёндашди, асар матнини жумлаларгина эмас, ҳар бир сўз, ҳарфлар товуши, маъно жилвалари, тиниш белгиларигача - барча унсурларини кўз олдига келтириб, дил-дилдан ўтказиб, мушоҳада юритади. Ҳатто Навоий, Бобур, Машраб, Олтоёр, Қодирий мутлааси чоғида ҳам айни шу йўлдан борди. Мен шундай хулосага келимки, ҳар бир мунаққид тарҷи таржима билан бевосита шуғулланмаса ҳам, асар матнини таржимон нигоҳи билан ҳам ўқиш-ўқийши одат қилиши зарур экан. Бусиз чин мунаққид мақомига кўтарилиш қийин. Иброҳимжон ўзи таржима қилган шоҳ асарлар

ва уларнинг муаллифлари ҳақида ёзганида, назаримда, адабий та-
нқиднинг аришига кўтариладигандай бўлади. Достоевский, Ницше,
Маркес сингари даҳолар туғриенда фақат таржимон - мунаққил
Иброҳимжонини шу тарзда баланд пардаларда ёзиши мумкин,
қолаверса, у бундай улуғ сиймолар билан дил-дилдан самимий
суҳбатлар, ошқора баҳс-мунозаралар олиб боришга тўла ҳақли

Мен Иброҳимжоннинг шахсан ўзи билангина эмас, унинг жа-
мики ёзганлари - адабий-танқидий китоблари, насрий ва шеърый
асарлари, таржималарида аниқ намоён бўлган шахсияти билан ҳам
узоқ йиллардан бери мулоқотда бўлиб келаётган бир сафдоши,
ҳамроҳи, суҳбатдоши эканим билан фахрланаман.

2007 йил, ноябрь.

БАҲСЛАРДА КЕЧГАН ЙИЛЛАР

Ўтган аср 50-60-йиллари Миллий университетимиз республи-
када адабий-танқидий тафаккурнинг муҳим, балки етакчи ўчоқла-
ридан бирига айланган эди. Ўзбек адабиёти кафедраси муdiri мо-
ҳир ташкилотчи, бағри кенг ақлома профессор Ғулом Каримов-
нинг саъй-ҳаракати туфайли бу табаррук масканда С. Долимов,
О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, Л. Қасимов, А. Алиевлардан иб-
роғат ажойиб илмий жамоа шаклланди. Ҳар бири ўз дунёси, ўз йули,
ўз сўзига эга ёрқин истеъодлардан иборат жамоада чинакам ил-
мий руҳ, баҳс-мунозаралар муҳити ҳукмрон эди. Устоз Ғулом Ка-
римов эркин фикрлайдиган, баҳс-мунозараларга мойил, билим-
дон, фидойи ёшларга алоҳида эътибор берар, илмий жамоа сафи-
ни улар ҳисобига бетиним тўлдириб борарди. Камина, Абдуғафур
Расулов, Норбой Худойберганов, Бегали Қосимовлар шу улуғ ют-
нинг назарига тушиб, бирин-кетин ўша жўшқин жамоа аъзолари
сафидан ўрин олганмиз.

Куларнинг бирида устоз Озод ака билан мендан яқиндагина
Москва Давлат университети аспирантурасини тугатиб, номзод-
лик диссертациясини ёқлаб, Тошкентга қайтган, марказий матбу-
отдаги мунозарали чиқишлари билан адабий-илмий жамоатчилик
орасида танилиб қолган Норбой Худойберганов ҳақида фикримизни
сўрадилар. «Бир оз жанжалкашлигини, баҳсга ўчлигини ҳисобга
олмаса, билимдон, жаҳон адабиётидаги жараёнлардан яхши ха-
бардор, замонавий фикрлайдиган танқидчи», дея баҳо берди Озод
ака унга. Мен ҳам бу фикрни қувватладим. «Бизга шундай фикр-
лайдиган одам керак. Жанжалкашлиги масаласига келсак, бу ёни
ўз қўлимизда - ўзимиз одам қилиб одамиз... Умарали, Сизга топ-

шириқ - Норбойга таклифимини етказини, кафедрага шига ола миз. Хужжатларини тайёрласин», дедилар.

Топшириқ ижро этилди. Норбой таклифни мамнуният билан қабул қилди. Талабатлик йилларидан таниш жойи эмасми, тез ора да илмий оиланинг чин аъзосига айланди-кетди. Бироқ баҳса: ўчлик, жанжалкашлик бобида у «ўзлиги»га солиқлиғича қолди. Танқид жабҳасида «бегоналар» қолиб, «ўз одамлари» - собиқ кур сдош ижодкор дўстлари, бир илмий жамоа аъзолари, ҳатто устоз лари билан ҳам матбуот саҳифаларида ошкора баҳслар олиб бо ришини олат тусига айлантирди. Бонда таъқарилан қараганларга бу ҳол галати, файритабийий туюларди: наҳотки бир оила одамлари шу хилда йўл тутсалар? Бора-бора бунга кўпчилик кўника бошла ди. Жумладан, камина ҳам у билан баҳслар олиб боралинган, гоҳо унинг шаънига кескин танқидий таълар айтадиган бўлдим. Шуниси қизиқки, буларни у асло ўзига қаттиқ олмас эди.

Дарҳақиқат, Норбой Худойберганов баҳс-мунозарага ўта ўч, ҳамиша тили қичиб туралиган танқидчи, балиий ижолга, алоҳида асарга юксак бадий кашфиёт талаби билан танқидий ёндашини, камчиликларга, алабий жараёнага ҳар қандай қусурларга муроса сизлик, ҳамиша безовталиқ - унинг шахсияти, танқидчилик фао лияти, этиқолига хос хусусиятларданлир. Шахсан мен ҳам Нор бойнинг кўп яхши асарларга берган танқидий баҳосига асло қўшила олмас эдим. Айни пайтда у тутган йўлни тамомила нотўгри, но мақбул деб санаган эмасман. Унинг баҳса ўчилигини, баҳс-муно зараларини қадрлар эдим. Чунки танқидий мулоҳазалари кескин роқ, бир ёқламароқ бўлса-ла, ҳар ҳолда кишини ўйланга, муҳими, баҳса чорлар эди. Ўша келлари, батки, бугунги кунда ҳам худди шу хусусиятдан ҳоли, силлиқ, хушомалғўйликдан ибор ат мақолалар урчиб ётган бир пайтда, Норбой Худойберганов нинг «жанжалли» чиқишларини қўмсар экансан.

Фулом Каримов ўша «мустабид замон» шароитида яратган со глом алабий муҳитни эслаб, бугун ёқа унлайсан киши. Танқид майлдонида баҳс-мунозаралар чоғи, гап келганда, ҳатто «отасини ҳам аямайдиган» бир илмий оила фарзандлари пайти келганда, қалтис вазиятларда бир-бирларини қатъий туриб ҳимоя қилишга ҳам қодир эдилар. Норбой тақдир қил устида турганида, унинг сафдошлари қандай мардона йўл тутганликларини тасдиқловчи биргина мисол келтириб ўтсам.

Бу воқеа 1985 йилнинг декабрида юз берган эди. Кафедра маж лисига йиғилган эдик. Факультет декани хузуримизга кириб, Озол

ака иккимиз тезликда парткомга чиқишимиз зарурлигини айтди. Маълум бўлдики, гап кафедра аъзоси Норбой Худойбергановнинг «Вопросы литературы» журналининг 1985 йил 12-соннда босилган танқидчиликдаги маҳаллийчилик хусусидаги мақоласи устида экан. Мақолага, жумладан, Чўлпон ижодий мероси ҳамон эътибордан четда қолаётгани, асарлари қайта босилмаётгани айтилган эди. Марказқўмдан университет парткомига кўнгироқ қилишиб тезда бу мақолани муҳокама қилиш, унга ғоявий носозлом чиқиш сифатида принципиал баҳо бериш, кескин қоралаш, унинг муаллифига партиявий чора кўриш вазифаси топширилади. Озод ака котибга ётиги билан мақола моҳиятини тушунтирди, Норбой партия аъзоси эмаслигини эслатди. Бунинг устига, мақола Москванинг нуфузли нашрида босилгани, ундаги гаплар ҳозир жиддий шов-шувларга асос бўлмаслиги, агар шундай қилинса, университет шаънига доғ тушиши мумкинлигини айтди. Котиб иккиланиб қолди. Марказқўм билан телефон орқали боғланиб, бўлган гапларни юқорига етказди. Марказқўм ходимлари ўз сўзларида туриб олдилар, мақолани эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини, албагта, муҳокама қилишиб, «миллатчи шоир»ни оқтамоқчи бўлган муаллифга кескин чора кўриш ва бу ҳақида марказқўмга батафсил ёзма ахборот бериш топширилди. Бундай масъулиятли юмуш кафедра мудир сифатида шахсан менинг зиммамга юкланди. Менинг шахсий архивимда марказқўм учун икки ой давомида 1986 йил 12 март санаси билан рус тилида тайёрланган айни шу хусусдаги батафсил тушунтириш хати сақланади. Гарчи Озод ака кўп масалаларда Норбой билан чиқиша олмаса-да, унинг Чўлпон хусусидаги позициясини қатъий туриб ҳимоя қилди. Озод ака маслаҳати билан каминга тайёрлаган, Норбой русчага аъдариб, устоз таҳрир қилиб берган, кўпгина қўшимчалар киритган бу тушунтириш хати бутун бошли бир тадқиқот эди. Унда Чўлпонни ётиги билан аниқ далил-исботлар, рад этиш мумкин бўлмаган илмий асослар орқали ҳимоя қилинганлигини эслаб бутун ҳайрон қоламан... Шундан кейин марказқўмдагилар бизни, жумладан, Норбойни бошқа безовта қилмади.

Норбой ишлайдиган илмий-ижодий жамоанинг шу тарздаги қатъий туриб бериши туфайли унинг боши омон қолди.

Ўша кезлари бу хил воқеалар кўн бўлган.

2008 йил 29 март.

МЕН БИЛГАН ҒАФФОРЖОН

Ғаффоржон билан бир габаррук зиё маскани - Миллий университет филология факультетига, сўнг Фулом Каримов бошлиқ кафедра аспирантурасида таҳсил олганмиз. Иккимиз деярли тенгдош эдик. Расмий ҳужжатларга кўра, мен ундан тўрт ойга катта эдим. Лекин мендан уч йил олдин университет даргоҳига қадам қўгани, республикага таниқли кафедра олимлари муҳитида тарбия топиб, алтақачон «кафедра олами»га айланиб улгургани учун унга «Ғаффор ака» деб мурожаат этардим. Кейинчалик у Тил ва адабиёт институтига ишга ўтди, умрининг охиригача шу масканда хизмат қилди, фан номзодлиги, докторлиги диссертацияларини ёқлади. Мен эсам университет бағрида қолдим. Камина ҳам, ўз навбатида, фан номзоди, докторлиги даражаларига эришдим. Гарчи тақдир иккала миянинг насибамизни икки даргоҳда раво кўрган бўлса-да икковимиз ҳам салкам ярим аср давомида университетда топган бебаҳо қадриятлар - дўстлигимиз, ога-инилигимизга, бундан ҳам муҳими, шахсий ҳаётга, илм-фанга ҳаттолик ва ҳақиқатга содиқ қолдик.

Ғаффоржон ижолкорлардан Миртемир домла билан Туроб акага ниҳоятда яқин эди. Миртемир ака уни ўз фарзандлари қаторида кўрарди, соддагина қилиб «Ғаффор» дея мурожаат қиларди. Туроб ака эса уни суюб, эркалаб «Ғаффоржон» дерди. Дўстимнинг вафотидан кейин ёзилаётган ушбу хотираларда мен ҳам уни «Ғаффоржон» деб аташни лозим кўрдим. Дарвоқе, у билан ҳар гал учрашганимизда: «Умарали, «Ғаффор ака» эмас, «Ғаффор» деявернинг, ахир тенгдошимиз-ку, ҳатто ойликка мендан катгароқсиз-ку!» дея ҳазил қиларди. Ўрганган кўнгил экан-да, тириклигида тилим сира бунга бормасди. Дўстимнинг сазаси учун энди шундай йўл тутаётгирман, дўстимни «Ғаффоржон» дея тилга олаётгирман.

Ғаффоржоннинг қаламига мансуб бир туркум ёдномалар бор. Уларнинг аксарияти муаллифнинг дилига яқин аломалар: шоир Миртемир, илмий раҳбари адабиётшунос Н.Маллаев, ҳамюрт дўсти У. Абдуллаев, юз билан юзлашган халқ маорифи аълоҳиси Абдумажид Абдуразоқов...

Ғаффоржон ҳаётлигида чиққан сўнги китоби «Иланишларимдан қатралар»га нега аини шу сиймолар ҳақидаги хотираларни киритди экан, деб ўйга толдим, уларни синчиклаб ўқишга тушдим. Турлича иқтидор, касб-ҳунар, феъл-атвор, тақдир-қисмат эгалари бўлмиш бу аломаларни бир-бирига яқин қилганидан жиҳатлар нимада, деган саволга жавоб ишлай бошладим; мутолаа чоғи бу саволга жавоб топгандай бўлдим. «Миртемир ака ниҳоятда дил-

каш, беозор киши», «кичик феъл, содда ва покиза, серандиша бир инсон» эканлигини алоҳида таъкидлайди: Н.Маллаев устида сўз борганда «ҳалол, бағри кенг бир зиёли», «илмга эътиқол ва садоқати билан тирикликда қалр топган» табарруқ зот эканига алоҳида урғу беради. Дўсти Эрик Каримовнинг энг муҳим фазилати сифатида «камтар, меҳрибон, хушфеъл», «содда, ишонувчан, самимий» эканини қайта-қайта уқтиради. Ниҳоят, Абдумажид домланинг ҳам «ғоят покиза, ҳалол, ҳақиқатпарвар», «қуш оғзидан чўп олмаган», «камтарин, камсуқум»лиги хотира муаллифини мафтун этади. Шуниси ҳам борки, хотиралар уларнинг қаҳрамонлари шаънига нуқул ҳамду санолар ёғдиришдан иборат эмас. Қаҳрамонларнинг ҳаёти, шахсияти, феъл-атворидаги ожиз, зиддиятли жиҳатлар ҳам қаламга олинади. Бу жиҳатдан Эрик Каримов ҳақидаги битиклар ибратли. Муаллиф дўсти Эрикнинг шахсий ҳаёти, табиатидаги ожиз, зиддиятли ҳолатларни ажиб бир самимият билан сўзлаб берадики, улар ҳеч кимга малол келмайди, аксинча, бу одам шахсиятини тўлароқ англашга имкон беради.

Қаранки, бу тўрт сиймога ҳос муаллифни мафтун этган фазилатлар Гаффоржон табиатига ҳос бош хислатлардир. Дўстим ҳам табиатан нозик, серандиша, саранжом-сариншта, покиза, камтарин, камсуқум, ҳалол бир инсон эди; ўхшатмасни учратмас деганларидай, одам, дўст танлашда адашмас, таъби суймаган одамлардан йироқроқ юрар, чин дўслари, асл суҳбатлош-улфатлари ҳам ҳайратда қолар даражада ўзига ўхшарди. Ўта серандиша, юмшоқтабиат дўстим ҳаётла, илм-фанда адолатсизликларга дуч келганида гоҳо бирдан ловуллаб кетар, кўнглидаги гапларни шартта-шартта айтаверарди. Аммо асло кек сақламас, бир оздан кейин ҳовури босилиб, аввалги ўзимиз билган юмшоқтабиат Гаффоржонга айланарди-қоларди.

Маълумки, Гаффоржоннинг илмий-ижодий фаолиятида икки соҳа - ҳамзашунослик ва фольклоризм муаммолари етакчилик қиладди. Ҳар икки соҳала ҳам у ўзининг салмоқли сўзини айтда олди. Унинг ҳамза фаолияти, ижодий мероси, хусусан, инқилобий силсилалар йилларидаги ҳаётига оид тадқиқоти алоҳида диққатга сазовор. «Қайта қуриш», «ошкоралик» йиллари ҳамзага қилинган асоссиз хуружларга жавобан ёзилган мақоласи олимнинг ижодий жасоратидан далолатдир. Энг кескин баҳс-мунозаралар чоғида ҳам Гаффоржон адолат, ҳақиқат, илмий одоб жиловини кўлида маҳкам тута биларди. Бу хил савоб ишлари билан у устоз Озод Шарифидиновнинг таҳсин-эътирофига сазовор бўлган эди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари миллий танқидчиликимизда алабий суҳбат жанри хийла жонланди, бу йўлда камина ҳам бир туркум суҳбатлар устида иш олиб бордим. Магбуотда эълон этилган, кеншироқ «Галант тарбияси», «Етуклик», «Қалб инқилоби» китобларимда жамланган таниқли адиблар билан суҳбатларимизни Гаффоржон синчиқлаб кузагиб борар, ҳар гал учрашганимизда улар ҳусусида ўз мулоҳаза-таклифларини айтарди. Бир гал шоир Миртемир ва Туроб Тўлалар билан ҳам шу хил суҳбатлар уюштирсангиз яхши бўларди деб қолди. Мен бу таклифга бажонидил розилигимни айтдим, айни пайда «Бу икки аллома билан шу хил алабий суҳбатни Сиз ўтказсангиз айни муддао бўларди, алабиётшунослар орасида Миртемир билан Туроб Тўла қалб дафтларини сизлап яхшироқ билалгани йўқ» дедандим, бир оз сукутга чўшиб «Ўйлаб кўрарман» дея розилик билдирди. Кейинроқ бу истак рўёбга чиқди. Илҳамроқ тарздаги Миртемир билан «Ижоднинг сеҳри жарайин», анча батафсил Туроб Тўла билан «Қалбимнинг бир парчаси» суҳбатлари шу тариқа майдонга келди.

Ўша суҳбатларда келтирилган Миртемирнинг дил ниҳори, қатор асарларининг ижодий биографиясига доир маълумотлари бугунги кунда кўзга суртгудек ноёб ҳужжатлардир. Шунингдек, муаллифнинг 80-йиллар охирида битган шоир ҳақидаги туркум хотираларида бу беназир сиймонинг сурати ва сийрати ниҳоятда жонли, тиниқ таваллангирилган. Гаффоржон бу туркумни давом эттириб, Миртемир ҳақида алоҳида хотиралар китоби яратмоқчи эди. Ҳақимол, улар ёзилгандир, дўстимизнинг архивида сақланаётгандир. Уларни топиб, элга аён этилса, гоаят савоб иш бўларди...

«Қалбимнинг бир парчаси» суҳбаги алабиётшунослигимизда ўзига хос шахс, серқирра ижодкор Туроб Тўла ҳақида энг ёрқин ва тўла-тўқис маълумот берувчи ноёб ҳужжат, десам муболаға қилмаган бўламан. Мен алабиётшунос, муаллим сифатида Туроб Тўла ижодга бўйича иш олиб бормоқчи бўлган ёш тадқиқотчиларга, аввало, айни шу суҳбат билан танишиб чиқишни маслаҳат бераман. У билан танишиб чиққан ют борки, барчаси уни ўқиб, мамнун бўлганлигини, шоир ижоди, шахсияти, қалб дафтари, ижодий биографияси, орзу-армонлари ҳақида бой маълумот олаётганини эътироф этади. Чин алабиётшуноснинг ишига бундан ортиқ баҳо бериш мумкинми?!

Мен билан дўстим Гаффоржон ана шундан инсон, етук алабиётшунос эди!

2009 йил, ноябрь.

ЎЗИМИЗНИНГ МАҲМУДЖОН

«Маҳмуд Саъдий» имжоси билан танилган журналист, муҳаррир, мунаққид Маҳмуджон ҳам, қарантки, бутун 70 ёшга етибди. Мен у билан салкам ярим аср бурун танишганман. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошлари. Мен ўша кезлари ҳозирда «Миллий университет» деб номланган муқаддас даргоҳ филология факультети ўзбек адабиёти кафедраси аспирантиман. Маҳмуджон эса факультетнинг журналистика бўлими иккинчи курс талабаси. Тақдир тақозоси билан Матёқуб Қўшжонов бошчилик қилган адабиёт тўғрисида каминга - аспирант котиб, талаба Маҳмуджон эса котиб ўринбосари этиб тайинланган эдик. Тиниб-тинчимас, ўжар, гап келганда отасини ҳам аямайдиган Маҳмуджоннинг саъий ҳаракати тўғрисида тез орада тўғрисидаги довуғи эл оғзига тушди. Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда шоир Миртемир бош бўлган машҳур тўғрақ билан бўйлаша оладиган мақомга кўтарилди. Адабий-илмий мунозаралар, янги асарлар муҳокаmaları, алиблар, мунаққидлар билан ижодий учрашувлар, юбилей анжуманлари, айниқса, университет талабалари орасидан етишиб чиқаётган ёш истеъодлар қўлёзмалари муҳокаmaları ижил йўлга қўйилди. Реализм теъарағидаги қизғин баҳс, «Тобутдан говуш», «Ўтмишдан эртақлар», «Мирзо Улугбек», «Уфқ» муҳокаmaları, «Шарқ юлдузи» журнали ходимлари билан учрашувлар тарих мулкига айланиб қолди, улар хусусида кейинроқ ёрқин хогиралар ёзилди.

Матёқуб домла Маҳмуджонни ҳазилланиб «искабтопар» дер эдилар. Талабалар орасида «ялт» этган истеъод соҳиби борки, у биринчилардан бўлиб билар, танир, улар билан яқин дўст тутинар, энг муҳими, уларни Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, қолаверса, каминга таништирарди. Чунончи, Абдулла Ориповни Озод Шарафиддиновга, Шукур Холмирзаевни Матёқуб Қўшжоновга биринчи бўлиб таниган мана шу ўзимизнинг Маҳмуджон бўладилар. Абдулла Ориповнинг «Митти юлдуз» шеърый тўплами, Ўткир Ҳошимовнинг «Одамлар нима деркин...» китоблари чиққанида, бу икки ёш истеъод соҳибини Эски жўвадаги ижарата турадиган ғарибгина кулбамига, ҳадди ситиб, бошлаб келган ҳам мана шу ўзимизнинг Маҳмуджон бўладилар. Думалоқ стол теъарағида келинпоини югуриб-елиб ширмуела тайёрлаган фарғонача антиқа қип-қизил наловхон тўра устига ярим тунгача давом этган мажолис-ун нафосимиз завқ-шавқини унутиб бўладими?! Асло! Кейинроқ, «дом»га қўчганимизда, Маҳмуджон етагида уйимизга ташриф буюрган Тоғай Мурод билан танишув айё-

ми ҳам мен учун Алтоҳнинг бир инояти бўлган. Бу ҳақида ёзганман. Ҳаммасини бир-бир айтаверсам, каттакон дoston бўлиши мумкин.

Маҳмуджон ўзига яқин олинган ёш истеъодларни ниҳоятда қадрлар, аммо улар шаънига ҳеч қачон мақтов гаплар айтмас, аксинчи, ижодига ҳос камчиликларга ошкора киноя-кесатиқлар, ишоралар қилиб турарди. Шукур Холмирзаевни у «Шолохов» деб атади, Шолохов Дон колоритини дунёга дoston қилгани каби Шукур ҳам ўзимизнинг Бойсун руҳини адабиётга олиб кираётгани учун қувонар, бироқ ҳозирча унда Шолоховга ҳос кўлам етишмаётганини ёзувчининг ўзига дангал айтаверар, Шукур ҳам, ўз навбатида, билиш таъналарини ўзига оғир олмасди. Мурод Муҳаммад Дўстни у Гоголга ўхшатар, «Муроднинг киноя-кесатиқ, халқона пичинглар билан йўтрилган услубигина эмас, қиёфаси ҳам Гоголни эслатади. мўйлов-ку тайёр, агар сочини бир оз ўстириб икки чеккасига ташласа, айни Гоголнинг ўзгинаси бўлади-қолади» дея ҳазиллашар. ўз навбатида, «Ўхшашликнинг ўзи асосий фазилат эмас, муҳими миқёс, бу йўлда у ҳали кўп ишлаши керак» дея писанда қилиб ўтар, Муроджон эса бунақа ҳазил-муғойибаларга, эътирозларга жавобан ўзига ҳос кинояли табассум билан чекланарди. Ўткирнинг тилига, наердаги шоирона ифода тарзига қойил қолар, лекин илк асарларидаги сентиментал талқини, персонажларга ҳос кўнгилчангликни ёқтирмасди. «Одамлар нима деркин?» деб савол қўйибсиз, жавоб тайин-ку!» дея кескинроқ таъна ёлдирган эди бир гал. Ўткир бу таънани оғирроқ қабул қилган бўлса-да, кейинги асарларида сентиментал талқинлардан юз ўгириб, мардонашафқатсиз реалистик йўлга ўта бошлади...

Булар ҳақида Маҳмуджон бирор сатр ҳам ёзган эмас, аммо кейинги қирқ йил давомида тенгдош-сафдош қаламкаш дўстлари асарлари, ижодий ишланishлари хусусида доимо кўнглида туғилган ўй-мушоҳадалари, танқидий мулоҳазаларини мулом айтиб келган, бинобарин, алабий жараёнга ана шундай оғзаки мулоҳазалари билан муайян таъсир кўрсатган. Яқинлари орасида у «оғзаки мунаққид», «оғзаки фанлар номзоли», ҳаттоки «доктори» деб ном олганлиги тасодифий эмас.

Маҳмуджоннинг муҳаррирлик бобидаги заҳматларини эласам, беихтиёр Эркин Аъзамнинг «Ёзувчи» ҳикояси қаҳрамони, унинг қисмати кўз олдимда намоён бўлади. Асли номи - исми шарифи ҳам шутилган, «ёзувчи», «муҳаррир», «домла» деган ном остида бутун умри, билим, ақл-заковатини ўз асарларига эмас, ўзгалар-

нинг «қоралама»ларини «одам қилиш» - юзага чиқаришга фи.ю
этган гаройиб хот китобда эмас, ҳаётда ҳам бор! Ўзимизнинг Маҳ-
муджон шулардан бири. Бир-икки мисол. Бир гал «ЎзАС» таҳрири-
ятидаги Маҳмуджоннинг хонасига кирсам, мукка тушиб, бир қўлёз-
ма устида ишлаб ўтирибди. Саломимга алик ҳам олмай, шунчаки
бош силкитиб, ишини давом эттираверди. Фейлини билганим учун
ўрта-расидаги стулга ўтириб, илдамийгина ўз ишим билан шуғул-
лана бошладим. Ниҳоят, ярим соатлардан кейин қонғидан бошини
кўтарди ва таҳрирдан чиққан қўлёмани олдимга ташлади. Ёни ҳам,
илмий даражаси ҳам улуғ номдор адабиётшуноснинг маиникала
кўчирилган мақоласи матнига кўз югуртирдим. Қалам тегмаган
бирорга ҳам жумла йўқ... «Муаллиф буни қанча муддат ичида ёзган-
ини билмайман, аммо уни «одам қилиш» учун бир ҳафта ўтир-
дим» деди елкасидан тоғ аңдариладек енгил тортиб, айни пайтда
«феус-надомат» билан. Эртаси мақола газетада чиқди, одамларнинг
оғзига тушди, таҳририятга, муаллиф хонадонига телефон орқали
табриклар ёғилди. Аммо кўпчилик мақола қай тарихга шу ҳолга кел-
ганлигини билгани йўқ. Худо кўрсатмасин, у «асл ҳолида» чиққан-
нида нима бўларди...

1999 йили «Ўқитувчи» нашриёти олий ўқув юрглари учун «XX
аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслигини нашрга тайёрлади. Дарс-
ликнинг махсус муҳаррири Маҳмуд Саъдий эди. Дарслик коррек-
тураси танишини учун муаллифларга, жумладан, устоз Озод Ша-
рафиллиновга ҳам берилди. Ўз қаламига мансуб боблар билан та-
нишиб чиққач, у киши менга: «Бу Маҳмуджонингизни мен ўзи-
лармон, қайсар деб унча ёқтирмайроқ юрардим. Балю экан-ку. Дар-
сликнинг бошқа боблари қандай таҳрир қилинганлигини билма-
дим у, аммо менинг ёзганларимни жуда чиройли таҳрир этибди,
бунақасини кутмаган эдим. Бирорга ҳам эътирозим йўқ. Унга ай-
тинг, менга учршасин, хоҳласа, «Жаҳон адабиёти»га ишга ола-
мит» дедилар.

Маҳмуджоннинг бунақа савоб ишларининг сапоғига етиб
бўлмайди.

Майли, унинг беқиёс хизматларини, неча минглаб, балки мил-
лионлаб саҳифаларга синган кўз нурларини биров билар, биров
билмас. Аммо барчаси Яратганга аён! Шахсан ўзим ярим аср даво-
мида Маҳмуджондек заҳматқаш иним, маслақдошим, йўлда йўлдо-
шим, дангалчи маслаҳатгўйим борлигидан фахрланаман.

III. ИЖОДНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА НУРАИ ЙЎЛАРИ

БЕДОРЛИКДА ЎТГАН УМР

(Саид Аҳмад таваллудининг 90 йиллигига)

Тақдир мени XX асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишини, мулоқотла бўлиши, ҳатто, ота-ини, сафдош дўст, шоғирд, улфат тутиниш бахтига муяссар этди. Илк танишувдаёқ мени ўзинга ром этган адиблардан бири, шубҳасиз, Саид Аҳмаддир. Аллоҳ унга узок умр берди, рошпа-роса саксон етти ярим йил яшали бинобарин, ўзи айтганидай, саксон етти қиш, ёзини кўрди, бирини йиғлаб, бирини илҳом тўла ижод билан, яна бирини чилпарчин бўлган умидлар харобаси устида кўзёши тўкиб ўтказди...

Муқаддас китобларда Аллоҳ бандасини бу фаний дунёга синаш учун юборди, деган доно ҳикмат бор. Қарангки, у тугилиб кўл очган бу қадим муқаддас юрт аср бошидаги маҳорабалар, инқилобий талотумлар туфайли бузғун-бенаво ҳолга тушган, синфий кураш жазаваси авжига минган, миллатнинг асл зиёли ўғлонлари таъқибу таҳдид остига олинган, юрт таянчи - давлатмандларини қулоқ сифтала тугатини васвасаси авжига чиққан кезлар эди. Сўни турли-туман жазавали кампаниялар, сурғунлар, қатағонлар; Иккинчи жаҳон уруши; урушдан кейинги машаққатлар, яна қағағонларнинг янги тўлқини... улар қомига тортилган миллионлаб тирик жонлар... Ана шунлар орасида Тошкентдек шаҳри аниқла тағлижойли, бадавлат, зиёли оилада дунёга келган Саид Аҳмад отлиқ шўҳ-шаддо оловқалб йиғитча ҳам бор эди. Ота томонидан бобоси Далахўжабой жалидлар билан маслакдош, бадавлат маърифатпарвар, онаси Зулфияхон эса қозининг қизи бўлгани учун, у дунёга келган оила бошига кетма-кет бало-қазолар ёғилди, аввал, отаси Хусанхўжани «халқ душмани» деб қамашди, сўнг Оқилхон, Имомхон акалари ҳибсага олинди, Мухторхон акаси эса Сталинград жангларида бедарак кетди. «Халқ душманлари» хонадонининг эркатойи Саид Аҳмадни ҳар қадамла камситинди, октябрят, пионер, оғмосмол сафларига яқинлаштирмдилар, ҳатто уни аскарликка ҳам полвойиқ топишди. Мактаб, олий таълим юрғларида аксар ҳолларда ёлғиз ўтирган, тенгдошлари яқинига йўлашга чўчишган, ўт-

олов йигитча. Ўз навбатида, тенгдошлари билан дўст тутиништа, қизларга кўнгил изҳор қилишга ҳам боғинолмаган.

Шу хил хўрликларнинг барча-барчасига унинг ўксик қалби дош беролди. Ўша мудҳиш дамларда рассомликка сўз санъатига шай-долтик унинг бирдан-бир овунчоғига айланди. Шиорлар, плакатларнинг куни туққан замон эди, алвонларга шиорлар ёзиб, чойхона-ю ағитпунктларга плакатлар ясаб овунди, кун ўтказди. Айни пайтда, кўлига қалам олиб нималариндир қоралашга чоғланди. Бора-бора журналистика ва бадиий ижод олами уни бутунлай ўзиники қилиб олди. Бу қутлуг даргоҳга қадам кўяр экан, унинг кўнглида бир дунё айттулик сўзлари, изҳор қилгулик оҳу зорлари бор эди. Бироқ у кезлари бу хил юрак сўзларини, оҳу зорларини айтиб бўлмас замонлар эди. Шеърларини ёд олган шоирлар, романларини кўлдан кўймай ўқиган адиблар теварагида қиёмат кўпаётган, ўзлари эса бирин-кетин ғойиб бўлаётганди. Энг даҳшатлиси, «халқ душмани» деб қатагон қилинаётган қалам аҳли хусусида матбуотда чиқадётган «айбнома»лар энлигина кўлига қалам тутган Саид Аҳмад шахсиятига ҳам даҳлдор эди... Нима қилиш керак? Шундоқ ҳам оёқ ости қалқиб турган йигитча юрак дардини қотозга тушириб, бошини дорга тутиб берсинми?! У замона зайлига қараб иш тутди. Бирин-кетин латифанамо, қизиқарли, аммо дил оғриқларидан холи сингил-елни, олди-қочди ҳодисалар асосига қурилган кулгили ҳикоялар битди, 1940 йили уларни жамлаб «Тортиқ» деб номланган китобча ҳолида нашр эттирди. Бироқ бу китоб муаллифнинг ўз устози Абдулла Қаҳҳорнинг кескин танқидига учради. Рад этиш мумкин бўлмаган танқидий руҳдаги таҳдиду далиллар билан баробар устоз адиб китоб муаллифнинг истеъдодига, ижодий истиқболига катта умид билдирди. Афсус, бу умид-орзунинг рўёбга чиқиши хийла кечикди. Яна ўша иллат асорати - замона зайлига «рассомлик фаолияти» - шиорлар, плакатлар руҳига мос асарлар ясашни давом эттирди. Энди у журналистика оламига шўнғиди, улкан қурилишлар, пахта далаларининг шунқорлари ҳақида хабар, очерклар, режим раво кўрадиган «юлчи», «фирибгар»ларни фош этувчи фельетонлар битишда давом этди. Кўлига қалам олгандан буён 15-20 йил давомида қоралаган газета, журнал, радио орқали эълон этилган битиклари тўпланса, умр бўйи ёзганларининг учдан икки қисмини ташкил этадиёв. Тақдир ҳукми шафқатсиз: уларнинг деярли барчаси ўша давр вақтли матбуот саҳифаларида, радио эфири тўлқинларида қолиб кетди.

Ўтган аср 50-йиллар бошларида Саид Аҳмад ҳаётида яна бир

фожиа рўй берди Урушдан бурун она бошига ётган бало, қанчалар эҳтиёткор бўлмасин, энди уни ҳам ўз қомита тортиди. У ҳам ота, акалари каби «халқ душмани» сифатида айбланди. Эндигина оғзи ошга етганида - шоира Саида Зуннунова билан турмуш қурганидан ярим йил ўтар-ўтмас у ҳам ҳибсга олинди; беш йиллик қамоқ, тергов, лагерь, жудалик аюблари, бу ёқда ёлғиз қолган она, ёш келинчак, унинг бошига тушган ситам-савдолар, оғир дамларда аёл - ёш келин зоти кўрсатган миселсиз ирода, сабр тоқат, матонат - бутун бир ҳам фожеий, ҳам қаҳрамонона дostonна арзигулик саргузаштлар... Бу табарруқ зот тақдири азалнинг ушбу синовларидан ҳам омон чиқди. Шунча кўргиликлардан кейин энди у аввалгидек яшаши, ёзиши мумкин эмас эди. Биринчи навбатда, ҳаққўй устози Абдулла Қаҳҳор, довиюрак умр йўлдоши Саида Зуннунова, қолаверса, китобхони қаршисида ёлғон, енгил-елпи нар салардан асар ясашни ўзи учун энди ор деб билди. Боз устига, замон ҳам ўзгара бошлади, мустабид ҳукмдор вафотидан сўнг машъум режим таҳдидлари бир оз юмшаб, эркинлик шабадалари эса бошлади. Ўша кезлардаги руҳий ҳолати хусусида ўзи алам билан айтган дил сўзлари гоят қимматли:

«Биз ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда куйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юнун одамларни юрак амри билан ваганнарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет граждандлари, азамат чўлқуварлар деб таърифладик». Адиб «Аслида шундаймикин?» деган савол қўяди ва шундай аламти мушоҳадаларни ўртага ташлайди: «Бу тўғрида бирон дақиқа бўлсин ўйлаб кўрмадик. Қайтага уларни бахтиёр, тўкин совет олдаси, деб таърифладик. Ҳатто чўл шамолларидан қорайиб сонолга ўхшаб кетган юларини гўзаллик тимсоли, деб тасвирладик. Кетмондан қалоқ бўлиб кетган қўлларини «олтин қўллар» дедик». Энг ачинарлиси, «Ичингда шунча гап бор экан, нега миқ этмай юрибсан, деб ҳеч ким сўрамали...» Унингча, аслида «Ижоднинг онаси - иттироб. Ижод - иттироб фарзанди. Биз буни жуда яхши билардик. Билиб туриб куймай, ёнмай ёзардик...»

Ижодкор учун бундан ортиқ кўргилик - фожиа бўлиши мумкинми? Адиб фожианинг асл сабабини ҳам дангал айтади: «Чунки пролетар адабиётига шеър эмас, шиор керак эди. Социалистик реализм методи қўл-оёғимизни, ҳатто тилимизни ҳам боғлаб қўйганди. Бизда очлар йўқ, очлар чет элда, деса ишонганмиз. Бизда камбағал йўқ, камбағал инқилобнинг нари ёнида қолиб кетган, деса

чилишти-чин ишонганмиз. Ўғриликка, талончиликка муҳтожлик сабаб эканлигини очик айтишга тилимиз боғлиқ эди... Ёзиш ана шу нақа забун ижодкорлар эдик».

Булар ёзувчи бош асари «Уфқ»қа қўл уриш арафасида кўнглидан кечган мушоҳадалар. Энди у бутунлай бошқача, яъни фақат ҳақиқатни ёзишга, одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армоқларини рўй-рост кўрсатишга чоғланади. Аммо шу пайтга қадар ҳақиқатни ёзиб ўққа учан, ертўлалардаги яккахоналарда офтоб кўрмай оламдан ўтганлар, Сибирь қаҳратонларида умрини поёнига етказган вадюматлар қисмати бир дам бўлсин кўз олдида кетмайди. Боз устига, дилидагиларни қогозга тўкаётганида ўз бошига тушган кўргилликлар асорати уни тинч кўярмикин - темир қишанлар суяк-суякларигача эзиб таплаган қўллари қалтирамасмикин? Аммо адиб аҳдида қатъий. Яратгандан мадал сўраб биринчи саҳифанинг бошига мумтоз адабиётимиз анъанасига кўра «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб ёзали-ю, беихтиёр атрофга бир аланглаб олади. Бу муқаддас жумла роман тугагунга қадар илк нуسخасининг илк саҳифаси бошида машъалдек порлаб турали, фақат асар нашр учун кўчирилган нуسخада замон тақозосига кўра тушириб қолдирилди. Бутун асар давомида адиб Аллоҳ олдидаги аҳдида - ҳақиқатга содиқ қолади. Уч китобдан иборат трилогиянинг «Ҳижрон кунлари» деб номланган илк китоби иккинчи жаҳон уруши даври, аниқроғи, муаллифнинг ўзи бевосита шоҳид бўлган, яқиндан билган лавҳалари - кишиларимизнинг фронт орқасидаги ҳаётини, урушнинг уруш ортида қолганлар тақдиридаги асорати, урушдан қайтганлар қисматини ифодалайди. Ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, бутун миллат, Ватан бошига тушган оғир савдолар, жудалик дард-аламларини, фашизм ҳарбий жиноятининг мудҳиш оқибатларини рўй-рост кўрсатади. Уруш туфайли бола отадан, ота боладан, машуқа ошиғидан жудо бўлди, биров умрбод майиб бўлиб тўшакка миҳланди, биров касб-коридан, севган санъатидан жудо бўлди. Уруш тўзони ота билан болани бир-бирига рақиб этиб қўяди, муштинар она нобоп ўғил қилмиши туфайли уят, ор-номус исканжасида оламдан ўтади, бошқа бир она жангда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли доғида телба бўлиб қолади... «Дод, деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан» дейди чуқур изтироб билан асар персонажларидан бири...

Бир вақтлар ёзувчининг илк китоби «Тортиқ» ҳақида кескин танқидий мақола билан чиққан устоз Абдулла Қаҳҳор ордан чорак аср ўтиб шоғирдининг бу романини олқишлаб қарши олади.

«Уфқ»қа бағишланган мақоласини «Илҳом ва маҳорат самараси» деб атайдилар. Узи ҳам илҳом ва шавқ ила тўлиб-тошиб дилидагиларни тўкиб солади: «Бу – соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир, шу билан бирга, гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини «тоқилди» қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир».

Асарни алабий танқид ва китобхон ҳам илиқ қарши олди. Бундан илҳомланган алиб, трилогиянинг «Уфқ бўсағасида», «Қирқ беш кун» китоблари устида илҳом билан ижодий ишларини давом эттирди. Ҳар уч китоб XX аср миёнасидаги миллат тарихининг ёрқин мангу кўзгуси сифатида адабиётимиз тарихида муносиб ўрин олди.

«Уфқ» устида иш олиб борган ўн беш йиллик давр Саид Аҳмад ҳаётининг энг тотли, шуқуҳли йиллари бўлди. Умр йўлдоши Саид опа оилада адиб учун ҳамма шароитни яратиб берди, трилогиянинг «Қирқ беш кун» китоби Андижонда, Катта Фарғона канали бошланган қисмига яқин боғ ҳовлида ёзилди. Асарнинг қўлдан чиққан ҳар бир саҳифаси, бобларини Саид опа кузатиб, ўқиб, адибга рағбат, малад бериб борди. Гоҳо орада, оилавий доирада қизлари болакай Нодирахон иштирокида қизгин баҳслар ҳам бўлиб турди.

«Уфқ»дан сўнг Саид опа тириклигида адиб ижодидаги яна бир чўққи - «Келинлар кўзгўли» дунёга келди. Бу асар ҳам алибга катта, балки, оламшумул шуҳрат келтирди.

Афсус, шундан кейин орадан бир йил ўтиб чархи кажрафторнинг бандасини доғда қолдирадиган яна бир шеvasи рўй берди. кутилмаганда Саид опа оламдан ўтди. Адибнинг гадаги ўттиз йиллик умри жудоллик-танҳолик иштироблари ичида кечди. Алиб бу йилларни қишин-ёзин устоз Абдулла Қаҳҳордан мерос қолган Дўрмондаги боғ ҳовлисида ўтказди. Тенглон ижодкор дўстлари, салоқатли шоғирдлари уни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилдилар. Салкам ўттиз йил давомида бу даргоҳдан дўсту қалдронларнинг, шоғирдларнинг қалами узилмади; бу масканда кечган мароқли «мажолис-ун нафос»лар, ҳазил-мутойибалар тилларда достонга айланди.

Шахсан каминна ҳам улардан баҳраманал бўлганлардан бириман. Ўша йиллари Саид Аҳмад ака юртимиз бўйлаб кетма-кет сафарларга чиқарди, фақат ўзи эмас, яқин дўст, шоғирдларини ҳам ёнида бирга олиб юрарди. Сафарларда, турли давралардаги гурунгларида

кўп кузатганман: суҳбат йўналишини ҳаёт жумбоқларига, қатгис масалаларга, айниқса, сиёсатга келиб тақалганда, устоз дарҳол гапни бошқа ёққа, ҳазил-мутойибага буриб юборар. «Бизнинг ўтиришимиз политбюро мажлиси эмас, бунақа масалаларни ҳал этишни давлат арбобларига қўйиб берайлик, сизу биз яйраб олди-қочдилардан гаплашайлик» дея ҳазил-мутойибалар дафтарини варақлашга тушарди. Бирдан даврда кулги қийқириқ янграб, латифалар латифаларга уланиб кетарди...

Кўнглим сезиб турарди, ҳаётда айни шундай давраларда бир оғиз қатгис сўзи учун бошни кетганларни у кўп кўрган, кўриб юрак олдириб қўйган. Ўзини ҳам, жўраларини ҳам аяш мақсадида айни шундай йўл тутарди, беозор кулги, ҳазил-мутойиба унинг учун эҳтимол тutilган бало-қазолардан асраш-асраниш учун қалқон вазифасини ўтарди. Бир гал иккимиз ёлғиз суҳбатлашиб ўтирганимизда бирдан сардафтарини - бошдан кечирган мусибатларини сўзлай кетди. Ўша пайтга қадар бунақасини сира эшитмаган эдим. Лол бўлиб қолдим. Шунча кўргиликлар, хорлик, разолатни бошдан кечириб бу хилда қувноқ, шўх-шодон ҳолда юриш, ичак узди, хушчақчақ асарлар ёзиш... Бунинг бөненин сўратанимда, шундай жавоб қилгани: «Чамамда, мени айни шу наса - ҳазил-мутойибага ўчлик, юмор ҳиссининг кучлилиги сақлаб қолди. «Яратганининг ўзи дард-офат билан бирга унинг давосини ҳам беради» дейишди-ку! Агар менда айни шу кулгига ўчлик бўлмаганида аллақачон гам-кулфатлар қуюнида гарқ бўлиб кетардим. Эҳтимол, шу гам-кулфатларни унуттиш учун ҳам хушчақчақ нарсалар ёлғим келгандир. Пайти келганда, айтиб ўтай, кулги орқали одам боласи ҳар қандай бало-қазолардан, ҳатто ўлимдан ҳам фолиб келганлигига кўп бор иқдор бўлганман...»

Устознинг мени лол қолдирган яна бир ҳислати - ундаги бедорлик. Сафарларда, ёз ойлари Дўрмондаги боғ ҳовлисиде кўп бора шоҳил бўлганман. Тунлари уни мириқиб ухлаб ётганини деярли кўрмаганман. Ҳар гал беҳос уйғониб кетганимда уни сигарет тутатиб, ҳаёл суриб ўтирган ҳолда кўрардим. Бир гал у «Сенлар маза қилиб уйқуни урдиларинг, шундай чиройли тунни бекор ўтказдиларинг, мен эса миямда битта чиройли ҳикояни пишириб қўйдим, қани энди шу дамда машинкам ёнимда бўлса, ярим соатда уни ҳоғона туширардим» - деганди. Устоз баъкин бедорликда ўй-мушоҳадалардан толиққан чоғлари кўнглига энг яқин оладиган шогирдлари - Нўлдошали ёки Гўлаббойни уйғотиб тонггача секингина гурунлашиб ўтирарди. Баъзан жа, шумликка ўтиб Эркин.

Ўткир ёки каминани уйғотиб беҳос саволга тугарди. Бир гал мендан сўраб қолди: «Белинскийнинг маъшуқаси ким бўлган - исми ёнимдан кўтарилибми?» Эртаси тун ярмида Эркинни туртиб уйғотиб «Клара Петкин қачон туғилган?» дея беэовта қилганди. Каминани ҳам, Эркин ҳам қутилмаган саволга жавоб илаб устозга қушилиб тунни бедор ўтказган эдик...

Бу хилдаги бедорлик устоз учун туғма хислатмикин? Кўркув салтанати ваҳми, таҳлика авжига минган йилларнинг адиб шуури, руҳиятидаги асоратларимкикин? Ёки ижодий ўй-мушоҳала, тасаввур учун берилган имкониятмикин?.. Барча тахминларда қандайдир даражада асос бор. Шуниси қизиқки, бошқалардан фарқи шўлароқ, устозда кун бўйи тунги бедорликнинг ҳеч қанақа салбий оқибати сезилмасди. Бутун ҳаёти давомида уни ҳазил-мутойиба, юмор туйғуси билан баробар айни шу бедорлик хислати бало-қазолардан асраб қолган, деб бемалол айтиш мумкин. Бир суҳбатда у «жуذا кам ухлайман, доним гетик бўлишга ҳаракат қиламан» деганди. Умрининг аксар қисми сафарларда, одамлар, дўстлари орасида, ижодкор устоз, тенгдон, шоирлар даврасида ўтган, ҳаминша давраларга ўзгача руҳ, шавқ бағишлаган бу аллома айни шу жўшқин давраларда асарлари учун бой хазина йиққан, тунги бедорлик чоғлари эса улар кўнглида Саидаҳмадона бадий шакллар тусини олган, сўнг қоғозга тушган. Адиб асарларини ўқиганимда давраларда, қувноқ гурунгларида айтилган дўст, латифа, ҳазил-мутойибаларнинг акс-садосини шундоққина кўриб, ҳис этиб тураман. Жумладан, адибга катта шўҳрат келтираган, миллий комедиямизнинг «Майсаранинг иши», «Шоҳи сўзана»дан кейинги энг юксак намунаси дея эътироф этилган «Келинлар кўзғолони» ҳам айни шу тарзда қувноқ, жўшқин давраларда туғилиб, бедорликда шакл-шамойилини тошан. Асардаги ўта халқчил, пишиқ-пuxта бадий инфоданинг, сеҳрли кулгининг бош омили, заминни ана шунда.

Комедиядаги кулги ғоят сержилло. Унда, бир жиҳатдан, персонажлар табиатидаги айрим қусурларни чимдиб ўтиш бор. Айни пайтда, бу кулги одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардик, меҳр-мурувват туйғуси билан йўғрилган ҳаётбахш кулгидир. Шу билан баробар, одамни ўйга толдирадиган шўҳ ва хазин кулгидир. Томошабин саҳнада Фармонбиби, унинг ўғиллари, келинлари хатти-ҳаракатини кўриб, кузатиб кўзидан ёш чиқар ҳолатда хандон отиб кулади ва театр залидан шу одамлар билан дўст тутиниб чиқали. Айни чоғда танти, мағрур «попши хотин»нинг пировардида мағлуб ҳолатидан қисман ўкинади. Бугина эмас,

синчиклаб мушоҳада қилинса, асар фақат шу хилдаги шўх ва халил ҳазил-мутойибаларнинггина иборат эмаслигига амин бўласиз. Уша ҳазил-мутойибалар замирида авваллари биз пайқаманган жиддий маъно мавжудлигини - комедиядаги қувноқ ҳазил ва кулги билан йўғрилган комик ҳодисалар ифодасида асар ёзилган, сахнага чиққан кезлардаги жиддий бир ҳодисага - барчани тенглаштиришга, одамларни бир қолтига солишга йўналтирилган сиёсатга - «совет ҳаёт тарзи» ва унинг инқирозига ишоралар борлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Истиқлол йилларида адиб ижодишининг яна янги қирралари намойиш бўла бошлади. Истиқлолга эришганимизда устоз 72 ёшда эди. Кекса бўлишига қарамай, аввалги «қуш уйқусини» ҳам тарқатиб, бутунаси илҳом ва ижод оғушида янади. Мана шу йиллари у кўпдан бери юраги дов бермай келган яқин кечмиш тарихимидаги, ўз оилавий ва шахсий ҳаётидаги, Қолирий ибораси билан айтганда, «энг қирлик қора кунлар» фожиясини қаламга олишга чоғланди. Бирин-кетин «Сароб», «Боса-келмас дарвозаси», «Тақдир, тақдир», «Оқтоб ойим» каби лагер ҳаётига оид туркум ҳикоялари майдонга келди. Аммо уларни қонунга тушириш осондликча кечгани йўқ. 2000 йил 5 май санаси билан «Халқ сўзи» газетасида эълон этилган каминга йўлланган очиқ хатида адиб бу туркум ҳикояларнинг яратилиши чоғидаги руҳий ҳолати, иштироблари хусусида шуларни ёзди:

«Азизим Умарати! Сиз ҳар кўришганимизда «Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзиш!» деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?»

У воқеаларни ёзмоқ учун ҳаёлан қамоқ лагерларига боришим, Уша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиршим керак. Бунга энди юрагим бардош беолмас, дегандим.

Мана, «Боса келмас дарвозаси»га нуқта қўйдим. Ўрнимдан тураётганимда бошим айланиб ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор кўриб ўтирган куёв ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб кўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб қон босимимни ўлчади. 200га 130.

Биламан, бу инсулыг остонасидаги ҳолат.

Беш кун кечаю кундуз ухламай ушбу хотирани ёздим. Гўё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.

«Сароб» деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолганди. Кечаси соат учда неварам шаҳар уйимизга телефон

қилиб даласига аҳволимни айтганида, у гўё Қибрайга учиб келган эди. «Тез ёрдам»ни чақириб касалхонага обдорган.

«Сароб»да ҳам лагерь, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кутаролмади. Шундоқ бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора куллар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим.

Ўқиб кўринг, маъқул бўлса беҳад қувонардим.

Сизга самимий салом билан С.А.

2000 йил 5 май.»

Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари, биринчи гада рус адабиётида лагерь ҳаёти тўғрисида жаҳонга машҳур асарлар бор. Ўзимизда ҳам айрим яхши роман ва қиссалар мавжуд. Уларда тоталитар режим ҳукмрон бўлган мамлакатни ГУЛАГ ороллариغا, бедаво саратон корпусига қиёс қилишлар учрайди. Саид Аҳмаднинг бу мавзудаги ҳикоялари мавжуд асарлардан баралла ажралиб туради. Аввало, улар ўзбекона миллий руҳ билан йўғрилган, лагерь даҳшатлари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайлиган Саид Аҳмадчасига ўзбекона бир нигоҳ билан идрок ва талқин этилади. Чунончи, «Борса келмас дарвозаси»га «халқ душмани» қизининг йиғлаб айтган қўшиғилан шундай сатрлар эпитаф - бош сўз қилиб келтирилган:

Бу ватан қандай ватандир, ҳар гўшасида турмалар,

Қўнгани бир ер тополмай осмонда йиғлар турналар...

Ватаннинг ўша йиллардаги манзарасини фақат Саид Аҳмадгина шу тарзда ўта миллий, жонли, бетакрор тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳикоя яна ўша «халқ душмани» қизи куйлаган қўшиқдан олинган куйидаги мисралар билан якулланади:

Сиз асир бўлган қафасни тишларим бирлан бузай,

Бузмасам маҳшар қуни бағримни армон турналар.

Бу байт адибнинг ушбу туркум ҳикояларидаги бошқа бир гоят муҳим жиҳатга ишорадир. Асарларда қаламга олинган бири биридан, муҳиш, маломатли, гам-ғуссага, мусибатларга тўла лавҳалар бағридан қандайдир одамга далда берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган қудрат, зулматни ёритадиган сирли-сеҳрли нур барқ уриб туради. Ёзувчининг беназир юмористик истеъдоди

туфайли мусибатлар маконида ҳам кулги, ҳазил-мутойибалар учун ўрин топилди. Энг муҳими, деярли ҳар бир ҳикояда ўзлигини, қалбидаги имон-эътиқод, она-юрт, ўзгаларга ҳиммат, мурувват туйғусини йўқотмаган «боши тошдан» аломат матонатли инсонларга дуч келамиз. Жумладан, асарлардаги ҳикоячи ровий (яъни муаллиф) образининг ўзи ана шундай сиймодир.

Адибнинг XX аср охирида чоп этилган «Йўқотганларим ва топганларим» китоби ҳам адабий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳолиса бўлди. Ўз устозлари, тенгдошлари, издош-шоғирлари ҳақидаги эссе-бадиалардан иборат бу китоб ҳам адибнинг дилбар ҳикоялари, «Уфқ» трилогияси, қувноқ ҳажвия, комедиялари каби шавқ билан ўқилади, у аллақачон аср адабиётининг оғир ва шонли йўли, «ҳаётини давқлари»ни гавдалантирувчи жонли тарихи - ўқув қўлланмаси деб тан олинган.

Бундай бетакрор китобни фақат қаламга олинган жамikki ҳолисаларга жонли гувоҳ Саид Аҳмадгига ёзиши мумкин эди. Бу асар адабиларимиз машъум замонларда қандай оғир шароит, вазиятларда яшаб ижод этгани, ўшандай замонларда ҳам ноёб бадини дурдоналар яратинишга эришгани тўғрисида ҳаққоний тасаввур беради. Китоб муаллифи улкан аломаларни қуруқ ҳимоя қилиш, нуқул улар шаънига ҳамду санолар ёғдириш йўлидан бормайди, уларни ҳаётда қандай бўлса, шундайинча кўрсатади; шахсиятидаги, ижодидаги ожиз, зиддиятли ўринларни, уларнинг инжиқликларини ҳам рўй-роғ айтади. Кези келганда, бу борада ўзини ҳам аямайди. Бу ҳол ўқувчига асло малол келмайди, аксинча, ўша улкан сиймоларга бизнинг ҳурмат-эҳтиромимизни янада оширади, уларни тўғри тушуниш, асарларидаги ожиз, зиддиятли жиҳатлар боисини англашга ундайди. Аслида адабиёт илмининг бош мақсади шу. Айни шу фазилати билан илмийликка асло даво қилмайдиган бу китоб баъзи саёз «соф» илмий тадқиқотлардан кўра илмийликка кўпроқ дахлдордир. Адибнинг «Киприкда қолган тонг» (2003), «Зилзила» (2005) китобларига кирган хотираларида ҳам шу руҳ давом эттирилди.

Шу тариқа истиқлол йилларида адиб ўзини чишакамга эркин ҳис этди, узоқ йиллар кўнглига бетишим гўлгула солиб келган «қўрқув салтанати» ваҳмларидан халос бўлиб, дилидаги оху юрларини тўкиб солишга эришди. Боз устига, адибнинг адабиёт, эл-юрт оқлидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Буюк хизматлари учун ордени, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонлари билан мукофотланди.

Қисқаси, эл-юрт ардоғидаги бу суюкли адиб Аллоҳ инъом қилган узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлидан мудом бедорликда омон ўтди. Жамии синовларга дош беролди. Яратган етук асарлари кўҳрамларини каби ўзининг ибратли ҳаёти, беназир шахсияти, суҳбатлари билан ҳам халқимиз, адабиётимиз тарихи, замондошлари хотирасида ёрқин из қолдирди.

2010 йил апрел

«ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ УЙҒОТМОҚ НЕ БАХТ!»

(Омон Матжон шеъриятига бир назар)

60-йилларнинг ўрталари. Менга Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт ва санъат» нашриёти адабиётимизнинг босиб ўтган йўли, ўша даврдаги ҳолати ҳақида адабий-танқидий мақолалар тўплами тайёрлаш ва тўплам учун ёшлар ижоди тўғрисида махсус мақола ёзишни топширди. Кейинроқ, 1967 йили «Адабиётимизнинг ярим асри» номи остида чиққан китобдаги мақолада мен ўша кезлари адабиётга чакмоқдек ёниб кириб келган ёш носир, шоир ва шоирлар қатори Омон Матжоннинг илк изланишлари хусусида баҳоли қудрат тапириб ўтган эдим. Ўшандан бери бу шоирнинг ижодини муштазам кузатиб бораман. Омонбой илк шеърлари матбуот ёзини кўрган пайтлари армияда хизмат қиларди; хизматдан қайтгач, Самарқанд дорилфонунида таълим олди, сўнг Тошкентга келиб. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлади, бир қанча муддат «Ёшлик» журнаliga бош муҳаррир бўлди, турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Чулпон нашриёти директори вазифасини бажарди. Асли хоразмлик - гурланлик бўлган бу йигит Тошкентда яшаб, уйланиб, шу ерда палак ёзди, уй-жойлик бўлди, бола-чақа, набиралар, янги-янги қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар орттирди. Айни чоғда, худди Тошкентда унинг ижоди кенг қанот ёзди - бирин-кегин «Очиқ деразалар», «Карвон қўнғироғи», «Қуёш соати», «Ёнаётган дарахт», «Ярадор чакмоқ», «Ҳаққуш қичқириги», «Сени яхши кўраман», «Гаплашалиган вақтлар» сингари китоблари чиқди, қатор дostonлар, драмалар яратди, таржимон сифатида хайрли ишлар қилди; бетакрор шеърлари, дostonлари билан кўплаб мухлислар орттирди, адабий танқидчилик эътиборини ўзига тортди. Унинг ижоди ҳақида О.Шарафиддинов, Н. Шукуров, И. Фафуров, И. Ҳаққулов, Б. Акрамов, Н.Каримов сингари моҳир шеършунослар илиқ гаплар айтдилар; асарлари турли мукофоту совринлар билан тақдирланди...

Омон Матжоннинг ўзим гувоҳ бўлган баракали умр ва ижод

йўлга назар ташлаб, ҳаёлга толаман... Истиқбол йилларида адабиётимизнинг «қизил империя» истибдоди давридаги, жумладан, 60-80-йиллардаги ривож теварагида қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Шўро даври адабиёти устида гап борганда, ўша кезлари яратилган асарлар, хусусан шеърятга хос етакчи хусусиятлар, чунончи, шеърятдаги ижтимоий гражданлик руҳи, ошқора публицистик галқин, «гап айтиш»га, даврнинг ўткир масалаларини кўтариб чиқишга мойиллик тамойиллари хусусида гоҳо бир ёқлама фикрлар ҳам билдирилди; адабиёт, шеърят кундалик ҳаёт муаммолари билан ҳаддан ташқари банд бўлиб кетиб, инсон қалбининг илоҳий, сирли-сехрли томонлари таҳлили, мангу умумбашарий қонуниятлар ифодаси эътибордан четроқда қолган, деган даъволар айтилди, бизда ўша кезлари Оврупо тараққийпарвар адабиётида кенг урф бўлган модернистик йўналишдаги каби инсонни янгича тушуниш, унинг қалбини кутилмаган томонлардан таҳлил этиш усуллари шаклланмаганлиги писанда қилинди.

Бундай гаъна ва танқидий фикрларда муайян асос бор. Шуниси қизиқки, бу хил таъналар кўпроқ ёш қаламкашлар томонидан айтилди. Адабиёт босиб ўтган йўлга, унинг муайян даврига баҳо бераётганда ўша кезлардаги тарихий вазиятни, адабий ҳаётдаги аҳволни, замоннинг талаб ва эҳтиёжларини, Қодирий ибораси билан айтганда «ҳаётнинг завқини, руҳини» ҳам назарда тутмоқ заркор. Омон ва унинг тенгқурлари адабиётга кириб келган ва қизғин ижод қилган йиллар адабиёт учун хийла мураккаб, зиддиятли давр эди. Ўша замоннинг руҳи, асл қиёфаси, биринчи галда, ўша даврнинг пешқалам адиблари, жумладан, Омон Матжон асарларида гоаят ёрқин, ҳаққоний акс этган. Узоқ давом этган зулмат - қўшқалли зўравонлик сиёсати, таъқиб ва қатагонлардан кейин 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларида рўй берган, тарихда «эрувгарчилик» деб ном олган ижобий жараёнларни Омон «муборак нафр»га қиёс этади; таниқли тенгқур дўсти Абдулла Ориповга бағишланган бир шеърда бу жараён моҳиятини шарҳлаб, ниҳоят, юртда қоразулматнинг беписанд кезиши сал барҳам топгани, кўпроқ писа бўлса-да, нурлар ҳам оқилоқ кўриниш олгани, ҳар томонинг, ҳар бўғотнинг ҳалеб қовоқ уқоши тингани, сонсиз най-киприк сумалақлари эриб тушгани, ёчил-чил сингани, йўлларни қоплаб ётган яхмалақлар битгани, энди бир жойда топталмиш, сирпашишлар йўқлигини айтади. Бироқ нисбий эркинликка эришиш масаласининг бир томони, холос. Масаланинг бошқа томони шундаки, сиёсатда юз берган баъзи ижобий ўзгаришлар бари бир, тоталитар

литар тузум ички зиддиятларига барҳам беролмади, ижтимоий-маънавий ҳаёт тобора чигаллашиб бораверди. Омоннинг «Ганлашадиган вақтлар» шеърӣ қиссасидаги эзгулик элчиси нигоҳи орқали мавҳум, мужмал бир замонга берилган мана бу таъриф-таъсифлар айни 60-70-йиллардаги биздаги ижтимоий-маънавий ҳаётининг аниқ-равшан характеристикаси бўла олади:

*Омон тиниқ, қуёш бирдек бўлгани билан
бир жойларда пайқар эди, бунда кўп нарса
чалкаш, юзлаб кетганини, айнаганини.
Яхши кимму ёмон кимдир, ҳеч ким билмайди,
ҳақ сўз қайси, ёлғон қайси, ҳеч ким билмайди,
ўтмиш қайси, келажак-чи, ҳеч ким билмайди.
Китобдаги тўғрими, ё оғиздагиси,
бу юрганнинг гапи чинми, ё бажарганинг,
мақтаганинг лофи чинми, ё йиғлаганинг...*

Омон ана шундай чалкаш бир замонда қалам тебратди. Омон Матжон ижодидаги дастлабки қадамларидаёқ ўз олдига улуғ мақсадларни қўйган, илк шеърларидан бирида «Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби» дея орзу қилган, ҳаёли бу кўҳна дунёнинг боқий сеҳрли жумбоқлари билан банд эди. Бироқ ҳаёт уни ўзга йўлларга бошлади. Омоннинг 1973 йили chop этилган «Карвон қўнғироғи» китобида «Шуълалардан ҳайргаланиш» деган шеъри бор. Бу шеърни шоирнинг маънавий-ижодий биографияси деб аташ мумкин. Дастлаб ўзи кўрган, таний бошлаган дунё гўзалликларидан ҳайрат ва завқ-шавқларга тўлиб-тошиб юрган ўғлон бу ҳаёт гирдобига кириб борган сари бошқача ҳолга туша бошлайди:

*Ўзга-ўзга бир аҳволга келаман дучор,
Ўзга бўлиб кўринади мен кўрган дунё!
Мен кечирган умр буткул кўринур бекор,
Кимларгадир фақат куяку бўлибман гўё.*

Кимдир бойлик йиғиб, туну кун айш қуради, ўзгалар билан мутлақо иши йўқ; кимдир ҳатто севгилчисини ўз куни учунғижимланган бир сўмликдай гаров қўяди; кимларнингдир уйида ҳаёти танг, боши узра қора кунлар бол-бол чарх уради; гўдак қонин талаб қилган аждаҳо янглиғ қора бир махлуқот нок тупроққа тумшук чўзди... Бу хил нохушликларини кўриб, шоир дили вайрон бўлади:

*Менинг нурли ўйларимга шулар қоришар,
Кўкка учган хаёлимни шу тортар настега.*

Жамият ана шундай «оғир дард» билан оғриётган, олдинда яна кўп хатарлар кутилаётган бир пайтда виждони уйғоқ шоир нима қилдиши мумкин?! Омоннинг «Ёнаётган дарахт» шеърисида бу алам-ли саволга аниқ-лўнда жавоб бор. Шеърда шунда бир рамзий романтик лавҳа қаламга олинади: тунда яшин тушиб, боғнинг четидаги эркин қушларга зангор пойтахт саналмиш салобатли дарахт ёна бошлайди. Бошқалари қолиб, нега айни шу дарахт ёнди, дея савол қўяди шоир, чунки у «уйғоқ эди, ўзи илк зарбни олди Ёнаётган дарахт!» дея хитоб қилади. Демак, уйғоқ дарахт онгли равишда бу ишни қилди, ўзини бало-қазоларга тутиб бериб, ўзи ёниб бошқаларни бу даҳшатли хавфдан гоҳ этди! Шоир бу рамзий ташбеҳдан асл муддаога кўчиб дейди:

*Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда
Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!
Ўстларимдир барча ёнаётганлар,
Юрагимдир - ЁНАЁТГАН ДАРАХТ!*

Бошқа бир шеърисида шоир шу фикрни давом эттириб «Шоирлик - ҳақ дея ёниш» дейди. Ўт-олов бўлиб одамлар кўнглига олов солиш, одамларни бедор этиб, ўзлигини, ўзи яшаётган дунёни, замонни англашга унлаш, хатарлардан огоҳ этиш - шоирнинг ижоддаги бош муддаосига айланди. Шоир бор овоз билан дейди:

*Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.
Ўтнинг алвон шиорлари, олов лаҳжаси
Қалъимдаги ёнишлардан сўйлар безабон!*

Омон Матжон шеърисининг бош хусусияти шунда, унинг кучли ва ожиз жиҳатлари, фазилатлари ва кам-кўстлари айни шу билан изоҳланади.

Хуш, ана шу қалбдаги ёнишларнинг, дарду армонларнинг бадий ифодаси, талқини қандай? Қайноқ ҳаёт кучоғида туғилган, шу ҳаётнинг изтиробли муаммо-жумбоқларига жавоб, даво истаб битилган мисралар санъат мулкига айлана олганми? Шоир кунда-

лик реал турмуш чигалликлари ифодаси орқати катта умумлашма-
лар, ҳамма даврлар учун муҳим маъно-ғояларни топа билганми?

Табиийки, Омон Матжон ижодила, ўз тенгдошларида бўлганми
каби долзарб, аммо ўткинчи кайфиятлар маҳсули бўлган шеър-
лар, яланғоч, декларатив мисралар ҳам бор. Ҳар қанча ҳақиқат-
парвар, исёнкор бўлмасин, адолат, ҳақ йўлида куйиб-ёнмасин,
гоҳо давр сиёсати, ҳукмрон мафкура билан тиллашган, уларнинг
йўриғи билан иш кўрган пайтлари ҳам бўлган. Шунингдек, ўз дав-
рида катта «шов-шув»ларга сабаб бўлган айрим шеърлари бугун
анчайин «жўн» асарлар бўлиб кўринади... Истиқлол йиллари шоир
учун қаттиқ синов даври бўлди, не-не қаламкашлар, ўз даврида
кўкларга кўтариб мақталган, ҳар хил мукофоту совринлар билан
тақдирланган «шоҳ» асарлар бу синовга дош беролмай, эътибор-
дан четда қолди. Омоннинг ижоддаги бахти, омади шундаки, унинг
китобларида бугун ўқиганда ҳам кишини ҳаяжонга соладиган, ўйга
толдирадиган асарлар талайгина. Бунинг сири шундаки, кўп ҳол-
ларда шоир дилидаги гапларга мос бетакрор бадиий ифодалар,
оригинал ташбеҳ, тимсоллар топа билган, қаламга олинган ҳоли-
салардан фақат шу кун эмас, ҳамма даврлар учун бирдек қадри,
поэтик хулосалар чиқара билган..

Омон Матжон ижодда фақат замонаси, ўз юрти воқеа-ҳодиса-
лари, тенгдош замондошлари дарду ташвишлари итҳори ифодаси
билан чекланмайди; кечмиш, тарихий сиймолар тасвири ҳам ижо-
дида салмоқли ўрин тутали. Омон жаҳонгашта шоир, унинг сафар
таассуротлари асосида битилган туркум шеърлари ҳам мавжуд. У
тарихий ўтмиш ёки сафар таассуротлари ҳақида ёзганда ҳам, би-
ринчи галда, замондош-юртдошлари учун зарур, қизиқарли,
ҳаяжонли бирор жиддий, ибратли гап айтишга тиришади, энг му-
ҳими, ана шу «замонавий гап» энг яхши асарларида бошқалар ва
ҳамма даврлар учун керакли, ибратли гапга айланади. Шундай асар-
лардан баъзиларини кўздан кечирайлик.

Шукур Бурҳон ҳақида алам-ўкинчларга тўла шеър эълон этил-
ганида буюк актёр ҳаёт эди. Бу шеър ўша кезлари кўпчиликни зўр
ҳаяжонга, изтиробга солган, ўйга толдирган эди. Шеърдаги поэтик
лавҳа ёдда бўлса керак: Шукур Бурҳон «Ҳамза»дан чиқиб аста пи-
ёдалаб кетмоқда; бир ён гавжум кўча, бир ён расталар, оломон ўз
иши, ташвиши билан овора, ҳеч ким актёрга эътибор бермайди;
ҳозиргина у улуғ Шоҳ Эдип эди, энди фуқародан баттар фуқаро;
кечагина театрда йиғлаб, унга талпинган жонлар бугун кўчада уни
танимасдан ёнидан ўтади, бугина эмас, йўлда уни туртиб-суртиб.

Уз ишларига шошилади... Калтабин «илмқаш» бу салт юришни кўриб, «Даҳо халқ ичра» деб жўшиши мумкин. Аслида эса вазият ўзгача: «даҳога йўл бермас ҳеч ким, базўр бормоқда у; қисилиб, мункиб». Шоир қалби бу ҳолдан титроққа тушади; оломон, халқ ҳақида жўшқин баҳсга киришади; шу ҳодиса баҳонасида чархи шайхраторнинг ажиб бир савдоси хусусида аламли ўйларини тўкиб солади: «Халқми шу, кўчани, расталарни тўлдириб фақат ўзини ўйлаб югуриб-елганлар? Халқми шу, бировнинг ҳақини гиллаб, беш-ўнни юлишни пойлаб турганлар? Халқми шу, нуруний сиймолар қолиб, сохта сумбатларни сийлаб турганлар? Халқми шу, ҳаёту орзуларини ўздан баландроқ тиклолмаганлар. Халқми шу, халқининг номидан сўзлаб, мингдан бир ваъласини оқлолмаганлар?» Шоир этиқодича:

*Халқ улким, ўзининг пешонасида
юлдузлар борини сезса, қувонса!
Халқ улким, ғурури бўлса ўшда,
аслига ишонса, сохтадан тонса!*

Афсус, минг афсус, халқ бундай маънавий камолотга эриша олган эмас. Шеърдаги энг муҳим бадийий топилма шуки, томошабин-оломон театрда улуғ актёр санъатига тан беради, актёр сифатида улуглайди, лекин кўчада, ҳаётда эса уни танимайди, улуг инсон сифатида ардоқлашни билмайди, қадрига етмайди. Буюк актёрнинг фоживий тақдирини шоир фикрини тўла тасдиқтайди. Бу ерда гап фақат аниқ бир сиймо - Шукур Бурҳон қисмати устида бораётгани йўқ. Фақат яқин ўтмишда эмас, ҳамма замонларда ҳам халқ пешонасидаги юлдузларни, гарчи улар фаолияти самараларидан, яратган кашфиёт-мўъжизаларидан баҳраманд бўлса-да, ҳаминша муносиб қадрлай билмаган. Тарихда бунга мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Шундай кўнгилсиз ҳолатларга бугун ҳам дун келаётирмиз. Кўпчилик - оломон эмас, ҳатто халқнинг виждони, овози саналмиш ижодий зиёлилар ҳам гоҳо кўра била туриб, шундай кўнгилсиз ҳодисалар олдида сукут сақтайдилар. Неча йиллар бурун яратилган Шукур Бурҳон ҳақидаги шеър бугун ҳам бамисоли бонг бўлиб янграйди, одамларни ўзигини англашга, хушёр тортишга чорлайди.

«Амир Олимхоннинг сўнгги илтимоси» шеърдаги поэтик худоса-сабоқлар ҳам гоаят ҳаяжонли, ибратли. Бугун маълум бўляптики, Амир Олимхон хийла мураккаб сиймо экан; унинг эл-юрт,

жамият олдидаги гуноҳлари баробар, айрим савоб ишлари ҳам бор экан. 1980 йилда ёзилган шеърда Омон Амир Олимхонга умумий баҳо беришни мақсад қилиб қўйган эмас. Шеърда сўз кўпроқ амирнинг гуноҳлари ва бу гуноҳлар учун сўнгги тавба-тазаррулари устида борлади. Талотумлар пайтида юртини, халқини ташлаб хорлигига қочган, умри Афғонда муҳожирликда кечган, охири кўзи ожиз бўлиб қолган амир ўғилларини чорлаб, Жайхун бўйига элтишларини илтимос қилади. Шоир шу илтижо хусусидаги ўз тахминларини ўртага ташлайди, одатдагидай қизгин баҳсларга киришадилар; шоир дилидан бирин-кетин аламли саволлар ёғилди: «Улоқ-таллош бўлган Бухоро - замин» ҳижратда юрган сўнгги амирнинг бу сўнгги истагини қабул этармикан?! Қийин пайтда салтанат тизгинини шамолга ташлаб қочган ютнинг юрдан не таъмаси бор? Кечикиб бўлса ҳам дарё қирғоғига бош эгиб тўлқинларнинг тарқоқ қобирғасидан халқнинг юрагини - улкан Қуёшни кўрмоқчимиз?! «Лекин «Амир келди!» деса, дарёдан Чикмасми кўк сари солиб оқфарёд, Ҳарамлар, зиндонлар, таъқиблар хасми - Ҳуқусиз, бебаҳра, тўзғиган авлод!»

Масъул сиймоларнинг кечикиб бўлса-да ўз гуноҳларини англаб етиши, тавба-тазарру қилиши яхши иш. Бироқ бундай гуноҳларнинг олдини ола билиш гоят катта савоб иш. Шеърдаги баҳс-муҳокама, ташбеҳлардан чиқадиган энг муҳим поэтик сабоқ - хулоса ҳам шу:

*Халқим! Тилсиз бардош ҳам умид билан
Кимники кўтарсанг тахти аълога,
Ҳали кўзлари кўр бўлмасдан бурун
Тавобга олиб бор Амударёга!*

Шоирнинг ривоятлардан ташкил топган «Ҳаққуш қичқирғи» тўпламига кирган «Муаллақ тўрғай» асарини эслайлик. Ундаги мажозий ифодадан келиб чиқадиган фикр-хулоса муҳим ижтимоий аҳамиятга молик. Эмишки, зўр ўрмонда тўрғайлар тинч-тотув, фаровон, оқилона умр кечиришади, беҳуда ишларга ўзларини урмайдилар. Бирдан уларнинг қонида исён жўш уради, улар қавмидан ёш даҳо чиқали-ю, қавминини мавжуд ҳаёт тарзига қарши исёнга чорлайди - кўкда шаҳар қуриб самоватда озод-эркин, шод-хуррам яшаш аҳдини итҳор этади. «Зўр гап!» дея қўнлар даҳони қўллаб-қўватлайди. Шунда оқил бир бузруквор журъат этиб, бу ният яхши, аммо уни рўёбга чиқариш мумкин эмаслигини айтганида даҳо уни

хурофотга берилганликда, тескаричиликда айблайди, ниҳоят, гумроҳ оломонни ўз ортидан эргаштиришга эришади:

*Даҳо тўрғай бир юксакка
Чиқиб турди муаллақ.
«Ишга олға, тез бўл!»ларга
тўлиб кетди ҳаммаёқ.
Бир кун ўтди, ҳафта, ўн кун
Ўтди шу хил неча ой.
Даҳо тўрғай ҳамон кўкда,
Ҳамон сўрар сув ва лой.
Шунча меҳнат, қон, тер кетди,
Лекин... бирон самар йўқ.
Кўкда ёлғиз «меъмор» бору
Шаҳардан ҳеч асар йўқ...
Эсиз, шунча эмгак, умр -
Бари кетди билинмай,
Ердаги кўп зарур ишлар
қолиб кетди қилинмай...*

Бу саргузашт етмиш йил давомида қанчалик-қанча калтабин «даҳо»ларнинг беҳуда ташаббуси билан амалга оширилган самарасиз тадбирларга назик ишора, пичинг-киноя эмасми?! 70-йиллар шароитида «қизил империя» «даҳо»ларига нисбатан бундай пичинг-киноялар қилиш катта жасорат эди. Қолаверса, шеърдаги рамзий-мажозий маъно доираси фақат «қизил империя» «даҳо»лари сиёсатини фож этиш билангина чекланмайди. «Амир Олимхоннинг сўнги илтимоси» каби бу шеър ҳам одамларни шундай кўнгилсиз машамалардан сабоқ олишга, ҳаётдаги жараёнларга, исёнкор «даҳо»ларнинг ваъда, даъватларига сергак муносабатда бўлишга ундайди.

Омон Матжон ижодида рамзий-мажозий образлар, табиат ва жонхотлар - дарахтлар ва қушлар билан боғлиқ ташбеҳ, тимсоллар кўп учрайди, унда тимсоллар тили билан сўз айтиш, фикрни ифодалашга мойиллик кучли. Мана бу мисраларга қаранг:

*Қайдан келиб қолдинг, қайин, оқ қайин,
Бу турфа дарахтлар тигиз ўрмонга?!
Нега керак экан назик вужудинг
Бу қорлар мулкига, бу қаҳратонга?!*

Бу нозик-ниҳол сўлим қайиннинг бўғиқ муҳитдаги танг, но-чор аҳволини тафтиш этиш, сўроқлаш давом этади: бир ёнда жодугар игнабарг арча қайинни чимчилаб-чақишга уринади; бир ёнда чўнг эман зўғим этади, беҳаё қарагай тан яланғочлайди; боз устига шафқатсиз кимсалар кумуш баданга қора тамға ўйиб, кўзёшларини хун қилади. Қайин учун қанчалар қийин бўлмасин шундай бўғиқ муҳитда яшаш - зарурат; шоир кўчига у бу қора ўрмонда мағрур ёлқин бўлиб туюлади. Шундайлар бўлмаса, олам мутлақ зулматга айланарди. Шоирнинг атамли худосаси шу: «Азалдан-да поклик, нафосат Шундай шароитда яшашга мажбур». Шеърни ўқиб, киши кўнгли ҳам ҳазин, ҳам атамли туйғулар оғушида қолади.

1986 йилги чоп этилган, кейинчалик Давлат мукофоти билан тақдирланган «Гаплашадиган вақтлар» китоби шоир ижодида муҳим воқеа бўлди.

Омон Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар» китоби чиқишин биланоқ одатдагидек хилма-хил касб эгалари, ҳар хил савиядаги шеър мухлислари билан суҳбатлашишга тўғри келди. Шеършунос олим ҳам, ижод аҳли ҳам, оддий китобхон, талаба ҳам - барчаси бир фикрни айтишди: китобга кирган аксари асарларни бир ўқишда дарҳол гагига етиш қийин; шоирнинг ўша кезлари матбуотда эълон қилинган шеърлари ҳам шундай.

Дарҳақиқат, «Гаплашадиган вақтлар»дан жой олган талай асарлар, шунингдек, шоирнинг 80-йиллари матбуотда эълон этилган кўпчилик шеърлари маъно, лирик туйғу-кечинмалар ва уларнинг ифода тарзи, илҳор оҳанги жиҳатидан хийла мураккаб. Хўш, бу фазилатми ёки нуқсон? Шоир асарларидаги мураккаблашиш жараёни сабаби нимада? Гапнинг очиги, Омоннинг бу давр шеърларидаги мураккаблашиш ҳодисасини камчилик санайдиганлар ҳам, уни фазилатга йўядиганлар ҳам бор, аммо шоир изланишларига бефарқ қарайдиганлар учрагани йўқ. «Гаплашадиган вақтлар»даги шеърини қисса, дoston-хроника, жиддий публицистик шеърлардан тортиб интим-нишқий лирика-ю, ҳазил-мутоибаларгача - барчаси ўқувчини баҳса чорлайди. Уларда шоир ҳаётнинг хилма-хил муаммолари, узоқ ва яқин кечмишнинг аччиқ сабоқлари, инсон табияти ва қалбининг дарҳол тушуниш ва тушунтириш қийин сиру асрорлари, алоҳида шахс ҳамда бутун бoшли халқнинг кучли ҳамда ожиз жиҳатлари, инсоний камолот ва унинг кушандалари, ҳақиқат, социал адолат фидойилари ва уларнинг ғанимлари, турли эътиқодлар орасидаги кураш, зиддиятлар устида, қисқаси, ҳаётининг чигал зиддиятли ҳодисалари ҳақида баҳс юритади. Эҳтимол, шоир

хаёли шу хилдаги ҳаёт мураккабликлари билан банд бўлгани учун ҳам унинг асарлари мураккаб тус олаётгандир. Энг муҳими, муаллиф ҳаёт жумбоқлари устида баҳс юритганда ҳодисага хилма-хил томондан ёндашади, бир хилдаги жўн ҳукм-хулосалар чиқаришдан қочади, ҳақиқатнинг турли қирраларини очишга интилади; шоир кашф этган ҳақиқат ҳар доим ҳам барча баробар осонгина қабул этиши, қўшилавериши мумкин бўлган оддий гаплар эмас, улар қизгин руҳий баҳслар, изтиробли ўйлар, минг хил қиёсу тахминлар, бир сўз билан айтганда, чинакам поэтик таҳлил ва тадқиқ эвазига рўёбга чиққан бадний ҳақиқатлардир.

Эътибор берилса, китобдаги шеърларнинг кўпчилиги суҳбат-баҳс асосига қурилган, аксари шоир муайян ҳодиса баҳонасида кимлар биландир баҳслашади, гоҳо персонажлар ўзаро бир-бирлари билан тортишади, олишади, суҳбат, тортишувлар эътиқодлар жангига айланиб кетади ва мана бундай ошкора тус олади:

*Сен жон сақлаш учун элни сотасан,
Мен-чи, элим учун қурбон бўламан.*

Гап фақат асарларнинг суҳбат-баҳс асосига қурилганида эмас, умуман, Омон Магжоннинг бу йиллар ижодида поэтик мушоҳаданинг кескин баҳс-мунозара тусини олганлигидадир. Шуниси диққатга сазоворки, шоирнинг сиртдан баҳс-мунозарадан холи кўринган шеърлари та мунозара руҳи яна ҳам кучлироқ. Шундай бўлиши табиий, зотан чинакам лирика - қалбдаги катта инсоний дара тўлғоқлари самарасидир.

Ҳодисаларга хилма-хил томондан ёндашиш, ҳаёт муаммолари гирдобига шўнғиб кетишнинг хавfli томонлари ҳам йўқ эмас; бунда шоир «ўтлаб кетиб қолиш», чигалликлар ичида калаванинг учини йўқотиб қўйиш, асар эса бош концепция - пафосдан холи бўлиб қолиши ҳам мумкин. Китобдаги айрим шеърларда шу хавфнинг қўланкаси кўзга чалинади. Бироқ шоирнинг етук шеърларида жумбоқлар ечимини берадиган, зиддиятли ўй-мушоҳадларга яқин бўла оладиган, умуман, шеърда бош маъқ ролини ўтайдиган ғоя илгари сурилади; бу бош ғояни ўзида ташувчи сатрлар гўё мумтоз шеъриятичидаги шохбайтлар сингари ўқувчи хаёлини чақмоқдек дарҳол ўзига тортади, қалбларни титроққа солади.

Тўпламдаги «Динозаврлар қабристон» шеърини эслайлик. Унда шундай манзара чизилади: Гоби саҳросининг қўрғошин зирҳли сўнгсиз, бепойн яйдоқ кенгликлари; шу бўшлиқда топилган ди-

нозаврлар қабристонини, бир-бирига қаланиб ётган ўнлаб бақибат махлуқлар устухонлари... Шу заҳоти саволлар устига саволлар ётилади: улар нечун бу ерда тутқун этилган, улар нечун бу гурбат чўлини маскан тутганлар, қайси ёвуз кучга қарши бош кўтариб, бари бирга бирдан ўлимга маҳкум этилган? Бу не синоат?! Шоиர் ҳаёти хилма-хил тахминлар, аламли ўй-мушоҳадалар қанотида олтиларга сайр этади: уларни баъзи ўз туғилган масканларидан беомон босқин ҳайлаган ёки майда рикор фитнеси юртни чўл, буларни қувғин айлаган; баъзи, йўлбошчиси янги ҳаёт, ризқ ваъда айлаб, уларни жалғитиб, бир муҳмат йўлга бошла, манзилга етолмай, ўн ўлиб кетган ёки буларни тақлаб қочган; баъзи, бу ерлар бир вақтлар обод бўлган-у буржлар кўзғалиб, сафо иқлимини остин-устин, гулжорларни яқсон этган; эҳтимол, бир пайтлар Гобининг ўзида буюқлар қадрсиз қатағон бўлган... Шоиர் мана шу хилма-хил азобли ўйлар гирдобинда ўзида динозаврларга қариндошлик сезади. не-не насткаш зотлар қилган жабр олдида ўзини укувсиз, ноқор ҳис этади; шоирни фандаги динозавр зоти қирилиб, ундан қушлар пайдо бўлган, деган умидбахш таскинлар ҳам асло қониқтирмайди, чунки бояги тахмин унга тинчлик бермайди - элим, тубан кимеларнинг қўлидан ҳамма нарса келиши мумкин, улар ҳалдига сиққанини қилаверадилар. Шоиர் ўша динозаврлар қабри қаршисига туриб, бутун Ер юзидаги улуг зотларга қарага ҳайқиради, бутунги нотинч давр сиймоларини кечмишининг ана шу сирли ва аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб олишга, курашга чорлайди:

*Азизлар! Ногаҳон, гафлатда топиб,
бир офат етмасин юракка, ерга!
Энди ҳушёр туринг ва лозим бўлса
динозаврлардек жон беринг бирга!*

Ана сизга шоҳбайтга тенг келалиган сатрлар, шеърнинг авж пардаси, шоиர் айтмоқчи бўлган бош гап! Оддий сафар таассуроти, кечмишда яшаган махлуқлар устухони устида туғилган ўй-мушоҳадалар шу тариқа бугунги кунини ўткир ижтимоий-сиёсий масалалари даражасига кўтарилади! Шеър охиридаги чақириқ деклоратив-риторикадан, шеърдаги поэтик хулосалар эса дидактик ақидагўйликдан бутунлай холи; улар кўриб ўтганимиздек, чуқур поэтик таҳлил, қалбдаги туғёнлар ҳосиласи, бадний мантиқ тақозосидир. Худди шу ҳолни тўпلامдаги «Йоғ маншқлари», «Жомеъ масжиди устунлари», «Бир жанобга жавоб», «Илҳом парисига»

шеърларида ҳам кузатамиз. Чунончи, «Йоғ машқларида» инсон тани ва маънавиятининг чексиз имкониятлари, инсоний камолот ҳақида баҳс юритиб, гоят хилма-хил ўй-мушоҳалалардан сўнг муаллиф камолотнинг биринчи шартин «оқни оқ, қорани қора дейишдан» бошлангани деган хулосага келади; «Илҳом париси» шеърларида бу азаллий жумбоққа жавоб излаб, шоир турли-туман ҳаёлларга, фикр-мулоҳазаларга борали, ниҳоят «Илҳом, бу - элнинг зўр эҳтиёжларидан шоир юрагига тушган гулгула» деган фикрни айтадики, айни шу гап сизда хайрихоҳлик уйғотади; ҳақиқат баҳсига бағишланган яна бир шеърда «Ёлгоннинг тахтадаги юз йил даврони Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир» сатрлари шоирнинг энг эзгу эътиқоди, муқаддас шиори каби жаранглайди.

Омон Матжонни биз кўпинча шеърингда нуқул анъанавий йўллардан борувчи ижодкор деб биламиз. Дарҳақиқат, шоирда анъанавийликка мойиллик кучли, у халқ оғзаки ижоди тажрибаларига, буюк Навоий даҳосига мурожаат этиб, кўп ва ҳўб асарлар битган, XX аср ўзбек шеъринининг яхши тамойилларини изчил давом эттирган. Шу билан баробар, унда ҳозирги жаҳон адабиёти, санъатидаги янгича йўналишларга ҳам меҳр, иштиёқ баланд, тарраққийпарвар модернистик санъат кашфиётлари олдида дол қолади, кўплар бу мўъжизалар сеҳрини англаб етолмаётганлигидан афсусланади. Америка сафари таассуротлари асосида битилган «Клод Моне чизган манзара» шеъри бу жиҳатдан ибратли. Моҳир рассомнинг кўплар учун тунгунарсиз туюлган санъатини ўзича кашф этиб, қувончдан дол қолади:

*...Нафис тонг ипағи,
Титроқ симоб кўл.
Ой нурун ёпинган боғ тинч уйқуда.
Кўлда эса акси...
Бу гўзалликни
Бир не бузмаса деб қотдим қўрқувда.*

Беқийс истеъдод маҳсули бўлмиш бу манзарани шоир сеҳрли бир назокат билан «илоҳий ҳаёт гўшаси» деб атайдди. Афсус, минг афсус: «Бу шошқин одамлар, бу тезкор аср Унга етиб бориши қийин!»

Шу тариқа бу ерда ҳам шоирни доимо қийнаб келадиган ҳаёт жумбоғи - нафосат билан дағаллик, даҳо билан оломон ўртасидаги зиддият баҳси, бу боралаги аламли ўйлар...

Омон Матжон шеъриятига хос яна икки жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим. Шоирнинг ҳар бир сатрида, сўзлаш оҳанги, ифода тарзида ўзи туғилиб ўсган юрт - Хоразм руҳи уфуриб туради. «Хоразм дунёда битта. Ўзбекистон битта, - дейди у. - «Хоразм» ҳам катта, ҳам кичик гушунчадир. Бирон нарса ҳақида энг кўп билсам - бу Хоразмдир, оз билсам бу ҳам Хоразм... Мен ҳамма халқларнинг санъаткорларини ҳурмат қиламан. Улардаги этник жиллолар мен учун қадри. Чунки санъатни бошқа омидлар қаторида миллий-маҳаллий колорит, этник жиллолар, айниқса, фарқлантириб туради. Шу ранг-баранглик бўлмаса дунёда ҳамма нарса гиштардек бир хил бўлиб қолар эди. Маҳаллий, яъни этник колорит миллий колоритни вужудга келирувчи, яхлит этувчи, узлуксиз тўлдириб, янгилаб турувчи манбадир».

Иккинчидан, шоир қайси мавзуда, нима ҳақида, қандай жанр-шаклда ёзмасин, унда замон туйғуси, даврнинг муҳим гапини топиб айтиш санъати ниҳоятда юксак. Бу жиҳатдан мамлакат тарихининг бурилиш палласи, 80-йиллар охирида мустабил тузумнинг инқирози авжига чиққан кезлари яратган асарлари, чунончи, «Аввалгиларга ўхшамас» деб номланган Навоий газалига муҳаммаси «Нега мен?!», «Қуш йўли» дostonлари алоҳида ажралиб туради. 1988 йил босилган машҳур муҳаммасдаги «Чарх авжон бу дам аввалгиларга ўхшамас, Котибу даври рақам аввалгиларга ўхшамас, Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас» сатрлари минбардан ўқилганида, хофизлар томонидан хониш қилинганида тингловчиларни ҳушёр торттирганига ўзимиз гувоҳ; «Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда, Неча авлод йўлико уммидин айлаб беҳуда, Давр мезони билан тортай бугун ўзимни-да... Эмди қилса не ситам аввалгиларга ўхшамас» сатрлари эса одамларни ларзага солганни кўрганмиз, ўзимиз ҳам ларзага гушганмиз. Шеърдаги «Ўз замонинг рост этар қавми мардлар асли ким, Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким» сатрлари эса шоир шеъриятининг ўша кезлардаги бош принципи каби янграйди. Дарҳақиқат, шоир ўша кезлари яратган аксар асарлар «шу ҳаёт тилсимларин» балний кашф этишга қаратилган. 1990 йил 1-27 декабрида қоғозга туширилган «Қуш йўли» дostonини шу жиҳатдан бир қур кўздан кечирайлик.

«Қуш йўли» дostonи Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonига ўхшатма тарзида, ундан таъсирланиб, илҳомланиб ёзилган бўлса-да, у бутунлай ўзига хос, ўз замонининг ҳаёт-мамонт масалалари - инсон ва табиат, ижтимоёт, маънавият, заминда яшайдиган жа-

мики жониворларнинг аянчли қисмати, бунинг сабабияти, даҳшатли бўҳрондан чиқиш йўллари ҳақида баҳс этувчи ўткир замонавий публицистик-фалсафий асардир.

Омон Матжони қушларнинг сирли-сеҳрли оламига кўпдан қизиқиб келади, қушлар тилини билишга, қушлар ҳаёти фалсафасини чақишга, қушлар қисмати баҳонасида ижтимоий ҳаёт, маънавият, инсон турмуши муаммолари устида мулоҳаза юритишга интилади. Бунини учун шоирнинг 70-йилларда яратилган «Ҳаққуш қичқирғи» туркумини, «Оқ қаптар», «Қушлар» шеърларини эслаш кифоя. Адабиётшунос Иброҳим Ғафуровга бағишланган «Қушлар» шеърисида шоир, жумладан, шундай ёзган эди:

*Менинг юрагимда ранг-баранг қушлар,
Билмам, қачонлардир қурмиш ошиён.
Ҳаёлнинг талвосли парвози шундан,
Шундан кўксимдаги ғавғо, тўполон.*

«Қуш йўли»да шоир юрагида қачонлардир ошён қурган қушларнинг бугунги дарди-туғени, ғавғо-тўполони ифода этилган. Шоир дostonнинг кириш - «Мудлао» бобида Навойини, беш юз йил аввал умри охирида қушлар дунёсига юзланиб, уларнинг ночор ҳолидан чексиз оҳ чекиб, йўлсизлик балосига мубтало бўлган зотларга мадад қўлини чўзгани, донишманд қаҳрамони Худуд уларга нажот йўлини топиб, ортидан эргаштириб, Ҳақ васлига етиштиргани хусусида сўз айтади ва бир саволни ўртага қўяди:

*Ҳўш, бугун мўътабар ул қушлар қани,
Фидойилар қани, балқишлар қани?!*

*...Бугун мен шуларни чорлаб тураман,
Юртим осмонида борлаб тураман.*

*...Бугун давроннинг йўл, майдонларида,
Ўрмонлар, ҳатто тинч сайхонларида.*

*Бот-бот ўлик қушлар бошин кўрамиз,
Оғир бир фожеа тошин кўрамиз!*

*...Фарёд, фарёд! Боқманг қушларга бугун,
Кўзингиз тўлмасин ёшларга бугун!*

Сўнги йилларга келиб, буюк уйғониш, неча йиллар асоратда,
турғунликда қолган гафлат қальасига улуғ бир юриш бошланди.
Аммо:

*Ҳайҳот, яна бари ерга тенг бўлмиш,
Замон қузғунлари учун ем бўлмиш!*

*Ҳаққа восил, нурга ҳожи бўлганлар,
Уттиз қуш қавмининг тожи бўлганлар*

*Бугун, шоҳ на, элнинг хаёлида йўқ,
Чунки у бул даврон мақолида йўқ!*

Маълум бўляптики, аламли саволнинг изтиробли жавоби ўз
ичида. Достон давомида шоир шу фикр-ғояни кенг шарҳлайди;
қушларнинг «Лисон-ут тайр»дан кейинги беш асрлик тарихи, ҳу
сусан, кейинги юз йиллик аччиқ қисмати, ҳозирги ночор ҳоли
хусусида армон-ўкинчларга тўла таъсирчан лавҳалар яратади, ак
сари шоир қушлар қисматини, қалб фиғонини уларнинг ўз тили
дан изҳор этади.

«Лисон-ут-тайр»даги донишманд йўлбошчи Худҳуднинг бугун
ги кунда шашти йўқ; у қавми сийраклашиб қолгани, эртадан умид
ҳам мустаҳкам эмаслигини айтиб, ҳозирги раҳнамолар сингари
«демократик» йўл тутиб, қавмни бундан буёғига нима қилишни
биргаликда маслаҳат қилишга, илинж йўлини бирга излашга чор
лайди. Шунда Шунқор мардона туриб, сўнги асрда ердан ва элдан
барака қочгани, бунинг бош сабабини дангал айтади:

*Босиб бошдан-оёқ қуролланган ёв,
Эли қирғин этган, янчган беаёв,*

*Одамларни қирган ваҳшийлар учун
Қуш деганнинг жони - арзимас учқун.*

*Бу ернинг тақдирин ўйлов камайиб,
Пахтазор кўпайиб, яйлов камайиб.*

*Ҳатто, чўлларга ҳам келган қиёмат,
Чўпон-чўлиқни ҳам тарк этиб омад.*

*Айниқса, элик йил чамаси аввал,
Одамлар қўлига тегди бир амал:*

*«Отилсин, дедилар, ёввойи қушлар!»
Бошланди беомон қирғин-тутишлар.*

*Авлодимга менинг етди паторат,
Қавму қардошлар ҳам топдилар офат...*

Булбулнинг ғамли достони - «Менинг қавмимнинг вой ҳолига минг вой, На учиншга жой бор, на қўнишга жой», «Бу дунёда энди қачон яйраймиз, Юртимизда қачон тўлиб сайраймиз?!» деган нолларини эшитишга қушларнинг ҳам тоқати етмайди... Чағалай, Тути, Қирғовул, Лайлак бирма-бир арзи ҳол айтадилар. Айниқса, Лайлакнинг дил изҳори, далил-исботи кишини ўйлатиб қўяди, у бошга тушган бало-офатларнинг бош айблори - четдан келган Қарға деб билади:

*Қарға ташрифига юз йилдан ошди,
Келди-ю, Ватандан барака қочди.*

*...Қушларнинг тухумин ейди обқочиб,
Уясин эгаллар очиқдан-очиқ...*

*Улар бор - сиғмаймиз ўз юртимизга!
Чанг солар насиба - ем-қуртимизга.*

*Бизлар ташлаб кетган гўмбаз - минорни
Улар ифлослашар, билмаслар орни...*

*Қаерда яшаши бўлгач, барибир,
Қадрларми бизнинг жойларни, ахир?*

Нарироқ бориб, қушлар фиғонига миллат, одамлар дунёсининг оҳи зорлари қўшилиб кетади:

*Чопилди «Ўз ерим!», «Элим!» деганлар,
Ўлди ўз миллатин «Шерим!» - деганлар.*

*Бойсан деб дехқонлар қувилди ердан,
Зарар деб эртаклар ҳайдалди элдан.*

*Ўзга урушларга черик этдилар.
Ўзгалар айбига шерик этдилар.*

*Тонг зиёсин тўсди минг бибурд шир,
Жоҳил хизматида қолди оқил хор...*

Қушлар орасида Чумчуқ каби ғаламислар ҳам бор; у ўз қавми нолишларини эшитиб, «Қандоқ ношукурлик?! На захму зардоб?! Наҳот ҳолларингиз шу қадар хароб?!» дея ажабланади. Унинг маслаҳати шуки:

*Каттани катта де, кичикни кичик,
Шерлик этишмаса, бўл оддий кучук.*

*Қуви ўтганга кун ортиқ эмасми,
Бир тўйгани улуғ тортиқ эмасми?*

Унинг назарида ҳар қанақа демократик тадбирлар - мажлису митинглар беҳуда бир нарса: «Мингта мажлис қурсанг, пишмас бир патир». Бугина эмас, Чумчуқ ўз қавмига сотқинлик қилишдан ҳам тоймайди, мажлисда қарға хусусида айтилган гапларни оқизмай-томизмай, унга етказди, ғаним кўнглига қутку солади:

*Дейдилар: сендирсан дунёни «бузган»,
Яъни бу жаннатий маъвони бузган!*

*Юртнинг бош қушлари сен боис хормиш,
Уларга на қишлоқ, на шаҳар тормиш.*

*Сен сари найзадир ҳар бирин пари!
Қўрқаман, эртага бирлашиб бари,*

*Бу жойлардан сени ҳайдаши аниқ,
Бунини Чумчуқ уканг айтмоқда ёниб...»*

Қавм ичидан чиққан хоинлар, катта офасининг укажони тилидан айтилган бу гаплар қайноқ ҳаётнинг шундоққина ўзидан, гирдобидан олинган!

Қарга Чумчуқни бу иши учун рағбатлантиради, айни пайтда «Мен кетсам, сенинг ҳам кўнинг битали» дея огоҳлантиради. У маҳаллий қушлар қавмига хос ожиз жиҳатларни яхши биледи, шунинг учун хотиржам:

*Ўзин тлай олмай қолса элатлар,
Қонун шу, уларни бошқарар ётлар!*

Мана шундай шароитда ҳар бир қавм, миллат учун ўзлигини англаш ҳаёт-мамот аҳамиятига молик. Чунки:

*Ғафлатдан уйғонмас эса қай миллат,
Унга тақдир ўзи йўллағай кулфат.*

Афсуски, қавмнинг, миллатнинг уйғониши, ўз-ўзини англаш жараёни кўпинча кучли ички эйдиятлар, тўлғоқлар ичида кечади. Озгина эрк, демократик ҳуқуқлардан баҳраманд бўлган оломон улғу мақсадлар йўлида бирлашиш, бўҳронлардан чиқиш, тўла истиқ-лолга эришиш чораларини ахтариш ўрнига айбдорларни қидириш, бир-бирини балчиққа қориш, мансаб-мартаба талашиш йўлига ўтадилар. Ўзаро низо, адоват, дилсиёхлик бошланади. Достонлаги қушлар қавми йигинида арзимас баҳонада бошланган ғавво тасвири, бу мажозий ифода достоннинг энг таъсирчан, кўнгилларни вайрон этадиган, ўқувчини ўйлантирадиган ўша ошқоралик деб аталган кунларимизнинг ўта таниш - типик ҳаётий лавҳаларидандир. Бу можаро чоғи ақл-идрок ўрнини жаҳлу ҳарорат, таъна-гина ўрнини эса ҳақорат олади, қуш зоти борки, сўкиб урилади, шу тариқа олға кўзланган йўл ортга бурилади, қутилган орзу ният, бахт рўёбга чиқмай қолади. Бундан олақарғалар мамнун. Биз учун ўта таниш манзара ва ҳолатлар рўй беради:

*ОЛАҚАРҒАЛАР, жим кузатиб жангни,
Яраштирамоқ қайда каж анжуманни,*

*Пайт топиб, гиж-гижлаб, ғозни ўрдакка,
Чағалайни қайраб хеш лойхўракка,*

*Бургутни лочинга тезлатардилар,
Бирин бири билан хезлатардилар.*

*Қушлар ҳеч фитнани кўрмас эдилар,
Ғазабни бир ёққа бурмас эдилар.*

*Катта фожеа ҳам шу эди асли:
Бирлашишни билмас эди Қуш насли!*

Достондаги бош гап шу - Қуш наслини инқирозга, ҳалокатга маҳкум этган асосий иллат - улар орасида бирликнинг йўқлиги; шундан уларнинг оғзи ола, ризқи чала, ўз ошёнларидан маҳрум, шажара иллари қирқилган, жўжалари ҳам изсиз, истиқболсиз, ерда ҳам, кўкда ҳам навмил, йўлсиздир; шу туфайли ўзларидан тузук-роқ бош чиқмайди, ёшлиқдан «урилар», ноёб истеъодлар рўёбга чиқмайди. Энг ёмони:

*Шундан илм-амали бўлмай мукамал,
Ўзлари ўз «иш»ин қилолмаслар ҳал...*

Бу ҳол қарғалар учун байрам, қавм ичида ноаҳиллик мавжуд экан, хуррам кўнаёверадилар, хоҳдаган жойга тўп ёёверадилар. Айниқса мана шу оғир соатда Қарганинг қуш элининг хароб ҳолидан кулиб, ўзларига кулган толедан мамнун ҳолатини кузатган ҳушёр ўқувчи қандай хаёлларга бораркин, деб ўйлаб қоласан киши.

Қавм учун мушкул дамларда дастлаб ғойибдан нидо келади. Оят, ҳикматлар шаклидаги бандларнинг ҳар бири ижтимоий-маънавий инқирозлар гирдобиди йўлни йўқотган қавм учун ибрат, сабоқ. Хусусан, «Бирлик, Эрк туйғуси ҳар танга тушсин, Аввал вужуд эмас, Руҳ жангга тушсин», «Руҳ шундоқ неъматким, қолса қаровсиз, Танни тарк этади, изсиз, сўровсиз» сингари байтлар китобхон ақлига ақл қўшади. Сўнг ҳазрат Навоийнинг қушлар қуршовида қушларга мурожаати келтирилади. Навоий руҳи, сиймоси билан рамзий учрашув, «Лисон ут-тайр» муаллифининг беш юз йил наридан туриб бугунги шўрлик жигарбандлари билан мулоқоти тасвири достоннинг хотимаси, фикрий-бадний якуни тарзида берилади.

Улуғ шоирнинг қушларга мурожаати бамисоли мушкул аҳволда, бўҳронда қолган қавми учун нажот йўли, амалиёт йўриғи каби эшитилади.

Ҳазрат шўрлик жигарбандларининг беш асрдан кейинги аянчли ҳоли билан танишар, уларнинг ҳасрат-надоматларини тинглар экан, ўқинч билан дейди:

*Мен-ку Қақнус қушдек, сўзлаб зўр ғамдин,
Куйиб ўтган эдим ушбу оламдин,*

*Ушал оғриқларни сиз яна бугун,
Менга келтирибсиз АРҒУМОН учун,*

*Яна минг ўламакка етарли ғам бул,
Ва минг тирилмакка етарли ғам бул!*

Достонда қайта-қайта ўртага қўйилган аламли савол Навоий тилидан яна такрорланади: «Оғир бу бўҳронга нбтидо қайда, Бош айбдор қайда, туб хато қайда?» Навоий ўз даврида ҳам бундай бўҳронларга дуч келган, унинг сабабларини қидирган, ўзича топган, айтган. Навоий ўғитлари ҳозирги авлодга бугунги бўҳронларнинг туб сабабларини англаб етишда, ундан қутулиш чораларини излашда кўмак беради. Омон Матжон Навоийнинг эл-юрт бирлиги борасидаги амалий фаолияти тажрибаларига, асарларидаги теран фикр-ғояларга таяниб, унинг бу борадаги фалсафасини ўзича қайта бадиий идрок этади:

*Парокандаликнинг сабаби битта:
Нафсимиз ўз туққан диёрдан катта!*

*Агар Рух қувватин йўқотса одам,
Бу - Улуғ Бирликка тутилган мотам.*

*Шундан сиғдирмаймиз бир-биримизни,
Ва асрай олмаймиз ўз еримизни.*

*Ёвга юртни арзон сотишлар шундан,
Иқболи ноаниқ ётишлар шундан!*

*Нафс - ёв қўлида турган зулм тоши,
Нафс, бу - абадий қулликнинг боши.*

Достоннинг умумий ифода тарзига, услубий оҳангига мос тарзда берилган улуғ шоирнинг бу хилдаги ўғит ва хулосалари бугунги кунда истиқлол ҳимояси қайғусида юрган она юртнинг ҳар бир онгли, куюнчак фуқароси учун сабоқ, дастуриламал бўла олади.

Хуллас, «Кўш йўли» деб аталган бу мажозий дoston бугунги куннинг, истиқлол йўлига кирган юртимизнинг, элимининг тақдири учун ҳаёт-мамoт аҳамиятига молик масалалар ҳақида баён этади. Дostonда илгари сурилган ғоялар, айтилган гаплар китобxon учун фавқулodда янгилик эмас, албатта. Бундай гаплар ҳoҳ ҳар хил шаклда oшкора айтиляпти. Oмон Матжон дostonида эл-юрт гамида, истиқлол дардида юрган ўша куюнчак фуқароларнинг дил сўзларини ўзига хос тарзда, мажозий шаклда таъсирчан ифода этган.

Oмон Матжон шеъриятига хос бўлган шу хил хусусият шоирнинг «Ардаҳива» (2000), «Халоскор руҳ» (2004) китобларида ҳам давом эттирилган.

ЯКИН КЕЧМИШНИНГ ҲАЛОЛ ВА ТЕРАН БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ

(Мурод Муҳаммад Дўст ижодига бир назар)

Ўтган аср 70-йилларининг бошлари. Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасининг шунодоққина биқинида домлалар учун қурилган биода оиламиз билан турамиз. Ўша кезлари хонадонимиз бамисоли университет аудиториясининг филиалига айланган эди. Турли муаммолар бўйича бизниқига ташриф буюрадиган талабаларнинг кети узилмасди. Айниқса, ижодкор ёшлар билан хонадонимизда кечган мароқли гурунгларни бугун орзиқиб эслайман. Тошкент Муроддай ёрқин истеъодли шундай гурунгларнинг бирида ўзим учун «кашф» этганман. Ўша кезлари яна бир ўзига хос истеъод соҳиби Мурод Муҳаммад Дўст билан айни шу кулбамизда танилганман.

Узун бўйли, озгин, уйчан қоп-қора кўзлари чакнаб, юзида аллақандай киноя аралаш ним табассум уфуриб турган бу талаба йигитнинг гап-сўзлари ҳам чехрасига мос аллақандай ёқимли киноявий оҳанг билан йўғрилган эди. У филолог эмас, университетда фалсафа ихтисослиги бўйича таълим оларди. Дастлабки суҳбадаёқ унинг билим, қизиқиш доирасининг кенглиги мени дол қолдирди. Фарб фалсафаси, руҳшунослиги, тасвирий санъат, мусиқ архитектура, адабиёт ва санъатдаги янги жараёнлар ҳақида рўйида чиққан сон-саноқсиз китоблар, машҳур куйлар ёзилган грампластинкалар шайдоси экан бу йигит. Ётоқхонасига сиздиқролмаган китобу грампластинкаларини бизниқида сақлайдиган бўлди. Ўз навбатида, мен ҳам улардан баҳраманд бўлиб гулардим. Кўш ўтмай, бу йигит ижодий машқлар ҳам қилиб туришини сезиб қол

дим. Илтимосимга кўра «Қайдасан, қувонч садоси» деб номланган каттагина ҳикоясини ўқишга берди. Ўқиб, қувониб кетдим. Аллақачон ҳаваскорлик босқичидан ўтган, тап-тайёр профессионал ёзувчининг асари! Орадан кўп ўтмай ҳикоя босилди. Ҳаттоки Ёзувчилар уюшмасида мазкур ҳикоя муҳокамасига бағишланган адабий анжуман ўтказилди. Одил Ёқубов, Озод Шарафиддиновдек таниқли ёзувчи, мунаққидлар у ҳақида илиқ гаплар айтди.

Бу анжуман, менимча, ёш ёзувчи ижодий тақдирида чуқур из қолдирди, балки, бурилиш ясади. Донгдор композитор ҳаёти ва ижодини теран ўрганиб, билиб, ҳис этиб қалам тебратган ёш қаламкаш асарига тасаннолар айтиш билан баробар, жиддий бир эътироз, аниқроғи, истак ҳам билдирилди. Жумладан, устоз Озод ака «Ғарбнинг машҳур кишилари ҳақида ғарблик ижодкорлар қойилмақом қилиб ёзишган. Муроднинг ҳикояси ўша асарлар билан бўйлаша оладиган даражада. Бу - яхши. Энди укамиз ўз оламларимиз ҳақида ёзиб, уларни Ғарб, балки, жаҳонга танитиш йўлидан борса, яна ҳам савоброқ иш қилган бўларди...» деди. Бу фикрни бошқалар, жумладан, Одил Ёқубов ҳам қўллаб-қувватлади. Ёш ёзувчи анжуманда бу хусусда ҳеч нарса демеди. Аммо шундан кейин у ижодда миллий заминга кескин юз ўгирди. Бирин-кетин «Дашту далаларда», «Бир тойчоқнинг хуни» каби ҳикоялари, «Мустафо», «Истеъфо», «Галатенага қайтиш» сингари қиссалари эълон этилди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари ўзи учун қалрдон маскан - киндик кони тўкилган юрт - Самарқанд вилоятига қарашли Жом қишлоғи одамлари. Бу юртни ёзувчи асарларида «Галатена» деган чиройли адабий ном билан атайди. Бунинг босси шуки, муаллиф туғилиб ўсган қишлоғи ҳақида ҳужжатли асар - очерклар туркуми ёзмақчи эмас эди, балки ўша қалрдон масканда туриб таниш манзаралар, чехралар воситасида ўша кезлардаги миллат ҳаёти, ҳолати, руҳиятида кечаётган жараён - эврилишларни, паҳсан ўзини қийнаётган ўй-кечинмаларни ифода этишга чоғланади ва бу эму ниятига эришади ҳам. Қисса ва ҳикоялар саҳифаларидан қад ростлаган Мустафо, Ғуччи чол, Болта қассоб, Ибодулло Махсум, Пиримқул Молия, Эломонов, Бинафшахон, Полвон, Хадича, Тошпўлат Ғайбаров, Раим оқсоқол каби персонажлар худди тирик одамлар каби «адабий аҳоли» сафидан ўрин олди. Муайян сабабларга кўра, адабиёт реал ҳаётдан узоқлашиб қолган, соцреализм талаблари асосида яратилган «совет кишиси» образлари ижобий қаҳрамон эталонига айлантирилган бир паллада бир қатор янги авлод ёзувчиларининг китобийликдан юз ўтириб, мавзу ва қаҳрамонлар танлаш-

да реал ҳаётнинг ўзига қайтиши, бунда ҳаттоки ўзига таниш маъна
кан кучоғига кириб бориши миллий адабиётимиз ривожига ўзига
хос ҳодисага айланди. Мурод Муҳаммад Дўстдан олдинроқ ижод
бўстониди кўринган Шукур Холмирзаев ўзи туғилиб ўсган Ўш
колоритини адабиётга олиб кирди. Муроджоннинг тенгдоши То
ғай Мурод қиссаларида қаламга олинган воқеа-ҳодисалар ёни сув
чи она юрти Денов, аниқроғи, Хўжасоат қишлоғи ва унинг атро
фида юз беради. Муроддан кейинроқ ижодини бошлаган ботсу
лик Эркин Аъзам, паркентлик Хайриддин Султоновларнинг илк
қаламларида ҳам айни шу ҳолни кузатиш мумкин.

Тенгдоши Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади, «Ойин
да юрган одамлар» қиссаларидаги каби Муроджоннинг қатор қисса
ва ҳикоялари, чунончи, «Дашту даталарда» персонажлари адабиёт
тимизда чиндан-да янгилик бўлди. Уларда сиз урфга айланган қаҳра
монларга хос «типиқ» хусусиятларни кўрмайсиз. Бир қарашда улар
«ҳаёт оқимидан ортда қолган» оми, дағал, кўримсиз кимсалар.
Бироқ тенгдошлари каби Муроджон ана шу оддий, жўн, балки,
қўпол, дағалтабиат одамлар феъл-атвори, қалбидаги нурили жиҳат
ларни, юксак маънавий бисотни, ўтда куймайлиган, сувда чўкмай
диган оташин севи туйғуларини кўрсатишга, аниқроғи, тараннум
этишга эришади. Ўша кезлари айни шундай ҳодиса бошқа қардош
халқлар, жумладан, рус адабиётида ҳам содир бўлаётган эди, ай
ниқса, рус адабиётидаги «қишлоқ прозаси» деб ном олган адабий
ҳодиса, жумладан, В.Шукшин қаламига мансуб «чудик»лар - ғарой
ибтабиат одамлар образи туғайли «коммунистик ахлоқ кодекси»
асосида ясалган «қаҳрамонлар»нинг «довруғи»га дарз кетди. Аини
шундай миссияни бизда юқорида тилга олинган носирларимиз, жум
ладан, Мурод Муҳаммад Дўст адо этиш шарафига муяссар бўлди.

Адабий жараён бир ерда депсиниб гурулмайди, уздуксиз ҳара
катда, ўзгаришда. Айниқса, шиддат билан ўзгариб, янгилашиб бо
раётган жаҳон адабиёти билан ҳамқалам бўлолмаган адиб миллий
адабиётда ҳам ўз ўрнини тополмайди. Буни теран англаган Мурод
жон адабий билим ва малакасини янада ошириш ниятида Моск
вадаги Адабиёт институтида таълим олди, бу ердаги адабий муҳи
унинг ижодий кредосига таъай «таҳрир»лар киритди. Шундан кей
ин яратган асарларида, айниқса, «Ғалатепага қайтиш» қиссаси ва
«Лолазор» романида ёзувчининг ижодий тафаккур доираси янги
қўдам касб этганлигининг шоҳиди бўлди.

Бу икки асарда ҳам муаллиф аввалги ҳикоя ва қиссаларидаги
каби миллий заминда қатъий туради, аммо персонажлар доираси

хийла кенгаяди, оддий, камсуқум қишлоқ одамлари билан баробар, қишлоқдан чиқиб, шаҳар кўрган, бинобарин, дунё таниган турфа кишилар - олим, раҳбар ходим, шоир-ёзувчи, спортчи, альпинист ва ҳоказолар орасидаги мулоқотлар, баҳсу мунозаралар, уларнинг дарду дунёси, кўнглидаги армону ўкинчлар билан танишамиз. Хилма-хил, турфа одамлар қисмати, табиати, руҳияти ифодаси бадний татқинида энди биз миллий анъаналар билан баробар, жаҳон янги адабиёти тажрибалари, экзистенциализм, абсурд, онг оқими каби характерли адабий-бадний тамойилларнинг кўринишлари тувоқи бўламиз.

«Долазор»да кўлам янада кенгаяди. Макон Галатепа доирасидан чиқиб кенг миқёс касб этади. Масъул раҳбар ва унга яқин турган қўламкаш асарнинг етакчи қаҳрамонлари қилиб олинади. Бу икки қадрдон ошпа ва улар қаторидаги ўнлаб персонажлар қисмати, табиати, руҳияти ифодаси орқали бутун бир жамият, тузумнинг инқирози бадний таҳлил ва талқин этилади.

«Долазор» енгил ўқиладиган, осон ўқиладиган асарлар хилидан эмас. Роман тафаккур тарзи, тил, ифода, услуб, усуллар жиҳатидан замонавий жаҳон адабиётидаги етакчи йўналишларга мансуб эканлигини, романдаги тасвирнинг полифоник сержило хусусиятини эслатиш билан баробар, унда тақлидчиликдан асар ҳам йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Муаллиф Фарб тажрибасини ўзбекона миллий руҳ, бетакрор ўзбекона оҳанг билан қойилмақом қилиб уйғунлаштира олган.

Шунинен қизиқки, бир қарашда асар анчан содда тилда ёзилгандек, характер ва ҳодисалар хийла одми - жўн бир йўсинда лоқайдроқ тарзда ифода этилаётгандай туюлади. Аммо мана шу жўнлик замирида ўта жиддийлик, гўллик қобиғида эса қувлик, теран маънодорлик бор; ҳушёр китобхон лоқайд бўлиб туюлган нигоҳ, ҳикоя тарзи замиридаги ёзувчининг позициясини, ҳодисаларга аниқ-равшан муносабати, баҳосини сезиб, ҳис этиб туради. Муаллиф қиссада Шарқ адабиётида кенг тарқалган «тажоҳилул- орифон» деб аталган билиб-билмасликка олиш, содда қувлик, донишмандлик усулини ижодий ривожлантириб, романнинг етакчи услуби даражасига кўтаради. Айни шу услуб, усул тақою талдиган истехзо, киноя, кесатиқ, пичинг, нозик қочирриқлар асарга халқчил миллий руҳ, ўзига хос жозиба бахш этади. Энг муҳими, бундай услуб-услуб орқали ёзувчи романга асос қилиб олинган ҳаётий ҳодисалар, муаммолар, одамлар табиати, қисмати моҳиятини бетакрор тарзда чуқур, ҳаққоний очишга, уларни бутун мураккаблиги, зид-

диятлари, мусбат ва манфий томонлари билан кўрсатишга эришади. Ёзувчи услубининг яна бир жиҳати шундаки, асар бошдан-оёқ баҳс-мунозара тарзида битилган. Ёзувчи гоҳ ошқора, гоҳ пинҳон персонажлар билан баҳсга киришади; асардаги персонажлараро тортишувлар фақат улар орасидаги конфликт-иддият ифодасигагина бўлиб қолмай, уларни муаллифнинг ҳодисаларга хилма-хил томондан ёндашуви, баҳс-мунозаралари нзҳори деб ҳам айтавериш мумкин.

Роман марказида, юқорида айтиб ўтилганидек, икки қатлон дўст - республиканинг масъул раҳбари Ошно, шу ошно паноҳида, мададида «донгдор» ёзувчи даражасига кўтарилган, аслида ўрта-миёна қаламкаш Назар Яхшибоев тақдири ётади. Муаллиф замонавий романчиликда кенг қўлланаётган ретроспектив усулга таяниб, персонажлардан бири - ёзувчи Назар Яхшибоев умрининг сўнгги, касалхонада кечган бир неча кунларини гўё сарҳисоб палласи тарзида олиб, шу нуқтада туриб узоқ йиллик босиб ўтган ҳаёт йўлига назар таштайди. Бу одам умр йўлида жуда кўп кишиларга дуч келган, улар билан ҳар хил муаммолар бўйича мулоқотда бўлган; аммо унинг тақдирида чуқур из қолдирган, бутун онли ҳаётига эш бўлиб юрган зот бу - Ошно. Ёзувчи ҳаётидаги барча хуш ва нохуш ҳодисалар, зафарлар, йўқотишлар, хато ва адашишлар, кўрилик ва аччиқ сабоқлар - барчаси шу одам билан алоқадор. Роман муаллифи бу икки шахс умр йўлини, аввало, Назар Яхшибоев нигоҳи орқали ифола этади. Аммо муаллиф бу билан чекланмайди. Агар шу билан чекланганда, эҳтимол, ёзувчи бу икки мураккаб шахс, улар тақдирига алоқадор ҳодисалар ҳақидаги тўла ҳақиқатга эришолмаган бўларди. Буни сезган муаллиф романи яна бир муҳим фигурани олиб кирди - асарда тақдир тақозоси туфайли бу одамга яқинлашиб, унинг таъсирига тушиб қолган, аслида зўр истеъдод эгаси, соҳибдил, ҳақиқатгўй адиб Саидкул Мардонов отлиқ шахс пайдо бўлади. Саидкул Назар Яхшибоев ҳақида қисса ёзмоқчи. У Яхшибоевнинг ҳаёт йўли, дўсти Ошно ҳақидаги кўрган-билганларини сўзлайди, йўл-йўлакай ўз ҳаётини ҳам ҳикоя қилади... Шу тариқа асарда марказий фигуралар - Ошно ва Яхшибоевларга нисбатан бошқа бир нигоҳ - қараш, уларни янги томондан баҳолаш, очиш имконияти вужудга келади. Муаллиф воқеаларни гоҳ бемор - Яхшибоев, гоҳ қиссанавис - Мардонов нигоҳи орқали беради; ҳодисаларнинг шу тарзда икки хил табиатли, икки хил маслақли ёзувчи орқали ифода этилиши асарга ўзига хос баҳс, тасвирга эса полифоник хусусият, сержило маъно бахш этади. Ро-

ман етук реализмга хос хусусиятлари - муаллиф ҳодисаларни, одамлар тақдирини, характеринини, ҳаттоки яқин ўтмишда энг жилдани хатолар, жиноятлар қилиш даражасига бориб етган кимсаларни ҳам тарихий муҳит фарқинди, тирик инсон сифатида тушуниб, қатъи тебратгани билан ғоят қимматлидир. Зотан, ҳақиқий реалист ёзувчининг вазифаси, А. Чехов айтганидек, гуноҳкор одамни нукул айблаш, таъқиб қилиш эмас, аксинча, ҳаттоки гуноҳкор кимса ёнини олиб, у йўл қўйган хатолар, табиатидаги қусурлар, қабоҳатлар асоси, илдири, сабабларини таҳлил этиб бериш, инсон жумбоғини ечишга уринишдан иборатдир.

«Лолазор» муаллифи яқин кечмишга катта масъулият билан ҳалоқ ёндашади, аини шу масалада конъюктура мақсадларини қўлаб, ҳар мақомга йўрғалайверадиган, калтабин, мунофиқ кимсалар билан ошқора мунозаралар олиб боради. Узоқ йиллар Назар Яхшибоев билан мулоқоғда бўлган, уни яқиндан билган, ундан гоҳ яхшиликлар кўрган, гоҳ ранжиган ҳаққўй адиб Саидкул Мардонов пировардида ўз виждонини сўроққа тутали:

«АГАРДА ЯХШИБОВНИНГ ЎРНИДА МЕН ЎЗИМ БЎЛГАНИМДА-ЧИ?

АГАРДА МЕН ЎЗИМ ОШНОГА ОШНО БЎЛГАНИМДА-ЧИ? УШАНДА НЕ БЎЛАРДИ?

Бу саволларга нима деб жавоб беришни билмайман. Ишонолмайман ўзимга. Шубҳам мўл менинг. Замонлар ўзгача эди. Кутку деганлари ҳам ғоят улуғ эдики, Ошнога ошно бўлсам, олиймақом рағбатлар олсам, мен ўзимнинг ҳам Яхшибоевга айланишим муқаррар бўлиб туюлади.

Ҳар хил ошнолару яхшибоевларга қарши ўз вақтида билак шимариб кескин курашганмиз, деб томоқ йиртаётган ва недир янги садақалардан умидвор бўлаётган тенгаошларимдан фарқли ўлароқ, мен ўзимнинг ўша кезларда ҳам, бугун ҳам жуда ожиз эканимни сезман.

Бу ҳалол ва мард одамнинг, чин реалист адибнинг эътирофи! Романнинг «Охириги боб»ида кичик, аммо характерли бир лавҳа бор. Қиссанавис Саидкулнинг орадан йиллар ўтиб, бир вақтлар катта доврўғ таратган, бугунги кунда эса сири фош бўлиб, қамоқда ётган донгдор раис Тўпори юртига йўли тушади, Тўпорининг тус жияни кабоблаз Неъматжонга дуч келади; жияни ҳеч тап тортмай Тўпори қисмати ҳақида қувонч билан гапиреди, «Илоннинг боши янчилди, домлажон!» дея суюнчи олмоқчи бўлади. «Билмай юраверган эканмиз, қилган қилғилигини мен айтмай, сиз эшит-

манг!..» деб дийдиёсини бошлайди. Саидкул дол бўлиб қолади, чунки илк бор бу ерга келганида Нейматжоннинг Тўпори тўғрисидаги гапи, талқини ўзгача эди: «икки гапнинг бирида зикр этардики, «каттамининг қамрови кенг, ғайраги улуғ, бу кишига битта колхоз торлик қилади, бу кишига бутун бир республикани ҳам ишониб топширса бўлади!..»

Муаллиф ёганидек, вақтида жўр бўлиб, кейин четга чиқиб туриш осон. Вақтида жўр бўлиб, вазият ўзгаргандан кейин бутунлай бошқа томонга ўтиб олини эса ҳаммасидан ёмон. Ёзувчи ўзини, ўз бисотини тафтиш қилишга ўтади: «Тўпорининг ёнида бунақа нейматжонлар жуда кўп бўлган. Ундан ирганишга иргандим-у, лекин аслида ўзимнинг ҳам ундан беҳроқ эмаслигимни англадим. Тўпорини яратган ким ўзи?! Наҳотки нейматжонларнинг бу ишга қурби етса! Йўқ, Тўпорини биз сўзамоллар яратдик, Яхшибоев мен... Бошқалар ҳам қараб тургани йўқ. Мақталдик, мақтайвердик, юксакларга опчиқиб, ўзимиз пастда қолиб, пировард унинг соясига сифналдиган бўлдик...

Ичимда аччиқ кулги уйғонди...».

Мана шу аччиқ кулги, истеҳю, йўл қўйилган хатолар учун ҳам оммавий, ҳам шахсий жавобгарлик, уят, иқдорлик ҳисси - роман реализмининг туб негизини ташкил этади.

«Лолазор» романи яна бир жиҳатдан характерли. 80-йилларда адабиётда «гап айтиш», «проблема кўтариш»га мойиллик кучайиши муносабати билан қуруқ гапбозлик, проблемабозликдан иборат асарлар кўпайиб кетди. Адабий асар оддий публицистика, проблематик мақола ҳолига тушиб қолди. Адабиёт, биринчи навбатда, инсоншунослик, характершунослик эканини унутмаслик даркор. Ҳар қандай ўткинчи ижтимоий муаммо, катта гап - фалсафа асарда бевосита инсон характери, тақдири таҳлилидан табиий равишда келиб чиқмас экан, ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқатга айланмайди. Уни чиннакам бадий асар деб аташ маҳол. «Лолазор» муаллифи ҳаммадан бурун инсоншунос-характершунос тарзида иш кўради; ёзувчининг ўша пайтга қалар бу борада тўнлаган ижодий тажрибалари, хусусан, «Галатепага қайтиш», «Истеъфо» қиссаларида қўлга киритган ютуқлари романда қўл келган, янада сайқал топган; асарни ўқиётганда Ошнони ҳам, Назар Яхшибоевни ҳам, Саидкул Мардоновни ҳам, етакчи персонажлардан ташқари, гаройиб табиатли Тўпори, терс, аммо мард, самимий йигит Абдужаббор, индамас, олижаноб аёл Олия, бадантарбиячи аёл Анбар, Симхо, Робия, Қурбоной, Шариф, Валломат, Александр Шойимардоно-

вич, Мойра, Муяссархон, яна ўнлаб персонажлар, асарда кенг ва оз ўрин олишига қарамай, тирик инсон сифатида бетакрор хусусиятлари билан шундоққина кўз олдимизда гавдаланади; улар шунчаки индивидуал образ - бетакрор характер бўлиш баробарида, концептуал хусусиятга эга, муайян ижтимоий ҳодиса моҳиятини очишга хизмат этадилар.

Ёзувчининг энг катта хизмати - Яхшибоев ҳаёти маъноси, умр сабоқлари, яхшибоевчилик моҳиятини чуқур таҳлил этиб берганидир. Дадил айтиш мумкинки, Яхшибоев асарда давр типи даражасига кўтарилган. Боя айтилганидек, бу одам - мураккаб шахс; қалби эзгу туйғулардан холи эмас, ёзувчи сифатида ўзининг нимага қодирлигини, ожиз томонларини ҳам билади, ўзгаларга, муҳтожларга мурувват, ҳиммат қўлини чўзишга ҳам тайёр, дўстларга содиқ, кўп ҳолларда ҳақиқатга тик қарайди, ҳақ гапни айтишга, ёзишга интилади... У Ватан учун жанг қилган, Ватан топшириқларини баҳоли қудрат бажо келтиришга уринган. Бу одам, эҳтимол, бошқа бир шароитда, фавқулодда «омад» кулиб боқмаганда, балки, қурби, иқтидори етганича меҳнат қилиб, ҳалол ижод этиб, шу камтарона меҳнати самараси билан ҳаётда ўзига яраша ўрин, чин обрў топган бўларди. Аммо вазият ўзгача бўлиб чиқди, тақдир уни бениҳоя «сийлади», иқтидори, меҳнатидан кўра юқори обрў эътиборга, катта имкониятларга эришди. Унинг яқин дўсти Ошно юртининг масъул раҳбари даражасига кўтарилгач, унинг соясида, мадалида патриарх - «Ота ёзувчи»га айланади; бошда у қалб амрига бўйсуниб шаккоклик қилиб ҳам кўради, ҳақ гапни айтишга чоғланади, аммо бу иш Ошнога маъқул тушмайди, замона зайлига зид бўлиб чиқади, шаккокликнинг андак жабрини ҳам татийди. Сўнг у Ошно раъйига, замона зайлига қараб иш кўрадиган, катталар руҳатини олиб, ҳақиқатни айтадиган, ёзадиган бўлади. Бора-бора Ошно раъйига, замона зайлига қараб иш кўрган бу аллома ижодда, бинобарин, ҳаётда боши берк кўчага кира бошлайди. Бир вақтлар эзгу туйғулардан, олижаноб мақсадлардан, қалби саховатлардан холи бўлмаган Ошонининг ўзи ҳам бора-бора нохуш бир оқимга тушиб олиб, шу оқим бошида туриб бутун бир халқ ҳаётини танг аҳволга солиб қўя бошлайди.

Тўғри, Ошно бир ўзи юртни шу даражага олиб бориши мумкин эмас эди; у бутун мамлакатдаги вазият, ижтимоий-маънавий иқлиш, марказдаги бош таянчи, илҳомчиси, йўлбошчиси Катта Пахтакор таъсири, рағбати остида шу ишларни қилади, авом, жумлалан, яхшибоевлар эса унга бор ҳақиқатни айтишга журъат

этомайди, аксинча, ҳар боб билан ҳурматли арбобнинг ҳурмати, ни жойига қўйиш пайида бўладилар. Ошно ўйлаган режалар бир рўё, унинг ташаббуси, мадади билан кўтарилган қаҳрамонлар соҳта қоғоз гуллар, жиноятчилар бўлиб чиқади. У туғилган юртига бир ариқ сув чиқариб бермоқчи эди, шунча йиллар ўтиб, қишлоқ сувсиз қолди; бутун юртни лола юрга айлантирмоқчи эди, юрт эса харобазорга айланди...

Назар Яхшибоев умри охирида шу фожиаларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, бу ишларда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини ҳис этиб эзилди, қоврилади. Худди Ошно каби ўзининг ҳам қисмати танг - умр йўлдоши худбин, беоқибат; фарзандлари бемехр, бемаслак; умрининг сўнгги дамларида ишониб юрак розини айтадиган, дардини тушунадиган одами йўқ, ёзган асарларида амал қилган эътиқоди самарасиз, асарлари тиригидаёқ умрини тугатган; энг даҳшатлиси, бир вақтлар «Юлдузни кўзлаган қиз» деб улуғлаган қаҳрамони Қурбоной унинг кўз олдига фожиали тарзда жон таслим этади, ўлими олдига ўзини бир вақтлар улуғлаб, хато йўлга бошлаган алибга надоматлар ёғдиради... Яхшибоевнинг касалхонадаги умрининг сўнгги дақиқаларида Қурбоной билан учрашуви лавҳаси асарнинг энг таъсирчан ўринларидан. Қурбоной фожиаси бу яхшибоевлар фаолиятининг аччиқ меваси, яхшибоевчиликнинг фожией самарасидир.

Яхшибоевдан ижодкор сифатида доғ қолди, айни пайтда ундан яхшигина бир боғ қолди. Умрининг сўнгги йилларида ўз фожиасини тушуниб, ўзи тушиб қолган йўлнинг охири вой эканини сезган бу одам туғилган юртига бориб ҳалол пуллари эвазига бир боғ яратди. Ҳамюртлари, фарзандлари унинг ижодий меросига эмас, ундан қолган боққа эҳтиром, эътибор кўрсатадилар... Бунда чуқур рамзий маъно бор. Бу боғ ҳеч қанақа ошоларнинг таъсирисиз, раъйсиз, ёрдамсиз, кўнгилдан чиқариб эл-юрт, келгуси авлод манфаатини ўйлаб қилинган бегараз меҳнат самараси. Фақат ҳалол меҳнат самарасигина эътиборга молик. Эҳтимол, бу одам ижодда ҳам шундай йўл тутганида, ошнолар раъйига қарамай, фақат қалб амри билан ижод этганда ўз иқтисори, ҳалол меҳнатига яраша адабиётда ҳам қалрини топган бўлармиди... Яхшибоев умр йўли таҳтилидан келиб чиқадиган энг муҳим сабоқ, маъно - шу.

«Лолаюр» кенг, чуқур таҳлилларга, теран ўй-мушоҳадаларга, хилма-хил баҳс-мунозараларга асос берадиган асар. Биз асосан биргина етакчи персонаж устида тўхталдик, бошқа кўплаб персонажлар, уларда илғари сурилган ғоявий-бадиий концепция хусу-

сида бирма-бир, батафсил тўхталиш мумкин эди. Аммо шу бир етакчи персонаж тўғрисидаги мулоҳазаларнинг ўзиёқ ромanning гоявий-бадний даражаси, асарнинг ижтимоий-эстетик салмоғи, замонавий руҳи ҳақида муайян тасаввур берали, роман етук санъаткор ёзувчи қаламига мансуб эканини тасдиқлайди.

«Лола юр» романи яна бир бор шундан далолат берадики, бадний ижодда ҳақиқатни кашф этишнинг энг тўғри, синалган йўли ҳодисаларни, инсон ва унинг қалбини бутун мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ҳамда манфий томонлари билан ҳалол ва тегиз таҳлил этишдан иборатдир. Шундай иқтидорга - тафаккур йўсинига эга адиб ҳеч қачон замоннинг ўткинчи элқинлари олдида тебронмайди, замонлар ўзгарганда ҳам авлодлар олдида юзи шувут бўлмайди.

«Лола юр» китоб ҳолида чиққанидан кейин икки йил ўтиб романда акс этган бедаво дард - чуқур бўҳронлар гирдобиди ич-ичидан нураб бораётган тузум ҳалоқатга учради. Ниҳоят, халқнинг асрий орзуи ушалди, мамлакат ИСТИҚЛОЛГА эришди. Энди озошлик иштиёқида ёнган сафдошлари қатори Муроджон ҳам бадний ижодни йиғиштириб қўйиб шу ушалган асрий орзу - истиқлол ҳимояси, равнақи йўлида амалий ишларга ўтди. Салкам йигирма йилдирки, у масъул лавозимларда сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Ўзининг 60 ёши арафасида «Тафаккур» журналидаги суҳбатда шу йиллар давомида бой ҳаётий тажриба тўплагани, ижод устида ўйлашдан ҳеч қачон тўхтамагани, яна ижодга қайтиш нияти борлиги, кўнглида янгидан-янги асарлар бўй кўрсатиб келаётгани хусусида гапирди. Суюкли адибимизнинг муборак ёши билан қўтлаган ҳолда, бу эзгу ниятларнинг тезроқ рўёбга чиқишини тилаб қоламиз.

ХУРШИД ДАВРОН ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА НУТҚ

Хуршид Даврон ўтган асрнинг 70-йилларида адабиёт майдонига кириб келган кенжа авлод шоирларининг пешқадим вакиллари билан биридир. У вақтли матбуотда эълон этилган илк шеърлари билан оқ шеърят ихлосмандлари назарига тушган эди. Шоирнинг бирин-кетин нашр этилган «Қалрдон қуёш», «Шаҳардаги олма дарахти», «Тунги боғлар», хусусан, «Учиб бораман қушлар билан», «Тўмариснинг кўзлари», «Болаликнинг овози» каби тўпламлари жамоатчилик эътиборини қозонди, адабий тақдирликда ижобий баҳо олди, айрим шеърлари қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Хуршид шеърятини мавзу-мундарижасига кўра уч асосни гу-
руҳга ажратиш мумкин: 1. Болалик хотиралари ҳақидаги шеърлар.
2. Инсон ва табиат муносабати муаммосига оид шеърлар. 3. Тари-
хий шахсларга, улкан сиймоларга бағишланган шеърлар.

Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, юксак эътиқолни,
гўзаллик, инсоний поклик, ҳалолликни улуғлайди; инсон қалби,
виждони ҳамisha сергак бўлиши учун қайгуради, инсонни она та-
рих ва табиат олдида ҳар доим бурчли, қардор эканидан огоҳ эта-
ди, ўқувчи кўнглига доимо эзгу, ёрқин туйғулар олиб киришга
интилади. Бугина эмас. Шоир бир қатор шеърларида ўзининг эсте-
тик ақидаларини, шеър, шоир, унинг фуқаролик бурчи ҳақидаги
қарашларини, ҳаётий, ижтимоий позициясини, кўнгли эътиқо-
дини ошкора, эҳтирос билан баён этади. У «Шеърят - бу қийин
иш эмас...» шеърида чинакам эзгу, курашчан шеърят яратмоқ
учун шоирнинг ўзи эзгу хислатлар эгаси бўлмоғи керак, деган
фикрни илгари сурди.

Хуршид Даврон шеърларидаги курашчанлик, фаол фуқаролик
оҳанглари қуруқ деклорациядан иборат эмас, аксари ҳолларда бу
хусусият гўзаллик, нафосат туйғуси билан туташган, чапишган ҳолда
намоён бўлади. Унинг, бир қарашда, соф табиат лирикаси, шун-
чаки поэтик лавҳа ёки интим кечинма ифодаси каби туюладиган
шеърлари ҳам фаол гражданлик туйғуси билан йўғрилган.

Хуршиднинг «Поездаги воқеа ёки болаликнинг овози», «Бо-
лалигим ўғирлаб секин...», «Жийда гулин исладим», «Самарқанд»,
«Ўйнар эдик бекинмачоқ...», «Болаликда айтар эдим онамга...»,
«Болалик ҳақида шеър» сингари ашъорлари болалик хотиралари
туркумини ташкил этади. Уларда инсон онгли умрининг илк бос-
қичи - беғубор болалик, болаликнинг маъсулиятли, серташвиш,
серғалва ўсмирлик, йигитлик паллалари билан алмашув дақиқала-
ри гоят гўзал - ҳам ҳазин, ҳам нурли туйғуларга тўла сатрлар орқ-
али кўрсатилади. «Ўйнар эдик бекинмачоқ...» шеъридаги поэтик
лавҳани эслайлик: Бекинмачоқ ўйнаётган бола - лирик қаҳрамон
дўстларини излаб, ташландиқ боғ ичига кирганида, беҳосдан кат-
талар «ўйини» устидан чиқиб қолади - ошиқ йигитнинг маъшу-
қасига «Жоним... сени севаман» деган сўзини эшитади. Шунда
унинг ўй-хаёллари алғов-далғов бўлиб кетади; худди шу дақиқа-
дан бошлаб, завқли ўйин унга ёқмай қолади, дилига энди ёруғ
бир ғам сингади... Ўта ҳаётий, таъсирчан поэтик лавҳа! Лирик
қаҳрамон кўнглида кечган ёруғ бир ғам ўқувчи қалбига ҳам кўчиб
ўтади...

«Болаликда айтар эдим онамга...» шеърдаги сатрларни эслайдик:

*Болаликда айтар эдим онамга дошм:
«Уйлансам, мен ташлаб кетмайман сизни,
Қўриқлайман оромингизни».
Кун келди, улгайдим - сочлари оқарган онам
Кўзлари қорайиб кутади мени -
Оромин ўғирлаб кетган ўғлини.*

Бор-йўғи олти сатрдан иборат бу шеър инсоннинг ўз сўзи - дэбзи, ўзгалар олдидаги қарзи, масъулиятини ёдга туширади, шу билан баробар, инсон умрининг балоғат паллалари болаликдаги тасаввурларини а кўра хийла мураккаб, янгидан-янги муаммоларга тўла эканлигидан огоҳ этади.

Хуршид Даврон мазкур туркумдаги шеърларида болалик - софлик, адолат, ҳақиқат, ҳар қандай нопоклик, қабохатларга қарши муросасизлик рамзи даражасига кўтарилади. Шунга кўра, у бутун умр инсон учун энг зарур хислат. Шоир ёзди:

*Демак, сен кераксан ҳақиқат учун,
Энг тоза, мушаффо орзулар учун,
Сени сўрамайман фақат бахт учун,
Сен менга кераксан гоҳ нафрат учун.*

Шоир фикрича, бир умр болалик туйғуларини сақлаб қолган одамгина ҳам бахтли, ҳам адолатпарвар, фаол курашчи, қабохатларги муросасиз бўла олади. Шоирнинг болалик хотиралари туркумидан чиқарган асосий хулоса - сабоқ шундан иборат.

Шоирнинг инсон ва табиат муносабати муаммоларига оид шеърлари болалик хотиралари билан боғлиқ ўй-мушоҳадаларининг давоми каби софлик, беғуборлик, гўзаллик, эзгулик тимсоли; инсон - табиат фарзанди, айни пайтда, табиат инсоннинг давоми, инсон билан табиат ҳамкор, бир бутун тутунган, шунга эришилган дамлар инсон учун беназир онлардир. «Токчада даста ялпиз...», «Сайхонликнинг хилват четида», «Оппоқ эли бошда бу дунё», «Улаётган отининг қорачиғида...», «Қор ёғаётган оқшом...», «Табиатдир менинг давомим...», «Бог кезаман...», «Мен дарахтга айландим тунда...», «Ойбек», «Кампир қиш сўнгида ўлмоқчи эди» шеърларини ўқиганда сирли, сеҳрли, кишини энтиктириб юборадиган

ган ширин туйғулар оламига ғарқ бўласиз. Ҳақиқий санъат асар
чинакам лирик шеър ҳаминша жумбоқ бўлган, уни оддий мант
тили билан сўзлаб бериш, бировга тушунтириш қийин, ниҳоят
қийин. Хуршид Давроннинг мазкур тўпламга кирган лирик шеър
ларини ўқишда туғилган туйғуларни тўлалитишча бировга таъри
бериш мушкул. Мана бу сатрларни тинглаб кўринг:

*Қор ёғаетган оқшом
Шаҳарни кезсанг,
Ғира-шира кўчаларни
Кезсанг, кўларингни чўнтакка тиқиб,
Қор эса зриси лабларингда жим.
Ўйласанг олисларда қолган кимнидир,
Шу қорни ўйласанг, қалбинг энтикса.
Айниқса ўзинг севган қизни ўйласанг,
Айниқса, ўйласанг онагни...
Қор эа тинмаса, тинмаса, тинмаса.
Тинмаса қадаминг,
Ўзинг ҳам бир қор учқунидай
Сингиб кетсанг туннинг бағрига.
Кимгадир йўл берсанг, кимгадир саям,
Аммо ўзинг билмасанг буни.
Қор эа бўралаб ёғаверса жим,
Адашсанг-да сезмасанг адашганигни...*

Энди Ойбекка бағишланган мана бу сатрларни тинглаг:

*Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,
Майсага ағанаб ўқимоқ керак.
Ва сокин шивирни - оҳангни уқиб,
Ойбекми? Майсами? - деб толсин юрак.
Ойбекнинг шеърини бедазор аро
Сой саси аралаш тингламоқ зарур,
Билмай қолсин юрак сув узрами, ё
Ойбекнинг шеърида ўйнайди бу нур?*

Инсон - табиат - санъат бирлигини бу қалар нафис, гўзал ҳик
этган шоирни, шеърни мен кейинги йиллар ўзбек шеъриятида
кўрган, ўқиган эмасман! Булар ноёб санъат намуналари.

Шоир инсон ва табиат муносабатида фақат нафис, ширин он-

жароғина эмас, кескин, драматик вазиятларни ҳам қаламга олади. Аммо ўша дамларда ҳам инсон, тирик мавжудот учун сирли, сехрли олам, гўзаллик, битмас туганмас ҳаётбахш манбалигича қўлаверди. «Улаётган отнинг қорачиғида...» шеърисидаги лавҳа нақадар ҳаяжонли: от жон таслим эяпти, мана шу аянчли оғир дамларда отнинг очиқ кўзи қорачиғида чексиз-чексиз ям-яшил қирлар, яғринини ювган ёмғирлар гавдаланади, милтираган юлдуз ёнади, шудрингда ялпиз чайқалади; энг сўнги дақиқаларда - жон таслими билан мовий осмон ҳам сўна боради; бу лавҳа одам боласи учун заминдан ҳам оғир... Қаранг, шоир талқинида ҳаётдаги энг оғир дақиқалар ҳам табиатнинг мислсиз гўзаллиги, жозибadorлиги, боқийлиги мадҳиясига айланади.

Бу туйғу, бу гоё «Кампир қиш сўнгида ўлмоқчи эди...» шеърисида ўзгача тарзда намоён бўлади: кампир қиш сўнгида ўлмоқчи, кафанлигини ҳам тайёрлаб қўйган. Аммо қиш тугамай туриб, ўзгача ҳол юз беради, баҳор жуда эрта бостириб келади, қирларга гулларини сочворади. Кампир табиат гўзаллиги сехри ичида ўлим хаёлларини унутади:

*Қалдирғоч ин қурди кампир уйига,
Вижирлаб тинмади субҳи азондан.
Кампир қулоқ тутиб қушнинг куйига
Кетишни истамай қолди жаҳондан.*

Ниҳоят, табиат ўз сехрли кучини кўрсатади:

*Дарахтлар ям-яшил шовуллаб куйлар,
Қалдирғочлар қатор сим ёғочларда.
Кампир кафанини қийиб бичди-ю,
Икки деразага илди оқ парда.*

Хуршил Даврон ижодида тарихий шахслар, улкан сиймоларга бағишланган шеърлар кенг ўрин тутди. Шоир шеърларида Тўмарис, Номоз, Муқанна, Спитамен, Широқ, Жалолиддин, Улуғбек, Навоий, Бобур, Беҳзод, Машраб сингари улуғ шахслар; Қодирий, Ойбек, Ҳожи Абдулазиз, Ҳожи Тамтам, Шукур Бурхон, Усмон Носир, Миртемир каби машҳур шоир, ёзувчи, санъаткорлар, Вяткин, Верешчагин, В.Г. Ян, Пабло Неруда сингари сиймолар номлари катта ҳурмат, эҳтирอม билан тилга олинади. Шоир улкан сиймоларга бағишланган шеърлар билан баробар буюк асарлар,

чунончи, «Девону лугатит-турк» оҳанларида сатрлар, халқ ипоси қаҳрамони Алпомиш ҳақида гўзал шеър битган.

Шоирнинг бу туркум шеърларига хос бош хусусият шуки, уларда қаламга олинган тарихий шахс, улкан сиймо ёки алабий қаҳрамон шунчаки таъриф-тавсиф этилмайди, уларнинг ҳаёт йўли ёки ибратли ишлари, жасорати ҳикоя қилинмайди; балки улар шахсига, ҳаётига оид бирор хусусият, характерли деталь ёки улар билан алоқадор бирор ҳодиса, ҳолат баҳонасида бутунги куннинг муҳим гапи, ҳақиқати айгилади, шоир кўнглидаги ўй-фикрлар, туйғулар иҳор этилади. Қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган «Алпомишнинг қайтиши» ва «Мигель Эрнандес сўзи» шеърлари бу жиҳатдан характерли.

«Алпомишнинг қайтиши» шеърининг асосий ғоявий пафоси Н.Худойберганов, И. Ҳаққулов сингари тадқиқотчилар томонидан тўғри талқин этилди. Дарҳақиқат, шеърдаги донишманд чолнинг Алпомишни болалар уйқудан уйғота олади, деган башоратида бир авлоддан иккинчи авлод етукроқ бўлади, уларнинг қонида «буюк боболарнинг турфа хислати» ортукроқ жўш уради, деган порлоқ ишонч ифодаланган.

«Мигель Эрнандес сўзи» шеърини шоирнинг фуқаролик бурчи ҳақидаги мадҳия, деб аташ мумкин. Маълумки, машҳур исёнкор испан шоири Мигель Эрнандес ўлганда, кўзи юмилмай очик лиғича қолган. Шеър муаллифи шу фактга - гаройиб ҳолатга таяниб, умуман, шоирлик бурчи ҳақидаги ўй-хаёлларга толади. Кўзи очик ҳолда ётган жонсиз шоир тилга киради, ўзининг дил розини, ҳаётга бўлган чексиз муҳаббатини, ҳаёт жумбоқлари ҳақидаги ўйларини, орзу-армонларини бирма-бир иҳор этишга тушади; шоир дили озодлик, эрка ташна халқ, унинг дарди, армонлари, фарёди, кураши ташвишлари билан тепади, шу эрка ташна, аламднийда, жабрлийда халқ сафида туролмай, халқ қорнига яролмай бу дунёни ташлаб кетиш, ёруғ дунёдан кўз юмниш унга алам қилади:

*Ахир, қаранг, зулмат аскарлари қон кечмоқда,
ҳўкиз терисидан тикилган этикларида мажақланган
гуллар ҳамон жон бермасдан бақирмоқдалар:*

«Яшасин Республика!»

*Улар тутган милтиқларнинг оғзи тўла ўқ, менинг
жа юрагимда қасос сўзлари шундай тўлгандир.*

Мадрид кўксидан яралган бўлса, қон оқса: булбулни

*тинглаган қулоқларидан қон оқса, болаларга ширин
қулча пиширган қўлларидан қон оқса, «Яшасин Испания!»
деб бақирган оғзидан қон оқса, қандай юмай кўзимни;
Қандай?!*

Мана шундай фаол фуқаролик руҳи оҳанглари Хуршид лирикисининг, умуман, бутун ижодининг қон томирини ташкил этади.

1986 йил.

«СЎЗ ТУЗАЛСА - ЭЛ ТУЗАЛАР»

(Азим Суюн шеърятига бир назар)

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1992 йил кузги сонларидан бирида «Жаннатмакон гўшалар» деган янги руҳи пайдо бўлди, бу руҳи шоир Азим Суюннинг «Тиллашув» сарлавҳали бадиаси билан бошланди. Бадиаси муаллифи ўзи туғилиб ўсган юрт - Нурота, унинг бетакрор табиати ва ҳайвонот дунёси, ажойиб одамлари, бу ғаройиб гўшанинг мустақил мамлакат тақдирига дахлдор долзарб муаммолари ҳақида гоят билимдонлик ва куйинчаклик билан ёзади. Бадиаси ўқиб туриб, беихтиёр ўйлаб кетасиз - шоир шеърятига хос қатор ҳусусиятларнинг сирли-сабабини топгандай бўласиз.

Дарвоқе, Азим Суюннинг салкам йигирма йиллик ижодида, барча шеърини китобларига, жумладан, кейинги «Куйганим - суйганим» тўпламига назар ташласангиз, улардаги аксари асарлар худди ўша мақом - шоир туғилиб ўсган юрт билан алоқадордир. Она юрт мавзуси, юрт манзаралари ифодаси шоир асарларига бетакрор жозиба бахш этади. Бугина эмас. Биламизки, Нурота донгдор халқ бахшилари, жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғли юрти. Азим Суюн халқ бахшилари татиган қудугу чашма сувларини ичиб, оқинлар думбираси садосини тинглаб, «Равшан»у «Кунтуғмиш» дostonларини ёд олиб улғайган. Шоирнинг деярли ҳар бир асарига оғзаки шеърини руҳи, сурони уфуриб туради. Азим Суюн ўзбек ёзма шеърятини қадим-қадимдан бошланган, Яссавий бобомиз ҳикматларида юксак тажассумини топган, XX аср поэзиясида эса Ҳ. Олимжон, Миртемир ижодида янгича кўринишда намойиш бўлган халқона, бахшиёна анъанани бугунги кунда сабот билан давом эттиратган, унга ўзгача латофат бахш этаётган забардаст шоирларимиздандир. «Оқинлардай сел бўлибон куйлайман... Куйиб кулган кул бўлибон куйламан» деб ёзганида шоир тўла ҳақ.

Азим Суюн шеърятда халқона, бахшиёна йўлга шунчаки бир ҳавас, «тажриба ўтказиш» учун кириб қолган эмас, қисмат унга шу йўлни раво қўрган. Эҳтимол, ҳозир урф бўлган ёки урф бўлиб бораётган хийла мураккаб, мажозий маъноли модернистик шеърлар ёки тасаввуфона фалсафий назмга мойил кинилар назаридан Азим Суюн тутган йўл жўнроқ, одмироқ туюлиши мумкин. Дарвоқе, китобда нисбатан жўн, бадиий заиф асарлар, сайқалга муҳтож мисралар ҳам йўқ эмас. Шоир дилидаги гапларни кўпинча айланма йўллар қилириб ўтирмай, дингал айтиб қўя қолади, унинг фикрлаш ва ифода тарзи содда, бар қадар хоҳсёр, жимжима-бе-зақлардан холи. бир оз дағал; бироқ бу хил «дағаллик» замирида ажиб бир табиийлик, самимият, шу самимиятдан туғилган гераан бадиийлик мавжуд. Энг муҳими, Азим Суюннинг она юрт каминида туғилган, оқинлар дўмбираси соҳига жўровоз мисралари маҳдудликдан бутунлай холи, шоир деярли ҳар бир шеър, достонида эл-юртни, аниқроғи, юртнинг тараққийпарвар, фидоини ўғлонларини қийнаётган ҳаёт жумбоқлари устида қуйиб-ёниб муҳокама юритади.

Шоирнинг туғилган юртига меҳри қанчалар баланд бўлмасин. барибир, у маҳдудликни асло тан олмайди:

*Туғилган уйдан нари чиқмагин,
Дунёни туғилган уйим деган эр.
Тақдирим шу жан, қисматим тайин
Доб юрган шўрликни истамас аср!*

Сочмаларидан бирида бобосининг олис тоғлар орасидаги тош уйи билан боғлиқ хотираларини эслаб, яна ҳам аниқроқ қилиб: «Мен шоирман. Болалигимнинг муқаддас бу хотираси менга қанчалик азиз, қадрдон бўлмасин, қалбимга сирли, романтик кайфи ят, ҳаяжон бахш этмасин, аммо бугун бобомнинг тош уйида яшай олмайман», дейди.

Азим Суюн шеърятининг киндик қони тўкилган юрт билан алоқадор жиҳатлари устида гап борганда, шоирни «она юрт куйчиси» дейнидан атайин тийилдик. Бу бежиз эмас. «Куйганим-суйганим» китобида фақат она юрт ҳақида эмас, ҳалқимизнинг кечмишига, машҳур тарихий сиймоларга бағишланган туркум асарлар бор. Она юрт мавзусидаги асарларда бўлгани каби тарихий воқеалар, сиймолар тугрисида баҳс юритувчи шеърлар достонлар ҳам ҳамду санолардан, мадҳиябозликдан холи. Туғилган юртнинг жан-

патмонанд гўшалари хусусида ёшдики, тарихий воқеалар, машҳур тарихий сиймолар қисматидан сўз очадими - ҳамшиша, биринчи гада, қаламга олинган мавзунинг дардли нуқталарига, зилдият-ли, драматик жиҳатларига эътиборни тортади, улар билан боғлиқ, дилидаги армону ўқинчларини тўкиб солади, қанчалар аччиқ, шафқатсиз бўлмасин, бёр ҳақиқатни айтишга, ифюдалашга тиришали; чулки халқ шоирдан тўғри сўз кутишини, юрти-ўлкаси «роҳт сўзга зор» эканини яхши билади, унишча, «сўз гузалса - эл тузалар».

«Иморат ва ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони»ни эсланг. Оқинлар юртнинг яхши бир удуми - иморат қуриш олдидан шоирнинг яқинлари, элнинг чечанлари, сўзамоллари кенгаши қаламга олинган бу асар, бир қарашла, унутилаётган қадриятлар малҳияси бўлиб кўринади. Чечанларнинг ҳазил-мутойибаларидан бошланган бу асарда халқимизнинг яхши удумларини қайд этиш, ардоқлаш ҳам бёр. Бирок асар охир-оқибат бугунги қишлоқ, қолаверса, бутун мамлакат ҳаётига оид кўнгилсиз ҳодисаларнинг, оломон характериға хос заиф жиҳатларнинг шафқатсиз танқидига айланади. Чунончи, чечанлардан бири:

*Ўзбек, қачон эл бўласан,
Тўлиб-тошган сел бўласан?
Шу кетишда кетсанг агар,
Бир кун қора ер бўласан!*

дейди чуқур алам билан.

Тоғ юртининг табиати гўзал, аммо жаннатмонанд гўша бағри дағаллик ва шафқатсизликларға ҳам тўла. Айниқса «Қари қашқир», «Каклик ва қафас», «Қопқон», «Тўнғиз овида», «Итлар» каби шеърларни ўқиганда, чунончи, айгир ва қашқир «жанги»ни кузатганда, ўзи қўйган қопқонга илиниб ҳалок бўлган ўғли тепасида турган ота ҳолини кўрганда, тўнғиз ҳамласига дуч келган қўноқ овчи ҳалокати қиссаеи билан танишганда вужуд-вужудингиз увушиб кетади.

Тарихий воқеалар, машҳур сиймоларға бағишланган асарлардаги армон-аламлар дарди янада ҳаяжонли. Туркий амирлар орасида энг катта шухрат тошгани - Амир Темур: салкам ўттиз мамлакатни тобе қилган, не-не султонлар ҳузурила тиз чўккан Амирнинг ҳам кўкси армонларға тўла. «Амир Темур армони» шеърида Темурнинг ҳасрат билан айтган:

*Бу не дунё ўзи? Кўз юмолмадим -
Роҳат тўшагида бирор лаҳза ҳам!*

сўзлари ўйга тўлдиради.

Султон Жалололдин жасорати ҳақида кўп ёзилган. Азим Суюн эса бу жасур ўғлон ҳаётидаги энг кескин, чигал лавҳалардан бирини қаламга олади: Чингизхон лашкарлари таъқиб пайтида жасур ўлғон волидасини, ожизасини, болаларини дарёга ташлаб чуқтиришга қарор беради. Ҳайҳот, бу не кўргилик! Ахир у бебурд фарзанд, бадбахт банда эмас эди-ку! Волидаси, ожизаси беномус, шарманда эмас эди-ку, болалари она сутидай пок, муҳтарам эди-ку, дея ҳайқиради шоир. Гап шундаки, Жалололдин Чингизнинг ваҳшийлигини, азизлари унинг қўлига тирик тушса, қандай «каромат»лар кўрсатишини билади; унингча, «Ёв қўлида қолгандан кўра озод ўлмоқ бахт!

Шоирнинг «Аҳмад Яссавий мақбараси қошида» шеърдаги алам-ли мушоҳадалари ҳам киши юрагини эзди: Темур қазосидан кейин юртдаги нисбий осойишталик издан чиқади, улуғ амир бошлаган кўп хайрли ишлар, жумладан, Яссавий мақбараси қурилиши чала қолиб кетади. «...Мана, ул мақбара чаладир ҳамон, Чала Ўзбекистон, - Чала Туркистон».

«Куйганим - суйганим» китобидаги шеър у дostonлар гам-гурбат, ҳаёт шафқатсизликлари, машаққатлари ифодасидан иборат экан-да, деб ўйламанг. Йўқ, китобда кўнгилга шодлик, завқ-шавқ берадиган лирик тароналар, ҳазил-мутойибалар ҳам талайгина. Ҳаёт машаққатлари ифодасига мойил, дангалчи, чўрткесар, бир оз тўпори, дағал лирик қаҳрамоннинг тоҳо ўта беэҳор, майин-мулоийим. Ҳаёт нафосатини нозик ҳис этувчи, ҳазил-мутойибага мойил шахс қиёфасида кўриниши - китобнинг яна бир фазилати.

*Оҳ қандай кеча бу! Осмонга қара.
Соч тарасанг бўладир ойга қараб!*

Нафосат туйғуси ўткир қалбгина ойдин кеча ҳақида шундай ёзиши мумкин.

*Салқин тушиб қолди тоғлар бағрига,
Вазмин кўтарилар дарадан тумон.
Эл-юрт кўчиб энди тоғ тағига,
Ёзги чорбоғларда намхушдур ҳазон.*

*Кеч қолган чўпон ҳам ҳайдар сурувин,
Серка йўл бошлайди чалиб қўнғироқ.
Жаранглаб турар у узоқ ва узоқ,
Уфқларга сингиб кетар охири...*

«Қўнғилларда аллақандай тоғли кайфият уйғотувчи бу хил ўта ҳонли, хилма-хил садоларга тўла ҳам ҳазин, ҳам нурли манзаралар тасвири фақат назик дидли, ўткир шоир қалами остидангина чиқиши мумкин.

«Эр ва хотин» шеърларидаги латифанамо ҳазил-мутойиба - севиқли хотин қўнғилини оламан деб йиғитлик шаънини топтаган эрнинг хотинидан дакки эшитиши, шапалоқ ейиши тасвири гурбатларидан толиққан дилларга ҳузур бахш этади...

Бироқ бари бир, шоир эътиборини, биринчи галда, ҳам ҳозирги кунимиз, ҳам ўтмишнинг кишини ўйлатадиган, қийноққа соладиган жумбоқлари ўзига тортади.

Шоирни энг кўп қийнайдиган, ўйга толдирадиган масала бу - эл-юртнинг бирлиги масаласидир. Талай шеърларида, «Ўзбекистон», «Иморат» дostonларида, ниҳоят «Сарбадорлар» асарида шу ғояни зўр эътирос билан илғари сурган.

«Сарбадорлар» асари Туркистон халқлари тарихининг муҳим бурилиш палласи - мўғуллар истибдодининг емирилиши, Самарқандда сарбадорлар ҳокимиятининг тантанаси ва инқирози, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиш даври ҳақида баҳс этади. Шоир бу тарихий ҳодисалар силсиласини муайян концепция - истиқлол ва бирлашган қудратли давлатчилик ғояси нуқтаи назаридан ўзича бадиий таҳлил ва талқин этади. Одатлагилек, бу ерда ҳам шоир халқона, бахшиёна йўлдан боради, аниқроғи, «Абулфайзон», «Мирзо Улугбек» фожиавий драмаларида шаклланган мумтоз адабиёт анъаналарини халқ дostonчилиги тажрибалари билан қўшишга, бойитишга тиришади. Бу, айниқса, жангу-жадаллар, оммавий саҳналар ифодасида, драматик ҳодисалар талқинида, меҳнаткаш халқ ичидан чиққан оддий одамлар образида очиқ кўринади; халқ тарихи, тақдирига даҳлдор энг жиддий муаммоларни, чунончи, эл-юртнинг бирлиги, ягона қудратли давлат тузиш ғояларини ҳам шоир оқинларга хос содда, халқона ифода этади.

Асар бошидаёқ, шундай буюк, бой ўлка, Туркистон эли нега мўғуллар оёғи остида топталди, деган аламли савол ўртага қўйилди ва икки асир - икки сарбознинг тўқнашуви лавҳаси орқали бу саволга содда, аниқ-равшан жавоб берилди. Бу икки шахс - бир

элининг фуқароси, бири бирига қариндош икки амир сарбодлари; аммо улар бир-бирига ашадий рақиб. Амин Ҳусайн сарбози Темурни, Темур сарбози эса Амин Ҳусайнни кўрарга кўзи йўқ; мажкор мўғул хоқони уларни бир-бирига тўқнаштириб, бирининг қули билан иккинчисининг қонини тўкиб, ҳузур қилади ва «Бу эл феъли шундоқ!.. Кумурсқа бирлашса бирлашар, лекин Бу эл бирлашолмас» дея қувончини яширолмайди; Искандар ҳам, Чингиз ҳам Туркистон элини ана шу заиф жиҳатини ҳисобга олиб иш кўрганликларини эслатади.

Бироқ парокандаллик, рақиблар ўйлаганча, Туркистон эли учун белаво лард, боқий хусусият эмас. Туркистон эли буюк мақсадлар йўлида талбиркор раҳнамолар бошчилигида бирлашиб, улкан ғалабаларга ҳам эриша олган, қудратли давлат барпо этган эл. Асарда қаламга олинган тарихий воқеаларнинг мангикий давомини, интиҳоси бу фикрни тасдиқлаб турибди. Яқдиллик ва талбиркорлик туфайли мўғул зобитларига берилган қақшатқич зарба лавҳаси халқ достонларидаги каби жўшқин бир тарзда ифодаланган. Сарбадорларнинг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг илора усули, бу ҳаракатнинг кучли ва ожив жиҳатлари, ички зиддиятлари, икки қардош бек - Амир Ҳусайн ва Амир Темур орасидаги мураккаб муносабатлар, ошқора ва пинҳона рақобатлар, Темурнинг улду мақсад - ягона қудратли давлат барпо этиш йўлидаги талбирлари ҳам савоб, ҳам гуноҳ ишлари - буларнинг барчаси ҳам бахшиёна, ҳам реалистик йусинда геран баалий таҳлил этилган.

Темур сарбадорлар жасоратига таҳсин ўқийди, уларни бошга кўтаришга, улар олдида тиз чўкишга тайёр; айни пайтда, бунини иложи йўқ эканини, бундай қилса, бу иш ўзи учун ҳалокат эканини биледи; у Мовароуннаҳрни бир бутун давлат қилмоқ ниятидан воз кечолмайди; шоир Темурнинг ўша топдаги драматик ҳолатини, дилини, унинг характерига хос қатъиятти халқона тарзда мана бундай ифода этади:

*Бу йўлда гоҳ тулки, гоҳ бўридурман,
Гоҳида чоҳдирман, гоҳида қоя!
Майдонга кирганлар манглай қашимас!
Рухингиз мен билан, сарбадорларим! -
Бир шегин иўқотган юрту элимнинг
Бевақт қурбонлари, мангу ашвидо!*

Улду Темур шахсияти, фаолиятини бир ёқлама - нуқул қора-

лаш ёки оқлаш йўлидан бормай, уни тушуниб, бёр ҳолича мурак-
каблиги, эиддиятлари билан идрок этишга уринишдан иборат бун-
дай йўлнинг истиқболи порлоқдир.

Қисқаси, она-юрт, унинг кечмиши, ҳозирги куни шоирнинг
астойдил суйиб, куйиб-ёниб айтган дил сўзларидан ташкил топ-
ган «Куйганим-суйганим» китоби бугунги шеъриятимизда қувон-
чли ҳодисалар; кўп фазилаглари, айниқса, терап ижтимоий нафос-
си, ёниқ гражданлик руҳи билан ажралиб турувчи бу шеърлар таҳ-
синга муносибдир.

1993 йил февраль.

ШАФФОФ ТУЙГУЛАР КУЙЧИСИ

(Шоир Ўткир Раҳмат шеъриятига бир назар)

Ўтган асрнинг 60-йиллари адабиётимиз бўстони саҳнида пайдо
булган насрда Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, шеъриятда эса
Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар карвонбошлик қилган янги
авлод миллий наср ва шеъриятимизнинг кейинги ярим асрлик
ривожла ёрқин из қолдиргани, унга ўзгача руҳ, айрича тароват
бахш этгани адабий-илмий жамоатчилик томонидан аллақачон
этироф этилган. Улар адабиётимиз тарихига «60-йиллар авлоди»
деган ном билан кирган. «Карвон изидан карвон келади» деганла-
ридай, 70-йиллар насрда Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст,
Хайриддин Султонов, шеъриятда эса Шавкат Раҳмон, Усмон Азим,
Хуршид Даврон, Азим Суюнлар, яъни «70-йиллар авлоди» деб ном
олган яна бир ижод шажараси ҳам адабий жараёнга янги бир
«тулқин» бахш этди. Ана шулар сафида салкам қирқ йилдан бери
шеър ишқила ёниб, бетиним изланиб келаётган камтарин ва заҳ-
маткан шоир Ўткир Раҳмат ҳам бор.

Адабий жараён, ижодкор қисмати ҳеч қанақа қолипларни тан
олмайдиган ноёб ҳодиса. Баъзи ижодкорлар биринчи асари билан
ноқ чақмоқдек яшнаб, адабиётга ёниб киради, илк асари билан
ноқ эл оғзига тушади. Бошқа бир қатлам аҳли эса узок йиллар
машаққатлар чекиб, излай-излай, охири, излаганиши топади. Та-
рихда бунга мисоллар кўп. Ўткир Раҳмат айни кейинги тоифага
мансуб ижодкор. Шоир таржимаи ҳолида эслатиб ўтганидек, эси-
ни таниганиданок табиат, гўзаллик, шеърият шайлоси бўлиб ул-
гайган, оилавий муҳитда бедилхонлик, навойхонлик, машраб-
хонлик руҳида тарбияланган. Мактабда поэтикаб адабиёт ўқитув-
чилари унинг Навоийга, умуман, шеъриятга меҳри ва ҳайратини
янада оширган. Айниқса, Ҳамид Олимжон унинг жону дили эди.

Шоирнинг деярли ҳамма шеърларини ёд олганди. Шу орада ўз-ўзидан қалбидан шеърлар қуйилиб кела бошлаган, тўртинчи синфдан ўқиб юрган кезлари шеър машқига уринган. 1961 йили, яъни 12 ёшида туман газетаси «Шарқ тонги»да илк шеъри дунё юзини кўрди. Мактабни олтин медаль билан тугатиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети филология факультетида таълим олди. Ўзи эътироф этганидек, Улугбек жилгаларидан барпо бўлган, Навоий нафаси уфуриб турган, Усмон Носир қалби тафти тушган даргоҳда қайта тугилиб, қайта бунёд топгандай бўлди; таниқли адабиётшунос Нуриддин Шукуров тарбиясида «назм ва наво ганжинаси»га калит ишлашда давом этди, шеър машқини давом эттирди, аммо шоирликка даъво қилишдан ўзини тийди, шеър, сўз масъулияги уни шундай йўл туттишга ундади. Устознинг «Қаён ўз қўлингда бор, лекин у ҳали товлангани йўқ. Сенинг вазифанг уни товлантириш, сўнг хазинага қўл уриш» деган пайдани ҳеч унутмади, ўз устида ишлашда давом этди. Омон Матжон, Улдибиби Отаева, Мукаррама Гаффорова, Жонибек Субҳонлар даврасида қалам тебратди, устоз тавсиясига кўра «Шалола» шеърят анжуманига бошчилик қилди. Ўқишни тугатиб, катта ҳаётга йўланма олди. Шу пайтга қадар тотув, саранжом саришта оила, оқибатли қариндош-уруғлар, университетдаги дилига яқин, иноқ илмий-ижодий муҳитда нафас олиб улғайган Ўткир Раҳмат энди ҳаётнинг, чархи кажрафторнинг ўзгача, шафқатсиз «шева»ларига рўбарў келди, ҳарбий хизмат, туман газетаси, вилоят босмахонаси, телерадио қўмитасида фаолият кўрсатди, Навоий вилоятида, Санкт-Петербургда умрининг бир бўлаги қолди; ҳаёт сўқмоқларида юрди. Кейинчалик у бу йилларда кўрган-кечирганлари устида тўхталиб «Иштироблар, ички қийноқлар - юртнинг забунлиги. Ўзингнинг забунлигинг - нақадар аламли, нақадар оғир. Юрагингда жўшган исён ичинини тимдалайди. Тухматлар. Бўхтонлар, иғволар. Зулм - бу аянчли хотирот, азобли ёдномалар». Болалик, ўсмирликнинг тотли одамни энтиктирувчи шавқли дамлари ҳам, ҳаёт сўқмоқларидан довларидан ўтишдаги аянчли хотирот, азобли ёдномалар ҳам буларнинг ҳеч бири исиз кетмади, вақти келиб, қалб қаъридан қуйилиб, сағрларга тизилиб шеърга айланди. Энди унинг ёзганлари ўзгача руҳ касб эта бошлади, фақат ўзинигина эмас, ўзгалар қалбини ҳам ўртаган дарду аламлар изҳорига айлана борди.

Гарчи шоир шеърлари 70-80-йиллари газета ва журналларда, алманах ва жамоа тўшамларида бетиним босилиб турган бўлса-да, уларни тўшам - китоб ҳолига келтиришга шўшилмади; илк

шеърни матбуот юзини кўргандан 26 йил ўтиб, 1987 йили илк тўплами «Ирмоқ»ни чоп этишга журъат этди. Ҳали матбуотда бир-икки шеърни чиқмай туриб, илк «машқ»ларини китоб қилишга шошиландилар сони кўнаиб бораётган ҳозирги кунларда Ўткиржоннинг бу борада тутган йўли ниҳоятда ибратлидир.

Ҳалининг очиги, Ўткир Раҳмат қирчиллама қирқ ёшга етганида, айни истиқлол йилларида ҳар жиҳатдан етилди, очилди. Аввало, у масъул лавозимларда хизмат қилиб, истиқлол ғояларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келаёттир. Шоир ўн йилча бош муҳаррирлик қилган «Қишлоқ ҳаёти» газетаси шу йиллар давомида бутунлай янгича қиёфа касб этди. Ҳозир у мамлакатимизнинг бош газетаси «Халқ сўзи»ни моҳирона бошқармоқда. Жамоат ишлари билан баробар, шоир сифатида ижодий фаолиятни ҳам изчил давом эттираёттир, истеълодининг янгидан-янги қирраларини намоян этаёттир. «Соғинч» (1991), «Жилға» (1992), «Райҳон хиди» (1993), «Шукрона» (1996), «Кўзим қорачиги» (1996), «Ой ёлдуси» (1998), «Хаёл ифори» (2008) китоблари шеърхонлар қалбидан ўрин олди. Шу тариқа эътиборга сазовор аксар асарлари истиқлол йилларида рўёбга чиқди, бўғзида қолиб кетган сўзларини тўлиб-тошиб айтишга чоғланди.

*Занжирлардан эрким бўшaldi,
Орзуларим бир-бир ушaldi.
Оқтоб кулиб, юз очди ҳилал,
Мангу яша энди, Истиқлол!*

деб ёзганида шоир дил қаъридаги асл туйғуларини тўкиб солди. Айниқса, «омадли имкон» - дил истар оқимга келиб қўшилиш, истиқлол бунёдкорлари сафида туришдек бахт насиб этганидан беҳад қувонади, бундан беором қалби таскин топади:

*Кўксимда сизмайди ажиб бир нолон,
Ненидир зор излаб, куйдай эшилдим.
Тақдирда бор экан омадли имкон,
Дил истар оқимга бориб қўшилдим.*

Истиқлолни бу хилда олқишлаш ҳаёти ва ижодий тақдирини шу кутлуғ тарихий ҳодисага туташ шоиргагина насиб этиши мумкин. Бу ҳол шоирнинг Ватан, Истиқлол туркумидаги шеърларига алоҳида кўрк, фойз бахш этади.

Ўткир шеърларида истиқлол тушунчаси ҳаминша Ватан, кўз, қалб, юрак, она, муҳаббат каби одам боласи учун энг азиз, энг юксак, нурли туйғулар билан ёндош ҳолда келади, шоир уларни асло бир-биридан айро ҳолда тасаввур этолмайди.

*Ватан - сен кўзимсан, борсанки - ёруғ,
Ҳам оташ қалбимсан - даргоҳи юрак.
Сен нурли - истиқлол буюк ва улғу,
Ватан, сен - онамсан
Ҳаммадан юксак...*

Шу сатрларни шоирнинг бутун ижодий бисотига эниграф - боти сўз қилиб олиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўткир шеърияти бу минбар шеърияти эмас, шу чоққача мен уни минбардан туриб, шеър айтганини, ўқиганини кўрган эмасман. Шоир шеърияти бу - кўнгли шеърияти, бу борада у Ойбекдан мерос қолган ноёб анъанани изчил давом эттириб келаётир; унинг китобларини варақласангиз, қаламкаш дўсти Салим Ашур ёзганидек, шоир қалби фасллари-нинг гоҳ сокин, гоҳ гуркираб, гоҳ шиддат билан кечаётган манзаралари акс этганига туюқ бўласиз, айни шу табиий туйғулар манзараларининг сеҳрли қудрати билан муаллиф ўқувчи қалбига осонгина кириб бора олади. У Ватан, истиқлол, она, сингил, севгиси, севгилиси, она табиат манзаралари, кечмиш хотиралари, тарихий сиймолар қисмати ҳақида ёзадими ҳамма ҳолларда туйғулар манзарасини кўз олдингизда гавдалантиради. Шунинг учун ҳам унинг шеърларини минбардан эшитиб эмас, китоб саҳифаларидан ўқиб, сатрлар қатигаги туйғулар манзарасини кўриб - ўқиб ўзгача завқ оласиз.

Шоирнинг «Байналмингал» шеъри эркин, ватансиз кунларнинг армон-ўқинчлари, истиқлол нашиндаси ҳақида. Олти банддан иборат шеърда, шоирнинг ҳамкасб дўсти айтганидай, халқнинг олис-олисларда қолиб кетган, юракни тўлқинлантирадиган аянчли кунлари бор бўй-басти билан қалбларда акс-садо беради; беихтиёр халқнинг армонлари бир шода маржондай тизилиб, қаршингиздан оқиб ўтади. Шоир одамларнинг қалби қатига қолиб кетган сўзи, ҳақиқатни кўрмай ўтган кўзи, ноҳақликда қора бўлган юзи хусусида надоматли сатрларни тизади. Алам-ўқинч, киноя-кесатиқлар ила шоир яна шуларни ёзади:

*Кўчаларда байроқларни ҳайқириб тутдик,
Гапиролмай оқибатда - тиллимиз ютдик,
Иқболимиз курашданмас бировдан кутдик,
Қорни тўқлар оёғида хор бўлган қўшиқ,
Оч ва қўллар овозига зор бўлган қўшиқ.*

Ёзувчи, публицист Абдурашид Нурмуродов бу шеърни «том мазнадаги ўтган кунларнинг эзгин, ҳорғин, сўлғин хотирасидир» деб атайди. Шеърда бундай хулосани тасдиқлайдиган бандлар билан баробар «Келди ахир темирларни қизитмоқ гали, Нонни туя қилганларни четга сурғали», «Имкон бермас кўпнакларга энди хурғали», «Мўрт деворлар улуғ жангда бари бир нузар», «Бўй кўрсатиб ўзлик туғи яна ҳилпираар», «Чорасиз қалб сўнг мададни халқидан сўрар» каби мардона, шижоаткор туйғулар тараннуми, сурати ҳам мавжудлигини унутмайлик.

Ўткир ижодида учқур хаёл орқали тикланган яқин ва узоқ ўтмиш хотираларига оид шеърлари бутун бир туркумни ташкил этади. Улар орасида, айниқса, «Гуласал» билан «Гўри Амир» алоҳида ажралиб туради. Иккинчи жаҳон уруши даврининг фронт орти фожиалари ҳақида насрда ҳам, назмда ҳам кўп ва ҳўб ёзилган. Аммо «Гуласал»даги фожа талқини бетакрор, беқиёс. Ўткир асарда акс этган уруш даври воқеаларидан 4-5 йил ўтиб, дунёга келган. Аммо хаёлан у ўзи кўрмаган давр ичида айни ўша давр одами, аниқроғи, болакайи бўлиб яшайди, сўзлайди, қалб дардлари, болакайга хос алам-ўкинчларини тўкиб солади. Шеър тузилиши, фожиавий-драматик асоси, ифода тарзи жиҳатидан баллада жанрига яқин туради. Уруш тинкани қуритган кезлар. Қишлоқдаги икки оиланинг мурғак фарзанди - ўспирин билан қизалоқ далада сизир боқиб, оила тебратиш ғамида ака-сингил тутинган, бир-бирига суяниб қолган, чуғурчуқдай чуғурлашиб, ўзлари ҳам сезмаган нималарнидир орзу қилишади. Шу орада кўнгилсиз ҳодиса юз беради. Ҳодиса манзараси ихчам, лўнда, ўта таъсирчан:

*Қовоқлари - бодом,
кўзларида ёш - маржон,
юзлари - нимранг оқ гулдай
бир куни уйдан
чиқиб келди Гуласал.
-Дадамдан қора хат келибди,*

*Аза ошга сарф қилиш учун
ойим...
сигирни бозорга олиб
кетди.*

Қизалоқ отадан жудо, боз устига икки мурғак қалбни бошлаб турган восита - сигир ҳам энди йўқ. Шунда ўспириннинг катталардай жўмардлиги тутиб, қизалоқ кўнглини кўтариши вазиятни ўзгартириб юборди:

*Шунда,
юзига ранг югурди,
кўзи юлдуздай порлаб,
ўз акасига эркалангандай
эркаланди мени қучиб
Гуласал.*

Ўша кезларда улар кўнглида уч берган камтарин орзу-ҳаваслар ифори ҳам ихчам, содда - самимий ифода этилади:

*Катта бўлжак
Гуласалнинг дадасидай
ўлмасликка,
ёмон одамлардай бўлмасликка,
сигирларни сотмасликка
иккимиз ҳам
чуқур-чуқур хўрсиниб
аҳд қилиб қўйдик.*

Барибир, жудалик, муҳтожлик изтиробини ўз ишини қилади. Шаффоф, бокира мурғак қалб бундай мусибатни кўтаролмайди. Асарнинг давомини ўқиганда фожий қисмат манзарасидан огоҳ бўлиб ўзингизни қўярга жой тополмай қоласиз.

Ўспирин билан қизалоқ орасида ҳали севги деб аташга эрта - эндигина куртак тута бошлаган, ҳали тўлиб етилмаган, гул очини янроқ ёзишга улгурмаган бокира самимий мулоқотлар ифодасидан қурақлар ҳаприқайди. Ҳижрон ва муҳтожлик оғриқларига дош беролмай ўлим тўшагида ётган қизалоқнинг умри шомиди ўспиринни йўқлаши, видолашув дақиқалари, ўша аянчли дақиқаларда қизалоқ ҳаёлида чақнаган умид, тенги йўқ умид ўқувчини ларзага солади:

*Алаҳлаб ётарди
тўшакда Гуласал,
эрта узилган гунчадай сўлиб...
- Акажон...
сигирим қайтиб келди...
дадам ҳам ёзди оқ хат...
қани нон... дадажон!..
Юраклар инордай эзилди бу оҳдан!
Гуласал узилди...
Қовоқлари - бодом,
Кўзлари - илҳақ,
Юзлари оппоқ гулдай,
лабида қотган сўз:
СИГИРИМ,
ОҚ ХАТ,
НОН!
Тўшакда ётарди Гуласал,
асалим!*

Воқеаларнинг ўспирин тилидан берилиши, айниқса, ўспириннинг сўнгги қалб нидоси ниҳоятда ўрнига тушган. Асарнинг бош нафоси ўспирин онасининг мана бу сўзларида аниқ ва равшан ифодасини топган:

*Гулдай қизча шундай
бўлмасмиди,
уруш бўлмаганда,
паймонаси тўлмаганда...*

«Гўри Амир» шеъри сарлавҳаси остида «1941 йил 21 июнь» деб изоҳ берилган. 21 июнь якшанбага ўтар кечаси XX аср тарихидаги энг мудҳиш тун. Айни ўша тунда Иккинчи жаҳон уруши бошланди, айни шу тунда жаҳонга машҳур саркарда Амир Темур руҳи покига суиқасд қилинди, унинг қabri очилди. Шеърда айни шу мудҳиш туннинг шоир Ўткир Раҳматга хос руҳий манзараси кўлами чизилади.

*Ўтганларнинг руҳлари - юлдуз,
Сомон йўли - шаҳид лашкарлар.
Го тонггача узмадилар кўз,
Го тонггача безовта улар!*

Шеър ана шундай мислсиз хавотирлардан дарак берувчи ҳаракатдаги залворли сатрлар билан бошланади. Бу алам-ўкинчларга тўла туйғулар силсиласи кучайиб бораверали, «хўрсинади юраклар тўлиб», «эзилади сонсит бағирлар», «Юлдузлардан кўз еши бўлиб тўкилади ёғду - ёмғирлар!» Ҳайронликда чинор бош уштайди, қўноқлари шох орасида қушлар ухламай тонг оттирди: миноралар тани муздай қотиб, тонг отгунча хун ютиб чиқади. Ниҳоят, шеърнинг еттинчи бандига келиб бу мудҳиш хагарнинг сабаби аён бўлади: Бу масканга худо беҳабар кимсалар каманд ташлаган. Сунг замоннинг бундайин бедодлиги туйғайли шоир қалби оёққа туради, тўлиб-тошиб ҳайқиради:

*Замонанинг кирдикоридан
Азоб чекди тириклар гоҳи.
Рухлар тинчмас дил озоридан,
Қабрларнинг недир гуноҳи?*

*Кўрқувларни қилдилар ато,
Тилин тишлаб ҳақ сўзни айтмас.
Бу тузумнинг дастидан, ҳатто
Ўтганлар ҳам гўрда тинч ётмас!*

Охирида яна шеър бошидаги «сомон йўли - шаҳид лашкарлар» ҳолати-манзарасига қайтилади; бошидаги бандда улар «то тонггача безовта» бўлиб чиққани айтилган бўлса, энди уларнинг «То тонггача йиғлагани» таъкидланади.

Жаҳон тан олган буюк сиймо шаънининг ўз юртида топталгани, қандай балоларга гирифтор бўлгани ҳақида кўп айтилди, ёзилди, кўриб ўтилганидек, шоиримиз ҳам бу хусусда шеъринг тилида ўзининг бетакрор, таъсирчан сўзини айта олади.

Узоқ ва яқин ўтмишнинг маломатли лавҳалари туркумидаги яна бир асар устида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Гап «Кўрқиз» драматик достони устида кетаётган. Муаллиф ижоҳига кўра, асар воқеаси 70-йилларнинг охирида бўлиб ўтади. Демак, «Гулсал», «Гўри Амир»дан фарқли ўлароқ, асар бевосита шоирнинг ўзи шоҳид бўлган ҳолисалар хусусида. Шоир Салим Ашур «Кўрқиз» драматик достони қизиқарли композицияси, воқеаларнинг гаройиблиги билан ажралиб туришини айтиб «Кўз инсонни ёруғ олам билан боғлаб турувчи энг муҳим аъзо. Оламга, одамга баҳо беришда кўз ўлчов вазифасини ўтайди. Шундан бўлса керак, жаҳон адабиё-

тида кўр кўзлар ҳақида бир-биридан ғаройиб, қизиқарли асарлар яратилган, шонримиз Ўткир Раҳматнинг «Кўрқиз» достони сюжетининг фавкуллоддаси билан ҳам ана шундай нодир асарлар қаторидан ўрин олади» дея асарга юксак баҳо беради.

Дарҳақиқат, шоир асар учун фавкуллода, қизиқарли сюжет танлаган. Достон қаҳрамони Маъсуда тугма кўр, чорак асрдирки, ёруғ дунё, яқинларини кўриш бахтидан бенасиб. Ниҳоят, қизининг, ота-онасининг улуғ орзулари ушаловдиган кунлар келади; чексиз орзу-хёллар, тасаввурларга мойил шонримиз ҳозирги ҳаётда кўрилмаган ҳодисани реалликка айлантиришга журъат этади. Моҳир шифокорлар тасодифан ҳалок бўлган одам кўзи гавҳарини тугма ожиз қиз кўзига ўрнатиб, уни очишга муваффақ бўладилар. Кутилмаган улкан бахт, қизнинг, ота-онасининг, дўсту бироларларининг қувончи чексиз... Аммо бу бахт, қувончлар узоққа бормади. Оралдан сал фурсат ўтмай кўр қиз кўришга муяссар бўлган ёруғ дунё унинг учун зулматга, у кутган бахт оғуға айланади. Бутун фожиа шуандаки, шу пайтга қадар оламни, одамларни покиза қалб кўзи орқали тасаввур қилиб келган қиз энди нопок, қаллоб, мунофиқ, муртад, мальун бир раҳбар кимса кўзи билан кўра бошлайди. Қиз кўзи олдида бири биридан мудҳиш ҳодисалар гавдалана бошлайди. Мана шу мудҳиш ҳолатлар асарнинг драматик асосини белгилайди. Шу тариқа муаллиф 70-80-йиллар адабиётида мустабид тузум шафқатсизликлари ҳақида қаламкаш дўстларига ҳамоҳанг ўзига хос шафқатсиз достон яратишга муваффақ бўлади. Асарнинг жаҳон адабиётидаги бу тур асарлардан фарқли жиҳати, оригиналлиги ана шунда.

Махсус, жиддий таҳлил, талқинларга асос бералиган бу достоннинг хотима қисмида бош қаҳрамон дил изҳори, қалб амри ўлароқ қатъий қарори ҳусусида озгина тўхталиб ўтиш билан чекланаман. Қиз ўзи учун энг азиз одамлари - ота ва онасига қарата дейди:

*Чорак аср бу оламни
ўзга тасаввур,
Ўзгача бир меҳр билан
мен суяр эдим.
Ниймон, виждон одамларнинг
ҳамроҳи дердим,
Покизалик, беғуборлик
мангу ёр дердим...*

Онажоним, айтинг менга,
оқ сун бергансиз.
Нега оттоқ ниятларга
ғубор тушаркан?
Отажоним, дунёда бор
ҳақиқат дея,
Парваришлаб ўстирдингиз
мен - ожизани.
Чорак аср бирор луқма
биров ҳақини
Уйимизга,
дастурхонга келтирмадингиз.
Ҳалол яшаб,
ҳалол ошаб
ўтишни менга -
Шу ожиза қизингизнинг
томирларига,
Отажоним,
Онажоним,
қуйган сизмасми?!

Нопокликни, ноҳақликни асло ҳазм қила олмайдиган бокири қалбнинг - романтик қахрамоннинг мана бу қатъий қарори, жасорати ўқувчида ҳеч қанақа шубҳа уйғотмайди, ўшандай вазиятда бу ноёб шахс бошқача йўл тугиши мумкин эмас:

Энди билдим
беғона кўз
мени тинч қўймас,
Қулоқ соймай,
бўйин эгмай,
яшай олмайман!
Кўрмаса ҳам ўша кўзим
гавҳари азиз,
Кўр кўзимнинг гавҳари-ла
кўрмақ истайман,
Ўзга киши кўз гавҳари
менга керакмас!
Ҳам хотинбоз,
ҳам порахўр,

*ҳам бир ноинсоф,
Қотил бўлиб ўтган
қайси худобехабар
Кўзи билан бу дунёни
кўргандан кўра
Кўрқиз бўлиб яшаб ўтсам
минг бор афзалроқ!*

Шу тариқа Ўткиржоннинг энг яхши асарларига хос қабоҳат билан асло мурасага бора олмайдиган шаффоф туйғулар Маъсуда тимсолида унинг қалб нидоси орқали яна бир бор авж нардларда янграйди.

* * *

Ўткир Раҳмат ҳақида битилган барча мақолаларда «шоир - табиат мусаввири» деган фикр ўтказилади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов «Шоир табиат билан қадрлон дўст сингари сирлашади, энг муҳими, у билан тил топиниша олади. Шу маънода, Ўткир Раҳмат чин маънодаги табиат ошиғи сифатида тасаввур уйғотади» деб ёзади. Шоир Салим Ашур эса «Ўткир Раҳмат баҳор, ёмғир, томчи, қиш, қор, қўйингки, бутун табиатни инсон шуури ва қалбига таъсири манзараларини талқик этувчи шоир» деб атайди.

Энг муҳими, шоир шеърларида манзаралар ҳаминша ҳаракатда намоён бўлади, бу хил ҳаракатлар силсиласи эса беихтиёр шоир қалбида акс садо беради, жараённи ўз қалби туғёнларига, инсон қалби манзараларига қиёс қилади; шоир ҳеч қачон фалсафа сотмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, уни нималаргадир даъват этмайди, сатрлар қаъридан ўз-ўзидан табиий равишда қандайдир «ўғит», «фалсафа» келиб чиқаверади.

*Айтганингни қилмайди дарахт,
Назарга ҳам илмайди дарахт.
Майли уни чопгин, қиймала,
Безовта ҳам бўлмайди дарахт.*

Дарахтга хос «ўжар табиат» таърифи давом этади: Ерни тутиб маҳкам томирлари, Парво қилмай ўзлигига содиқ қолиб ўсаверади. Сотқинликни билмайди, ёмонлик ҳам қилмайди, орқангиздан тош отиб гоҳи, қалбингизни тилмайди.

*Ўз дунёси, ўз олами бор,
Офтоби бор, юлдузи бисёр.
Қор-ёмғирга тугиб кўксини,
Яшнаб кетар жилмайса баҳор.*

Шу ерга келганда шоир табиат «шева»ларини қўйиб, бирдан одам зоти қилмишларини эслайди:

*Кўҳна замин неларга гувоҳ,
Эласам дил оғрийди, эвоҳ.
Чиқиб келар турли қиёфа,
Ниқобларни тутгунча ногоҳ...*

Сўнг шоир дилини огритган, қалбини изтиробга солган аслардини тўкиб солади:

*Не кунларни кўрмади тақдир,
Балки элаш кераги йўқдир.
Лекин бугун дарахтга қараб,
Унга таъзим этмоқлик бахтдир.*

«Томчи» шеъри «Дарахт»дан фарқли ўлароқ жумбоқли саволлар билан бошланади:

*Томчилаган ёмғир томчиси
Ҳовучингда, айтгин, нима бор?
Қай майсага умринг боғланди,
Қай бир чечак сенга умидвор?*

Бу ёруғ оламдаги катта-кичик ҳодисалар каби оддий бир томчи қисмати қандай кечилишини инсон зоти аниқ айтиб беролмайди: балки уни оддий тош, тақир дашт ёки йўл кутар, балки унга майса бўй чўзаётгандир, уни деб дарахт аста қалдин кўтараётгандир, лаби қақроқ чўл унга ташнадир... Ҳаётда нималар бўлмайди, у ташвиш ё бахтга дуч келар, ё тошларга сингиб кетар ёки дарахтга айланар; балки кўлмақларни макон тутар, қурбақага дўст тутинар ёки долага жон бағишлар... Сўнг шу хил хилма-хил тахминлар, тасолифлардан шоир мана бундай хулосага келади:

*Бу манзилнинг бағри-ку сирли,
Ҳеч ким етмас сўнгига сира.*

*Саноги йўқ бош қўйди бари,
Сендай эди шаффоф, бокира!*

Оддий бир тэмчи қисмати ҳақидаги ўй-мушоҳалалар шоир қалбида чизилган манзаралар ифодаси орқали бугунги замонавий тафаккурнинг кoinнотда тасодифларнинг ўрни хусусидаги синергетик таълимотнинг кенг уфқлари миқёсига кўтарилади.

«Ўтган кунни қўмсайсан ўйчан» сатри билан бошланадиган шеър, ёши бир жойга етиб қолган қария кўксидagi ҳаётга ташналик, чексиз муҳаббат хусусида баҳс этади: одатдагидек, шоир инсон умри устидаги кечинмаларнинг табиат фасллари билан боғлиқ ҳолда бадний талқин қилади.

*Кеча бунда япроқ бор эди,
Шивирларди яшил бир нафас.
Бошларига шубҳалар сочиб,
Тикиларди тўлин ой бесас.*

*Қайларгадир шошаркан фурсат,
Сирли экан умр йўллари.
Қора сочине, бугун эса оқ,
Қалтираркан баъзан қўлларинг...*

Ҳамма - ҳаммаси ўтаверар экан, гул, кўкариш, ҳазон фасли, севинч, сўрамасдан кириб келган ғам... Инсон табиатининг сирли, соҳрли ҳикматини қарангки, табиатдаги жон тинирчилаб турганида ҳам ҳаётга ташналик асло сусаймайди, «бошин кўтарар юрагингда сўнмаган исён!».

Бу аломат шаффоф инсоний туйғу шеърда қанчалар жозибадор, қойилмақом ифодасини топган.

Ниҳоят, бу туркумдаги яна бир асар - «Бир қуш бор...» шеъри ҳақида бир-икки оғиз сўз. Бу шеър ҳам «Гулсал» каби воқеабанд, драматик фожиавий қисмат ифодаси жиҳатидан баъзада яқин турадиган асар. Фарқли жиҳати шундаки, бу ерда она табиатнинг ғаройиб мўъжизаси - сайроқи қуш фожиавий қисматидан ҳайратда, итиробда қолган лирик қаҳрамон кечинмалари худди «Гулсал»дагидек ўқувчини ларзага солади, ўйга толдирди. Шоир асар учун олти-беш ҳижоли содда сатрлар таплайди: Чўлпон, Саид Аҳмад лирик ҳикояларини эслатадиган ҳодисани соддагина ҳолисона сўзлаб бериш йўлидан боради. Йўқ, «воқеани ҳикоя қилиб бериш»

деган ибора бу асар руҳига унча мос тушмайли, бу ҳол чинакам шеърӣ асар қимматини тушириб юбориши мумкин. Аслида ҳодиса унда лирик қаҳрамон - ҳассос шоир нигоҳи, қалби орқали чинакам шоирона тарзда ифодаланadi.

«Кушнинг хонишидан Маст эди боғ ҳам, Гунчалар жилмайиб Бағрин очарди». Асар шундай дилтортар сатрлар билан бошланади. Шоир тезгина асл воқеага кўчади:

*Сеҳрли наводан
Уртанди бағир,
Ҳаяжон шодланиб
Измига олди.
Мен инсиз боғланиб
Шу қушга охир,
Тузоқлар қўйдиму
Сўнг тутиб олдим.*

Мана энди қуш қисмати можаролари бошланади: эркинликка ўрганган қуш қафасдаги ҳаёт тарзига кўника олмайди: сув берса бепарво, донга қарамайди, тумтайиб қафасда бетоблай ётади, сайёл ёлвориб сўз айтса, жавоб ҳам қилмайди, бу ҳолат унинг қалбига тикандек ботади. Аммо у аҳдидан қайтмайди, «Тақдирда не бўлса кўрарсан» дея қўл силтайди. Тақдирга тан бермай, иложи борича, ўша митти жон ҳам охири вазиятга кўникади, аланглаб ютоқиб сув ичади, қафасга бош уриб, сўнг дон титкилайди, қанотин ётганча қафас ичра сайраб учади. Бундан лирик қаҳрамонимизнинг қувончи чексиз: чунки у мурод-мақсалига эришди. Ўша тобда бу ўжар, соддадил қаҳрамонимизнинг мана бу хулосаси қалбларни зир титратади:

*Ҳаттоки қуйларкан
Яралса имкон,
Қафасда қуш боқиб
Мен шунда билдим.*

Ва шу билганидан қолмай, қушчага эрта-кеч дон тутиш, сув беришда давом этади, сайроқи қушчага парварши ёқаётганидан ўзида йўқ шод. Аммо инсон, барибир, инсон-да, охири, у ҳам бу қилмиши учун ўзига виждони олдида ҳисоб беради. Авваллари шунчаки сайраш бўлиб туюлган қушнинг нолалари бир кун ке-

либ, дилини ёшлайди, «Шу митти жонимга Раҳм ҳам қилмай,
Тутқунда сақлайсан Одам боласи!» деяётгандек туюлади унга. У
шофга келиб, одамлиги тутиб қушчани қафасдан озод қилади.

*Озодлик...
Эркинлик...
Қанотга имкон,
Дил истар орзуга
Қовуштирар бахт.
Қушча ҳам боғида
Сайраб беармон,
Кенгликдан тўймайин
Учарди фақат.*

Асарни шундай бахтли хотима билан тугатиб қўя қолиш ҳам
мумкин эди. Бундоқроқ шоир шундай қиларди. Аммо шоир Ўткир
Раҳмаг бунақа жўн йўлдан боралиган муаллифлар тоифасидан эмас.
Уни қийнаган, қалбини ўртаган муаммо асар поёнида очилади,
тўла намоён бўлади.

Лирик қаҳрамон кундалик турмуш таъвишлари гирдобила
қафасни ҳам, сайроқи жонни ҳам унутиб юборган. Бироқ:

*Воажаб,
Бир куни
Эртилаб турсам,
Ўша қуш қафасда
Чўқирди донни!*

Қизик, қушча ўз сайёбидан асло чўчимайди, хотиржам мунчоқ
қўзларида нур ялтирайди, чуғурлаб ўз тилида нимадир дейди. Сўнг
айтиб минг узр боғ томон учади. Боғида яйрайди, тинмай сайрай-
ди, ошёни бағрида тонгни шом қилади. Ажаб:

*Билибми гоҳида,
Гоҳида билмай,
Қафасда ўтириб
Ўткатар оқшом.*

Бу ажиб ҳолат лирик қаҳрамонимизни аламли ўйларга толдира-
ди:

*Ажаб, бу қандай ҳол,
Қандай сир эди?
Шу қушга худойим
Берсин тўзимни.
Қуну тун ўйланиб
Ийлагим келди,
Шу қушча ўрнида
Кўриб ўзимни!..*

Шу тариқа, шоир бу фаройиб қисса нақлидан ҳеч қанақа ҳисса хулоса чиқармайди, одатдагидек, ўқувчига ақл ўргатмайди. Аммо ҳушёр китобхон асарни ўқир экан, ўзини хаёлан, албатта, ўша митти қушча ва лирик қаҳрамон ўрнига солиб кўргиси келади. Асарнинг асосий «юк»и ана шу сатрларга жойлашгандай туюлади. Ундаги самимий эътироф, шаффоф туйғулар қалбнинг нозик торларини титратиб юборади, одамни ҳушёр торттиради. Машъум қафасдан қутулганимизга, мана, йигирма йилча бўляпти, неча ўн йиллар орзиқиб қутилган эркинлик, озодлик шароитида гоҳ танг вазиятга тушиб қолган онлари беихтиёр ўша таниш қафасни қўмсайдиغانлар йўқ дейсизми орамингда?!.. Буни ўйлаганда, албатта, одамнинг хўрлиги келади, беихтиёр кўзида ёш қалқийди.

• • •

Ўткиржоннинг ота-она, қадрдон сингил, болалик дўстлари, ўсмирлик йиллари ўтган она қишлоқ, бобо леҳқон, олтмиш йиллик ҳаёт йилларида дуч келган яхши ва ёмон одамлар, қувончли ва нохуш ҳодисалар туфайли қалбида кечган ўй-мушоҳадалар, гоҳ қасида, гоҳ мадҳия, гоҳ ҳажвий-киноя, гоҳ қувноқ ҳангома, ҳазил-мутойиба шаклида тизилган сатрлар, назмлар ҳам талайгина. Қишлоқда туғилиб ўсиб, не-не сўқмоқлардан ўтиб, шаҳарликка айланган, шаҳарликка айланса-да, бари бир қишлоқликларга хос хислатларини йўқотмаган, сочига оқ оралаган чоғларида ҳам туғилган юрти, болалиги, болалигида орттирган қадрдонларини беихтиёр қўмсаб юрадиган тенгдош замондош ижодкорларга хос кайфият унга ҳам хосдир. Шоирнинг:

*Отам каби гўё қишлоғим,
Онам бўлиб кутар у ҳамон.*

деган сатрлари шу ҳақиқатнинг эътирофи.

«Торинжак» шеърндаги мана бу сатрларни фақат Ўткиржонни айтиши, битиши мумкин:

*Бу ошёнда юрак саҳнига,
Лиёнатнинг тушмас излари.
Садоқатни сақлаб қалбига,
Авайлайди қишлоқ қизлари.*

*Бу дунёда не бўлмас ахир,
Тукилар гоҳ кўз ёш - бўзлари
Этиса ҳам гудайин бағир,
Сездирмайди қишлоқ қизлари.*

Қишлоқ қизларига хос драмалар, изтироблар билан йўғрилган лафофат ва матонатни бу қадар ҳаётин, табиий тарзда туйғулар кўзгусига солиб кўрсатиш осон эмас. Буни санъат дейдилар...

«Бободехқонга» қасидасида яқин кечмишнинг фожений манзаралари ихчам, лўнда ва таъсирчан сатрларда шундай гавдаланади:

*Толелари куйганлар ўтди,
Ўтди қанча жувонмарг жонлар.
Бу кунларни орзиқиб кутди,
Кўз ёшига ботиб мужгонлар.*

*Ўз боғида ўзи бегона,
Кун кечирди гўё бир қарол.
Узга қўшиқ айлаб девона,
Сарсон кезди хитобу савол!?*

Фожений қисматнинг ечимин ҳам деҳқончасига содда, лўнда ва таъсирчан:

*Ҳамроҳ эса сабр, матонат,
Кўнгилларга берарди далда.
Мутеликнинг занжирин фақат,
Парчалаган Истиқюл бўлди.*

Бу туркумлаги асарлар орасида «Синглимга» шеъри эггин ва нурли туйғуларнинг уйғунлиги, ҳаётийлиги, табиийлиги, нафосати билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг олдинроқ ёзган уч

қисмдан иборат «Синглимга хат» деб номланган шеърини ном
ўқувчиларга яхши таниш. Номадаги қишлоқ аёли қисматини к
инчаклик, матонатига чексиз эҳтиром туйғуси бу шеърга ҳам ку
ўтган. Аини пайтда шоир номада учрайдиган «прозаик тафсил
р»дан қочиб бу шеърда поэтик теранликка эришган, фикрлар ту
гулар уфқини кенгайтирган. Сингил сиймосини шоир, одатла
дек, она табиат манзаралари қуршовида, кўйнида шеърини тил
гавадалантиришга чоғланади: Сингил йўлига шамол ичкила
унга сирғалиб суюнади, офтоб ҳали кўрсатмай жамол, у кетма
олиб, йўлга тушали; шабнам унинг этагига суйкалади, лимон
ифор қитқилайди... Шу тарзда эрта тонгдан рўзгорига, олам
ризқ улашиш йўлидаги заҳматлар унга ота-онасидан мерос, Ў
ерга келганда шоир ёзади:

*Кўз ўнгимдан кетмайди сира,
Тонгни шомга улаган онам.
Отам энди армон, хотира,
Ортга қайтмас ўтган кунлар ҳам.*

Ўша дала, ўша ой, офтоб, тун кетидан тонглар отади. Заҳмат
авлодлар зиммадаги бурчини деб ҳар куни тонгдан шомга қалар дала
кезади. Шоир онадек азиз, меҳрибон, меҳри дарё, заҳматқат, фа
дойи сингилжони билан фахрланади, аини пайтда унга ачинади:

*Бугун сенга қирқта жон мерос,
Ташвишларга ҳеч бўш келмайсан.
Шаҳдинг эса онамларга хос,
Ором олсин жоним демайсан.*

Шоирнинг дил тубидан отилиб чиққан мана бу самимий сатр
лар сизу бизнинг қалбимизни ўртаб юборади:

*Менинг асал,
Менинг жон синглим,
Қойилмасман дунё ишига.
Сени ўйлаб ухламас кўнглим,
Мунча ташвиш аёл кишига! ?*

Фақат дала ташвиши эмас, ўз уйи, рўзгор ғамлари ҳам унинг
бўйнида:

*Ўз уйингдан ортмайсан ахир,
Фарзандларга меҳринг бахшида.
Рўзгорингни юки ҳам оғир,
Лекин синглим, боринг яхши-да!*

Шеърни ўқиб кунгил кувониб кетади, бугунги адабиётимизда шундай шеърларнинг бори яхши-да, ахир!

Ниҳоят, шоиримизнинг ижод йўли, шеърини тасвирга хос айрим хилдашлар, бетиним изланишлар тусфайли эришилган топилмалар тусусидаги кузатиш, мулоҳаза, таҳлил ва талқинларимизга хулоса ясаб ҳам булар энди. Аммо шоиримизнинг ўзи бизни бундай мушкулдан халос этгани учун ундан беҳад миннатдормиз. Ўткирдоннинг мана бу сатрлари мақоламизга яхшигина яқун бўла олади:

*Умр деган бу йўлнинг
Довонларидан ошдим,
Манзил томон гоҳ қувнаб,
Гоҳи ташвиш-ла шошдим.
Туйгулар қучоғида
Эзгуликни талашдим...
Йўлинг йироқ, мададни -
Дўстларингдан олгайсан.
Энг аввали не деса,
Қалба қулоқ солгайсан.
Гард инмаган бир шаффоф,
Туйғу билан қолгайсан.
Хурса хурибди итлар,
Йўлингдан қолма, шаштим!*

Ижоднинг машаққатли ва шавқли йўлида шоиримиздан бундан ҳам қалбига, шаффоф туйғуларига содиқ қолиб, шаштидан қайтмай, одамларга эзгулик улашишда давом этишини тилаб қола-

IV. БИР АСАР ТАРИХИ ВА ТАЛҚИНИ ХОЛИСЛИК ХОСИЯТИ

(Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» драмаси хусусида)

Адабиётчилар, адабиётшунослар давраида «адибнинг бош асари» ёки «шоҳ асари» деган тушунча бор. Умуман, сўз усталари номи тилга олинганда, биринчи гада, уларнинг айтиши шу асарлари кўз олдингизга келади. «Бош асар», «шоҳ асар» тушунчаси гоҳо нисбийдир. Миллат тарихининг муайян босқичларида ижолкор қаламига мансуб юксак санъат намуналари қолиб, замона зайлига, даврнинг маънавий-мафкуравий эҳтиёжларига мос келадиган, аслида мундайроқ асарлари сунъий равишда «кўтар-кўтар» қилинган. Совет ҳокимияти йилларида бундай нохуш ҳол роса кенг тарқалган эди. Бунини XX аср ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан Ҳамза Ҳакимзода ва унинг ижодий меросига муносабатда ҳам кўрса, кузатса бўлади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида сахна юзини кўрган, асл қўлёзма нусхаси сақланмаган, кейинчалик 1939 йили Комил Яшин гомонидан тикланган (ёзилган) синфий кураш, коммунистик мафкура руҳи билан йўғрилган «Бой ила хизматчи» қариндорим аср давомида Ҳамзанинг бош асари сифатида тарғиб-ташвиқ қилинди, сахналардан, мактаб дастури, дарсликларидан тушмай келди. Қайта қуриш йиллари бу асар, аниқроғи, «Бой ила хизматчи»нинг кейин ёзилган нусхаси хусусида қизгин баҳслар бўлиб ўтди. Комил Яшин ёзган нусханинг бадий қимматини, аҳамиятини асло камситмаган ҳолда, Ҳамза қаламига мансуб тўла ҳолдаги асл матннинг йўқлиги, бу асарнинг, умуман, Ҳамзанинг бадиияти хусусида виждонан, ҳолисона фикр юритиш, узил-кесил илмий хулосага келиш ишини мушкуллаштиради. Аслида, «Бой ила хизматчи» Ҳамзанинг ижодий тақдири учун ҳаёт-мамонт масаласи эмас. Адибнинг бахтига унинг «Заҳарли ҳаёт», «Янги саодат», «Бурунги сайловлар» каби асарлари, «Миллий шеърлар» мажмуалари вақтида китоб ҳолида чиққан, «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари» каби драмаларининг муаллиф қўлёзма нусхалари сақланган. Шу асарларнинг ўзиёқ Ҳамзанинг асримизнинг 10-20-йилларида шаклланиб қад ростилаган янги ўзбек адабиётидаги муно-

сиб мавқенини белгилаш учун етарлидир. Хусусан, «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» драмалари, «Ўткан кунлар» романи, «Абулфайзон» фожиаси, Чўпон шеърини қатори бизда янгича миллий-бадний тафаккур камолотини намойиш этувчи асарлар сирасига киради.

Тўғри, совет ҳокимияти йилларида ҳам «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» асарлари муайян даражада эътиборда бўлган, соҳналарда ўйналган, «Майсаранинг иши» асосида опера ва кино-комедиялар яратилган, улар ҳақида кўп илиқ гаплар айтилган, ёзилган. Шударга қарамай, барибир, бу икки асар «Бой ила хизматчи»нинг «соя»сида қолиб келган. Бунинг устига, бугунга қадар бу асарларнинг туб моҳиятини, муаллиф бадний кашфиётларини, адабиётимиз равнақида тутган ўрнини очиб берадиган, ўқувчига тавсия этиш, дарслик-мажмуаларга киритиш мумкин бўлган махсус тадқиқотларнинг йўқлиги ачинарли бир ҳолдир.

«Майсаранинг иши» персонажларидан бири «Иш қилсанг, шундай қилки, бутун дунё кулсин ё бутун дунё йиғласин!» дейди. Ҳамзанинг ўзи амалиётда - ижодий фаолиятида бу икки асари билан шу орзусини рўёбга чиқарган, «Майсаранинг иши» орқали бутун дунёни кулдириш, «Паранжи сирлари» орқали эса бутун дунёни йиғлатиш, ўйлатишга қодир истеъод эгаси эканини намойиш этган. Бу икки асар ўзига хос икки олам, бири халқона кочик тасвир; иккинчиси эса етук реализм, теран психологик ифода санъатининг ноёб намунаси. Ҳар иккиси алоҳида-алоҳида теран тадқиқотларни тақозо этади. Бу ерда гап кейинги асар устида боради.

Бу асарнинг тўлиқ номи «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагичлар иши»дир. Қавс ичида муаллиф «қўқонлик машҳур яллагичлардан Мастура ҳофизнинг турмушидан олинган» дея изоҳ беради. Бинобарин, Ҳамзанинг қатор асарлари каби, бу драма ҳам узун ва қўшалоқ ном билан аталган, қулай бўлсин учун уни ихчам қилиб, «Паранжи сирлари» деб аташ одат тусини олган. Асар 1926 йили (айрим маълумотларга қараганда, 1927 йили) Ҳамза меҳнат таътилига чиқиб, ижодий режаларини амалга ошириш учун Фарғонанинг сўлим ва осойишта қишлоғи Аввалда яшаган кезлари ёзилган. Таниқли ҳамзашунос Лазиз Қаюмовнинг ёзишича, бу асар «Ҳамзанинг бизга тўлалигича етиб келган камдан-кам драмаларидан бири...»дир. Ҳамза «кўпгина асарларини, шу жумладан, драмаларини ҳам жуда тез ва кўпинча «оёқ усти»да ёзган... «Паранжи сирлари» эса камдан-кам имконият бўлиб, Ҳамзанинг шошилмай ёзган асарларидан бири».

Ҳамзанинг ўзи «Таржиман ҳол»ида: «1912 йилдан 1925 йилгача олган истироҳатим шу!» дейди. Демак, «Паранжи сирлари» Ҳамзанинг қизгин ижтимоий, ижодий фаолияти бошланганидан бўён илк бор хотиржам бевосита ижод билан шугулланиш имконияти пайдо бўлган бир паллада майдонга келган.

Ҳамзанинг замона воқеаларига акс садо тариқасида ҳозиржавоблик билан «жуда тез ва кўпинча оёқ устида ёзилган» айрим драмалари замондош адибларнинг эътирозига сабаб бўлган. Чунончи, Чўлпон «Тарихнинг зарарлик тақаррури» мақоласида («Туркистон», 1924 йил 14 октябрь) босмачилик ҳаракати деб аталган ҳолиса ҳақида авом савиясига мос шошма-шошарлик билан бир неча бўлакдан иборат «Фарғона фожиалари»ни «валуолатиқ» (сенсацион) нарса; «ҳовлиқишнинг мевалари», «санъатдан йироқ асарлар» деб атайди. Уларни «тарих учун оддий материёл»; «ўшал вақтларнинг ўшал вақтдаги хабар (хроника)ларидан бошқа нарса бу на олмадилар», деб ёзади. Айни пайтда, Чўлпон Ҳамзанинг ноёб бадиий истеъдоди, катта ижодий имкониятларини ҳам эътироф этади, «Ҳамза ўртоқ ўзбек театрининг, ўзбек санъатининг юксалишида муҳим бир омил бўла олиши»ни алоҳида уқтиради.

Гарчи Ҳамза Чўлпон ганқидига жавобан кескин бир раддия ёзган бўлса ҳам, у қўлёзма ҳолда қолиб кетган. Эҳтимол, Ҳамза, гарчи аччиқ бўлса-да, ҳамкасби Чўлпон гаъналарида асос борлигини санъаткор сифатида ҳис этгандир, шунга кўра, раддиясини маълумотда чиқаришни лозим кўрмагандир. Орадан бир ярим-икки йил ўтиб яратилган «Паранжи сирлари» ва «Майсаранинг иши» асарлари, Чўлпон айтганидек, Ҳамза «ўзбек санъатининг юксалишида муҳим бир омил» эканини тасдиқлади; улар аввалгидек тез ва оёқ устида ёзилган «ҳовлиқишнинг мевалари» эмас, балки чуқур ўй мушоҳадалар, хотиржам ижодий изланишлар самараси, чинакам санъат намуналаридир. Афсуски, бу икки асар ўн беш йил давомида кенг жамоатчилик назаридан четда, қўлёзма ҳолида қолиб кетди. Бу орада Ҳамза ҳалок бўлди, Чўлпон қатл этилди. Агар Чўлпон бу асарлар билан танишганида, шубҳасиз, беҳал қувонган, балки Ҳамзани чин ижодий муваффақиятлари билан қутлаган бўларди.

«Паранжи сирлари», бир қарашда, даврнинг шунчаки долларб мавзуларидан бири - «Хужум» кампанияси муносабати билан ёзилган ҳозиржавоб асардек туюлади. Дарҳақиқат, драма ўша йиллари кенг урф бўлган мавзу - аёлларнинг ўтмишдаги ҳоли, қисмати, номус, ҳаё ва иффат пардаси саналмиш паранжи-чачвон остидаги қабихлик, жиноятлар ҳақида баҳс этади. 20-йиллари бу долларб

мавзуда ҳозиржавоблик билан битилган сон-саноқсиз асарлар орасида нари борса уч-тўрттасигина қимматини сақлаб қола олади.

«Паранжи сирлари» шулардан биридир.

Хўш, бундай умрбоқийликнинг сабаби нимада?

«Паранжи сирлари»нинг ижодий тақдирини, тажрибасин яна бир бор шундан далилат берадики, санъат асари учун мавзунинг долзарблиги, муҳимлиги у қадар аҳамиятли эмас, балки ижодкорнинг ҳодисага санъаткорона ёндашуви, мавзу воситасида инсонни кашф этиш, инсон жумбоғини ечини, инсон қалби, табиати ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш маҳорати ҳал қилувчи аҳамиятга молик. «Паранжи сирларининг, шунингдек, «Майсаранинг иши» драмсининг энг жиддий ютуғи - уларда ҳеч қанақа қолипларга сиғмайдиган Майсара, Мулладўст, Мастура, Холисхон, Мамат каби ўта ҳаётий, жонли, шу билан баробар, сержило, маънодор, ёрқин миллий характерларнинг яратилганлигидadır.

«Майсаранинг иши» билан «Паранжи сирлари»ни ҳамзанин «шоҳ асарлари» дейишимиз учун бош асос шуки, алибнинг бизга ча тўлалигича етиб келган бирорта асари бу икки драма билан асло тенглаша олмайди.

«Паранжи сирлари»нинг яна бир муҳим жиҳати тасвирдан холисликдир. Ҳамма замонасининг пешқалам зиёлилари қатори, асримизнинг 10-20-йилларида ижтимоий-сиёсий юксакларнинг ичида, тиржибида яшаш, фаолият кўрсатди: шахс ва ижодкор сифатида асарларида етакчи ижтимоий-сиёсий кучларнинг манфаат, интилишларини ҳимоя этди; 10-йиллари яратган асарларида анъанавий демократик қарашлар, диний-исломий тарғибот, айни пайтда жалдчилик, маърифатчилик, миллат раънақи, истиқболли, истиқлол гоялари етакчилик қилди, февраль инқилоби, айниқса, октябрь тўнтаришидан кейин яратган талай асарларида, хусусан, инқилобий шеърини, ҳажвиялари, «Лошмон фожиялари», «Фаргона фожиялари», «Бурунги сайловлар», «Эл кузгунлари», «Жаҳон сармоясининг энг охириги кунлари»да ҳодисаларга бир ёқтамалик, тарафқаштик билан синфий ёндашиш бошқа замонадор ижодкорларга нисбатан ёрқинроқ намоён бўлди. Ҳатто бу ҳол асоратини «Майсаранинг иши»да, қисман «Паранжи сирлари»да ҳам кўрса бўлади. Чунотки, бошда Холисхоннинг ташвишлари ҳаёлати ижтимоий тенгсизлик, синфий айирмалар билан боғланиди. Бироқ муаллиф бу икки асарида, айниқса, «Паранжи сирлари»да муайян замин ва замон зугумини, мафжуравий сиёсий тарафқашликнинг тортиш кучини енгиб ўтиб, юксак балний ижод донрасига бетараф холислик ҳудудига кўтарила олган.

Санъатдаги тарафкашлик майлини сира камситмаган, санъаткор бунга тўла ҳақли эканини тан олган, жаҳон адабиётида, жумладан, мафкуралашиш гамойили хийла кучайган XX аср ўзбек адабиётида тарафкашлик руҳида битилган кўнлаб нодир асарлар мавжудлигини асло инкор этмаган ҳолда, ҳолис тасвир йўли баъдий тафаккурнинг, адабий ижоднинг энг юксак тури эканини, тарафкашлик йўлида яхши асарлар битган талай атоқли адиблар охири-оқибат лоақал биттагина бўлса-да ҳолис роман, қисса ёки драма яратишни орзу қилиб ўтганликларини ҳам унутмаслик даркор. Бошқа ижод типларида, хусусан, тарафкашлик йўлида битилган асарларда шахс ва ҳолисаларни бир нуқтан назардан баҳолаш устун турса, ҳолис (объектив) тасвир учун кўповозилик, бир неча нуқтан назарнинг мавжудлиги хос хусусият саналади. Ҳолис ифода табиатан тезкорлик, ҳовлиқиш, ваулола кўтаришни ёқтирмайди, балки вазминликни, чуқур тафаккурни, мулоҳазакорликни, нуқул фош этиш, қоралаш ёки улуғлаш, ҳамду саноларни, эҳтиросларнинг ошқора изҳорини эмас, балки ҳодиса моҳияти таҳлилнинг тақою этади. Тарафкашлик руҳидаги асарлардан фарқли ўлароқ, ҳолис ифода йўли шахсни ижтимоий мавқеига қараб, яхши ёки ёмонга, ижобий ёки салбий қаҳрамонга ажратмайди, унда инсонни тушуниш, англаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади; шахста баҳо бераётганда «ижобий», «салбий» қаҳрамон орасидаги чегара аҳамиятини йўқотади, шахс бутун мураккаблиги, зиддиятлари, бир пантининг ўзида ҳам фазилатлари, ҳам ожизликлари, ҳам юксаклиги, ҳам тубанликлари билан намоён бўлади; шахс характерининг шаклланиши, унинг қисматида муҳит-шароит, ижтимоий омилларнинг таъсир кучи билан бирга, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган, онг-идрокдан ташқаридаги сирли-сеҳрли, тугма, илюзий хусусиятлар ҳам назарда тутилади...

Қаранки, баъдий тафаккурнинг ана шундай юксак турига ҳолис, етук, реализмга хос мана шу хусусиятларнинг айтарли барчаси «Паранжи сирлари»да мавжуд.

Сирдан қараганда, «Паранжи сирлари» бир жиноят тарихини иборат; аёлларни йўлдан уриб, бузуқ кўчаларга бошловчи Мастура ҳофиз қилмишлари, алданиб унинг тузоғига тушиб қолган бадавлат оила фарзанди, нурдек пок аёл Тўлахон (Ҳолиسخон)нинг қора қисмати асар фабуласини ташкил этади. Номусфуруш Мирзарайим қора, воситачи аёл Мастура, фоҳишафуруш Ёлгор, унинг хизматчиси Мамат, қолаверса, Ҳолиسخоннинг ота, она ва ҳолиси ҳаммаси бу жиноятга турли даражада дахлдордирлар... Фош этиш.

қоралаш-учун ниҳоятда қудай имконият! Муаллиф қора кучлар жинноятини фош этиш, билиб-билмай қора кучлар жинноятига ҳисса қўшган қолоқ, анқов, худбин кимсаларни қоралаш билан чекланиш ҳам мумкин эди. Шундай қилинганида, олди-қочдидан иборат енгил-елпи ўткинчи бир сарғузашт асар чиқар эди. Ҳамза бу хил осон йўлдан бормайди, санъатнинг ўта мушкул, масъулиятли йўлини танлайди; 20-йиллар шароитида хийла қаттиқ масалага қўл урди: улуг реалистлар анъанасига амал қилиб, тарафқашликдан қочиб, катта жасорат билан жинноятчи одамлар ишини, қисмати-ни ҳолисона тафтиш этиш, гуноҳқор ёки гуноҳ йўлига кирган шахслар жумбоғини таҳлил қилишга журъат этади.

Асарда замонни ҳис қилиш туйғуси ниҳоятда кучли. Муаллиф «Воқеа боши 1882 йилда, тамом бўлиши 1919 йил» деб изоҳ бериб ўтади. Мабодо шундай изоҳ берилмаганида ҳам, ҳодисалар рус мустамлакаси, чор истиблоти даврига дахлдор экани аниқ сезилиб турибди. Кекса персонажлардан бири ҳозирги ёшлар орасида эркин севги йўлини тутганлар пайдо бўлаётганидан нолиб, болалик хотираларини эслаб: «Бизнинг замонамида бундайлар йўқ эди. Раҳматлик Матқобил совунгарнинг қизи қочиб теккани учун хон куёви билан икковини ибрат учун ерга ётқизиб, қўрғоннинг деворини оғдартирди, деб бувим айтувдилар», деганида бошқа бир қария назомат билан писанда қилади: «Ул вақтлар мусулмонободнинг қайнаган чоғлари эди. Ҳали мусулмонобод қолди, дейсанми?»

Демак, мустамлака йилларида мусулмончилик таомилларига дарз кетган, шариатнинг қаттиқ талаблари, қонунлари сусайган, гўё шахс эрки учун бирмунча имкониятлар очилган. Хўш, бу ҳол ҳалол, покдил инсонларга, айниқса, аёлларга нималар берди? Янги шароитда улар бахтли бўлолдими? Асло! Қолоқ феодал таомиллар истиблот даврининг «эркинлик» кўринишидаги бузуқликлари, ўлкадаги ҳукмдорларнинг юлғичлик, порахўрликка асосланган сиёсати билан қўшилиб, янгидан-янги мудҳиш қабоҳатлар, жиноятларга йўл очиб берди. Ҳамза 1917 йили ёзган мақолаларидан биридаёқ «Русия ҳукуматига ўтганда, яна сиёсат ноғви билан бутун эгавлануб, бошқача турли-туман бузуқчиликларни эрмак қилувчи шажбурният кўрилган»ини изтироб билан эслаб ўтган эди.

Асар билан ганишганла баралла ҳис этиб турасиз: бир томондан, ҳаётда, шахсий турмушда, оилавий муносабатларда қолоқ таомиллар муваффақият билан давом этади. Энг ёмони, эл-юртнинг маънавий дарғалари, раҳнамолари ёшига, мавқеига ярашма-

ган ишлар билан машғул. Мастура ҳофиз киноя-кесатиқ билан дейди: «туслик эшонни қаранг, саксонга кирибдилар, оёқларини осмонга қилиб қўйсанг, аранг осмонни кўрадилар. Шу ҳолларига беш хотин; олди ўн тўрт яшар».

Иккинчи томондан, янги шароит таъсирида аёллар орасида унча таомиллар таркиб топа боради ва бу ҳол мудҳиш тус олади. Бундай шармандали ишлар ҳатто туслик эшон хонадонига ҳам кириб борали: «...тамомининг ўйнаши бир ҳафталаб ётиб кетади. Эшонимиз «Витир вожиб»ни ўргатганлари-ўргатган. Хабарларни йўққи, бир уйда биттасига бир киши «Витир вожиб» билан овора, тўртта уйда тонг олгунча «ўтир вожиб» бўлиб чиқади».

Ҳофиз аёлниң фикрича, «ҳозирда кўртимизнинг ярмидан кўни акабаччалик бўлса, қолгани ўйнашлик. Нима қилсин, яхши кўрганига тегмаганидан кейин ноиллож хилват топиб ўйнайди ёки сатанглик, акабаччалик билан ўзини юпатади».

Мана шундай вазият, шароит Мастура каби воҳишчи жиноятчиларни етиштирди. Мастура ўз ишларидан сўз очиб, дангат: «Менинڭ қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабаччалари чиқди. Йигирмага етиб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳаммаси тўрлик билан эрга тегиб, кўнгилсиз бўлганлар, яхши кўргани билан ўйнаганлар», дейди.

Бу хил кимсаларга, уларнинг жинойий ишларига ҳукуматнинг муносабати қандай? Расман бундай ишлар тақиқланган, бу иш билан қўлга тушганлар жиноятчи сифатида судга берилиши, Сибир қилиниши мумкин; айни пайтда, пул-пора билан ҳамма нарсани ҳал этиш ҳам мумкин. Жиноятчилардан бири шундай аянчли воқеани ҳикоя қилади: «Бир камбағалнинг уйига куппа-кунлик паранжи ёпиниб кириб, ўн уч яшар қизини булгаб, ўлдириб, қўшиб турганининг устига кириб тутдилар. Нима қилдилар? Уч ойгина қамаб, икки юз сўмини шилқиллатдилар-у, «ўзинг қўшиб даъво қилгансан! Мастлик билан ўлдирипти», тагин аллашима батоларни топиб, бунга оқ фотиҳа бериб, у шўринг қурғурни уч йилга кесдилар. Буни ким қилди? Икки юз сўм қилдими?!» Ўша персонаж армон, алам-ўкинч билан айтганидай: «Мана, юртда ҳукумат Мана, губернаторию, ҳокими, қўрвошидан тортиб қози-мозиси!»

Бундай юртда, шу хил вазият, шароитда хилма-хил бузуқлик қабоҳатлар, жиноятларнинг чеки бўлиши мумкинми? Асло! Қизини шундаки, кўриб ўтганимиздек, жамиятда рус истилосидан кейинги мавжуд тартибот, қолоқ олатлар, уларнинг мудҳиш оқибатларини ҳақидаги бу хил ҳақ гапларни одатдаги «ижобий қахрамонлар» эмас.

балки жиноятчи кимсалар ёки гуноҳ йўлга кирганлар айтадилар; бош жиноятчилар одатдагидек қолоқ, каттабин кимсалар эмас, аксинча. ақлли, тадбиркор, қилни қирқ ёрнига қодир одамлардир; улардан бири эътироф этганидек, ҳукумат қонун-қоидаларини судлардан сўраб-сўраб ўрганиб ўзлариям суд бўлиб қолганлар...

Мана энди драмадаги етакчи персонажлар, улар табиатига хос хусусиятлар устида бақамтироқ тўхталсак бўлар. Аввало, Мастура ҳақида.

Асарнинг қўшалок номидан бири - «Яллачилар иши» шу аёлга нисбатан берилган. Муаллиф, асар «Мастура ҳофизнинг турмушидан олинган», деган изоҳ орқали бу фикрни яна бир бор таъкидлагандай бўлади ва, ниҳоят, асар қатнашчилари тавсифида илк бор Мастура номи тилга олинади. Дарҳақиқат, асардаги энг муҳим фигура, гаройиб жумбоқ аини шу образдир. Асардаги бу гаройиб-табиат шахсни етиштирган ижтимоий муҳит талқини тўғрисида бая қисман тўхталиб ўтдик. Айни пайтда, санъаткор Мастурани қаллоблар лаврасига тортган ўта хусусий, Фрейд назариясига таяниб айтадиган бўлсак, онг-идрокдан ташқарида содир бўладиган сирли-сеҳрли жиҳатларга ҳам эътиборни қаратади. Бу борала, юзак қараганда, оддий мантиққа тўғри келмайдиган, аслида эса юз бериши мумкин бўлган ҳаётин, табиий ҳолатларга дуч келамиз. Бир ўринда Мастура ўзининг қора кечмишидан сўз очиб, қандай қилиб бу кўйларга тушганидан ўзи ҳам ҳайратда эканини эътироф этади: «Баъзи йигитни шунақа меҳригонлик қилиб яратар экан. Ахир, поччангиз шунақа эди. Ўзи хунук бўлса ҳам, бир марта гаплашгандан кейин ўлдим-қолдим. Ноилож тегдим. Бўлмаса, аввалги эрим кесган гуддек, гаплари булбулдек эди-ю, кўзимга пашинача кўринмади-қолди... Охири уни-муни баҳона қилиб чиқдим у бунга тегдим. Шу кўйларга тушдим». Гап номусфуруш Мирзараим устида борапти. Аёл унинг раъйи деб қилган ҳадсиз гуноҳларига иқроф, «бир бошимга шу ер юткурни деб беҳисоб ёш келинчақларни йўлдан чиқардим. Ўнга етиб бева-бечораларнинг қизини хароб қилдим ва пулини шу фалокатнинг белига тугдим», дейди афсус-наломат билан. Маълум бўляптики, Мастура бу кўйларга ижтимоий муҳит, шарон таъсирида тушган эмас, бунда бирор гама, гараз ҳам йўқ, балки кўнгил майли туфайли беихтиёр шундай савдоларга гирифтор бўлган. Энг ёмони, Мастура ўзи тутган йўлнинг кони гуноҳ эканини билгани ҳолда фаолиятини давом эттираверади, домига тушганлар билан баъзи жамшидларни авжига чиқаради. У тузган давраларда янги чиққан шароб - пиво, винолар тортилади, беибо

қилиқлар, ҳангомалар, уятсиз кўшиқлар бозм авжиге авж кўшадилар. «Беш кунлик вафосиз дунёдан ўйнаб-қулиб ўтиш» бош широк айланали; айни пайтда, бозми жамшид соҳиб бу хил «ўйин-қулгиларнинг гирди-гашти» бошқа бировларнинг бошига не-не савдолар солишини аччиқ истеҳзо билан эътироф этади. Қизиги шундаки, бу гуноҳкор банданинг - янги замон типининг қалбида ичон асоратлари ҳам сақланиб қолган: у охир чоғда ҳажга боришни орзу қилади, эри таънасига жавобан: «Сизни деб ҳора бўлган бу юзларимни байтуллоҳга суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўгараман?» дея дил розини очали. Бу ишга у кўпдан ҳозирлик кўради, маблағ йиғали, унга ҳаром аралаштирмайди, ҳаром пуллардан ҳазар қилади, ўзи айтмоқчи, бу «Саргардоннинг пули эмас», дўппи тикиб, ҳалол меҳнати эвазига тўплаган... Қаранг, машҳур яллагчи, бузуқ ишлар билан тилларда дoston бўлган бу аёл табиатида, дилида нималар бор! Адибнинг санъаткорлиги биринчи гада инсон табиати, дилига ҳос шу хил гаройиботларни кашф этганлигида.

Модомики персонажлар шарҳини Мастуралан бошлаган эканмиз, гапни яна бир гуноҳкор, айни пайтда, гаройиб шахс Мамат орқали давом эттирайлик. Тадқиқотчилар Маматни «каллакесар», «қонхўр» деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат, расман Мамат жиноятчи - қонхўр, каллакесар; Холисхонни қўлга киритиш йўлида уз соҳибни Ёлгорни, Холисхон ҳалоскори Тожибойни чавақтайди. Мана шу қотил, қонхўр одамда бошқа жиҳатлар ҳам бор. Аввало, у одамларга баҳо беришда ҳолис ва одил. Мана, унинг Холисхонга берган баҳоси: «Хотин бўлса, бир султоннинг саройига ярашалиган покита бир хотин. Озгунчилар касофати билан вақтинча шу кўргуликларга тушиб турган...» Бошқа бир ўринда Холисхондан сўз очиб, Ёлгорга дейди: «Барибир, бу қиз алдов, зўрлик билан бу ҳолга тушган. Буни ёшлик чоғидан бузуқ тарбия қилиб келинса эди, унда ўз ихтиёри билан чиқар эди, сенга нон берар эди...». Шу тариқа бутун асар давомида Холисхонга энг тўғри, ҳолис, одилона баҳо ни ана шу қонхўр одам оғзидан эшитамиз.

Мамат одам жонига қасд қилиш гуноҳ эканини билади; билиб туриб гуноҳ ишга қўл урар экан, ўзини оқлаш учун асослар ахтарали: «Юртингда аҳли давлат ва мансабдорларнинг қилган кирди корларига сен ҳар қаламда бир одам қонини ичсанг оздир», дея ўзига таскин беради. Бу қонхўр кимса Ёлгор жонига қасд қилишга чоғланар экан, асло ачинмайди, буни бир «аблаҳнинг ҳақоратларидан ўч олмоқ» деб билади. Аммо Тожибойга келганда «юраги бир

оз қизғанади»: «Нимагаки, бу бегуноҳ, Шунчатик икки ошиқ-маъшуқни бир-биринга қўшадиган холис киши ҳам бир хотинни ёмон кутқадан кутқазиб, дунё ва охиратини обод қилиш учун бел боғлаган бир қаҳрамон йигит». Шу тарзда бу қаҳрамон йигит тўғрисидаги энг одил баҳони яна ўша қотил оғзидан эшитамиз. Пировардида Мамат Ёдгорга қўшиб Тожибойни ҳам гумдон қилишга мажбур бўлади. Ниҳоят, Холиسخонга етишини имконияти туғилди. Шунда у «Худога шукр, бажара олдим», дея енгил тортгандай бўлади, айни пайтда, Тожибойни эслаб: «Лекин шу йигит гуноҳсиз кетди. Охири шунинг уволи мени тутса керак», дея ҳасратда қолади. Асар қотил шахснинг ана шу ҳасрат-армонли сўзлари билан тугайди.

Одамни таажжубга соладиган яна бир жиҳати шундаки, Холиسخон васелига интилганлар орасида энг собит ва фаоли - шу қотил кимса. Норбойваччанинг ингилишларида шахвоний ҳирс ва моддий манфаатдан бошқа нарса йўқ, у ҳирсни қондиргач, қизни пуллаб юборали. Ёдгорнинг Холиسخонга муносабати ҳам Норбойваччаникидан айтарли фарқ қилмайди. Асарда Холиسخоннинг чин ошиғи Рустамбек номи кўп марта тилга олинади, аммо ўзи кўринмайди. Ҳатто Холиسخон изини излаб Самарқандга ошиқ йигитнинг ўзи эмас, унинг дўсти Тожибой келали. Орқаворатдан берилган таъриф-тавсифлардан маълум бўладики, Рустамбек хийла китобий одам, унинг ишқи ҳам китобий. Бундай одам Холиسخондай аёлга бахт ҳая этиши қийин. Эҳтимол, муаллиф шафқатсиз реалистик асарга Рустамбек каби китобий ошиқни киритишни лозим кўрмагандир. Унинг дўсти Тожибой гарчи «дунё ва охиратини обод қилиш учун бел боғлаган бир қаҳрамон йигит» бўлса-да, китобийроқ, ишонувчан одам. Шафқатсиз замонда чин халоскор бўлишга, қолаверса, ўзини ҳимоя қилишга қодир мардона шахс эмас. Шу туфайли у увол кетади...

Таажжубки, охир-оқибат, Холиسخоннинг оташин ошиғи, ёлғиз паноҳи, халоскори ўша шафқатсиз, қотил кимса Мамат бўлиб чиқади. У Холиسخонга «Сенга паноҳ бўладиган мендан бошқа бир одам йўқ», деганида самимийдир. Ҳамза улуғ реалист сифатида қотил шахснинг ишқи, халоскорлиги ҳақида сўзлашга журъат этади. Бу жаҳон адабиётида сийрак учрайдиган ҳол! Мамат Холиسخонни девоналарча «дунёда ҳар нарсадан ортиқ» севади. Бу девона ошиқ кўпдан бери аёл атрофида парвона, уни ифлос маскандан кутқаришга тайёр, бироқ маъшуқа уни ёнига ёндаштирамайди. Мамат эса аёлнинг ўзгалар билан бўлиб кетишини тасаввур ҳам қилолмайди: «бу гурбатда бу қадар ишқнинг алами билан ҳаргиз чидол-

мас•лигини билали; аёлга қарата «Сендан айрилишнинг ўзи менга ўлим», дейди. Ишқ оловида маст бу нотавон кўнглил гоҳо унинг келиб, бу аёлнинг тенги эмаслигини, аёлдан жавоб севгиси кутини «қуруқ хаёл» эканини ичдан ҳис этиб, ўзини саволга тута бошлайди: «Эй, Мамат, сенга нима бўлди?! Ақлингни тўпла... Шунча давлат, маишат билан Ёдгорни пашшача кўзига илмаган бир хотин сендек соқолига... қор ёққан бир нотавоннинг этагини тутсинда, сенга вафалик хотин бўлсин эмиш. Бироқ бу «мушкул ишқ» жазбаси, бари бир, уни тинч қўймайди. Бу телба, бешафқат кимсанинг ишқи ҳам ўзи каби девонавор, шафқатсиз. Аёл кўнглини ололмагач, зўравонлик билан унинг васлига талпиниши, орага дижрон таҳдид солганида, ҳатто маъшуқасини ўлдириш ниятидан ҳам тоймайди: «бир жонингни олмай жон бермайман», дея онт ичади. Айни пайтда, аёл васлига эришгудай бўлса, бир умрга вафодор эр бўлишга, унинг барча орзу-истакларини рўёбга чиқаришга тайёр...

Қаранг, бир қонхўр, шафқатсиз одам кўнглида қанчалар дард, сир-асрор бор! Буларни кашф этиш учун чин санъаткорнинг соҳрли қалами даркор. Ҳамза ана шундай қалам соҳиби эди.

Драмадаги яна бир етакчи персонаж танқидчиликда «тулгат ичидаги бир нур ва нурдек пок»; «янгилардаги илғор ўзбек кини», деб таърифланган Холисхондир. У хусусида қисқа қилиб шунини айтиш мумкинки, бошда у Ҳамзанинг аввалги асарларидаги ижобий аёл образидан унча фарқ қилмайди; ўз орзу-идеаллари йўлида курашади, эркин сеvgи йўлини тутаяди, сеvgисиз деб ота-она раъига дадил қарши чиқаяди; алданиб, ифлос масканга тушиб қолганида ҳам имкон қадар ўзлинига, сеvgисизга содиқ қолади... Бироқ муҳит, шароит зугуми остида бора-бора муҳит фарзандига айлана бошлайди. Биламизки, Ҳамзанинг аввалги асарларида бу хил қаҳрамонлар, масалан, «Заҳарли ҳаёт»даги Марямхоним, «Истибод қурбонлари»даги Санавбар фақат орзу-идеал қанотида парвоз қилувчи романтик табиат шахслар, улар орзу-умидлари йўлида кураша-кураша, бунга эришолмагач, жонларига қасд қиладилар, таслим бўлишдан кўра, ўлимни афзал биладилар. Холисхон салафларидан фарқли ўлароқ, пировардида романтик парвозлардан чекиниб, моддиюнча-реалистик ўй-мушоҳадалар томон юз ўгира бошлайди. Бу фожий шахс талқинида ҳам муаллиф асарининг бош тасвир йўриғига, шафқатсиз реалистик услубига мос тарзда қалам тебратаяди. «Ҳар ким бу дунёда ўзига ўзи бек, ўзига жафокор»; «Килдим, қилдим, ҳаммасини подонлигимдан ўзим қилдим»; «Ҳовлиқиб-ҳовлиқиб-ку шунча расволикларга қолдим»; «Ўзинингизни-ки

уддиришни ҳам иложи бўлмагандан кейин нима биландир юпатиш одамга одат бўлиб, худ-бехуд нима қилганини билмай қолар экансан. Менинг ҳозирги аҳволимни кўрган киши ҳар нарса деса, рост;» «Нима қилай, менга ёруғлик кун йўқ экан...» - мана, Холисхоннинг сўнги дил розидан, ишига ўзи берган баҳосидан баъзи давоҳалар Ниҳоят, у Мамаат олдида таслим бўлар экан, охириги мизожларини изҳор этади: «Майли, суйганимни кўрмасам ҳам, ~~о~~онамни кўрсам бўлди. Пешонамда ёзгани сен экансан, менда нима чора?» У севги деб ота, она, хеш-акраболарни ерга қаратгани учун «мана шу расво юзи» билан шуларни кўргани чидаган юзига ҳар кунни минг тулурсалар оз деб биледи...

Бунинг учун Холисхонни койиб, буни шунчаки ожизлик аломати, деб бўлармикан? Ҳаётда бунақалар оз дейсими? Бир ўринда она бечора ўз қисматида сўз очиб: «Битта ўлдим-куйдим деган меннинг ўзим эдим. Беш йил, ўн йил йиғладим, охири кўрмагандек бўлиб кетдим. Буям бир кунини кўрар. Ишқилиб, қора боши соғ бўлса бўлди...» дейди. Эҳтимол, Холисхон ҳам онаси, қолаверса, минглаб бошқа аёллар қатори «замин олами» бўлиб, севмагани билан бир нави турмуш қуриб кетар... Аммо бу айтишга осон. Орзу нуқтаи назаридан қараганда, бу фоний дунёда бундан ортиқ фожиа борми? Ахир, беш йил, ўн йил, балки умрбод йиғлаб ўтган умрни умр деб бўладими?! Начора, ҳаётда ҳамманинг айтгани, ўйлагани бўлавермайди. Инсон боласи охир-оқибат турмуш шафқатсизликларига, тақдири азал ҳукмига бўйсунушга мажбур. Қолаверса, севгани васлига етишиш ҳам ҳали тўқис бахт дегани эмас. Персонажлардан бири эслатганидай, «Битта севиб теккан Кумушхонми?» Бошинг айланиб, бир кириб қолсанг, гаму ҳасрати қулоқ-моянгни қоқиб қўлингга беради. Қон қақшаб йиғлаганига Худонинг раҳми келсин». Холисхон учун орзу саналмиш Кумушхон турмушининг бу хил жиҳатлари ҳам реалист муаллиф эътиборидан четда қолмади. Кўп ҳолларда ҳаётда, ижодда тарафкашлик йўлини тутган Ҳамза шу тариқа бу шафқатсиз реалистик асарида ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатига охиригача холис, тик қарайди!

Ниҳоят, «Паранжи сирлари»нинг реалистик фазилятлари унинг тилида ҳам ёрқин намоён бўлган. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ҳамзагача ва Ҳамза даврида ҳам ҳеч бир ёзувчининг тили Ҳамза тилидек жонли ва ранг-баранг халқ тилига яқин бўлган эмас», деган сўзлари биринчи галда айни шу драмага тааллуқли. «Паранжи сирлари»да ўша давр асарлари тилида учрайдиган сунъийлик, ҳар хил яса-
Маликлар, ўринсиз шевачилик аломатлари, сингармонизм ҳоди-

саси таъсири айтирли кўринмайди. Етмиш йил бурун битилган бу асар тилининг неча ўн йиллар давомида такомиллашиб, санқал топган бугунги адабий тил меъёрларига ўта яқинлиги, мослиги кишини ҳайратга солади. Юқорида асар матнидан келтирилган кўчирмалардан ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳар қандай сиёсий, мафкуравий зугумлардан, тарафкашликлардан холи, бешафқат, мардона бир реалистик руҳ билан йўғрилгани, қолипларга тушмайдиган гаройиб миллий характерларни кашф этиб берган, замонавий ўзбек адабий тилининг ноёб бир ёдгорлиги, хазинаси бўлмиш бу асар чиндан-да улуғ адиб Ҳамзанинг бош асари, шоҳ асари дейишга лойиқдир.

1997 йил.

АДИБ АДАБИЙ ИЖОДИНИНГ ЧЎККИСИ («Абулфайзон» фожиаси ҳақида ўйлар)

XX асрнинг 10-20 йиллари, аниқроғи, 10-йиллар миёнасида 20-йилларнинг ўрталаригача бўлган ўн-ўн икки йиллик давр миллий адабиётимиз ривожини учун кескин бурилиш, гаройиб мўъжизалар, ўзгаришларга мўл даврдир. Жаҳоннинг кўп халқлари адабиётида неча ўн йиллар давомида содир бўлган жарёнларни ўзбек адабиёти шу қисқа муддат ичида бошдан кечирди. XVII ва XIX аср Европа адабиётига хос адабий шакллар, оқимлар - маърифатчилик реализми, романтизм, танқидий реализм, аср бошларида шакллана бошлаган соцреализм, шунингдек, авангард адабиётининг талайгина тамойиллари - барча-барчаси турли кўринишларда бу адабиётда намоён бўлди.

Адиблар дунёқарашида содир бўлган силсилалар ҳам ҳайратомуз. Анъанавий халқчил демократик қарашлардан туб ислоҳчи жадидчиликка, сўнг миллий озодлик, истиқлол курашчисига; барқарор фундаментал диний-исломий эътиқоддан унинг ислоҳчисига, диний мутаассибликнинг танқидчисига, сўнг жанговар даҳрийликкача - бир авлод онгида қисқа муддат давомида шунчалар ўзгариш!.. Бугина эмас, етук зиёли ижодкорларнинг бир қисми большевиклар мафкурасини ҳам қабул қилдилар. Умуман, ижодкор зиёлиларимизнинг шўролар ҳукумати, большевиклар мафкураси, сиёсатига муносабати хийла мураккаб ҳамда зиддиятли. На Ҳамза, на Қодирий, на Чўлпон ва на Фитратни бутунаси социалистик тузум, большевикларнинг одами ёки душманига чиқариб бўлмайди. Улар фаолияти, қарашини ва ижодида шўролар воқелиги

ва сиёсатига хайрихоҳ ёки норозилик кайфиятларини тасдиқлайдиган жстаганча далиллар топиш мумкин. Шунингдек, уларнинг ижодий меросини яхлитлигича бирор ижодий оқим, адабий мактабга тўла мансуб этиш ҳам ўринсиз. Улар ҳар қандай тарафкашликлардан холи ҳолис-объектив илмий ўрганиш, таҳлил этишга муҳтож.

Бу жиҳатдан, айниқса, Фитратнинг ижтимоий фаолияти, адабий-бадний мероси жиддий илмий баҳс, мушоҳадалар учун ноёб манба бўлиб хизмат этади. Таассуфлар бўлсинки, етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Фитрат ҳаёти ва ижоди асосан мафкуравий мезонлар бўйича икки хил рангда талқин этилиб келинмоқда. Бир вақтлар синфийлик, коммунистик партиявийлик принципи асосида Фитрат фаолияти, ижоди бошдан-оёқ реакцион ҳолиса, ашаддий миллатчилик кўриниши сифатида қораланган, рад этилган бўлса, эндиликда антикоммунистик позицияда туриб, айни шу ҳолатлар ижобий баҳоланмоқда; Фитрат дунёқараши, фаолиятидаги мураккаб, зиддиятли, машаққат ва изтиробларга тўла изланишлар назардан соқит қилинмоқда. Ҳолбуки, унинг ўзи ҳаётидаги шу хил зиддиятли ҳолатларни алоҳида қайд этиб ўтган. Адибнинг эътироф этишича, бошдан у мутаассиб бир мусулмон бўлган, ислом тарихига оид мухтасар бир рисола ҳам ёзган, янги бошланган жадидлар ҳаракатига қаршилиқ қилган. Сўнг жадидлар ҳаракатига аралашади, жадидларнинг ташвиқ ва ёрдами билан Туркияга таҳсил учун боради, у ердан реформатор-ислохотчи бўлиб қайтади, диний реформа тарафдори бўлиб чиқади, динни фан билан шелиштириш, фанга тўғри келмайдиган хурофотлардан тозалаш ҳаёлида юради, бора-бора жанговар даҳрий-атеистга айланади, динга қарши фикрлар тарқатади. Бунинг учун «Худосизлар» журналида босилган қатор ҳикояларини эслаш kifоя. Фитратнинг панисломизм, пантуркизм, шунингдек, 1917 йил февраль инқилоби, октябрь тўнгаришига, амирлик тизимига, шўролар ҳукумати, сиёсатига, Қўқон мухторияти, босмачилиқ ҳаракатига муносабати - улар ҳақидаги ўз эътирофлари, бу борадаги амалий фаолияти, матбуотдаги чиқишлари, сиёсий публицистикаси, хусусан, «Шарқ сиёсати» китобидаги мулоҳазалар билан танишган ҳар бир одам бу улуғ аллома ўша кезлари нақдлар мураккаб, зиддиятли маънавий-руҳий иланишлар жараёнини бошдан кечирганлигини барақлла кўради, ҳис этиб туради. Айниқса, Бухоро Жумҳурияти раҳбариятидаги фаолияти ва у ердаги масъул лавозимлардан кетиш тарихи фан учун жиддий жумбоқ бўлиб қолмоқда. Озгина

фурсат ичида гоёт кўпқиррали фаолият, ҳокимият ва унинг тева-
рагидаги зиддиятлар, бу ижтимоий-сиёсий тўзон ва бўҳрон ичида
улуғ адломанинг ҳолати, тутган мавқеи масаласи келгусида кўп.аб
гарихий-илмий, адабий-бадиий тадқиқотлар учун мавзу бўлса ажаб
эмас. Ҳозирча Фитрат фаолияти, ижодий меросидаги бирор жи-
ҳатни дастак қилиб олиб, дарҳол қатъий ҳукм-хулосалар чиқаришга
шошилмайлик. Биргина масала - адабнинг шўролар ҳукумати, боль-
шевиклар сиёсати ва мафқурасига муносабати хусусида айтган ўз
ўтирофларини эслайлик. Чунончи, унинг: «Мен ўзбек миллатчи-
си бўлган замонларда ҳар вақт шўро ҳукуматига ва коммунистлар
фирқасига хайрихоҳ бўлиб турдим»; «коммунистлар фирқасининг
миллат масаласини бутун дунёдаги сиёсий фирқаларга кўра тўғри
ҳал қилганини яхши билар эдим», коммунистлар фирқаси «мус-
гамлакачилик асосларини емиришда кескин йўл тутгани» кун сайин
очиқ кўринмоқда; «мен бор кучим билан марксизмни ўрганишга
ҳаракат қиламан, марксизм усулини илмиётда энг тўғри усул деб
биламан ва ўзимнинг илмий ишларимни шу усулда олиб боришга
уринаман» деган сўзлари қанчалик самимий экани ёки айрим ҳам-
касбларимиз даъво қилганидек, «яқинлашиб келаётган сталинча
қирғиндан омон олиш» мақсадида шахсий муҳофаза учун айтилган
ни шахсан мен учун қоронги. Айни вақтда ўша кезлари улуғ адаб-
нинг миллат дарди, озодлиги, истиқлол қайғуси билан нафас ол-
гани, миллий мерос, қадриятларнинг билимдон тадқиқотчиси,
эҳтиросли ҳимоячиси, тарғиботчиси экани ва айни шу хил ҳагги-
ҳаракатлари жиддий қаршиликка учрагани ҳам рад этиб бўлмай
диган ҳақиқат.

Фитратнинг қизгин адабий ижодий фаолияти айни ўша ҳаёти
ва қарашларида кескин силсилалар кечаётган йилларга тўғри ке-
лади, унинг энг машҳур драматик асарлари - «Чин севиш», «Ҳинд
ихтилолчилари», «Абулфайзхон», «Арслон» 1920-1926 йиллари чоп
этилган, сахнага чиққан. Фитрат ҳам замондош-маслақдошлари каби
ижодини Овруро андозасидаги маърифатчилик реализми руҳида-
ги асарлардан бошлаган, сўнг романтик «Чин севиш», «Ҳинд их-
тилолчилари», «Шайтоннинг тангрига исёни», изчил шафқатси-
з реалистик йўналишидаги драмалар («Абулфайзхон») яратишга ўтган.
1926 йили чоп этилган «Арслон» драмасида эса романтик ва ре-
алистик унсурларнинг қўшилиб-туташиб келиши, ҳодисаларга син-
фий ёндашишнинг мавжудлиги, оддий меҳнаткаш, курашчан одам-
нинг асар марказида туриши каби соцреализмга хос аломатларни
кўриш-кузатиш мумкин.

Ўлчилик яқдиллик билан тан олганидек, Фитрат адабий ижодининг чуққиси «Абулфайзхон» тарихий фожиасидир. Бу асар реалистик хусусиятлари жиҳатидан 20-йиллар ўзбек адабиётининг «Ўткан кунлар», «Паранжи сирлари»дек етук намуналари билан бир қаторда туради. Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, бу фожа Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар сирасига кирали.

Минг афсус, бу асарнинг дунёга келиш тарихи, ижодий жараёни, муаллифнинг ўша кезлардаги руҳий-ижодий ҳолати ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Гарчи асар 1924 йил Москвада СССР халқлари марказий нашриётида чоп этилган бўлса-да, у оддироқ, ҳар ҳолда, «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Шайтоннинг танрига исёни» асарларидан кейин, балки, Фитрат Бухоро жумҳурияти раҳбариятида ишлаган ёки масъул лавозимлардан четлатилган кезлари ёзилган деб тахмин қилиш мумкин. Ҳар ҳолда, бу фожа адиб ҳаётидаги энг оғир бўҳронли руҳий ҳолатлар вақанжасида, изтироблар оловида қоврилаётган бир паллада ёзилганлиги аниқ. Фитрат олдин ҳам мозийга мурожаат этиб, «Або Муслим», «Темур сағанаси», «Ўғузхон» сингари драмалар яратган, бу асарлар улкан тарихий шахслар ҳаёти, ўтмишнинг оғир ва шонли саҳифалари ҳақида баҳс этади; «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Шайтоннинг танрига исёни» асарларида қаҳрамонлар қисматидаги мураккаб, чигал вазиятлар қаламга олинса-да, уларда, оқибат натижада, исёнкорона курашчан руҳ устувор. «Абулфайзхон»да эса ўзгача ҳол, айни «Ўткан кунлар»даги каби муаллиф мавзунини тарихимизнинг «энг кир, қора кунлари»дан белгиланган. Асар асосида ёрқин сиймолар эмас, балки, золим, қаттол, аянчли бир шахснинг фожைய қисмати ётади. Шуниси характерлики, «Абулфайзхон» билан деярли бир пайтда ёзилган Ф. Юнуснинг «Заҳҳоки морон», Чўлпоннинг «Ёркиной» асарларида ҳам шу хил кимсалар образи гавдалантирилган, ўша кезлари ўзбек театрларида саҳналаштирилган усмонли туркларнинг улут адибларидан Шамсиддин Салимбекнинг «Кован оҳангар» пьесасидаги Заҳҳок, Чўлпон ёганидек «ғоят золим ва мустабид» бир кимсадир. Бу хил афсонавий золим, қонхўр, мустабид образлардан фарқли ўлароқ, Фитрат асари қаҳрамони аниқ тарихий шахсдир. Бу жиҳатдан «Абулфайзхон» А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларига бир оз яқин туради. Бироқ Қодирий романларида тарихий шахслар Худоёрхон ва унинг Мусулмонкул, Азизбек каби золим мансабдорлари қиёфаси қанчалик маҳорат билан очилган бўлма-

синг, асарлар марказида улар эмас, балки Отабек, Кумуш, Аннар, Раъно каби ёзувчи ижодий фантазиясининг маҳсули, мўъжизаси бўлмиш жозибадор инсонлар характери ва тақдири туради. Қолирий романларида аynи ўша, адабиётшунослик ибораси билан айтганда, «тўқима образлар» қисмати воситасида тарихий шахслар, тарихий воқеалар гавдалантирилади, тарихий ҳақиқат моҳияти таҳлил этилади. «Абулфайзхон» эса бошдан-оёқ тарихий шахслар қисмати, тарихий воқеалар асосига қурилган асардир. Тўғри, пьесада Улфат, Давлат, Йўлдош, Эргаш, Курбонгул сингари тўқима, шунингдек, Хаёл - Сиёвуш рамзий образлари ҳам бор, бироқ улар аynи ўша тарихий шахслар, тарихий ҳодисалар маъно-моҳиятини очишга хизмат этадилар. Шу тариқа, «Абулфайзхон» янги ўзбек адабиётида тарихий-илмий ҳақиқатни балий ҳақиқатга айлантиришнинг илк намунаси, муваффақиятли тажрибаси, изчил тарихийлик принципини ўзида тўла намоян этган дастлабки асар сифатида ҳам қимматлидир. Фитрат тажрибаси кейинчалик «Маҳмуд Торобий», «Навой», «Алишер Навой», «Муқанна», «Жалолидин Мангуберди», «Мирзо Улугбек», «Улугбек хазинаси», «Бобур», «Хумоюн ва Акбар», «Темур Малик» каби асарларда давом эттирилди, кўпгина янги хусусиятлар билан бойитилди.

Фитрат асарларининг, жумладан, «Абулфайзхон»нинг пафоси, маъно жилолари, замонаси учун аҳамияти хусусидаги баҳслар ҳамон давом этапти. Гарчи аввалгидек синфий-партиявий ёндашиб уни «зарарли асар»га чиқариш иллати бутунлай барҳам топган бўлса-да, эндиликда трагедия маъносини, аҳамиятини англаш, талқин этишда замона зайлига мослаштириш, янги давр мақсадларига хизмат этиришга уриниш ҳолларига дуч келаётормиз. «Абулфайзхон»нинг «Шарқ юлдузи» журналыда қайта босилиши, сахна юзиди кўриши муносабати билан ёзилган қатор мақолаларда, Фитрат ҳақидаги янги талқиқотларда «Абулфайзхон» тарихий мавзуда битилган ҳозиржавоб замонавий асар ва у инқилобий даврга хизмат қилди», «Фитрат гоят усталик билан тарихий материални инқилобий воқеликни улуглашга бўйсундирди» (Ж. Камол); «адиб, бир қараганда, инқилобий воқеалардан узоқ туюлган Абулфайзхон фожиасини замонасига хизмат эттира олди» (Б. Қосимов) дейилди; адабиётшунос Э. Каримов эса асарда «халқнинг озодлик ва адолат учун олиб борган кураши» ҳам акс этгани, драманинг асосий аҳамияти «халқнинг ўтмиш ҳаётида бўлган бу зиё мазийни ёрқин истиқбол билан боғлаб туриши»да эканини таъкидлайди. Бошқа бир гуруҳ олим, ижодкорлар эса, аксинча, «Абулфайзхон»ни ин-

қилбобий воқелик қабоҳатларини фош этувчи асарлар қаторига киргатадилар. Ҳ. Исмоилов Фитрат бу асари билан тоталитаризм, фикр бир хиллиги, яқка шахс ҳокимлиги тартиботининг бошла-нишини пайгамбарона башорат қилганлиги ва шафқатсиз фош эт-ганлигини айтса, Б. Назаров асардаги фожиавий пафос моҳиятига чуқурроқ эътибор берсак, унинг замирида асарда кўрсатилаётган давр - Бухоро тарихигина эмас, асримизнинг 20-йиллар бошидаги тузумни тутиб турган ҳокимият ва уни бошқараётган кучга ишора этади, дейди.

Бу хил талқинларда озми-кўпми ҳақиқат бор, албатта. Мозий-даги сон-саноксиз воқеалар орасидан айни ўша - Бухоро тарихи-даги бурилиш нуқтаси - аштархонийлар сулоласининг емирили-ши, салтанатнинг манғитлар қўлига ўтиши, бир мустабил ҳоки-мият ўрнига иккинчисининг келиши, ҳокимият алмашиниши пал-ласидаги адалсиз фожиалар, тож-тахт, мансаб йўлидаги қатагон-лар, одамлар қисмати, руҳиятидаги кескин драма-фожиалар ифо-даси, тарихнинг, чархи кажрафторнинг бу хил мудҳиш «шева»ла-ри хусусидаги изтиробли мушоҳадалар - буларнинг барчаси, боя айтилганидек, муаллифнинг асар яратилган кезлардаги руҳий-ижод-дий ҳолати билан боғлиқ экани, асар майдонга келган кезларда Турон заминининг янги тарихида ҳам ҳокимият алмашинуви ва бу йўлда аёвсиз курашлар кетаётгани аён ҳақиқат. Асар муаллифи Фит-рат бу воқеаларнинг сиртида эмас, ичида, қоқ гирдобида эди, бевосита уларнинг иштирокчиси, балки раҳнамолардан бири эди. Мутафаккир ижодкор сифатида Фитрат рўй бераётган драматик ҳодисалардан қаттиқ изтиробга тушгани, чуқур ўй-мушоҳадаларга толгани аниқ. Ўша кезлари айни Абулфайзхон фожиаси ижодкор учун илҳом, бешафқат ўй-мушоҳадалар манбаига айлангани, «Абул-файзхон» фожиаси орқали ўзини қийнаган саволларга, тарихнинг ўта мушкул, сирли жумбоқларига жавоб излагани тасодифий эмас. Ўзи бошдан кечирган, чуқур ҳис этган, қаттиқ изтиробга солган ҳодисалар билан асари учун танланган мавзу-материал орасидаги муайян муштаракликлар, бир томондан, драмага замонавий руҳ бахш этган бўлса, иккинчи томондан, асар реализмининг чуқур-лашуви учун замин ҳозирлаган.

Шундай бўлса-да, асарда акс этган воқеалар билан у яратилган давр орасида тўғридан-тўғри параллеллар, замонага ҳар хил ишо-ралар қидиравериш, уларни келгусида юз берган сталинча тотали-таризм ҳақидаги «пайгамбарона башорат»га йўйиш тўғри бўлмас, деб ўйлайман. Санъат, адабиёт асарларида акс этган воқеа, қаҳра-

монлар қисмати билан бошқа бир давр, ҳатто ўзга халқ ҳаётидаги воқеа, одамлар қисмати, табиатида ўхшашликларнинг учраб туриши табиий бир ҳол, бу санъат, адабиётнинг муҳим хусусиятларидан бири. Чинакам санъат асарларида ҳаётнинг, одамлар тақдирининг шундай паллалари қаламга олинадики, улар бадний модел тусини оладилар, ҳар бир китобхон, томошабин уларда ўзи шохид бўлган ёки тасавурида мавжуд ҳодисалар, одамлар қисмати, характериға мос муштарак жиҳатларни кўриб ҳайрат ва ҳаяжонға тушади. «Шоҳнома»даги золим, мустабид Заҳҳок билан ХХ аср мустабид ҳукмдорлари орасида муайян яқинликларни топиш мумкин, бироқ шунга асосланиб, Заҳҳок қиссасини минг йилдан кейинги тоталитаризмнинг пайғамбарона башорати, деб ҳисоблаш қўлини.

«Абулфайзхон» фожиасининг яратилган даври билан туташтирадиган талай жиҳатлари мавжудлиғиға қарамай, у замона манфат, майлларидан юксак турадиган асардир. Фитратнинг бу трагедияси тарих орқали замона воқеаларига шунчаки муносабат билдириш, тор утилитар мақсадларға; адибнинг ўз ибораси билан айтганда, қаламни «ўчоқ супургисига айлантириш»ға қаратилган жўн битиклар хилидан эмас. «Абулфайзхон», ёш тадқиқотчи Илҳом Ғаниев таъкидлаганидек, кечмиш фожиаларидан сабоқ берувчи «юксак фалсафий, умумбашарий ғояларни ўз ичига олган трагедиядир».

«Абулфайзхон»нинг яна бир муҳим новаторона жиҳати шундаки, асарда тарихий шахс ҳаёти анъанавий қиссанавислик йўсинида туғилишдан то ўлимига қадар хронологик тарзда берилмайди. Балки, муаллиф жаҳон янги адабиёти тажрибаларига таянган ҳолда тарихий шахслар қисматидаги жиддий, тигиз бир драматик паллани олиб, ўша вазиятдаги кишилараро муносабатларни, уларнинг руҳиятини, бинобарин, ҳодиса моҳиятини атрофлича ижтимоий бадний таҳлил этиш йўлидан боради. «Абулфайзхон»да салтанатнинг инқирози, хоннинг таҳликали дақиқатари, ҳалокати таъсирчан ифода этилган. Бироқ булар трагедияда акс этган ҳодисаларнинг биринчи, балки, юзаки қатлами, холос.

Синчиқлаб разм солинса, ҳодисаларнинг ички, асосий оқими, асл моҳияти жиддийроқ, теранроқ экани маълум бўлади. Абулфайзхон ким ўзи? У қандай одам? У бош бўлган салтанат нега инқирозға учради? Юртдаги нотинчликларнинг бош сабаби нимада? Хонни қаттолликка ундаган омиллар нималардан иборат? Абулфайзхон атрофидагилар кимлар? Мушкулотдан чиқишнинг, эл-

юртни одилона идора этишнинг мақбул йўли борми? Нажот йўлида курашаётган исёнкорлар ҳаракатини тўла оқлаб бўладими? Нажотки тож-тахт, ҳокимият учун кураш абадий равишда қабоҳатлар, мусибатлар манбаи, инсониятнинг «душман тангриси» бўлиб қолаверса?..

Асар билан танишиш жараёнида китобхон-томошабин кетма-кет шу хил саволларга дуч келади, муаллиф эса шу хил аламли саволларга ўзича жавоб излайди.

Бу драма қаттол, мустабид хонни фош этиш, қоралаш учунгина ёзилган эмас. Муаллиф бундан-да мушкулроқ, юксакроқ бадий вазифани ўз олдига қўйган - ўта мураккаб, ҳаттоки қаттол кимсани англаш, уни аянчли қисматга дучор этган омилларни терең тафтиш этишга интилган. Қисқаси, тож-тахтга, ҳокимиятга муносабат асносида намоён бўлган фожеий шахс жумбоғи трагедиянинг туб моҳиятини ташкил этади. Реалистик заминда туриб, шундай мушкул муаммога қўл уриш янги ўзбек адабиётида муҳим янгилик, катта ижодий жасорат эди. Бу борада Фитрат ёлғиз эмас эди. Ҳамза, Қодирий, Чўлпон ҳам ўша йиллари шу йўлга кирган эдилар. Кечагина маърифатчилик, «оқартувчилик», «ақл ўргатиш» кўйида ёки романтик кайфиятда юрган қаламкашларнинг жаҳоннинг улкан реалист адиблари қалбини банд этган ўта чигал масалаларни дадил ўртага қўйишлари, уларни улкан реалистларга хос руҳий-психологик йўсинда терең таҳлил этиш даражасига кўтарилиши чиндан-да таҳсинга сазовор ҳодиса.

Асар бошида муаллиф бизни арк муҳити, мустабид ҳукмдор ва унинг мансабдорлари орасидаги муносабатлар иқтими билан таништирди; Хоннинг ўзини ҳокими мутлақ, мансабдорларини эса ҳукмрон олдиди ўзларини мунофиқона итоаткор қул санашлари, хоннинг тахтни ақл-идрок, тadbиркорлик эмас, дағдага, зўравонлик билан ушлаб туриши - бундай ифода, талқинлар китобхон-томошабин учун янгилик эмас. Бундай зolim шоҳлар, уларнинг мунофиқ амалдорлари ҳақидаги эртак ва афсоналарни кўп ўқиганмиз.

Орадан кўп ўтмай, муаллиф диққат-эътибори марказий персонаж шахсияти, руҳиятига кўчади. Тасвир руҳиятга кўчиши билан ўзгача манзара намоён бўла бошлайди. Шу дақиқадан эътиборан, бу кимса гаройиб жумбоқ сифатида бизни қизиқтириб қолади: хон одатдаги зolim, қонхўр ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, ўзи амал қилган зўравонлик сиёсатидан толиққан, безган, бу йўлнинг охири вой эканини англаб етган. У энди ўз фаолиятини танқидий

тафтиш эта бошлайди. Хон қаҳр-ғаъаб билан: «Ўлдураман, Ўлдураман. Дунёда битта душманим қолмагонча, қон тўкаман» дея дарадага солса-да, бу ишдан бирор жилдий натижа чиқмаслигини ўзи ичдан сезиб туради. Айни пайтда у алам-ўкинч билан дейди: «Шу тирикликдан да бездирдилар мени... Бир душманимнинг қони қурмайини яна биттаси чиқиб қоладир... Қачонгача ўлдираман буларни! Ортуқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Қон тўкмакдан да бездим. Акамни ўлдурдим. Кўп дўстларимни ўлдурдим. Мени бир ота қаби асрагон Фарҳод оталиқни бошини оёқлар остинда кўрдим... Уф.. Кўзларим қонга тўлди. Кечалар ухлай олмайман. Кўзларимни юмгоч, бутун ўлганлар, ўлдурганларим мени айлағтуруб олалар; сираланиб ёнимдан ўталар. Мени кўрқуталар, менга кулалар!»

Қудратли зўравонлик «машина»си ҳозирча ҳукмдор қўлида, у бу машинани истаганча ишга солиши, ўзи айтмоқчи дунёда битта душмани қолгунча бетўхтов қон тўкавериши мумкин эди. Бироқ бундай қилмиш учун бу фоний дунёда тарих олдида, қолаверса, нариги дунёда Оллоҳ олдида жавоб бериши лозимлигини англаб етади... Шу тариқа ўзликни англаш, ўз қилмишлари, қора кечмишларини руҳан тафтиш этиш асносида мислсиз қийноқлар гирдобда этилади. Ўзликни англаш жараёнида юз берган руҳий қийноқ, бўҳронлар тозатиш, поклаш хусусиятига эга экани маълум. Абулфайзхоннинг ҳозирги ҳолати, ўз айбини англай бошлаши ҳали уни оқлаш, у тўккан беҳуда қонлар, қилган адалсиз гуноҳларни кечиритиш учун изи бермайди, албатта. Бироқ ўзликни, айбни англаш томон ҳўйилган хайрли қалам самарасини кўрсатади, гарчи ожизроқ шаклда бўлса-да, инсонийликдан маҳрум, ҳисси қаттол вужудида соғлом ақл-идрок, инсоний ҳис-туйғу аломатлари намён бўла боради. Энди у атрофдагиларнинг мунофиқона илтифотларига, пуч даллаларига ишонмайди, улардан ҳазар қила бошлайди; ўз давлатининг куч-қудрат даражасини, Эрон шоҳи қўшинига бас кела олмаслигини фаҳмлаб етади, тож-тахт, мансаб учун курашнинг бемаънилиги, инсоний ожизлик аломати экани. қолаверса, ҳаётдаги тенгсизлик, адолатсизликлар хусусида фалсафий мушоҳадаларга толади. «Инсонлар, дунёнинг уялмоқ билмаган ҳайвонлари! Бирингизнинг кўёшлари бирингизнинг шодлик боғчаларини суғоради. Бирингизнинг мотам инграшлари яна бирингизнинг тўй чолғуларини куйлатадир. Бир-бирингизнинг борлиқларингизни еб, ҳисларингизни тўйлурмоқдан қачонгача безмайси!» дея нола-афгон чекади. Хон энг қалтис дамларда ўз жони эмас, яқинлари, оила аъёлари, фарзандлари қисматини ўйлаб

қирлади. уларни деб ўзи учун очилган сўнгги нажот йўлини рад этади.

Булар, ўз навбатида, қаҳрамонга нисбатан ҳиссий муносабатни муайян даражада ўзгартиради. Асарни ўқиганда, томоша қилганда сиз галаги ҳолатга тушасиз - бошда элим қонхўр, мустабид ва фасида намоён бўлган гуноҳкор одам қисмати негадир сизга ўзига нисбатан нафрат, қаҳр-ғазаб билан баробар ачиниш, қандайдир ҳамдардлик туйғусини уйғотади, жиддий ўй-мушоҳадаларга қорлайди. Бундай ҳол Л. Толстой, Ф. Достоевский, М. Шолоховдек буюк реалистларнинг шоҳ асарларига хос хусусият, ҳамзанинг «Паранжи сирлари», Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ига хос ноёб фазилат.

Муаллиф Абулфайзхон шахсияти ва қисматини кўрсатишда фақат унинг ўзи, итиробли руҳий иланишлари ифодаси билан шекланмай, унга ёндош ҳолда бошқалар - Ҳакимбий, Раҳим кўрчи, Иброҳим иноқ, Қози Низом, Охун, Улфат, Қурбонгул каби персонажлар нигоҳи, муносабати орқали хилма-хил нуқтаи назардан тафтиш ва таҳлил этишда давом этади. Бу ҳол тасвирда ўзига хос полифонияни ҳосил этади.

Ҳакимбий фикрича, Абулфайзхон юргизган бетаин, калтабин ва шафқатсиз сиёсат саройда носамимий, ичдан пароканда бир муҳитни вужудга келтирган. У ўзининг Нодиршоҳ томонига ўтганлигини ҳам шу ҳол билан и юҳтайди. Раҳимбий назарида Абулфайзхон юртни идора қилишга ноқобил шахс. У тўғридан-тўғри дейди:

«Хон ҳазрат! Дунёда ҳар ким ўз кучига қарабгина ўрин тутадир. Бу тирикчиликнинг энг ўткур буйруғидирким, бунга бўйсунмагонларнинг дунёдан чиқиб кетишлари лозим бўладир. Сиз Бухорони идора қиларлик куч кўрсата олмадингиз... Тахтдан тушканингизнинг сабаби шулдир». Сўз орасида у хоннинг давлатнинг буюк-буюк теракларини ўз қўли билан йиқитгани, бутун ишни ўзига эмас, бир «аҳмоқ, муғамбил» Улфатга топширганини писанда қилиб ўтади. Маълум бўляптики, Ҳакимбий ва Раҳимбий даъволарида асос бўлса-да, самимият йўқ. Ота ва ўғил шахсий ғараз, тож-тахт даъвоси, аловат юзасидан хонга қарши кураш бошлаганлар.

Иброҳим иноқнинг хонга баҳоси, муносабати эса, аксинча, мардона ва одилона. Унинг хонга шахсий ғарази йўқ. «У элга ёмонлик қилди. Юртни талади, ҳукумат ишларига қарамади. Кеча-кундуз чоғир ичиб ётди. Мен унинг шул ишларига қарши бўлиб урушдим», дейди. Бу ғаройиб тўғри сўз, чўрткесар одам Абулфайзхонни тахтдан йиқитган ота-бола Ҳакимбий билан Раҳимбий ишини ҳам

асло маъкул кўрмайди. Раҳимбийга даптал дейди: «Сиз бу кун ундан оринқ ҳақсилик қила турубсиз. Кўзим бўлса эди, эртадан бошлаб, сиз билан ҳам урушар эдим. Нима қилайким кўзим йўқ».

Қози Ниҳом билан Охуннинг турли вазиятлардаги хатти-ҳаракатлари майда таъмагирлик, пасткашлик, мунофиқликнинг ўғинаси. Абулфайзхон тахтда эканида туну кун уни «сояйи худо» деб оёқларини ўпган, ҳатто хоннинг гуноҳ ишларини ҳам ёқлаб чиққан бу кимсалар салтанат Раҳимбий қўлига ўтгач, ҳеч иккиланмай, уялмай «сояйи худо» қотили томонига ўтиб, энди унинг ёвуз ниятларига шариятдан йўл ахтариб, фатво бераверадилар.

Бир-бирига зил икки кимса - хиёнаткор, сотқин Ҳакимбий ва садоқатли қул Улфатнинг хонга муносабатлари талқинида бу одамлар характерининг ожиз жиҳатлари янада яққолроқ очилади. Шуниси қизиқки, ўзига ганим деб билган кўп қудратли сиймоларни, аксари тўғри сўз, ҳалол, садоқатли арбобларни йўлдан дадил олиб ташлашга эришган хон энг хавfli ганим, тубан кимса - Ҳакимбийга, унинг кимлигини билгани ҳолда, қарши кураша билмайди. Қолаверса, садоқатли қули Улфатнинг мададидан фойдалана олмайди. Демак, ношудлик, укувсизлик ҳам хонни фожиага олиб келган омиллардан биридир.

Ниҳоят, асар охирироғида, хон ҳибсада эканида, энг аянчли дақиқаларда унинг ҳузурда яна бир шахс, ҳатто пьеса қатнашчилари рўйхагида номи тилга олинмаган, аммо Абулфайзхон фожиасини очиш, англашда муайян рол ўйновчи персонаж пайдо бўлади. Гап Қурбонгул устида кетаётир. Хонга яқин турган одамлар орасида энг беғарази, холис, ҳоксори шу. Асарда хонга тўқнаш келган барча шахсларда қандайдир ижтимоий, мафкуравий, сиёсий манфаат ёки ҳеч бўлмаганда, шахсий тамагирлик, ғараз мавжуд. Ҳатто садоқатли қул Улфат Абулфайзхон ҳалокатидан сўнг «Юраксиз хон, қочмали, ўлди» дея таъна қилади, керак бўлиб қолар, деб хоннинг киссасидан муҳрини олиб қочади... Биргина Қурбонгул охиригача хонга содиқ қолади, ҳибсада эканида ҳам садоқат билан хоннинг хизматида бўлади, оёқларини уқалайди, таҳоратига сув тайёрлайди, уни «Хон болам, арслоним» деб эркалайди, оғир дамда хаста дилига далда бермоқ пайида бўлади. Бу одам хоннинг бир умрлик оддий хизматкори, яқини сифатида унинг барча савобу гуноҳ ишлари, кирдикорларидан, саройдаги жамики можаролардан яхши хабардор. Уларни кўравериб, паймонаси тўлиб кетган. Аччиқ ҳаёт сабоқлари бу оддий одамни ўзига хос файласуф даражасига кўтарган. Унинг дил сўзларига, содда, самимий халқона мушоҳазалари-

га кулоқ тугинг-а: «...шўрим қурсун, дунёнинг қора чизиқларини ўқимок учунми келдим мен! Худонинг сояси, деб подшоҳларнинг уйига сизгидим. Бунда кўрганларимни ҳеч кўз кўрмасун. Менинг шунча йиғлашларимга қарамайин, шул хон акасини ўлдурди. Унинг тахтига чиқди. Кармина бегини бола-чақалари билан тутуб келтуриб қамали. Сўнгра битта-битта ҳаммасини бўғдуруб, қудуққа ташлагитти. Бу кун эса ўзини Раҳимбий қамаб қўюбдур. Эрта, албатта, ўлдурар. Бунинг жойида ўзи «сояйи худо» бўлур. Бир-икки йилдан кейин яна биттаси чиқар. Уни ҳам соғанага жўнатиб «сояйи худо»-ликни ўзи олар. Бизда бу қора қушларнинг қайғуси қоладир». Қурбонгул бу хил можаролардан четдаги, ҳолис одам экани билан фахрланади: «Тўғрисини айтканда, яна ўзимиз тинч. Худо соясида бўлмаймиз, ўлдурулмаймиз-да, оч қорним, тинч қулоғим... Кўзим кўрмасин-э. Уч-тўрт йил худо сояси бўл, сўнгра қамал, сўнгра ўл... Менга нима керак шунлар...»

Бу - турмуш можароларидан, қурашлардан ўзини четта олган, шу хил четда туриши, хоксорлиги билан фахрланадиган авом вакилининг кайфияти, фалсафаси. Бундай кайфият, фалсафа соҳиблари хатти-ҳаракати, қанчалар самимий, бегараз бўлмасин, барибир, жозибадан маҳрум: чунки улар фалсафасида улуг муддао, нажот йўлини ёритадиган зиё йўқ. Эҳтимол, шунинг учун ҳам муаллиф Қурбонгулни асардаги кимсалар рўйхатига киритишни лозим кўрмагандир.

Шу тариқа, Абулфайзхон қисмати, фожиаси замонасининг турфа ижтимоий табақа, мафкуравий гуруҳ вакиллари, хилма-хил манфаат, кайфиятдаги шахслар, чунончи, янги сулола намояндлари, ислоҳчи исёнкор, дин пешволари, оддий халқ - авом вакиллари нуқтаи назаридан баҳоланади. Эҳтимол, бу хил баҳо, бадий таҳлил усули барчаси бирдек маромга етмай қолгандир. Бироқ 20-йиллар шароитида миллий адабиётимизда, драматургиамизда шундай йўл танлашнинг ўзи катта ижодий жасорат эди.

Хилма-хил баҳо, талқинлардан аён бўлаётирки, Абулфайзхон ҳар қанча юлим, мустабид, қонхўр бўлмасин, жамиятдаги қабоҳатларнинг бош сабабкори эмас: хон тахтдан кетгач, ундан-да баттарроқ мустабид кимсалар ҳокимият тепасига келади. Абулфайзхон - нобон ижтимоий тузум, носоғлом муҳит етиштирган ҳукмдор, айни пайтда, шу муҳит қурбони; табиатидаги тугма ожизликлар эса вазиятни, қисматидаги фожиаларни кескинлаштиради, ҳалос. Муаллиф персонажларига қўшилиб ўлкадаги нотинчлик, беқарорлик, ўзаро ички зиддиятлар, беҳуда қон тўкишларнинг туб

сабаблари ҳақида тарихчи олим, маърифатчи мутафаккир сифатида теран мушоҳада юритади. Абулфайзхон: «Эл бошлиғи бўлган бекларим менга қул бўлмайлар, унлар ўз элларига тояниб, туташ менга ёмонлик қилмоқчи бўлалар... Бухорода эл бошлиқлари бўлмаганда, мен тинчгина хонлик сура олар эдим. Меним бутун қайғуларим шунлардандир» дея нолийди. Демак, у хонлик ҳудудидан тўла яккаҳоқимлик ўрнатишга эриша олмаган; унингча, барча но-тинчликлар боиси шунда. Муаллиф бошқа бир персонаж тилидан бу ҳол тарихини мухтасар тарзда шарҳлаб беради. Бу шарҳ бир оз бадийликдан йироқ, тарихий-илмий талқинга яқин. Аммо бу шарҳ ҳодиса моҳиятини очишда жуда муҳим аҳамиятга молик бўлгани учун, узунроқ бўлса-да тўлиғича келтирамиз: «Подшоҳи оламга белгулидирким, бизнинг Бухорода кўп эл-уймоқлар яшайлар. Буларнинг ҳаммалари эскида беклик усули билан бошқара эдилар. Амир Темур Самарқандда кучли марказий бир ҳукумат қурган бўлса-да, бутун умрини уруш майдонларида ўтқаргани учун, элларимизни марказий идорага эсиндирмоқ йўлида тубли бир иш кура олмоган. Амир Темур ўлиб, ҳукумати кучсизлангач, бу эл-уймоқлар яна ўзларининг эски беклик усулларига қайта бошлогонлар. Шул вақтларда «Дашти қипчоқ»дан биз ўзбеклар билан манғитлар келдик. Шайбонийхон, Абдуллахон каби ўзбек хонлари марказийликни куч билан сақлаб қолдилар. Шуларнинг умри ҳам кўп вақтлари беклик усулини истагонларга қарши урушмоқ билан ўтди. Ундан кейин ўзбек ҳукумати яна ҳам кучсизланди. Эл-уймоқнинг бошлиқлари ўлкани кичкина бекликларга ажратиб бошқармоқ тилаги билан яна кўтарилдилар, ўлкамиздаги тинчсизликларнинг сабаби шу бўлса керак».

Абулфайзхоннинг салтанат бошида турган йиллари мана шу можаролар ичида кечди, ўзи айтмоқчи, унинг бутун қайғулари шундан. Энг ёмони, бу одам бекликларни ягона марказлашган хонлик идораси теварагида жиқлаштира олмади, бу борада унда ақл заковат, тadbиркорлик етишмади; у фақат зуравонлик, қатагон йўлини тутди, ўзига салгина қарши турган ёки шубҳали туюлган мансабдорлар бошини қилждан ўтказиш билан банд бўлди.

Бундай мушкул дамларда бир қарашда Иброҳимбий танлаган йўл чин нажот йўли бўлиб кўринади. Бир вақтлар Абулфайзхон таклиф этган беклик лавозимини рад этган, унга қарши кураш олиб борган, хондан жабр кўрган, хон зиндонда кўздан айрилган Иброҳимбий бугун ҳокимият тепасига келган ҳукмдорлардан Раҳимбий таклифини ҳам рад этар экан, ўз режасини илгари су-

риб: «Мен бўлгонда, Абулфайзхонни тушурганч, курултой чақирар эдим. Янги хон билан унинг оталигини эл бошлиқларининг кенгашлари билан белгилар эдим» дейди. Қанчалар жозибали гуюлмагани, бу ўша кезлари рўёбга чиқариш мумкин бўлмаган ғоя эди; бунини учун ҳали вазият етишмаган, халқ - оломон бунга тайёр эмас эди. Бу ғоя ижодкорининг ўша кезларда фақат оғзи ботир, холос. Аслида эса у кўзи ожиз, курашлардан четга чиққан бир одам. Бунинг устига, унинг табиатида, ғоя-ниятларини рўёбга чиқариш усулида қандайдир ички зиддият, бетоқатлик, зўравонлик, бугунги иборатлар билан айтадиган бўлсак, экстремистик кайфиятлар мавжуд. Саройдаги айрим уламоларнинг мунофиқлигидан галабланган Иброҳимбий ҳокимият учун курашиб юрган кезлари «Бу-хорога бориб кирсак бутун муллоларни бир мадрасага солиб ўт қўямиз-да, ҳаммасини ёндирамиз. Элимизни бузиб, расво қилгон шулар. Бунлар, динингизни тузатамиз, деб дунёемизни мурдор қилдилар» деган қатъий қарорга келганлигини дангал айтади. У ўзи танлаган йўлдан бошқасини, жумладан, «шариат-марнат»ни мутлақо тан олмайди, унингча, уламоларнинг, шариат пешволарининг сўзи ярим чақага арзимайди; «Ишингизни тўғирламоғчи бўсангиз, курултой чақирасиз» - тамом-вассалом, бошқасига ўрин йўқ... Шу тариқа реалист санъаткор мардона, исёнкор сиймо ғоя ва хатти-ҳаракатларидаги хатарли тамойилларни ҳам назардан соқит этмайди.

Хуллас, асарда қонхўр, элим ҳукмдор Абулфайзхондан тортиб салтанатга қарши чиққан мардона шахс, исёнкор ислоҳчи-демократ Иброҳимбийу, холос, хоксор кимса Курбонгулгача - айтарли барчаси бир хил рангда эмас, хилма-хил бўёқларда, мураккаблиги, зиддиятлари билан ғаройиб жумбоқ сифатида берилади. Асарда ўртага ташланган инсониятни тож-тахт, мансаб-мартаба талашнишдан иборат «душман тангриси», «қон-қора саодат»дан холос этиш чораси борми, деган энг аламли ва энг жиддий умумбашарий саволга жавоб тариқасида Хаёл - Сиёвуш тилидан: «...бор, бу чора одамларнинг ўз ихтиёрида», «Инсонлик дунёси эсини бир жойга тўллаб ўз ишига ўзи эга» бўлгандагина бу жумбоқ, муаммо ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги сўнгги сўзни айтади.

Шу хил фазилатларига кўра, «Абулфайзхон» тарихий фожиаси ҳақли равишда Фитрат бадий ижодининг чўққиси, 20-йиллар ўзбек адабиётининг ноёб намунаси, етук реализм мўъжизаси, дейишга ҳар жиҳатдан лойиқдир; бу трагедия миллий бадий тафаккур тариққисетида туб янги босқични бошлаб берган асарлар қаторида

туради; энг муҳими, муаллиф бу асарда ўз даври мафкуравий, сиёсий кучларининг жўн тарафкаш тарғиботчиси даражасидан юқори кўтарилиб, ҳодисаларни хилма-хил нуқтаи назардан ҳоли бадий таҳлил этишга, муаллиф ибораси билан айтганда «Инжу тизгучи адиб» мақомига эришди, юксак фалсафий, умумбашарий муаммоларни дадил ўртага қўя билди.

1996 йил

ТАРИХ ҲАҚИКАТИГА САДОҚАТ

Пиримқул Қодиров адабиётга замондош-тенглошлари ҳаётидан олиб ёзган асарлари билан кириб келган. Унинг мустабил тузум шароитида инсон эрки, шаъни, қадрини ардоқлаш, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, инсон эркини поймол этаётган кучларга қарши кескин норозилик, зўр куюнчаклик, ҳазин ва нурли ўйчанлик билан йўғрилган замондошлари ҳақидаги ҳикоя, қисса ва романлари XX асрнинг 60-70-йиллари маънавий ҳаётимизда, адабиётимизда ўзига хос ҳодиса бўлди.

Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) шарқ факультетида таълим олиб, Шарқ халқлари тарихи ихтисослигини эгаллаган, айни пайтда талабалик йилларидаёқ бадий ижодга меҳр қўйиб, илк ижод намуналарини матбуотда эълон этишга эришган ёзувчи дастлабки қадамларидаёқ ҳаёт ҳодисаларига тарихчи кўзи билан қарашга мойиллик кўрсатган эди. Буни талабалик йиллари ҳаётини ва бадий тажрибаси маҳсули сифатида майдонга келган, 1957 йили ёзиб тамомланган «Уч илдиш» романида кўриш мумкин. Эҳтимол, қулай шароит бўлганида бошидаёқ у тарихий мавзуларда қалам тебратган бўларди. Аммо ёзувчи «қизил империя» даврида тарихдан сўз очиш, тарих ҳақиқатини очиқ айтиш нақадар мушкул эканини, мозийга қайтиб иш кўрган буюк адиблар - «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Навоий» романлари муаллифлари бошига қандай оғир савдолар тушганини яхши биларди. Ҳатто 50-йиллар шароитида, қатағон сиёсати бир оз юмшай бошлаган кезларда ҳам миллат тарихи ҳақидаги ҳақиқатни айтган кишилар қанчалар таъқибу таҳқирларга дучор бўлганини адиб «Уч илдиш» романида чуқур ички дард-изтироб билан қаламга олади. Шу тариқа, у гарчи кўнглида тарихий мавзудаги асар этилиб қолган бўлса-да, анча вақт уни қоғозга туширишга журъат этолмай юрди.

Ниҳоят, замонавий мавзуда битилган қатор асарлари орқали каттагина адабий тажриба тўплаган ёзувчи 60-йилларнинг охирига келиб, зўр жасорат билан мураккаб ва қаттиқ тарихий бир

мавзуга қўл урди - теурийлар салтанатининг ўз юртидаги инқи-
рози, ўзга юртлар - Афғонистон ва Ҳиндистондаги ўнча кўри-
нишда қайта тикланиши, жаҳоншумул доврғи, Теуербек насли-
нинг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фао-
лияти тўғрисида ҳикоя қилувчи кенг кўламли эпик полотно устида
иш бошлади; узоқ йиллик изчил талқиқот, бетиним ижодий меҳ-
нат, маънавий-руҳий иланиш, ўй-мушоҳадалар самараси ўлароқ
«Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» романлари майдонга келди.
«Юлдузли тунлар» кейинчалик «Бобур», «Авлодлар довони» эса
«Хумоюн ва Акбар» номи билан чоп этилди, биз уларни ўша илк
ғўзал образли номлари билан аташни лозим кўрдик.

Адиб бу қатгис, мураккаб мавзуга қўл урар экан, олдинда ҳали
кўп мушуқлотлар рўй бериши мукминлигини юракдан ҳис этар,
шу билан баробар, олижаноб, улғу муддао дилига тинимсиз далла
бериб турарди. «Бизни қарамлик ва мутеликда сақлашга ўрганган
ёвуз кучлар тарихий илдиэларимизни қирқиб ташлашга, бизни
ўтмишдан беҳабар манқуртларга айлантиришга ҳаракат қилар эди,
- деб ёзди у «Турфа маъноли тақдир» мақоласида. - Ҳолбуки, ўзбек
дилқичалик бой ва ёрқин тарихга эга бўлган халқлар дунёда кўп
эмас. Миллатимиз ўз тарихий илдиэларидан маънавий озиқ олса,
қаддини тез тиклаши мумкин. Шунини дил-дилдан ҳис қилганим учун
1969 йилдан бошлаб йигирма йил давомида тарихий мавзуда иш
олиб бордим».

«Юлдузли тунлар» романининг илк нусхаси 1972 йили ёзиб
тамомланди, асар қўлёмаси ўша йили Ёзувчилар уюшимасида му-
ҳокама этилиб юксак баҳо олди ва нашрга тавсия этилди. Бироқ
кўзга кўринмас қора кучлар, бахил ғаламисларнинг пинҳона фит-
наси, қаршилиги туфайли роман олти йилча босилмай ётди. Ниҳо-
ят, ҳалол, жонкуяр, фидойи кишиларнинг мадали, саъй-ҳаракат-
лари оқибатида 1978 йили асар «Шарқ юлдузи» саҳифаларида дунё
юзини кўрди, кўп ўтмай, алоҳида китоб бўлиб чиқди. Қисқа муд-
дат ичида рус тилида икки бор босилди, бошқа тилларга таржима
этилди, ўзимизда, Москва матбуотида юксак баҳо олди, респуб-
лика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ёзувчи бундай мадал-
лардан руҳланиб, «Юлдузли тунлар»нинг давоми Хумоюн ва Ак-
бар ҳақидаги роман - «Авлодлар довони» устида қизгин иш бош-
лаб юборди; жаҳонда яратилган бобурийлар сулоласига доир сон-
саноксиз асарларни синчиклаб ўрганди, икки бор Ҳиндистонга
сафар қилиб, асар қаҳрамонлари Бобур, Хумоюн ва Акбар юрган
йўлларни кезди, улар яшаган жойларда бўлди. Қарангки, роман

эндигина интиҳосига етиб, асар қўлэзмаси Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб маъқулланган, нашрга тавсия қилинган кезлари янги асар йўлини тўсишнинг, уни гўдаклигидаёқ бўғиб ташлашнинг гаройиб наيرانларини ўйлаб топдилар. Кутилмаганда «Юлдузли тунлар» романига ҳужум бошланди, аввал Республика Ёзувчилар уюшмаси съезди минбарида, сўнг Ўзкомпартия пленумида, матбуотда роман муаллифига жиддий ғоявий айблар қўйилди: «романда тарихга, тарихий шахсларга синфий ёндашиш, синфийлик тушунчаси йўқ», «Бобур образи идеаллаштирилган» деган алми-соқдан қолган гаплар айтилди. «Юлдузли тунлар» танқиддан бошланган қабих фитна, умуман, Бобур ва бобурийларга, қолаверса, теурийлар ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқаришга қаратилган катта кампанияга айланиб кетди. Хайриятки, замон ўзгараётган, етмиш йил ҳукм сурган мустабид тузум салтанати таназзулга юз тутаётган бир палла эди. «Қизил империя» салтанати малайларининг тарихий илдизимизни қирқиб ташлашга бўлган сўнгги ҳужуми жамоатчилик орасида кескин норозилик, қаршиликка учради. «Юлдузли тунлар» муаллифига қўйилаётган айбномалар, Бобур ва бобурийлар атрофида кўзгатишган машмашалар қабих сафсатбўликдан иборат экани юксак минбарлардан туриб дадил айтилди. Бироқ ғаламислар ҳамласи бари бир ўз таъсирини кўрсатди. «Авлодлар довоми» романи нашри уч йилча тўхтаб қолди. Ниҳоят, асар 1988 йили «Шарқ юлдузи» журналида эълон этилди. Ёзувчининг ўзи «Мумкин экан-ку!» мақоласида асарнинг юзага чиқишида ҳамкасб дўстлари, жумладан, ўша йиллари Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлган Одил Ёқубов ва «Шарқ юлдузи» бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов катта жонбозлик кўрсатганлигини мамнуният билан эслайди.

Яхши биламизки, ўша машғум сийёсат - тарихга, тарихий шахсларга тор синфийлик нуқтаи назаридан қараш узоқ вақт тарих ва тарихий шахслар ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, ифодалаш йўлига тов солиб келди. Ҳатто Қодирийдай ҳақгўй адиб ҳам тарихий романларида, жумладан, «Меҳробдан чаён»да Худоёрхонни асосан қора бўёқларда кўрсатишга мажбур бўлган, унинг айрим ижобий хислатларини, тарихдаги хизматларини эса айланма йўллар, қистирмалар орқали эҳтиёткорлик билан ифода этган. Умуман бизда сарой аёнлари, шоҳлар, амиру бекларга нуқул душман тимсоли деб қаралган, улар фақат қоралашга, фош этишга муносиб кўрилган Адабиётда шоҳ Улугбекни кўпроқ олимлиги, вазир Навоийни буюк шоирлиги, бек Темур Малик билан шаҳзода Жалолидинни босқ-

арбобларга қарши қаҳри ва олиб борган кураши аранг қутқариб қолган. Давлат арбобларининг хайрли ишлари ҳақида озгина бўлсин сўз очиб «уларни идеаллаштириш» деб баҳоланаверилган. С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» асарини, унда Темур сиймосининг анчайин бир ёқлама, юзаки талқинини мустасно этганда, бизда Ватан тарихида муҳим ўрин тутган йирик давлат арбобларининг ҳаёти, фаолияти, тарихий хизматларини ҳолис-объектив, ҳалол кўрсатиб берадиган бадий асарлар йўқ эди. Шунинг назарда тутилганда, Пиримқул Қодировнинг тарихий романи миллий адабиётимизда муҳим янгилик, катта ижодий жасораг, тарих ҳақиқатига садоқат сифатида баҳо олишга лойиқ.

Турғунлик йиллари «Юлдузли тунлар»га баҳо берганда айрим адабиётшунослар роман ва унинг муаллифини таъқибу таъйиқлардан асраш мақсадида асардаги шоҳ ва шоир Бобур шахсияти ва қисматидаги зиддиятлар ифодасига алоҳида урғу берар; Бобур образи тилидан айтилган: «Неки хатолик, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир», «Менга вафо қилса фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин» деган сўзларини такрор-такрор эслатиб ўтар эдилар. Дарҳақиқат, Бобур шахсияти ва қисматида шундай зиддиятли ҳолатлар чиндан рўй берган, ёзувчи романда шундай ҳолатларни бир эмас, бир неча ўринларда қаламга олган. Бу ҳол ҳақиқат тақозоси эканидан ташқари, ёзувчи учун ўзига хос адабий-бадий тактика - эҳтиёт чораси бўлганлиги сир эмас. Шу хил зиддиятли ҳолатлар ифодасида ҳам, бари бир, Бобур буюк сиймо, дилбар шахс, мислсиз саркарда, одил ва доно шахс сифатида бутун улугворлиги билан намоён бўлади. Муаллиф, биринчи галда, Бобурнинг даҳо инсон, арбоб сифатидаги хислатларини очиб беради, унинг тарихдаги энг буюк хизмати таназулга юз тутган буюк Темур салтанатини қутқариб, унга янги асосда қайта ҳаёт бахш этганини кўрсатади. «Юлдузли тунлар»нинг асосий пафоси шундан иборат, ёзувчининг энг муҳим бадий кашфиёти ҳам ана шунда.

Буюк сиймоларнинг драмаларга тўла шонли ва мураккаб ҳаёт йўлини, тарихдаги буюк хизматларини тарих ҳақиқатига содиқ ҳолда ҳолис ифодалаш «Авлодлар довоғи»да яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлган.

Очиги, ўзбек адабиётида ҳозиргача бу қадар кенг қамровли тарихий романлар яратилмаган эди. «Юлдузли тунлар»ни ҳам бирга қўшиб оладиган бўлсак, юз йилдан ошиқроқ давр, даврнинг энг муҳим тарихий ҳодисалари, Турон, Афғонистон, Ҳиндистон та-

рихининг ғоят чигал драматик воқеалари, юзлаб тарихий шахслар, давлатлар, тождорлар, авлодлар алмашуви; ўнлаб тарихий шахслар, ғалаба ва инқирозлар; давр ғоялари, турли хил эътиқодлар, олдий меҳнат аҳлининг аҳвол-руҳияти; ҳар хил миллат, турли даврларга оид удум-тамойиллар; ғоят катта ҳудуд - турли юрглари-нинг шаҳару қишлоқлари, дарё, ўрмонлари, далалари, иқлим муҳити - буларнинг барчасини бор ҳолича кўриб, билиб, юракдан ҳис этиб аниқ тасвирлаш, жонли гавдалантириш осон иш эмас!

«Авлодлар довони» романи муаллифи олдида яна бир мушкул вазифа турарди. Маълумки, «Юлдузли тунлар»нинг асосий воқеалари ёзувчининг ўз она юртида бўлиб ўтади, асарнинг асосий персонажлари ҳам шу юрт одамлари. «Авлодлар довони»да эса воқеалар бутунаси ҳинд диёрига кўчади. Бобур умрининг сўнгги йиллари, Ҳумоюннинг жанговар фаолияти Ҳиндистонда кечса-да, улар ўзларини бу юртда бегона ҳис этадилар, она юрт соғинчи билан армон-ўқинчда яшаб ўтадилар. Акбар эса дилда ота-боболар ақилларини эъозлагани ҳолда, бу юрт, бу элнинг фарзандига айлангани, ҳинд ҳаётига сингиб кетади, ҳинд қишлоқларига уйланиб, ҳиндлар билан қуда-қудагайга айланиб кўплаб ҳиндча удумларга амал қилади... Қисқаси, «Юлдузли тунлар»да соф ўзбекона миллий руҳда бошланган тасвир-ифода «Авлодлар довони»да ҳиндча руҳ-колоритнинг устуворлиги билан ажралиб туради. Бироқ ҳиндча руҳ-колорит устувор ўринларда ҳам ўзбек алибининг дастхати баралла сезилади; ўзбекона нигоҳ билан «Рамаяна» ва «Маҳобҳорат» эпослари, Р.Тагор романларига хос ҳиндча руҳ-колоритнинг қўшилиб-туташиб кетиши оқибати ўлароқ асар бетакрор бадий қиёфа касб этади.

Бу роман жуда катта маърифий қимматга эга. Кузатишлар шундан далолат бераётирки, «Авлодлар довони» чиққунга қалар кўпчилик ўзбек китобхони Бобур, Ҳумоюн ҳақида бир қадар тасаввурга эга бўлса ҳам романининг яна бир бош қаҳрамони - жаҳоннинг кўпгина маърифатли кишиларига таниш, улар учун ардоқли бўлган. «чинакам даҳо» сиймолар қаторида тилга олинадиган Акбарни яхши билмас эканлар. Бу роман туфайли у ўз халқининг, бобо юртининг маънавий оламига қайтмоқда. Асарда яхши маънодаги маърифатчилик кенг ўрин олган. Муаллиф муҳим тарихий воқеалар, шахслар тўғрисида жуда кўп ишончли маълумотлар беради; булар ўқувчига малол келмайдиган жонли, образли тил билан ифода этилади. Китобхон гоҳо илмий-тарихий, аниқ ҳужжатли асар ўқиётирми ёки бадий роман - унинг ҳаёлини реал ҳаёт ҳақиқати, чиндан бўлиб ўтган воқеалар, аниқ тарихий шахслар қисмати банд этади.

барча воқеаларни тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилади. Бу тарихий роман учун яхши фазилят! «Асрлар китобини ўқиганингиз сари, - дейди муаллиф, - тарих томонидан яратилган драмалар, ~~фокма~~лар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Шу сабабли мен Бобур, Ҳумоюн ва Акбарларнинг кўрган-кечирганларини тасвирлар эканман, ўз фантазиямдан кўра «тарих фантазияси»га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосландим».

Бир қарашда, роман тарихий хроникага ўхшаб кетади: муаллиф бобурийлар сулоласи, хусусан, Ҳумоюн, Акбар ҳаётининг муҳим паллалари, тож-тахт учун олиб борган жангу жадаллари, уларнинг бунёдкорлик ишлари, маънавий изланишлари, орзу-армоларини йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун, гоҳо эса ҳар бир дақиқасини ипидан игнасигача бутун тафсилотлари билан беради; Акбарнинг туғилишидан тортиб то ўлимига қадар бутун ҳаётини ҳикоя қилади, адиб қаҳрамонларининг оилавий, шахсий интим ҳаётини, саройдаги можароларни, авлодлар, ота ва боболар, ака-укалар орасидаги можароларни ҳам эсдан чиқармайди. Шунга қарамай, асарни биз оддий хроника деб айтолмаймиз, у асло оддий соянома, жангнома эмас. «Авлодлар доवони» кенг қамровли, тарихий ҳодисаларни, тарихий шахслар тақдирини теран бадиий таҳлил этувчи, ўтмиш ҳодисаларидан бугунги кун учун сабоқ берувчи ўй-мушоҳадалар романи, у фақат тарихий воқеалар, тарихий шахслар тақдири ҳақидагина эмас, муҳим ижтимоий-фалсафий ғоялар, юксак оригинал гуманистик концепцияларнинг туғилиб шаклланиши тўғрисидаги романдир.

Ҳиндистон - кўп миллатли ва кўп динли мамлакат. Ҳиндистон халқи узоқ йиллар давомида миллий ва диний айирмалар, адоватлар жабрини бир неча бор татиб кўрган; халқнинг тараққийпарвар ~~фозил~~лари дину миллат айирмай, турли миллат, ҳар хил этникод кишиларининг иноқ, тотув яшаши ғоясини илгари сурганлар; Кабир каби подшоҳлар шу ғояни зўр эҳтирос билан тарғиб этган. Ҳумоюн, айниқса Акбар шу умумбашарий ғояни амалга оширмақ йўлида астойдил кураш олиб борган, Акбар бобоси Бобур, отаси Ҳумоюн васиятларига содиқ қолиб, барча халқларни миллий низо, диний адоват балоларидан халос қилишнинг янги йўлларини излайди. «ҳамма эллар ва этникодлар тенг» деб эътон этади, жаҳонда биринчилардан бўлиб «сулҳи кулл» - ҳар томонлама тинчлик сийёсатини ўтказди. Романда мана шу эзгу ғоянинг туғилиш тарихи, унга бўлган тарихий зарурият, ҳаётий эҳтиёж, бу ғояни рўёбга

чиқариш йўлидаги машаққатли курашлар, сон-саноксиз курбонлар, унинг муайян тантанаси ва фожий инқирози - барчаси билимдонлик, катта маҳорат билан бадиий тадқиқ қилинган «Авлодлар довони»нинг айна шу жиҳати ҳақида Чингиз Айтмагов роман муаллифига йўллаган мактубида шуларни ёзади: «Сенинг буюк Акбар ҳақидаги мулоҳазаларинг, Акбарнинг турли динларни интеграция қилишга интилиши ўта замонавий мавзудир. Бунга, яъни маънавий интеграцияга одамзод бари бир мурожаат қилади, чунки бугунги шароитда инсониятнинг омон қолишига имконият берувчи бирдан-бир йўл ана шудир».

Асарни ўқиганда киши ҳаёлини доимо банд этиб турадиган икки зиддиятли ҳолат мавжуд: бир томондан, шахсий ғараз, худбинлик, шуҳрат, тор манфаат, мансаб-мартаба, ҳокимият, тож таът учун кураш, бу йўлдаги олишув, ҳийла-найранг, хиёнат ва пасткашликлар - булар миллат, қолаверса, бутун инсоният тарихидаги энг мудҳиш қора доғлардир; бундай иллат, қабиҳ хатти-ҳаракатлар оқибатида «инсон» деган табаррук зот шаъни оёқ ости қилинади, одам боласи, ҳатто энг яқин кишилар - ота-ўғил, оға-ини орасида меҳр-оқибат кўтарилади, бир-бирига ашаддий рақибга айланади, минг-минглаб кишилар дилига озор этади, беҳуда қонлар тўкилади, охир-оқибат юртдаги ҳар бир тирик жон, бутун бошли халқ, инсоният ҳаёти, камолоти инқирозга, заволга юз тугади... Шу ҳолат асар давомида ўқувчи дилига бетиним озор бериб туради. Бу роман одамзодни мана шу аччиқ ҳақиқатдан сабоқ чиқариб олишга ундайди. Иккинчи томондан, доно, олижаноб, фидойи, ватан, эл-юрт манфаати ишига жонини, жаҳонини тиккан аломат одамларнинг ҳаётда ҳаминша борлиги, бебаҳо эзгуликлар машаққатларга, таҳдиду таъқибларга қарамай авлоддан-авлодга ўтиб бориши, эзгуликнинг ворисийлиги, мангулиги ўқувчи дилига далда беради. қувонч бахш этади. Бу жиҳатдан, айниқса, Бобур - Ҳумоюн - Акбар, яъни бобо - ўғил-набира орасидаги муносабатлар ибраторму ҳодисадир. Атоқли француз тарихчи-олими «Исо пайғамбар ҳаёти» номли жаҳонга машҳур асарнинг, ислом ҳақида қатор тадқиқотларнинг муаллифи Э. Ренан буюк теурий тождорлар Бобур - Ҳумоюн ва Акбар орасидаги оқилона ворисликни тарихда фақат бир бор содир бўлган нодир ҳодиса, деб баҳолайди. Дарҳақиқат, Бобур ҳаюкатта юз тугган Темур салтанатини янги асосда қайта тиклашга муяссар бўлди, бу билан у бобокалонни Темур руҳига мислсиз садоқатини намоён этди; унинг садоқатли, фидойи ўғли Ҳумоюн эса Ҳиндистонда отаси асос солган янги салтанатни ўта мушкул дам

ларда хилма-хил таҳдиду тажовузлардан омон сақлаб қола билди, инқолят, набираси Акбар бу салтанат довруғини жаҳонга ёйди.

Асар қаҳрамонлари, сарой аъёнлари образи, уларнинг тарихда тутган ўрни устида сўз борганда яна бир муҳим жиҳатга эътиборни буртмоқчимиз. Гап шундаки, ҳар иккала романда ҳам бобурийлар, бинобарини теурийлар сулоласига мансуб аломат аёлларнинг тарихий сиймоларнинг образи катта эҳтиром, зўр меҳр-муҳаббат билан қаламга олинган. Айниқса, Хонзода бегим, Ҳамидабону образлари тарихий романчилигимизда муҳим янгилик. Хонзода бегимнинг иниси Бобурга чексиз меҳри, салоқати, ўт шахсий ҳаётини қурбон қилиб, кўнгли тиламаган одам - Шайбониҳон шартига кўниб, унинг никоҳига ўтиб, инисининг ҳаётини қутқариб қолиши, бинобарини, Теурийлар салтанатини сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшгани - эртак ва дostonлардаги аёл қаҳрамонлар шижоати ва жасоратини эслатади. Аслида бу ҳаётда чиндан бўлган ҳодиса! Ёзувчи Хонзода бегимнинг жасорат ва фожиаларга тўла ҳаёт йўлини реалистик бўёқларда маҳорат билан ёрқин гавдалантирган. Ёшланиданок жасур, тadbиркор, доно аёл сифатида танилган Ҳамидабону Акбарнинг «лаҳо шахс» бўлиб етишувида қанчалар заҳмат чекади. Бугина эмас, Акбар шоҳ сифатида довруғ қозонган кезларда ҳам донишманд она мадал ва маслаҳатларидан доимо баҳраманд бўлиб туради... Умуман бу хил табарруқ аёлларнинг давлат ишларига ва илму санъат ривожига қўшган ҳиссаси, қонли урушларнинг олдини олиш, узоқ жойларга элчи бўлиб бориш, бир неча бор ота-бола ниюларини бартараф этишдаги фидойиликлари ифодаси романининг энг жозибалор саҳифаларини ташкил этади.

Ҳозирча кўпроқ романининг тарихий, маърифий, ижтимоий-фалсафий хусусиятлари тўғрисида сўз юритилди. Аслида бу кенг рамровли асарнинг бадиий фазилатлари, қаҳрамонларнинг руҳий олами, ундаги кўплаб санъаткорона тасвирланган лавҳа-картиналар ҳақида ҳам тўлиб-тошиб гапириш мумкин. Ҳумоннинг мағлубияти, ҳинд йигити Низом мешкобчи маладада ҳалокатдан аранг қутулиб қолиши; узоқ давом этган адоват, биродаркушлик жангларидан сўнг Ҳумон ташаббуси билан оға-иниларнинг учрашуви, Ҳиндикуш тоғининг этакларида гўзал табиат кучоғида уюштирилган базм-тантана, оға-иниларнинг дунё, тож-тахт ташвишларини бир дам унутиб, беғубор болалик йилларига қайтиб, озгина муддат дилкаш суҳбат қуриши, ота Бобур қабрини зиёрат қилиб, унинг руҳи олдида қасамёд этишлари, аҳду-паймонларига, қасамёдида хиёнат қилиб, яна ўзаро адоват, биродаркушлик урушлари

йўлини тугган Комроннинг мудҳиш жазога маҳкум этилиши, кузига мил тортиш лавҳаси; Акбарнинг ҳинд қизи билан никоҳ тўғри маросими, донишманд Салим ота билан фалсафий мулоқотлари, бу довюрак, баҳодир йигитнинг фил билан олишувлари, ёвлар билан жанглари - бундай ўринлар чинакам бадиий тасвир намуналаридир.

Пиримқул Қодиров тарихий романларининг бадиияти ҳали адабиётшуносликда яхши ўрганилган эмас. Бу асарларни тўғридан-тўғри бирон тарихий романчилик мактабига мансуб этиб бўлмайди. Уларда хилма-хил романчилик мактабларининг тажрибалари ўзига хос тарзда мужассамлашган. Бугина эмас, изчил реализм анъаналарига содиқ Пиримқул Қодиров тарихий романларида ХХ аср жаҳон тараққийпарвар модернистик адабиётининг тажрибалари билан муштарақ жиҳатлар ҳам мавжуд экани танқидчиликда эътироф этилди. Чунончи, Акбарнинг тож-тахт, дунё ташвишларидан қочиб узлатга чекиниб юрган кезларидаги руҳий ҳолатлари ифодасида буни кузатиш мумкин.

Пиримқул Қодировнинг тарихий романлари фақат мутахассислар, тарихчи олим, адабиётшунослар эмас, ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кенг китобхонлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Зотан, асар каттаю кичикка, барча халқлар ўқувчисига бирдек етиб борадиган йўсинда битилган. Адиб тажрибаси узоқ мозий воқеалари, мураккаб ҳодисалар ҳақида ҳам барчага тушунарли бир тилда, оддий қилиб ёзилиши мумкинлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

«Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» чиққандан бери китобхонларнинг муаллифга йўллаган мактублари кети узилмайди. Ҳиндистоннинг Индоур шаҳрида яшовчи адвокат Суржамал Гарчлан келган мактубда шундай сатрлар бор: «Ёзувчи бой фактик матери алтар асосида бадиий жиҳатдан гўзал роман яратган, мен кўпдан бери бундай ажойиб асар ўқимаган эдим».

Шаҳрихонлик Абдуфаттоҳ Жўраев шуларни ёзади: «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довони» романларингизни ўқиган ҳар бир ўзбек фарзанди ўзининг шу буюк авлоднинг бир томири эканлигидан гурурланишга, қолаверса, буларни ўқиган бошқа миллат вакиллариининг буюк халқимизга бўлган ҳурматлари ортишига имонимиз комил».

Фарғоналик ҳассос шоира, мактаб муаллимаси Мақсуда Эргашева «Авлодлар довони» муталааси пайтидаги ҳис-ҳаяжонларини шундай илҳор этади: «Сизнинг «Авлодлар довони» романингни бехад миннатдор бўлиб ўқиб чиқдим». Мактуб 1989 йил 3 февралда, яъни «ошкоралик, демократия» жавабаси авжига чиққанда би-

тилган, хатда ўша кезлардаги беҳуда жазавалардан зада бўлган но-
зик қалбнинг «Авлодлар довоми»дан топган таскинлари ўз ифода-
сини топган. «Ҳозир ҳамма - газета-ю журналлардан тортиб, шеър-
лару романларгача бақириб-чақириб сўзлаётган ушбу замонда, -
дея давом этади муаллима, - улуғ боболаримиз ҳақида шундай со-
кинлик билан ёзилган асарингизни ўқиб, барча китобхонларни
моёб бир маънавий хазина билан қутлагим келадди. Беҳаду беҳисоб
ўлимларни ҳам ҳаёт нурига йўрилган тасвирларингиз дилрабо газал-
нинг оҳанглиридек руҳимга ором берди». Айни вақтда у романини
ўқишда қалбини ўртаган армон-ўқинчларни ҳам тўқиб солди:
«Балки, улуғ бобомиз Мирза Бобур хонлар туфайли бу тупроқ-
дан чиқиб кетмаганларида, биз бу кунги ҳолга тушмасмидик?
Юртимиз ҳам Мовароуннаҳрлигича қолиб, дунёдаги энг буюк дав-
лат бўлармиди? Ҳумоюн ва Акбарлар ҳам шунда туғилармиди, балки
жаҳонга машҳур Тожмаҳал Андижонда қурилармиди!»

Бундай армон романини ўқиган ҳар бир ўбек китобхони қалбида
кечди.

Мирзо Бобур ва унинг авлодлари ҳақидаги романларни аввал
шундан ички армон билан ўқиган китобхонлар ҳозир мустақилли-
гимиз шарофати билан тарихий ҳақиқат тикланганидан ҳар қанча
қувонса арзийди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда Соҳибқирон
Амир Темурга қўйилган ҳайкаллар, пойтахтимиздаги Теурийлар
музеини, Андижонда қад кўтарган Мирзо Бобур ҳайкали ва улкан
боғни тўлдирган ёдгорликлар мажмуи халқимиз ифтихор қилади-
ган мўътабар қаламжойларга айланди. Бу ҳодисалар ҳаёт билан ада-
биётнинг бири-бири билан уйғунликда ривожланаётганидан дало-
лат беради. Илоҳим, Қодир Аллоҳ бу уйғунликни абадий қилсин!

1997 йил.

КУЙ ТАРОВАТИ, ТАСВИР ЛАТОФАТИ

«Бир асар тарихи» туркумидаги бу мухтасар хотира-мақола ях-
лит бир роман эмас, балки унинг биргина боби ҳақида. 1964 йил ёз
фаслининг илк кунлари. Дўрмондаги Ёзувчилар ижод уйи бамисо-
ли бу ёруғ дунё жаннатининг сўлим бир гўшасига айланган чоғлар.
Бир оз ҳордиқ чиқариш, айни пайтда, Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйи-
ча бошлаган тадқиқотимни давом эттириш ниятида бу ерга кел-
ганман. «Уч илди» романи билан элга танилган ёзувчи Пиримқул
ака билан ёндош хонада турамиз. Яқиндан кузатиб билдимки, адиб
янги романи «Қора кўзлар» устида ишлаётган экан. Унинг ишлаш
тарзи мени қизиқтирарди. У ниҳоятда батартиб, ингиломли, гўё

куннинг ҳар бир дақиқаси ҳисоб-китоб, қағъи режа бўйича тақсимлаб қўйилгандай: вақтида ишлар, ухлар, боғ айланиб сайр қилар, ҳамкасблар билан суҳбат қураар, табиинки, мутолаа билан шуғулланар, радио орқали куйлар тинглаб ором олар... Гоҳо унинг руҳсати ёки таклифи билан хонасига кириб, янги асар қўлёзмаси устида ишлаш жараёнини кузатардим.

Бир гал Абдулла Қаҳҳор қўлёзма устида иш олиб бориш тартибига хусусида сўз очиб, шундай деган эди: «Мен ёзилган жумлани, ҳатто саҳифани ҳам устидан тузатолмайман. Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқасини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта ҳисоб билан 15-16 марта кўчираман, шубҳасиз, ҳар сафар саҳифага сайқал бераман». Пиримкул ака ҳам айни устоз йўлини тутаркан, иш столининг ён-бери учирилган, тузатиш қўлёзма варақлари билан тўлиб ётарди; фақат топ-тоза, беҳато, аниқ-тиниқ чиройли саҳифа ҳолига етгунгача қайта-қайта кўчириб ёзар эканлар. Хона бурчагидаги саватча ҳар кун қоралама қоғозларга тўлиб кетар, фаррош аёл ёзувчининг илтимосига кўра уларни ташқарига олиб чиқиб, ўчоқда ёқиб юборар эди. Бир гал адибга «Асарини қоралама нусхаларини сақлаб қўйсангиз яхши бўларди», деганимда, камтарлик қилиб «Булар сақлаб қўядиган даражада эмас» дея жавоб қилдилар.

Дам олиш кунини эди. Пиримкул ака бу кун ижодий ишга дам берар эканлар. Эрталаб хонамга кириб: «Умарали, бугун бир мириқиб дам олсак, столовойнинг овқати меъдага тегиб кетди, ошпазлик қўлинигиздан келди, деб эшитдим, иккаламиз ўчоқда ош дамласак. Абдулла ака айтмоқчи «гумбаз» ясасак. У кишини ҳам ошга таклиф этамиз. Ошпазга айтиб, масаллигини тайёрлатиб қўйдим», дедилар. Бажонидил рози бўлдим. Нонуштадан кейин ишга киришиб кетдик. Ош кутилгандан ҳам ортиқроқ яхши чиқди. Шайх ака дастурхон устида «ёзувчи билан танқидчининг ҳамкорлиги фақат адабиётга эмас, таомга ҳам файз киритар экан» дея ҳазил қилдилар. Ошдан олдин қиттак шароб ҳам тортилган эди. Ошдан кейин ариқ бўйидаги чинорлар остидаги думалоқ стол атрофида поядан ясалган креслоларда ширакайф ҳолда яйраб-ёзилиб батареяли радиодан куйлар тинглаб ўтирибмиз. Шу пайт бирдан ўша кезларда бетакрор овози билан элга танила бошлаган ёш хонанда Олмахон Ҳайитованинг «Найлайин» ашуласи тарата бошлади. «Ошиқ Фариб» дostonидан олинган қўшиқнинг «Бир сўз билан ошно ёрим бегона бўлди, найлайин», «Муҳаббат солган иморат вайрона бўлди, най-

лайин», «Ёр йўлида кўза ёшим равона бўлди, найлайин!» сатрларини янграганда. Пиримкул ака сел бўлиб гебраниб хаёллар оғушига чўлди. Сезмай қолибмиз, бирдан ёнгинамизда таниш овоз эшитилди: «Олмахоннинг нолиши сизларни сеҳрлаб қўйибди-ку!» Ялт этиб овоз чиққан томонга қаралик. Рўпарамизда бир қўлида қизил гилос тўла вагани тутганча Абдулла ака жилмайиб турарди. Зарур талбир туфайли ошхўрликка келолмагани учун узр сўраб, сўнг ҳазил-мутойибага ўтдилар: «Пиримқулнинг оёғи ерга тегмай қолганидан, зиёфат зўр ўтганга ўхшайди». Кулишдик. Анчагача гилосхўрлик қилиб чақчақлашиб ўтирдик. Абдулла ака кетганларидан кейин Пиримкул ака: «Бу одамнинг йўл-йўлакай айтган ҳар бир жумласи, ҳаттоки оддий беғараз ҳазил-мутойибалари ҳам тағдор, маънодор. Бояғи ҳазили, бир жиҳатдан, биз учун сийлов, айни пайтда, қиттак шаробхўрлик қилганимизга, қолаверса, менинг бўйбастимга ишора... Шунини ўзиям бир мактаб... Сўз айтишда, ёзишда бу аломат зотдан кўп нарса ўрганиш мумкин», дедилар.

Орадан икки кун ўтиб, Пиримкул ака «Қора кўзлар»нинг эндигина қўлдан чиққан ниҳоятда чиройли қилиб кўчирилган янги бобини ўқиб кўриш учун қўлимга тутқиздилар. Ўша заҳотиёқ ўқиб ниҳоятда завқландим. Бу қизлар базми тасвирига бағишланган «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларидаги айни шу хил базмларни ёдга туширувчи ажиб бир сурур, айни пайтда фиғон-алам билан йўғрилган, персонажлар қисмати, руҳиятини ниҳоятда тиниқ, таъсирчан бир тарзда очиб берувчи беазир балиий лавҳалар эди. Икки кун олдин радиодан тинглаганимиз «Найлайин» ашуласи сатрлари энди роман қаҳрамони Жаннатхон овозида ўзгача бир бир тарзда чуқур дард-алам билан янгради: «Жаннатхоннинг бениҳоя соф ва жарангли товуши бор эди. Рубобдан чиқётган оҳанглар қанчалик гўзал бўлмасин, Жаннатхон ашула бошлагач, улар ҳам иккинчи ўринга тушиб қолди. Чўлпонойнинг товуши унинг овозига бирпас эргашиб борди-да, ўзининг ожизлигидан уялгандай йўлда қолиб кетди».

Қаҳҳорона бошланган сиқик ифодалар Қодирийга хос жўшқин ва лағиф мусиқий оҳанг билан йўғрилган ҳолда «Найлайин» таронаси нағмалари худди моҳир рассомдек жонли чиғиб кўрсатилади:

«Жаннатхон овозини қўйиб бергиси келмас эди. Аммо юрагидан кўюлиб келатган дардли ва жозибали ҳислар қафасдан учиб чиққан қушлардай энди унга бўйсунмас эди. Унинг тобора баландлашиб бораётган товуши уйчага сизмай қолди. Очиқ деразадан ташқарига учиб чиқди-да, ойдин кечада сукутга чўмиб ётган қишлоқ

бўйлаб таралиб кетди». Ниҳоят, куйнинг сўнгги нидоси билан Жаннатхон кўнглидаги ҳамма дардларини тўкиб солгандай бўлади. Шу тариқа, қэхрамонига қўшилиб, ёзувчининг ўзи ҳам куй жўрлик-гида ич-ичини ўртаётган қалб тугёнларини тўкиб олади.

Кейинчалик танқидчиликда айни шу боб юксак баҳоланди, жумладан, устоз Озод Шарафиддинов «Қора кўлар»га бағишланган «Улғайиш» сарлавҳали салмоқдор мақоласида «Ўзувчи 30-бобда қизлар баъзини тасвирлар экан, Жаннатхоннинг рубоб чалиши ва қўшини орқали унинг қалбида тугён ураётган дардларни ҳам нозик ифодалайди», деб ёзган эди. Камина ҳам айни ўша боблагига куй таровати, тасвир латофатини баҳоли қудрат тақдир этишга уринганман. Мен романдаги айни шу бобнинг яратилиши жараёнига гувоҳ ва унинг илк ўқувчиси бўлганим учун фахрланаман.

Ижод жараёни, унинг ҳаётини замини, руҳий ҳолатлари қизиқ, сирли-сехрли. Эҳтимол, ўша кунги мароқли давра, радиодан янгираган атомат қўшиқ, хонанданинг беқиёс овозидаги дардли нолалар романдаги энг драматик лавҳалардан бири ифодаси ва ечимини учун бир туртки, турмушнинг ўзи инъом этган бадиий топилма бўлиб хизмат этган бўлса ажаб эмас.

Эҳтимол...

ҚАЛБ КОШОНАСИ СИРЛАРИ

(Одил Ёқубовнинг «Бир кошона сирлари» драмаси ҳақида ўйлар)

2000 йилининг 24 марти оқшоми... Ўша оқшом Ҳамза номидати академик театр сахнасида ижро этилган «Бир кошона сирлари» спектакли премьераси муаллифи Одил Ёқубовнинг қаламкаш дўстлари қатори мен ҳам тақлиф этилган эдим. Томоша залида бирорга бўш ўрин йўқ. Меҳмонларга қўшимча ўриндиқлар ташкил этилди. Томоша давомида зал сув куйгандек жимжит, тиқ этган овоз эшитилмайди, барчанинг нигоҳи, диққат-эътибори саханага қаратилган... Танаффус пайти бир гуруҳ томошабинлар Одил акани ўраб олиб гапга тутишди, дил сўзларини изҳор этишди: «Айни шу кунларнинг гапи, шу кун одамларининг дарди-ташвиши, раҳмат, сизга!» Суриштириб билсам, залда ўтирганларнинг аксарияти мактаб ўқитувчилари, уларнинг ота-оналари, фарзанд ва набиралари экан. Томоша тугагач, ҳамма ўрнидан туриб, спектакл ижрочиларини қарсак билан олқишлашди. Оёқ хасталиғи туфайли узр билдиришларига қарамай, алибни сахнага чиқишга мажбур

этишди. Бу шодиёна маросим бир неча минут давом этди. Бирорта ҳам томошабин зални тарк этишга шошилмасди...

Уша кунги спектакль таассуроти, мана, салкам бир йилдирки, менга тинчлик бермайдди, у ҳақида бирор гап айтиш, ёзишга ундайдди; Ёшай десам, мен театршунос эмасман, асарнинг саҳнавий талқини, образлар ижроси хусусида мулоҳаза юритишга, очиги, бир оз иймандим. Бу орада драма матни «Жаҳон адабиёти» журна-лида чиқди. Ниҳоят, бу асар ҳақидаги ўйларимни, мазкур драма сахонасида бутунги адабий жараёнга оид айрим мулоҳазаларимни кўстхонлар билан баҳам кўришга жазм этдим.

Асар матнини спектакль билан солиштираётғиб, бир нарсага ҳайрон қолдим: драма айнан саҳнага кўчирилган эди - икки пар-да, тўрт кўриниш, муқаддима ва хотима, унда иштирок этувчилар муаллиф қандай шарҳлаган, таърифлаган бўлса, ўшандай; асар матнини таҳрир қилиш, қисқартириш ёки унга қўшимчалар кири-тиш, айтишли йўқ. Очигини айтиш керак, кейинги йилларда саҳ-нада бир қатор непрофессионал муаллифлар асарлари пайдо бўлди. Бошқа жиҳатларини кўя турайлик, улар тил бадийяти томонидан ўта гариб: ёки китобий, оддий публицистика, ёки тарашланмаган кўча гаплари бўтқасидан иборат. Бу хил саҳна «асар»ларидан фарқ-ли ўлароқ, «Бир кошона сирлари»нинг тили профессионал драма-тург тили, ҳам ҳаётий-табиий, ҳам сайқал топган чинакам бадий тил, саҳнага мос ҳаракатдаги тил!

Кейинги пайтларда ёзувчи-шоирлар, мунаққидлар тилида бир гап айланиб қолди: чинакам, юксак санъат асари фақат «хос одам-лар» учун яратилармиш; асарнинг кўпчилиikka тушунарли, ҳамма-боплиги юксак бадийлик мезони бўлолмас эмиш... Бу гапларда муайян асос бор, албатта. Фақат ўзи, кўнгил таскини учун ёзди-ган қаламқашлар, шоирлар, шунингдек, «хос одамлар»га мўлжал-ланган, уларгина тушунадиган, қалрлайдиган мураккаб ва айни пайтда етук асарлар ҳам бор. Бироқ, азиятлар, нега биз хусусий ҳоллардан умумий хулосалар чиқаришга, қонуниятлар ясашга чоғ-ланамиз?! Бадий ижод «қолип»ларга сиғмайдиган жараён. Кўнгил-лардини ўзгаларга, кўпчиликка, бутун халққа, боринги, башари-ятга етказиш иштиёқи билан қалам тебратган, тебратаётган ижод-корлар йўлини камситиш одобдан эмас. Бир пайтнинг ўзида ҳам жиддий, теран маъноли, ноёб бадий ихтиро, кашфиёт, ҳам кўпчи-ликка тушунарли, бутун миллатни, қолаверса, жаҳонни ҳайратга, ларзага солган асарлар йўқ дейсизми! Аслида, чин санъат асарла-рининг кўпчиликка етиб бориши - барчани бирдек ҳайрат ва лар-

зага солиши ижодкорнинг, қолаверса, миллий адабиётнинг бахти, омади. XX асрнинг буюк сўз усталари - Э. Хемингуэй, Г. Маркес, С. Есенин, Ч. Айтматов, ўзимизда Қодирий ва Чўпонларнинг бахти, омади ана шунда.

«Бир кошона сирлари» спектакли томошаси пайтида мен бу ҳақиқатга яна бир карра иқрор бўлдим. Спектакль «хос» профессионаллар билан баробар турли тоифа, ёшу қари - барчага бирдек тушунарли, барчани ҳаяжонга солиш, ўйга толдириш қувватига, сеҳрига молик асар бўлиб чиққани кишини қувонтиради.

Драма номига қараб, у детектив-саргузашт асар эмасмикин, деган ўйга борасиз. Дарҳақиқат, унда, қисман, детектив асарларга хос айрим хусусиятлар бор. Драмадаги воқеа-можаролар асосан янги чиққан талбиркор-миллионер хонадонда, унинг ҳашаматли кўркам кошонасида, айти шу кошона - улкан моддий бойлик билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу хонадоннинг собиқ бекаси кечаги оддий дўкондор, кўркам ва шаддо аёл Дилора, унинг қўлида ишлайдиган оддий тачкачи Сарвар қандай қилиб қисқа фурсатда бундай ҳадсиз бойлик-мартабани қўлга киритди, деган савол, шунингдек, уларнинг оилавий тарихи томошабинни қизиқтиради, асар давомида бу саволларга жавоб ҳам топади. Бироқ асарни, ундаги персонажларни ҳаракатга келтираган бадний асос, бош муаммо бу эмас. Ундаги асосий нарса моддий бойлик билан маънавият, ўткинчи майллар билан табиий туйғулар, боқий қадриятлар орасидаги номувофиқликлардан келиб чиққан зиддиятлардир; аниқроғи, маъмур драма қалб кошонаси сирлари, шахс жумбоғи, инсон қалбининг ҳеч қанақа андозаларга сиғмайдиган турфа жилolari, тарқийб синоатлари тўғрисидаги асардир.

Драмада томошаси давомида яна бир жумбоққа дуч келасиз. Асар воқеалари муҳташам кошона, бадавлат хонадонга ёндош қўшни муъжаз, камтарона, оддий зиёли оиласидаги вазият билан баробар кечади. Бир қарашда, бу камтарона ҳаёт кечириётган покиза оила қўшни бадавлат оиллага қарама-қарши қўйилаётгандай, бу оиланинг турмуш тарзи намуна-идеал қилиб кўрсатилаётгандай туюлади... Бироқ драматург бунақа жўн ибтидоий талқиндан қочади. Зиёли оила аъзоларининг қўшни хонадонга муносабати икки хил: эр Сарварлар турмушидан ҳазар қилали, хотин эса бу хонадон аъзоларига чин инсоний муносабатда бўлади. Секин-аста бу идеал-намуна бўлиб кўринган оиланинг ҳам ўзига хос ички зиддият-муаммолари аён бўла боради. Буюк жарроҳ Дарвешали турмуш ўртоғи шифокор Гулнозани ҳар қанча ёниб севмасин, унинг кўйида тел-

баларча парвона бўлмасин, уни ўзгалардан қизганмасин, бари бир, бу дамлар аёлнинг кўнглини ололмайди, унга тўқис бахт ҳада этолмайди. Ўн йилдирки улар тирноққа зор. Гулноза ҳам, ўз навбатида, эри ва устози Дарвешалини ҳар қанча ҳурмат қилмасин, бари бир, ўзини ундан қандайдир бегона ҳис этади. Асарда булар ҳақида ошкора гап йўқ; бу нозик руҳий драматик жараёнини юракдан ҳис этиб турасиз ва унинг интиҳосини юрак ҳовучлаб кутасиз. Узоқ давом этган бу нозик руҳий жараён, пировардида, портлашга олиб келади. Сарвар учун энг оғир дамларда Гулноза ҳам кўшни, ҳам шифокор сифатида унинг ёнида туриб, бу самимий йигитнинг қалб асрорини ўзинча кашф этади, унга нисбатан ҳали «севги» деб бўлмас, қандайдир исмсиз майл уйғонади, кўнглида у билан ҳаж сафарига бирга кетиш истаги туғилади. Бундан огоҳ бўлган Дарвешали рашик, алам оловида жазавага тушиб, оғизга олиб бўлмас сўзлар билан Сарвар ва Гулнозага ҳамлалар қилади. Шу тариқа, сеҳрли кўллари, исқиссиз жарроҳлик истеъдоди билан ўзи қайта жон ато этган одамни ўзи жонидан жудо этади. Бундай шафқатсиз ҳамласи билан, ўз навбатида, Гулноза қалб кошонасини ҳам вайрон этади. Шуниси муҳимки, бундай шафқатсизлик-дағалликка нисбатан на Сарвар, на Гулноза қарши зарба бериш, шафқатсизлик қилиш йўлини тутмайди. Сарварнинг беозор ўлими, ўлим олдидаги видо сўзлари, Гулнозанинг беозор, юксак одоб ила изҳор этган ўқинчлари ҳар қандай кучли жавоб зарбаларидан-да кучлироқ чиққан.

Драма марказида турган персонажлар - Сарвар ва Дилора турмуш жумбоқлари, бу икки мураккаб шахснинг юрак сирлари ифодаси одат тусини олган талқинлардан йироқ. Сарварнинг ўз хотинини талоқ қилиб кўшни аёл Гулнозага майл кўрсатиши қандайдир маънавий айниш, бойваччалик, мол-дунё туфайли «кугуриш» оқибати эмас. Бу йигит удлабурон хотини орқасида омади келиб, талбиркор миллионерга айланган, лекин бойликка ҳирс қўймаган, ўша самимий инсонлигича қолган. У талбиркорлик бобида ҳам ҳалол йўлдан боради, пора билан иш битирадиган «илиринди-сипринди талбиркорларни», «қаланғи-қасанғи аферист»ларни жинидан баттар ёмон кўради. Унинг кўнгли нопокликни, андишасизлик ва беҳаёликни асло кўтаролмайди; «хотинининг марҳамати билан бойвачча бўлди» қабилидаги таъналарга, эркатой кўҳлик хотинининг беҳаё шўхликларини тантиқликларига асло чиқолмайди, бундай турмушта қатъий чек қўяди. Бироқ талоқ - ажралиш ҳали унинг учун нажот, мушкулот чораси бўлолмайди. Орада бири-биридан ширин фарзандлар бор. Боз устига, хотин ундан кўнгли

узиб кетолмайди, кўнгли тилаганига эса етолмайди. Шу тарикда йигит ҳадсиз бойлик эгаси бўлса-да, қўли ҳар жойга етса-да, бари бир ўзини ожиз-нотавон, бахтсиз ҳис этади; фаровон, дабдабади ҳаёт унга асло татимайди.

Масаланинг чигал томони шундаки, кўринишдан эркактой, шаддоод, енгилтак, тангиқ аёл Дилора аслида пок, хиёнат кўчасига кирган эмас. Унинг рашик, ғазаб оловида ёшан эрига қарата «Эр-калик қилсам, қилгандирман, енгиллик қилган бўлсам, қилгандирман. Лекин, тепачла худо, бирор ит теккани йўқ жисмига. Жисмим пок, виждоним ҳам» деган дил сўзларига ишонмай иложингиз йўқ, У алам, аччиқ устида эрини, фаришта аёл Гулнозани ҳақоратлар билан булғаса-да, Сарварнинг ҳам, Гулнозанинг ҳам бегуноҳ эканини яхши билади. У Сарварсиз турмушни тасаввур ҳам қилолмайди; дунёга келиб кўрган энг тогли, энг гўзал, энг бахтиёр дамлари Сарвар билан ўтказган кунлари эканлигини асло унутолмайди; Сарварсиз мол-дунё ҳам кўзига кўринмайди. Дилоранинг Сарварга қарата «Сиз сиз ёрут дунё қоронғу менга, жоним. Жонгинам, ҳайдаманг мени... Шу хонадонингиздан биттаю битта ҳужра берсангиз бўлди. Болажонларим билан келиб турай. Майин, бошқа хотин олинг. Мен хизматларингизни қилай. Чўри бўлай, малай бўлай. Фақат ҳайдаманг. Сизни кўриб юриш баҳридан жуло қилманг, мен бахти қаронни» деган илтижоларини тинглаганда, киши ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Хуллас, Сарвар ҳам, Дилора ҳам, Дарвешали ҳам, Гулноза ҳам - драмадаги барча етакчи персонажлар гўзал шахслар - даврининг асл, бокира, бахтли бўлишга, эҳтиромга лойиқ одамларидирлар. Чигал инсоний муносабатлар ҳақида баҳс этувчи бу драма қандайдир нурли, бокира бир туйғу билан йўғрилган.

Сарвар билан Дилора оиласидаги фаровонликни, пешқадам зиёлилар - Дарвешали билан Дилноза орасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эл-юрт ишига, касби-ҳорига салоқатни кимлар орзу қилмайди, дейсиз! Нега шундай бўла туриб, ҳар икки оилада бу хил кўнгиликлар рўй берди? Нега бу оила аъзолари бахтсиз? Бошга тушган савдоларга, турмуш чигалликларига нажот топмай ўртанадилар?! Буни ҳаёт дейдилар, кўнгил кўчалари дейдилар. Бу драма инсон ҳаёти, қалби нақадар мураккаб, сир-синоатга бой, уни англаш, қадрлаш, аслида, ўзига хос илм, юксак санъат эканини яна бир қарра эслатишни, сизни жиддий ўй-мушоҳадаларга унлашни билан қимматлидир.

2000 йил.

БЕОРОМ ТҮЙҒУЛАР МАВЖИ

Одил Ёқубовнинг 2002 йили чоп этилган «Қайдасан, Морико?» тўпламининг мутолаа қилгуриб, биринчи гада, атоқли адибнинг 75 йиллик умр йўли, бу беором, мардона қалб эгасининг ярим асрлик бетиним ижодий изланишлар, ўй-мушоҳадалар ила кечган серташвиш ва тотли онлари кўз олдингиздан ўтади.

Дарвоқе, тўпламда муаллифнинг, асосан, кейинги йилларда битилган драма, қисса, ҳикоя, публицистик мақолалари билан баробар, қирқ йил бурун катта шов-шувларга асос бўлган «Муқаддас», шунингдек, турли йилларда ёзилиб, эл оғзига тушган «Матдуба», «Биллур қандиллар» қиссатари, айрим бадиалари ҳам ўрни олган. Адибнинг янги асарларини аввалгиларига солиштириб, шунга амин бўласизки, навқиронлик дамлари маҳсули бўлмиш багтикларига хос ҳарорат - жўшин эҳтирос, ёниқ ўй-мушоҳадалар 70 ёшнинг нари-берисиде битилган драма, қисса ва бадиаларида ҳам тўла сақланиб қолган.

Адабиётшуносликда «биографик метод» деган илмий мактаб бор. Бу метод ёзувчи асарларидаги ижодкор шахсияти, таржиман ҳоли билан алоқадор жиҳатларни текширади. О. Ёқубов ижоди бу хил тадқиқот учун гоаят бой материал беради. Адибнинг ўнлаб асарлари, жумладан, янги тўпламдан жой олган публицистика ҳамда этюдлар, «Қайдасан, Морико?», «Музқаймоқ», «Яхшилик» каби қисса ва ҳикояларида муаллифнинг ўзи асар персонажи сифатида иштирок этади; шахсан ўзи бевосита иштирок этмаган асарларида ҳам муаллифнинг ўрни тайин - эҳтиросга тўла ёниқ овози баралла эшитилиб туради. Ҳатто одис тарихдан ҳикоя қилган асарларида ҳам ёзувчининг шу хилдаги шахсий иштироки уларга ажиб файз бахш этади.

О. Ёқубов табиатан фаол, жамоатчи шахс. У - жамоат ишларига ҳаётини тиккан, шу йўлда қурбон бўлган ота фарзанди. Болаликданноқ 30-йиллар талотумлари, сўнг уруш даври сурунлари қўйнида, одамлар орасида машаққатли меҳнат жабҳасида тобланган, фақат онлавий ҳаётдаги кўргиликлар эмас, эл-юрт ташвишлари билан ёниб яшашга ўрганган. Иккинчи жаҳон урушининг охириги йили, ёшига бир ёш қўшиб, ўз аризасига кўра армия хизматиға кириб, Узоқ Шарқдаги жангларда иштирок этган; унинг галабалик йиллари, турли таҳририятдаги хизматлари, «Литературная газета»даги мухбирлик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га бош муҳаррирлик, Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик, Собиқ Иттифоқ Олий Советининг депутати сифатидаги жўшқин, фидокорона фаолияти кенг

жамоатчиликка маълум. Адиб кексаллик чоғида ҳам Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Республика атамашунослик қўмитаси раиси, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президентидек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этди.

2002 йили «Ёзувчи» газетасида О. Шарафиддиновнинг «Нутқ» деб аталган мақоласи босилган эди. Мақола Одил Ёқубовнинг 1989 йили халқ депутатлари қурултойида сўзлаган машҳур нутқи - улкан жасоратига бағишланган. «Нутқ» ни мен сўнгги йиллар ўзбек танқидчилигининг жиддий ютуқларидан бири деб биламан. Ҳар қандай танқидчи бутун фаолияти давомида доақал шундай битта мақола ёзишни орзу қилиши табиий. Гап шундаки, мақолада бир-йўғи 8-10 минутлик нутқнинг моҳияти, XX аср миллий ижтимоий тафаккур тарихидаги ўрни, маъно миқёси, таъсир кучи тераф таҳлил этиб берилган. Мақолани ўқиб, унда келтирилган ёзувчининг «Мен бутун ижодимни тарозининг бир палласига қўйсам, иккинчи палласига шу нутқимни қўйган бўлардим» деган сўзлари асло муболаға эмаслигига амин бўласиз. Ёзувчи бу нутқда халқ дардини ёниб иҳор этган Чўлпон, Қолирий, А. Қаҳҳор, Ҳ. Абдуллаев сингари халқимизнинг чин жасур ўғлонлари анъаналарини давом эттириб янги босқичга - юксак минбарга олиб чиқди, ўзбек ижодий зиёлилари ичида ҳам жасур, ҳақгўй, адолатпарвар, эркесвар, юксак даражада тафаккур қила оладиган сиймолар борлигини кенг жамоатчилик олдида намойиш этди. Энг муҳими, бу нутқ, ёзувчининг ҳаётда оқ-қорани танигандан буён кўксига тош бўлиб ётган, қалбини ўртаган, неча ўнлаб асарлари бағрига қўчиб ўтган эл-юрт, миллат гами ҳақидаги ўй-мушоҳалаларининг ўзига хос мужассами, минбарларда кўксидан отилиб чиққан ёлқини эди. Бу нутққа у гўё бутун умри, фаолияти давомида тайёргарлик кўрган эди.

Афсус, ёзувчинини янги тўпламига ўша машҳур нутқ матни киритилмаган, бироқ ўша нутқ ёлқинларини деярли ҳар бир мақола, драма, қисса, ҳикоялари саҳифаларида аён кўрасиз.

Ҳаётда ёниб яшаш, ёниб ижод қилиш - адибнинг бош шiori. Ёниб яшаган одамлар - асарларининг бош қарамони. Мўъжаз этюдлардан тортиб ҳикоя, қисса, драма, романларга қадар - барчасида етакчи персонажлар айна шу хил табиатли одамлар. Отелло образи билан ўзига мангу ҳайкал қўйиб кетган машҳур актёр ҳақида кўп ёзилди, унинг саҳнадаги ҳолатини шерга, йўлбарсга ўхшатишди. «Лекин, - деб ёзади О. Ёқубов актёр ҳақидаги этюдида, - рашик азобида тўлгонган бу одам шер ҳам эмас, йўлбарс ҳам эмас, саҳ-

нада чарх урган чўғ, қизил шоҳи кўйлак ичида мавж урган олов, тафтига ҳеч ким бардош беролмайдиган бир аланга эди! Бу оташ, бу аланга, кенг саҳнада жавлон урар, ҳаммани куйдиради, ёндиради, ўзи ҳам томошабин кўзи олдида ёниб борар эди...»

Мана шу сатрларни қайта ўқиб, хаёлга толасан киши - бу гаплар ёзувчининг айнаи ҳаётини ва ижодий кредосини эмасми! Ахир ўша машҳур «Муқаддас», «Эр бошига иш тушса», «Излайман», «Диёнат», «Оққушлар...», «Адолат манзили», «Улугбек хазинаси», «Кўҳна дунё» қаҳрамонлари ҳам ўзлари кўз олдимизда ёниб, ўзгаларни куйдириб, ёндириб қалб ўқинчлари, фарёдлари билан ўқувчи-томошабин қалбига ўт солувчи оташ, гафтига дош бериш мушкул бўлган аланганинг ўзгинаси-ку!

«Бир қошона сирлари»даги Сарварнинг ҳаёти сўниб бораётган замлардаги дил розлари, Дилоранинг турмушдаги ўйламай босган қаламлари туфайли чеккан афсус-наломатлари, Дарवेशалининг тариганда топган бахт қуши - севгилиси кўнглини ололмай, Отелло каби рашк оловида ўртанишлари, фариштадек пок, бегубор Дилоранинг бурч ва кўнгил майли орасида қолиб чеккан ўта нафис руҳий иштироблари - буларни мен бугунги ўзбек саҳнасидаги ноёб бадний топилмалар, деб биламан.

«Акюларга васият» тарихий драмасидаги Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам улкан давлат арбоби, қудратли салтанат соҳиби сифатидаги кенг миқёсли ўйлари, ҳам оддий инсон, оташин ошиқ сифатидаги ёниқ кечинмалари, умри сўнигидаги салтанат, эл-юрт тақдирини, истиқболни ҳақидаги иштиробли мушоҳадалари, армон-ўтинчлари, Соҳибқироннинг энг сўнгги ва суюкли рафиқаси Сулувкўзнинг ор-номус исканжасида ўз жонига қасд қилиши - булар ҳам гуриллаб ёниб сўнаётган оловни эслатади.

Ёзувчи фақат маломатли, кескин драматик фожеий ҳолатларни эмас, қувончли ҳолисаларни, кўнгилдаги фахр-ифтихор туйғуларини қоғозга туширганда ҳам эҳтирос билан жўшиб қалам тебратди. Бу жиҳатдан, айниқса, «Қашқадарё гурунглари» ибратли. Истиқлол йилларида Қашқадарё чўлларида қад кўтарган боғ-завод, Шўртан газ-кимё мажмуи дунё бўйича бор-йўғи уч-тўрт мамлакатда, яъни Америка, Германия, Таиланд ва Канадада қурилган шу хил иншоотлар билан бўйлаша оладиган энг замонавий комплекс манзаралари, технология жиҳатидан ўта мураккаб иншоотларни моҳирлик билан бошқараётган бош директор, муҳандис, юксак малакали ишчилар билан танишув, улар билан мулоқот, гурунглар чоғида муаллиф кўнгилида кечган жўшқин туйғулар, ўй-

мушоҳадалар ўқувчини ҳам ҳаяжонга солади; ёзувчи бугунги бунёдкорлик ишлари, уларнинг бунёдкорлари, раҳнамоси ҳақида сўзлар экан, беихтиёр кечаги кунларни, яқин ўтмишда бўлиб ўтган нохуш ҳодисаларни ҳам йўл-йўлакай эслайди; шаъни, ҳақ-ҳуқуқи топилган, эл-юртни ўта мураккаб, танг вазиятдан мана шундай юксакликка кўтаришда юртбошимизнинг алоҳида хизмати, шижоати устида тўлиб-тошиб сўзлайди.

Ёзувчи таъкидлаганидек, ҳаёт шиддат билан ўзгармоқда, шу билан бирга ҳар биримиз ҳам ўзгармоқдамиз. Кечмишда кунлар учун орзу саналган тарихий жараён интирокчиси бўлиш ҳам бир давлат. Чунки озодлик ва эркинликни орзу қилган, шу йўлда курашган қанчадан-қанча Бехбудийлар, Чўлпонлар, Фитратлар бу кунларга етиб келолмай армон билан ўтиб кетишди. «Мана шунлар ҳақида ўйлаганда, - деб ёзади адиб, - биз - қалам аҳли ҳақиқатан ҳам даврдан орқада қолиб кетмаяпмизми, - деган ҳаёлга борасан киши. Албатта, вақти-соати билан мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар улкан асарларга мавзу бўлади. Лекин ҳозир, меннинг билишимча, мана шунга замин яратаётган публицистик асарлар ёзмоқ, турли соҳалардаги бунёдкорлик ишларини изчил таҳлилий асосда кўрсатиб бермоқ даркор».

Тўшамда бевосита бадиий ижод муаммолари, устозлар ибрати, ижодий тажрибалари, қолаверса, адибнинг ўз ижодий лабораторияси хусусида ҳам мароқли кузатиш, ўй-мушоҳадалар мавжуд.

Этюдлардан бирида ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртактлар»и муҳокамасида кескин мунозарага сабаб бўлган ҳол - асардаги қалтис бир лавҳа - уста Абдуқаҳҳорнинг енгилеёқ аёллар билан алоқаси тасвири устида мулоҳаза юритиб, бу ҳол улкан реалистик адабиёт учун хос хусусият эканлигини айтади. Дарҳақиқат, реалист адиб ҳақиқат олдида ҳатто отасини ҳам аямаган.

Ёзувчи ўз ижодида айни шу принципга амал қилади, хом сўз эмган одам боласининг инсоний ожизликлари, айб-гуноҳларини яширмай, далил айтаверади, бу борада сеvimли қаҳрамонларининггина эмас, ҳатто ўзини ҳам аямайди. «Туш» сарлавҳали этюдаги ҳолатни эслайлик: ёзувчининг илк ҳикоялар ёзиб, ўзини адабиёт оламинга дахлдор эканидан беҳад қувониб, қолаверса, «Ҳожимурод» мутолааси таъсирида сўз санъати сеҳридан ҳайратлар оғушида юрган кезлари... Шу орада ёш ёзувчи туш кўради, тушида Толстойга дуч келади. Қувончидан ўзини қаяққа кўйишини билмай қолади, дилдагиларни ўзидан қатта адашига итҳор этади; у эса Одижоннинг ўша дамдаги ҳолатидан қаҳ-қаҳ отиб кулади. Вазият бир-

дан Ҳагарали. Энди Одишжон уятдан ўзини қасрга қўйишни билмайди. Бу ҳодиса ёзувчи учун бир умрлик сабоқ бўлиб қолади. «Ўзим ҳам Толстойнинг буюклигини ўша кун тушундим ов. .. Толстой шунчалик буюк эдики, уни ҳатто тушимда кўрдим дейиш ҳам ноқамтаринлик ва мақтанчоқлик бўларди!...»

«Музқаймоқ» ҳикоясидаги ёзувчининг ўз болалик йиллари билан боғлиқ ҳодиса ифодасида танқидий руҳ янада кескинроқ. Бу асар мустабил тузум, яккаҳоким мафкура жиноятининг энг даҳшатли лавҳаларидан - маъшум 37-йил қатағони, ўша қатағон доғулга дучор бўлган оила, топталган болалик, топталган инсоний туйғулар ҳақида баҳс этади. Аввало, ҳикоя қаҳҳорона шафқатсиз услубда битилган. Ҳақиқат, адолат олдида муаллиф ўзини ҳам, отасини ҳам аямаган. Ота - Эгамберди умрининг сўнгги дамларигача большевойлар ғоясига солиқ қолади, эртаю кеч партия, давлат хизмати деб тиним билмайди, ўзини, оиласини унутар қолга етиб борлади. Ота ўғли билан сўнгги учрашувда алдовга қурилган тузум, сохта ғоя-эътиқод йўлида маъносиз ўтган умри, беҳуда кетган жонбозлик, фидойиликларни англаб етгандай бўлади, фарзандлар олдидаги оддий оталик бурчини ўтолмай кетаётганидан, тўнгич ўғлига ҳатто бир марта музқаймоқ ҳам олиб беролмаганидан ўқинади.

Бундан ҳам ёмони, фидойи большевик ота ва ўша мустабил тузум мафкурасининг ўчоғи бўлмиш совет мактабида таълим олган, оқпадар Павлик Морозовлар руҳида тарбияланган ўғлон ҳам бошда отасига тортади, отасини ҳибсга олиш учун келган қотилларга «халис хизмат» кўрсатиб, уларнинг «тахсин»ига сазовор бўлади. Ҳикоячи ёзади: «Капитаннинг бу қутилмаган мақтовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фареда қарамасдан, отамни қамашга келган жаллоднинг мақтовидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда, бир ўзимдан ижирганиб юрдим. Аммо ўша дақиқада, афсус-надолатлар бўлсинким, унинг сўзларидан гурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!»

Ёзувчининг Уюқ Шарқдаги армия хизмати хотиралари билан боғлиқ. «Қайдасан, Морико?» қиссасида ҳам айни шу руҳ ўзгача тарзда намоён бўлган. Бироқ қиссадаги асосий нарса бу эмас; қолаверса, асарда батафсил тасвир этилган ғолиб совет армияси майорининг мағлуб япон армияси контрадмирални қизи билан интигим дулоқотлари ҳам эмас. Қиссадаги ўқувчини ҳаяжонга соладиган жиҳат - айни ўша адмиралнинг - 1941 йил Америка флотини ер

билан яксон қилган денгиз жангларида қаҳрамонлик кўрсатган бугун эса қўлидаги қуролидан, турмуш ўртоғидан жудо бўлиб уй қамоғига маҳкум этилган, қизлари билан қарамликда яшашга мажбур кум этилган душман томон одамнинг ачиқ қисмати, руҳий тиробларидир. Ёзувчи бу одамга шунчаки бир душман. Бугунги кунда қўли калта, иложсиз бандан ожиз эмас, инсон сифатида қарайди; шўх, эркатой гўзал қизлари, қолаверса, ўз шаъни, орномусини ҳимоя қилиш йўлидаги жонбозликларини ўзига хос бир тарзда ихчам лавҳаларда, баъзан эса имо-ишоралар орқали тасвирчан ифода этади. Шу тариқа, истиқлол йилларида яратилган драма, ҳикояларида бўлгани каби мазкур қиссада адиб ижодининг шу хил янги қирралари намоён бўлган.

«Қайласан, Морико?» тўплами шундан далолат берадики, адиб шахсияти, ижодига хос ёниқ, беором ўй-туйгулар, бетиним илданишлар мавжи умр буйи давом этажак.

2002 йил.

«РУҲЛАР ИСЁНИ»НИНГ НУРЛИ ТОЛЕИ

Ёдимда. Бундан роппа-роса ўттиз йил бурун - 1979 йилнинг 9 май куни. Туни билан ёғиб чиққан ёмғир эрталаб тиниб, бузуллар тарқаб, қуёш чарақлаб кетган. Бир гуруҳ ижодкор зиёлилар Иброҳим Гафуров хонадонига навбатдаги гуруннга тўпланган эдик. Лас-турхон атрофида, бир пиёла чой устида шоир Эркин Воҳидов дўстлар илтимосига кўра, куни кеча ёзиб тугатган янги достони «Руҳлар исёни»ни ўқиб берди. Бир соатдан ортиқроқ давом этган ўқиш ниҳоясига етди. Даврадагиларнинг барчаси чуқур сукутда, ўй-мушоҳадалар оғушида. Достон ва унинг муаллифи шаънига ҳеч қанақа ҳамду санолар айтилмади. Бунга ҳожат йўқ эди. Миллий достончилигимизда жиддий ҳодиса пайдо бўлганига тингловчиларнинг ишончи комил эди. Жаҳон адабиёти билимдони Талъат Солиҳовнинг биргина «Бугунги жаҳон адабий-бадний гафаккури даражасидаги асар бўлибди» деган эътирофига сўз қўшишга ўрин қолмади.

«Аmmo... лекин» деганларидек, кўплар қатори менинг кўнглимни ҳам бир қатор хавотирлар безовта қиларди.

Аввало, бу достон аллома Фитратнинг ўтган аср 20-йиллари бошларида яратган «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмаларини ёдга соларди. «Руҳлар исёни» ҳам Фитрат драмалари каби Ҳиндистон озодлиги, мустақиллиги йўлига ҳаётини тиккан фидойи исёнкорлар қисматида баҳс этарди. Чўлпон ўз вақтида буюк

режиссер Маннон Уйгур саҳнага олиб чиққан «Чин севиш» асари ҳақда тақриз ёзиб, уни чин дилдан олқишлаган, «зўр нарса», бу «бузук армонли» асар, «ўзбек саҳнасининг зўр енгизиши» (ғалабаси) деб атайди. Шу ўринда тақриз муаллифи Фитрат «Чин севиш»нинг давоми дейилса бўлатурган «Ҳинд ихтилоли»ни ёзиб тугатгани тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтади. Мақолада сирли бир жиҳат бор: тақризчи асар ва унинг муаллифини асраш ниятида бўлса керак, саҳна ижроси устида батафсил мулоҳаза юритади-ю, драманинг асл маъно-мундарижаси хусусида сўз айтишдан тийиллади; тўғридан-тўғри «Асар тўғрисида фикр юритувдан қочмоққа ва ўзимни тортишга мажбурман. Негаким шу ёзилгонлардан ортиғи меним учун ортиқдир» дейди. Мабодо Чўлпон 1920 йил 25 майида асарнинг асл моҳиятини ошкор этганида борми, балки, ўн саккиз йил бурун унинг муаллифи Фитрат бошини мустабид тузум дорига тутиб берган бўлармиди...

30-йиллар ўргатарига келиб, «Чин севиш» ва унинг давоми «Ҳинд ихтилолчилари», «антишўровий», «аксинкилобий», «ниҳобланиб қизиллашиб» иш кўриш, «миллатчилик қарашларини тарғиб этиш» ёрликлари остида кескин қораланди. 1936 йили ёзилган бир мақолада шу сўзларни ўқийми: «Фитрат ўз миллатчилик қарашларини Ҳиндистон ҳаёти ва миллатчиларининг кураши фонидида ифода қилди. Демак, Фитратнинг Ҳиндистонга қараб кетиши муайян тарихий шароитнинг ифодасидан бошқа нарса эмас эди. Декорация ўзгарган бўлса ҳам, мазмун ҳамон эски, миллатчилик қарашларининг янгича тавланишидан иборат эди».

Бу хил айбловлар охири нима билан тугагани аён!

Сталин қатағонлари расман қоралангандан кейин ҳам «Ёшлар билан суҳбат», «Тирик сатрлар», «Олтин зангламас» бошига тушган «қора кун»лар гаҳлиди 70-йиллар охири, «Рухлар исёни» билан бизлар илк бор танишган чоғларда ҳам кўнгилларга ваҳм солиб турарди. Ахир дostonда қаламга олинган ҳинд элида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, оташин бенгал шоирининг ўз юрти оғзидини, мустақиллиги йўлида олиб борган курашлари, юртпарвар, эркесвар шоир бошига тушган кўрғиликлар, таъқиб, қамоқ, адалси: қийноқлар, ўз юрти одамлари ичидан чиққан сотқинлар хиёянати туфайли эс-ҳушидан ажралиш ҳолига бориб етиши - буларнинг барчаси ўзимизда ҳам бўлиб ўтган, улар Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар, қолаверса, «Олтин зангламас» қаҳрамонларининг фожий қисматини эслатар эди. Аммо бу ҳол асарда асло ошкор этилмайди. Чунки ўша йиллар ҳатто Фитрат, Чўлпонлар номини тилга

олиш ҳам хатарли эди. Ўн йил бурун «Ёшлик девони» аввалида аннотацияда кўҳна аруз вазнини ҳозирги замон шеъри услуби яқинлаштириш учун уринган шоирлар қаторида Чўлпон номи ҳам тилга олингани учун, бу китоб таъқибга учрашига бир баҳя қолган. Чўлпон ибораси билан айтиладиган бўлса, декорация усталик билан ўзгартирилган, бироқ ўзгаргани билан асл мақсад, маъно-мазмун ўзгаргани йўқ. Шоир ҳинд элидаги воқеалар баҳонасида ўз кўрти, ўз эли қайғуси билан ёниб қалам тебратгани сир эмас.

Достонда ижод аҳлига қарата айтилган ҳам оловли, ҳам армонли мана бундай сатрлар бор:

*Ҳар нечаким зўр истейбод,
Тошқин шўҳом,
У нега,
Халқинг ётса
чекиб фарёд,
Ярамасанг кунига.
Шоир эсанг,
Шоир бўлиб
Нега келдинг ҳаётга,
Элинг ётса
дардга тўлиб,
Келюмасанг нажотга?!
Не шоирсан,
Ташбиҳларнинг
Борми асли кераги,
Бўлмаса эл гами -
дардинг,
Юрагинг -
эл юраги?!*

Ҳинд эли ҳол-аҳволи, дарду ташвишлари билан боғли ҳинд шоирларига қарата айтилган бу қалб нидолари айни пайтда адибнинг ўша кезлардаги ўз эли ҳоли хусусида ўз сафдошларига ҳам йўналтирилганлиги аён.

Достоннинг шу жиҳатларини, бинобарин, асосий руҳини, пафосини биров илғади, биров илғамеди, биров билди, биров билмади, билса ҳам ўзини билмасликка олди. Қарангки, «Рухлар исёни» тўғрисида мустабил тузум шароитида ёзилган мақолаларда бу ҳақда гап очинишга, достон маъно-мундарижаси доирасини Ҳинди-

сери чегараларидан бу ёққа олиб ўтишга ҳеч ким журъат этолмади. Ҳозирги мунаққидларимизни кўя туринг, таниқли рус танқидчиси Л.Лавинский «Вопросы литературы» журналининг 1986 йил 4-сонидан чиққан «Ҳозирги поэма уфқлари» сарлавҳали мазмундор мақола-сида «Рухлар исёни» устида тўхталиб, унда тарихий давр аниқ ифода этилганлигини алоҳида таъкидлайди. Аминманки, ўзбек мунаққидлари каби рус танқидчиси ҳам анойи эмас, дostonда нималар устида гап кетаётгани, боз устига бу борада Ўзбекистондаги вазият-но балодай биларди. Шунинг учун ҳам у дostonни, дoston муаллифини асраш мақсадида аниқ макон, тарихий давр чегараларидан берига ўтмаган. Шу тариқа хушёр, инсоф-диёнатли мунаққидлар улут Чўлпон «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилар»га нисбаган тутган йўлдан бориб «Рухлар исёни»нинг асл маъноси, пафоси тўғрисида сўз айтишдан қочган, бундан ўзини тортишга мажбур бўлган. Негаки шу ёзганларидан ортиғи ўзлари учун ортиқ эканлигини яхши англаганлар. Шахсан мен ҳам шундай қилганман. Дoston муаллифи Эркин Воҳидов телевиденида «Рухлар исёни»га бағишланган кўрсатувдаги чиқишида (2006 йил май) мунаққидлар шўро ҳокимияти йилларида шундай йўл тутганлари, шу тариқа дostonни бало-қазолардан асраб қолишга ҳисса қўшганликлари учун уларга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

Дoston билан илк танишувда кўнгилга хавотир солган яна бир ҳиҳат, асарда диний руҳдаги ривоятлар, хусусан, «Олий руҳлар ўрисидаги нақл» бобидаги талқинлардир. Ўша йиллари диний ақдалар ҳақида сўз очиб, аниқроғи, уларни ёқлаш арининг уясига тўп тикишдай гап эди. Ч.Айтматовдай донгдор адиб айни «Рухлар исёни» билан бир йилда дунё юзини кўрган «Асрга татиғулик кун», шайнроқ «Қиёмат» романларидаги диний талқинлар учун қанчалар маломатга қолганини, «аллоҳга ғамза қилиш»да айбланганлигини яхши биламиз. «Рухлар исёни» муаллифи ҳам бу борада қалтис йўл тутади. Олий руҳлар ҳақидаги ақдаларни ҳимоя қилади; «Марҳумларнинг руҳи кўкда Доим учиб юриши»га имон келтиради, «...улар Дунёда бор! Шак келтира кўрмагин» дейди қатъий қилиб. Шоир эътиқодича, «Улар бизни Кўриб турар, Бунни сезмас нодонлар. Улар билан суҳбат қурар Фақат буюк инсонлар. Улар борки - бизлар одам, Ҳақиқат бор беомон. Яхшилик ҳам, Ёмонлик ҳам, Қайтар бир кун, бегумон». «Рухлар борки, бир-бирларинг Еб қўймаслар одамлар...»

Ҳаётда ғаройиб, сирли-сеҳрли тасодифлар бўлиб туради. Аллоҳнинг инояти, қолаверса, ўша пок дилларга ёр олий руҳларнинг

малади туфайли бўлса керак, дostonнинг шу қалтис жиҳати ҳам бахтли тасодиф туфайли ёмон кўзлардан, фалокатлардан омон қолди. Асар ярим йилдан сўнг «Шарқ юлдузи»нинг 1980 йил 1-2-сонларида эълон этилди, 1982 йили «Шарқий қирғоқ» тўпламидан, сўнг рус тилига таржима этилиб, шоирнинг Москвада чоп этилган китобидан жой олди, таниқли рус шоир ва танқидчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди, мактаб ва олий ўқув юрталари адабиёт дарсликларига киритилди.

Кези келганда, «Рухлар исёни»нинг ижодий тарихи билан боғлиқ бир тажрибани эслатиб ўтсам. «Талант тарбияси» мавзусида Эркин Воҳидов билан ўтказган суҳбатимизни 1987 йили «Шоир шайху шуур» китоби учун қайта тайёрлаш чоғида шоир қизиқ бир воқеани сўзлаб берган эди. Унинг айтишича, оташин бенгал шоири Назрул Исломининг қаҳрамонона ва фожиали қисмати анчалар бери шоирни ҳаяжонга солиб келган, у ҳақда бирор нарса сизни ҳаёлида юрган. Шу мақсадда шоир ҳаёти ва ижодини синчиқлаб ўрганган, унинг ҳаётига оид маълумотларни атрофлича ўрганиш ниятида Ҳиндистонга борган, шоирни яқиндан билган кишилар билан суҳбат қурган. Шу маълумотлар, таассуротлар асосида бир шеърини қисса ёзган, унда Назрул Исломининг ҳаёт йўли, кураши, фожиали тақдири батафсил ҳикоя қилиб берилган... Бироқ бу тайёр асардан, негадир, шоирнинг кўнгли тўлмайди. «Ўйлаб қарасам, - деган эди суҳбатдошим ўшанда, - унда мен Назрул Ислом ҳаётига оид мавжуд маълумот, саргузаштларни шунчаки беллетристик йўлда ҳикоя қилиб бериш, шарҳлаш билан чекланиб қолган эканман. Ёзувчи-шоирнинг вазифаси бирор шахс ҳаёти, саргузаштини шунчаки баён қилиб беришдан иборат бўлса, дунёда ёзувчиликдан осон ҳунар бўлмасди. Ижодкор ўз қаҳрамони ҳаёти, тақдирини бадиий таҳлил этиши, шу баҳонада, ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадаларини ўртага ташлаши керак-ку, ахир! Менинг қаҳрамоним Назрул Ислом тақдири бу жиҳатдан гоят қулай имконият берарди. Мушкул ижодий изланишлар палласи бошланди, дostonнинг тайёр илк вариантдан воз кечишга тўғри келди, кўп уринишлардан кейин дostonнинг ўқувчиларга тақдим этилган ҳозирги варианты пайдо бўлди».

Эътибор беринг-а, қаҳрамон ҳаётини шунчаки беллетристик йўлда ҳикоя қилиб берган қисса «ўз қаҳрамони ҳаёти, тақдирини бадиий таҳлил этиш, шу баҳонада ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадалар»ни ифодаси йўлидаги мушкул изланишлар самараси бўлмиш дostonдаги айни ўша «ўй-мушоҳадалар», уни

Ифодалаш бобидаги «мушкулликлар» нимадан иборат эканлиги айтилмаган, аниқроғи, айтиш мумкин бўлмаган ўша дамларда. Буни шоиримиз 2006 йилнинг майида телевидениедаги чиқишида аниқ айтди. Бадий ижоднинг сирли-сехрли жиҳатлари, буюк айтиш, ифодалаш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни, энг қатгис, кескин баёнларни ҳам санъат тилида қойилмақом қилиб ифода этиши, мисалгаб ўқувчилар қалбига етказиши, шу тарздаги мислсиз жасорати билан миллият оламидаги олий миссиясини адо этвериши мумкин. «Рухлар исёни» бунинг ёрқин бир исботидир.

2009 йил май.

САТРЛАРНИНГ СЕХРЛИ КУЧИ

Машҳур адибимиз Шухратнинг 50 ёшлик тўйи 1968 йил баҳорда ўтказилиши керак эди. Бир неча сабабларга кўра, кўбилей қилинмади. Шухрат ака волидан муҳтарамаларини ниҳоятда ҳурмат қиларди. Ўзининг 50 ёшлик юбилейи тарафдори ҳақида сўз очилганда, у киши онам 80 ёшга тўляпти, аввал уларнинг тўйини ташкиллашди, кейин бир гап бўлар деб туриб олдилар. Оналар тўйи ниҳоятда серфайз ўтди. Қариндош-уруғлар, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Зулфия опа, Шайхўда, Миртемир каби устозлар, шоирнинг тенгдош-сафдошлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Муҳаммад Али сингари ёш шоирлар янги қад ростлаган кўркем ҳовлига тузалган столу дастурхонларни тўлдириб ўтирибди. Тўрида ошпоқ рўмол ўраган кайвон онахон... Онахон ва унинг ҳурматини бажо келтираётган ўғлонларига кўп илиқ гаплар айтилди, шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар янгради. Назаримда, маросимда энг чиройли сўзни Абдулла Қаҳҳор айтди: «Шухрат шеър битиш, роман ёзишнинггина эмас, ҳоли-жой, оила қуришни ҳам қотиради, - дея сўз бошлади устоз. У муътабар удумларимизни ардоқлаш, онага эҳтиром кўрсатиш бобида ҳам яхши «ижодкор». Мен кўп тўйларни кўрганман. Аммо Она тўйида биринчи бўлишим. Буни Шухрат «ижод этди». Бу ташаббус анъанага айланиб кетса, ажаб эмас...»

Дарҳақиқат, бу тўй ўша кезлари ижодкор зиёлилар оғзига тушди. «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги ЎзАС) газетасида шоир Уйғуннинг бу ҳақда «Она тўйи» сарлавҳали чиройли мақоласи чиқди. Адиб орзуси ушалиб, энди юбилей тарафдори бошланганида, муҳтарам онахон оламдан ўтди; удумларимиз бўйича марҳумага ҳурмат-эҳтиром бекам-қўст бажо келтирилди. Юбилей тадбири яна

кун тартибига қўйилганда, адибнинг «Жаннат қидирганлар» романи теварагида фитнес-гастро бошланиб қолди-ю, тадбир яна ортга сурилди.

Нихоят, 1971 йилнинг бошларида Иzzат Султонов бошлиқ юбилей комиссияси тузилди ва тезда амалий ишга киришилди. Февраль ойининг охирида раис бошлиқ Шухрат ака, Абдулла Орипов ва камина - тўртовлон юбилей учрашувлари ўтказиш мақсадида Самарқанд - Қашқадарё - Бухоро вилоятлари бўйлаб, сафарга отландик. Самарқанд ташрифи тўкин дастурхон атрофидаги шоҳона зиёфатлар, тантанавор қадаҳ сўзлари билан бошланди. Эртаси кун педогогика институтида адабий учрашув ўтказилган бўлди. Учрашув олдида раис ўз хонасига мени маслаҳатга чақирди. Асосий маърузачи сифатида зиммамдаги масъулиятни эълатди. Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти ҳузурда тор доирала кенгаш ўтгани, вилоятлардаги учрашувлар чоғи юбилейни «асраш-авайлаш», кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, ҳозирги сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда иш тутиш зарурлиги, чунончи, Шухрат репрессия қурбони бўлгани борасида оғиз очмаслик, «Олтин зангламас» устида гап борганида асар бош қаҳрамони Солиқ фидойи курашчан коммунист эканига урғу бериш, яқингинада кўп шов-шувларга асос бўлган «Жаннат қидирганлар» романи ҳусусида эса индамай ўтиш маъқуллиги, нуқул Шухрат ҳақида эмас, Шухрат ижоди баҳона адабиётимизнинг бугунги ютуқлари тўғрисида гапириш лозимлиги ўқтирилди. Шу гапларни Абдуллажонга ҳам етказиб қўйишим кераклиги айтилди...

Табиийки, бу гапларни эшитиб довлараб қолдим, маъруза режаларим ост-уст бўлиб кетди, шу сабаб ўша кун минбардаги гап-сўзларим узук-юлук, ҳиссиз, паришон бир тарзда кетди. Бошқаларнинг нутқи ҳам хийла расмий тусда бўлди. Фақат Абдуллажоннинг ёддан айтган ўз шеърларигина анжуманга алоҳида руҳ баш этди.

Расмий учрашувдан сўнг яна кетма-кет зиёфат, тўкин дастурхон устида оташин қадаҳ сўзлари янграшга давом этди. Режалаштирилган бошқа учрашувлар негадир ўтказилмади. Учинчи кун чашгоҳ пайти Шаҳрисабзга отланиш олдида раис хонасида тўпландик. Шухрат ака асабий вазиятда ўзига хос қатъият билан: «Иzzат Отахонович! Мен бу ерга зиёфат, қадаҳ сўзлари айтиш, эшитиш учун келган эмасман. Китобхонларим, халқим олдида ҳисобот бериш, уларнинг шеърларим, юрак қоним билан битилган романларим ҳақидаги дил сўзларини эшитиш учун келганман. Агар сафар

бу руҳда давом этадиган бўлса, ҳозироқ уни тўхтатамиз, Тошкентга қайтамиз!» дедилар. Учовлон бир дақиқа саросимада қолдик. Ҳизрат ака дарҳол ўзларини ўнглаб олиб: «Ортга қайгиш йўқ! Бизни Шаҳрисабзда кутишяпти. Соат 5 да юбилей тантанаси бошланади. Етиб боришимиз керак. Машиналар кутиб турибди. Кетдик» дея таъкидларига отландилар. Ноилоҳ у киши ортидан эргашдик. Тахтидорча доғонидаги кузатув зиёфати совуққина ўтди. Қадахларнинг ҳарани ҳам бояги совуқчиликни юмшатоғмали. Қашқаларёлик шайбонлар тайёрлаб қўйган машиналарга жойлашиб йўлга отландик. Олдинги машинада Ҳизрат ака билан Шўҳрат ака, кейингисидаяса Абдуллажон икковимиз хомуш кетиб боряпмиз. Ўнг томонда ўтирган шоир ҳаёл оғушида қиш охири, илк баҳор нафаси эндигина нишона кўрсатаётган манзараларга назар таштайди, пастликда, тоғлар орасидаги шарқираб оқаётган сойга тикилган ҳолда ҳаёл суреди, лаблари пичирлагандай бўлади. «Умарали ака, - дея оғиз очади шоир, - боядан бери кузатиб келяпман, тоғлар қанчалик сиқувга олса, сой шунчалар шитоб билан олға интиларкан. Шоирлар, ижодкорлар ҳам шундай...» Шундай деди-ю, яна ҳаёлга чўмди. Бир дам ўтиб қўйнидан ён дафттарини чиқариб, уни тиззасига қўйган ҳолда, нималарнидир ёзди. Бир неча дақиқадан сўнг қўйидаги сатрлар битилган варақни ён дафттаридан йиртиб олиб қўлимга тутқазди:

*Булбул ўғай эрур зоғлар орасида,
Юзурик сув ўғай тоғлар орасида.
Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз,
Ўғай бўлсак не тонг соғлар орасида.*

Бизнинг ҳозирги руҳий ҳолатимизни бундан-да аниқ-тиниқ, теран, энг муҳими, мухтасар тарзда гоёта таъсирчан ва гўзал ифода-лаш мумкинми? Тўртлик сатрлари устида ўй сураман. Сўз санъатининг азалий ва мангу муаммоси - жамият, муҳит билан чин эстетик орасидаги мurosасиз зиддият, нафосатнинг носоғлом муҳитга бегоналиги, булбулнинг зоғлар орасида ўғайлиги - бугун ҳам очимини тополмаётган бу кўҳна жумбоқ қалбларни ўртайди. Шеърда фандаги бегоналашув (отчуждение) деб аталган тушунчанинг поэтик муқобили тарзида «ўғай» сўзининг қўлланиши ноёб топилма сифтида кишини қойил қолдиради. Шўҳрат ака бу сатрларни эшитса, ўқиса, қандай ҳолга тушишини ўзимча тасаввур этиб олжоланаман.

Диллимадагиларни ифодалашга муносиб сўз тополмай индамад-гина тўртлик битилган варақни Абдуллажонга қайтардим, бироқ у олмади. «Сизга эсдалик. Шеър менга ёд бўлиб қолди. Кейинчалик уйга борганда ёзиб қўярман, - дея сўзида давом этди. - Шу сатрларни Шахрисабздаги учрашувда ўқисам қандай бўларкан!» Мен айтишни муддао бўлишини айтдим. Ҳозирча бу хусусда ҳеч қимга жумладан, Шухрат акага ҳам оғиз очмасликка келишдик. Бу шеър юбиляр учун сюрприз - қутилмаган ноёб совға бўлажанига шўнардик.

Шахрисабзда бизни карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Қўлларида гулдаста ва адиб китобларини тутган китобхонлар Шухрат акани қўраб олиб, ундан дастхат олишга шўшилди, ташаккур сўзлари, саволлар ёғдиранди... Бу жўшқин издиҳомни ҳаммамизга таниш кўркем аёл Сайёра Ҳақназарова бошқарди. Сайёра-хон бир неча йил бурун ТошМИни битириб, она юртига қайтган; саргайрат, ташаббускор бу аёл раҳбарлик лавозимига кўтаришган экан. ТошМИда ўқитган кезлари у хонанда сифатида республикага танилган, айниқса, «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Сайдинг қўябер, сайёд» ашулаларини Ҳалима Носирова йўлида қойилмақом қилиб қўйларди. Шухрат ака ҳам Сайёрахон қўшиқларининг шайлоси экан. У Шухрат акага қарата: «Олтин зангламас» романингизни уй ичимиз билан таллашиб ўқитанмиз. Шахсан ўзим уни бир эмас, бир неча бор ўқитанман, кўп бобларини ёд олганман» деганида, адибнинг кун бўйи очилмаган чеҳраси бирдан ёришиб кетди...

Адабий анжуманни Сайёрахоннинг ўзи бошқарди. Иззат ака ҳам, мен ҳам анча эмин-эркин сўзладик. Гал Абдуллажонга келди. Шухрат ака шеърини, романлари ҳақида сўзлаб, сўнг яқингинада дунёга келган бояги тўртликни ёддан айтди... 60-йиллар «иккинчи миллий уйғониш даври» деб аталиши тасодифий эмас. Ўша йиллари фақат адабиётда эмас, миллат маънавиятида ҳам уйғониш юз берган, аломат бир нозик дидли шеърхон-китобхон шаклланиган эди. Тўрт сатр қатига жо этилган шоир қалби туғёнлари шундоққина анжуман қатнашчилари қалбига кўчиб бутун элнинг дарзага солди. Олқишлардан зал бамисоли элзила ҳолатига тушди.

Раислик қилувчи охириги сўзни Шухрат акага берди. Шунда у: «Сайёрахон, қизим, Сиздан ўтиниб сўрайман, «Сайдинг қўябер, сайёд»ни айтиб берасиз... Агар айтмасангиз, мен ҳам сўзга чиқмайман» деб туриб олди. Раиса адиб сўзини икки қилолмади. Со-зандалар жўрлигида у машҳур ашулани қойилмақом қилиб ижро этди. Эҳтимол, бу моҳир шифокор, раҳбар ходим Сайёрахоннинг

ҳавоат олдида айтган сўнгги ашуласидир... Шухрат аханинг ёнги-
қисмида кузатиб ўтирибман, боя Абдуллажон шеър айтганида, бу
данг кўрган, қатагон тўқонларидан омон чиққан матонатли инсон
қўлида ёш қалқиганини кўрган эдим, энди Сайёрахон қўшиқнинг
«Ол, домини бўйнидан, бечора экан мендек» сатрларини хониш
қилганда, яна бир бор алиб кўзларига ёш олганининг гувоҳи бўлдим.

Мароқли учрашувдан сўнг, одатга кўра, зиёфатга йиғилдик.
Биринчи бўлиб, Иззат ака сўз олди. Кайфияти чоғ эди. Яйраб ёзи-
либ, ҳазил-мутойибалар билан «Раис ҳам подшоҳдай гап, унинг
сўзи - амри вожиб, - дея сўз бошлади, - бугундан эътиборан ҳеч
қандай чеклов йўқ, юбиляр ҳақида кимнинг кўнглида нима гап
бўлса, бемалол айтaveraди. «Кемага тушганининг жони бир, бир
бошга бир ўлим» дейдилар. Бирор қор-қол бўлса, биргаликда жа-
воб берамиз...»

Шаҳрисабз учрашуви, хусусан, анжуманда янграган тўртлик
сатрлари сафаримизда бурилиш ясади - сеҳрли сўз ўз кучини кўрсат-
ди, ҳаммани хушёр торгирди, ўринсиз ҳадикларга чек қўйди.
Қарини, Бухоро, Шофиркондаги галдаги учрашувлар айни шу руҳда
дўшқин ўтди; Шухрат, унинг мардона ҳаёт йўли, ижодий жасора-
ти ҳақида бор гаплар баралла айтилаверди, энг муҳими, бунинг
учун ҳеч ким жабр кўрмеди, ҳеч қанақа қор-қол юз бермади...

2008 йил 25 декабрь.

БЕНАЗИР БАДИЙИ ОБИДА ЁХУД АСРЛАР ФАМИ СИЛСИЛАСИНИНГ ИНТИХОСИ

Тоғай Мурод романлари адибнинг, қолаверса, миллий адабиёт-
тимизнинг шунчаки навбатдаги намуналари эмас. XX аср, аниқ-
роғи, салкам бир аср давом этган истибоддод ниҳоясида майдонга
келган «Отамдан қолган далалар» билан «Бу дунёда ўлиб бўлмай-
ди» романлари ўша аср ибтидосида ўлкада юз берган миллий уйғ-
ониш натижасида бошланган миллатнинг бир неча аълод асл ўғлон-
лари - ёрқин истеъдодлар қалбини олов бўлиб ўртаган мислсиз
лард, истибоддодга қарши исён ну туғёнлари силсиласининг давоми,
аср охиридаги интиҳоси, балки, сўнгги нидоси каби янграйди. Ҳар
икки асарнинг поэтик қамрови ҳам айни истибоддод даври санатари
билан чегараланган.

Фаройиб бир силсила. Агар миллий уйғониш «жарчи»ларидан
бирининг шоҳ асари - биринчи ўзбек миллий романи «Ўткан кун-
лар» қаҳрамонини чоризм босқини чоғи, илк тўқнашувда олдинги
ўқфда туриб, қаҳрамонларча шаҳид бўлгани ҳақидаги хабар билан

яқунданса, «Отамдан қолган далалар» воқеалари айни шу палладан бошланиб, истибоднинг сўнгги кунлари талвасаси тасвир билан хотимланади. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи маҳруми эса истибоднинг иккинчи палласи - шўролар салтанатининг тенглоши. Маълумки, «Ўткан кунлар»нинг маъно-мундарижа доираси гоёт кенг, унда хилма-хил ижтимоий-маънавий, миллий ва умумбашарий муаммолар кўтарилган. Буларнинг ҳар бири асарда юксак ва бетакрор бадиий ифодаси ҳамда талқинини тошан. Улар ичида, менингча, энг муҳими, юртнинг, миллатнинг тақдир, мустақиллик масаласидир. «Ўткан кунлар» романига қалар ҳам асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ҳеч ким XIX асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамат аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларнинг, яқин тарихимизнинг «энг кирлик, қора кунларини» - ўлкаимизнинг мустақилликдан маҳрум бўлиб мустамлакачилар олдида таслим бўлишга, муқаддас тупроғимизнинг, миллат шаънининг топталишига олиб келган омилларни Қодирийчалик теран, холис, гоёт таъсирчан таҳлил этган асар ярата олгани йўқ. Аслида, Қодирийча тинчлик бермаган, уни қўлга қалам олишга ундаган миселларда ҳам айни шу нарса эди. «Ўткан кунлар»да романга хос тафаккурни таъмин этган бош омил ҳам аслида шу!

Мустамлакачилик келтирган бало-офатларни, унинг сон-саноксиз мудҳиш оқибатларини айтиб, адо этиш қийин, уларнинг энг даҳшатлиси - миллат руҳини топтаб, ўзлик туйғусини сўндириб, одамларни мутелик, қуллик балосига мубғазо этиш, гафлат бандасига айлантиришдан иборат мудҳиш офатдир. Миллий уйғониш дарғалари Чўлпон, Қодирийлар миллат вужудига сийғдирилган мана шу иллат-офатга қарши ўт очдилар. Чўлпон шўро истибодининг ибтидосидаёқ миллат фарзандларига қарата мана бундай аламли саволларни ўртага ташлаган эди: «Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ? Нима учун борлигингда бу даража бузғунлик? Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас? Нима учун куч таширсин бор кучи-ла солдирмас?» «Нима учун ёвларингни бир замон йўқ қилғудек темирли ўч йўқ сенда?» «Эй, ҳар турли қулликларни сийғдирмаган ҳур ўлка, Нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар қўланка?»

Орадан икки йил ўтиб шоир:

Тириксан, ўлмагансан,

Сен-да одам, сен-да инсонсан;

Кишан кийма, бўйин эма,

Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсан!..

дея ҳайқиради.

қўяди. Кейин бу аламли саволни ўзгача кўринишда энг кескин қилиб қўйган улуғ шижоагли зот Абдулла Қаҳҳор бўлди. Адиб салкам қирқ йиллик ижодининг сара намуналари - ўтмишдан олиб ёзган туркум ҳикоялари, «Сароб» романи, «Ўтмишдан эртақлар» драммаси - булар бошдан-оёқ истибдод офати - мутеликка, қулликка қаши исёндан иборат эди. Адибнинг ўзи «бадий асар» деса арзигulik деб билган илк ҳикояларидан бирини «Бошсиз одам» деб атади, сара ҳикоялари «Ўғри», «Анор» қаҳрамонларининг номлари - Қобил бобо, Туробжон уларнинг кимлигидан далолат бериб турибди: қобил-мўмин, туроб-тупроқдек хор-хоксор кимсаларнинг қисмати ўқувчи дилини вайрон этади, адиб умри поёнида яратган «Ўтмишдан эртақлар»даги қатор персонажлар, айниқса, Бобар адиб ижодий кредосининг чўққиси - якуни булди. Ота-боболари катта умид билан қўйган Бобурдек табаррук номини ҳам унутиб, бетайин, маънисиз «Бабар»га айланган кимсанинг фожеий қисмати ифодаси мустақлака сиёсати мудҳиш оқибатига қарши ўқилган бадий айбномадир. Энди бу хусусда Абдулла Қаҳҳордан тўққизиб бир нарса дейиш, ёзиш қийин, деган хаёлда юрардик. Сарангни, орадан ўттиз йил ўтиб истибдод поёнида Тоғай Мурад устоз «панжасига панжа уришга» журъат этди, бу мушкул жумбоқни қойилмақом қилиб ҳал этишга эришди.

«Отамдан қолган далалар» бош қаҳрамонининг номи қаҳҳорона тарзда исми жисмига мос - Деҳқонқул. Муаллиф роман яратилиши жараёни асносидаги ижодий-руҳий ҳолати устида тўхталиб: «Энди қоним ўз ғанимларим учун қайнамади. Йўқ, ўз ғанимларим ўз йўлида қолди. Энди қоним... оламшумул ғанимларим учун қайнади... Кўнглимда эл-юртим йўлида нимаики дардим бор - барини ушбу романимда тўкиб солдим» деб ёзади. Бу лўнда эътирофда романининг асосий руҳи - пафоси аниқ-равшан ифодаланган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу роман Аллоҳ инъом этган энг улуғ неъмат - ҳурлигини, мустақиллигини, эркини, оҳудлигини бой берган, боққинчилар бўйинтургини бўйинига итиб, истибдод сканжасида қулга айланган халқнинг аянчли ҳоли, у чеккан заҳматлар гуфайли адиб дилидаги оҳ-армон, нола-фиғон, бир асрдан ортиқ давом этган империя зулми, зуғумига қарши зўр нафрат-туғен каби янграйди.

Роман марказида Деҳқонқул тақдири туради. Асар воқеалари ҳаёти, тақдири, қисмати, руҳий дунёси она ер, киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ билан мустаҳкам боғлиқ, ўзбекнинг рамзи арзигulik меҳнаткаш, заҳматкаш инсон - Деҳқонқул тилидан сўзлаб

берилади. Деҳқонқул ҳикоясини ўз саргузаштларидан эмас, балки, анча наридан - бобоси Жамолiddин, отаси Сурхони Ақраб тарихидан бошлайди. Чунки Бобо ва Ота тарихини эсламай, суъламай туриб, Деҳқонқул қисмати, характери маъно-моҳиятини англаш, англашни қийин.

Бобо Жамолiddин - оқпоишпо истилоси даврининг жонли шоҳиди. У ҳам туғма меҳнаткаш деҳқон, имон-эътиқоли бутун шахс. Меҳнат, тоат-ибодат билан баробар, юрт қайғуси ҳам унинг учун бегона эмас, ор-номус, инсонлик шаънини баланд тутали; юртнинг покиза тупроғи, тиниқ оқиб турган сувлари бешарм, бераҳм келиндилар томонидан булганганида ўзини қўярга жой тополмайди, соддадил оломон зулмга қарши бош кўтарганда беихтиёр улар сафила турали; охири, шафқатсизлик, хўрлик, таҳқиру наломатларга тоқат қилолмай босқинчилар оёғи етмас масканларни қўмсаб, қанчалар оғир бўлмасин, туғилган юрти - гўзал Фарғонани ташлаб, бош олиб кетали...

Ота Сурхони Ақраб - қизил империя салтанатининг таркиб топшиш даври гувоҳи. У - қўли гул боғбон. Шу билан баробар, ота Ақрабда ҳам она Ватан, миллий гурур туйғуси баланд, юртнинг мустақиллиги, озодлиги деб қизил офатга қарши жангга отланади. эл-юртига, она заминига, оиласи, зурёдларига чексиз садоқатини намоён этиб, эътиқоли, матонати билан ёвларни дол қолдириб, мардона гуриб жон таслим этади...

Мана энди гал Деҳқонқул таърифига келди. Деҳқонқул шўролар даврининг олами. Хўш, Деҳқонқул Ота ва Бобосидан нималарни мерос қилиб олди? «Социалистик ҳаёт тарзи» шароитида у нималарга эришди-ю, нималарни бой берди? Деҳқонқулга Ота, Бобосидан фақат меҳнаткашлик хислати ўтган, холос. Ота-боболарга хос юртсеварлик, эрксеварлик, инсоний гурур, ўзликни англаш, қадрлан хисси унда бутунлай барҳам топган. Дадил айтиш мумкинки, Деҳқонқул образи - ўзбек адабиётида жиддий бадиий кашфиёт. Деҳқонқул совет даври адабиётида завқ-шавқ билан қаламга олинган социалистик меҳнат қаҳрамонларига пародия - кескин киноя тариқасида яратилган. У - тоталитар тузум, «қизил империя» сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат кишиси», «янги инсон» тимсоли; мустабил ҳокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони.

Деҳқонқул шўролар салтанатининг деярли тенгдоши. Ёзувчи адабиётимизда урф бўлган йўлдан бормайди, қаҳрамон тақдири орқали даврни, «социалистик жамият тарихи»ни ифодалашни ўз

олига мақсал қилиб қўймайди. Ёзувчини, биринчи гада, Деҳқонқулни қул, муте қилиб шакллантирган ҳаётини омиллар, уларнинг миянавий-фожиавий оқибатлари қизиқтиради.

Деҳқонқулни, аввало, Ленин ишига, партияга, шўролар ҳукуматига, улуғ оғага ҳурмат, салоқат руҳида тарбиялашган; унга Ленинни «ота», Крупскаяни «она» деб ўргатишган, ўлан-лапарларни эмас, «партия-совет кўшиқлари»ни тинглаб, айтиб тили чиққан, уйқудан турганда ҳам, уйкуга ётиш олдидан ҳам, тўю маракаларда ҳам партия, доҳий, улуғ оғага таъзим, салом билан йўғрилган малҳиялар қулоғига қуйилган; юрти дунёда энг озод, ҳур, тўқ-фаровон эканига, 80-йилларга бориб, коммунизмда яшашига чиппачин ишонтиришган... У бора-бора сўз билан амал орасидаги зиддиятни сезган, кўрган; тенгдонлари қатори ўқишни қўйиб, пахта далаларидаги, заҳарли химикатлар остидаги «хур меҳнат» гашти нима эканини гўдаклигидаёқ татишган, шу «шонли меҳнат»га меҳр-муҳаббат руҳида вояга етган. Салгина бўлсин, бу машаққатлардан ўзини четга олганида «босмачининг, совет тузуми душманининг ўли» деб ҳақорат қилинган; бу хилдаги дағдағалар кўнглидаги қаршилик кўрсатиш туйғусини бутунлай сўндирган...

Шу тариқа, Деҳқонқул ўзига ҳос манқурт бир кимса бўлиб етишади. Бу одам фақат салоқат билан меҳнат қилишнинггина биледи. У деҳқончилик илмини миридан сиригача эгаллаган. Ўзи ўтказган ҳар бир ниҳолнинг ҳоли, дарди унга аён. У ўзини ҳам, аёлини ҳам, болаларини ҳам ўйламай, аямай бетиним тер тўкади; табиат билан тутаниб, табиий офатлар билан олишиб, енгил йилма-йил мўл ҳосил етиштиради, машъал бригадирга айланади.

Аслида бунинг нимаси ёмон? Меҳнат инсонни улуғлайди, деймиз-ку! Шунчалар фидойи меҳнаткаш инсон Деҳқонқул нега кўзини қизга қаҳрамон эмас, аянчли бир кимса бўлиб кўринади, ўқувчида фахр-ифтихор эмас, ўқинч-надомат, ачиниб туйғусини кўзотади. Ҳамма гап мана шунда. У ким учун, нима учун бетиним тер тўкаётганини, ҳоли не кечаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. У қарахт бир қолга тушиб қолган. Теварак-атрофида, ҳаётда нималар бўлаётганини, ҳақ ва ноҳақ ишлар, адолатсизликлар, яқин кишилари, аёли, фарзандлари ҳол-аҳволи уни мутлақо қизиқтирмайди. Идолологиянинг қип-қизил мунофиқона ёлғонларига асло парво қилмайди, беъмани кўрсатмаларига қаршилик кўрсатмайди, кўрсатолмайди; мунофиқ қаламкашларнинг дала шунқорлари ҳақидаги мунофиқона очерки ҳам, москвалик киночиларнинг машъал бригада ҳаётига бағишланган бошдан-оёқ ёлғонга қурилган картина-

си ҳам уни ажаблангирмайди, аксинча, картинадаги сохта ро-
иждчилар айтгандай қилиб ҳеч қийналмай ижро этиб беради. У-
нинг, ҳамқишлоқларининг ўта ночор аянчли турмушларини кўри-
билиб туриб «Мунча ширин экан бу Совет даврони, Мамнун яшар-
ҳар инсон - йўқдир армони» сингари тутуриқсиз кўшиқларни бе-
парво тинглайверади. Машғал бригадир бўла туриб, қўли қисқа
лигидан, мотоцикл олишга қурби етмаганидан, аёлининг олди-
сўровларини бажо келтиролмаётганидан, бугина эмас, қоюни туши-
кўрмаётгани, болалари тўйиб овқат емаётганлигидан иштиробга
гушмайди. Марказга, кўрик-кенгашга ижарага олинган киимлар-
ни кийиб боришдан ор қилмайди. Кенгашдаги иштироки ҳам маъ-
лум - тўрига қараб ўтиради, тўридагилар чапак чалса, у ҳам чапак
чалали, тўридагилар оёққа турса, у ҳам оёққа туради...

Тўтри, унда ҳам гоҳи ота-бобосидан қолган гурур андак уч бе-
ради; бироқ у шаҳарга бориб, тўр шляпа билан бахмал сўзана
сотиб олишу, телбаларча бахмал сўзанани шаргга йиртиб, оёғига
пайтава қилиб ўраш, телеэкранда кўринган Америка президентига
бошидаги шляпасини олиб силташдан нарига ўтмайди. Бу қўли
очик, меҳмондўст, танги ўзбек емай, ичмай тошганини меҳмонга
қўяди, меҳмони оёғи остига қўй сўйиб керилади, аммо меҳмонлар
учун олиб келган икки дона хурмони деб ўғилчасини уриб, оғзи-
бурнини қонга белади.

Хўш, бу хилдаги телбаларча тангилик, саховат, қўлларча эр-
сиз меҳнат, шўроларга салоқат, маънавий карахтлик, қарамлик,
мутелик туфайли у нималарга эришди?! Оддий орзулари ушлагма-
ган вафодор аёли турмуш ситамлари, машаққатларидан тўйиб жо-
нига қасд қилади, ўзига ўт қўяди, тўйиб овқат емай оёққа турган
ўғлонлари (ўғлонларидан бирининг исми Қулмат!) очофат, муте,
ногирон-лардман бўлиб етишмоқда; ўзи эса ҳалол, фидокорона
меҳнатлари эвазига «юлғич», «порахўр» деб айбланиб, қамоққа
олинади, айтиб адо бўлмас, тилга олиб бўлмас қийноқ, хўрлик-
ларга гирифтор этилади, уни ўз тезагини ейишга мажбур этади-
лар, эркаклик шаънини топтайдилар... Бу шўрлик банди шу дара-
жага бориб етганки, уни қамоққа олиб кетаётганларида ҳам да-
даги ишини, пахта теримини ўйлайди; қамоқдаги азоб-уқубатлар
пайтида ҳам «ленинча адолат»га умид боғлайди, шунча хўрликдан
кейин ҳам даласига, меҳнат ҳучоғига қайтиш хаёли билан нафас
олади.

Қисқаси, Дехқонкул қисмати, карахт ҳолати, муте табнати тас-
вири - «қизил империя» сиёсати, «социалистик ҳаёт тарзи» ми-

дигни, миллий туйғу, қадриятларни топташга қаратилган, чирой-
дорларга Уралган, аслида геноциддан иборат мунофиқона
мунофиқона мафкура устидан чиқарилган зўр айбномадир. Мус-
тақиллигини йўқотган халқ, ўзлигидан, қадриятларидан узоқлаш-
тирилган маъзили шу! Ёзувчи Деҳқонкул қисмати орқали шу фикр-
уқувчини ларзага солар бир тарзда ифода этган.

Бу романнинг бетакрор ифода тарзи, тили, тасвир оҳанги, об-
разлар тизими жиддий тадқиқотлар, хилма-хил ёндашув ва талқ-
инлар учун озик беради. Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб ту-
рдики, унда янги адабиётимизнинг салкам бир асрлик тажриба-
лари билан тугашадиган ришталар, жўшқин мотивлар, анъанавий
адабиётимизнинг «қони-жони» саналимиш ижтимоий таҳлил устувор;
яъни шайтда, романнинг ифода тарзида халқ оғзаки ижоди, дос-
тликлик анъаналарига эш жиҳатлар ҳам бисёр. Шулар билан ба-
робар, шахс қисмати талқинида, персонажлар руҳияти таҳлилида
анъанавий жаҳон адабиётига хос бир талай тамойиллар - абсурд ва
эссенциализм, онг оқимида хос хусусиятларни ҳам кузатиш
мумкин

Тоғай Мурод гадаги романи «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асари-
да шўро салтанати йиллари шаклланган, шакллантирилган одам-
лардаги шўровий этиқод фожиясининг бошқа бир кўринишини
қўлга олади. «Отандан қолган далалар» қаҳрамони, юқорида таъ-
кидланганидек, ўз номи билан қул, муте, итоаткор банди оғиз. У
«Ўлиб-билмай шу йўлга кирган. Фидокорона меҳнатда ўтган, ўта-
ётган умри, хатти-ҳаракатлари маънисиз - абсурддан иборат экан-
лигини англаб етишга қодир эмас. Унинг фожияси шунда. «Бу дунёда
Ўлиб бўлмайди» романидаги Ботир фирқа эса исми жисмига мос:
ҳам ботирлиги бор, ҳам оқ-қорани танийдиган шахс, фирқа ода-
ми, раҳбар ходим. Ҳамма нарсага ақли етади. Ўзи қилаётган, амал-
га ошираётган ишларнинг кўли бемаъни, ноҳўя эканини биледи,
билиб туриб, вазият тақозоси, ўз даври арбоби сифатида арбоб-
лик бурчи, қолаверса, «ўрганган кўнгил» шеvasи туфайли тузум
сўясатини амалга оширишда собит турган, бу йўлда ҳеч кимни,
Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган. Бу тур образлар кўп миллатли
шўро адабиётини Сталин вафотидан кейин пайдо бўла бошлаган,
хусусан, шу йўналишдаги Ч. Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари»,
«Асри татиғулик кун» романлари катта довруғ қозонган эди. Мил-

лий адабиётимизда О. Ёқубовнинг «Диёнат», «Оққушлар, оғпоқ қушлар», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», яна бир палла романи ва қиссаларда Айтматов қаҳрамонларига маънодош персонажлар қад ростлади. Улар силсиласида Тоғай Мурод кашф этган Ботир фирқа алоҳида ажралиб туради.

Фарқли жиҳати шундаки, аввалги эътиқод қурбонлари саналмиш қаҳрамонлар жараён ҳали давом этаётган давр маҳсули эдилар. Тоғай Мурод қаҳрамони эса асрий силсила поёнига етган вазият одами; унинг ижодкори мустабил тузум вайроналари устида туриб, сохта эътиқод эгасининг умр йўлини, табиати ва руҳиятидаги эврилишларни таҳлил ҳамда тадқиқ этади. Ботир фирқага узоқ умр насиб этди, у ҳам «Отамдан қолган далалар» қаҳрамони каби XX аср тенгдоши. Аср охирига келиб, у амал қилган эътиқодлар сароб бўлиб чиқди, ўз қўли билан яратган ҳайбатли «қоя»лар бирин-кетин кулай бошлади. Айни шу паллада унинг қисматида, руҳиятида кечган жараёнларни муаллиф ўзига хос трагикомик тарзда фавқуллодда бир маҳорат билан ифодалайди. Шуниси муҳимики, Ботир фирқа бир думалаб осонгина янги замон кишиси - буюр даври одамига айланиб қоладиганлар хилдан эмас. Даврнинг тезкор, шафқатсиз ўзгаришларини у ғоят қийинчилик билан қарши олади. Бунинг учун муаллиф уни ошқора қоралаш, масхаралаш, фош этиш йўлидан бормайди; қаҳрамонни бир тирик инсон сифатида тушуниб, унга ҳам осон эмаслигини, унинг ташвишларида муайян асослар ҳам борлигини, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш чоғи жамиятдаги янгиланишларнинг ўзи кўп қийинчилик, эидиятлар ичида кечаётганлигини дил-дилдан ҳис этиб қалам тебратади; муаллифнинг сеҳрли қалами остидан қад ростлаган бу гаройиб осий бандан ожиз бизга замондош тирик инсон сифатида бор феъл-атвори, дарди-дунёси билан кўз олдингизда «мана - мен» деб туради.

Замонавий руҳшунослик таълимотларидан яхши хабардор адиб қаҳрамон руҳияти таҳлили чоғи онгли ва онгсиз - онг ости жараёнларини ғоят нозик илғайди ва уларни китобхонга назорат билан етказди. Ботир фирқа бутун вужуди билан фирқа, коммунистик эътиқод одами бўлса-да, қалби тубида чин инсоний, миллий, умумбашарий, қолаверса, исломий туйғулар ҳам пинҳона маскан тутган. Пайти келганда улар юзага қалқиб чиқади, ўша машғум замонларда уни имконият доирасида амал қилган эътиқодига зид савоб ишларни ҳам адо этишга ундайди. Қалб тубидаги шу ноёб туйғу бу гаройиб табиат кимсани бугунги мушкул, чигал руҳин

Кўноқлар гирдобидан чиқишида бирдан-бир нажот «калит»и ва қиссини ўтайди.

Шу тариқа, шоир ибораси билан айтганда, асрлар гамини сўйлаган бир-бирига туташ бу икки роман яхлит ҳолда миллаг ва миллий адабиётимиз тарихидаги туб бурилиш палласи - истибдол интиқоси ва истиқлолнинг бошланиши даврида сўз сехри орқали қалб остлаган беназир бадиий обидадир.

ЯНГИ АСР ОДАМЛАРИ

Ўтган аср 70-йиллари миллий насримиз майдонида бир қатор янги номлар пайдо бўлди: Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Кейриддин Султоновлардан иборат навқирон авлод адабий жараёнга ўзгача бир тўлқин, руҳ бахш этди, «адабий аҳоли» сафига ўнлаб бетакрор тирик одамлар образини олиб кирди. Улар сафида қирқ йилдан бери чарх авзоига қараб иккиланмай, оғишмай, товланмасдан ўзлигига, ҳаётий, ижодий тутумига солиқ қолиб келаётган Эркин Аъзам ҳам бор. Эркиннинг «Чироқлар ўчмаган кеча», «Отойининг тутилган йили», «Анойининг жайдари олмаси», «Байрамдан бошқа кунлар», «Олам ям-яшил», «Жавоб», «Пахананинг ошиқ кўнгли», «Шоирнинг тўйи» каби латиф лиризм, ажиб серзавқ юмор, паройиб диалогтар киноя, пичинг, истеҳзолар билан йўғрилган ҳикоя, қиссалари миллий адабий тафаккуримизнинг узвий қисми, бетакрор намуналари сифатида адабиётимизда ўзига хос ҳодиса бўлди, адабий-илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Муайян танаффусдан кейин «роппа-роса бир йиллик изланишлар маҳсули» бўлган «Жаннат ўзи қайдадир» деб аталган китобини қароқлаганда, бир томондан, талабалик йилларидан биз билган, бутун 60 ёш бўсағасида, сочига оқ оралаган чоғида ҳам ёшликка хос ўша завқ шавқ, ҳам аччиқ, ҳам шўх-шодон табассумини йўқотмаган, айни пайтда ҳаётда, ижтимоий фаолиятда, бадиий ижодда катта тажриба тўплаган етук қалам соҳибни қиёфаси шундоққина кўз олдингизда намоён бўлади.

Эркин айрим ижодкорлар каби айтадиган гапи «ҳикоя» ёки «қисса» жанри қобигига сизмай қолгани учун ўзини «роман»га ўрмади, ҳамон ҳикоя ва қиссанавислигича қолди. Китобдан жой олган «Ёзувчи» ва «Аралашқўрган» ҳикоялари бу ихчам жанрда ҳам романга татиғулик одамлар қисмати, дарди-дунёсини ифодалаш мумкин эканлигини тасдиқлаб турибди. Тўпламга «Тафаккур» журналига пешлавлҳа тариқасида ёзилган журналхоилар эътиборини қозонган публицистик миннатуралари ҳам киритилган. Айни

мухтасар ҳикоя намуналарини эслатилган бу тур асарларида ҳам кўримли манзаралар орқали кўламли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

Муаллифнинг сўнгги йиллар ижодида янгилик бўлган драма ва киносценария жанри намуналарига келсак, бу борала ҳам ўша биз билган Эркинжон бари бир ўлигига содиқ қолди, чунончи, «Сув ёқалаб», «Забаржад» асарлари «киноқисса» деб юритилган, «Жаннат ўзи қайдадир» эса «драматик қисса» деб аталган; «Сув ёқалаб», «Забаржад», «Жаннат ўзи қайдадир» асосида ажойиб фильмлар яратилди, аммо учала асар ҳам айни пайтда етук қисса намунаси тарзида шавқ билан ўқилади. Алибнинг дилбар лирик талқинлари, латиф юмори, киноя-кесатиклари эса аввалгиларига кўра кенроқ, теранроқ бадий, ижтимоий-фалсафий кўлам касб этади. Китобга кирган асарларнинг деярли ҳаммаси айни шу кунларимиз, шу кунги одамларнинг - замондошларнинг қисмати, дарди-дунёси, уларни қийнаётган ҳаёт, турмуш муаммолари устида баҳс этади. Бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш лаври замондошлар табиатида, қарашларида, қисматида, руҳиятида юз бераётган эврилиш, ўзгаришлар жамики зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари, долғалари ва оғриқлари билан кўз олдингизда баралла гавдаланади. Китобда қад ростлаган одамларни ҳаёлан бир сафга тизиб чиқсангиз, гўё моҳир рассом чизган портретлар галереяси бирма-бир кўз олдингиздан ўтади, пойтахт фуқароларидан тортиб олис тоғ қишлоғи одамлари - фан, таълим соҳаси ходимлари, раҳбар-арбоб, ёзувчи, журналист, шўродан қолган одамлар, оддий уй бекасидан тортиб бозор муносабатлари асносида шаклланган жаҳонгашта бизнесменлар... Ўнлаб, балки, юзлаб бир-бирини асло такрорламайдиган тирик одамлар - адабий персонажлар. Китобда қимирлаган жон борки, ҳар бирининг ўз табиати, табиатига яраша ўз қарши, манфаати, дарди-дунёси, қисмати бор. Ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, китоб қаҳрамонлари орасида яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам бор. Қолаверса, «яхши» деганимизнинг осий банда сифатида ожиз томони, «ёмон»ларнинг эса лол этиб ижобий фазилатлари ҳам кўзга ташланади. Дарвоқе, ўзимиз шундай эмасми? Бегуноҳ фаришта бўлганимизда осмонларда парвоз қилиб юрмасмидик... «Гуноҳкор»лар ҳам Аллоҳнинг бандаси. пайти келиб қалби тубида чўкиб ётган чин инсоний туйғуларни бирдан юзага чиқса не ажаб! Китобда айни шу мангу ҳақиқатни тасдиқлайдиган ўнлаб аломат ҳаётий лавҳалар бор.

Илк бор «ЎзАС»нинг икки сонида эълон этилиши биланоқ эл

ёзига тушган, ижобий маънода шов-шувларга асос бўлган «Ёзувчи» қаҳрамони гарчи ўртамиёна қаламкаш бўлса-да, аслида адабиёт майдонида от суриб юрган донгдор отахону акахонларнинг кўпчилигига нисбатан асл адабиётга яқинроқ, ҳатто унинг содиқ фуқароси; бугина эмас, жафоқаш фидойиси, муҳими, у ёлгонни ёзмайди, гирромликни билмайди. Ўлгудек тортинчоқ, хоксорлиги туфайли кўзга кўринмайди. Бутун умри ўз асарини, ўзлигини намоен қилмай, ўзгалар хизмати, ўзгаларни юзага чиқариш билан ўтади. Унинг ноёб истеъдоди - заҳматлари туфайли суз санъати даргоҳига адоқаси йўқ қанчадан-қанча кимсаларнинг чалакам-чатти чизмалари китоб ҳолига келиб, чоп этилиб, доврўқ қозонади. Ҳикояни ўқир экансиз бу фоний дунёнинг улкан бир ҳақиқати - адолатига тан берасиз: ўзгаларнинг меҳнати, заҳмати туфайли топилган сохта шухрат, обрў-эътибор - барча-барчаси ўткинчи, юзага чиқмай қолиб кетган маънавий бисот эса адабий мафтункор туйғу сифатида ардоқли. Қарангки, бир софдил, бечораҳол қаламкаш қора меҳнати заҳматлари эъзига китоблар чиқариб, доврўқ қозонган арбоб умри поёнида бу хил қилмиш-қидирмиш гирт бемаънилик, олғирлик, гуноҳи азим эканига иқрор бўлади. У афсус-надомат билан: «Меҳнатни сиз қилдингиз-ку! Шунини билмай мен бир лодону овсармидим? Нима зарил денг-а! Мана, ҳаммагинаси қолиб кетар экан» дейди. Бир қарашда бечораҳол, фақиру ҳақир, ношуд-мотавон, омадсиз, ҳатто асл номи, исми шарифи ҳам номаълум, шунчаки киноя аралаш «домла», «муҳаррир», «ёзувчи» деб юритилган зот айни ўша абадий мафтункор туйғу тажассуми сифатида қалбингизда қолади; унинг қора меҳнати туфайли топилган обрў олғирларга юқмайди: унинг шаънини топтаганлар, унинг ғарибона кулбаси - «боғи эрам»ига кўз олайтирганларни, охир-оқибат қора ер ютади. Шу тариқа, бошдан-оёқ жўшқин табассум, киноя-жесатик, истеъзо, овсарона донишмандлик билан йўғрилган гаройиб мусиқий куй эъзуликнинг мадҳи, қабоҳатнинг инқирози, инкори бўлиб янграйди.

Чиннакам санъат асари бамисоли қалб кўзгуси - китобхон унда ўзини, аниқроғи, ўзининг ожиз жиҳатларини кўради, кўриб андак хижолат тортади. «Аралашқўргон» ана шундай асарлар сирасидан. «Каттақоннинг кучути» кечаю кундуз аккиллаб қўргон аҳлига тинчлик бермайди. Қўргон аҳли чора ишлаб, охири Каттақонга очиқ хат - илтимоснома ёзишга аҳд қилади; ниҳоят, хат тайёр, аммо унга имзо чекишга келганда дўхондор, дайди шопир, фан номзоди, доцент, оқсоқол, мухбир - барчаси ўзини четга олади, чунки

барчасининг тили қисик - Каттакон уларга ўтказиб қўйган... Бири-биридан кулгили лавҳалар билан танишиб, хандон отиб куласиз - айни чоқда беихтиёр кўнглингиздан бир аламли савол ўтади: «Ўша таниш одамлар ўрнида мен бўлсам нима қилардим?!» Бу саволга жавоб тополмай, ўйланиб қоласиз... Ана, асл санъат асарининг сир-асрори, кучи!

Киноқиссаларда ҳаёт панорамаси, қамрови янада кенгайди. «Сув ёқалаб» асарида оддийгина кундалик воқеа қаламга олинади - собиқ раис Болта Мардон икки ўғлини ёнига олиб сувга ташна кўрғонга сув келтиради, шу жараёнда у бир қатор ҳамқишлоқлари билан учрашади, гурунглашади, кечмиш хотиралари ҳаётидан ўтади, замон эврилишлари, ҳамқишлоқлари қисмати, ташвишлари, дарду дунёси уни ўйга толдиради. «Раис» деганда ҳаёлимизга дарҳол «Синичалак»даги Қаландаров ёхуд «Диёнат»даги Отақўзи сиймоси гавдаланади. Болта Мардон асло уларга ўхшамайди. У мансаб-маргаба туфайли айниган, ҳаддидан ошган қаҳрамонлар тоифасидан эмас. Раислик лавозимида юрган кезлари қўлидан келганча одамларга яхшилик қилган, ҳамиша адолат йўлини тутган, ҳалоллиги, қалб саховати билан одамлар меҳрини қозонган. Лекин имконият доирасидан ташқари чиқолмаган, шунча йил раҳбар бўлиб қишлоққа ариқ чиқариб сув келтиришга қурби етмаган. Мана шу нарса эрмон бўлиб кўнглини кемиради. Одамлар ҳам уни яхши тушунишади. Бугун ҳам ҳурматини жойига қўйишади. Бироқ айрим ғаламислар шармисиларча унинг «даври ўтганлиги»ни юзига солишганда, қалбида андак оғриқ сезади, аммо ўзига эмас, ўша бекуз кимсаларнинг ҳолига ачинади. Айниқса, ҳамюртлар орасида авж олган нафс балоси, бу йўлда ўзини ҳар ёққа уришлар, ҳаддан ошишлар, ахлоқ-одоб доирасидан четга чиқишлар қалбини ўртайди.

«Сув ёқалаб» асносида бу азамат донишманд оқсоқолнинг шахсий-интим ҳаёти билан боғлиқ назик кечинма-туйғулари ҳам намоён бўлади. Болта Мардоннинг тушда ва ўнгда Шарофат билан мулоқотларига оид лавҳалар латиф бир лирик тарзда таъсирчан ифодаланган. Шарофатнинг бахтсиз кечмиши Болта Мардоннинг қалбини ўртайди. Бир ёстиққа бош қўйган аёли ювош, яхши хотин, бири биридан ширин қиз, ўғлонлар туғиб катта қилди. Ўшундан бирон ёмонлик кўрмади, лекин кўнғил курғур ҳе-еч... Демак, шоир айтмоқчи:

*Бирин ҳур дейинми, бирин гулойим,
Суймаганим суйганимдан мулойим.*

*Бу қандай кўргилик жан, Худойим,
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.*

У дунёдан ана шундай армон билан ўтаётир. У умрининг поёнида шу армонини, кўнгил асрорини энг яқин кишиси - ўз зурриётига очади, зурриёти, қолаверса, авлодлар учун бу чигал қисмат бир сабоқ бўлишини истайди... Умр савдоси остонасида иккиланиб турган ўглига қарата: «Кўнглингга қара, болам! Лекин уйлансанг, шундай бировини топиб хотин қилгинки, сира-сира жонингга тегмасин! Неча йил ўтса ҳам! Буниси энди ҳар кимгаям насиб этавермайди, албатта. Бўлмаса, бу савдо - бир умрлик азоб», - дейди алам билан. Айни шу лавҳа асарнинг, қаҳрамоннинг жозиба кучини яна ҳам очиб юборади. Бир умрлик азоб ўлим билан интиҳосига етади.

Ўз билганидан қолмайдиган, ўжар, танти, шаддоқ қиз-аёл қисматида баҳс этувчи «Забаржад», бугунги эврилишлар замонида бир онла аъзолари орасида юз берган зиддият, бўлинишлар қаламга олинган «Жаннат ўзи қайдадир» асарлари ҳам жиддий ўй-мушоҳадалар, теран илмий таҳлил, талқинлар учун асос беради.

Қисқаси, Эркин Аъзамнинг бу китоби билан танишар экансиз, биз яшаётган замон жамики зиддиятлари, сон-саноксиз муаммолари, жумбоқларига қарамай, барибир буюк умидлар палласидир. Бийрон соқий тантанавор айтганидай: «Биз дунёда энг бахтли инсонлармиз! Биз янги аср одами бўлдик! Икки аср, икки минг йиллик белбоғида яшамоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...»

Дарҳақиқат, тарихнинг мана шундай авж палласини кўрмоқ ва икки аср, икки минг йиллик насибасини татимоқ, бундан ҳам муҳими, буюк аждоҳлар орзуси - Истиқлол шоҳиди ва иштирокчиси бўлмоқ, аввало, тақдири азалнинг ҳукми, ёруғ пешонамиздаги қутлуғ битикдир. Бундай буюк саодат сизу бизга насиб этганининг ўзи илоҳий сийлов эмасми, азиз замондош!

Китобни ёпар экансиз, ўйга толасиз, охир-оқибат ана шундай ифтихор туйғуси қалбингизда жўш уради.

ТАФАККУР ЁҒДУСИ

(Зулфия Куролбой қизига очик хат)

Зулфияхон, очиги, Сизни мен шахсан танимайман. Бироқ ижодингизни, хусусан, матбуотда эълон этилган ҳикояларингизни кузатиб, ўқиб бораман. Ҳаётнинг, айниқса, қишлоқ турмушининг қоқ ўзидан, гирдобидан олинган, чуқур ички бир дард, миллат рами билан йўғрилган ҳар бир чиқишингиз мени ҳар гал ҳаяжонга

солади. Саида опадан кейин асарларида нафис ўбекона нафосат ва айни пайтда мардона бир шижоат, адолат туйғуси уфуриб турган истеъдодли бир адабанинг кўз олдимизда шаклланиб келаётганлиги миллий насримиз учун қувончли ҳодиса деб биламан.

«Ёшлик»да чиққан «Тафаккур» номли ҳикоянгиз мени Сизга мактуб йўллашга ундади. Бошқа ҳамкасбларимда қандай, билмайман, шахсан ўзим ўргача ёки бўш асарни ўқиганимда ҳар доим «танқилчи» ҳолига тушаман, асарларининг кам-қўстлари, ожиз жиҳатларини, сунъий-ясамалигини баралла кўриб, йўл-йўлакай таҳлил этиб бораман. Ҳақиқий санъат намуналарига дуч келганимда эса мунаққиллик ҳунаримни бутунлай унутиб муайян муддат ўша асар ичила яшайман, асар персонажлари менинг учун тирик одамларга айланади, воқеалар «иштирокчиси» сифатида персонажлар билан мулоқотга киришаман, уларнинг ташвишу қувончлари, оху зорлари, ўй мушоҳадаларига шерик тутинаман. Кейинги ишларда миллий адабиётимизда пайдо бўлган икки асар мутолааси чоғи айни шундай ҳолатга тушдим. Олдинроқ бир суҳбатда У.Ҳамдамнинг «Мувоzanат» романи мутолааси мени не кўйларга солгани хусусида сўзлаган эдим. Мана энди Сизнинг «Тафаккур»нинг билан танишиш чоғи кўнгилимда кечган армону аламлар, ўн мушоҳадалар ҳақида гапирсам дейман.

Асарингизда ҳикоя қилинган бир ноёб истеъдод соҳибни - шахмат шайхосининг мусибатларга, ўкинч, армонларга тўла машаққатли умр йўли, фожий қисмати, аминманки, мен каби ҳар бир миллат фарзандини ларзага солади, маҳзун, аламли ўйларга толдиради. Ҳикоя айни мамлакатимиз ҳаётида қувончли тарихий воқеа содир бўлган, беназир ёш шахмат устаси Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиолигини қўлга киритган келарда дунё юзини кўриш бунда қандайдир рамзий маъно бордек. Биламизки, Рустамжон бундай юксак мартабага осонликча эришгани йўқ. Оқ сўт бериб вояга етказган волидан муҳтарамасидан тортиб мамлакат Президентига қадар қанчадан-қанча хайрихоҳ одамларнинг эътибори, ҳиммати, ардоғи, қолаверса, ўзидаги қатъият, шижоат туфайли Аллоҳ берган ноёб истеъдод ўз куч-қудрати, саховатини намояндалик. Минг афсус, ҳаётда акс ҳоллар ҳам бўлиб туради. Ноёб истеъдодга нисбатан доқайдлик, эътиборсизлик, бугина эмас, сўқирлик, жаҳолат, шафқатсизлик ўша истеъдод эгасининг ўн гулидан бири очилмай туриб, ҳазон этали, уни топтаб таштайди. Айниқса, турмуш чигалликлари, тирикчилик ташвишлари гирдобига тушиб қолган хонадонун ҳудудларда бу ҳол юз бериб туриши табиий ҳол

Зулфияxon. Сиз ҳикояда миллатнинг, аниқроғи, миллат одамларининг ана шу фожияси ҳақида куйиб-ёниб ёзасиз! Биламизки, ўтган асрнинг 60-70-йилларида насрда «шафқатсиз реализм» деган оқим пайдо бўлган, ҳақгўй, жасур адиблар ўз асарларида ҳаёт шакъларининг, хусусан, қишлоқ кишиларининг аянчли турмушини бутун мураккаблиги, индиятлари билан шафқатсизларча ҳалол, ҳаққоний акс эттиришга журъат этган эдилар. Шу руҳдаги асарлар туфайли сўз санъати, сўз усталарининг эл-хўрт олдидagi обрў-эътибори, ижтимоий мавқеи бениҳоя юксакликка кўтарилган эди. Табиийки, бу тур асарлар юқори доираларга асло маъқул бўлмагани, улар теваратида бетиним фитна, фисқу фасоллар уюштирилганига ўзимиз гувоҳимиз. Кимдир топиб айтган: ҳақ гапга, адолатли танқидга тоқат қилолмайдиган жамиятнинг келажаги йўқ. Тарих бунга тўла тасдиқлади. Мангуликка даҳлдор мустақил мамлакатимизда ҳақ сўзининг қадри баланд, ҳақиқатни айтиш, ёзиш имкони кенг. Бундан илҳомланган навқирон адабий авлод «шафқатсиз реализм» анъаналарини янги шароитда ўзгача тарзда давом эттираётгилар. Бу йўлда, айниқса, Шоим Бўтаев самарали изланишлар олиб борапти. Сизнинг ҳикояларингиз, хусусан, «Тафаккур»ни мен айни шу йўналишга мансуб, деб биламан.

Ҳикоя воқеаларини, бош қаҳрамон саргузаштларини Сиз анча олисдан - тарихимизнинг кечаги «қора кунлари»дан бошлайсиз. Мустабил тузум аграр сиёсати туфайли топтаб ташланган, тоғлар орасидаги бир вақтлар шарқираб оққан булоқларнинг кўзи аллақачон бекилиб, биёбонга айланган дўппидек харҳоба қишлоқнинг бири-биридан аянчли манзаралари ифодаси орқали ўқувчини маҳзун бир муҳит қаърига бошлайсиз. Хўжалик раиси Эшбоевнинг фаровон ва шу хўжалиқнинг фақиру ҳақир фуқароси - оддий тегирмончи Довулбойнинг тарихгина хонадони. Мана шу икки хонадон ва улар орасидаги сокин, аммо моҳиятан индиятларга тўла муносабатлар ифодаси жараёнида даврнинг, давр одамлари қисматининг шиддатда жиддий, ўткир фожиялари намоян бўла боради. Эшбоев сиртдан халқларвар, фақиру ҳақирларга мурувватли, меҳрибон раҳбар; фаровон ҳаёт ҳақидаги ваъдалари, ширин сўзлари билан одамларни ўчига мафтун эта олади, ҳатто Довулбойнинг янгиликка ҳаваси, қизиқиши катта бўлган боласи Тангриберди раисникида телевизор кўриб катта бўлган, «Шахмат деган балони телевизиорда кўриб» девоната айланган. Бироқ моҳиятан у ўзгача одам: ўз манфаати, роҳат-фароғатидан бошқасини билмайди. Элга берган ваъдалари оғзида қолиб кетади, йиллар ўтса ҳам қишлоқда фаровонликдан дарак йўқ,

қишлоқ аҳли ичи қурбақа тўла зах қудуқ сувини ичишга мажбур. Пихини ёрган бу раҳбар ходим одамларни муҳтожликда, қарамликда ушлаб туриш сиёсатига амал қилади. Агар одамларга эрк берилса, турмуш фаровонлаша борса, уларни бошқариш қийин бўлиб қолишини яхши билади. Тоталитар режимга хос бу мудҳиш сиёсат асарда қаламга олинган мўъжазгина жамоа ҳўжалиги, кичик бир мустабид раҳбар ва унинг итоаткор қули муносабатлари, бундай «ҳукмдорлик» ва «қуллик»нинг фожией оқибатлари орқали ўқувчинини ларзага соладиган бир тарзда ифода этилган. Сизнинг энг жиддий бадний кашфиётингиз ана шунда деб биламан.

Довулбой унчалик анойи кимса эмас, у рансинг ҳақиқий башарасини, мунофиқлигини озми-кўпми билади, гоҳо унинг кирдикорларини кўзига солгиси келади. Бироқ бундай «жасорат»нинг нима билан яқунланишини, қариган чоғида ягона тирикчилик манбаи - ота-боболаридан қолган тегирмондан ажралиб қолишини яхши билади; раис субутсизлик қилиб, шаънини топтаган кезларда ҳам орани бузмаслик учун ялтоқланиб, унинг шаънига «не тўлка мен, бутун халқ сиздан рози» дея малҳиялар ёғдиради. Қарамлик, муҳтожлик бу кимсани фақат маънавий тубанлик эмас, балки мудҳиш жиноятлар сари етаклайди.

Қарангки, қарқуноқдан булбул чиққандай, мана шундай кимса хонадонида гаройиб ўғлон туғилади. Тангриберди ўз номи билан Аллоҳ берган ноёб истеъдод эгаси - шахмат фидойиси. Бутун фикр-хаёли шахмат билан банд. Илк ўйинлари билан мухлисларини ҳайратда қолдиради, бирин-кетин аввал қишлоқ, сўнгра туман, вилоят миқёсларидаги ўйинларда голиб чиқади. Номи эл оғзига тушади. Қария отанинг фикри ёди эса тегирмонни қўлдан чиқармаслик, уни Тангрибердига тошшириш. Тангриберди эса отани ҳарчанд ҳурмат қилмасин, ўз аҳдида қатъий. Икки хил майл, манфаатлар кураши, отанинг қаршиликлари, ўғлонга - унинг эзгу туйғулари, орзу-майилларига нисбатан шафқатсиз тазйиқу таъқиблари, ваҳшиёна ҳамлалари - бири-бирдан мудҳиш лавҳаларни ўқир эканмиз, галати зиддиятли ҳолатга тушамиз. Айниқса, ўғлоннинг ўйинларда олган нишону гувоҳномаларини, ўзи учун муқаддас шахмат тахтасини ота томонидан оловда ёндирилиши лавҳасини ўқиган китобхон алам-ўкинчдан лол бўлиб қолади. Отанинг бу хил шафқатсизликларини асло кечирish мумкин бўлмаса-да, бироқ уни қисман тушунгандай бўламиз. У ҳаётда кўп муҳтожлик, йўқчилик, очлик кунларини кўрган, ҳатто очликдан тош чайнаган онлари бўлган. Муҳтожлик балосидан бениҳоя қўрқди. Ўғлининг кела-

Дегини ўйлаб нон бермайдиган бекорчи эрмак - шахмат тахтасидан камтарона реал даромад ўчоғи - тегирмонга қайтишни афзал ўйлади. Бу хил ҳаракат ортида эса, юқорида эслатилгандек, одамнинг қарамликка, фақат «қорини нами»га маҳкум этган қудратли куч турибди. Онгли китобхоннинг фикр-хаёли - тазаби ўжар, тошбағир, бешафқат қарияга эмас, охир-оқибат ана шу «мудҳиш қудрат - куч»га йўнаттирилади.

Ота олишувда қисман ғолиб чиқди, ўғлон армияда орттирган устозни, севгилисидан юз ўтириб, қишлоқда қолишга, ота-она раъйига кўра суймаган қишлоқ қизига уйланишга мажбур бўлди, не-не орзу-умидлари топталди. Буюк дейишга лойиқ навқирон йигитнинг ана шу драматик дақиқалардаги тигиз руҳий ҳолатлари фодаланган лавҳаларни ўқиш қийин, ниҳоятда қийин! Уша дақиқаларда «дод» дегингиз келади. Бу лавҳалар чинакам санъат намунаси. Шуниси муҳимки, ана шундай ўта аламли, мушкул дамларда бирор ўринда бўлсин, ўғлон отасига қўл кўтармайди, қўшиқда этилганидек, ўғлон ўз ҳақидан нари ўтмайди. Ана шундай ўринларда унинг инсонлик мартабаси кўз олдимизда осмон қадар кўтариллади! Бунинг учун, Зулфияхон, қаламингизга тасанно!

Ота зугумлари ҳар қанча оғир, бешафқат бўлмасин, ўғлон бари бир улардан омон чиқади, эҳтимол, у ўз аҳдида собит туриб, эзгу орзу-умидларига эришиши мумкин эди. Бироқ унинг қаршисида бундан-да оғirroқ, даҳшатлироқ куч кўндаланг бўлади. Раис ҳузурда - хўжалик идорасида ишлаб унинг жинсий хатти-ҳаракатларидан яхши хабардор бўлган ўғлон гўллик қилиб унинг сирини фош этмоқчи бўлади. Шундан кейин Раис унга қарши пинҳона жангга киришади. Югурдак жаллодларини ишга солиб, ваҳшийларча каттаклаб, уни унгламайдиغان фалаж, майиб-мажруҳ ҳолга солади, ақл-хушидан айиради. Тангрибердиннинг майиб-мажруҳ ҳолати ифодаси асносида Сиз яна бир қатор бадний ихтиролар кашф қиласиз. Ўжар, шафқатсиз ота, муштипар она энди ўғлон бошида парвона. Ўғлон нимани истаса, ота-она муҳайё қилишга тайёр. Ҳатто ота ўз раъйига қарши бориб шахмат тахтасини ясаб, унинг каровоти ёнига келтириб қўяди. Бироқ ўғлон энди у шахмат тахтасига қиё боқмайди. Бунинг кўрган қария кўзларида, унинг ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр ёш қалқийди. Шундан кейин қария ўзига келолмайди. Мана шу ҳолатнинг ўзи бутун бир асарга арийди. Қария кўзида беихтиёр қалқиган ёшда унинг бутун армонлари, афсус-маломатлари шундоққина намоён бўлган!

Охирида, ҳатто Раис ҳам ўғлонга нисбатан саховат кўрсатади: хўжа-

лик ҳисобидан пенсия тайинлайди, битта аравача инъом этади. яхши-лаб даволатишни ўз бўйнига олади. Ўзи майиб-мажруҳга айлангирган одамга бу қадар илтифот, саховат кўрсатиш! Бунақа мунофиқлик, гуноҳи азимни Аллоҳ кечирармикин... Бу телба дунёнинг галати ўйинини қарангки. Раиснинг ногирон кимсага бу хил муруввати эл оғизга тушади, телевизорларда намойиш этилади, ана шундай мунофиқона ҳиммат туфайли у катта лавозимга кўтарилиб кетади...

Хаста ўғлон доғда ота ҳам, муштипар она ҳам оламдан ўтди. Ўғлоннинг турмуш ўртоғи бошқа эр қилиб кетади. Ота, она ўлими гасвири алам-ўқинчларга тўла. Ўзидан кейин ногирон ўғлон не кўйларга тушишини ўйлаб узоқ жон талашган она кўзи очик ҳолда фоний дунёни тарк этади. Бақрайиб қолган кўларини қишлоқ муллеси дуо ўқиб ҳам ёполмайди. Бу лавҳани осойишта ўқиш мумкин эмас.

Бу қадар оғир кўргиликлар, жудоликлар, ғам-ғуссага тўла лавҳалар охири нима билан тугар экан, дея юрак ҳовучлаб турасиз. Кутилмаганда асар охирида ўқувчининг хуфтон бўлиб кетган кўнглини ёритувчи гаройиб бир ёғду пайдо бўлади. Йигитнинг аёвсиз жангдан кейин ҳувиллаб қолган кўргонни эслатадиган шуурида, нақ мурданинг ўзи бўлиб қолган вужудида бирдан жонланиш рўй беради. Ёнигинасида ётган ўзига қуйиб қўйгандай ўхшаш ўғлига боқиб, уни қўлига олгиси, бағрига босиб, эркалатгиси келади. Сўнг нигоҳлари беихтиёр шахмат тахтасига қадалади. Қарашларида фавқулодда бир зийраклик ва теран маъно акс этади. Шахмат тахтасига кутилмаган жўнқинлик билан шоша-пиша оқ ва қора доналарни теради, кўлари тафаккур нурлари билан ёлқинланади; телевизорда намойиш этилаётган шахмат чемпиони билан шахмат чемпионлигига даъвогар ўртасидаги кескин жанг пайтида жаҳон чемпионининг хато юриш қилганини пайқаб бир қалқиб тушади. ҳаяжондан пичирлаб, унга энг мақбул йўлни маслаҳат беради...

Қойил, қизим! Донишманд бир адиб ҳикоя учун мақбул хотима топишининг ўзи улкан кашфиёт деб тўғри айтган. Ҳикоядаги хотимада бир вақтлар шўро алабиёти учун урф бўлган сунъий «оптимизм»дан асар ҳам йўқ. У табиий, ҳаётий. Улуғ истезод эгаларини жисман топташ, мавҳ этиш мумкин, бироқ уларнинг руҳини, тафаккур ёғдусини сўндириш асло мумкин эмас! Шахсан мен ҳаётда бу хил ҳайратомуз ҳолатларга бир неча бор дуч келганман. «Тафаккур» ана шу улуг илоҳий ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Сизни, Зулфияхон, ана шундай жиддий муваффақият билан чин дилдан қутлайман.

2004 йил октябр.

«ШОИР СЎЗИ ҚУШ КАБИ ЭРКИН...»

(«Гуллаётган юрак» муаллифига очиқ хат)

Иним Турсун Али!

«Гуллаётган юрак» тўпламини бу йилги киш фаслининг илк кўларига ўқидим. Киш кўлаб ҳамкасбларим қатори мен учун ҳам, бемалол, мутолаалар айёми, ўзга фасллардаги боғ сайри, тоғ сайри ўрнига улардан-да тотлироқ китоблар уммони сайри... Бу мароқли айёмнинг айни «Гуллаётган юрак»дан бошланганлиги кўнгилга айрича шавқ бахш этди ва мутолаа чоғи дилда кечган айрим ўй-хоҳаларимни илҳор этиш учун қўлимга қалам олишга ундади. Аввалги икки китобингиз - «Сокин ҳайқиреқ» ва «Ой япроғи» каби буниси ҳам дилли, чин нафосат шайдолари қалбидан ўрин олажатига аминман.

Мажмуа мутолааси чоғи туғилган илк таассурот шуки, Сиз бу китобда ҳам шеърят хусусидаги ўз қараш, ақидаларингизга содиқ қолгансиз: мавжуд адабий қонун-қоидаларга бўйсунолмаслигингизни дангал айтгансиз. Сиз учун шеърый ижод бобида Темир йўлда югандай юрмоқ йўқ». Бундай «шаккоклик» учун Сизда етарли асослар бор. Зотан, туйғуларни тулпор каби жидолаб бўладими? Сизнингча, эҳтиросни кўз сингари тиниқлаш, сўзларни маҳбус каби қамоққа солмоқ чин ижодкор учун номатлуб юмуш...

*Ахир,
шоир сўзи қуш каби эркин,
бемалол парвоз этмасми юракдан юракка.
Шеърят...
Эркин ярамоғинг,
эркин яшамоғинг шарт
сен менинг қонли юрагимда...*

Аслида, бу гапларда ҳеч қанақа шаккоклик йўқ. Миллий шеърятимиз пири ҳазрат Навоийнинг «Ани назм этки тарҳинг тоза бўлмай. Улусқа, майли, беандоза бўлмай. Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ Мукаррар айламак сендин не лойиқ» деган доно ўғитига садоқатнинг бир кўриниши, исботи, холос. Фикрлашда ҳам, уни ифодалаш йўлларида ҳам «тарҳинг тоза»лиги, «беандоза»лиги ижодий эркинликнинг шартидир. Зотан, чин эркинлик бўлмаган жойда чин ижоднинг ўзи йўқ.

Албатта, эркинлик бирдан-бир мақсад эмас. Эркинлик бу - қал-

бдаги асов шеърӣ туйғу, бебош поэтик фикрларнинг табиӣ, таъсирчан, энг муҳими, бетакрор ифодалаш демакдир. Аслида, чиннакам ижод намунаси дейишга лойиқ шеърӣ асарда бебош туйғу, асов фикр ўзининг шакл-шамойили билан бирга тугилади. Ижодда фақат қалбингиз буюрганини, етилган шакл-шамойилларни қогозга тушириш йўлидан бораётганингиз мени қувонтирди. Мен Сизнинг бошқача фикрлаш, ёзишингизни асло тасаввур этолмайман. Қува анонорларда тугилиб вояга етган, Тошкентдай шаҳри азияда таълим олиб, Дўрмон ҳавосини симириб, оби раҳматини татиб, аҳли фузало, ижодкорлар даврасида яшаб, ишлаб қалам тебратиб келаётган, Шарқу Фарб адабий тафаккури жараёнларидан яхши хабардор етук зиёли даражасига кўтарилиш баробарида, ўша асли қувалик боғбон, деҳқон боласига хос содда - самимийлик, очиқроқ айтганда, бир оз дўлворлигини сақлаб қолган Сиз, азиз укамизнинг, ёзганлари қуйиб қўйгандек ўзингизга ўхшайди.

Дарҳақиқат, «Гуллаётган юрак»даги битикларда, бир қарашда, деҳқонча-боғбонча содда самимийлик, иккинчи томондан, ўша содда самимий сатрлар замирида замонавий Фарбу Шарқ шеърӣ тафаккури, тағдор, рамзий жило-оҳанглари баралла барқ уриб туради. Бу хил фазилатлар танқидчиликда эътироф этилаётир, жумладан, Ҳамидулла Болтабоев «Гуллаётган юрак»ка ёзган сўнгесўзида ҳам буни таъкидлаб ўтган.

Энди, асосий гапга - мени Сизга мактуб йўллашга ундаган бош омил устида сўзлашга ўтсам, дейман. «Гуллаётган юрак»даги, айниқса, икки шеър - «Сўз денгизи» билан «Рассом устахонаси», мана, бир неча кундирки менга тинчлик бермай келади.

«Сўз денгизи» - тўпламдаги бағишлов шеърлардан бири. Янги миллий назмимизда ижодкорларга бағишланган сон-саноксиз шеърлар бор. Тўғридан-тўғри таърифу тавсифлар, хотирот, қасида, мадҳия, марсия, ўқинч-армон, шу билан баробар фахр-ифтихор туйғулари билан йўғрилган нодир бағишловлар талайгина. Айни пайтда, бутунлай қутилмаган йўллардан бориб, чунончи, она табиатнинг беназир манзаралари фонида, рангин рамзлар воситасида ижодкор сиймосини, қисматини кўз олдимизда гавдалантирган, батки, даҳосини тараннум этган шеърлар ҳам бор. Рауф Парфининг Ойбек хотирасига бағишланган шеъри шулар сирасидан. Бу беназир мўъжаз шеърӣ обида сатрларида Ойбек номи учрамайди, улкан аллома шаънига ҳамду санолар айтилмайди, адиб ҳаётига онд хотиралар ҳам учрамайди. Ойбек ижодий бисотига хос нафис ташбеҳлар, тоғлар аро бир ойдин булоқ, атрофида шивир-

аб турган ўтлоқ, сува мангуликдек сузаетган ой, булоқда шаън
собиғ чирой; бирдан босиб келган куюн тўзони, ниҳоят, тўзон
маҳв этолмаган - фалакларда сузиб юрган ой тимсоли орқати аба-
дагта дахлдор улуғ сиймо, у қолдирган бебаҳо ўлмас мерос хусу-
сида кўнгиллارга нафис эзгу туйгулар улашади.

Турсун Али, Сизнинг замондош-сафдошингиз Шукур Холмир-
за ҳақидаги «Сўз денгизи»нгиз беихтиёр Рауфнинг ўша машхур
Ойбек хотирасига бағишловини эслатади.

Бироқ ижодкор сиймоси ва қисматини табиат қўйнида рамз-
лар воситасида ифодалашда Рауфлагги фараҳбахш романтик руҳ-
дан фарқли ўлароқ Сиздаги манзара бошда ўта ҳаётий, соф реал-
истик: вақт, макон-манзил аниқ; шеър қаҳрамонни кўриниши,
қўйниши, айрим хатти-ҳаракатлари, қилиқ-одатлари айни ҳаёт-
гидек. Шеър шундай бошланади:

Қиш.

Дўрмон.

Туманзор қўйнида кезаман.

О, қаршимда,

Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси,

гўёки,

поёнсиз денгизда юзаетган қайиққа ўхшар.

Толғин эшак эшаётир Шукур Холмирза.

Чекаётган сигарети

ёнади юрак қаби.

Бошида чайласи - шляпа, мисоли наср тожи.

Дўрмон, қиш фасли, туман тушган кун, қаршидаги Шукур
Холмирза дала ҳовлиси. Ҳар доимгидек, қаҳрамонимиз оғзида си-
гарета, бошида қишин-ёзин тушмайдиган шляпа... Асар фақат шу
хил ҳаётий детал, лавҳалардан иборат бўлганида эди, у оддий ма-
қола, шунчаки хотирадан нарига ўтолмасди. «Қиш», «Дўрмон»,
«Шукур Холмирзанинг дала ҳовлиси» ҳақидаги маълумот билан
баробар «Туманзор қўйнида кезаман» деган сатр келади. Айни шу
сатрдан, назаримда, шеър бошланади. Одатда, «туман қўйнида»
дейиларди. Сиз «туманзор қўйнида» дебсиз. «Олмасор», «ўрикзор»,
«гулзор» деймиз. «Туманзор» деб аташ ҳам мумкин экан. Бу хил
атама шеърга, қолаверса, лирик қаҳрамон қайфиятига ўзгача руҳ
бахш этади. Ҳар кунни кўриб юрган қаршидаги таниш дала ҳовли
лирик қаҳрамонингиз учун сирли-сехрли масканга айланади, унга

кўзи тушганида «О» деб юборади. У энди оддий ҳовли эмас, «туёқ»
поёнсиз денгида юзаётган қайиққа» ўхшайди. Сатрдаги «юзаёт-
ган» сўзини адабий қилиб «сузаётган» деб беришингиз мумкин эм.
Аmmo айни ўша тарзда фарғонача-қувача талаффузда келтириш
ўринли-табiiий чиққан. Айни шундай талаффуз Сизга ярашади.
Шукур Холмирза толғин эшкак эшаётган чоғи чекаётган снгарета-
нинг юрак каби ёниши, бошдан тушмайдиган шляпанинг сўвчи
қурган чайлага, сўнг бамисоли наср тожига менгзатиши шеърон-
ни асардаги асл мақсад сари етаклайди.

Шеърнинг кейинги бандида дала ҳовли, поёнсиз денгида ҳор-
ғин эшкак эшаётган адиб ҳақидаги аввалги сатрлар қисман узга-
ришлар билан нақоратдек такрорланади, бу ҳол шеърнинг асосий
пафосини яна бир поғона оширади. Сўнг бояги «поёнсиз денгиз»
наздингида поёнсиз «сўз денгизи»га айланади, аниқлик, оддий-
ликдан бошланган сокин поэтик лавҳалар рамзлар билан жило-
ланган жўшқин романтик манзараларга ўрин бўшатиб беради туй-
гулар тугёни мавж уради: сўз тўлқинларининг камалакдек рангин
ёллари оловдай ёнади, шуъласи қаҳрамонимиз қўлларин, юзла-
рин, вужудин ёритади, сўз тўлқинлари паризод янглиғ уни эрка-
лайди. Оташин шеъринг нутқ бундан-да юксакроқ пардага кўтари-
либ «У қоядек тик юзадир ўзи бунёд этган Сўз денгизида» дея мана
бундай якуний хулосага келасиз:

*Саросар туманлар оғушида кезаман.
Тоғдек кўринади,
Шукур Холмирзанинг яратган қасри.
Утган адибнинг зийрак кўлари,
Абадият қаъридан жаранглар сўзлари -
Орзудаги ҳикоялари улкан лашкари.*

Пировардида, бағишлов шеър худди залварли мумтоз қўшиқ
сингари, бояги нақорат сатрлари орқали секингина интиҳосига
етади.

Шеърнинг авж пардадан тушиб, бу хилда сокин туташи ҳам
аслида нозик бир санъат.

Бадний асар учун танланган эпиграф - бош сўзда гап кўп.
«Рассом устахонаси» шеърига машхур америка шоири Уолт Уит-
меннинг «Қандай ранглар бу, қандай оҳанглар!» сатри бош сўз
тарзида ўринли келтирилган. Укажон, шеърда жонли манзара
чизиш, манзарадаги сассиз шивирлар, гулдуроларни, ранглар

сини назик уқиш, ўқувчига уқтириш бобида яхшигина тажри-
бинги бор. «Рассом устахонаси»да бу тажриба Сизга қўл келган.
Хонада қалашган суврат - тасвирлар, гўё неларнидир бетин ши-
рлар. О, қандай ранглар бу, қандай оҳанглар...» Мана энди
ана шу сувратлардаги ранглар тилга кирази, оҳанглар садо бе-
ради. Уларнинг бирида «юз-кўзига қора чаплаган қўш», бош-
расида «кўксига доғ тушган ой, ишвакор юлдузлар», яна бирида
таммалари очик - гира яланғоч аёл», бошқа бирида «жулдур-
воқи кийинган бола», кейинги сувратлардаги манзаралар янада
ичли, кескин-драматик: «девдай одам пойнда эзгиланган дола»,
тилини ямлар қонсираган шер»; деворда оддий най эмас, «син-
ган най осиглик»...

Булар шунчаки оддий манзаралар эмас, балки асримизнинг
глобал таҳликали зиддиятлари, умумбашарий муаммоларига ишо-
ради. Кимга қандай, билмадим, шахсан менга улар она табиат-
га, жондорларга зуғум, ҳаёсизлик, тинкани қуритадиган қашшоқ-
лик, зўравонлик, санъатнинг инқирози сингари илғор жаҳон аҳли-
ни ўйга толдираётган таҳликали ҳодисаларга дахлдор бўлиб тую-
лади. Айниқса, охириги икки манзара - кўкка талпинаётган «яра-
дор қуш» ва «кўзига мунг тўлган тиланчи»нинг тиз чўкканча оло-
монга боқиб туриши лирик қаҳрамон дилини ёндиради. Булар
шунчаки оддий лавҳалар эмас, янги асрда бутун башариятни
таъжонга солаётган, ўйга толдираётган глобал муаммоларга -
инсон шаънини, она табиатни, нафосатни топташ, шафқатсиз-
лик, ҳаёсизлик, қашшоқлик баюларига рамзий ишоралардир.
Шоир энди тоқат қилолмай «О, қандай ранглар бу, қандай оҳанг-
лар» дея ҳайқиради.

Лирик қаҳрамоннинг ўша топдаги ҳолати, кайфияти, ранглар,
оҳанглар оғушида туғилган ўй-мушоҳадалари ниҳоятда табиий-
ҳаёсий:

*Бунда дарё каби шарқирайди ҳаёт.
Энди,
қаён қочиб кетолгайман мен
кўзим диёрига чўккан ранглардан?*

Шеърни шу тарзда тугатиб қўя қолиш ҳам мумкин эди. Лекин
бундай хотима Сизни қаноатлантирмайди. «Ногаҳон қизгандим
кўзим дунёдан...» деган биргина сатрни илова қиласиз ва унга кўп
суқта қўясиз.

Шу сатр кескин драматик кайфиятлар оғушида қолган дилларга қисман таскин беради. Ахир одам боласи умри нуқул драмалар, мусибатлар оғушида кечмайди-ку! Асл санъат сеҳри, шуқуҳи шунда эмасми?!

Турсун Али укагинам! Сизни шу икки сирли-шуқуҳти шеърларингиз билан чин дилдан қутлайман.

2009 йил 9 декабрь.

V. ТАФАККУРДАГИ ЭВРИЛИШЛАР
АДАБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ДАВРИ
(Эссе)

I. Миллий дарслик яратишининг қувонч ва ташвишлари

Менинг тўлиқсиз ўрта мактаб 5-7-синфларида ўқиган даврим тушуридан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Дарслик китоблари мени деярли кўрган эмасмиз. Улар фақат адабиёт ўқитувчиларимиз қўлида бўларди. Ўша давр адабиёт дастурларида қандай асарлар борлигини билмайман, бироқ синфда «Уч оға-ини ботирлар», «Ёрилтош», «Кавказ асири», «Муму» каби эртақ ва ҳикоялар ўқитилганини - ўқитилганини эслайман. Улар менинг мурғак қалбимда чуқур из қолдирган. «Уч оға-ини ботирлар»даги оға-иниларнинг туғилгандаги ғаройиб саргузаштлари, мислсиз жасоратлари бутун эс-душимни эгаллаб олган эди. Бир неча кун ўша саргузаштлар ҳаёли билан юрганман, тушларимда ботирлар изидан кузатиб борганман. «Ёрилтош»ни ёд олган эдим. Етим қизнинг улкан тош қаршисила туриб: «Ёрилтошим, ёрилгин-о, мен оламини кўрайин-о, Дийдорига тўяйин-о...» деб айтган илтижолари юрак-бағримни эзарди; «Муму»даги соқов хизматкор Герасим бой хотиннинг инжиқликлари туфайли қайиқда дарё ўртасига бориб, севиқли итини сувга гарқ этганида йиғлаганман; «Кавказ асири»даги Жилин билан Кастилиннинг ночор аҳвол-руҳияси, қизалоқ Динанинг уларга кўрсатган ҳиммати мени не кўйларга солгани, ўша кезлари кўнглимда кечган ўй-туйғуларни бугун сўйлаб беришга ожизлик қиламан... Айни шу асарлар менинг келажагимни - тақдиримни ҳал қилган, деб дадил айта оламан. Ўша кезлари келгусида, албатта, адабиёт муаллими бўлишни, умр бўйи сўз санъати мўъжизалари оламида яшашни, пайти келиб, ўқувчиларга қалбимдаги ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларни тўқиб солишни ният қилган эдим. Мана шу ният аввал мени пелбилим юртига, сўнг университетнинг филология факультетига, ундан кейин аспирантура даргоҳига бошлади. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, ниятларим рўёбга чиқди, билим юртида Жунайидилла Сангинов, университетда Фулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддиновдек буюк устоз

адабиётшунослардан сабоқ олиш, аспирантурада эса аллома Озод Шарафиддиновга биринчи шогирд бўлиш насиб этди. Мени янги-ланаётган адабий-танқидий тафаккур йўлига бошлаган Озод ака бўлди, Г.Каримовдан оламийлик, С.Долимовдан эса адабиёт ўқитиш, ўқувчи қалбига йўл топиш сир-асрорларини ўргандим.

Университетни битириб, ўрта мактабда иш бошлаганимда бир-дангина тўртта 5-синфда она тили ва адабиётдан дарс беришга тўғри келди. Шунда илк бор орзу-ният бошқа, амалиёт бошқалигини, муаллимлик касби нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини англаб етдим. Адабиёт дарси шунчаки кўнгилдаги ҳайратни изҳор этиш эмас экан. Ҳар бир синфда 40 тадан ўқувчи, жами 158 ўқувчининг исми-шарифидан тортиб, ҳар бирининг феъл-атвори, адабиётга майли, билим даражасини билганим керак. Ўз устига ҳар бир синфнинг яхлит ўз феъл-атвори бўларкан. Бир синфда бир мавзуда муваффақиятли чиққан дарс усули иккинчисига мутлақо тўғри келмас экан. Тажрибамда яна бир ҳолатни ўзимча кашф этдим: агар синфда 2-3 адабиёт шайдоси («жинниси» дейишга тилим бормайди) бўлса, муаллим учун кони роҳат, улар бутун бошли синфда адабий муҳит яратишга қодир экан. Бунақа муҳитда яироб-ёниб дарс берасан киши. Мабодо, ана шундай муҳит бўлмаса-чи, унда дарс ўтиш дўзах ва қўбининг ўзи деяверини... Кейинчалик суриш-гирсам, бундай «огир синф»лар деярли барча мактабларда бўларкан. Улардан ўқитувчилар қочинлар, бундай синфларни «жазо колонияси» деб аташар эканлар. Ўшандай «жазо колонияси»да икки илтишладим, мақтанишга йўймаиш, азизлар, не-не изланиш, машаққатлар билан ўшандай «огир синфлар»да ҳам «адабиёт шайдолари»ни топишга, у ерда ҳам жўшқин бир «адабий муҳит» яратишга эришим. Келгуси ўқув йили бошида ўша «огир синф»да қизиқ бир ҳолатга дуч келдим: синфдаги бир қатор китоб шайдолари адабиёт дарслиги қўлига тушиши биланок мустақил мутолаага киришиб бир ҳафта ўн кун деганда дарсликдаги барча асарларни ўқиб чиқишга улуришибди. Орадан қирқ йил ўтиб ўзим иштирокимда яратилган 5-синф дарслик-мажмуасини ўқув йили бошидаёқ хатм қилган кўплаб ўқувчиларни учратдим. Нақадар қувончли ҳол бу!

Ўша кезлари матбуотда кетма-кет адабий-танқидий, тоҳо методик характердаги мақолаларим чиқиб тургани учун бўлса керак, учинчи чоракдан бошлаб, юқори синфлардан ҳам қўшимча дарслар беришди. Қуйи синфларда-ку, ҳар ҳолда, адабиёт китобларини санъат намуналари дегудек талайгина асарлар бор эди; 9-10-синфлардаги аҳвол тамомила ўшанча, дастур нуқул мафкуравий-сиёсий

фуналишдаги асарлардан иборат. Дарслик Лениннинг «Партия таш-
қилоти ва партия адабиёти» мақоласи билан бошланиб, Горький-
нинг Ленин ҳақидаги очерки, «Опа» романи, Маяковскийнинг
совет паспорти ҳақидаги шеъри, Ленин тўғрисидаги поэмаси, Ҳам-
занинг инқилобий шеърлари, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг
«Ўртоқ Ленин» достони, К.Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмаси
билан давом этарди. «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» сингари
юксак бадиий асарлар эса давр сиёсатига мослаштирилиб нуқул
фкуравий жиҳатдан талқин қилинарди. Эргаш шоирнинг «Кун-
туғиши», «Равшан» достонлари қаёқда ю, «Ўртоқ Ленин» қаёқда!
Шўро таълими учун айнан «Ўртоқ Ленин» керак эди! «Фрилотш»
отагидек юракни «жиз» эгкизадиган, кўнга ёш келтиралитан жо-
збадан маҳрум нуқул сиёсатбозликдан иборат бундай асарлар
ҳақида синфда сўзлаш муаллим учун, уни тинглаш эса ўқувчи учун
закалар азоб эканини ўша йиллари юрак-юракдан ҳис этганман.
Сўз санъатидек ноёб жиҳатдан кўнгилни совутадиган бу хил мав-
зуларни ўтишдан нега муаллимлар бош тортмади, ўшандай дарс-
лар пайти нега ўқувчилар деразадан ўзларини ташқарига отмади,
дея ўзимга савол бераман ва ўша йиллари ҳар икки томонни ило-
тда ушлаб турган «сирли куч» - жамиятда ўрнатилган «қўрқув
салтанати» эди, деган хулосага келаман.

Ўтган аср 60-йилларининг иккинчи ярмидан то 80-йилларнинг
ўрталаригача бўлган даврни тарихда «турғунлик даври» деб аташ
расм бўлган. Ўша келари «стабил дарслик» деган ибора юрарди.
Назаримда, «турғунлик» психологияси, айниқса, адабиётдан яра-
тилган «стабил дарслик»ларда яққол ифодасини топган. Адабиёт
дарсликлари ўн йиллар давомида деярли ўзгариниларси з қайта-қайта
чоп этилар, асарлар, адиблар ҳақидаги «марксча-ленинча методо-
логия» - синфийлик, партиявийлик принциплари асосида бир
қолинда битилган талқинлар китобдан китобга кўчиб ўтаверар эди.
60-80-йиллар давомида университетга кириш имтиҳонлари комис-
сиясида она тили ва адабиёт фани бўйича бир неча бор раис ва
раис ўринбосари вазифаларида ишлаганман. Гоҳо Озод ака раис,
мен ўринбосар бўлардим. Шунда адабиётдан ёзилган неча минглаб
иншооларни кўздан кечиришга тўғри келарди; оғзаки имтиҳонлар-
да ўқувчилар жавобини тинглардик. Муайян мавзудаги иншоолар-
нинг, оғзаки имтиҳонларда саволларга берилган жавобларнинг
мазмунини ҳайратда қолар даражада бир хилда бўларди; дарслик ва
дарсликларда ёзилган фикрлардан ташқарига чиқиш ҳоллари де-
ярли учрамасди.

90-йилларнинг бошларида адабиётдан тузилган янги дастур муҳокамасига бағишланган йигинда таниқли болалар адиби Худойберди Тўхтабоев латифанамо бир воқеани ҳикоя қилиб ҳаммани куддирган эди. Эмишки, Худойберди 50-йилларнинг бошларида Қўқон педбилим юртини тугатиб, университетнинг филология факультетига ҳужжат топширибди. Кириш имтиҳонлари, жумладан, адабиётдан иншо темалари олдиндан маълум. Ҳар эҳтимолга қарши, йигирматача мавзу бўйича иншолар матнини тайёрлаб қўйибди. Имтиҳон куни уларни тартиб билан белига жойлаб олибди. Ниҳоят, имтиҳон дақиқалари келиб, иншо мавзулари эълон этилибди. Кутилганидек, «Она» романидаги Пелагея Ниловна образи». Белгиланган жойдан бу мавзудаги матнни секингина олиб, тизига қўйиб кўчириб, биринчи бўлиб тайёр иншони топшириб, жавобини кутибди. Ўша кезлари ёзма ишлар шу куннинг ўзидаёқ текширилиб, кечгача натижаси эълон этиларди. Натижа кутилганидек: баҳо - «5». Билим юртини бирга битириб, пединститутга ҳужжат топширган ҳамқишлоқ дўсти П. биринчи бўлиб уни қутлайди ва Худойберди тайёрлаган иншолар матнини олиб, эртаси куни дўсти каби уларни белига жойлаб, имтиҳонга киради; не кўз билан кўрсинки, бу ерда ҳам ўша мавзу: «Пелагея Ниловна образи». Дўсти тажрибаси асосида ишни қўйиллатади: баҳо - «5». Кечкурун Худойберди билан учрашиб, миннатдорчилик билдиради ва бу омадли иншоларни эҳтиёт қилиб сақлаб қўйишни илтимос қилади. Орадан йиллар ўтиб, Худойбердининг қизи Тошкент пединститутига, дўстининг қизи эса Қўқон пединститутига ҳужжат топширади. Ёзувчи ва унинг дўсти қизларининг омадини қарангки, адабиётдан оталари ёзган ўша иншо мавзуси - «Пелагея Ниловна образи» доскага ёзиб қўйилади. Ардоқли иншолар матни қўл келди - ишлар беш. Орадан яна йиллар ўтиб набиралар ўқишга кирадиган бўлибди. Ота ва қизларга кулиб боққан толе «Пелагея Ниловна образи» мавзуси энди набираларга ҳам насиб этибди. Баҳо-лар тайин - «5»...

Худойберди ҳикоясини яқунлар экан, ҳазилни лавом эттириб «Умарали дўстимдан хафаман, адабиётдан янги дастур тузиб, менинг эвара, чевараларимни «Пелагея Ниловна образи» бахтидан бенасиб этди» деган эди. Худойбердининг ҳикоясида бир оз муболага, «бадий тўқима» бўлса-да, адабий таълимдаги турғунлик моҳиятини ниҳоятда чиройли очиб берган эди. Дарҳақиқат, ўша кезлардаги адабий таълим бир эмас, бир неча авлодни бир хилда фикрлашга маҳкум, эркин ижодий тафаккурдан эса маҳрум этиш-

га йўналиш берилган эди. Зотан, тоталитар режимга ижодий тафаккур
галарни эмас, белгиланган қолипдан чиқмайдиган итоатгўй ижро-
чи манкуртлар керак эди.

80-йиллар охирларига келиб, мавжуд адабий таълим тизими
шокал қилиш мумкин бўлмаган ҳолга етди. Республика Вазирлар
Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ташаббуси би-
дан истиқлолдан бурун 1991 йил мартда мактаб адабиёт дастури
ва дарсликларини тубдан янгилаш бўйича ижодий гуруҳ тузилди.
Ижодий гуруҳга О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Б.На-
заров, Б.Тўхтиев, С.Олимов, Қ.Йўлдошев каби ўндан ортиқ та-
ълим адабиётшунос олимлар, тажрибали методист ўқитувчилар
жалб этилди. Камина ижодий гуруҳга раҳбар этиб тайинландим.
Ижодий гуруҳ Дўрмондаги ёзувчилар ижод уйида олиб борган из-
ланишлар самараси ўлароқ, умуттаълим мактаблари V-XI синфла-
ри учун тубдан янгиланган дастур лойиҳаси тайёрланди. Вазирлар
Маҳкамаси қошидаги Халқ таълими кенгашининг 1991 йил 8 ав-
густда бўлиб ўтган мажлисида лойиҳа кўриб чиқилди ва кенг му-
ҳокамага қўйиш учун тавсия этилди.

Дастур лойиҳаси истиқлолчиликнинг дастлабки ойида «Маъри-
фат» газетасида эълон қилинди. Айни пайтда А.Зуннунов ва А.Хо-
жиаҳмедовлар томонидан тузилган муқобил дастурлар ҳам муҳо-
камага қўйилди. Матбуот саҳифаларида, Ёзувчилар уюшмасида,
Марказдаги ва вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш
институтларида, мактабларнинг методик кенгашларида уч ой да-
вомида қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Кўпни кўрган, таълим тари-
хидан хабардор адабиётшунос-ўқитувчиларнинг эътироф этишля-
рича, мамлакатимиз тарихида адабиёт таълими муаммолари тева-
рагила бу қатар қизгин, ошқора мунозара бўлмаган экан.

Ниҳоят, биз тайёрлаган лойиҳа голиб чиқди, муҳокамада бил-
дирилган таклифлар асосида такомиллаштирилган нусха Халқ таъ-
лими вазирлиги томонидан маъқулланиб, маъмур дастур асосида
ўша йилнинг кеч кузида янги дарсликлар устида иш бошлаб юбо-
рилди. Дўрмондаги ижод уйида дарсликлар устида кечган жўшқин
изланишлар, ўзаро баҳс-мунозаралар, адиблар билан самимий
мулоқотлар ижодий гуруҳ аъзолари учун ўзига хос мактаб бўлди.
Дарсликлар қайноқ адабий муҳит ичида қад ростлади. Барҳаёт адиб-
ларнинг дарсликларга кирган асарлари, асарларидан олинган пар-
чалар уларнинг розилиги билан амалга оширилди. Илтимосимизга
кўра улар дарслик учун ўз ҳаёт ва ижод йўллари тўғрисида махсус
мақолалар ёзиб бердилар. И.Ғафуров, Н.Комилов каби таржимон-

лар дарсликдан ўрин олган асарлар таржимаси билан қатнашди. Янги дарсликларнинг тайёр боблари пешма-пеш кўп нусхала кўчирилди, мактабларга тарқатилди. Шу тариқа, истиқлолнинг биринчи йилида республикамиз мактаблари истиқлол руҳи билан йўрилган янги дастур ва янги миллий дарслик боблари асосида иш бошланди.

Янги дастур ва дарсликларнинг энг муҳим янгилиги шундан иборат эдики, биринчидан, уларда адабий таълим коммунистик мафкура, адабий ҳодисаларга синфий-партиявий ёндашиш ора-тидан халос этилди.

Иккинчидан, адабий таълимдаги руслаштириш сиёсатига чек қўйилди. 90-йилларга қалар V-XI синфларда ўзбек адабиёти учун 700 соат, ўзбек тилида дарс олиб бориладиган синфлар учун рус адабиётига 400 соат атрофида вақт ажратилган эди. Шунга қарамай, ўзбек адабиёти дастури ва дарсликларининг 40-50 фоиз соатлари рус адабиёти намуналарига ажратиларди. Қизиғи шундаки, Горький, Маяковский ижоди, «Капитан қизи», «Ревизор», «Тарас Бульба» каби асарлар ўзбек синфларида «Рус адабиёти» фани бўйича ўтилгани ҳолда, ўзбек адабиёти фани дарсларида ҳам такрор ўқитилар, бу ҳақда бирор кимса «ниқ» этмас, эътироз билдирса, баалога қолишини биларди. Уша йиллари ўзбек синфлари учун чиққан «Ватан адабиёти» китобларини бугун бир варақлаб кўринг, уларнинг ярмидан кўпини, ҳагтоки айрим дарсликларнинг 70-80 фоизини рус адиблари асарлари матни ташкил қилар эди...

Янги дастур, дарсликларда рус адабиёти дурдоналаридан бутунлай юз ўгириш йўқ, жаҳон адабиёти намуналари доирасида уларга муносиб ўрин ажратилган.

Янги дастур ва дарсликлардаги яна бир муҳим жиҳат - шўро адабий сиёсати туфайли адабиёт тарихидан бадарга этилган, қат-қонга учраган Яссавий, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат каби улуғ сиймоларнинг топталган шаънини тиклаш, шўро адиблари саналмиш Ҳамза, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, М. Шайхзода, Миртемир каби суз усталари ижодий меросини шўровий талқинлардан тозалаб, ҳолис илмий тарзда ўқувчиларга етказиш йўлидан борилди. Аввалроқ дарсликка киритилган Абдулла Қодирий ижоди ҳам бутунлай янгича талқин этилди.

Ниҳоят, бугунги замонавий адабиётимиз пешқадам намояндларининг «дарсликбоп» асарлари дастурдан жой олди.

Шўро замони адабиёт дарсликлари бошдан-оёқ «улуғ оға» дарсликларидан андоза олиб яратилганлиги сир эмас. Истиқлол даври

дустур, дарсликлари шу андозадан холи, чинакамига миллий дарсликлар экани билан ҳам қимматлидир.

Янги дастур, дарсликлар Халқ таълими вазирлиги томонидан таълиқланган, нашр этила бошланди. Бироқ ишнинг энг қийини шунда эканини бошда пайқаманган эканман; янгиликни амалда жорий этиш ниҳоятда мушкул эканини кейинроқ тушуниб етдим. Менинг асосий иш жойим университетда, бош вазифам «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси мудирлиги саналса-да, амалда Халқ таълими вазирлиги одами эдим. Таълим Марказида 15 йил ўзбек адабиёти кенгашига раислик қилдим. 1989-95 йиллари Республика мактаб ўқувчиларининг ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича олимпиадалар ҳайъатига сурункасига етти бор раҳбарлик вазифасини бажардим. Сўнг оралатиб, икки бор пойтахтда ўтказилган олимпиадаларда фан раҳбари сифатида иштирок этдим. Ўша кезлари олимпиадалар навбати билан турли вилоятларда улкан байрамдек ўтardi. Беллашувларни имкон қадар ҳалол ва юксак савияда ўтказишга тиришганман. Таълим марказидаги, олимпиадалардаги фаолиятимдан бош мақсад янги дастур ва дарсликларнинг амалдаги натижаларини кузатиш бўлган.

Бугина эмас, ўн йил муттасил Авлоний номидаги ўқитувчилар мадрасасини ошириш Марказий институтида ўриндошлик асосида фаолият олиб бордим, адабиёт ўқитувчилари олдида янги дастур ва дарсликлар бўйича маърузалар ўқидим, амалий-ижодий суҳбатлар ўтказдим, деярли барча вилоятлардаги, шунингдек, Чимкент, Халқоқободдаги мадраса ошириш институтларида айни шундай маърузаларни давом эттирганман. Хомчўт қилиб кўрсам, шу йиллар давомида 20 мингга яқин, яъни жами ўзбек адабиёт ўқитувчиларининг тенг ярми билан мулоқотда бўлибман. Боз устига республика матбуоти, радиоси, телевидение орқали адабиёт ўқитиш муаммоларига оид чиқишлар...

Такрор илтижо қиламан, азизлар, мен бу гапларни шунчаки ҳисобот ёки адо этган ишларимни писанда қилиш учун айтаётганим йўқ. Бу соҳадаги меҳнатларимни Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази раҳбарияти ҳар доим қадрлаб келган, мени «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирлаган. Устоз Фулом Каримов ҳам ўз вақтида шундай нишон билан тақдирланган, домла ҳар доим бу нишонни кўксига - қалби устида тақиб торардилар. «Нега бошқа нишонларни эмас, айни «Халқ маорифи аълочиси»ни тақиб юрасиз?» деб сўраганимда, домла ўй суриб, «Бекингига уҳ тортиб, «Бу нишон мен учун қимматга тушган» деб

қўярдилар... Кейинчалик суриштириб билсам, Фулом ака 40-йиллар охири, 50-йиллар бошларида бугун Қори Ниёзий номи билан аталадиган Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилган, унинг ғайрати ва ташаббуси билан қисқа фурсатда қатор дарсликлар яратилган, ўзлари эса бир турух ҳамкасб дўстлари, жумладан, С. Долимов билан ҳамкорликда адабиётдан дарсликлар яратган. Бироқ мана шу хайрли ишлар эвазига Ўзкомпартия Марказий Комитетининг 1952 йил феввалида бўлиб ўтган мафкура иши масалаларига бағишланган пленумида ғоявий-сиёсий жиҳатдан кескин танқидга учраган, 1950 йили чоп этилган «Ўзбек адабиёти» дарслиги ман этилган. Орадан кўп ўтмай, вазифасидан бўшатилган. Энг ёмони, ўша машъум пленумдаги маърузанинг дарсликларга оид танқидий қисмини тайёрлашда домла билан бирга ишлаган айрим ҳамкасблари ҳам иштирок этган экан. Инсофли раҳбарларнинг ҳиммати туфайли берилган «Халқ маорифи аъючисиси» нишони эса устоз учун бир умрга ҳам армон, ҳам ҳалол меҳнати учун ифтихор белгиси бўлиб қолди...

Аллоҳга минг қатла шукр, бизларга бутунлай ўзгача шароитда - истиқлол йилларида адабиётдан дастур ва дарсликлар устида ишлаш насиб этди. Бироқ бу дастур ва дарсликларни турмушга жорий этиш осонликча кечмади. Бу жараёнда мен, шоир ибораси билан айтганда, бошимни зўр ишларга, кони ғалваларга бериб қўйганимга кейинчалик такрор-такрор иқрор бўлдим. Печа ўн йиллар давомида онгларга сингдирилган адабиёт ҳақидаги доғмаларни парчалаш, адабиёт муаллимларини янгича қарашлар билан қуролантириш - булар бир ҳамла билан адо этиладиган юмуш эмас эди. Муаллимлар орасида ҳаётдаги, таълим тизимидаги, адабиёт ва адабиётшуносликдаги янги жараёнлардан бохабар, янгиликка ташна, ўз касбининг чин фидойилари билан баробар, лоқайд, тепса тебранмас, олий ўқув юртини тугатгандан кейин дарсликдан бошқа бирорта адабий ёки илмий асарни қўлига олмаган, адабиёт оламидаги янгиликлардан бутунлай бехабар, нодонликда Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикояси персонажи Бокрижон Бақоевни ҳам йўлда қолдириб кетадиган кимсаларни кўриб, ҳафсалам пир бўларди: «Биз не-не машаққат, қатта умидлар билан тайёрлаган дарслик ва дастурларнинг ижрочиси шуларми?!» деган савол мени қийнарди.

Янги дастур ва дарсликлар эндигина синфларга кириб бораётганида унга гоҳ шахсий манфаат, тамағирлик, гоҳ жаҳолат, гоҳ эса тўғридан-тўғри демагоглик йўли билан тош отишлар, ҳатто

уни ман этишга уриништар бўлди. Тош отгувчилар назарида гуё дарслик муаллифлари «қора курси»да ўтирган жиноятчилар, улар эса ўзларини қораловчилар каби тутардилар. Дастурнинг Республика буйлаб уч ойлик ошқора мунозаралари пайти «ғиқ» этиб овоз бермаган айрим кимсалар бирдан «Нега Халқ ёзувчиси, шоирлари, Давлат мукофоти лауреатлари қолиб, Х. Султонов, Э. Аъзамов, Ш. Бошбеков, Х. Даврон, Н. Аминов сингари ҳея қанақа унвону мукофотлар олмаган қаламкашлар дастурга киритилган; нега О. Ёқубов, А. Орипов, Э.Воҳидовларга, ҳатто ҳазрат Навоий ва Бобурга бир эмас, бир неча дарсликларда ўрин берилган» дея шожин-сурон кўтардилар, тегишли идораларга шикоятлар билан чиқдилар. Бугина эмас, дастур ва дарслик муаллифларининг гаржидан ҳолини, ижодий «бисоти»ни титкилашга тушдилар; «Шўро даврида инқилобий адабиёт, Ленин ва адабиёт, коммунист образи, социалистик реализм ҳақида ёзган О.Шарафиддинов, У.Норматов, Б.Қосимовлар истиқлол даври дарсликларини ёзишга ҳаққи йўқ! Улар иштирокида яратилган дарсликлар ман этилиши керак!» деб дағдағалар қилдилар. Ўзлари ҳам шўро даврида айни шу кампанияда фаол иштирок этганликларни жазава пайтида хаёлдан кўтарилиб кетганини пайқамай қолдилар...

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, бунақа демагогик ҳамлалар, дағдағалар ўтмади! Унақа замонлар ортда қолиб кетган эди. Шундай бўлса-да, кўча-кўйда, адабий давраларда кўришиб, саломлашиб юрган таниш одамлар оғзидан шундай совуқ гапларни эшитиш, бари бир, алам қилар экан кишига. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, мана шундай пайтларда тил қотиб оғизда айланмай қолади, мабодо айланса, муштнинг хизматини қилади... Яширишга не ҳожаг, дарсликлар ҳимояси пайтида гоҳро тилни муштга айлантирган пайтларим ҳам бўлган.

Қисқаси, истиқлол даврининг илк дарсликлари қийинчилик билан бўлса-да ҳаётга йўл олди, икки-уч бор қайта нашр этилди, ҳолис ва бизимдонлик билан билдирилган танқидий мулоҳазалар, мақолалар асосида қайта ишланиб, такомиллаштириб борилди. Янги дарсликлар асосида мактабларда олиб борилган тажрибаларни ўрганишга, янгиланган адабий таълимнинг назарий масалаларини ишлаб чиқишга қаратилган Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матжоновларнинг докторлик, ўнга яқин методист олимларнинг номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Илк миллий дарсликлар туфайли мамлакатимиз мактабларида адабий таълимнинг янги даври бошланди.

II. Янги авлод дарсликлари муаммолари

90-йиллар охирларига келиб миллий таълим тизими жаҳон андозалари асосида тубдан ислоҳ қилинди, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида Қ.Йўлдошев бошчилигида давлат адабий таълим стандарти ва V-IX синфлар учун адабиётдан янгиланган дастур ишлаб чиқилди. 1998-2002 йиллар давомида ана шу дастур бўйича истиқлол даври адабиёт дарсликларининг янги - иккинчи авлоди яратилди ва лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида чоп этилди.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августигаги IX сессиясида «Баркамол авлод - келажак пойдевори» мавзудаги нутқида «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган эtib тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликлар», деган эди.

Янги авлод дарсликларини яратишда Президентимизнинг ана шу сўзлари дастуриламал қилиб олинди. Юқорида айтилганидек, мустақиллик даври адабиёт дастури, дарсликларининг биринчи авлоди асосан таълимни шўро даври адабий-маърифий сиёсати, коммунистик мафкура асоратларидан, руслаштириш тамойилларидан халос этишга қаратилган бўлса, янги авлод дастур ва дарсликлари эса адабиётга санъат ҳодисаси сифатида қараб, шу асосда ўқувчиларнинг кўнгли, руҳияти, маънавиятини, мустақил фикрлай оладиган шахсни шакллантиришни бош мақсад қилиб белгилади. Мустақиллик фақат сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда эмас, шахснинг фикр эркинлигида ҳам намойён бўлади. Адабий таълимда мустақил фикрлаш муаммоси - бу шунчаки методик соҳа. Кимнингдир хоҳиш-истаги ёки мода кетидан қувиш эмас, балки замон тақозоси. Бинобарин, адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳозирги кунда миллат тақдирини учун ҳаёт-мамот масаласи.

Янги авлод дастур ва дарслик муаллифлари бу йўлда жаҳон тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, жиддий изланишлар олиб борди. Бешинчи синфдан бошлаб, аввалгидек болаларга осон тушуниладиган асарлар билан баробар, бир оз мураккаб, улар ақлини зўриқтирадиган, уларни ўйлашга, бош қотиришга мажбур этадиган асарлар ҳам берилди. Дарслик ва мажмуаларда асар ва унинг муаллифи

Ҳақида мухтасар маълумот келтирилгани ҳолда, асар матнидан кейин келадиган анъанавий «асар ҳақида» қисмидан, яъни асар матни мазмунини «чайнаб» ўқувчи оғзига солиб қўйишдек жўн усулдан воз кечиш, асар таҳлилини савол ва топшириқлар кўмагида ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этиш мўлжалланди. Бошда аксар ҳолларда тажрибали ўқитувчиларгина эмас, ўқувчиларнинг ўзлари ҳам бу йўлни маъқул кўрган эдилар. Айни шу йўлда тайёрланган дарслик-мажмуа матилари 1998-99 ўқув йили Тошкент шаҳрининг 274-мактабида, вилоятлардаги қатор синов майдонларида тажрибадан ўтказилди. Дарслик муаллифлари йил бўйи синфларда ўтириб дарслик бобларининг амалдаги ижросини кузатдилар.

Янги авлод дарсликларининг илк китоби - 5-синф адабиёт дарслик-мажмуасини тайёрлаш Наим Каримов билан менинг чекимга тушли. Айни пайғада икковимиз ҳам яқунловчи 9-синф дарслиги муаллифларидан эдик. Аввалроқ у билан XI синф ва олий ўқув шартлари адабиёт дарсликлари устида бирга ишлаб эдик. Мен бу аломаат олижаноб инсон, ниҳоятда интизомли, юксак маданиятли, асл зиёли, тиним билмас заҳматқаш, зукко олим билан бирга ишлаш, дарсликлар яратишда маслақдош-ҳамкор бўлганим билан бахраланаман. Унинг ўз ҳамкорини бир оз хижолатга қўядиган одати бор, ҳамisha бирга адо этиш лозим бўлган вазифанинг оғирини ўз зиммасига олишга ҳаракат қилади... Икковимиз ҳам ўша ўқув йили давомида 5-синф дарслиги хаёли билан яшадик. Синов майдонлари билангина чекланмай, 5, 9-синф дарсликлари бобларини маҳалламидаги 29-мактаб синфларида тажрибали адабиёт муаллиmlари билан ҳамкорликда синовдан ўтказдик. Ҳар бир мавзу бўйича ҳар бир соат дарс бирма-бир муҳокама қилиб борилди. Ниҳоят, учинчи чорак интиҳосида Халқ таълими вазиrлиги раҳбарияти ништирокида Республика бўйича ўтказилган дарслик синовлари якуни муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлди. Кенгаш қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди, синов дарсликлари асосан маъқулланиб, нашр этишга тавсия қилинди. 5-синф дарслиги ўша йили чоп этилиб, янги ўқув йили арафасида мактабларга тарқатилди; «Ўзбекистон овози», «Миллий тикланиш», «Маърифат», «Фидокор» газеталарида бирин-кетин у ҳақида ижобий тақрирлар чиқди.

Дарслик жузъий тузатишлар билан тўрт бор қайта чоп этилди, ниҳоят, 2003 йили Осиё Ривожланиш Банки кредит маблағлари дисобидан ўтказилган танлов шартлари асосида жиддий қайта ишланди, танловда ғолиб чиқиб, дарсликлар айланма жамғармаси учун алоҳида нашр қилинди. Бу хайрли тадбирлар жараёнида дарс-

ликлар тақдири билан боғлиқ бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Бу чигал жумбоққа аслида бир йил олдин 9-синф адабиёт дарсли-
ги танлови асносида дуч келган эдик.

Аввало, бундай танловнинг мақбул жиҳатлари хусусида икки
оғиз сўз. Танлов шартига кўра, бир ўринга бир эмас, бир неча
ижодий гуруҳ ўз ишлари билан иштирок этиш, дарсликлар қўл-
масидан энг яхшисини танлаб олиш имкони туғилди. Танлов ҳаюл,
оқилона ташкил этилса, дарсликлар савиясини кўтариш учун кат-
та имконият очилиши турган гап.

Иккинчидан, голиб чиққан дарслик муаллифларини моддий
жиҳатдан рағбатлантириш хийла кўтарилади.

Истиқлолнинг биринчи авлод дарсликлари устидаги ишлари-
мизни ўтиш даврининг қийинчиликлари энг авжига чиққан кел-
ари олиб борган эдик. Дарсликлар учун берилган қалам ҳақи мати-
ларни машинкада кўчириш ва қоғоз пулига аранг етарди. Эсимда,
Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир ўринбосари хонасида бўлгани
дарслик муаллифлари билан ўтказилган кенгашга йиғилганлар ҳар
хил баҳоналар билан уэр сўраб, бири-кетин муаллифликдан озад
қилишни сўрай бошладилар. Шунда ўша келлари бош вазир ўрин-
босари бўлиб ишлаган Эркин Самандаров қўлида амалдаги адаби-
ёт дарсликларини тутган ҳолда кенгаш қатнашчиларига қарата:
«Азизлар, фарзандларингизга, набираларингизга раҳмингиз кел-
син, бугунги кунда мана шу дарсликларни уларнинг қўлига бериш
жиноят-ку!» деган эди. Шунда ўтирганларнинг дами ичига тушиб
кетди. Икки-уч олимни мустасно қилганда, қолганлар бу кечикти-
риб бўлмас ишда иштирок этишга қатъий аҳд қилган эдилар.

Моддий рағбатда гап кўп экан. Тендер-танлов баҳона, бир пан-
тлар ўзларини панага олганлар ҳам бирданига энг шимариб дар-
слик яратишга шайланди.

Танловнинг тасаввурга сиғмайдиган фаройиб шартлари бор эди.
дарслик билан бирга, ўқитувчилар учун методик қўлланма ҳам тай-
ёрланиб топширилиши, дарслик ҳажми эса 13 босма табақдан
ошмаслиги шарт. Белгиланган 2-3 ой мобайнида дарсликни-ку бир
илож қилиб ёзиш мумкин, аммо ўқув-методик қўлланмани шу
муддатда тайёрлаш мумкинми?! Методик қўлланма олимнинг ижод
сталида, раҳбар ходимнинг иш кабинетида эмас, бевосита синф-
да, дарслар жараёнида, бир неча йиллар ўтказилган амалий таж-
рибалар натижасида майдонга келади-ку, ахир! Устоз Субутои
Долимов 5-синф бўйича адабиёт ўқитиш методикасини ўн йил
лавомида яратганидан хабарим бор. Шахсан ўзим бир қадар мактаб

ётига яқин, неча йиллар адабиёт муаллимлари билан мулоқотда бўлсам ҳам 9-синф «Адабиёт» методикаси бобларини ишлашда дов-траб қолдим, бу ишни узоқ йиллар мактабда ишлаган умр йўлдо-шим иштирокида аранг эладим. Келгуси йил 5-синф «Адабиёт» методикасини тайёрлашда ёш адабиётшунос Б. Каримов ва навқирон методист тадқиқотчи, тил ва адабиёт муаллими Комила Ус-онованинг иштироки туфайли ишимиз бир оз енгил кўчди. Неча ўн йиллар мактаб остонасини кўрмаган ҳамкасбларимиз қандай қилиб бирданига методик қўлланма муаллифлари бўлиб қолган-ликларига сира ақлим етмайди...

Яна бир жиддий муаммо. Танлов шартига кўра, муқобил дарс-лик устида ишлашга аҳд қилган муаллиф мавжуд дастур бўйича ҳам ва, айни пайтда, ўзи тайёрлаб, тақдим этган дастур асосида ҳам дарслик ёзиши мумкин. Бошқаларни билмадим, ўзгалар тузган дастур асосида дарслик ёзишни шахсан мен ўзим учун ор деб би-ламам. Гарчи дастур вазирлик томонидан тасдиқланиб, расмий хуж-жат сифатида қабул қилинган бўлса-да, унинг ўз ижодкорлари бор-ку! У муайян шахс ёки муаллифларнинг ижодий яратили-ку! Ада-биёт дастури муаллифларининг ижодкорлик ҳуқуқи муҳофаза эти-лиши даркор, деб ҳисоблайман. Оригинал концепцияси, дастури-га эга бўлмай, тайёр ошга баковул тарзида тайёрланган дарслик ҳеч қачон чин муқобил дарслик бўла олмайди. Ўзгалар яратган кон-цепция, дастур асосида дарслик яратишга уриниш бировнинг то-дорқасида экин экиб, ҳосил кўтаришдай гап.

5-синф дастури концепциясини Н. Каримов икковимиз бир неча ойлар давомида тинимсиз илганишлар асносида яратганмиз. Асар-ларни, асарлардан олинган парчаларни танлаш, улардан қўзлан-ган педагогик ва эстетик мақсадларни белгилаш машаққатларини айтмансизми! Бошқа синф дарсликларини камситмаган ҳолда олти бўлимдан иборат 5-синф дарслик- мажмуаси, дарслик компози-цияси, бўлимлар ва бўлимлар ичидаги асарларнинг жойлаштири-лиши, мутахассислар фикрича, «аъло» даражада адо этилган. Дар-слик-мажмуа шунчаки асарлар тўплами эмас, балки у тугал, яхлит асар; бир бўлим ёки бўлим ичидаги асар ўрни алмаштирилса ёки келтирилган асар матнидан бирор кичик парча қисқартирилса, дарсликка жиддий путур етиши тайин! Қолаверса, умумий ўрта таълим адабиёт дарсликларининг ҳар бири яхлит асарнинг алоҳи-да-алоҳида китобларидир. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олмай, унга топилган муносабатда бўлишнинг жабрини татиб кўрдик.

У-IX синфлар адабиёт китобларини дарслик-мажмуа тарзида

яратиш мўлжалланган. Айниқса, V-VI синфларда адабиёт фани эмас предмет сифатида ўрганилади. Бу синфларда муаллим алиблар ҳаёти, ижоди, алоҳида асарлари ҳақида синфда маъруза ўқимайди. Балки адабий матнлар устида ўқувчилар билан иш олиб боради. Танловда бу ҳол мутлақо ҳисобга олинмай, 5-синф учун соф дарслик яратиш ва унга қўшимча алоҳида мажмуа-хрестоматия тузиш талаб этилди. Бу педагогик технологияга зид эканлиги неча бор айтилди, бироқ ўша келлари буни эшитадиган зот топилмади. Номлож, «Ғийлан шаърий» йўли тutilди, гарчи танловга тақдим этилган китоб «дарслик» деб аталган бўлса-да, эслида у дарслик-мажмуанинг ўзгираси эди. Бироқ ҳажм муаммосини ҳал этиш иложи бўлмади. V синф дарслик-мажмуаси 22-23 босма табоққа мўлжалланган эди. Китобни кескин қисқартиришга тўғри келди, қисқартиришлар, асосан, асар матнлари ҳисобига бўлди. Тўғри, ваълага кўра 5-синф дарслигига илова тариқасида 12 босма табоқли алоҳида мажмуа тайёрланиб чоп этилди. Ноқулай томони шундаки, дарслик 437000 нусхада бўлса, мажмуа бор-йўғи 10000 нусхада чиқди. Бу ҳар бир мактабга бир-иккитадан тўғри келади дегани. Ҳолбуки, дарслик каби мажмуа ҳам ҳар бир ўқувчи қўлида бўлиши даркор! Қаранг, бундан давлат ҳам, мактаб ҳам, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам қанча ютқазди. Битта 22 табоқли дарслик-мажмуага рухсат бериш билан бу чигат муаммони осонгина ҳал қилиш мумкин эди-ку!

Бир йил бурун 9-синф дарслигини яратиш теварагида ҳам шундай можарога дуч келган эдик. «Маънавият» нашриёти директори С.Аҳмедовнинг елиб-югуришлари оқибатида, белгиланган қатъий ҳажм қисман ўзгартирилиб, дарслик ҳажми аранг 16 босма табоққа етказилди. Шунга қарамай, мўлжалланган 10 босма табоқ матн қисқартирилгани учун дарслик ночор аҳволда чиқди. Дарсликка илова тариқасида чиқарилиши лозим бўлган мажмуа ўллагўлда ҳолда қолиб кетди.

Энди мана бу ҳангомага қаранг, бошқа мамлакатлардаги аҳволни кўя турайлик. Айни ўша йиллари ўз Ватанимизда русийзабон мактабларнинг 5 ва 9-синфлари учун чиққан дарслик-хрестоматияларга кўз таштайлик. 5-синф адабиёт китоби 24 босма табоқ, 9-синф дарслиги эса икки китобдан иборат: биринчи китоб 26 босма табоқ - 414 саҳифа, иккинчи китоб эса 28 босма табоқ - 446 саҳифа, жами 54 босма табоқ - 860 саҳифалик дарслик-хрестоматия! Ўзбек мактаблари 9-синф дарслиги эса бор-йўғи 16 босма табоқ - 236 саҳифа... Қараб, кўзларингизга ишонмайсиз. Наҳотки 9-синфда она тилида таълим оладиган миллат фарзандлари адаби-

Тадан мамлакатимиздаги русийзабон ўқувчиларга нисбатан қарийб уч ярим баробар кичик дарсликка эга бўлсалар!..

2003 йил баҳорида Ёзувчилар уюшмасида Республика таълим маркази ходимлари иштирокида адабиёт дарсликларига бағишланган кенгашда шу ҳақида гапирдим, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулда Орипов куюниб «Бу миллат болаларига хиёнат-ку!» деди. Таълим марказининг ўша кезлардаги раҳбари Г.Алимова «Бу адолатсизликни тузатиш ўз қўлимизда, албатта тузатамиз» деб ваъда қилган эди, бироқ амалда ҳеч нарса бўлмади. Миллат болалари ўша адолатсизликнинг жабрини чекишда давом этди... Ниҳоят, 2005 йили эълон этилган дарсликлар бўйича танлов шартида бундай ўзбошимчиликка чек қўйилди.

Бир неча оғиз сўз дарсликларга кирган асарларнинг ўқувчилар савиясига, ўзбекчиликка мослиги масаласи хусусида. Биринчи авлод дарсликлари теварагида бу борада кетган баҳсларнинг энг жиддийси «Шоҳ Эдип» трагедияси билан боғлиқ эди. Айрим ҳамкасбларимиз «Бу асар ўзбекчиликка ёт, қаҳрамоннинг ўз онасига уйланиши тўғрисидаги асарни синфга олиб кириб бўлмайди» деб чиқдилар. Наҳотки, йигирма беш асрдан бери жаҳонни ҳайратга солиб қўйган нодир асар шу тарзда тушунилса?! Эдип бошига тушган даҳшатли савдо фақат биз ўзбеклар учун эмас, барча миллат одамлари, бугун эмас, йигирма беш аср бурун ҳам жамики инсон боласи учун ёт, шармандали қисмат саналган. Эдип ўзи мутлақо ис-тамаган ҳолда тақдир тақозоси туфайли ана шундай шармандали кўргиликка гирифтор бўлган. Қаҳрамон ана шу кўргилик туфайли эътироблар оловида куйиб-ёниб, адои тамом бўлади... «Шоҳ Эдип» инсон зоти қалбини поклашга, ҳаёт ва қисмат ҳақида жиддий ўйлашга чорлайдиган асар... Секин-аста бўлса ҳам ҳамкасбларимиз, охир-оқибат, трагедиянинг асл моҳиятини тушуниб етдилар, XXI асрга ўтиб, бу борадаги эътирозлар ўз-ўзидан сўниб қолди.

Иккинчи авлод дарсликларига кирган асарлар, чунончи, 5-синфдаги «Гулнор опа» ҳикояси, «Олтовлон ва еттинчи» ривояти, «Кичкина шахюда», 9-синфдаги «Бегона» қиссалари теварагида айрим гап-сўзлар бўлиб ўтди. «Гулнор опа» ҳикоясида қиз билан йигитнинг бир-бирига эркаланиб, суйкалишиб тургани тасвирланган кичик бир лавҳа бор. Бу ҳодиса атрофи баланд деворлар билан ўралган кимчасиз бог ичида рўй беради. Асад деган бола ўйин пайти бог ичига учиб тушган тўпини қидириб, у ерга кирганида тасодифан бояги манзарага кўзи тушади...

Баъзи муаллимлар даъвосича, бу лавҳа болаларга тўғри келмас,

улар тарбиясини бузар эмни. Азиз ҳамкасблар, ўзимизни гўлликка олмайлик, болажонларимиз ҳар куни телеэкранларда неча бор бундан беш бағтарини томоша қиладилар-ку! Бутина эмас, кучакўйларда, трамвай, айниқса, метро вагонларида киндигини очиб юрадиган қизларнинг йўловчилар - катта-ю кичик кўз олдида интиглар бўйнига осилиб, беҳаё қилиқлар қилиши - ана шундай шармандали жонли манзараларни ҳар қадамда кўрадилар-ку! «Гулнор она»даги манзарага синчиклаб разм солинг. Бу ерда қанчалар ўзбекна руҳ, шарм-ҳаё бор. Йигит ва қиз рўпарасида ногоҳон бола пайдо бўлганида довдираб қолишди, йигит қочиб ўзини деворга уради, қиз эса бола қаршисида йиғлаб-ялиниб бўлган воқеани бировга айтмасликни илтижо қилади; бола ҳам, ўз навбатида, ошиқ-маъшукларни ноқулай аҳволга солиб қўйганидан хижолат чекади, мурғак қалб итиробда қолади... Ана, сизга ҳикоянинг асл мағзи, болалар учун тарбиявий қиммати!

Шаҳсан мен «Гулнор она» дарсларини кўп кузатганман. Ҳикоя ўқилганида, юқорида эслатилган давҳадаги интим ҳолатлар болаларнинг ҳаёлига ҳам келмайди, бирорта ўқувчи ёмон ўйга бормайди, Гулнор она ҳолати, боланинг пушаймонлари болакайлар ҳаёлини банд этади. «Гулнор она» ана шундай ор-номусли йигит-қизларимиз учун фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Минн афсус, ўқувчи ҳис этган ана шу нафис ҳолатни айрим муаллимлар тушунмайди ёки тушунишни истмайди.

«Олтовлон ва еттинчи» ва «Кичкина шаҳюда» 5-синф ўқувчиларига оғирлик қилади, улардаги тағмаёнони 11-12 ёшлик ўқувчилар ўқиб олиши қийин, деган эътирозларга мен асло қўшила олмайман. «Олтовлон ва еттинчи» матнидан кейин дарслик муаллифлари ўқувчиларга шундай мурожаат қиладилар: «Азиз болажонлар! «Олтовлон ва еттинчи» ривояти ушбу дарсликда Сиз ҳозиргача ўқиган ва энди танишадиган асарларга қараганда бир оз мураккаброқ, тушуниш қийинроқ. Бундан асло чўчиманг. Ўзингизга ишонинг, асарни эътибор билан ўқисангиз, мазкур ривоят бўйича дарсликда берилган савол ва топшириқларга астойдил жавоб қидирсангиз, асар маъносини бемалол англаб етасиз...»

Сўнг дарсликда тасвир этилган тарихий шароит, ундаги образлар моҳияти хусусида тушунтириш берилади... Кези келганда айтиб ўтай: 9-синф дарлигида, шунингдек, 5-синф дарслик мажмуасининг 5-нашрида айрим мутахассисларнинг илтимосига кўра, асар ҳақида мухтасар таҳлиллар беришга тўғри келди. Айни пайтда муаллифларнинг таҳлил ва талқинлари асар ҳақидаги узил-кесил!

ҳукм эмаслиги, ўзгача хилма-хил фикрлар бўлавериши мумкинлиги алоҳида ва қайта-қайта таъкидлаб ўтилди. Кузатишлар, сўраб-суриштиришлар шундан далолат берадiki, муаллифларнинг тушунтиришларисиз ҳам бу аломат ривоят моҳиятини болалар бемаҳол англаб олаверади. Мен кейинги йилларда мактабларда бўлганимда нукул ўқитувчилар билан эмас, ўқувчилар, хусусан, 5-синф болалари билан учрашишнинг одат қилдим. Айни ўша «ҳазм қилиш кийин» «Олтовлон ва еттинчи» ва «Кичкина шаҳзода»нинг ўзлаштирилиши мен кутганимдан ҳам юқорироқ эканини гуйиб, ғоят қувонаман. «Олтовлон ва еттинчи», «Кичкина шаҳзода»да катталар эътидаги чигал ҳодисалар, мураккабликлар қаламга олинади. Тўғри, асарлар матни тағмаъноси барчага бирдек етиб бормаслиги мумкин. У ёғини суриштирсангиз, шоҳ асарларининг тағ маъносини болалар у ёқда турсин, катталар, ҳатто мутахассислар ҳам тўла англаб етиши маҳол.

Дарсликларда бир асарга қайта-қайта мурожаат этиш тажрибаси бор: чунончи, «Шум бола»дан парча бошлангич синф ўқиш китобида, сўнг 5-синф ўқув қўлланмасида, кейин 6-синф дарслигида келтирилади. XI синф ва олий ўқув юрлари дарсликларида у ҳақда батафсил таҳлиллар бериледи. Шунингдек, Ч. Айтматовнинг «Қиёмат», А. Экзюперининг «Кичкина шаҳзода»си устида олий ўқув юрти дарсликлари ва дарсларида ҳам гап боради. Қолаверса, «Кичкина шаҳзода» жаҳон болалар адабиётининг энг нодир асарларидан, болаларнинг энг сеvimли китобларидан саналади. Ўз тажрибамдан бир воқеани айтиб ўтай. Республика радиоси «Кичкина шаҳзода» асосида ажойиб радиопостановка яратган, асар воқеалари ҳикояси, унга жўр бўлган дилрабо мусиқа садолари дилларни оҳанрабодек ўзига ром этади. Мен уни қайта-қайта тинглашдан қоринмайман. Бир гал, радиопостановкани тинглаб ўтирсам, олти яшар эртаксевар набирам ёнимга келиб ўтириб, аллақандай ширин ўй-хаёллар оғушига гарқ бўлиб қолди. Мен «Эртакни тушуняпсанми?» деб сўраганимда, «Бобожон, жиминг...» деб илтимос қилди, икковимиз жим ўтириб, бу гаройиб эртак-қиссани охиригача эшитдик. Ерга урса, осмонга сапчийдиган шўх-шадидо болаларни жимгина ўтириб тинглашга, хаёл суришга мажбур этган асарнинг нимасидир унга етиб борган. Мана шунинг ўзи катта гап!

Дўстим Худойберди Тўхтабоев 1986 йил кузида Болтиқбўйи Республикалари бўйлаб сафарда бўлган эди. Айни ўша йили «Новый мир» журналида Ч. Айтматовнинг «Қиёмат» романи эълон этила бошлаган, ҳали асар нашри охирига етмай туриб, унинг тевараги-

да шовқин-сурон бошланган эди. Болтиқбўйи адиблари бу асарни жаҳонда биринчи бўлиб таржима қилиб, ўз ўқувчиларига етказган эдилар. Худойберди қайси мактабга борса, ўқувчилар оғзида «Қиёмат», мактаб ўқувчиларининг «Қиёмат» ҳақидаги сўзларини эшитиб, ҳайратга тушган, кейинроқ «Маърифат»да чиққан «Болаларга ишонинг, дўстлар» сарлавҳали мақоласида «Қиёмат» билан боғлиқ сафар таассуротларини ҳаяжон билан сўзлаб берган эди.

Бизнинг айрим ҳамкасбларимиз бугунги кунда бутун бошли роман эмас, ундаги бир ривоятнамо ҳикоя 5-синф ўқувчилари учун оғирлик қилади, десалар бунга нима дейиш мумкин?! Айтилар, ўтмишимизни бир эслайлик, ахир ҳазрат Навоий айни 5-синф ўқувчилари ёшида эканида битган шеърлари билан Миршоҳий, Мавлоно Лутфийлар эътиборини қозонган, ёш шоир Лутфий, лек «маликул калом» ўзининг ўн икки минг байтини алмаштиришга рози бўлган газалини яратиб қўйган эди. Бобур Мирзо айни шу ёшида тахтга ўтирган, ғоят таҳликали дамларда тож-тахт ҳимояси учун мардона жанглар олиб борган эди. Бу ёшдаги ҳозирги болажонлар ҳам анойи эмас, улар катталарбоп жиддий кинофильмларни сизу биздан кўпроқ томоша қилади, кўп нарсаларга ақли етади...

Дарсликда «Кичкина шаҳзода»дан келтирилган парчани, унга чизилган суратлар шарҳини ўқиб, ўқувчи асардаги ўзига керакли жиҳатларни бемалол ўқиб олавериши мумкин. Қолаверса, дарсликда аввал танишган «Булбул» эртаги, «Жинлар базми», «Менинг ўғригина болам» ҳикоялари, «Олтовлон ва еттинчи» ривояти каби катталар ҳаётининг мураккабликлари акс этган асарларни ўрганиш асносида у «Кичкина шаҳзода»ни қабул қилишга ҳар жиҳатдан тайёрланган.

9-синф дарслиги орқали умумий ўрта таълим адабиёт сабоқлари интиҳосига етади. Дарслик А.Камюнинг «Бегона» ва Ч.Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» асарлари билан яқунланади. «Асрга татиғулик кун» хусусида эътирозлар йўқ, «Бегона» борасида яна ўша «ўта қийин, мураккаб асар», «ўқувчи савиясига мос эмас» деган гаплар қулоққа чалинмоқда.

Дастур ва дарслик муаллифлари ҳам «Бегона» мазмун-мундари жаси, бош қаҳрамон табиати, қисматининг бадий талқини жиҳатидан мураккаб, англаб етиш қийин асар эканини билдилар. Шуниси аёнки, «Бегона» XX аср жаҳон молери адабиётининг но дир намуналаридан; молери адабиётга ҳос энг муҳим хусусиятлар.

шахс жумбоғи, бадиий ифоданинг янгича йўллари унда жуда ёрқин
намойи бўлган. Яна шуниси ҳам аёнки, модернизм XX аср жаҳон
адабиётининг етакчи услуби; мактаб адабий таълимининг муҳим
вазифаларидан бири жаҳон адабиётидаги ҳар хил оқимга мансуб
асарларни ўқиб тушуна оладиган замонавий китобхонни тарбия-
лашдан иборат. Ўқувчи беш йил адабиётдан сабоқ олса-ю, модерн
адабиётнинг намуналаридан беҳабар қолса, буни кечириб бўлади-
ми? Кейинги йилларда она тилимизга жаҳон модерн адабиёти-
нинг ўнлаб намунаси таржима этилди, бироқ улар орасида мактаб
учун энг қулайи, бизнингча, «Бегона».

Мактаб адабий таълими биринчи галда ўқувчиларни ибрат, на-
муна бўла оладиган қаҳрамонлар руҳида тарбиялашга қаратилган.
V-IX синфлар дастур, дарсликлардан жой олган аксар асарлар айна
шу йўналишда. Айна пайтда адабиёт - бу инсонни англаш санъати.
Шоир Эркин Воҳидов ўттиз йил бурун «Ота тилаги» шеърисида ёзган
ади:

*Майли, мушкул бўлсин сен танлаган йўл,
Толе ҳам, майлига, келмасин осон.
Фақат одам қадрин билар одам бўл,
Бўл инсон дардини билгувчи инсон!..*

Адабиёт намуналари орқали ёш авлодни инсон ва унинг қадри,
қалби, дардини билгувчи, англагувчи қилиб тарбиялаш ҳам гоят
муҳим вазифа. 5-синф дарслигидан жой олган «Менинг ўғригина
болам», «Гулнор опа», «Олтовлон ва еттинчи», «Hellados»дан тор-
тиб 9-синфдаги «Бегона»га қалар ўнлаб асар айна шу вазифа хиз-
матида қаратилган. 9-синф дарслигида берилган жаҳон адабиёти
намуналари - «Шоҳ Эдил», «Ҳамлет», «Евгений Онегин»ни ту-
шунган ўқувчи учун «Бегона»ни англаш у қалар мушкул эмас.

Бир вақтлар мактаб дарсликларида мумтоз шеъримиз наму-
налари, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари ҳад-
дан ташқари «тушунарли» қилиб жўнлаштирилиб бериларди. Устоз
Озод аканинг ибратли бир ҳикмати бор: юксак санъат асари маъ-
носини жўн китобхон даражасига тушириш эмас, аксинча, жўн
китобхонни юксак санъат асари даражасига кўтариш йўлидан бо-
риш даркор... Янги дарсликларда мумкин қалар айна шу йўлдан
борилди. Бугунги кунда Навонийнинг ғазаллари, «Фарҳод ва Ши-
рин», «Лайли ва Мажнун»ларнинг маъно-мундарижаси талқини
янгича, анчайин мураккаб. Шуниси муҳимки, ана шу мураккаб

жумбоқларни ўқувчига етказиш йўллари қидириляпти ва топилляпти. Навоий асарларини тушуниш «Бегона»ни англашга кўра осон эмаслиги ҳаммага аён. Дарсликда «Бегона»га «очқич» сифагида унинг мухтасар таҳлили. Ўқитувчилар учун тайёрланган қўлланмада эса модерн адабиёт ва у билан боғлиқ абсурд, экзистенциализм фалсафаси моҳияти хусусида тушунчалар берилган. Афсус, ҳаммуаммоси туфайли «Бегона» бўйича тайёрланган матнининг учдан бир қисмигина дарсликдан жой олди, холос. Аёнки, дарсликка кирган аксар асарлар ҳозирги янги ёзувимизда чиқмаган. Ана шундай шароитда дарслик мажмуаларни бу қадар қисқартиришга уриниш гирт бемаънилик. Шунга қарамай, тажрибали ўқитувчилар саъй-ҳаракати туфайли бугун «Бегона» ёш ўзбек ўқувчиси учун бегона бўлмай қолди.

Аминманки, «Бегона»ни англамай туриб, ҳозирги ўзбек адабиётидаги янгича йўналишга мансуб Омон Мухтор, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул, У.Ҳамдам, С. Вафў ҳикоя, қисса, романларини, «Ёшлик» журналинда эълон этилаётган ўнлаб асарларни, жумладан, Зулфия Куролбой қизининг «Тафаккур», «Ҳилола» каби ҳикояларини тушуниш, англаш қийин. Ҳолбуки, бу асарларнинг аксарияти 8-9 синф ёшидаги навқирон авлодга аталган.

2003 йил июнида «Умид» жамғармасининг гранти билан ҳоррида таълим олиб келган кенжа ўғлим Жамшиднинг Олмония Саарланд университетиде танишган дўстлари - парижлик икки йигит хонадонимизда меҳмон бўлди. Уларнинг илтимосига кўра, хонадаги стол ва стулларни бир чеккага йиғиштириб, хонтахта атрофида кўрпача устига ўтириб, гурунг бошладик. Ёшларнинг гоҳ француз, гоҳ немис, гоҳ инглизча эмин-эркин ва жўшқин суҳбатларига кулоқ тутиб қувонаман, айти чоғда, бир филолог профессор бўла туриб, бу тилларни билмаганим учун афсусланаман. Шукрки, ўғлим жонга ора кирди, унинг таржимонлиги туфайли бу ажиб гурунг иштирокчисига айландим. Филолог адабиётшунос эканлимини билган меҳмонлар «Ўзбекистонда француз адибларини билишадими?» деб сўрашди. Мен эса Флобер, Стендаль, Бальзак, Мопассан, Гюго асарлари ўзбекчага таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилгани, улар бизда ниҳоятда машҳур эканини айтдим. Бўгина эмас, «Кичкина шаҳзода», «Бегона» мактаб дарсликларига киритилгани хусусида сўз очиб, дарсликларнинг ўша саҳифаларини кўрсатганимда, парижлик йигитларнинг юзлари хайрат ва қувончдан яшнаб кетди. Меҳмонларнинг бири мактабда «Кичкина шаҳзода»ни ёд олганини айтиб, ўзбекча матндан парча ўқиб беришимни

урати. Илк сатрларни ўқиганимда, «Оҳанги ўхшайди» деб хитоб қилди. Сўнг «Бегона» олтинчи йилдирки, француз ёшларининг энг аниқ бестселлер асари эканини айтди.

Рости, ўша дақиқаларда, парижликлардан кўра, мен кўпроқ тунондим. Биз, ўзбеклар, мактаб ёшидаёқ Овропа маданияти «бешик»ларидан саналмиш Париж ёшлари каби уларнинг ифтихори саналмиш ноёб санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлиш шарафига муяссармиз. Президентимиз гурур билан айтганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

2005 йил.

ҲАҚИҚАТ ТАҚОЗОСИ

(Адабиёт муаллимлари билан мулоҳот пайтидаги ўйлар)

Ҳозир ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, тарих, фалсафа, руҳшунослик, адабиёт илмида ҳаёт-мамонт аҳамиятига молик туб ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Энг муҳими, фан табиатига ёт бир хилдаги «яқдил» фикрлашдан секин-аста қутулиб бораётормиз. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидай, «Жамиятда фикр эркинлиги, гоёлар ранг - баранглиги бўлмаса, айниқса, унга йўл берилмаса тараққиёт, олға силжиш қийинлашади. Яқин ўтмишимиз - бунинг яққол далилидир».

Шуни тан олиш керакки, ижтимоий-гуманитар фанлардаги янгилашниш хийла мушкул, зиддиятли тарзда кечмоқда. Ҳамон дадил, мустақил фикрлашдан чўчиш иллатидан қутула олганимиз йўқ. И. Каримов тўғри таъкидлаганидай: «Гўё биров сал бошқача фикрласа, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетадигандай хавотирга тушамиз. Унга душманимиздай қараймиз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни муҳокама қилиб, ҳақиқат баҳсларда тугилади, деган ақидага амал қилиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин» («Халқ сўзи», 1995 йил 20 январь).

Бу мулоҳазалар тўлиғича адабий ҳаёт ва адабиёт илмига, шунингдек, адабиётдан янги дастур, дарсликлар яратиш соҳасига ҳам тааллуқлидир. Мен истиқлол йилларида умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлири учун адабиётдан янги дастур ва дарсликлар яратиш ишида қатнашиш, Республика Олий педагогика институти, ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институти тингловчилари билан машғулотлар олиб бориш асносида шунга ишонч ҳосил қилаёторманки, адабиёт фанида ҳал этилмаган муаммолар беҳал кўп. Уларни ҳал этмай, бу борада янгича қарашларни дадил ортига қўймай туриб ўқув-ўқитув савиясини кўтариш, чин маъно-

даги янги дарсликлар яратиш мушкул. Шулардан айримларига эътиборни тортмоқчиман.

Кейинги пайтларда 20-30-йиллари адибларимиз орасида бўлиб ўтган ижодий мунозаралар, қатор ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳодисаларга муносабатдаги тафовутлар, гоёвий хилма-хилликлар устида қизғин баҳслар кетяпти. Яқин-яқинларда кимки октябрь инқилобини, шўролар сиёсатини олқишлаган бўлса, уларни «Узинизники» санаб, танқидий фикр айтган қалам аҳлини эса «душман»га чиқарар эдик. Энди, аксинча, айни ўша адибларимизнинг шўролар тўғрисидаги салбий фикрларини топиб олиб, қаҳрамонга чиқариш ёки шўрога хайрихоҳлигини рўқач қилиб, камситиш ҳолатига бот-бот дуч келаётормиз... Ахир буни илм деб бўладими! Ҳақиқий фан вазиятга қараб товланавермайди, ҳодисаларни бор ҳолича мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш йўлидан боради.

Ойбекнинг Қодирий, Ҳ. Олимжоннинг Фиррат ҳақидаги тадқиқотларида икки буюк адибнинг замондошлари ижодини гоёвий-мафкуравий жиҳатдан салбий баҳоланиши гўё катта гуноҳ, тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол, деб қаралмоқда. 30-йиллардаги мудҳиш ижтимоий-сиёсий вазият назарда тутилса, бу хил қарашларда асос бор, албатта. Ўша келлари бирор адиб ижоди хусусидаги гоёвийликка, мафкурага даҳлдор танқидий гап унинг тақдирини ҳал этишда катта рол ўйнаган. Аслида, жамиятда соғлом ижтимоий-ижодий муҳит муҳайё бўлса, улкан адиблар ижодининг гоёвий, мафкуравий асослари тўғрисида ҳам кескин баҳслар юритиш табиий бир ҳол саналмоғи лозим. Жаҳон адабиётида бунинг ёрқин мисоллари кўп. Буюк реалист Л.Толстой даҳо драмагурт Шекспир ижодини кескин танқид қилиб, йирик трактат ёзган. Ҳеч ким бунинг учун Л.Толстойга таъна тоши ёғдирмайди. Буюк адиб танқиди туфайли Шекспирнинг обрўйи тушиб қолган ҳам эмас.

Адабиёт муаллимлари билан мулоқотларда ҳар гал шундай савол кўндалани қўйилади: адабиёт тарихига, адабий ҳодисаларга, асарларга ягона, мажбурий марксча-ленинча йўл-йўриқлар асосида ёндашиш, уларни «икки хил маданият» қолини, синфийлик, партиявийлик принципи, совет жамияти, социализм манфаатидан келиб чиқиб баҳолаш удумидан воз кечилган экан, энди қандай мезонлар асосида иш кўрамит?

Маълумки, «марксча-ленинча адабиётшунослик»ка қадар ҳам у билан ёндош ҳолда, жаҳонда жуда кўп адабиётшунослик мактаблари бўлган. Афсуски, бизга марксча-ленинча йўл-йўриқни дунда

Адабий ҳақидаги ягона энг тўғри таълимот, деб ўргатишдан, бошқа илмий мактаблар ё умуман рад этилди ёки ҳар боб билан камситилди. Бугунги кунда бундай нохуш ҳолга барҳам берилди. Ҳозир биз учун барча адабий-илмий мактаблар эшиги очик. Бироқ биз очик эшиклар олдида додираброқ турибмиз, очик эшиклардан ўтиб, муҳташам қасрлардаги ўлмас хазиналардан дадил баҳраманд бўлиш учун бизда уқув-малака, журъат етишмаётир. Жаҳон хилма-хил адабий тафаккури билан таниша борган сари, табиийки, бадний адабиёт, адабий-илмий мезонлар хусусидаги тасаввуримиз ҳам ўзгариб, бойиб бораверади; адабиёт олами ниҳоятда ранг-баранг, бадний ижод тайёр қолишларини тан олмайдиган сирли-сеҳрли ҳодиса эканига ишонч ҳосил қиламиз. Айни пайтда, қанчалар ўлма-хил бўлмасин, тараққийнаравар сўз санъатида турли давр, турли оқимларга мансуб шоҳ асарларни туташтириб турадиган муштарақ жиҳатлар, хусусиятлар мавжуд эканига иқрор бўламиз. Нуночи, ҳаққонийлик, гуманизм, теран маънодорлик, юксак баднийлик - эстетик таъсирчанлик, ўқувчини ҳайратга соладиган таъжубийлик шундай мангу хусусиятлардандир. Эҳтимол, мана шулар адабий ҳодисаларни ўрганиш, баҳолашга таянч нуқта, бош мезон ва шифасини ўтар.

Адабиётни, адабий асарни қай йўсинда ўрганиш масаласи ҳам кизгин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда адабиётни ҳаёт ўзгуси ва дарслиги эмас, бадний ижод шакли, санъат ҳодисаси сифатида ўрганишга, асарни бадний ифода, шакл жиҳатидан текширишга бот-бот даъватлар қилинаёпти. Бу ҳолни адабиёт илмида узок йиллар ҳукм суриб келган вульгар социологизм ақидаларига, мафкуравий-сиёсий ёндашишга қарши реакция, акс таъсир кўришиши, деб қарамоқ керак. Яқин-яқинларда мактаблар учун мўлжалланган адабиёт дастурлари, дарсликларини варақлаб кўринг. Аввало, барча асарлар, биринчи гада, синфийлик, партиявийлик принципларидан келиб чиқиб танланган; социализм манфаатига, коммунистик мафкурага хизмат қилса, бадний даражаси қандай эканидан қатъи назар дарсликларга киритилаверган; I-II синфларда биргина Ленин мавзусига бағишланган ўнлаб асар олинган, ҳатто Эргаш Жуманбулбул ўғлидек буюк халқ бахшисининг «Кунтуғиш», «Равшан»дек шоҳ асарлари қолиб, бадний ночор «Ўртоқ Ленин» дostonи ўрганишга тавсия этилган. Асарлар таҳлили, таққиқи ҳам шунга яраша. Шоир Э. Воҳидов айтмоқчи: адабиёт ўрганиб, унга санъат деб, руҳ неъматига деб эмас, балки сиёсат деб муносабатда бўлдик; ёзувчининг бадний истисъодини нари суриб, унинг

дунёқарашини муҳим саналик, шеърятдан завқ олишни эмас, синфий нуқтан назардан таҳлил қилишни билдик, асарлардан кўпроқ ижтимоий маъно ахтардик... Бу хил хато-камчиликлардан қанчалик тез қутулсак, шунчалик яхши.

Бироқ адабиётни санъат ҳодисаси сифатида ўрганишга даъватлар асносида бошқа хатарлар шарпаси сезилиб келаётирки. Бунини олди олинмаса, ёмғирдан қутулиб, дўлга дучор бўлиш мумкин. Айрим ёзувчи ва адабиётшунос ҳамкасабаларимиз адабиётни умуман замондан, мафкура ва сиёсатдан айиришга, адабий ҳодисаларни «соф санъат», балият ҳодисаси сифатидagina ўрганишга ундаётирларки, бундай йўл ҳам яхши самара бермаслиги аён. Вулгар социологизм, якка мафкурачилик, тор синфий партиявий ёндашишнинг салбий оқибатларига қарши чиқаман, деб адабиётнинг ижтимоий мафкуравий қимматини назар-писанд этмаслик ҳам ҳақиқатдан, адолатдан чекинишга олиб келади. Ҳар қандай асардан, образдан, шоирнинг ҳар бир сатридан социал маъно, замонга, сиёсатга ишора қилдиравериш тўғри эмас. Шу билан баробар, юксак балият намуналарини замондан, сиёсатдан, мафкурадан айри ҳолда нуқул санъат, шакл жиҳатидангина ўрганиш, ўқитиш орқали уларнинг асл моҳиятини очиш, англаш, ҳақиқий қимматини белгилаш қийин. Матбуотда «мафкуравий адабиёт ўлади!» деган гаплар айтилди, аммо бу дабдабали, бир оз дағдағали даъволар илмий асосланиб берилмади. Аслида сохта, ўткинчи мафкурага, калтабин, хато сиёсатга хизмат этган адабиётнинггина умри қисқа. Бироқ мангу, ҳаётбахш ғоялар, ҳақиқат, адолат, ватан, ҳақ, миллат гами, тақдир, истиқболга даҳлдор сиёсат руҳи билан йўғрилган асарларнинг умри эса боқий. Конфуций, Данте, Яссавий, Навоий, Машраб, Пушкин, Чўлпон, Рауф Парфи каби улўф шоирлар шеърятини мафкурадан холи ҳолда тасаввур этиш мумкинми?! Чунончи Яссавий ўзбек, балки умумтуркий адабиётда мафкуравий шеърятнинг ҳам отасидир. Яссавийнинг ҳар бир сатрини, шеърий санъатини ислом мафкураси, тасаввуфидан холи ҳолда иноҳлаш, тушуниш, тушунтириш мумкин эмаслиги барчага аён.

Демак, бутун гап адабиётнинг мафкура, сиёсат билан алоқадор жиҳатларига қай тариха ёндашишда, биз бошдан кечирган кўриликлар боиси сўз санъатига ҳос ўта нозик масалаларни бузиб таққин қилинганида, ҳамма нарсани зўрлаб, тор синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкура «қарич»и билан ўлчашга уришганликда.

Сир эмас, дарсликларга киритилган талай яхши асарлар ҳам

Уша синфийлик, партиявийлик мезонлари асосида таҳлил қилинган. Бугунги кунда ўша асарларни асл социал-ижтимоий маъносини ҳолиси билан янгича илмий кашф этишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Чинакам санъат асарининг туб ижтимоий маъносини очиб бериш, кашф этиш эса осон иш эмас, бу иш ўзига хос санъат, юксак маҳорат, назик дид, зўр билим талаб этишини асло унут-
маслик

Шўро ҳокимияти йилларида адабий асарлар фақат социологик-ижтимоий маъно жиҳатидангина ўрганилди, бадиият масалалари текширилмади, деган таъналарга тўла қўшилиб бўлмади. Бадиият, маҳорат, шакл масалалари ҳам текширилган, маҳоратшунос адабиётшунос олимлар етишиб чиққан; кейинги ўттиз йил давомида адабиёт бўйича ёқланган докторлик ва номзодлик диссертацияларининг ярмидан кўпроғи бадиият, поэтика масалаларига бағишланган; улкан ёзувчи, шоирлар ижоди, машҳур асарларнинг баярли барчаси поэтика, маҳорат нуқтаи назаридан, озми-кўпми, ўрганилди. Хўш, шунга қарамай, нега бу ишлардан кўнглимиз тўлмайди, маҳорат, поэтикани текшириш бобида кўз-кўз қилиб ўрсатилган. фанда чинакам кашфиёт дейишга арзигулик илмий асарларимиз қани? Гап шундаки, шакл, поэтика масалаларини ўрганишда ҳам юзакичилик, муайян қолиплардан чиқа олмаслик аважул: кейинги пайтларга қалар бизда олиб санъати, маҳорати орқали асарининг туб моҳиятига кириб бориш, асар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш журъати етишмай келди. Бу борада ҳам ўша машҳур «тор синфийлик», «партиявийлик» принципи бизга панд берди. Масалан, «Сароб» романи «Ўткан кунлар»дан кейин ўзбек прозаси забт этган иккинчи чўққи, муҳим бадиий кашфиёт сифатида ҳоҳлангани, ёзувчининг тасвир маҳорати, айниқса, қаҳрамон рудияти ифодаси кенг таҳлил этилди. Минг афсус, ўша ёзувчи маҳорати, санъати заминида ётган асосий маъно моҳияти кўп ҳолларда бир ёқлама талқин этилди. Ёзувчининг ўзи афсус-надомат билан айтганидай, танқид «Сароб»дан нуқул сиёсат ишлади, одамларнинг дарду дунёсини, оху зорларини эшитадиган бир эҳамат топилмади. Айни шундай ҳолатни Ойбек, Ғ.Ғулوم, Ҳ.Олимжоннинг қатор асарлари таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

Адабиётнинг, адабий асарнинг мафкура, сиёсат билан алоқаси ҳусусида сўз борганда, яна бир мунозарали масалани четлаб ўтиб бўлмайди. Янги адабиёт дастури ва дареликлариди ҳукмрон мафкура руҳи билан йўғрилган қатор асарлардан воз кечилгани ҳолда, ўшандай руҳдан бутунлай холи бўлмаган «Қутлуғ қон», «Зайнаб ва

Омон», «Синчалак» сингари асарларга нега ўрин берилди, деган савол туғилади. Тўғри, бу асарлар ҳукмрон мафкура таъсирида ёзилган, чунончи, «Кутлуғ қон»да ҳодисаларга синфий ёндашнинг устун, «Зайнаб ва Омон»да бахтсиз ёшлар совет даврида, колхоз қучоғида бахтини топди, деган ғоя ўтказилган; «Синчалак»да давр ғояларига хайрихоҳлик ўринлари учрайди... Бироқ бу асарларнинг қиммати шулар билан чекланмайди. Тарихдан биламизки, улкан реалист адиблар ижодда кўп ҳолларда ўз қараши, ғоявий ақидаларига зид бўриб, даврнинг ҳукмрон мафкураси тазйиқидан бандланди туриб, оқибат-натияжада, ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолганлар. «синфий партиявий ёндашиш» чегарасидан чиқиб, умуминсонни қадриятларни ҳимоя қилишга эришганлар. Биз назарда тутган асарларда ҳам шу ҳол мавжуд: «Кутлуғ қон» муаллифи кўп ҳолларда асримиз бошларидаги халқ ҳаётини, йўлчи, Ёрмат сингари шахслар онгидаги ўзгариш, ўзликни англаш, қолаверса, халқдаги миллий уйғониш жараёнини ҳаққоний, таъсирчан кўрсатган; синфий кураш йўлини танлаган йўлчи билан нажот - миллатнинг бирлиги, деган ақидага амал қилувчи Абдишукур қараш ва амалларидаги муайян тафовут ва зиддиятлар ҳам ҳаётий, ҳаққоний ифодаланган. Йўлчи билан Мирзакаримбой ва унинг хонадони аъзолари орасидаги зиддиятларга келсак, бундай ҳодисани фақат синфий ёндашиш оқибати, деб тушуниришни тўғри бўлмас. Бу хил зиддиятлар ҳамма даврларда, барча халқларда учраши мумкин. Ўз нафси, пул, мол-мулкни деб, ҳатто яқин одамларига шафқатсизлик қилган инсофсиз, диёнатсиз бадавлат кимсалар бугун йўқ, деб ким айта олади? «Зайнаб ва Омон»даги бахтли совет даври, фаровон колхоз ҳаёти ҳақидаги сартларни мустасно эгганда, Зайнаб билан Омоннинг машаққатли ҳаёт йўли ифодаси - шафқатсиз, мардона ҳақиқатнинг ўзгилмаси-ку! Асар бошдан-оёқ ҳамма даврларда тараққиёт парвар адибларни ҳаяжонга солган шахс эрки ҳимоясидан иборат «Синчалак»ка шуҳрат келтирган бош омил унда «партия ролини кўрсатиб берган»ликда эмас, балки «совет ҳаёт тарзи»нинг асл моҳиятини бадиий инкишоф этганлигида, Қаландаровдек жонли, ҳаётий образ яратилганлигида, бу шахс тимсолида давр зиддиятлари моҳирона очиб берилганлигидадир. «Синчалак»ка қадар ўзбек адабиётида совет қишлоқ ҳаётининг реал манзарасини, қишлоқ аёлларининг чин аҳволини бу қадар ҳаққоний, ёрқин ифодалаган асар яратилган эмас эди... Айни шу жиҳатлари назарда тутилган ҳолда, бу асарлар мактаб дастури ва дарсликлариغا киритилган.

Шу ўринда яна бир қалтис саволга дуч келамиз. «Синчалак»да

ги Саида, шунингдек, дастур ва дарсликларга кирган «Уфқ»даги Икромжон, «Олтин зангамас»даги Солиқ каби коммунист образларини қандай талқин этмоқ керак? Ёдда бўлса керак, бир вақтлар ўтмишдан олиб ёзилган асарларда шоҳ ёки мансабдор, бадавлат одам, руҳоний «ижобий қаҳрамон» қилиб берилса, ёзувчи бадога қолар эди, бу ҳол ўтмишни идеаллаштириш, синфий ёндашиш, бинобарин, ҳақиқатдан чекиниш деб қаралар эди; совет даврига бағишланган асарларда коммунист ёки рус кишиси образларида салбий хусусиятлар тилга олинса, бу ўта қаттиқ иш саналарди... Адабиётга, образга, характерга ўшандай бир ёқлама ёндашиш асораги бугунги кунда ҳам ўзгачароқ тарзда кўриняпти.

Бу ҳол характернинг типиклиги масаласида эскича қарашлар доирасида иш кўришнинг оқибатидир. Биз узоқ йиллар типик характер яратиш учун албатта «умумлаштириш» шарт деган ақидага амал қилиб келдик: айрим кишиларга хос бўлган хусусиятлар типик бўлолмайди, конкрет даврдаги кўлчилик кишилар ёки айрим ижтимоий гуруҳларга хос хусусиятларгина типикдир, деган фикрни бугун ҳам ҳақиқат деб билдирганлар бор. Ҳолбуки, адабиёт илмида, тараққийпарвар адабиётшуносларнинг асарларида, санъатда, адабиётда ёрқин характерлар яратиш учун «умумлаштириш» принципи шарт эмаслиги, санъатнинг қатор турлари, чунончи, архитектура, мусиқа учун умумлаштириш бегона экани, сўз санъатида ҳам, хусусан, ҳужжатли асарларда, тарихий шахслар образларида, буюк сўз усталарининг кўллаб асарларида умумлаштириш унсурлари айтарли йўқлиги исбот этилган.

Умумлаштириш принципини умуман инкор этмаган ҳолда, ҳар қандай образдан, муайян ижтимоий гуруҳга хос умумлашма-типик белгилар қидиравериш ва талаб этиш қатор юксак бадиий асарлар, ёрқин характерлар моҳиятини, бадиий қимматини топтаб, бузиб талқин этишга олиб келганлигини, бу хил қатъий талаб адабиётимизда, охир-оқибат, схематизмга йўл очиб берганлигини унутмаслик керак. «Ўткан кунлар»дан тортиб «Юлдузли тунлар»га қадар кўллаб етук асарлар шу хил қарашларнинг «қаҳри»га учради. Ҳатто «Ўткан кунлар»ни ўз даврида қаттиқ ҳимоя қилиб чиққан айрим олимларимиз ҳам Отабек, Юсуфбек ҳожи, Ҳасанали тимсолида ўша образлар мансуб бўлган синфга хос хусусиятлар ромида етарли ифода этилмаганини танқид қилиб ўтганлар; «Юлдузли тунлар»даги Бобур жаҳонгир шоҳларнинг типик вакили сифатида кескин «фон» этилмагани, «қораланмагани» учун таъналарга дучор бўлди...

Саида, Икромжон, Содиқ каби образларга, менингча, фақат муайян социал гуруҳ, ижтимоий кучнинг вакили, умумлашма тим-соли деб эмас, балки биринчи галда, жонли, бетакрор шахс, ҳақиқат, адолат учун курашчи, инсофли, диёнатли одамлар сифатида қарамоқ даркор. Аслида, бу қаҳрамонларга хос виждон, адолат туйғусини «коммунистага хос хусусият» деб билиш тўғри эмас. Партия билети йўқ, аммо калбида виждон, имон, адолат туйғуси бор ҳар қандай инсон, орийтли ўзбек ўшандай вазиятда Саида, Икромжон, Содиқлар тутган йўлдан боравериши табиий. Демак, бу образлар аввало ҳаётийлиги, умуминсоний хислатлари билан эътиборга сазовор.

Кези келганда айтиб ўтай - айрим ҳамкасблар назарида «тарафкашлик» руҳида битилган «Сароб»да ҳам ҳолис чизилган реал ҳаёт манзаралари, ўқувчини дарзага соладиган драматик лавҳалар, ўта нозик, теран ифода этилган руҳий кечинмалар беҳисоб, характерлар бисотида умуминсоний жиҳатлар анчагина. Чинакам санъат асарини унинг бош пафоси мунозарали эканига қараб бутунлай йўққа чиқариб бўлмайди.

Ниҳоят, яна бир баҳсли масала устида тўхталмоқчиман. Адабиётимиз тарихининг муайян босқичларига, ҳукмрон мафкура таъсирида бўлган адиблар ижодига баҳо беришда ҳолис бўлиш, ҳақиқат, адолат меzonлари асосида иш кўриш адабиётшунос олим, педагогнинг виждоний бурчидир. Қатор чиқишларда 20-йилларнинг охири, 30-йилларга келиб, деярли барча ёзувчилар, ҳатто Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам замонасозлик йўлига ўтди, бу даврдаги барча асарлар «социалистик реализм қолипи»да битилган. ҳукмрон коммунистик мафкура руҳи билан йўғрилган, деган қарашлар илгари сурилмоқда. Дарҳақиқат, ўша йиллари ижод қилган етакчи адибларнинг талай асарларида замонасозлик хийла кучли. Узоқ давр худди ўша руҳдаги асарлар кенг тағриб ва ташвиқ этилди. дастур ва дарсликларга киритилди. Кузатишлар шуни кўрсатаётирки, ўша келлари шу хилдаги асарлар билан баробар, ҳукмрон мафкура таъсири, таъйиқидан холи, «социалистик реализм қолипи»га тушмайдиган талай шеър, дostonлар, роман, қисса ва ҳикоялар ҳам яратилган. Қизиқ ҳол: 30-йиллари шеърятда замонасозлик йўлига кирган Чўлпон насрда «Кеча ва кундуз»дек замона зайлига эид роман билан чиқди; муайян даражада тарафкашлик позициясида туриб ёзилган «Сароб»дек роман муаллифи А. Қаҳҳор «Томошабоғ», «Санъаткор», «Адабиёт муаллими» сингари ҳолис ҳикоялар битди, 30-йилларнинг «замонасоз» адиби сифатида танилган

Ғафур Ғулом «Шум бола»дек замонаси билан асло сифиша олмай-
диган қисса яратди. Бундай «зиддиятли ҳолат»ни Ойбек, Ҳ. Олим-
жон бисотида ҳам учратиш мумкин.

Шу хил асарлардан бири - «Шум бола» қиссасининг айрим
жиҳатларига эътиборни тортмоқчиман. «Шум бола»да инқилоб ара-
фаси, Биринчи жаҳон уруши давридаги халқ ҳаёти акс этган. Маъ-
лумки, совет ҳокимияти йилларида шаклланган, аниқроғи, шакл-
лантирилган тасаввурга кўра, бу даврда халқ орасида синфий зид-
дият, курашлар авж олган, меҳнаткаш халқ инқилобга тайёр тур-
ган, халқ орасидан етук инқилобчи раҳнамолар етишиб чиққан;
табiiийки, ўша давр ҳақидаги ҳар бир асардан, биринчи галда,
ўшандай тасаввурга мос хусусиятлар ифодаси талаб этилган. «Шум
бола»да эса тамомила бошқа манзарата дуч келамиз: бу ерда син-
фий зиддият, курашлардан, инқилобий руҳдан асар ҳам йўқ; қис-
сада бирорга ҳам синфий кураш, инқилоб ҳақида ўйлайдиган кимса
образини, у ёғини суриштирсангиз рисоладагидай «ижобий қаҳра-
мон»ни кўрмайсиз; асар воқеалари асосан бозору такяхонада ўтади;
одамлар - бою камбағал, савдогару косиб, домла, эшон - барчаси
ўзларининг кундалик тирикчилик ташвишлари билан банд. Қисса-
да қаламга олинган халқ ҳаётининг, бир қарашда, унча муҳим
бўлиб туюлмайдиган ғаройиб лавҳалари - бозор хангомалари, ҳар
хил томошалар, кисавур-ўғрилар баъзи, кишиларнинг интим
ҳаёти, эшон ойимнинг кўнгил очишлари, ўйнашларнинг дийдор-
лашуви, аза-дафн ташвишлари, такяхонадаги насвасалар, Шум бола
шумликлари - буларнинг барчаси, бир чеккаси, ўша кезлари авж
олдирилган сиёсатбозликдан зада бўлган кўнгилларга ором, ўзгача
кайфият бахш этади, озина бўлсин, замона галваларидан ҳаёлни
четга тортгандай бўлади.

Бироқ сиртдан қарагандагина шундай. Аслида, бошдан-оёқ
бебош бир йўсинда битилган, ғаройиб олди-қочди саргузаштлар-
дан иборатдай туюлган тасвирлар заминида жуда муҳим инсоний,
ижтимоий маъно мужассам. Гуё бу қисса қолипларга тушмайдиган
бебош, асов ҳикоя тарзи билан ўша кезлари яратилган сохта сиё-
сий-мафкуравий асарларга ўзига хос пародия - киноя каби туюла-
ди. Аввало, қиссадаги ҳар бир персонажни адиб ҳаётдаги ижтимо-
ий мавқеидан қатъи назар, ўта самимият билан холис кўрсатади,
бой, камбағал ёки руҳонийни улар мансуб бўлган ижтимоий гу-
руҳнинг умумлашма - типик вакили эмас, балки инсон сифатида
беради: Сарибой, Домла, Сарроф ҳинди, Ҳожи бобо, Султон
кисавур - барчаси зиддиятлари, табиатидаги мусбат ва манфий

томонлари билан бор ҳолича тақдим этилади; ашаддий ўғри Султон кясавур айни пайтда мард, танги одам; хасис, худбин, қиморбоз, маишатнараст Сарибой табиатан инсонийликдан бегона эмас, ёш хотин билан айш-ишратга берилиб кетган бу одам ўғли ҳақидаги шум хабарни эшитганда ҳушдан кетиб йиқилади, афтодаҳол бир ҳолда асл масканига - хонадонига қайтади.

Адиб бир неча ўринда латифанамо воқеалар орқали сезилар-сезилмас бир тарзда даври учун жуда жиддий, қалтис гапларни айтиб юборди. Асар бошида Тошкентда жиннилар кўпайиб кетгани ҳақида сўз боради, жинниларга доир бир неча латифалар келтирилади. Ҳўш, Ғ. Фуломдек улкан адиб жиннилар ҳақидаги латифани асарга нега киритди? Мақсад жиннилар устидан кулишми? Асло! Ўша латифалардан бирини эслайлик. Бир жинни кўчада кетмон дастаси билан ўтган-кетганни қувлаб, уриб-сўкиб: «Ҳамманг бир томонга юр, тарқалиб юрма! Тартиб керак, интизом керак. Нимага одамлар бир томонга юрмасдан ҳар қаёққа тарқалиб юради? Николай пошшо замонида тартиб-интизом керак, бир томонга юрсин-да!» дейди. Бошқаси унга шундай жавоб беради: «Ер ахир тарозига ўхшаган нарса бўлади, ҳамма бир томонга юрса, ер барқашдай бир ёққа оғиб, ҳаммамиз Қурдум дарёга фарқ бўлиб кетамиз-ку».

Ҳушёр китобхон жиннилар тилидан айтилган бу гапларда, аслида жиддий, ўта қалтис маъно борлигини - гап Николай пошшо замони эмас, балки барчани бир йўлдан бир томонга зўрлаб юргизиш сиёсати кетаётган советлар даври устида бораётганини сезади; бундай зўравон сиёсатнинг хунук оқибати ҳақидаги огоҳлантиришлар ҳақ бўлиб чиққанини, ҳаммани бир йўлдан бир томонга калтак билан зўрлаб юритиш туфайли ҳаёт посанини ост-уст бўлиб кетганлигини бугун баралла кўриб турибмиз.

Қиссадаги оммавий саҳналар, оломон талқини ҳам ўзига хос, хийла қалтис; бир эмас, икки ўринда оломоннинг бебош, онгсизларча ҳамласи туфайли мутлақо бегуноҳ бандалар ҳалоқ бўлади. Аянчли жиҳати шундаки, кимларнингдир кутқуси билан гуноҳ ишлар иштироқ этганлар қилгиликни қилиб қўйиб ўзларини билмасликка оладилар... Шу хил аянчли лавҳалар 30-йиллардаги оломон канифиятига ишора эмасми! Қисса айни қизил қатағон авжига чиққан бир паллада - 1936-1937 йилларда матбуот саҳифаларида чиқа бошлаганини унутмайлик!

Адабиётдан тузилган янги дастур ва мажмуада «Шум бола» асари мактабларнинг битирувчи синфларига тақдим этилган экан.

стуклик ёшидаги ўқувчиларга бу ноёб асарнинг шу хил маъно жиҳатдан тагдор ноёб моҳиятини очиб бериш даркор. Шу тариқа бир асарда замонасозлик йўлини тутган адиб бошқасида тамомида ўзгача йўлдан борган. Шу фактнинг ўзиёқ биз учун жиддий сабоқ бўлиши керак: айрим ҳолатларгагина таяниб, улкан адиблар ижоди, адабиётимизнинг муайян даврлари ҳақида бир ёқлама хулосалар чиқаришга шошилмайлик, адибларимиз бисотида, қатағон йилларида бошқача руҳдаги асарлар ҳам борлигини, қолаверса, танқид қилинаётган асарларнинг ўзга жиҳатлари ҳам мавжудлигини эслан чиқармайлик. Бу борада ҳақиқат, адолат туйғуси сизу бизни асло тарк этмасин.

1995 йил февраль.

АДОЛАТНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРИ

Чўлпон туғилган куннинг юз йиллиги республикамызда муносиб нишонланди. Бу қутлуғ санага яхши тайёргарлик кўрилди. Биламизки, Чўлпон бор-йўзи 41 йил умр кўрди, шоир умрининг ярмидан кўпроғи қизгин ижтимоий-ижодий фаолиятда ўтди; гарчи унинг шеърляти, насрий асарлари, «Кеча ва кундуз» романи, драмалари адабиётимизда, маданий ҳаётимизда, миллий адабий тафаккур ривожига чуқур из қолдирган бўлса-да, ижодкор меҳнати, тоталитар тузум шароитида, тириклигида қадрланмади, аксинча, буюк адиб таъқибу таҳдидлар остида яшади, охири қатағон этилди; қатл этилгандан кейин ҳам узоқ йиллар номи «қора рўйхат»дан тушмай келди. 80-йиллар охирилари, асосан, истиқлол даврита келиб, унинг қулуғ номи, шаъни тиклана бошланди, ижодий мероси халққа қайгарилди, мукамал асарлар тўнламлари чоп этишга киришилди, ҳаёти, ижоди ҳақида жиддий тадқиқотлар майдонга келди, асарлари театр сахналари, телевидение экранларига чиқди, мактаб ва олий ўқув юрглари адабиёт дастури, дарсликларидан муқим ўрин олди. 1991 йили Қодирий, Фитрат қатори Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди; бугунги кунда унинг номида институт, нашриёт, кўплаб маданий муассасалар, махсус мукофот бор. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида рўй берди. Хўш, авваллари-чи?!

20-30-йиллари Чўлпон бошига тушган қора қушлар, унинг ижод иварагида кетган машмашалар, ниҳоят, 37-йилда ҳибсга олингани, 38-йилда қатл этилгани, сўнг кўп йиллар давомида асарлари таъқиб остида бўлгани тўғрисида архив ҳужжатлари, замондошлари хотиралари, тадқиқотчилар асарлари орқали анча-мунча нар-

саларни биламиз. Мен бу ерда 50-йиллар ўргатаридан ўзим университетда ўқиган, аспирантурада таълим олган, ниҳоят, 80 йиллар бонларида республика адабиёт илмининг муътабар маркашларидан бири деб тан олинган ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаган кезлари ўзим бевосита шохид бўлган айрим воқеаларни эслатиб ўтмоқчиман.

Бир неча йиллардан бери Америкада яшаб, у ерда олий ўқув юрглари талабаларига сабоқ берган, жиддий талқиқот ишлари олиб борган ҳамкасбимиз Хайрулла Исматуллаев «Би-би-си» радиосида 1997 йил 23 октябрь куни Чўлпон ижодининг хорижда ўрганилишига оид мазмундор суҳбатида мунозарали бир фикрни ўртага ташлади. Унинг даъвосига кўра, 60-80-йиллар давомида хориждаги талқиқотчилар Чўлпон мерқисини холисона ўрганиш, тарғиб қилиш соҳасида катта жонбозлик қилганлари ҳолда, адибнинг ўз юртидаги адабиётшунослар бу борада «лом-мим» демай қўл қовуштириб турган эмиш. Бу даъвога қўшилиб бўлмайди.

Хайрулланинг ўзи ҳам 60-70-йилларда университетда ишлаган, яхши биледи: ўзбек адабиёти кафедрасида, С. Долимов, А. Алиев, Н. Худойберганов, Б. Акрамов, Т. Солиҳов, А. Расулов, биринчи галда, О. Шарафиддинов каби кафедра аъзолари кўнглида Қодирий, Фитрат, айниқса, Чўлпонга нисбатан хайрхоҳлик руҳи ниҳоятда кучли эди. Бу руҳ талабаларга ҳам кўчиб ўтган эди. Ҳар қанча эҳтиёт чоралари кўрилмасин, университет аудиторияларида Чўлпон сатрлари янграб турарди. Талабалар қўлида «Кеча ва кундуз», «Тон сирлари»нинг кўчирилиб муқоваланган қўлёзма нусхалари айлана-б-турани юрганини билардик, билиб, ўзимизни билмасликка олардик. Ўша кезлари университетда таълим олган, шу ерда етишган деярли барча шоирлар ижодида Чўлпон шеърини руҳи мавжудлигини пайқаш қийин эмас.

Хориждаги чўлпоншунослардан фарқли ўлароқ, ўз юртидаги жумладан, университетдаги олимлар бу борада қандай оғир шароитда иш олиб борганликларини унутмаслик даркор.

Устоз Оъод ака 60-йиллардаёқ Чўлпон ижодининг энг жонкуяр, ботир, жасур талқиқотчиси, тарғиботчиси сифатида танилган эди. У XX съезддан кейин Ёзувчилар уюшмасида Чўлпон ижодини мероси бўйича тузилган комиссия аъзоси сифатида мустақил фикрларини айтишга олиб борган эди; олим тез орада Чўлпоннинг ўз вақтида чўлпончиларнинг, фидойи китохонлар қўлида сақлаб қолган деярли барча асарларини тўплашга эришди. Унинг ташаббуси билан 1967 йили босилган ва чиқар-чиқмас ман қилинган «Тирик сатрлар» тўплами

мига Чўлпоннинг йнгирмадан ортиқ шеърлари киритилди. Худди ўша йили «Адабиётимизнинг ярим асри» тўнламида эълон этилган «Йиллар ва йўллар» мақоласида олим Чўлпон ижодига, шеърлятига ижобий баҳо беришга ҳаракат қилди. Мазкур мақола учун Озод ака «Чўлпоннинг тарғибчилчиси», бинобарин, миллатчиликка майли бор одам сифатида «қора рўйхат»га тиркалди.

Бу орада Ёзувчилар уюшмасида марказкомнинг идеология бўйича котиби иштирокида ўтган катта бир анжуманда «Фан» нашриёти чиқарган адабиёт тарихида Чўлпон шеърляти асоссиз, гайри-ақлий йўсинда танқид остига олинганлигини «Баҳорни соғиндим» шеърни таҳлили мисолида домла гоят ишонарли кўрсатиб берди. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги, билиб турибман, Озод ака томонида. Бироқ марказком котиби охириги сўзида Озод акага эътироз билдирди, уни чимлиб ўтди, «Чўлпон бизнинг шоир эмас, у ҳеч қачон бизники бўлолмаслиги»ни уқтирди.

70-йиллари университетда олий ўқув юртлири муаллимляринини малакасини ошириш курсляри, жумладан, ўзбек адабиёти кафедраси ташкил этилган, ўша кезляри бу кафедра жўшқин фаоляят олиб борар, Озод ака каби етук ҳақиқатгўй домляларнинг маърузалари гоят мароқли ўтар эди. Озод ака ўзига хоё жасорат билан ўзбек адабиёти тарихи, жумладан, Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижоди ҳақида бор ҳақиқатни айтишга интилар, хусусан, Чўлпон ижоди устида ёниб сўзлар, шоир шеърлярини бемалол тингловчиларга ўқиб бераверар эди. Эҳтиёт юзасидан домла тингловчиларга таништириш учун кўпроқ Чўлпоннинг сиёсатдан йироқроқ туюлган пардали ёки советларга хайрхоҳлик руҳидаги шеърлярини танларди. Шунга қарамай, тингловчилардан бири, ортодоксал коммунист, фан номзоди, ташқаридан келган эмас, балки Озод ака билан бирга ишляйдиган муаллима домлянинг «универсиетдек муқаллас даргоҳ»да миллатчи, аксилинқилобчи Чўлпон шеърлярининг ўқишига тоқат қилолмай» зудлик билан универсиет парткомитга арз билан киради. Раҳбарият дарҳол факультет декани, кафедра мудирини чақириб, Озод ака иштирокида бу «қаллис масала» муҳокама қилинади. Озод ака муҳокама чоғи аудиторияда ўқиган Чўлпон шеърляри билан муҳокама қатнашчиларини таништириб, уларнинг нимаси «зарарли» эканлигини сўрайди. Табиийки, тайинли жавоб бўлмайди. Озод ака бу ишни бундан кейин ҳам давом эттираверишини айтади. Муҳокама Озуда акага бунақа масалада «бир оз эҳтиёт бўлиш зарурлиги»ни эслатиш билан яқунланади. Ҳар ҳолда ўша йилляри университет тепасида юксак

маърифтли, бағри кенг одамлар турганлигини эсдан чиқармайлик.

Яна бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. «Вопросы литературы» журналигининг 1986 йил 12-сонида Н. Худойбергановнинг танқидчиликдаги провинциализм ҳақидаги жиддий мақоласи чиқиб қолди. Мақолада, жумладан, Чўлпон ижодий мероси эътибордан четда қолаётгани, асарлари босилмаётгани айтилган эди. Орадан сал фурсат ўтмай маказкомдан университет парткомига кўнгироқ қилиниб, тезликда бу мақолани муҳокама қилиш, унинг муаллифига париявий чора кўриш топширилди. Бу масалада парткомга Озод ака билан мени чақиришди. Озод ака котибга ётиғи билан мақола моҳиятини тушунтирди, Норбой партия аъзоси эмаслигини эслатди; бунинг устига, мақола Москва нашрида чиққанлиги, ундаги гаплар ҳозир жиддий шов-шувлар учун асос бўлмаслигини, агар шундай қилинса, университет шаънига доғ тушиши мумкинлигини айтди. Котиб иккиланиб қолди, марказком билан телефон орқали боғланиб, бўлган гапларни юқорига етказди. Марказком ходимлари ўз сўзларида туриб олдилар, мақолани эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини, албатта, муҳокама қилиб, муаллифга чора кўриш ва бу ҳақда марказкомга ёзма ахборот бериш топширилди. Менинг қўлимда марказком учун 1986 йил 13 мартда тайёрланган аини шу хусусдаги батафсил тушунтириш хати сақланади. Озод ака маслаҳати билан Норбой иккаламиз тайёрлаган бу тушунтириш хати ўзи бугун бир бошли гадқиқот экани, Чўлпон ўша шароитда айланма йўллар билан ҳимоя қилинганлигини эслаб, ҳайрон қоламан. Бугун тушунтириш хатидаги даъво-фикрлар жуда жўн, арзимас гаплар бўлиб туюлиши мумкин. Унда шўро нашрларида шоир тўғрисида айтилган барча илиқ гаплар келтирилган эди. Қаранг, ўша кезлари Чўлпон ҳақида шу гапларни юқорига етказиш ҳам нақадар машаққат, борингки, жасорат бўлган!

1983 йили Аҳмад Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» деган китоби менинг мухтасар сўз бошим билан босилиб чиқди. Китобдаги 20-йиллар адабиётига, жумладан, Фитрат, Чўлпон ижодига оид айрим мулоҳазалар, илиқ гаплар катта шов-шувларга сабаб бўлди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да китоб хусусида катта бир танқидий мақола чиқди. Ўзбек адабиёти кафедрасидаги «носотлом муҳит»ни, «мафкуравий-сиёсий оғиш»ларни тафтиш этиш учун махсус комиссия иш бошлади... Яна мен ҳайрон қоламан, катта дағдағалар билан бошланган комиссия фаолияти натадир натижасиз яқунланди, факультетда, кафедрада ҳеч кимнинг бурни қонамади.

Бу сирли хайрли ишларда қандайдир соғлом кучларнинг, биринчи гада, университет раҳбариятининг қўли борлиги аниқ.

Ниҳоят, яна бир кичик ва ўз даври учун жиддий воқеа. 1985 йил февралда университетда анъанавий навоийхошлик анжумани ўтказилди. Анжуманда талабалар ҳам маърузалар билан қатнашди. Жумладан, истеъдодли талабалардан Раҳмон Қўчқоров Навоий ва замонавий адабиёт мавзусида чиқиш қилди. У «Фарҳод ва Ширин» достонидаги бир поэтик лавҳа билан Чўлпон шеърисидаги муштараклик хусусида сўз очиб, «Гўзал» шеърини ёддан фоят таъсирчан ўқиди. Раҳмоннинг бу иши залдагиларни лол қолдирди, президиумда ўтирганлар орасида саросима бошланди; маърузачини тўхтатишнинг иложи йўқ, тўхтатмаслик эса кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин... Шунда президиумда ўтирган таниқли бир шоир бу «қалтис воқеа»дан ўзини четга олиш мақсадида секингина ўрнидан туриб, гойиб бўлди. Бу воқеа ўша кунгек бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди: нима дейсан, университетда катта анжуманда Чўлпон шеъри декломация қилинибди.

Эртаси эрталабданоқ текшир-текшир бошланди. Мендан дарҳол «Гўзал» шеърининг матнини топиб бериш, тушунтириш хати ёзиш сўралди. Масъул шахс шеър ва тушунтириш хати билан танишгач, «Гўзал» шеърида сиёсат йўқлиги тўғри, лекин пессимиз аломати бор экан, уни катта минбарларда талабалар олдида ўқиш ножоиз деган фикрни айтди. Шундай қилиб, бу гал ҳам, одатдагидек, *можаро хийла силлиқ ҳал бўлди.*

1986 йил 7 февраль кuni марказкомнинг мафкура бўйича котиби хонасида бўлиб ўтган республикамизнинг таниқли олимлари, адиблари ишгирокидаги кенгашда мен ҳам қатнашган эдим. Чўлпон, Фитрат ижоди, меросига муносабат масаласида кетган қизгин баҳслар чоғида Озод аканинг мардона туриб бу алломаларни, айниқса, Чўлпонни ҳимоя қилганлиги ёдимда. Муҳокама қанчалар жиддий, кескин тусда ўтган бўлмасин, ўша йиғилишдан кейин бу алломаларга муносабатда юмшаш рўй бера бошлади. Орадан кўп ўтмай Чўлпон асарлари халққа қайтарила бошланди; «Кеча ва кундуз» романи Озод ака сўз бошиси билан «Шарқ юлдузи» журналида эълон этилди, олимнинг таҳрири билан «Яна олдим созимни» номи остида Чўлпоннинг танланган асарлари чиқди. 1992 йили университет раҳбарияти ташаббуси билан Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси ҳузурида 20-30-йиллар адабиётини талқик этувчи махсус илмий марказ ташкил этилди; марказ қисқа фурсат ичида Қодирий, Чўлпон, Фитрат меросини халққа қайтариш, ижодини талқик этиш

соҳасида самарали ишларни амалга оширди; жумладан, Чўлпоннинг уч жиллик асарлари, «Алабиёт надири» номи остида шоирнинг адабий-танқидий мақолалари ва у ҳақидаги хотиралардан иборат китоб чоп этилди. «Чўлпон дунёси» деган тадқиқотлар тўплами нашрга тайёрланди; «Чўлпон», «Чўлпонни англаш», «Рухий дунё таҳлили» каби рисоалар нашр этилди; бир қатор истеъдодли чўлпоншунослар етишди, Замира Эшонова, Дилмурод Қуронов, Улугбек Султонов, Нормамат Йўлдошевлар Чўлпон ижоди бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар; Д. Қуронов «Чўлпон насри поэтикаси» мавзусидаги докторлик диссертациясини интиҳосига етказди. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Фанлар академияси мажлислар залида ўтказилган илмий анжуманга устоз Чўлпон ҳақида рошпа-роса қирқ йил кўнглида асраб юрган оташин сўзларини тўкиб солди.

Бу кунларга етганлар бор, етмагандар бор... Истиклол шарофати билан Чўлпоннинг 100 йиллик тўйи нишонланган кутлуғ кунларда XX аср янги ўзбек адабиётининг буюк намоянчаси Чўлпон ҳақидаги адолатнинг не-не машаққатлар билан юзага чиқишида университетдаги адабиётшунос-олимларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қувонаман.

1997 йил, ноябрь.

ТАРИХИЙ РОМАНЛАРИМИЗДА КЕЧМИШ САБОКЛАРИ

«Гўзаллик жаҳонни асрайди», деган доно нақл бор. Эҳтимол бошқа омиллар ҳам кўплик, шахсан мен адабиётшунос сифатида даядил айта оламанки, адабиёт, санъат туфайли, бой маданий меросимиз туфайли, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Я. Камол, Ҳ. Жовуд, М. Аvezов, Ч. Айтматов каби буюк сўз усталари, уларнинг ўнлаб ишончлари ижодий жасорати туфайли биз ўзлигимизни, миллий онгимизни, тилимизни, дилимизни асраб қола билдик.

Қизик бир ҳол - парадокс, шўролар даврида олиб борилган адабий сиёсатнинг энг қаттиқ жиҳати шу бўлдики, ёзувчи-шоирлар ҳар боб билан замонаси, замондошлари ҳақида ёзишга, совет даврини улуглашга даъвага этиларди, «замонавийлик - адабиётнинг қалби» деган шиор ниҳоятда машҳур эди. Аксинча, ўтмиш ҳақида ёзиш ҳар хил йўллар билан камситилар, буни замондан юз ўтириш, ҳаётдан ажралиб қолиш, дея баҳоланар эди. Ажабки, шу жоҳил сиёсатга қарамай истеъдодли, виждонли адиблар - Ҳамза, Қодирий, Чўлпон, Фитратдан тортиб 60-80-йиллар ўзбек адаби

ётининг йирик намояндалари О. Ёқубов, П. Қодиров, А. Оришов, Э. Воҳидов, Р. Парфи каби сўз усталари ҳаёлий тарихий ўтмиш воқеалари, буюк ажлодларимиз кечмиши ўзига гортаверди. Бугун аср охирида адабиётимиз босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиб баралла айта оламиз, аср давомида яратилган энг яхши баркамол, халқ орасида шуҳрат қозонган, миллий адабий тафаккурда инқилоб ясаган, янги-модерн миллий адабиёт довруғини жаҳонга ёйган, айни пайтда, муаллифлар бошига катта қулфат-мусибатлар келтирган ҳам айни шу тарихий мавзудаги асарлар бўлди. Қодирий «Ўткан кунлар», Чўлпон «Кеча ва кунду», Фитрат «Абулфайзхон» асарлари учун маломатлар «бўрони»га дуч келди, Ойбек «Навой» романи теъарағидаги машмашалар туфайли оғир хасталикка учраб тилдан қолди, «Жалолидин» муҳокамасидаги дағдағалар М. Шайхзодани қатағон домига улоқтирди, қатор гўзал тарихий қиссалар муаллифи М. Осим бир умр эътибордан четда, сиқувда яшаб ўтди. Ҳагто истиқлол арафасида П. Қодиров Бобур ва бобурийлар ҳақидаги романи учун ўтмишни идеаллаштириш, «синфий ёнлашиш»дан чекинишда айбонли. «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доғони» романлари нашри бир неча йиллар орқага сурилди, Э. Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеъри узок вақт жамият учун номақбул асарлар рўйхатида юрди.

Шўро адабий сиёсатининг тутуруқсизлиги шу даражага бориб етган элики, «кўпмиллатли совет адабиётининг жиддий югуни» сифатида Сталин мукофоти билан тақдирланган Ойбекнинг «Навой». Ҳамма номдаги Республика мукофоти билан сийланган П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари ордан сал «фурсат ўтмай, ноявий-мафкуравий жиҳатдан «зарарли асарлар» деб эълон этилди.

Бироқ шундай қудратли мустабид тоталитар режим гарчи Қодирий, Чўлпон, Фитратларни жисман йўқ қилган, омон қолган адиблар бошига оғир савлолар солган, улар яратган шоҳ асарларни таъқибу таҳдид остига олган бўлса-да, бари бир, уларни маҳв этолмади, бўҳтон, таҳдиду таъқибларга қарамай, яширин ҳолда қўлмақўл ўқилди, 40-50- йилларнинг мудҳиш шароитида давраларда «Жалолидин» драмасидан монологлар ёд айтилганлигининг гувоҳимиз, «Ўткан кунлар» романини бошдан-оёқ ёд олиб тан-гаштакларда айтиб юрган хўжандлик бир оддий китобхон 80- йилларда ҳам ҳаёт эди. Қодирий, Чўлпон романларини қўлётма ҳолда кўчириб тарқатганлар кўп бўлган. Ўша таъқибу таҳдид йилларида бирорта тўй-маърака «Ўзбегим» ашуласи ижросисиз ўтмаган. Ўша кез-

лари «Ўзбегим», шунингдек, А. Ориповнинг «Ўзбекистан - ватаним маним» шеърлари ўзбекларнинг ғайри расмий Давлат маълумоти каби янгради. Халқни ўз ўғмишидан, миллий қадриятларидан бенасиб этиш сиёсати олиб борилган, мактабларда, асосан, Россия тарихи ўқитилган бир шароитда тарихий романларимиз, шеър ва театр асарларимиз халқимиз учун тарих дарсликлари, сабоқлари вазифасини ўтади.

Шу келтирилган далиллар ҳам тарихий-бадний асарларнинг ХХ аср истибдоди шароитида туркий улусларнинг бир бутун, Э. Воҳидов ибораси билан айтганда, «кўҳна тарих шоласида бир маржон» саналмиш ўзбекларнинг ўзлигини сақлаб қолишда бениҳоя улуг хизмати борлигини тасдиқлайди.

Бошқа туркий халқларда қандай, яхши билмайман. Аммо бизда, Ўзбекистонда, хусусан, ёш адабиётчилар орасида ҳозир адабиётга «соф санъат» сифатида қарашга мойиллик ортиб, адабиётнинг ижтимоий-маърифий жиҳатига, жамиятда тутган мавқега менсимай қараш ҳоллари кучайиб бормоқда. Адабиёт, биринчи навбатда, санъат ҳодисаси экани, адабиётни ҳалдан ташқари сиёсатлаштириш, мафқуралаштириш, ёзувчиларни ҳокимиятнинг хизматчисига, ҳукмрон мафкура тарғиботчисига айлантиришга уриниш қанчалар нохуш оқибатларга олиб келганлигини биз ўз аччиқ тажрибамиздан яхши биламиз. Айни пайтда, буюк сўз усталари ҳаёт ҳодисаларига, дунёда юз бераётган воқеаларга бефарқ кузатувчи сифатида қарамасликларини, асар яратиш шунчаки «кўнгил иши», «соф санъат» ҳодисаси эмаслигини ҳам яхши биламиз. Айни пайтда, «мафкурага хизмат қилган, сиёсатга аралашган ҳар қандай адабиёт ўлимга маҳкум» деган даъволарга тўла қўшилиб бўлмайди, Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро, Боқиргоний, Сўфи Оллоёр каби мутасаввуф шоирларнинг ислом, тасаввуф ғоялари тарғиботига хизмат қилувчи шеърлари, айни пайтда, санъат ҳодисаси сифатида асрлар оша яшаб келаётир. ХХ аср янги аср ўзбек адабиёти намояндалари - Ҳамза, Чўлпон, Фитрат, Қодирий асарларини даврининг энг илғор ғоялари - жадидчилик, миллий истиқлол мафқураси, шахс эрки, гурури туйғусидан айри ҳолда тасаввур этиб бўладими?

*Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?*

*Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди ситмасми?*

*Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма, бўйин эма,
Ки, сен ҳам ҳур туғулгансан!..*

Шўр» салтанатининг дастлабки йилларида янги истибодод билан мураса йўлини тутганларга, кўнгил қуллигига қарши исён тарзида битилган Чўлпоннинг бу оташин сатрлари санъат учун бегонами?! Чўлпон шеърини яхлит ҳолда халқ миллий оғозлиги, шахс эрки ҳояларини шоирнинг «кўнгил иши», чинакам санъат ҳодисасига айлантиришининг ноёб намунаси. Афсуски, бугунги шеърини шу мўътабар анъаналардан бир оз чекинмоқда.

«Ўткан кунлар»дан тортиб бугунги энг яхши ўзбек тарихий романларига хос муҳим хусусият - улар шунчаки миллат тарихига, улкан тарихий сиймолар ҳаётига оид қизиқарли воқеалар ифодасидан иборат эмас, балки миллат тарихи, у босиб ўтган йўл, унинг тарвози ва инқирози сабаблари, истиқболи ва истиқлоли ҳақидаги ўй-мушоҳадалари, кечмишдан чиқарган ибратли сабоқлари билан қимматлидир. Бу асарларни халқимиз бежиз қадрлаган эмас, уларда миллат ўзлигини, ўзбеклигини, ўзининг ҳам кучли, ҳам ожиз томонларини кўрди.

Қодирий «Ўткан кунлар»га ёзган сўз бошида икки жиҳатга эътиборни тортади. Биринчидан, романи янги даврнинг, шу замоннинг «Тоҳир Зухра», «Фарҳод ва Ширин»ларидан эканини айтади, иккинчидан, асар мавзусини «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиланлигини таъкидлайди. «Ўткан кунлар»нинг немисча таржимаси «Тошкентлик ошиқлар» деб аталиши тасодифий эмас. Романда Отабек билан Кумушнинг ишқий саргузаштлари, фожиаси катта маҳорат билан ифода этилган. Асардаги ишқий саргузашт китобхонни ҳаяжонга солади, бундан ҳам муҳими, Отабек билан Кумушнинг чўнг гўзал бахтини барбод этган омиллар кишини ўйга толдиради. Қаранг, Отабек билан Кумуш тотли турмушини, бахтини бегоналар эмас, Отабекнинг қолоқ, феодал удумлар тутқуни бўлмиш туққан меҳрибон онаси, қолаверса, донишманд отаси барбод эта-

дилар. Муаллиф бу билан чекланмайди, Отабек ва Кумуш ишқий саргузашги баҳонасида улар яшаган давр, Туркистоннинг ўтган аср ўрталаридаги, рус босқини арафасидаги ахволи, қора кунлари билан бизни ошно қилади. «Ўткан кунлар»нинг маъно-мундарижа доираси кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Улар орасида, менингча, энг муҳими - юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир. «Ўткан кунлар» романига қалар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ҳеч қим ўтган асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг тутқунликка тушиб қолиш сабабларини Қодирийчалик чуқур, ҳолис, таъсирчан бадий таҳлил этолган эмас. Қодирий талқинича, тутқунликка тушишнинг бош сабаби жаҳолат, қолоқлик ва ўзаро ички низолардир. Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек саволига жавобан айтган бу ёниқ сўзлари миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига моликдир:

«Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаъати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мансабпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тағимизга сув қуятурган бўлсак, яқиндирки, ўрис нестибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгувси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйинтуруғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқун қилиб топширувчи - биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас тавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғизхона қилишга ҳозирлаган биз итлар яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улугбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!»

Бошқа бир ўринда ҳожини гофил мансабдорларга қарата ички алъмизтироб ила дейди: «Буродарлар! Ўрус ўз ичимиздан чиқадирган фиғна-фасодни кутиб, дарбозами з тегида кўр тўкиб ётибдир. Шундай машҳар каби бир кунда биз чин ёвга берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсак ҳолимиз нима бўлади. Бу тўғрида ҳам фикр қилгувчимиз борми? Кунимизнинг

оғир кўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?!

Бундан қарийб бир ярим аср бурун қўйилган савол бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Кети келганда айтиб ўтай, рус босқинига қарши кескин даъват руҳида битилган бу романда ўзга элларни камситиш ёки турли эл-юртлар орасига нифоқ солиш нияти йўқ. Аксинча, муаллиф асарда Россиянинг нисбаган илғор тартиботи, юксак маданияти ҳақида эътиром билан сўз юритади. Бу бошқа барча тарихий романларимизга ҳам хос фазилат.

Жаҳоннинг кўплаб тилларига, жумладан, анадולי туркчасига ҳам таржима этилган О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида ҳам турк дунёси учун муштарак ҳаяжонли муаммолар қаламга олинган. Ч. Айтматов бу роман муносабати билан унинг муаллифига йўллаган мактубида романни ўқиш асносида гоят ҳаяжонлангандиги, асар уни ларзага солганлигини, чуқур ўйга толдирганлигини айтади. «Романи ўқирканман, - деб ёзди адиб, - кўнглимда туркий халқларимиз тарихи учун ифтихор туйғуси жўш урди. Улуғбек шундай даҳоки, у асрлар оша тарихимизга, заминда тутган мавқеимизга гувоҳ. Улуғбек - бизнинг дилдаги оҳимиз, ҳасратимиз. У буюк инсоний тажрибалар ҳақида, лунё ҳақида юксак меъонларда туриб мулоҳаза юритиш, ҳукм-сабоқлар чиқариш учун асос берадиган шахс... Улуғбек мен учун ўрта асрнинг атоқли олими бўлгани учунгина эмас, балки халқларимиз тарихидан энг мураккаб ва оғир фожиани бошдан кечирган аллома бўлгани учун ҳам улуғдир».

Роман Улуғбек салтанатининг сўнгги таҳликали дамлари тасвиридан бошланади. Шу оғир, фожиали дақиқаларда шоҳ ва олим Улуғбек кўп нарсалар ҳақида ўйлайди, мураккаб руҳий ҳолатга тушади. У, аввало, шоҳ - теурийзода, тож-тахт тақдирини учун жавобгар шахс. Нима қилиб бўлса-да, у ҳокимиятни кўлда сақлаб қолишга тиришади. Аммо у риёкор, жоҳил рақиблар қуршовида. Ўз ўғли улар кўлида қўғирчоқ, тож-тахт, мансаб деб отага қарши бош кўтарган, бу ҳол буюк алломани адалсиз қийноқлар гирдобига тортади. Ўша мушкул дамларда Улуғбек садоқатли шогирди Али Қушчиға дейди:

«Тагин бир нарсдан - келгувси авлодлар банди ожидан ҳазар қилмасму, деб кўрқамен. Мирзо Улуғбекдай коинот сирларини очмоқни тилаган, фозилликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охириқябат барча шоҳ, барча тахт соҳибларидай салтанатни деб, ўз

пушти камаридан бўлган фарзанди билан тожу тахт талашибдурда, деган ном қолдирмоқдан қўрқаман...»

Улуғбекнинг ана шу ўта зиддиятли, иложсиз ҳолат, вазиятдаги руҳий изтироблари, ўй-мушоҳадалари ифодаси романини умумбашарий миқёсларга кўтарди.

Турк дунёси тарихи шу қадар бойки, ҳар қадамда шекспиرونга трагедия, улкан дoston, романлар учун тайёр қаҳрамонлар, драмалар, сюжетлар тўлиб-тошиб ётибди. П. Қодиров Бобур ва Бобурийлар ҳақидаги романлари устида иш олиб борар экан шундай худосага келади: «Асрлар китобини ўқиганингиз сари, - дейди у - тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Шу сабабли мен Бобур, Ҳумоюн ва Акбарларнинг кўрган-кечирганларини тасвирлар эканман, ўз фантазиямдан кўра «тарих фантазияси»га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосландим».

Бироқ «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довои» романи оддий хроника, солнома, жангнома эмас. Улар кенг қамровли, тарихий ҳодисаларни, тарихий шахслар тақдирини теран бадиий таҳлил этувчи, ўтмиш ҳодисаларидан сабоқ берувчи ўй-мушоҳадалар романидир. Ҳиндистон кўп миллатли ва кўп динли мамлакат. Ҳиндистон халқи узoқ йиллар давомида миллий ва диний айирмалар, адоватлар жабрини кўп чеккан. Бу юртнинг тараққийпарвар фарзандлари дину миллат айирмай, турли миллат, ҳар хил эътиқод кишиларининг иноқ, тотув яшаши ғоясини илгари сурганлар. Кабир каби шоирлар шу ғояни тарғиб этган. Ҳумоюн, айниқса, Акбар шу умумбашарий ғояни амалга оширмоқ йўлида астойдил кураш олиб борган. Акбар бобоси Бобур, отаси Ҳумоюн васиятларига содиқ қолиб, барча халқларни нию, диний адоват балоларидан халос этишнинг янги йўлларини излайди, ҳамма эллар ва эътиқодларни тенг деб эълон этади, жаҳонда биринчилардан бўлиб «сулҳи кул» - ҳар тарафлама тинчлик-тотувлик сиёсатини ўтказди. «Авлодлар довои» романида шу эзгу ғоянинг туғилиш тарихи, бу йўлдаги машаққатлар билимдонлик ва катта маҳорат билан ёритилган.

«Ўткан кунлар»даги каби П. Қодиров тарихий романларида ҳам эл-юртни ичидан емирувчи ўзаро ниёзлар, уларнинг фожией оқибати ифодаси ўқувчи қалбини ўртайди; аини пайтда, ҳаётда эгуликни ўзида мужассам этган нурли сиймоларнинг мавжудлиги киши кўнглига таскин беради, қувонч бахш этади. Бу жиҳатдан, айниқ-

са, Бобур - Ҳумоюн - Акбар, яъни бобо - ўғил - набира орасидаги муносабатлар ибратомуз ҳодисадир. Атоқли француз тарихчи олими Э. Ренан буюк теурий тождорлар - Бобур, Ҳумоюн ва Акбар орасидаги оқилона ворисийликни «тарихда фақат бир бор содир бўлган нодир ҳодиса» деб баҳолайди. Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатга юз тутган Теуур салтанатини янги асосда қайта тиклаб, Теуур руҳига садоқатини намоён этди, унинг садоқатли, фидойи ўғли Ҳумоюн эса Ҳиндистонда отаси асос солган янги салтанатни таҳдиду тажовузлардан омон сақлаб қола билди, ниҳоят, набираси Акбар бу салтанат довруғини жаҳонга ёйди.

П. Қодиров романларига хос яна бир фаилат - уларда бобурийлар, бинобарин, туркий теурийлар сулоласига мансуб аломат аёлларнинг образи катта эҳтиром, зўр меҳр-муҳаббат билан қаламга олинганлигидадир. Айниқса, Хонзодабегим, Ҳамидабону образлари тарихий романчилигимизда муҳим янгилик. Хонзодабегимнинг иниси Бобурга чексиз меҳри, садоқати, ўз шахсий ҳаётини қурбон қилиб, кўнгли тиламаган одам Шайбонийхон шартига кўниб, унинг никоҳига ўтиб, иниси ҳаётини қутқариб қолиши, бинобарин, ўз шахсий ҳаётини, бахтини ўртага қўйиб, теурийлар салтанатини асраб қолиш ишига улкан ҳисса қўшгани - эртак ва дostonлардаги аёл қахрамонлар шижоати ва жасоратини эслатади. Аслида, бу ҳаётда чиндан бўлган ҳодиса! Ёзувчи Хонзодабегимнинг жасорати, фожиаларга тўла ҳаёт йўлини реалистик бўёқларда ёрқин гавдалантирган. Ч. Айтматов фикрини давом эттириб айтиш мумкин: «Улугбек хазинаси» каби П. Қодировнинг бобурийлар ҳақидаги романини ўқиганда ҳам кўнглимизда туркий халқларимиз тарихи учун ифтихор туйғуси жўш уради.

Ниҳоят, ўзбек алабиётида кейинги пайтларда пайдо бўлган тарихий мавзудаги икки салмоқдор ва кўламдор асар устида озгина тўхталиб ўтмоқчиман. Улардан бири Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» романи, иккинчиси А. Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърний драмаси. «Тангри қудуғи» муаллиф режалаган трилогиянинг биринчи китоби. Унда Ҳоразм тарихининг энг мураккаб, чигал, айни пайтда нурли палласи - жаҳонга машҳур «Шажараи турк» муаллифи, буюк ислоҳотчи тождор Абдулғози Баҳодирхон даври, айниқса, Абдулғози султоннинг тахтга келиш олдидаги ўта таҳликали дамлар, фожий воқеалар, мусибатларга тўла тарихий вазият қаламга олинади. Баҳодирхоннинг налари бузруквори - Арабмуҳаммадхоннинг тахтдан четлаштирилиши, оға-инилар орасидаги тож-тахт учун кетган мурҳасиз курашлар, бундай

шармандали ички ниёлар туфайли эл-юрт, юртнинг чин ўғлонлари бошига тушган кулфатлар бутун драмаси, даҳшатлари билан кўрсатилади. «Тангри қудуғи»да ёзувчи фантазияси - бадий тўқима маҳсули бўлган ўринлар, сюжет йўналишлари ҳам бор. Бироқ асардаги энг ҳаяжонли, мафтункор ўринлар Пиримқул Қодиров романларида бўлгани каби «тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетлар»дир. Трилогиянинг бундан ҳам ҳаяжонли китоблари - Баҳодирхоннинг тарих саҳнасидаги фаолияти, буюк ишларини ақс эттирувчи қисмлари ҳали олдинда.

«Соҳибқирон» шеърин драмасининг ибратли жиҳатларидан бири шундаки, муаллиф Амир Темурнинг тарих олдидаги буюк хизматларини эътироф этиш баробарида, бу буюк аллома билан айрим жиддий масалалар хусусида баҳслашишга журъат этади. Асарда Хизр, Яссавий образлари бор. Амир Темур ҳаёлан Яссавий билан мулоқотга киришади. Яссавий Темурнинг буюк хизматларига тан берган ҳолда унинг жанрлардаги қирғинларини асло кечиролмади, дангалига дейди:

*Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон...
Тилимиз бир, дийнимиз бир, иймонимиз бир.
Бир хил юмуш юкланмишдир иккимизга ҳам...
Сен тиғ билан, мен сўз билан бошқардик уни.
Бироқ сенинг йўригингни ёқлай олмайман.*

Ўзгаларнинг фитниси, гиж-гижлаши туфайли Соҳибқирон билан Елдириш Боязид орасидаги юз берган қонли тўқнашув, сўқишувлар драмада афсус-надоматлар билан қаламга олинади. Шоир кўнглидаги армон, афсус-надомат бизларни ҳам иштиробга солади, аламли ўйга толдиради. Бу икки буюк туркий саркарда, қолаверса, Тўхтамиш ўзаро низолаарга чек қўйиб, бир ёқадан бош чиқариб иш тутганларида, турк дунёси тарихий тақдир, борингки. Оврупо, жаҳон тарихи бутунлай бошқача ўзанда кетган бўлармиди, деган ҳаёлга борасиз!

Хуллас, XX аср давомида ўзбек адиблари турк дунёси тарихини бадий инкишоф этиш бобида оғир шароитларда кўп хайрли ишлар қилдилар, аминимизки, XXI асрда бу хайрли ишлар давом этажак, янги марраларга кўтарилажак.

1997 йил

ХАЁТ-МАМОТ МУШОҲАДАЛАРИ

Шогирдлардан бири ҳузуримга келиб: «Илмий иш қилмоқчи-ман, адабиётшуносликда ишланмаган жиддийроқ мавзунини тавсия этсангиз» деб қолди. Бу қизимизнинг тайёргарлик даражаси, иш-тиёқини назарга тутиб: «Бугунги адабиётимизда ҳаёт ва ўлим му-аммосини ишласангиз яхши бўларди» дея маслаҳат бердим. Шунда бирдан суҳбатдошимнинг ранги бўзариб, қаловланиб қолди. Мен унинг ўша топдаги аҳвол-руҳиятини тушуниб турибман. Ўлимдан чўчимайдиган инсон юти йўқ, айниқса, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизнинг бу гапни эшитганда дафъатан шундай ҳолатга тушиши табиий. Бир ордан сўнг у ўзини тутиб олди. Суҳбатимиз қизиб кетди. Бу фоний дунёда барча муаммоларнинг ечими топил-лади. Фақат ўлимнинг чораси йўқ. Биз гоҳо ўлимни енгган мардона одамлар ҳақида ҳайрат билан гапираемиз, лекин ўша мардона ин-сонлар ҳам, охир-оқибат, ажал олдида таслим бўлганлар-ку, ахир! Имом Фаззольий «Ўлимни эслаш» китобида қатъий тарзда шундай саволни ўртага қўяди: «Айтинг-чи, дунёда ўлимдан сақлайдиган бирор қалъа ёки куч борми?! Бор бўлса, у билан ҳимояланнинг, қани, ўзингизни ўлимдан тўсиб кўринг-чи!» Афсус, бунақа қалъа, куч оламда йўқ. Шундай экан, Имом ҳазратлари айтганидек, бан-дан мўъмин «ўлим ва у билан боғлиқ жиҳатларни такрор-такрор эсламоғи, тафаккур ва басират билан бу манзараларни хотирида доимий қарор топтирмоғи керак. Чунки бу ўй ва зикрлар бандани огир сафарга тайёрлайди, доимий сафарбарликка ундайди».

Аслида, ҳеч қанақа ажабланидиган жойи йўқ. Жаҳон ақл-зако-ват соҳиблари қадим-қадимдан бу масалага жиддий эътибор бериб келди, бугун ҳам унга бағишланган талқиқотлар олиб борилади, халқаро анжуманлар ўтиб туради. Чинакам санъат асарларида ўлим тасвири нуқул ваҳм, даҳшатдан иборат эмас. Инсон умри, қисма-ти моҳияти, характери, руҳияти нағмалари, сир синоати, айниқ-са, ҳаёт-мамот тасвири ва талқинида ўзига хос тарзда ёрқин намо-ён бўлади. «Шоҳ Эдил»дан «Ҳамлет»гача, «Иван Ильичнинг ўли-ми»дан «Жиноят ва жазо», «Бегона»ю «Исо Масих и тироблари»га қалар жаҳон санъати ва адабиёт аҳли бу муаммо устида бетиним тераи ўй мушоҳада юритганлар. Берироқ келиб, қирғиз адаби-и Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» номли қисса ва романиларини эслайлик. Ўзимизнинг «Ўткан кун-лар»даги Кумуш ва Отабек, «Сароб»даги Сандий ва Мунисхон, «Қўлдоғ қон»даги Йўлчи ва Гулнор ўлимни, «Навоий»даги Мўмин Миръонинг қатъийлигини ифоласи. Бу рўйхатни тижом эттираве-

риш мумкин. Ҳозирча эпик ва драматик асарларни тилга олдик, лирикада эса ўлим худди муҳаббат каби кўҳна ва мангу мавзу, ҳар бир чин шоир унинг янгидан-янги қирраларини кашф этади ва этаётир.

Шуниси ҳам борки, шўро даври адабий сиёсати ўлим тасвири, талқинида ҳам ўз асоратларини қолдирди, ҳатто ўлим ҳам давр сиёсати ва мафкура тарғиботига хизмат эттирилди. Ўлим билан мардона олишиб ўлимни доғда қолдирган кишилар образининг бутун бир галереяси яратилди. Ўша кезлари «коммунистик ғоялар йўлидаги ўлим фожиа эмас, бахт-омад» деган фикр кенг тарғиб этилар, ҳатто «оптимистик трагедия» - «ҳаётбахш фожиа» деб аталган назария пайдо бўлган эди. Совет кишиларини «ёрқин туйгулар руҳида тарбиялаш» шиори остида ўлим ифодаси у ёқда турсин, ҳарқандай ғам-ғусса кўринишларига қарши «уруш» эълон этилган эди. Қизиқ, қатағонлар авжига чиққан, мамлакат жаҳон уруши комита тортилган, неча миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуритилган 30-40-йилларда ҳаёт-мамонт ҳақида кам ёзилди, ёзилганлари эса аксар ҳолларда «ҳаётбахш-оптимистик» руҳ билан йўғрилган эди. 60-йилларга келиб, ўлим билан яқунланадиган фожией қисматлар акс этган «Даҳшат», «Ўтмишдан эртақлар», «Бир фельетон қиссаси», «Жон ширин», «Севгим, севгилим», 70-йилларда «Рухлар исёни», «Жаннатга йўл», «Ҳаким ва ажал», «Ойдинда юрган одамлар», «Баҳор қайтмайди» каби асарлар қанчалар шов-шувларга асос бўлгани ёдимизда. 80-йилларга ўтиб, бу анъана одатий тус ола бошлади, «Ёзининг ёлғиз ёдгори», «Жимжитлик», «Икки эшик ораси», «Лолазор», кейинроқ «Тушда кечган умрлар», «Отамдан қолган далалар», «Адолат манзили», «Хотирам синиқлари»... Бу хил асарлар туфайли ўлимни бадний фалсафий англаш бобила жиддий бурилиш юз берди.

Яқин кечмиш адабиётида ғаройиб парадоксларга ҳам дуч келамиз. «Шодлик ва бахт куйчиси» деб ном олган ноёб истеъдод соҳиб-би шоир Ҳ.Олимжон 1936 йили «Ўлим» деган таъсирчан бир шеър битган. Шоир унда ўлим ҳақ эканлигини мардона тан олади. Ўлим даҳшатлари хусусида рўй-рост ёзади:

*Учрашармиз бир кун албатта...
Лопиллатиб олиб кетарсан,
Бор нарсадан этарсан маҳрум,
Маскан бўлар мангу тор зиндон
Ва тиқарсан кўзларимга қум.*

Шоир шу хилдаги нохуш лавҳалар ифодасидан сўнг ўша дамдаги ҳолат-кайфияти ҳақида сўз очиб, ўта самимият ва ростгўйлик билан мана бундай дейди:

*Ўйлаганда сени доимо
Юрагим орқага тортади
Ва босади муздай совуқ тер,
Сесканаман, ғамим ортади.*

Тўғри, бу шеър шоир тириклигида матбуот юзини кўрмаган, эҳтимол, шоирнинг ўзи уни эълон этишга юраги чопмагандир. Бироқ шундай фикр-мулоҳазаларни қоғозга туширишнинг ўзи ўша кезлари катта гап эди...

Шулар ҳақида сўз борганида суҳбатдошим чехраси ўзгариб гапга аралаша бошлади: «Дарҳақиқат, ўйлаб кўрадиган гаплар кўп экан. Истиқлол ижодкорга «у берди, бу берди», дея кўп гапирамиз-у, бу сўзларнинг моҳиятига унча эътибор бермаймиз. Биргина дафъатан совуқ эшитиладиган ўлим, инсон боласининг бу дунёю у дунё ташвиш-ғамлари билан боғлиқ ўй-мушоҳадалари ифодаси бобида сўз санъатида қанчадан-қанча ўзгариш-янгиликлар бўлмади, дейсиз, буларнинг барчасини табиий бир ҳол, деб билемиз. Ҳолбуки...»

Мен эса қизимиздаги ўйчан кайфиятга жўр бўлиб, сўзлашда давом этаман. Ўтган аср 90-йиллари, янги аср бошлари миллий шеърятимиз даргалари Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Магжон, С. Саййид, И. Мирзо, марҳум Р. Парфи, Муҳаммад Юсуф лирикасига бир назар ташланг, уларда инсон руҳиятининг бу тарздаги фақат илмигайб орқалигина тушуниш, тушунтириш мумкин бўлган сир-синоатлари, хилма-хил нағмалари устида нақадар таъсирчан ўй-мушоҳадалар юритилган. Шу ўринда Эркин Воҳидовнинг «То жаҳонда бор эканман...» туркумига кирган айрим шеърлари хусусида тўхталиб ўтсам.

«Йўл тадориги» шеърида айтилганидек, ёшлигингда йўл юриш, юрт кезиш, олам кўриш бисёр яхши; кексалик келгач, насибанг йўлга боқиб ўлтириш...

Ёдимда, М. Шолохов 60 ёшга тўлган кунлари, мухбирлар ёзувчилардан кайфиятини сўрашганида, кутилмаган жавоб қайтарган, «Донликлар хонадони олдида қўлбола скамейкалар бўлади. Ўша скамейкаларда ҳассасига таяниб, хаёлга чўмиб, аранг пашшасини кўриб охиратини кутиб ўтирган нафақахўр қарияларни кўрасиз.

Менинг ҳозирги ҳолат-кайфиятим ўша юртдошларимникидан айтарли фарқ қилмайди» деган эди. Эркин Воҳидов шеърисида ўша улуғ адиб кайфиятига мос ҳолатни кўрамит:

*Энди манзил ҳеч харита -
Ичра номи йўқ диёр,
Кексалик - ул мамлакатга
Йўл тафориғин кўриш.*

«Кексалик илтижоси»да эса шоир гапни айлантирмай, асл муддаони рўй-рост тўкиб солади:

*Беш маҳал дуога қўл очади чол:
- Оллоҳим, аз оғриқ, осон ўлим бер.
Ақрабо жонига тегмай жоним ол,
Йўлга қаратмасдан сўнги йўлим бер.*

Охиратини ўйлаб ўтирган донлик қариялар, шунингдек, улуғ адиб ҳолатини яққол тасаввур этамиз-у, бироқ улар кўнглида-руҳиятида кечган туйғу, ўй-мушоҳадалар биз учун қоронғи. Эҳтимол, олтмишинчи йиллар шароитида буни ошкор этиш имкони бўлмагандир. Эркин шеърларида эса яширадиган гап қолмаган. Қариялар имон-этиқодли, ўлимни ҳақ деб билладиган кишилар, уларнинг Аллоҳга илтижо-муножотларида тушқунлик-пессимизм эмас, чин самимият, асл тантилик бор.

Рауф Парфининг сўнги шеърларидаги мана бу сатрларга қаранг:

*Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим... мен ўлдим... Мен Сенга етдим...*

* * *

*Дунёлари ёлғон, мен ўлдим чиндан...
Улуғ Тангрим, сени аччиқ соғиндим.*

70 йил давомида бирорта шўро шоири Аллоҳга чин дилдан талпиниб, топиниб шу хилдаги самимий сўзларни айта олганми? Бу саволга жавоб бериш қийин.

Ҳаёт-мамот бобида бор гапни дангал самимият билан айтиш, ифодалаш баробарида, бугунги адабиётимизда бу кўҳна муаммога қўтилмаган, янги томонлардан ёндашиш тамойили устувор бўлиб

юраётгани қувонарли ҳолдир. Халқимизда узоқ умр кўрган, ҳаёт-севар, бахтиёр қарияларни «пири бадавлат» дея эҳтиром билан тилга олиш, ардоқлаш олати бор. Адабиётимизда ана шундай бахтиёр қариялар образининг бутун бир гуруҳи яратилган. Уларнинг узоқ умрлик ҳаёт йўллари силлиқ кечмайди, кўплаб машаққат, драматик ҳолатларга дуч келадилар, шу жараёнда уларнинг қалб бисоти, алижаноблиги, фақат ўзи, ўз жони учун эмас, ўзгалар, эл-юртгами деб куйиб ёнишлари, шу йўлда жон фидо этишига тайёр тушшлари сизни мафтун этади, ҳаяжонга солади.

Бошқачаси ҳам бўлиши мумкин. Зулфия Куролбой қизининг «О, ҳаёт!» ҳикоясидаги Назар чол ҳам кўпни кўрган қария, фарзанду келинларга ота, сон-саноксиз невара, чевараю эвараларга бобо, бобокалон. У ҳам ҳаётсевар, ўлимни яқинига йўлатгиси келмайди. ҳаётдан, яшашдан асло кўнгил узолмайди. Қария шу ёшга етиб, «у дунёнинг борлигига ўзини ишонтира олмади...» Унинг учун у дунё ҳақидаги гаплар ҳаммаси ёлгон, «руҳ бўлиб яшагандан нима фойда!». Унинг бош муддаоси «шу ёруғ дунёни тарк этмаса бас», бошқаси керак эмас, «фақат яшаш, яшаш, яшаш! Қанийди, мангу яшаса!..» Яратганнинг марҳаматини қарангки, бу бандани имроҳнинг ниятига яраша узоқ умр берди, лекин у бари бир берганига қониқмайди; фарзанди, умр йўллоши, келинлари, невараваралар, эваралар бирин-кетин оламдан ўтиб зурёдлар ҳам бегоналашиб боради; кўриш, эшитиш, юриш, еб-ичиш лаззатидан маҳрум, юролмайдиган, ўзини бошқаролмайдиган ҳолга тушади; шунчалар хору зорликларга қарамай тушкунликка тушмайди, тирик эканидан таскин топиб яшашда давом этади... Шу тариқа қари-адаги яшашга чексиз иштиёқ маънисиз – абсурд, телбаларча бир қанишига, бесамар чиранишга айланади. «Рухлар исёни»даги «Аб-дият ҳақида ривоят» қаҳрамони оби ҳаёт чашмасидан татиб, мангу умр азобига мубтало бўлган зот Назар чолдан фарқли ўлароқ, аф-сус-надомат билан дейди:

Умр кўрдим ҳаддан бисёр,

Ҳеч тоқатим қолмади.

Ер юзиди

Менинг бирор

Ҳамсуҳбатим

қолмади.

Азоб борми

Бундан улуг,

Даҳшат борми
зиёда?

Менга ерда
тириклик йўқ,
Ўлим ҳам йўқ дунёда.

Назар чол фожиаси шундаки, у мана шу оддий ҳақиқатни англаш, инсоний пушаймон туйғусидан ҳам маҳрум... Ҳикояни ўқиб вужудингиз увишиб кетади, ҳаёт каби мамот - қазо ҳам яратганининг бандасига ноёб бир эҳсони, вақтида топган ўлим унинг учун бу фоний дунё азоб-уқубатларидан халос бўлиш, энг сўнгги нажот, толе эканига амин бўласиз.

Дунёнинг ишлари қизиқ, Зулфиянинг бошқа бир ҳикояси персонажи Ҳилола туғма хасталигига, шифокорлар ман этишларига қарамай, қизлик шаъни, кўнгил майли, деб охири ҳалок бўлишини била туриб, ўлимга тик боради, ёш жонини қурбон қилади, унинг ушалган орзуси - никоҳ тўйи сурури, капалак умрига тенг висол дамлари азага айланади.

Адибанинг яна бир ҳикояси «Аёл қиёфасидаги ажал» сизу бизни кўнгил кўчаларининг ўзгача ғаройиботлари билан ошно этади. Хуршид Дўстмуҳаммад ёзганидек, бу ҳикоя воқеаси фавқулодда топилма, ўқувчини қалб, умр ва қисмат ҳақида оғир ўйларга толдирадиган ҳикоя... «О, ҳаёт!»да персонаж онгли равишда ўлимдан қочади, «Ҳилола»да кўра-била туриб ўлим билан юзлашади, «Аёл қиёфасидаги ажал» асарисидаги мулла Ашур эса ўзи билмаган ҳолда, ишқ, висол, завқ-шавқ оғушида, ажал комига тушиб қолади. Биламизки, инсон зоти реал ҳаёт, реал кечинмалар билан баробар, рўё, тахайюл-хаёлот, тасаввур оламида ҳам яшайди, ўй суради, руҳан завқланади, изтироб чекади, олишади, баъзан мағлуб, баъзан ғолиб келади, гоҳо ҳалокат, ажал домига тушиб қолади. Ҳикоянавис мулла Ашурнинг ҳам реал, ҳам хаёлот оламидаги айни шу хил ҳолати ва қалб драмаларини ўзига хос «магик (фусункор) реализм» ифода йўсинида жонли гавдалантиради. Мулла қишлоқнинг нафаси ўткир дуохони, муриду мухлисларининг сон-саногии йўқ. Бири кам дунё, деганларидек кўпнинг мушкултини осон қилган мулла ўз дардига даво тополмай, изтиробда яшайди. У - бефарзанд, икки бор уйланган, аммо тирноққа зор. Ҳаммадан ҳам уни эл орасида машҳур бир ярим асрлик сулола кўргонининг тақдири, эгасиз қолиши ташвишга солади. Ҳар қанча мушкул бўлмасин, ҳаётда бу савдо чораси топилиши мумкин. Бироқ шу орада кутил-

маган ҳол юз беради: мулла беихтиёр ўзи каби тирноққа зор со-
хибжамол аёлга ошиқи шайдо бўлиб қолади. Мулла икки марта
уйланган бўлишига қарамай, бундай гаройиб ҳолга биринчи марта
тушиши. Ёши бир жойга етган, эл кўзидаги тақводор одам бошда
хушёр тортиб, шайтонга ҳай бериб, бу қилмиши учун гуноҳ, та-
вқи лаънағни бўйнига олишдан чўчиб, ичида дуолар ўқийди. Ҳар-
чанг уринмасин, тоат-ибодат қилмасин, рўпарасида ўша соҳиб
жамол «лоладек қизариб», ибо билан ҳали у ерда, ҳали бу ерда
унга қараб, жилмайиб тургандек бўлаверади. У бамисоли Шайх
Саънон ҳолига тушади. Бора-бора тоат-ибодат ҳам унутилади, бо-
бомерос муқаддас китоби мутолааси, намоз чоғлари, кўча-қўйда
ўнгда ҳам, тушда ҳам кўз олинда ўша маъшуқа... Шайх Саънон
қиссасидан фарқли ўлароқ, Мулланинг «ишқ савдоси» ўзгалар,
эл-юрт назаридан панада, ошиқ кўнглида, хаёлида, тасаввурида
пинҳона кечади. Мулла ишқ сурурида қанчалар ўртанмасин, жу-
нун ҳолига тушмасин, ундаги ибо, ички ор-номус гуйғуси бошга
тушган ишқ савдосини ўзгаларга ошкор бўлишидан асрайди. Али-
ба персонаж ҳолати, руҳияти, кўнглининг киши иродасига, ихти-
ёрига бўйсунмайдиган асов нағмалари ифодасида, бу одамни ту-
шунган ҳолда, андак ачиниш, андак латиф табассум, нозик бир
ибо билан қалам тебратади. Бироқ персонаж тушида ўша соҳиб-
жамол билан кимсасиз масканда қўл ушлашиб юрганини қаламга
олганца ўзини тўхтатолмай «кўнгли ўлсин!» деб юборади. Ахир,
халқ маталила айтилганидек, бунақа ошиқона шўхликлар ёнлик-
да ярашади-да! Ўша рўё тасвирини давом эттирар экан, ҳикояна-
вис назокат ва ибо ила шуларни ёзади: «Майин қўллари билан
юзларини силаётган аёл шамдай эриб бораётган мулланинг кўкси-
га бош қўйибди... Қолганини мулла эслашга-да уялади...» Қаранг,
шу қалтис интим дақиқаларда ҳам персонаж кўнглини шарм-хаё,
ибо туйғуси тарк этмайди. Иккинчи бор айни шундай висол мулла
учун ҳаёт-мамотга айланади, бу гал у сеҳргар маъшуқа қўлида жон
таслим этади...

Хўш, тақводор, дуохон одамнинг эс-хушини ўғирлаган, кек-
сайган чоғида уни не-не кўйларга солган, пировардида, бу фаний
дунёдан олиб кетган соҳибжамол ким - бу жумбоқ ўқувчини ўй-
мушоҳадаларга ундайди: у бандасини йўлдан оздирувчи иблисми,
нафс тимсолими? Ё ажал фариштасими? Хуршид Дўстмуҳаммад
Италиялик машҳур адиб Дино Буцаттининг «Етти қават» ҳикояси-
дан таъсирланиб, уни эркин таржима қилиб, унга назира ўлароқ,
аломат бир ҳикоя ёзди. Таржима ва назирани яхлит асар шаклига

келтириб «Жимжитхонага йўл» номи остида чоп эттирди. Хуршиднинг олдинроқ яратган «Оқимга қарши оққан гул»и каби бу ҳикоядаги ижодий тажрибаси махсус ўрганишга арзийди. Мазкур ҳикоянинг мавзусимизга дахлдор жиҳати шундаки, ҳаёт-мамот миллат танламайди. Бедаво хасталик туфайли шифохонага тушиб қолган итальян Дино Корте билан ўзбек Зоҳид Яқинни олдинда бир хил қисмат - ўлим кутмоқда. Эътибор, малакали муолажа, дори-дармон, яхши муомала, кўнгилга таскин, далда, овутишларга қарамай, ҳар икки бемор қабатма-қабат кўчиб, қалам-бақалам ажал коми томон бормоқда. Шу ўринда беихтиёр А.Қаҳҳор персонажларидан бирининг мана бу гаплари ёдга тушали: «У ёғини суриштирсангиз, мен одам боласининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилашгани ҳали эрта» дермикин деган умид билан, дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ зўр умид билан қарагани деб биламан» «Жимжитхонага йўл»даги Дино Кортега ҳам, Зоҳид Яқинга ҳам ҳеч ким - на шифокорлар, на теварак-атрофдагилар ҳақ гапни - икковини ҳам ажал кутиб турганини айтмайдилар, айтолмайдилар, аксинча, сўнгги дамларга қадар кўнгилга таскин берадилар. Бу инсонийлик одоби, бунақа «ёлгон»ни ҳатто муқаддас китоблар ҳам оқтайди. Жон - ширин. Шўрпешона беморлар ёлгон далдаларга ишониб, соғайиб кетишга умид боғлайдилар. Аммо дард билан олишув, ҳусусан, ажал таҳдиди бостириб келган дақиқаларда бу икки бемор - икки олам экани аён бўлади. Дино Корте дардга, ажалга қарши охиригача бетиним исён кўтарали. Минг бор тўполон қилиб, ўзини ҳар ёнга урмасин, қасққа борарди, бундай беҳуда ҳагги-ҳаракатлари билан одамлар кўнгилда нохуш таассурот қолдириб, охиروقибат, бари бир жон таслим этади. Зоҳид Яқин эса яшашдан умидвор ҳолда, тақдирга тан беради, итоат йўлини тутати, ўлимни ҳақ деб билали, ундан қочиб қутилиб бўлмаслигини дил-дилдан гуииб туради. Муаллиф қаҳрамоннинг сўнгги дақиқалари ҳақида ички бир мамнуният билан шундай ётади: «У умрида ўзгаларга малоли келишини сира истамади, бошқаларга оғири гушмай яшашни сзодат деб билди, мана, кароватини гилдиратиб бораётганларга ҳам малоли келмаяпти! Ўзингга шукур, деди Зоҳид Яқин. Етказганингга шукур». Мана шу мангу жудалик дақиқаларида муаллиф гаройиб бир жозибани кашф этади. Персонажлардан бири «Зоҳид Яқиндек инсонларгагина насиб этадиган жозибани бу» дейди. Аслида Зоҳид Яқиндаги бу ноёб фазилат - илоҳий жозибани бутун ҳикоя даво-

мида қадам-бақадам намоён бўлиб, пировардида, қахрамон умрининг сўнги дақиқаларида энг олий нуқтасига кўтарилади. Қахрамондаги айни шу ноёб хислат Хуршидни «Етти қават» ҳикоясидаги талқин билан баҳс олиб боришга, ўзига хос қиёсий назирани ҳикоя ёзишга ундаган.

Биз кўқорида баҳс юритган асарлардаги ҳаёт-мамот тасвири ва талқини ижтимоий омиллардан деярли холи. Бироқ бундай соф «кўнгли» нағмалари, тақдир «ўйин»лари ифодаси ҳар қандай ижтимоийликдан муҳимроқ ва абадийроқдир. Инсон ҳаёти, қисмати, руҳияти билан боғлиқ, бундай соф инсоний, табиий муаммоларга қизиқиш бугунги миллий адабий жараённинг характерли хусусиятларидандир. Ҳаёт-мамот жумбоғини нуқул моддийонча социал-ижтимоий омиллардан қидириш ҳам сўз санъати имкониятларини чеклашга олиб келиши мумкинлигига ўтган аср тажрибалари орқали иқрор бўлди.

Айни пайтда ҳаёт-мамот бобида анъанавий бадиий талқиннинг янги, замонавий жаҳон адабиёти тажрибаларига ҳамоҳанг кўринишлари ҳам намоён бўлмоқда. Биргина мисол келтирмакчиман. Ўтган аср 80-90-йиллари ва янги аср бошларида мустабид тузум қатағонлари, қатағон жиноятчилари ва қурбонлари ҳақида кўп ёзилди. Сохта гоёларга учиб, ўз жони, мансаб-у шон-шухратини деб нафақат ўзгалар эмас, ўз яқинларини ҳам аямаган оқпадар гумроҳларнинг қаро қилмишлари фош этилган асарлар ҳам ёзилди. Назар Эшонқулнинг «Ахр» ҳикояси айни шу йўналишда. Бироқ ҳикоя муаллифи бутунлай ўзгача йўлдан борали, оқпадар қотил ўғлон билан шаҳид кетган отанинг ўлимдан кейин ажал водийсидаги дийдорлашуви, руҳий қийноқларини кўз олдимизда бор даҳшатлари билан гавдалантиради. Қотил ўғлон ўзи қатл этган падари сузрукворини, бинобарин, залворли гуноҳ юкини елкасида кўтариб, ажал водийсида сар-сари кезади. Бу йўлнинг, бу йўл азобинини вақти-соати, охири йўқ, абадий давом этади. Бу ажал водийсида фақат ота эмас, ёруғ дунёда қирқ йил давомида ўғил ва унинг оқдошлари қўлида жабр кўрган, ҳалок бўлган сон-саноксиз мажумлар уни таъқиб этиб боради. Рўё, тахайюл, тасаввур орқали гавдалантирилган мудҳиш манзаралар айни реал ҳаёт ҳақиқати каби сизу бизни даҳшатга солади, ўйга толдиради, атал-оқибат, айни шундай бўлажакка сизу бизни тўла ишонтиради.

Маълум бўляптики, ўлим-қазо талқини қадимдан илғор сўз санъатида бўлганидек бугунги адабиётда ҳам яратганнинг бандасига назир инояти санатмиш ҳаётни қадрлашга, умрни мазмунли,

мардона ва ҳалол ўтказишга даъват каби янграмоқда. Дарвоқе, Ғазолий инсон қисматининг ўлим билан боғлиқ жиҳатлари устида тўхталиб: «унга тириклигида ошкор бўлмаган нарсалар ўлимдан сўнг ойдинлашади. Бу ҳолат бамисоли, уйқуда аён бўлмаган нарсалар уйғоқликда намоён бўлганига ўхшайди. Одамлар уйқуладирлар, ўлгач уйғонадилар. Вафотидан сўнг инсонга энг аввал зарар берадиган ёмонликлар ва фойда берадиган яхшиликлар кўринади. Булар инсон қалбининг ичкарисига яширилган китобда битилгандир. Дунё ташвишлари инсонни бу китобга диққат қилишдан чалғитган эди. Ташвишлар кесилгач, унга барча амаллари кўринади. Ёмонликларини кўриб, шу даражада ҳасрат чекадики, бу ҳасратдан халос бўлиш учун ҳатто оловнинг тубига ўзини отишни афзал билади», - деб ёзади.

Шулар ҳақида гапирганимда, суҳбатдошим тўлқинланиб, мавзуга доир мен тилга олмаган устоз Саид Аҳмаднинг янги ҳикояларини, Эркин Аъзамнинг «Сув ёқалаб» киноқиссасини, О. Мухтор, У. Ҳамдам романларини, яна бошқа асарларни бирма-бир санай кетди. Миллий адабиётимиз ҳаёт-мамот тасвири, талқини бобида улкан тажриба тўплагани, улар жиддий ўй-мушоҳадалар учун асос бўла олишига имон келтирди. Ниҳоят, бу мавзуда илмий иш олиб боришга қатъий қарор қилди.

ҚАЛБДАГИ БЕНАЗИР ЗИЁ

Талабчан устоз Абдулла Қаҳҳор бир анжуманда «Адабиёт дарёси қуриб-қақшаб ётгандан кўра, лойқа бўлса ҳам тўлиб оққани маъқул, бўтана сув ҳам, охир-оқибат, тинади-да, ахир», деган эди.

Ҳозир бизда айни шундай жараён кетяпти: миллий адабиётимиз дарёси тўлиб-тошиб оқяпти, бу оқимда хас-хашақлар, хўлигу куйқалар беҳисоб. Дидли китобхон ҳафсаласини пир қиладиган хашаки «ижод намуналари» билан баробар, гавҳарга арзигулик бадний топилмалар ҳам йўқ эмас. «Танқид бу - сараламоқдур» деган эди Бехбудий. Бугунги адабий жараённи синчиклаб кузатиб, астойдил сараланса, адабиётимизнинг ҳозирги кунини ва эртасига умид уйғотадиган ҳаётбахш тамойилларни ўзида мужассам этган ижод намуналари ҳам мавжуд эканига амин бўламиз.

Президентимиз Ислам Каримов «Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида ҳозирги кунда ижодкорлар олдида турган долзарб вазифалар устида тўхталиб, жумладан, шундай дейди:

«Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур

ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очилиши билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб одамларни эгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи «Эй, одамюл, кўзингни оч, сен нима учун яшайсан, инсон деган номга муносиб бўлиш учун нима қилисан?» деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади».

«Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун, - дея сўзида давом этади Президентимиз, - ижодкорларимиз, аввало, катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродани талаб этадиган жабҳала ҳақиқий филолилик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунами».

Чоп этилган сон-саноксиз асарлар орасида айнан шу «Эй, одамюл, кўзингни оч, сен нима учун яшайсан, инсон деган номга муносиб бўлиш учун нима қилисан?» деган саволларни қатъий қилиб қўядиган, уларга баҳоли қудрат жавоб излайдиган, одамларни эгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этадиган ятг этиб кўзга ташланадиган, ўқувчини ларзага соладиган, ўй мушоҳалаларга ундайдиган ҳикоя, қисса, романларга ҳам дуч келамиз. Узоққа бормайлик, асосан, ўтган 2009 йили дунё юзини кўрган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Кичқирик», Эркин Аъзамнинг «Ступка», Улуғбек Ҳамдамнинг «Тош», «Яхши одамлар», Зулфия Куролбой қизининг «Ёксиз йил» ҳикоялари, «Армон асираси», олдинроқ чиққан «Машаққатлар гирдоби» романлари шу хил асарлар сирасидан.

Бу ҳикоя ва романларнинг барчаси бугунги кунимиз, ҳозирги глобаллашув даври, бозор иқтисодига ўтиш палласида одамлар қисмати ва руҳиятида кечаётган эврилишлар ҳақида баҳс этади. Муаллифлар айни шу эврилишлар чоғи чин инсоний қиёфасини - қалбдаги ноёб хазина - имон-этиқод, меҳр-мурувват, муҳаббат туйғуларини сақлаб қололган асл инсонлар, айни пайтда, нафс балоси туфайли юз тубан кетган кимсалар, бундан ҳам ёмони, турмуш чигалликлари гирдобида нажот йўлини, ўзлигини тополмай, аросатда сарсари кезиб юрган ношуд-нотавонлар қисмати

устидә эҳтирос билан қалам тебратадилар. Миллий заминда қатъий турган ҳолда, шахс жумбоғига ҳозирги жаҳон адабий-фалсафий, руҳшунослик тафаккури даражасида туриб, кутилмаган томонлардан ёндашиш тамойиллари шаклланаётганлиги, энг муҳими, асл инсонлар қалбидаги меҳр-мурувват туйғусининг сеҳрли жозиба кучини бадний кашф этиш йўлида ижодий-бадний изланишлар олиб борилаётганлиги кишини қувонтиради. Зулфия қисмиизнинг роман ва ҳикояларини шу жиҳатдан бир қур кўздан кечирайлик.

Қундай равшан: бир тизимдан иккинчи бир тизимга - бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш осонликча кечаётгани йўқ. Кўз олдимизда қисқа фурсатда бизда ҳам тараққий этган мамлакатлардаги каби асл мулкдор, тадбиркор ва бизнесменлар тоифаси шаклланди, улар ўзлари учун ҳам, эл-юрт фаровонлиги учун ҳам кўп хайрли ишларни амалга оширяпти. Айни пайтда, узоқ йиллар моддий-маънавий тизгинда, сиқувда кун кечириб келган оломон эндиликда эркинлик шароитида борига қаноат қилмайдиган, фаровон ҳаёт йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб бораёттир; нафс илинжида ўзини ҳар ёққа урадиганлар. Ўз юртини қўйиб ўзга юртлардан жаннат қидирадиганлар кўпайди. Ўзга юртларда эса бу хил соддадил банди оғизларни тузоққа илинтириб, қулга айлантириб, улар кучилан, ҳалол меҳнатидан, ҳатто танидан катта даромад топадиган устумон фирибгарлар пайдо бўлди. ХХI асрда «одам савдоси» деб аталган бу хил шармандални иллаг қурбонлари ҳақида гапириш, ёзиш осон эмас, бироқ инламай туриш ҳам инсофдан эмас. Чин ижодкор виждони бунга йўл қўймайди. «Машаққатлар гирдоби» романида айни шу гирдобга тушиб қолган юртдошларимизнинг одам ақли бовар қилмайдиган кўргиликлари, одам қиёфасини йўқотган махлуқларнинг мислсиз шафқатсизликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Худди эртақ саргузаштларини эслатадиган реал ҳаётий ҳодиса-воқеалар ўқувчини ларзага солади, чуқур аламли мушоҳадаларга толдиради. Асарнинг энг муҳим, бениҳоя ибратли, ёрқин жиҳати шундаки, ана шу гирдоб зулмати исканжасида ҳам ўзлигини, асл инсоний фазилатларини йўқотмаган, зулматни ёритишга, унинг темир қафасларини ёриб чиқишга, ёниб, тутқунлик азобларига кўниккан гафлат бандаларини уйғотишга қодир асл инсонлар ҳам бор. Асардаги Гулруҳ ана шундай кучларнинг олинган сафида турувчи ёрқин сиймо тарзида гавдаланади.

Ёзувчи бу аёлни персонажлардан бирининг сўзлари билан «Эзгулик ва ёруғлик фариштаси» деб атайдди. Дарҳақиқат, бу фаришта

аёл асарда пайдо бўлиши билан зулм ва зулмат масканида бамисо-
ли зиё чакнайди, кетма-кет давом этган машаққатлар, зуравон-
диклар силсиласига дарз кетади, воқеалар ижобий ўзгаришлар то-
мон юз ўгирали, қаҳрамоннинг ўз сўзлари билан айтганда, «ўз
атрофида бутунлай бошқача атмосфера яратиш»га эришади; унинг
янги-янги хислатлари намоён бўла боради. Бу ҳамшира аёл-
нинг нафақат нинаси, балки тили ҳам ўткир, санчган жойидан
қон чиқармаса, қўймайди. Зулмат масканидаги шикоят қилиш ва
овқатланишдан бошқасини билмайдиган йиғлоқи аёллар қарши-
сида у бутунлай бошқача, бетакрор гўзал, содда ва ёнига йўлаб
бўлмайдиган даражада мағрур. Тутқунлар орасида ўзини руҳан тут-
қун ҳисобламайдиган, тушкунликка берилмайдиган биргина ин-
сон шу Гулруҳнинг ўзи! Уни йўлдан оздирмоқчи бўлган, жамики
эзгу мақсалларига қарши турган ашаддий рақиби ҳам охири унинг
олдида руҳан таслим бўлади. Бунинг гувоҳи бўлган ҳикоячи-қаҳра-
мон беихтиёр «гул япроғидаги шудрингдай покиза, бокира, олий
мақсад йўлида ҳеч қандай тўсиқни писанд қилмайдиган бундай
оқила аёлни учратмагандим» дея ҳаяжонини яширолмайди.

Бу беназир мардона ҳамшира аёл шижоати туфайли ажал ёқасида
янграб ётган беморлар ҳаётга қайтади, ашаддий эolimлар, усто-
мон фирибгарлар шаштидан тушади, гафлат бандалари хушёр тор-
тади, ниҳоят, ўзи ҳам, яқинлари ҳам қўллик исканжасидан халос
этилади. Асар бахтли хотима билан яқунланади. Икки севишган ёш
— ҳикоячи қаҳрамон Даврон билан унга тақдирдош Гулруҳ кўп кўрғи-
ликлар поёнида она юртига қайтиб, шу табарруқ заминда чин бах-
тини топадилар.

Эҳтимол, айрим ўқувчиларга қаҳрамоннинг шижоати бир оз
ошириб юборилгандек, бахтли хотима эса эртаклардагидек сил-
лиқ кечгандек, олдинда ҳали янги тўсиқлар борлигига лоақал имо-
нишоралар ҳам йўқдек туюлар... Асарда гоҳо фавқуллода ҳодисалар-
га маҳлиёлик, воқеанавислик устунлик қилиб кетган ўринлар уч-
райди. Нима бўлганда ҳам, аини шундай романтик руҳдаги ёшлар
учун ҳам ибрат, ҳам сабоқ бўла оладиган қаҳрамонларга эҳтиёж,
ташналик ниҳоятда катта эди. Зулфия қизимизнинг шундай таш-
наликни муайян даражада қондиришга интилишининг ўзиёқ таҳ-
нингга лойиқ.

«Армон асираси» романида ўтиш даври талотумлари палласида
театрчилик вакилидан нафс илинжида асл касб-кори қолиб, ўзини
бозорга урган бир гуруҳ оломон қаламга олинади. Бозор асарда асл
намоёнидан кўра бамисоли рамзий театр саҳнасини эслатади. Бу

сахнада роман персонажлари синовдан ўтадилар. Бошда улар бири-биридан унчалик фарқ қилмайди. Ўтаётган кунлар ҳам, персонажларнинг юмуш, ташвишлари ҳам деярли бир хил, бир хил, бир хил... Шунчаки тирикчилик, нафс илинжи уларни қиёфасиз оломонга айлантириб қўйган. Бу жерикарли, шунчаки кун ўтказиш мавсумининг охири борми ўзи? Дониш, Насиба, Хулкар, Бехзод, Талгат, Зухра каби миллатнинг асл фарзандлари бўлишга лойиқ зотлар шаҳар чеккасидаги ташиландик, бадбўй, диққинафас маконда нима қилиб юрибди, деган аламли савол ўқувчи қалбини иштиробга солади, Бора-бора бу маскан кўз олдингила зулматга айланади. Зулфиянинг аввалги романи «Машаққатлар гирдобини» да бўлгани каби бу романида ҳам секин-аста зулматни ёритувчи энг ёлқинлари бўй кўрсата бошлайди. Асар бошида бир қадар муштипар, содда, ишонувчан-лақма аёл тариқасида намоён бўлган Насибанинг қалби тубида пинҳон ётган табиий эзгу туйғу, фазилаглар юзага қалқиб чиқиб, у ҳақидаги аввалги тасаввурларингизни ўзгартира бошлайди. Асар персонажлари орасида ҳаёт синовларидан, турмуш чорраҳаларидан эсон-омон ўтиб олган зот - айни шу Насибанинг ўзидир. Энг муҳими, гоят чигал, таҳликали дамларда ҳам у ўзигизга содиқ қолади, аёллик шаъни, ор-номуси, латофатига гард юқтирмайди. Бу аломат аёл жамики қийинчиликларни, рўзгор «юк»ини бўйнига олиб, турмуш чорраҳалари қомига тушиб қолган умр йўлоши Донишни ҳалокатдан ҳалос этишга уринади. Афсус, бу фаришта аёл табиатидаги бебаҳо фазилатларни, қалб тубидаги эзгу туйғуларни бошда кўплар, ҳаттоки умр йўлоши ҳам пайқамайди, қадрига етмайди.

Роман мутолааси чоғида мана шу ҳол бир армон бўлиб ўқувчи қалбини тирнайди. Ниҳоят, асар охирига бориб, қутилмаганда, яна бир гаройибтабиат одам - Талгат аёлдаги ана шу пинҳона жозибани ўзича кашф этади. Аслида эса аёлнинг нозик-нафис, сезир кўнгли сиртдан қараганда тунд, тушуниксиз бу кимсанинг қалби тубида чўкиб ётган, бошқалар сезмаган ноёб инсоний хислатларни биринчи бўлиб илғаган, уни вужудига илашган губорлардан поклаб, асл ҳолига қайтаришга аҳд қилган. Бу эзгу ният йўлидаги қатъият, қалбдаги чексиз меҳр-мурувват ўз кучини кўрсатади. Бошда истеъдодли олим, асл инсон, вафолор эр саналган бу кимса суюкли умр йўлошини хиёнат устида кўриб, чавақлаб ташлаган, бунинг учун муносиб жазо ҳам олган. Шундан кейин инсон, хусусан, аёл хотига ишончини йўқотиб ночор, тунд, тушкун, руҳан хаста қасоскорга айланган. Ана шундай кимса Насибанинг қалб

саховати туфайли, аввало, ўлим тўшагидан оёққа туради, секин-аста аёл зотига бўлган қарашида ҳам ўзгариш юз беради. Рухиятида бутунлай бошқача, аввалгиларига сира ҳам ўхшамайдиган янги, кучли, ҳар қандай ғазбу нафратдан холи бир туйғу ҳукмронлик қила бошлайди. Бу ўзгариш нафақат унинг қиёфасида, балки онгишуурида, онгининг зим-зиё тубида ҳам юз беради. Қандайдир кўзга кўринмас куч - гўё қалбида улғу кимёгар нафратни муҳаббатга, ёвузликни эзгуликка, худбинликни меҳрибонликка айлантираётгандай...

Ана шу жараёнда унинг Насибага муносабати ҳам ўзгача тус олади. Авваллари Насибани хушламаган, ичида унга кек сақлаб юрган одам назарида Насиба «ўз қалбини билмайдиган» ношуднотавон эмас, балки «қалри-ю шаънини жуда юқори қўядиган фаҳм-фаросатли», «ўта ақли ва сабр-тоқатли» аёлга айланади. Насиба бошлаган ишини «охирги чизикқа довур етиб боришини кутиб яшайдиган» жасур инсон. Тўғри, тирик инсон, аёл сифатида гоҳо «қўрқадн, ваҳимадан юраги ёрилгудек бўлади, лекин, барибир, шу қўрқув сари бостириб бораверади. Унинг ҳатто қайғусида ҳам кучли алланима бордай...»

Талгат кашф этган Насиба ана шундай аломат зот!

Насибанинг қалб саховати туфайли фақат Талгат эмас, бозор гирлобига тушиб қолган, турмушда ҳам, ижодда ҳам «бозор одами»га айлана бошлаган ноёб истеъдод соҳибаси Хулқар ҳам ўзлигига қайтади, яна бир ёрқин истеъдод Беҳзод васлига эришади. Муҳими, буларнинг барчаси романда қуруқ ҳикоя қилинган эмас, персонажлар руҳиятидаги эврилишлар ҳосиласи тарзида берилган. Шу жиҳатдан «Армон асираси»да адиба илк романига нисбатан анча олдин кетган.

Шу тариқа армон асираси Насибанинг қалб саховати, эзгулик йўлидаги фидойилиги ва бу ноёб хислатларининг ҳаётбахш ёгдулари асарнинг асосий пафосини белгилайди. Шуниси ҳам борки, романда бу умидбахш руҳ ҳеч қанақа дабдабасиз, осойишта, табиий бир йўсинда намоён бўлади. Романи ўқиб тугатар экансиз, беихтиёр, шоирнинг мана бу тўртлиги ёдга тушади:

*Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.
Одамларга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қуёши.*

суной туғилгач, кетма-кет юз берган ўлимлар тўхтайди, аммо ундан кейин яна йўқотиш... Турсуной бунга тоқат қилолмайди. Ахир тўқсон олти ёшга кирган амма ҳамманинг жонига тегиб ҳаётнинг этагига ёпишиб олиб яшаб юрибди-ю, муштдай укагинаси оламга сизмади...» Нега?... Нима учун?... У ҳам яшаб юраверса бўларди-ку!... Анави қўнғиллаётган асаларига қара. Шунинг ҳам ҳаётда ўз ўрни бор. Шугина жонзотнинг-а. Менинг укагинам... ахир у инсон эди-ку! Яшашга ҳаққи бор эди-ку!...» - дея ўртанади қиз.

Персонаж ана шундай мушкул тигиз руҳий изтироблар оғушида қолган кезлари яқин тенгдоши уни англашга, дардига малҳам бўлишга чоғланади. Дугонасининг бундай ҳолатга тушувида «жин»ларнинг хуружидан, аллақандай телбалик аломатидан холи бошқа бир нарса мавжудлигини сезади, Турсунойнинг онги ва шуурида юз бераётган «чақин»лар ўз-ўзини ҳамда дунёни англашнинг фавқуллода кучайган ҳолати, деган хулосага келади. «Нега? Нима учун?» - жонига ёпирилиб ҳужум қилаётган ушбу саволларга жавоб излашдан безор бўлиб кетганидан, у ҳаётдан аламли, аччиқ бир лаззат ичида ўч олаётир, деган тахминларга боради. Турсуной аламли савол ва ўйларининг авж пардага кўтарилган чоғлари неча бор ўз жонига қасд қилади. Қизиқ, ҳар гал ажал сиртмоғидан омон қолади. Бу ҳол тақдиру азалнинг бир каромати! Афсус, у буни ҳозирча англаш даражасига етгани йўқ. Атрофдагилар, ҳатто яқин дугонаси буни англашга қобил эмас. Турсуной ўша мушкул дамларда бир донишманд, нажоткор раҳнамога муҳтож. Ҳикояда шу тарзда мушкул жумбоқ очиклигича қолади.

Бу чигал жумбоққа жавобни ўқувчи галдаги ҳикоя - «Бахтсизлик маликаси»дан топгандай бўлади. Бу ҳикояда ҳам персонажлар қисмати, руҳиятидаги эврилиш, драмалар ижтимоий омилларга алоқадор бўлмаган ҳаёт тасодифлари, тақдири азалнинг ғаройиботларидан иборат. Маликанинг отаси, онаси, туғишган иниси, опаси бирин-кетин тасодифлар чангалида оламдан ўталилар, биргина Маликага эса жин ҳам урмайди. Мудҳиш кўргиликни қарангки, вақти соати келиб, унаштирилган йигити ҳам тўй куни автоҳалокатга учраб, дунёдан кўз юмади. Сўққабош аламдийла қиз бу кўргиликлар оловида қанчалар қоврилиб ёнмасин, ота-она хонадони чирогини ёқиб, опаларидан қолган тўрт фарзандга «она» бўлиб, рўзгор тебратишда давом этади. Эл орасида бундай аёл зотини «шумқалам» дея камситишдек ғайрининсоний удум бор. «Дарл устига чинқон» деганларидай бу ҳол ҳам қизни аламли ўйларга толдиради... Тақдири азал каромати, ҳимматини қарангки, тани-

даги мислсиз ирода - бардош учун Малика яратганнинг чексиз марҳаматига - Аброр исмли аломат йигитнинг севгисига мушарраф бўлади. Кеча кетидан кундуз, ёвузлик ортидан эзгулик келганидай, аини ўша яратганнинг беназир тухфаси, эзгулик фаришта-си Аброр туфайли Малика учун бахтсизликлар вақт шамолининг қанотида узоқларга ғойиб бўлади...

Аммо «Машаққатлар гирдоби»даги Гулруҳ каби ҳикоядаги Аброр сиймоси ифодасида афсона, эртақ қаҳарамонларига хос жўмардлик, ҳодисалар талқини ва ечимида эса эртақларга хос бахтли хотимани кўриб, талабчан китобхон бурун жийириши мумкин. Ахир инсон қалбидаги ҳар қандай жўмардлик ҳам осонликча рўёбга чиқмаслиги аён. Кўп ҳолларда замонавий бадиий ифода даражасида туриб қалам тебратаётган адибамиздан сирли-сеҳрли ҳодисалар тасвири, ибратли қаҳрамон талқинида, шахс жумбоғи ечими борасида ҳам янги, салмоқдор бадиий ихтиролар кутишга ҳақлимиз.

Юқорида тилга олинган икки асардан кўнглимиз тўлмаган жиҳатларни «Ёзсиз йил» ҳикоясидан топамиз. Бу асарда муаллиф ўта чигал вазиятга тушиб қолган одамлар қисмати ифодасида руҳий-психологик таҳлил йўлидан бориб ўзининг замонавий-бадиий тасвир ва талқин маҳоратини намоён эта олган.

Жаҳон адабиётида ҳамиша она-Ватан каби бош ҳарф билан ёзилишга лойиқ табаррук Она зотининг мушкул дамларда туққан фарзандига беқиёс меҳр-муруввати хусусида кўп ва ҳўб ёзилган. Миллий насримизда ҳам ўшалар қаторида туришга лойиқ асарлар бор. Устоз Саид Аҳмад қаламига мансуб «Уфқ» романидаги Онахоннинг гуноҳкор - қочоқ ўғлига нисбатан армон, алам-ўкинч билан йўғрилган парвоналиги ифодаси адабиётимизда жиддий ҳодиса бўлган эди. Зулфия эса шу йўналишда бутунлай ўзгача Она тимсолини яратишга эришган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳикоянинг сюжет қурилиши пухта ишланган, воқеалар тадрижи персонажлар руҳий эврилишлари таҳлили билан уйғунликда моҳирона ифодаланган. Гоҳ қувонч-таскин, тенгсиз умид, гоҳ дард хуружи, азоб-уқубат, таҳқиру надомат, гоҳ йилг этган сурур, хаёлдаги алдамчи фароғат, аслида эса адоғи йўқ мусибатлар билан ўтган икки бандайи ожиз - она ва ўғлон кўргиликлари - бутун бошли бир романга татигулик беором дақиқалар, кунлар, ойлар, йиллар силсиласи биргина ҳикоя бағридан муносиб жой олган. Ҳикояда тигиз вазиятлар бот-бот такрорланади ва ҳар гал муаллиф беназир зот - Она танида мужассам беқиёс меҳриғиёнинг янги-янги қирраларини кашф этишга эришади.

Асар билан таниш ўқувчи билади: Собир автохалокат туфайли ногирон бўлиб қолган, энг ёмони, у эркаклигидан махрум бўлган. Бу мудҳиш фалокатнинг азоб, изтироби ўғлидан кўра ҳам онахон - Бувғул хола тани жонини қовуради. Ҳикоя давомида хола вужудини ёндирган оташ, хаста ўғил кўнгли, ороми деб чеккан заҳматлари алангаси тафтини ўқувчи ҳар доим сезиб, ҳис этиб туради. Ҳаётнинг турфа назмасини қарангки, Собир шу ҳолда қишлоқнинг тенги йўқ сулув қизи Марваридга кўнғил берган, қиз ҳам, ўз навбатида, йигитга ошиқу шайдо. Уларнинг Лайлию Мажнун севги достонини эслатадиган ишқий мулоқотлари ҳар қандай тама, ҳире ва нафс майлларидан холи, икки қаришта ошину маъшуқанинг соф қалб талпинишларидан иборат. Айни шу жиҳати билан асар бугунги замонавий адабиётда урф бўлган ишқий кечинмалар талқинидан бутунлай фарқ қилади. Икки ёш орасида яширадиган ҳеч қанақа сир йўқ. Ҳар икки томон ҳам орадаги мудҳиш кўрғиликдан воқиф. Аммо бу ҳол уларнинг кўнғил майлларига асло тўсиқ бўлмайди. Улар бир умрга бирга бўлишга қатъий аҳд қилганлар. Висол дамларида Собир лардини бутунлай унутди, яйраб-яшнаб кетади. Қиз раъйи, истагига кўра, Онасини қизниқига совчиликка боришга ундайди...

Халокат, хасталик, ногиронлик асоратларидан ҳам кўра мушкулроқ драмалар ана шу дақиқалардан бошланади. Йигит томонда жоҳил, қалбан сўқир ака, қиз томонда эса бағритош ота икки ошиқ - ёшлар майлига тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Фақат Онали юрғина ўғлон билан қиз қалбининг, қиёси йўқ чин муҳаббатининг ягона ҳимоячисига айланади. Биласиз, қишлоқ муҳитида гап ётмайди. Шахсий-оилавий интим сир дарҳол ошкор бўлади, ҳар хил гийбат, паст баланд гап-сўзлар ўрмалайди. Бу ҳол катта ўғил билан қиз отаси хуружини аланга олдиради. Ана шундай тигиз дамларда катта ўғил дағдағаларига, қиз отаси ёндирган маломат тошларини, одамларнинг таъна-дашномларига, таққирну надоматларига, қўйингки, жаминки бало-қазоларга шу муштипар Онахонгина мардона қарши туриб беради. Хаста, аммо чин ошиқ ўғлон кўнғил майли учун ҳар дақиқа жонини, жаҳонини беришга тайёр.

Начора, жоҳиллар қўли баланд келади, Марваридни яқин қариндоши ўғлига зўрлаб узатадилар, у қайтиб келади, сўнг уни оёқ етмас тоғ қишлоғи одамига унаштирадилар. Ошиқ йигит жим туролмайди, хасталигига қарамай қиш чилласида унинг ичидан борали, маъшуқасининг албатта қайтиб келиш ваъдасини олиб, бир дунё қувонч, ёрқин умид билан қайтади... Энди ҳам ўғлон, ҳам

Она кўксига умидсизлик бир дам чекиниб, яшаш иштиёқи жўш уради.

Афсус, бу қувончли дақиқалар узоққа бормайди, ваъда ушаламай қолади.

Биз юқорида ўқувчини таништириш учун келтирган воқеалар тафсилоти шунчаки қуруқ ҳикоя қилинмайди, балки руҳий-психологик ҳолатлар таҳлили жўрлигида китобхонни ларзага соладиган тарзда берилади. Ҳикояни ўқий туриб, руҳий илтироблар оғушида ҳаёлга толасан киши: ҳаётда мўъжизалар ҳам рўй бериши мумкин-ку! Эҳтимол, бедаво дардан ҳам хавфлироқ одамлар - жохил, қаҳри қаттиқ кимсалар қаршилик қилмаганида, бу икки сш қовушганида Собир бутунлай соғайиб, тўқис турмушга қайтиши ҳам мумкин эди-ку! Ахир ҳаётда шу ҳолда ҳам тотув яшаб ўтган жуфтликлар бўлган. Бундан кейинги ҳижрон ифодаси, кундан-кун тинни емириб бораётган хасталик аюбларини ўғил ва Она баб-баравар тортади, икки вужуд бир жон -бир тан бўлиб ёнади. Ҳижрон аламлари худди мумтоз ғазалиётимиздаги поёнсиз фиғонлар каби авж пардаларда акс-садо беради.

Галдаги лавҳа бундан-да ҳаяжонли. Марварид янги йил арафасида келишга ваъда қилган эди. Хаста Собир маъшуқасини иштизорлик билан кутаётир, аммо ундан дарак йўқ. Ўша топдаги Она билан боланинг моҳир рассом гавдалантиргандек унсиз драматик ҳолатлари тасвири кўнгилларни зир титратади. Аниқ кўриб, ҳис этиб турасиз: деразадан кўчага интизор тикилиб турган Собирнинг бир маҳал елкалари силкина бошлайди, Бувгул хола, кўнгли вайрон ҳолда, ўғлига томон талпинади. Шу пайт бирдан Собир Она томон ўтирилади. Дунёнинг бутун дард-алами кўзларида жам Унинг қонсиз юзиде йирик-йирик томчилар думалайди. Энди Собирга ҳаммаси аён, ўзининг узоқ яшамаслигини ҳам, Марвариднинг келмаслигини, келтирмасликларини ҳам билади, билади ю. онасидан яширади, худди онаси ундан яширгандай... Машҳур «Асрор бобо»даги чол билан кампирнинг мудҳиш сирдан воқиф ҳолда бир-бирини асраш ниятида бир-биридан сир сақлаш ҳолатини кўнгилларни зир титратадиган вазиятни эслатадиган, аммо тақлиддан бутунлай холи ноёб бадиий лавҳа!

Ўша мудҳиш дамларда Она вужудини кемираётган илтиробни билдирмасликка ҳарчанд уринмасин, ўзини тутолмайди, бари бир оналигига бориб, ўғли бошини кўксига босади. «Қайноқ кўз ёшлар энди унинг кўксини куйдириб, юрагига томчилар ва ундан қон бўлиб, томирларига сизиб оқарди» деб ёзади ҳикоянавис. Бу жум-

даларни қаламга тушириш чоғи муаллифнинг қўли титраб турганлигини баралла ҳис этасиз.

Бундай тигиз санъаткорона чизилган лавҳаларни шарҳлаш қийин, ҳар қандай шарҳ унинг асл жозибасини, сеҳрли руҳини тушириб юбориши мумкин. Энг муҳими, ҳикоянавис персонажларни ана шундай мушкул вазиятлардан эсон-омон олиб ўта биледи. Бу энди чин санъат мўъжизаси.

Қарангки, ошиқ йигитнинг ҳаёт шами ўчай деб турганида ҳам, ҳаётга иштиёқи, висолга умиди бутунлай сўнмайди. Ажаб, энди мавжуд ҳаётда амалга олмаган висол ҳаёт-мамонт юзма-юз келган дамларда, кечинмалар жаъласи авжида ҳаёлда, тасаввурда содир бўлади. Машраб қисматини ёдга туширувчи ошиқ йигит тақдиринда мўъжиза рўй беради, гўё Машраб янглиғ аршнинг кунгурасида ёр висолига эришади. Ўша висол чоғи Марварид Собирга қарата асл муддаосини ошкор этади: фақат унинг юрагинигина севишини, бошқаси асло қизиқтирмаслигини дангал айтади. «Бошқа ҳеч бир аёл бундай демаган бўларди. Шунинг учун ҳам уни телбаларча севиб қолдим-да» дея онажонига сўнгги дил розини изҳор этади. Висол базми чоғи Онаизор «Бахтли бўлинглар, илойим... Қўша қариб юринглар... илойим»... дея дуо қилади. Шу сўзларни айтаётганида «Бувгул хола ўкириб юборишдан базўр ўзини тийли» деб ёзди муаллиф. Шу лавҳани ўқиётиб, ўқувчи ҳам айни Она ҳолига тушади.

Тасвир яна заминга, мавжуд ҳаётга қайтади. Катта ўғил, ҳиссиэт нолон кимсалар гўё Онаизорни авайлаш мақсадида уни куни битган ўғилдан ажратишга уринадилар, бу ният ўтмагач, ўзар кампирни «иймонсит»га чиқарадилар. Шунда у «Менинг иймоним - болам!» дея ҳайқиради. Ниҳоят, ўғил жон таслим қилади, онаизорнинг устунга суянганича «Мен ёмон қолдим, сен яхши бор, болам» деган сўзларни дуодай ожизона такрорлаб турганини кўриб, юрак-бағрингиз эзилиб кетади. Сўнг бундан-да залворлироқ ҳолатга дуч келамиз. Пировардида, онаизор бирдан осмонга тикилиб: «Одамни эрмак учун яратиб, уни эплай олмай қолганингдан кейин ўлимни ўйлаб топдингми?» дея савдойиларча шивирлайди.

Бундай исёнкорона шивирлаш асло тақдир азал ҳукмига нисбатан шаккоклик эмас, балки Она қалбидаги фаръандига бўлган илоҳий меҳрнинг сўнгги - якуний таслиғи каби янграйди.

Миллий адабиётимизда пайдо бўлган бу ноёб янгилик - муаззам, мунглик меҳр-муҳаббат қўшини шу тарзда нитиҳосига этади, охир-оқибат ҳикоя Она шаънига битилган қасида каби янграйди.

Маълум бўляптики, Зулфиянинг бир вақтлар танқидчиликда менсимай қараладиган, унча хуш кўрилмайдиган ижтимоийликдан холи соф «кўнгил майллари нағмалари» талқини адабий тажрибалари йўлидан бориб яратган қатор ҳикоялари, айниқса, «Ёзсиз йил» ўзининг бадиий-маънавий таъсир кучи жиҳатидан соф ижтимоий йўналишдаги етук асарлардан асло қолишмайди.

Алибанинг инсон шаънини ҳимоя қилиш ва улуғлашдек мўътабар мавзунини янада тиракдор ва кўламдорроқ ёритиш, муаммоларнинг бетакрор ечимини топиш йўлидаги изланишларида омад тилаб қоламиз.

2010 йил, январь.

VI. АДАБИЙ СУХБАТЛАР ХАРАКАТДАГИ ЭСТЕТИКА

(Ёзувчи Пиримкул Қодиров билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ: Кейинги йилларда адабий-танқидий асарларни нашр этиш бирмунча яхшиланди, уларнинг мавзу-муаммолари доираси ҳам кенгайди, адабий асарларга, ҳодисаларга хилма-хил томондан ёнланиш, адабий жараёнини комплекс тарзда таҳлил этишга интилиш кучайди; энг муҳими, танқид бу йилларда «ҳаракатдаги эстетика» эканини амалда яна бир бор исбот этди; танқидчиларимиз маънавий ҳаёт ва адабиётнинг энг долзарб, мураккаб муаммоларини ҳал этишга далил интиладиган бўлиб қолдилар.

Шахсан мен адабий танқид фақат адабиёт учун эмас, умуман, маънавий ҳаёт учун зарур эканини яна ҳам чуқурроқ ҳис этаётirman. Қаранг, ҳозир бирор диққатга сазовор асар пайдо бўлиши билан, бу ҳақида танқидчилар нима дер экан, дея бу саволга ёзувчилар ҳам, китобхонлар ҳам интизорлик билан жавоб кутадиган бўлиб қолган.

ЁЗУВЧИ: Танқид ҳақида фикр юритишдан аввал озгина «лирик чекиниш» қилсак, тарихни эсга олсак.

Альпинист ҳали забт этилмаган баланд чўққига чиқиб бораётганда унга қалб кучи ва жисмоний салоҳиятдан ташқари жуда кағта ақл, фаросат ва зийраклик ҳам керак. Агар альпинист тик қоя бўйлаб кўтарилаётганда ҳар бир қаламини қанчалик тўғри қўяётганини аниқ билмаса, ички бир ҳакам унинг ҳаракатларини ўз вақтида таҳлил қилиб, адолатли баҳолаб турмаса, арзимаган хато унинг бутун меҳнаглариини йўққа чиқариши ва аввал эришилган юксалик қўлдан кетиши мумкин.

Менимча, бадний адабиёт янги чўққиларни забт этаётганда мана шу фаросати зўр, зийрак ички ҳакамнинг ва ифасини адабий танқид бажариб туради. Бадний адабиётдаги кўгарилиш ҳаминша адабий танқиддаги юксалиш билан қўшилиб боради. Адабиёт тарихидаги инқироз даврлари эса адабий танқиднинг ҳам нечоғли орқата кетганини кўрсатиб туради.

Ўзбек мумтоз адабиётида Навоий, Бобур ва Машраблардан

кейин Отаҳий, Муқимий ва Фурқатларгача бўлган бутун-бутун асарларда адабий танқид узоқ-узоқ пинакка кетгани, бадиий адабиёт эса ўзинини йўқотган дарёдек бўлиниб сочилиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа юз тутиб, яхши ривожлана олмай қолгани тарихдан маълум. Бунинг кўп сабабларидан бири шуки, ўша даврларнинг адабий танқиди Навоий ва Бобур эришган улкан бадиий ютуқларнинг мағзини чақиб, кейинги адабий авлодлар қўлига эстафета тарзида тутқаз олмаган.

ТАНҚИДЧИ: Айни пайтда, бунга жаҳон адабиёти тарихидан ибратли мисоллар кўп...

ЁЗУВЧИ: Адабиёт авлоддан-авлодга ўтганда аввал эришган юксалишларни йўқотиб қўймаслиги учун адабий танқид унга жонкуяр ва доно бир ички ҳакам бўлиб хизмат қилса, бунинг қанчалик катта самара беришини XIX аср тажрибаси - рус мумтоз адабиёти кўрсатиб турибди.

А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов ижодлари билан бошланган улкан кўтарилиш улардан сўнг Н.В. Гоголь, И.С. Тургенев, Ф.М. Достоевский ижодларида тўхтовсиз давом этгани ва Л.Н. Толстой, А.П. Чехов, М. Горький ижодларида энг баланд чуққиларга чиққани жаҳон адабиёти тарихида кам учрайдиган ажойиб бир ҳодиса бўлди. Лекин шу улуғ ҳодисани В.Г. Белинский, Н.А. Добролюбов, Н.Г. Чернишевский каби танқидчиларнинг ижодлари ва фаолиятларисиз тасаввур этиб бўладими? Йўқ, чунки бу танқидчилар улкан ёзувчиларнинг асарларини бениҳоя ўтқир фаҳм-фаросат ва дил билан таҳлил қилиб, адабиёт учун шундай жонкуяр, адолатли ҳакамлар вазифасини ўтадиларки, уларнинг ёрдамида аввалги улуғ авлодларнинг ютуқларини кейинги авлод ёзувчилари бениҳоя тез ва чуқур ўлаштирдилар. Белинскийдай буюк танқидчилар Пушкиндай улуғ алломалар эришган ҳамма ютуқларнинг мағзини чақиб, кейинги авлоднинг улкан истеъодларига гўё эстафета тарзида қолдирдилар. Ниҳоят, бу эстафетани Лев Толстойдай даҳолар мисли кўрилмаган юксакликларга олиб чиқдилар.

Мана шу фактларнинг ҳаммаси - бадиий адабиётни ривожлантиришда адабий танқид қанчалик катта иш кўрсатиши мумкинлигини айтиб турибди.

ТАНҚИДЧИ: Танқид ҳақидаги баҳсни, менимча, танқидчи истеъоди масаласидан бошлаш керак, чунки мунозараларда айрим ҳамкасблар танқидчилик ҳунарини ўта сирли, ваҳимали қилиб кўрсатадилар чинакам танқидчинини улар қандайдир қомусий билим эгаси, хилма-хил ижодий хислатларни ўзида жамлаган байри

оддий бир шахс сифатида тасаввур этадилар. Ёки, аксинча, баъзи ҳамкасблар танқидчилик истеъдодига менсимайроқ қарайдилар, танқидчи бу шунчаки ўқимишли китобхон, деб атайдилар.

ЎЗУВЧИ: Йигирманчи асрнинг жуда кўп улуғ кашфиётлари фанларнинг бир-бирига чатишган жойларида юз беряпти. Биология билан кимё чегарасида, улар гўё бир-бири билан чатишиб, биохимия деган улкан бир фани юзага келтирди. Бионика фанида, хусусан, физиканинг кимё ва бошқа фанлар билан чатишган жойларида қилingan катта илмий кашфиётлар кишини ҳайратга солади. Бу ўринда, умуман, инсон фаолиятининг зўр бир қонунияти ўзини кўрсатади. Маълумки, энг яхши мева навлари, энг яхши гуллар пайвандаши натижасида ва турли навлардаги фазилатларни бир навга йиғиб, синтез қилиш оқибатида пайдо бўлади.

Менинг тасаввуримда, адабий танқид ҳам фан билан бадний ижоднинг чегарасида, улар бир-бирига пайванд бўлиб чатишган ва ҳар икки соҳанинг фазилатлари бирлашиб, синтезга айланган жойда юзага келади. Шунинг учун баркамол адабий танқид фан ва бадний ижоднинг кучга тўлган юксак босқичларидагина шаклланади.

Улуғ мунаққидлардан бири туғма танқидчилик истеъдодининг ўзувчилик ёки олимлик истеъдодига нисбатан хийла кам учрашини айтган эди. Чунки бир соҳанинг талабига жавоб беришдан кўра ҳам фаннинг, ҳам адабиётнинг талабига жавоб бериш қийинроқ.

ТАНҚИДЧИ: Демак, Сизнингча ҳам, адабий танқидчиликнинг ўзига хослиги бу соҳа соҳиби учун фанкулодда иқтидор, истеъдодни талаб этади. Адабиёт тарихида истеъдодли ўзувчиларга қараганда истеъдодли танқидчилар ниҳоятда кам эканлиги ҳам шундан бўлса керак.

Яна бир жумбоққа эътиборингизни тортмоқчи эдим. Хабарингиз бор, матбуотда адабий танқид билан адабиётшунослик орасидаги тафовутларни аниқлашга ингилишлар бўлди.

ЎЗУВЧИ: Тўғри, бизда адабиётшунослик фани билан адабий танқидни бошқа-бошқа соҳа деб ҳисоблайдиганлар бор. Бу икки соҳа орасида маълум фарқлар йўқ эмас. Лекин асл эътибори билан чинакам танқидий асарда илмий аниқлик ва теранлик бўлади, ҳақиқий адабиётшуносликни иши эса танқидчиликнинг вазифасини ҳам бажаради.

Боя сиз тилга олган «танқидчи ўқимишли китобхон» деган фикрга келганда шунини айтишим керак. Бу сизга танқидчилик истеъдодига нисбатан менсимай қараш бўлиб туюлаётир. Мен эса бу фикр-

ни бошқачароқ маънода тушунаман. Танқидчи - жуда доно ўқувчи - китобхон ҳам бўла билиши керак. Агар у янги бадиий асарни ўқиётганда фақатгина ўзининг танқидчилик ва инфасини ўйлайверса, унинг янги асарга ҳолисанилли ёндашиши ва мукамал таассурот олиши қийин бўлиб қолади. Биз биламизки, ҳолис китобхон асарни ўқиётганда, у ёзувчи билан бирга ижод ҳам қилади. Шунинг учун оддий ҳарфлар билан тўлган оддий китоб саҳифаларида жонли одамлар, гаройиб воқеалар гайдаланади. Ёзувчи сатр замирига сиғдирган жуда кўп маъноларни китобхон ўз фаҳм-фаросати ёрдамида кашф этади ва бу унга завқ бағишлайди. Ёзувчи эзматлик қилмасдан қисқа ва лўнда шаклда чизган тасвирларнинг кўпгина тафсилотларига китобхон ўз ҳаётини тажрибасидан келиб чиқиб қўшимча қилади... Хуллас, ҳақиқий китобхоннинг асар ўқишини - бу асарни қайта ижод этиш даражасига этади.

Танқидчи ҳам янги асарни ўқиш пайтида доно бир китобхонга айланиб, ундан мумкин қадар тўлиқ ва ҳолис таассурот олиши, ўқиётган асарини китобхонлик шуури билан фикран қайта яратиб чиқиши керак. Шундан кейинги босқичда китобхон эплай олмайдиган ишни бажариши - асардаги ғоявий-бадиий маъноларнинг мағзини илмий-танқидий тафаккур ёрдамида чақиб бериши керак. Лекин бу босқичда танқидчига олимлик иқтидоридан ташқари ёзувчилик қобилияти ҳам жуда керак - чунки у ўз танқидий асарини одамлар қизиқиб ўқийдиган ёрқин шаклга солиб ёзиши керак. Демак, танқидчи ҳам бир доно китобхоннинг бегараз, ҳолис кўзи билан кўриши, истеъдодли олимнинг теран илмий мантиқи билан таҳлил қилиши, сўнг бу таҳлилни санъаткорлик иқтидори билан қоғозга тушира билиши керак. Бунчалик кўп томонлама салоҳиятни бир жойдан топиш чиндан ҳам осон эмас.

ТАНҚИДЧИ: Моломики шундай экан, танқидчилик иқтидориغا эга ёшларни саралаш, тарбиялаш жуда муҳим иш.

ЁЗУВЧИ: 1976 йили «Литературное обозрение» саҳифаларида бўлиб ўтган «Танқидчини қандай тайёрлаш керак» мавзусидаги мунозара шунини кўрсатдики, танқидчи кадрлар билан ишлаш ҳозирча талаблар даражасида эмас. Хусусан, мента шу мунозарада илгари сурилган истеъдодлар билан мустақил иш олиб бориш хусусидаги мулоҳазалар, Озод Шарафиддинов мақоласида илгари сурилган конкрет таклифлар маъқул тушди.

ТАНҚИДЧИ: Бошқа олий ўқув юр்தларини билмайман-у, кейинги йигирма йил ичида Тошкент Давлат университетига ўқиб танқидчилик майдонига йўлланма олган истеъдодлар «тарихи»дан

қисман хабардорман. Иброҳим Ғафуров, Норбой Худойбергенов, Анқабой Қулжонов, Азим Раҳимов, Абдуғафур Расулов, Михли Сафаров, Маҳкам Маҳмудов, Бахтиёр Назаров, Бегали Қосимов, Санжар Содиқ каби ўнлаб истеъдодларни илк бор ҳурматли устозлари Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновлар кашф этган эдилар.

Устозларнинг ёшлар билан ишлашдаги бир тажрибаси мени беҳад қувонтиради. Сир эмас, шундай устозлар ҳам борки, улар шогирдларини нуқул «ўзларига тортишлари»ни, чизиб берган чизиқларидан юришларини истайдилар; бизнинг устозларимиз эса илк танишувдан бошлаб, шогирдларининг ҳар бир хатти-ҳаракатига кўз-қулоқ бўлиб турадилар, айни пайтда уларни худди бургут боласини парвозга ўрғатганидаги каби ўз ихтиёрларига қўйиб бердилар. Ҳамиша мустақил фикрлашга, баҳслашишга, ҳатто ўзлари билан тортишишга даъват этадилар.

ЁЗУВЧИ: Устоз фикрини ўйламай-нетмай маъқуллайверадиган шогирд чинакам шогирд эмас, бу билан фан олға бормайди, устоз айтмаган гапни айтган, унинг ишини доақат бир қадам илгари силжитган истеъдод эгасигина чинакам шогирд деган номга муносиб... «Устозига тортган танқидчи» фандаги олдийгина хушомашўй дастёр бўлиб қолаверади.

ТАНҚИДЧИ: Шоир Андрей Вознесенский «Литературная газета»да босилган «Илҳом машаққатлари» мақоласида: «Талантлар авлод-авлод бўлиб етишади», дейди. Чинакам истеъдод эгалари бири-бирдан қанчалик фарқ қилишларига қарамай, уларда маълум бир авлодни бир-бирига яқинлаштирадиган хислатлар ҳам мавжуд. Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонов, Ҳомил Ёқубов каби устозларимиз ҳар бири ўзича бир дунё, айни пайтда уларнинг адабий манфаатлари, сатоҳияти ва таҳлил принципларида қандайдир муштараклик мавжуд. М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, Л. Қаюмов ва улардан кейинги авлод ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин.

ЁЗУВЧИ: Дарҳақиқат, танқидчиликда ҳам авлод кетидан авлод етишиб келяпти. Бир авлод бошлаган яхши ишни кейинги авлод янада баланд босқичга кўтараяпти. Ҳамза ижодини атрофлича ўрганиш ва адолатли баҳолашда Юсуф Султондан сўнг Лазиз Қаюмовнинг қилган катта ишларини эсланг. Ёки А. Қодирий ва Ойбек асарларининг ҳассослик билан таҳлил қилишда М. Қўшжоновнинг И. Султон ва Ҳ. Ёқубовдан сўнг олға қараб қўйган йирик қадамларини мисолга олинг.

ТАНҚИДЧИ: Худди шунингдек, И. Ғафуровнинг М. Шайхзо-

да, Миртемир, Ҳ. Фулом ҳақидаги мақолалари, П. Шермухамедовнинг ўзбек болалар адабиётига доир ишлари танқидчиликда олга ташланган қалам, ёш авлоднинг янги сўзи бўлди.

Менимча, 70- йиллар танқидчилигида янги ўзига хос авлод тугилиб келяпти. Бир-икки мақоласи билан ярқ этиб кўзга ташланган Муҳаммадали Қўшмоқов, Абдулла Матёқубов, Абдулла Шер, Аҳмад Аъзамов, Нурмуҳаммад Холлиев, Сулаймон Раҳмонларни назарда тутяпман. Булар, биринчи навбатда, ўз тенгдошлари ижодини, уларнинг руҳиятини, дардини ниҳоятда назик ҳис этадилар. Очиги, 70-йилларда адабиётга кириб келган ёшлар шеърятини улар тажрибали танқидчилардан кўра нафисроқ таҳлил этипти.

ЎЗУВЧИ Ҳақиқий танқидчи фақат ўзидан олдин ўтган ва мумкин деб таъ олинган ёзувчилар ижодигагина эмас, ўзи билан тенгдош ёхуд ўзидан кейин адабиётга кириб келган ёш истеъодларга нисбатан ҳам жонкуяр бир ҳакам бўлиши керак. Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърини истеъодларига матбуотда илк бор муносиб баҳо берган ва уларнинг дастлабки асарларига «оқ йўл» гилаб кенг жамоатчиликка танитган танқидчи Озод Шарафиддинов биз айтган жонкуяр ҳакамлик ва истеъодшуносликнинг яхши намунасини кўрсатди.

Мен шу фактлардан келиб чиқиб айтмоқчиманки, ҳозир адабий ҳаракатда иштирок этаётган ёш танқидчилар ўз тенгдошлари ҳақида яхшироқ ё ишлари мумкин деган фикр унчалик тўғри эмас. Ким билсин, эҳтимол, ҳозирги ёш танқидий истеъодлар орасида Ойбекни ёки Фафур Фулом ижодини биздан ҳам тирак ҳис қиладиганлари, биздан ҳам ёркинроқ, таъсирлироқ шаклда очиб берадиганлари бордир? Ўзувчилик истеъодлари турлича бўлганидек, танқидчилик истеъодлари ҳам жуда хилма-хил. Бу истеъодлар қайси соҳада, қайси жанрда ўз имкониятини тўлиқ юзага чиқара олса, ўша соҳани, ўша жанрни беҳато топсин. Биз бу ишла қўлимиздан келган ёрдамни аямайлик.

ТАНҚИДЧИ: Адабий асар, адабий ҳодиса кейинги авлодлар томонидан ҳам қайта-қайта баҳоланади, аввалги авлод айтмаган гапни кейингиси айтади. Бироқ, менимча, ёзувчининг ўз замондош танқидчиси, кўнглини яқиндан билган, кўнглидагиларини бевосита ҳис этган одам томонидан берган баҳоси бебаҳо. «Евгений Онегин», «Момақалдироқ», «Обломов», «Арафа» каби асарлар ҳақида турли даврларда яратилган юзлаб таҳқиқотлар бор, аммо уларнинг ҳеч бирида В. Белинский, П. Добролюбов мақолаларигаги каби ҳиссиётни топиб бўлмайди. Мен аминманки, М. Қўшжон

нов Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор билан кўп йиллар ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлмаганида, уларнинг шахсиятини яқиндан билмаганида, эҳтимол, улар ҳақидаги тадқиқотлари бу қалар чуқур, нафис ва самимий чиқмас эди.

ЁЗУВЧИ: Шундайку-я, лекин адабий асарни, адабий ҳодисани одиллона баҳолаш учун бир оз дистанция ҳам керак. «Меҳр кўзда», деган гап бор, одамнинг юзи иссиқ, кўз кўзга тушиб турганда ҳақ гапни айтишга баъзан истиҳола қиласан, киши. Ўзингиз биласиз, асарнинг кам-кўстларини кўра-била туриб, юз-хотир қилиб, ҳар хил андишалар билан кўнгилдаги гапларни авторга айтолмай юрадиган танқидчилар ҳам бор.

ТАНҚИДЧИ: Танқидчиликдаги юз-хотир самимиятга путур етказди. Самимиятни кўздан бермаган, адабий танқиднинг юксак вазифасини юракдан ҳис этган танқидчи энг яқин ёзувчи дўстига ҳам ҳақ гапни даггал айта олади. Ҳозирги кунда шу таомилга амал қиладиган танқидчилар кўп. Матёқуб Қўшжонов Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорни ҳар жиҳатдан эъзюлаш билан баробар «Олтин водийдан шабадалар», «Қўшчинор чироқлари» романларининг камчиликларини вақтида рўйи рост айтган эди. О.Шарафиддинов Ф. Фулом истеъдодини юксак қадрлаган ҳолда 50-йиллар шеъриятидаги айрим камчиликларга эътиборни тортган эди.

ЁЗУВЧИ: Адабиётнинг манфаатини кўзлаб ёзилган адолатли танқидга, гарчи у аччиқ туюлса ҳам, ёзувчилар тан беради. Мен бу ўринда яна бир фактни - Матёқуб Қўшжоновнинг «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» деган мақоласини, ёзувчи Иброҳим Раҳимга «Очиқ хати»ни эслатиб ўтмоқчиман.

ТАНҚИДЧИ: Биз адабиётнинг замонавийлиги тўғрисида кўп гапирамиз. Танқидий тафаккурнинг замонавийлиги ҳам ниҳоятда муҳим масала. Модомики адабий танқид «ҳаракатдаги эстетика» экан, у замон нафасини, бугунги куннинг эҳтиёжларини сезгирлик билан ўзида мужассам этиши лозим. Афсуски, адабий ҳодисаларга эскирган мезонлар билан ёндашиш ҳоллари ҳамон учраб қоляпти. Бир мисол Н. Шукуров истеъдодли, тажрибали танқидчиларимиздан. Унинг Ф. Фулом, Зулфия, А. Мухтор шеърияти ҳақидаги тадқиқотлари ҳаммага маълум. Яқинда мен унинг «Шарқ юлдузи»да «Шеъриятда гражданлик руҳи» сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдим. Мақолада қатор нозик кузатишлар бор, айни пайтда мақоланинг умумий руҳи, хусусан, авторнинг танқидий мулоҳазалари менга у қалар боғмади. Танқидчи ҳозирги ёшлар шеъриятидаги гражданликни нуқул катта авлюд анъанаси мезони билангина ўлчай-

ди, ҳозирги ёшлар шеърлятида гражданлик мотиви ўзига хос тарзда намоён бўлаётганлигини чуқур, атрофлича очиб бермайди, гражданлик мотивини, «салмоқли маъно»ни кўпроқ шеърнинг мавзусидан қидиради. Жумладан, Рауф Парфи шеърларини шу жиҳатдан кескин танқид остига олади. «Рауф Парфи анча оригинал тафаккур юритиб, ўзига хос шеърлар яратиш йўлида изланаётган шоирлардан» эканлигини айтиб, сўнг: «Бироқ унинг кўпгина (диққат қилинг: кўпгина! - У. Н.) шеърларида буюқ ўзгаришларни гражданлик руҳи билан таҳлил қилиб баҳолаш тенденцияси кўзга ташланмайди», деб ёзади. Бундан чиқдики, Рауф Парфининг кўпгина шеърлари гражданлик мотивидан маҳрум. Энди танқидчининг далил-исботига эътибор берайлик: «Шоирнинг аксарият шеърлари қор, ёмғир, булутлар, жавобсиз севги изтироблари ҳақидадир». Булар ҳақида ёзмаслик керак экан-да, деган андишага борасиз. Шундай эътироз тугилишини назарда тутиб, дарҳол танқидчи: «Бу ҳодисалар ҳақида ҳам ажойиб замонавий шеърлар яратиш мумкин», деб изоҳ беради. «Рауф Парфининг «Акс-садо» тўпламидаги аксарият («аксарият» сўзига эътибор беринг - У. Н.) шеърлар салмоқли маъно-мазмунга эга эмас». «Бу шеърларнинг лирик қаҳрамони, - деб давом этади мақола муаллифи, - ёмғир ёғишини, қор бўралашини, булутларнинг кезишини, тун қоронғилигини кузатади-ю, бироқ ҳаётнинг қайноқ оқимини ҳис этмайди. Давр ҳодисаларига гражданлик ҳисси билан қараб, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратмайди».

30 - 40-йиллар танқидчилигида интим ва пейзаж лирикасига шундай талаблар қўйилар, ҳар бир шеърдан, ҳаттоки марсиядан ҳам «ҳаётнинг қайноқ оқимини» кўрсатиш, давр ҳодисаларининг «сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб бериш» талаб этилар эди.

Поэзия танқидчилиги каттагина тажриба тўплаган ҳозирги кунда шеърлятга шу хилда ёндашиш кишига галати туюлар экан..

ЁЗУВЧИ: Меъюнлар ҳақидаги баҳс, хусусан, бу меъюнларнинг қайсилари замонавий, қайсилари эскирган, деган савол бизни жула узоққа олиб кетиб қолиши мумкин. Гап танқидчилик истеъдоддан бошланган эди. Шунинг учун бу ерда фақат битта бош масала - истеъдод ҳақида сўз юритиш кифоя қилар, деб ўйлайман. Табиатда ёмби олтин қанчалик кам учраса, истеъдод ҳам шундай кам учрайди. Гёте, қобилиятдан юқориси истеъдод, истеъдоддан юқориси даҳолик, деган эди. Демак, ҳақиқий талант билан даҳолик бир-биридан кўп ҳам узоқ эмас. Биз талант ҳақида гапирганда мана

шунини унутмаслигимиз керак. Ҳолбуки, оддий қобилиятни ҳам «истеъдод» деб «кўтар-кўтар» қиладиган пайтларимиз бўлади. Лекин «ҳалво» деган билан оғиз чучимаydi.

ТАНҚИДЧИ: Даврнинг адабий-танқидий тафаккури даража-сида туриб фикр юритиш ҳам танқидчилик талантининг муҳим белгиси.

Бъзан адабий фактларни ҳаёт билан «боғлаш»ни юзакки тушу-ниш ҳолларига дуч келаётирмиз. Масалан, танқидчи бирор адабий ҳодиса ёки конкрет асар, образ устида сўз очар экан, ҳаётдан қиёс-лар ахтарали, сафарда, завод ёки қишлоқда кўрган воқеаларини хотирлайди, ўша кўрганлари асосида адабий ҳодиса моҳияти, асар-нинг ютуқ ва камчиликлари устидан ҳукм чиқаради. Бу хил қиёс-лаш усули кўпинча утилитаризмга олиб бораётир, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, адабиётнинг «атомдан кучли» қудратини ўтин ёришга сарфлашдек бўлиб қолаётир. Адабий фактларни ҳаёт билан боғлаш борасида яна ўша мумтоз танқидчилардан ибрат оли-шимиз, ўрганишимиз керак. Асарда, унинг қаҳрамонларида танқ-идчи ўзи ҳаётда кузатиб, ўйлаб юрган ҳодисаларни ўқиши, чуқур ҳис этиши, уни таҳлилга сингдириши, ҳам ёзувчини, ҳам ўзини тўлқинлантирган туйғуларни кенг жамоатчиликка етказиши ҳази-лакам иш эмас, албатта.

ЁЗУВЧИ: Истеъдод - бу кишини ҳайратга соладиган инсоний бир қудратдир. Бир ўзи ўн кишининг юкини кўтарадиган паҳла-вонлар олами ҳайратга солади. Талантли адибнинг паҳлавонлиги - унинг ҳис-туйғу оламида, ақл-идрокида, зехнида, сўз билан су-рат чиза билиш қувватидадир. Лев Толстой Мопассан ижоди муно-сабати билан айтадики, талантли ёзувчи ички бир қудрат ёрдами-да ҳаётнинг бошқаларга унча кўринмайдиган янги томонларини кўра билади, шу кўрган янги нарсаларини хотирасида, кўз олдида узоқ тутиб туриб, унинг бутун моҳиятини санъаткорларча очиб бера олади. Талантли танқидчи эса фақат ҳаётни янги томонданги-на кўриб қолмасдан, шу ҳаёт тасвиридан иборат бўлган адабий асарнинг бошқалар кўзига унча аниқ ташланмаган ёки сезилма-ган хислатлари, фазилатлари ёхуд нуқсонларини ўткир қалб кўзи билан жуда равшан кўради ва уларни илмий-танқидий тафаккур тили билан қоғозда таъсирли ифодалаб беради.

ТАНҚИДЧИ: Танқидчилик истеъдоди бошқалар кўрмаган нар-сани кўришда, деган фикрга қўшилган ҳолда, танқидчининг диқ-қати нимага қаратилиши, танқидчи талантининг йўналиши, мақ-сади масаласи ҳам ниҳоятда муҳим эканлигини айтиб ўтмоқчиман.

Қўлга қалам олган танқидчи ким учун, нима учун ёзаётганлигини унутмасин. Танқидий асар ҳам ёзувчига, ҳам китобхонга, ҳам адабиёт ҳақидаги фанга хизмат этиши лозим. Яшириб нима қиламини, шундай мақолалар эълон этилаётирки, улардан на ёзувчи озиқ олади, на адабиётшунос танқидчилар; энг ачинарлиси - улар кенг жамоатчиликни жалғитади.

Бир неча йилдан бери давом этаётган, эндиликда «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларига кўчган конфликт ҳақидаги баҳсни эслайлик. Катта бир адабиётшунос олимимиз қанчадан-қанча вақтини сарф этиб, конфликтнинг тури нечта, деган масалани аниқламоқчи бўлади, ўзича схемалар тузиб, уларга назарий тус бериб, гаройиб терминлар билан конфликтни иккинга ажратади. Шу схемага мос тушмайдиган фикрлар айтган танқидчиларнинг мақолаларидан жиддийғоявий хатолар қидиради... Бора-бора конфликт ҳақидаги баҳс оддийгина тавтологияга, схоластик тортишувга айланади. Ҳайлаб қоласан киши, бундай баҳслар ким учун керак?! Шу орада «Литературное обозрение» журналида адиб Борис Можавнинг ҳозирги асарларнинг конфликтига бағишланган мақоласини (1976 йил, № 7) ўқиб қолдим. Эҳтимол, мақола муаллифининг барча фикр-мулоҳазаларига қўшилиб бўлмас, аммо бу конфликт ҳақидаги чинакам баҳс. Ҳа, ундаги гаплар ёзувчини ўйга толдиради, танқидчини баҳсга тортади, китобхонга катта маънавий озиқ беради; мақола автори бутун адабий жамоатчиликни тўлқинлантираётган масалаларга жавоб ақтаради...

Бу хил мақолалар танқидчиликнинг обрў-эътиборини кўтаради, табиийки, бояги хил баҳслар унинг қадрини ерга уради.

ЁЗУВЧИ: Танқидчи истеъдодининг йўналиши унинг самарадорлигини белгилайди. Айни пайтда эса танқидчи қалбида унинг бутун фаолиятини бошқариб турадиган маёқ ҳам бўлади. Бу унинг виждонидир. Мана шу маёқ ёнимаса ёки хира тортиб қолса, уни чаппасига кетди деяверинг. Озод Шарафиддинов юқорида тилга олинган «Литературное обозрение»даги мақоласида бу хусусда гоят куйиб-пишиб гапирди. Мен унинг ташвишларига тўла қўшилман. Адабий танқидга менсимай қарашни келтириб чиқарилган кўп сабаблардан бири ҳам аслида айрим танқидий мақолаларнинг адабиёт манфаатларини эмас, қандайдир шахсий манфаатларни кўлаб ёзилганлиги, бўш асарни кўра-била туриб, кўкка кўтариши ёки яхши асарни атайлаб камситишга интилишидир.

Адабиётимизни жонли бир организм деб тасаввур этсак, танқидчилик - шу вужуднинг қонини тозалаб турадиган жигар ва зифа-

сини ўтайди. Тирик организмда жигар қанчалик катта меҳнат қилиши ва бутун аъзоларни зарарли парсалардан қанчалик яхши ҳимоя этиши кўпчиликка маълум. Шунинг учун одам одамни ўзига жуда яқин олганда «жигарим» дейди. Лекин адабий организмда жигарнинг вазифасини бажармай, фақат юмшоқ жойларга ёғ бўлиб ўрнашиб, кун кўрадиган танқидчилар ҳам учраши мумкин. Албатта, тирик организмга ёғ ҳам керак - айрим аъзоларни совуқдан асрайди ва юмшоқ тутади. Лекин ёғ босган организмнинг ҳаракати сусайиб қолади, ортиқча вазн юракни қийнаб қўяди. Шунинг учун адабий организмнинг ёғ босишига мутлақо йўл қўймаслигимиз керак.

ТАНҚИДЧИ: Кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзан танқидчи яхши асарни ерга ураётганда ёки ёмон асарни мақтаётганда, бу ишни ўзига ишонган ҳолда, онгли равишда қилади, тўғри йўл тутяпман, деб ишонади. Бу ерда бадий дид масаласи келиб чиқади. Кимдир «Истеъдод бу - дид» деган экан. Масаланинг мураккаблиги шундаки, баъзан истеъдодли танқидчилар ҳам дид бобида ҳар доим бир мезонда тура бермайдилар. Биргина мисол. Мен ёш танқидчи Маҳкам Маҳмудовнинг истеъдодига тан бераман, унинг «Талант ва ижод фалсафаси» китобидаги кўп фикрларига, хусусан, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ижодига оид мулоҳазаларига тўла қўшиламан. Баъзан шундай нозик дидли танқидчи имзоси билан чиққан мақолаларни ўқиб, кўзларимга ишонмай қоламан. Чунончи, унинг Ҳамдам Солиқов билан ҳамкорликда ёзган «Зулмат қаъридан истиқбол сари» («Шарқ юлдузи», 1975, № 12) мақоласини ўқиганда ҳайрон бўлиб қолдим. Муаллифлар бадий жиҳатдан ночорлиги ҳар бир китобхонга маълум бўлган Исоқ Солиқов романларини прозамида ҳар жиҳатдан янгилик деб атайдилар, асарда «...муаллифнинг кўрган-кечирганлари бадий умумлашмалар воситасида рўйрост гавдалангани», деб ёзадилар; трилогиядаги Мамасолиқни Гофир, Йўлчи билан бир қаторга қўядилар; «Мамасолиқ ҳаёти ва фаолиятида халқ образи ўз аксини топган», дейдилар; булар билан ҳам чекланмай, асарни озолик учун курашган халқимиз шаънига қўйилган ажойиб ҳайкал, деб юборадилар. Афсуски, бундай фактлар И. Гафуров, П. Шермухамедов каби тажрибали танқидчиларимиз фаолиятида ҳам учраб қолаётир...

ЁЗУВЧИ: Танқидчининг диди ҳақидаги гапларингизга қўшиламан. Дидсизлик ёмон офат. Дидсизлик билан ёзилган мақоланинг аянчли томони шундаки, у бошқаларга, хусусан, тажрибасиз китобхонга ҳам ёқиб қолиши мумкин

Дидсиликни Сиз танқидчи руҳиятидаги зиддиятлар билан боғлаяпсиз. Эҳтимол, бу гапда асос бордир. Бироқ буни мен кўпроқ танқидчининг ҳафсаласизлигида деб биламан. Баъзи бир истеъдод эгалари қилаётган ишларига ҳафсаласизлик билан қарайдилар, бу ишнинг меҳнатидан қочадилар. Баъзи танқидчи ҳамкасблар мақоласини наридан-бери қоғозга тушириб, уни қайта ишlamасдан ва меъёрига етказмасдан босмага берадилар. Бунинг оқибатида савия тушиб кетади. Чунки истеъдодга меҳнат зарблангандагина ишнинг сифати ошади. Дейлик, қобилият беш бўлса, меҳнат ҳам беш бўлса, улар бир-бирига зарбланади-ю, ҳар бирининг натижаси йигирма беш даражага етади. Қобилият беш бўлгани билан меҳнат ноль бўлса, натижа ҳам ноль бўлиб чиқади. Нолни қанча катта рақамга зарбламанг, натижаси ноль бўлиб қолаверади. Ёки, аксинча, меҳнат беш бўлгани билан қобилият ноль бўлса натижа яна ўша ноль...

ТАНҚИДЧИ: Баҳсимиз танқидчи маҳорати муаммосига келиб тақалаётир. Сиз кўндан бери бадий насрдаги тил маҳорати устида тадқиқот олиб боряпсиз. Сизга таниш шу соҳа хусусида ҳам озгина тўхталиб ўтсак. Танқидий асарнинг тили масаласи бадий асар тилига қараганда мураккаброқ. Ёзувчи асар тили устида ишлаётганда, асосан, китобхонни назарда тутади. Танқидчи эса ҳам китобхонни, ҳам ёзувчини, ҳам ҳамкасаба дўстларини - илмий жамоатчиликни кўз олдига келтириб қалам тебратди. Адабий танқид, аввало, фан. Ҳамма фанлар каби унинг ҳам ўзига хос тили - иборалари, терминлари, формулалари бор. Бошқа фанлардан фарқли томони шундаки, ўзга фанлар, айтайлик, химия тилини ўз мутахассислари тушунса, кифоя, кенг омма учун англашилари бўлиши шарт эмас. Адабий танқид, адабиётшунослик тили эса кўпчиликка ҳам тушунарли бўлиши шарт. Бунинг устига танқиднинг объекти бадий адабиёт, бинобарин, образлиликка дахлдор.

Биз кўпинча танқидий асарлар тили устида ишлаётганимизда кимлар учун ёзаётганлигимизни унутиб қўямиз, баъзан илмий жамоатчиликни назарда тутиб ёзувчи ёки китобхонни эрдан чиқарамиз ёки, аксинча, кенг китобхонлар оммасига гапираман деб илмийликка путур етказиб қўямиз.

ЎЗУВЧИ: Адабий танқид - фан ва санъатнинг синтези, дедик. Фанда тадқиқот йўли билан қилинган ихтирони ишлаб чиқаришга жорий этадиган корхоналар бор. Адабий танқид эса илмий тадқиқот ва таҳлил йўли билан яратган янгиликларини ўзи жорий қилади. Унинг «корхонаси» ўзида. Бу «корхона»дан чиққан танқидий маҳсулот тўппа-тўғри китобхоннинг қўлига боради. Танқидчи ўзи

очган янгилигини китобхонга таъсирли сўзлар воситаси билан етказиб беради. Шунинг учун ёзувчи сўз устида қанча меҳнат қилса, танқидчи ҳам шунча заҳмат чекиши керак. Лекин кўпгина танқидий ишларимизда сўз маҳорати етишмайди. Бу ҳақида Сиз айтган гаплар ўринли. «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур», деган мақол бор. Танқидчи сўз санъати ва маҳорати бобида ёзувчига катта талаблар қўяр экан, бу талабларга, аввало, ўзи жавоб бера билиши керак. Бўлмаса: «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма», деган гап келиб чиқади.

ТАНҚИДЧИ: Танқидчилик истеъдоди ёзувчилик истеъдодига яқин. Улкан ёзувчиларнинг аксарияти айни пайтда танқидчилик иқтидорига эга бўлганлар. Бевосита адабий танқид билан шуғулланмаган ёзувчининг бир-икки мақоласидан ҳам ундаги танқидчилик иқтидорини пайқаш мумкин. Мен шунга амин бўлдимки, ёзувчида танқидчилик иқтидори қанчалик юксак бўлса, унинг адабий галанти ҳам шунчалик баланд бўлади. Навоий, Бобур, А.Пушкин, Л. Толстой, М. Шолохов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ч. Айтматов каби устозлар тажрибаси буни тўла тасдиқлайди. Танқидчилик иқтидори, менимча, ёзувчилик иқтидорининг табиий, зарурий йўлдоши, бироқ ёзувчининг бевосита адабий танқидчилик билан шуғулланиши ёки шуғулланмаслиги бошқа гап.

ЁЗУВЧИ: Танқидчилик иқтидори имконият тарзида бўлса ҳам ҳар бир ёзувчида, албатта, бор. Лев Толстойнинг машҳур гапини яна бир элагим келади: «Мен ишлаётганимда, ярмим ёзувчи бўлиб асар ёзса, ярмим танқидчи бўлиб, бу асарнинг қандай чиқаётганини айтиб туради. Кечаси ишламайман, чунки тунда дилимдаги танқидчи «ухлаб қолади». Ҳақиқий ёзувчи дилидаги танқидчининг (биз бошда айтган ўша адолатли ҳакамнинг) ҳамиша уйғоқ бўлишини истайди. Бусиз адабиётнинг ҳали забт этилмаган баланд чўққиларига кўтарилиб бўлмайди. Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, М. Шайхюда - ҳаммалари ёзувчи бўлишдан ташқари, адабиётимизнинг ҳақиқий заршунослари ҳам бўлганлари, том-том адабий-танқидий мақолалар ва илмий ишлар яратиб қолдирганлари кўпчиликка маълум.

Мен ўзимнинг кичкина тажрибамдан шуни биламанки, илмий иш қилиб бўлиб, бадий ижодга қайтганда ақл-идрок гўё қайралиб, аввалгидан ўткирроқ бўлиб қолади. Бадий асарнинг замиридан чиқиб келиб илмий иш қилганда эса ижод жараёнининг ҳали очилмаган сирлари ичдан равшанроқ кўринаётгандек туюлади. Лекин: «Икки қайиқнинг бошини тутган ғарқ бўлади», деган ма-

қол ҳам эга тушиб туради. Шу сабабли баъдий ижод билан фан ва танқидчиликнинг ҳар бири ўз елкани ёрдамида сузиб бораётган мустақил кемадар эканини ҳеч қачон унутмасликка тиришаман

1977 йил, январь

ИСТЕЪДОД КЎЛАМИ

(Ёзувчи Одил Ёқубов билан сўхбат)

ТАНҚИДЧИ: XX аср жамки зиддиятларига қарамай ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати учун ўзига хос ренессанс - уйғониш даври бўлди. Бу йилларда худди қадим ренессанс вақтида бўлгани каби қомусий билим, универсал истеъдод, кўп қиррали ижод соҳиблари етишиб чиқди. Шудардан бири - Ойбек. Адибнинг яқингинада ниҳоясига етказилган ўн тўққиз томлик «Мукамал асарлар тўплами»ни кўздан кечирарканмиз, унинг шахсий иқтидорига, истеъдод кўламига, ишчанлигига қойил қоламиз. У ҳам ажойиб лирик шоир, ҳам шеърий эпик, драматик истеъдод эгаси, қатор эпик поэмалар, драматик дostonлар муаллифи, айти пайтда баъдий проза устаси; ўткир публицист, ҳикоя, қисса, хусусан, баркамол романлар муаллифи; шу билан баробар, болалар адабиётининг етук намояндаси, улкан адабиётшунос олим, танқидчи, тарихчи, моҳир таржимон...

ЁЗУВЧИ: Гап фақат Ойбек домла истеъдодининг кўламдорлиги, серқирра эканида, унинг хилма-хил соҳа билан банд бўлганида ва ҳар хил адабий тур, жанрларда қалам тебратганидагина эмас. Ҳар бир соҳа, адабий тур ва жанрда у юксак чўққига кўтарилган.

ТАНҚИДЧИ: Дарҳақиқат, шеърингда ҳам, насрда ҳам, адабиёт илмида ҳам, таржимада ҳам етук аллома Ойбек мероси ҳали адабиётшуносликда тўла ўрганилган эмас. Бу соҳа - улкан бир ҳазина. Бизда том маънодаги янгича интеллектуал поэзия Ойбекдан бошланган. Унинг лирикаси сирдан тинч, босиқ-вазмин, аммо унда фикрлар, туйғулар сермавж. Ойбек лирикасини тўла тушуниш, унинг бағридаги фикр, ҳис-ҳаяжонни чуқур уқиб етиш учун муайян маънода муаллифнинг ўзи даражасига кўтарилиш керак. Биргина «Наъматак» шеърини эслайлик. Бу асар, адабиётшуносликда таъкидланганидек, сўз сеҳри билан қад кўтарган гўзалликнинг тенгсиз обидасидир... Қизиқ, кейинги йилларда Ойбекнинг шеърий тажрибасига қизиқиш ғоят кучайди. Ҳозирги ёшлар шеъринида, янгича поэтик мушоҳадага мойил қаламкашларнинг изланишларида Ойбек лирикасига бориб туташилган жиҳатлар кўп...

Шоир дostonлари-чи! «Ўч», «Даврим жароҳати» асарлари бадий баркамоллик томонидан бу жанрнинг ҳар қандай нодир намуналари билан беллаша олади. Мен аминманки, Ойбек ижодий мероси фақат лирик шеърлар ва дostonлардан иборат бўлганида ҳам, у адабиётимизнинг классиги бўлиб қолаверар эди.

Ойбек таржималари, хусусан, «Евгений Онегин» таржимаси адабиётимизда улкан воқеа бўлган. Унинг адабиётшунослик, танқидчилик соҳасидаги фаолияти, айниқса, Навоий ҳаёти ва ижодида оид тадқиқотлари бир етук олим умр бўйи эришиши-улгуриши маҳол, кўплар учун эса орзу бўлган чўққидир. У ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун адабиётдан бир қатор дарслик ва хрестоматиялар ҳам яратган... Аммо булар, гўё йўл-йўлакай амалга оширилган ишлар. Ойбек энг аввало ёзувчи-романнавис сифатида ўзбек адабиётини бир қадар олға силжитган санъаткор. Қисқаси, Абдулла Қаҳҳор айтганидай, Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказган эмас.

ЁЗУВЧИ: Чамаси, ижтимоий-маънавий тараққиёт, адабиёт ва санъат ривожининг кескин бурилиш, далил кўтарилиш паллаларида кўпинча шундай кўп қиррали истеъдод соҳиблари етишиб чиқади, шекилли. Сиз айтган хусусиятлари билан Ойбек домла рус адабиётининг мумтозларига, хусусан, янги давр реалистик рус адабиётининг асосчиси, отаси А.С.Пушкинга ўхшаб кетади. Ахир Пушкин деганда, биз фақат гўзал шеърлар, «Мис чавандоз», «Боқчасарой фонтани», «Руслан ва Людмила» каби ўлмас поэмалар, тенгсиз шеърый роман «Евгений Онегин» муаллифинигина эмас, «Борис Годунов»дек етук трагедия, «Дубровский», «Капитан қизи» сингари ажойиб повестлар, Пугачев кўзғолони тарихига бағишланган худди бугунги ҳужжатли наср намуналарига ўхшаб келадиган асарлар ва ўзи асос солган «Литературная газета»да эълон этилган ўз даври адабиёти ривожининг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб теран адабий-танқидий мақолалар муаллифини ҳам тушунамиз. Биласиз, Ойбек домланинг Пушкинга ихлоси ниҳоятда баланд бўлган, Пушкиннинг ижодий жасорати, у яратган асарларнинг реалистик кудрати, маҳорат, санъат сирлари ҳамиша уни ўзига мафтун этган. Ойбек домла ҳам устоз изидан бориб, ҳам шеъриятда, ҳам насрда, ҳам таржима ва адабиётшуносликда бирдек маҳорат билан тенгсиз асарлар яратганки, бу ҳол бизни қойил қолдиради.

ТАНҚИДЧИ: Ойбекнинг серқирра ижтимоий фаолияти, инсоний жўмардлиги, ташкилотчи-раҳбар, жамоат арбоби сифати-

даги хислатлари ҳам ғоят ибратли. Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари, Фанлар академиясининг академиги, ношир сифатида қилган ишлари, фан заҳматкашлари, ижодкорларга кўрсатган ҳиммат-саховатларини айтмайсизми!

ЁЗУВЧИ: Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар бир улкан истеъдод эгаси, айни пайтда, улкан шахс ҳам бўлган, унинг қалбида ўз замонасининг жамики қувончу ташвишлари, орзу-умидлари, ларду итироблари жо бўлган. Ўз даврининг, халқининг жонкуяр фарзанди, чин маънодаги фуқароси бўлмаган адиб ҳеч қачон улкан адиб бўла олмайди! Улкан истеъдодларнинг ҳаммаси фақат ўз ижоди, тор профессионал машғулотлари доирасида ўралашиб қолмай, ҳамиша катта ижтимоий ҳаёт «қозони»да қайнаганлар. Истеъдоднинг кўлами қанчалик катта бўлса, унинг ижтимоий манфаат доираси ҳам шунчалик кенг бўлади. Адабиётимиз тарихида Навоий, Бобурга тенглаша оладиган истеъдодлар йўқ, ҳисоб. Зотан, ҳеч қайси адиб ўтмишда ижтимоий ҳаёт «қозони»да уларчалик қайнаган эмас. Тўғри, ижодда истеъдод бирламчи, аммо катта ижтимоий манфаат ва фаолият улкан истеъдод учун кенг уфқлар очади. Янги давр ўзбек адабиётининг асосчилари ижод билан ижтимоий фаолиятни бирга қўшиб олиб боришнинг ажойиб намунасини кўрсатдилар, жўшқин ижтимоий фаолият улар ижодининг ижтимоий-эстетик пафосини тайин этади. Ойбек домла ҳам устозлари Ҳамза, Қодирий каби алломалар давомчиси сифатида майдонга чиқди. ўз сафдошлари Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳорлар билан биргаликда кўп қиррали ижодий фаолиятни қайноқ ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб борди. Мени, айниқса, Ойбек домланинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги серқирра, ғоят мақсулдор фаолиятни ҳайратга солади. Ўз тажрибамдан биламан, бир йирик романи ёзиб битириш учун 4-5 йил вақт кетади. Қаранг. Ойбек домла салкам тўрт йиллик уруш даврида, ниҳоятда оғир бир шароитда «Навоий»ни битирди, «Маҳмуд Торобий» драматик достонини яради, «Қуёш қораймас»га қўл урди, ўнлаб жанговар лирик шеърлар, публицистик мақолалар ёзди, уруш оловлари ичида жангчилар орасида бўлиб, оташин сўзлари билан уларни жасоратга чорлади. Жангдоҳларда кўрган-кузатганларини қоғозга туширди, Фанлар академияси аъзолигига сайланиб, қизгин илмий ишлар олиб борди... Ойбекнинг сўнгги йигирма йиллик ҳаёти, фаолияти ҳам мислсиз жасорат намунаси! Бу табаррук ют ўша йиллар давомида оғир хаста ҳолида «Қуёш қораймас»ни охирига етказди. «Улуғ йўл», «Болалик»ни яратди, яна ўнлаб лирик шеърлар, по-

эмалар, адабий-танқидий мақолалар битди, сўнги нафасигача янги ижодий режалар билан яшади, ишлади...

ТАНҚИДЧИ: Ойбекни яқиндан билганлар уни одамларга, ҳам-касб дўстларига ниҳоятда меҳрибон, ўта кўнгилчан, сахий қалб эгаси сифатида таърифлайдилар. Бу хислат унинг ижодий фаолиятида, асарларида ҳам кўринади. Унинг шеър, дoston, роман ва мақолаларида қалб саховати шундоққина уфуриб туради. Айни пайтда, бу одамда шер ҳамласи ҳам бор, унда қабохатларга нафрат, қаҳр-газаб туйғуси ҳам жуда кучли, у адолатсизликларга қарши мардона жангга кирган одам. Бу жиҳатдан унинг биргина 30-йиллар бошларида авж ола бошлаган сиёсий жазавалар шароитида ёзилган «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик» мақоласини эслаш кифоя. Мақолада қаламкаш дўсти Ҳамид Олимжонни асоссиз танқидлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилади, вульгар социологизм концепциясига қақшатқич зарба беради.

ЁЗУВЧИ: Чинакам Ватан, халқ фарзанди саналмиш адиб тева-рак-атрофла, жумладан, ўз соҳаси - адабиёт оламида юз берган адолатсизликни кўрганда жим туrolмайди, виждони бунга йўл қўймайди. Ойбек домла учун ҳам бу хислат бетона эмас эди.

ТАНҚИДЧИ: Ойбек насрининг баркамол шоҳ асарлари «Кутлуг қон» билан «Навой»нинг адабиётимизда тутган ўрни сизнингча қандай? Бу асарлар ўзбек адабиётига қанақа янгиликлар олиб кирди?

ЁЗУВЧИ: «Кутлуг қон» ва «Навой» романларининг адабиётимизда тутган ўрнини аниқлаш сиз адабиётшуносларнинг вазифаси. Бу борада муайян ишлар қилинган. Яхшиси, мен бу ерда ҳар икки асарнинг ўзимга кўрсатган таъсири ҳақида гапира қолай. Мен «Кутлуг қон»ни ўн олти ёшимда, шу ёшдаги ҳозирги ўспиринлар мендан кулмасинлар, ўзимни йўқотар ҳолга тушиб, гоҳ қувончдан танамга сиғмай, гоҳ алам-изтироблар ичида ўзимни кўярга жой тополмай, гоҳ йиғидан ўзимни тутолмай, қаттиқ ҳис-ҳаяжон ичида ўқиб чиққанман. Асар менинг мурғак қалбимни шунчалар ларзага солганки, унинг зарбини хануз унутолмайман. Романдаги жамик катта-кичик персонажлар худди тирик одамлардек шундоққина ёнимда турарди, мен уларнинг, аниқроғи, асардаги яхши одамларнинг дарду ташвишларини худди ўзимга яқин кишиларнинг ташвишлари тарзида қабул қилган эдим. Асар билан илк танишувда хотирда қолган чехралар ҳамон хаёлимда, кўнглимда... «Кутлуг қон» романи аллақачон дарслик ва хрестоматиялардан жой олган, бир неча ўн йиллар давомида халқимизнинг бир неча ав-

лоди шу романни ўқиб, тарбия олди, шу роман бўйича иншо ёзиб, етуклик аттестатига эга бўлди, олий ўқув даргоҳларига кирди. Эҳтимол, уларнинг кўпи роман билан танишганда менинг ҳолимга тушгандир... Демак, асар бутун халқнинг ҳаётига, онига сингиб кетган. Табиийки, бундай асар адабиёт ривожигагина эмас, халқнинг маънавий ҳаётида ҳам бутун бир даврни ташкил этади... «Навой» романи билан танишувим бошқачароқ, бу ҳақда кейинроқ гапираман.

ТАНҚИДЧИ: Дарҳақиқат, «Қутлуғ қон», шунингдек, «Навой» романлари «Ўткан кунлар» ва «Сароб»дан кейин ўзбек прозаси ривожига янги босқични ташкил этади. Менинг назаримда, «Ўткан кунлар», «Сароб», «Қутлуғ қон», «Навой» яхлит ҳолда ўзбек романчилигига замин бўлган, кейинги тараққиёти, етакчи тенденцияларини белгилаб берган асарлардир. Сўнгги қирқ, эллик йил давомида ўзбек романчилиги, асосан, шу тўрт асар гоёвий поэтик бойлиги доирасида ривожланиб келди. Бу ҳақда ҳам кейинроқ тўхталамиз. Бу ерда мени ҳаммадан кўпроқ Ойбекнинг шоҳ асарлари «Қутлуғ қон» билан «Навой»нинг туғилишидаги адиб кўнглида кечган маънавий-руҳий, ижодий, психологик ҳолат, жараён қизиқтиради. Бу икки асар кетма-кет ва жуда қисқа муддат ичида ёзилган бўлса-да, адиб ҳар икки романга ёндош ҳолда узоқ вақт маънавий-руҳий жиҳатдан тайёргарлик кўрган. Чунончи, Октябрь тўнғариши арафасидаги ҳаёт, зулмга қарши исён, оддий халқ онгидаги ўзгариш, уйғониш, инқилобий руҳ ҳақида битилган талай шеърлар, дostonлар, 1928 йилдан Навой ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришниш, 30-йиллар ўрталарида ёзила бошлаган илмий тадқиқотлар, Навой сиймосини гавдалантирувчи дoston ва шеърлар... Улкан реалист адиблар ижодий тажрибасини ўрганиш. «Евгений Онегин» таржимаси, Абдулла Қодирий ҳақидаги тадқиқот, буларнинг устига университетда сиёсий иқтисод фани билан бевосита шуғулланиш, маърузалар ўқиш, янги давр адабий танқидий тафаккури билан қуролланиш - барчаси бўлгуси улкан адабий кашфиёт учун маънавий тайёргарлик, муайян товланишдан далолат беради. Ана шу тайёргарлик жараёнидаги бир ўрин, аниқса, диққатга сазовор. Шубҳа йўқки, «Қутлуғ қон», «Навой» романлари буш жойда эмас, биринчи гада, миллий адабий анъаналаримиз, ўзбек реалистик насрининг илк тажрибалари, аввало, Абдулла Қодирий романилари, улкан адиб реализми сабоқлари эмининида майдонга келди. Адабиётшуносликда кўпинча адабий воқислик, анъаналар бир ёқлама, силлиқ, осон кўчадиган ҳодиса

тарзида талқин этилади. Аслида улкан санъаткорларда устозлардан ижодий ўрганиш ғоят мураккаб, баъзан эса кескин баҳс-мунозара тарзида кечади. Навоийнинг буюк салафларига муносабатини эсланг. У «Хамса»га қўл урар экан, ўзидан олдинги хамсанавис устозларига чуқур ҳурмат-эҳтиромини сақлаган ҳолда, улар билан қизгин баҳсга киришади. Баҳс пайтида ўз «Хамса»си, унинг етакчи қаҳрамонлари зиммасига юклаган муддаосини баён этади... Улуғ Толстой улуғ Шекспир ва бир қатор замондош адиблар билан кескин тортишуларда ўзининг реалистик принципларини илгари суради... Шундай ижодий-руҳий жараёни Ойбекнинг Қодирийга муносабатида ҳам кўриш мумкин. Ойбекнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқоти 1936 йили - айни «Қутлуғ қон» ва «Навоий» асарига ҳозирлик кўриш пайтида майдонга келган. Тадқиқотда Абдулла Қодирий ижодининг, романларининг бир талай фазилатлари, адиб реализмининг ўзига хос хусусиятлари катта билимдонлик, нозик дид билан инкишоф этилган. Айни пайтда, адиб кўп ўринларда Қодирий билан жиддий баҳс олиб боради. Ойбекнинг танқидида ўша кезлари хийла кенг ёйилган вульгар социологизм таъсири ҳам сезилади. Аммо унинг баҳсларига, танқидий мулоҳазаларига синчиклаб қарасангиз, улардан кузатилган асосий мақсад Қодирий романларининг камчиликларини «очиш ташлаш» эмас, кўпроқ, адибнинг ўз ижодий принциплари, концепцияларини белгилашга интилишдан иборат эканлигини сезиб турасиз; гўё ёзувчи Қодирий романларига, реализмга хос бир қатор хусусиятларни танқид қилиш билан ўзининг бўлғувси романларига хос ижодий принципларини баён этади: тадқиқотдаги тарихий роман, романда тарихий шахслар ва тарихий ҳодисалар муносабати, социал типлар, социал типларнинг шароит билан алоқаси, ижтимоий-синфий конфликтлар ифодаси, оддий меҳнаткаш халқ вакиллари асардаги ўрни, бадиий талқини билан боғлиқ қатор мулоҳазалар кейинчалик «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларида муаллифнинг ўзи амал қилган принциплар бўлиб қолди.

ЁЗУВЧИ: Кузатиш ва мулоҳазаларингиз тўғри. Умуман, улкан санъаткорлар ўзларидан олдин ижод этган ёки ўзларига замондош адибларнинг шакл, услуб, тил бобидаги тажрибаларини, изланишларини ҳеч қачон тўлиқ қабул қилган эмаслар. Адабиётдан узоқроқ баъзи кимсалар учун Толстойнинг Шекспирга салбий муносабати, Тургенев асарларини ёқтирмагани ёхуд Достоевскийни тўлиқ қабул этмагани эриш, ғалати туюлиши мумкин. Аслида бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Улкан адиблар орасидаги баҳс-

мунозараларга дуч келганда, бунни қандайдир бир-бирини кўрол-маслик ёхуд ҳасадгўйлик деб билмаслик лозим. Бу хилдаги баҳслар, зиддиятли қарашлар улкан санъаткорлардаги ижодий принципларнинг ўзига ҳослиги туфайли келиб чиқадиган ҳолдир.

ТАНҚИДЧИ: Шуниси ҳам борки, Ойбек амалий фаолиятда, хусусан, «Навой» асарида Қодирий романлари муносабати билан айтган баъзи танқидий қарашларидан хиёл чекинади. Масалан, адиб «Ўткан кунлар»да Отабек, Юсуфбек ҳожи сингари савдогар табақа намояндалари ўзларида социал кучларнинг хусусиятларини атрофлича тўла ёритиб бермаганини айтади, улар асарда савдогарлар табақаси моҳиятини ташувчи шахслар эмас, балки ўз даври учун нисбатан илгор қарашларни акс эттирувчи кишилар эканлигини етарли ҳисобга олмайди. Ёзувчи «Қутлуг қон» романида айтиши шу ўзи илгари сурган концепцияга тўла риоя қилади, ундаги ҳар бир қаҳрамон, персонаж муайян табақа, социал кучнинг моҳиятини ташувчи хусусиятларга эга, уларнинг ҳар бири бевосита социал тип, ё ёзувчи-эксплуататор ёки эзилувчи-меҳнаткаш ишчи-деҳқон синфи вақили... «Навой» романида эса ўзгачароқ манзарага дуч келамиз. Ҳаётий ҳақиқат, мавзу-материал, асарнинг гоявий-бадний проблематикаси, бадний ният табиати-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда адиб қаҳрамонлар танлаш ва уларнинг талқинида энди муайян даражада Қодирий тажрибасига таянади, қаҳрамонларнинг ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи билан уларнинг ирода йўналиши, асарда тутган ўрни, қураш, интилишлари ифодасида, В. Белинский айтган анохронизм, бадний ниятга қўра, тарихий ҳодисаларни «ўзгартириб кўрсатиш» принциpidан ҳам фойдаланади. Чунончи, Навоий ижтимоий мавқеи жиҳатидан катта мулк эгаси, саройда улкан мансабларни эгаллаган, бош вазир лавозимига кўтарилган арбоб. Ойбек Навоий ҳақидаги талқиқотларида бу ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтади, аммо ёзувчи романда Навоий ҳаёти билан боғлиқ бу жиҳатларни атайин четлаб ўтади. Навоий образида катта мулкдорга, мансабдорга ҳос социал хусусиятларни очишга асло уринмайди, уни, асосан, халқпарвар, эр-қарвар, адолатпарвар аллома сифатида талқин этади; саройдаги яна айрим илгор тарихий шахслар ҳам шу тарзда берилган. Шу жиҳатдан қаратганда шахсан менга «Ўткан кунлар»даги Юсуфбек ҳожи Навоий образининг поэтик модели бўлиб туюлади. Юсуфбек ҳожини қийнаган кўпгина ҳаётий жумбоқлар, ўзаро урушларга беҳуда қон тўкишларга қарши туриш, мансабдорларни адолатга инсофга ундаш, халқнинг бирлиги, осойиши, фаровонлиги учун

кураш, ақл-идрок тантанасига ишонч - булар кейинчалик Навоий образида ҳаётий фактлар асосида ўзгача бир тарзда, кўламда намоён бўлган.

Шу тариқа, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»нинг таъсири, ҳар икки роман тажрибаларидан ижодий ўрганиш, уларни ижодий ривожлантириш самараси бўлган ўринлар «Навоий» асаридида бир талай. Дўстга садоқатли, фидойи Султонмурод «Меҳробдан чаён»даги Султоналини эслатади. Дилдор билан Арслонқулнинг севги саргузаштлари, Дилдорни ҳарамдан қутқариш, саройдаги муҳит, хилма-хил интиригалар ифодасида ҳам Қодирийга бориб туташадиган ўринлар йўқ эмас.

ЎЗУВЧИ: Адабиёт ривожидида галати қонуниятлар бор. Гарчи улкан санъаткорлар орасида қизғин баҳслар кетса-да, ҳар бир ижодкор ўз принципларига амал қилиб ўз йўлидан боришга ҳаракат қилса-да, у ўзгалар тажрибасини баъзан онгли равишда, баъзан эса беихтиёр тарзда қандайдир даражада ўзлаштиради. Сиз «Навоий» билан Қодирий романлари орасида параллеллар мавжудлигини айтяпсиз. Дарҳақиқат, бу романлар орасида мавзу, материал, ҳаётий проблематика, қаҳрамон ва конфликт жиҳатидан муштаракликлар кўп. Агар синчиклаб ўрганилса, сиз Қодирий принципларидан кескин фарқ қиладиган асар саналган «Қутлуг қон»да ҳам, хусусан, унинг поэтикасида, айрим сюжет линияларида «Ўткан кунлар»ни эслатадиган ўринларни гопиш мумкин. Масалан, Йўлчининг ўғирланган Гулнорни қутқариш воқеаси «Ўткан кунлар»даги Отабекнинг Қумушбиби шаънини ҳимоя қилиш учун Ҳомид билан олиб борган жанг-тўқнашувини эста солмайдими? Демак, Ойбек улкан санъаткор сифатида Қодирий билан тортишган-баҳслашган, ўз принципларини тайин этиб, ижодда ўз йўлидан борган бўлса-да, устоз романларидан, шубҳасиз, таъсирланган. ижодий ўрганган.

ТАНҚИДЧИ: Адабиётдаги чинакам новаторона кашфиётлар, шу тариқа, анъаналар билан мураккаб алоқада майдонга келади. «Қутлуг қон» ва «Навоий» адабиётимизда чинакам оригинал бадиий кашфиёт, улкан новаторона ҳодиса бўлди. Ойбекнинг энг буюк адабий хизмати, новаторлиги шундан иборатки, у бутун бир халқнинг тимсоли бўла оладиган, халқ тарихининг энг муҳим палласи ҳақида тасаввур берадиган, халқнинг тақдири, савия-даражаси, орзу-интилишларини ўзида акс эттирадиган ўлмас образлар яратди: олиб даҳоси маҳсули бўлган Йўлчи ва Навоий образлари, Сиз айтгандай, аллақачон халқнинг қалби тўридан жой олган, мангу

ўлмас сиймолар сифатида унинг онгига, маънавий ҳаётига сингиб кетган.

Ойбек санъатининг сеҳри шундаки, у оддий меҳнаткаш деҳқон йигити Йўлчини ҳам, тарихда ўтган буюк зот Навоийни ҳам бирдек давр қаҳрамони, халқ руҳияти ифодачилари, халқнинг фахри даражасига кўтара олди.

ЁЗУВЧИ: Бу гапларга яна шуни илова қилиш керакки, реалист санъаткор ҳаётий ҳақиқатга таянгани ҳолда, оддийликдаги гайри оддийликни ва, аксинча, улуғвор ҳодисалардаги оддийлик, одмиликни кашф эта олди. Ойбек улкан санъаткор сифатида реализмнинг шу икки муҳим хусусиятларини ўз ижодида ажойиб тарзда намойиш эта билган. Қаранг, «Қутлуг қон»даги Йўлчи ўта оддий, камсуқум, меҳнаткаш йигит, лекин у бора-бора тарихий жараёни ҳаракатга келтирувчи улкан бир кучга айланади; «Навоий»даги Навоий улуғ шоир, давлат арбоби, Ойбек айна пайтда мана шу фавқулодда улуғвор шахс характеридаги оддий одамлар дилига яқин жиҳатларни очиб беради.

Ойбекнинг «Қутлуг қон»даги энг катта новаторлиги, оригинал-лиги яна шундаки, адиб ҳаётдаги ижтимоий типларни чинакам бадний типлар даражасига олиб чиқа олди. Боя Сиз айтганингиздек, «Қутлуг қон» қаҳрамонлари ё эзувчи мулкдор, ё эзилувчи меҳнаткаш халқ вакили; асар конфликтни ҳам синфий кураш асосига қурилган. Биласиз, 20-30 - йилларда яратилган қатор насрий асарларда синфий курашни асарга шундоғича жўнгина кўчириш, персонажларни эса эзувчи бой ёки эзилувчи камбағал синфининг оддийгина шарҳидан иборат қилиб бериш ҳолларига дуч келамиз. Улардан фарқли ўлароқ, «Қутлуг қон» ҳодиса моҳиятини чуқур бадний таҳлил этиш, ижтимоий зиддиятларни чинакам таъсирчан бадний конфликт, ижтимоий кучларни эса тирик одам, тўлақонли ёрқин пластик характер - бадний тип даражасига кўтариш санъати билан ажралиб туради.

ТАНҚИДЧИ: Ойбек «Навоий» романи билан ўзбек адабиётида том маънодаги тарихий романга, аннкроғи, тарихий-биографик романга асос солди. Бу роман чуқур илмий ва юксак баднийлик синтездан туғилган. Адиб Қодирий ҳақидаги тадқиқотларила жумладан, шундай дейди: «Ҳақиқий реалист санъаткор билан илмий методология ила қуролланган тарихчи маълум нуқталарда учрашувлари керак. Уларнинг тарихий ҳаётни текширишлари, ҳодиса ва воқеаларни танлашдаги йўл ва приёмлари қанчалик айрим бўлмасин, охириги пайтда, сўнгги натижада улар учрашувлари ло-

зим, яъни тарихчининг ҳақиқати ила санъаткорнинг ҳақиқати мувофиқ, ҳамоҳанг бўлиши керак. Қисқача айтганда, бадий ҳақиқат тарихий ҳақиқатга мос келсин». Адиб романида бу принципга тўла риоя қилган. Навоий ҳаёти, даврини жуда чуқур билган, у ҳақда ажойиб талқиқотлар яратган Е.Э.Бертельс: «Романининг катта муваффақияти шундаки, унга киритилган барча воқеалар бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланади», деб гувоҳлик беради.

Ойбек Навоийнинг ҳаёти, шахсияти тасвирида тарихий фактларга таянади. Навоий ҳаётини «тўлдирадиган» тўқималардан мумкин қадар ўзини тияди; эҳтимол, тарихда аниқ фактлар бўлмагани учун унинг муҳаббат иттироблари жабҳасини очиқ қолдиради. «Алишер Навоий» драмаси муаллифлари эса Навоийнинг севгиси, севгилиси билан боғлиқ ҳодисаларни асар тўқимасига сингдириб, ижодий фантазия маҳсули бўлмиш Навоий - Гули - Бойқаро моҳароларини асардаги етакчи конфликтнинг узвий қисми сифатида берадилар.

Аmmo «Навоий» романида бошқа хилдаги тўқима воқеалар, персонажлар бор. Арслонқул, Дилдор, Султонмурод, Зайниддин, Тўғонбек сингари бадий тўқима йўли билан яратилган персонажлар Навоий образи билан турли даражада мулоқотга киришадилар, романининг умумий сюжет йўналишида улар муайян ўрин тутадилар... Шундай усул билан яратилган образлар «Юлдузли тунлар»да ҳам, Сизнинг хар икки тарихий романингизда ҳам бор. Кейинги романингиз «Кўҳна дунё»да ҳамто ижодий фантазия маҳсули бўлмиш Ибн Шаҳвоний етакчи персонажлардан бирига айланган Ибн Шаҳвоний билан боғлиқ моҳаролар Ибн Сино, Беруний билан салтанат, Султон Маҳмуд орасидаги зиддиятларнинг энг муҳим халқасини гашкил этади. Тарихий романларда тарихий шахсларни тўқима образлар билан мулоқотга киритиш бу шунчаки адабий анъаналар кўринишими ёки бадий эҳтиёж, зарурият тақозосими?

ЁЗУВЧИ: Тарихий романда илмий ҳақиқат билан бадий ҳақиқатнинг муносабати гоят нозик ва мунозарали масала. Адабиёт тарихида шундай асарлар борки, улар илмий жиҳатдан асосланган тарихий фактларга тўла мос келадиган ҳужжатларга таяниб ёзилган. Ойбек домла улкан олим, тарихчи, файласуф бўлгани, Навоий ҳаёти, ижоди, у яшаган даврни пухта билгани учун ҳам, эҳтимол, тарихий фактлардан унча чекинган эмас. Айни замонда шундай тарихий асарлар ҳам борки, уларда, умуман, тарихий

ҳақиқатга таянилгани ҳолда, ёзувчи ҳаёлотли - фантазияси орқали тарихий фактни қайта идрок этиш муҳим ўрин тутади, тарихий ҳодисалар, шахслар муаллиф бадийий нияти асосида ўзгача талқин этилади. Адабиёт тарихида бунга мисоллар кўп. Навоий достонидаги Искандар тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Фридрих Шиллер ўзича, Вальтер Скотт бошқача, Стефан Цвейг яна ўзгача талқин этади. Степан Разин ҳақидаги асарларда ҳам бу машҳур тарихий шахснинг бадийий талқини ҳар хил... Мен бу гапларни Ойбек домла «Навоий» романида тутган йўл, амал қилган принципни камситиш ё рад этиш учун эмас, балки тарихий асар яратиш йўллари ҳар хил эканлигини таъкидлаш учун айтаётирман. Шахсан мен тарихий асарда ёзувчи ҳаёлотли-фантазиясига тўла эрк бериш, «тарихчи олим иши тугаган жойда ёзувчи иши бошланади» деган қараш тарафдориман.

Навоийнинг интим ҳаёти, севгиси билан боғлиқ масалала мен Ойбек домла йўлини ҳеч камситмаган ҳолда Иззат Султон ва Уйғун драмасидаги талқинини ҳам тўла қўллаб-қувватлайман. Модомики Ойбек домла ҳам тарихий фактларга изчил риоя қилган романда бадийий тўқимага ҳаёли меваси бўлган образларга ўрин берган экан, бу ҳар қандай тарихий асар учун табиий, зарурий, қонуний бир ҳол. Дўстим Пиримқул ҳам, мен ҳам ўз асарларимизда шу қонуний асосида иш кўрганмиз.

ТАНҚИДЧИ: Шундайку-я, лекин «тарихий асар» тушунчасидаги «тарихий» сўзининг маъно, аҳамиятини қадрлаш ҳам керак. Том маънодаги тарихий-бадийий асар тарихий ҳақиқатга, аниқроғи, фанга яқинлиги, ҳамоҳанглиги билан ўтмиш ҳақидаги бошқа тур бадийий асарлардан ажралади.

Тарихий романда, хусусан, улкан тарихий шахслар ҳаётидан олинган асарда энг қийин ижодий муаммо ўша тарихий шахсларнинг бадийий концепциясини белгилаб олишдан иборат бўлса керак. Мен кейинги пайтларда Ойбекнинг Навоий ҳақидаги тадқиқотларини роман билан қиёсан ўқиб чиққанда, шунга амин бўлдимки, алибда Навоий образининг концепцияси анча аввал мукамал тарзда шаклланган, илмий жиҳатдан асосланган экан. Кейинчалик романда ўша илмий жиҳатдан асосланган концепция бадийий тус олган. Навоий ҳақидаги тадқиқотларда Ойбекнинг улуғ сўз санъаткори, унинг ҳаёт йўли, ижтимоий фаолияти, ижодий мероси, шахсияти, дунёқараши, замонаси ва замондошлари билан муносабатлари, хусусан, Ҳусайн Бойқаро билан унинг орасида кечган ҳам дўстона алоқалар, ҳам кескин мurosаси т зиддиятлар, улар

нинг ижтимоий замини хусусида ўз сўзи, ўз концепцияси жуда яққол, ошқора, эҳтирос билан баён этилган. Шу хил қарашлар романга ҳам кўчиб ўтган.

Навоий ҳақидаги тадқиқотлар билан танишганда туғилган яна бир таассурот шуки, Ойбек Навоий ҳаёти ва ижодини тўла эгаллаган, Навоийга оид жамики фактлар унинг учун миридан-сиригача зён, энг муҳими, Навоий ҳаёти, ижоди, шахсияти моҳиятини тегран англаб етган, бениҳоя чуқур ҳис этган.

ЁЗУВЧИ: Тарихий шахслар бадий концепциясини белгилаб олиш ва уни жонли гавдалантириш, бадий образга айланттириш тарихий асардаги ёзувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади, ёзувчи меҳнатининг бутун машаққати ҳам ана шунда. Ойбек домла «Навоий» романининг ёзилиш тарихига оид мақоласида асар яратиш каби мушкул, оғир иш дунёда йўқдир, чуқур ҳис этиш, қалбнинг эур ҳаяжони, ўткир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом... билмадим, яна ва яна кўп хислатлар керак, дейди. Ҳа, асар яратиш, бинобарин, тарихий шахс концепциясини тайин этиш, жонли гавдалантириш машаққатини, бунинг учун жуда кўп хислатлар зарурлигини бошдан кечирган кишигина чуқур тушунади, ҳис этади. Ойбек домла «Навоий» романига тайёргарлик жараёни ҳақида тўхталиб: «Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим», деб ёзди. Сиз сўраган тарихий шахслар концепцияси худди ўша - тарихий факт, материалларни таҳлил этиш, мағзини чақиш, уларни тушуниш, ҳис этиш орқали шаклланди. Бундан кейингига кўл қаламга боради. Ойбек домла романининг ёзилиш жараёни ҳақида гапириб дейди: «Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романининг иш плани қоғозда йўқ эди, у менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳаминша Навоийни ўйлар эдим». Бу ҳар бир ҳақиқий ижодкор учун таниш ҳолат, шундай ҳолатга тушмаган ижодкор, яхшиси, кўлга қалам олмагани, ёзув столига ўтирмагани маъқул.

Боя сиз тарихий асарда анохронизм, тарихий фактларни бадий ниятга кўра «ўзгартириб кўрсатиш» принципи ҳақида гапирдингиз. Ҳатто Ойбек домладек тарихий фактларга изчил риоя қилган реалист ёзувчи ҳам Навоий талқинида унинг ижтимоий маъқеи билан боғлиқ баъзи жиҳатларни атайин четлаб ўтгани тўғри. Бугина эмас, романдаги Мажиддин образи ҳам ҳаётдаги, аниқроғи, В.В. Бартольд таърифлаган Мажиддиндан бошқачароқ, ёзувчи бу одамнинг олим қайд этган ижобий фазилатларини деярли

эса олмайди. Буларнинг барчаси худди ўша тарихий шахс образи концепцияси билан алоқадор масалалардир. Яна бошқа мисолларни эслайлик. Тарихий шахсларга оид айрим хусусият ва фактларни шу ҳилда четлаб ўтиш А. Толстойнинг «Улуғ Пётр» романида С. Бородиннинг қатор асарларида ҳам бор.

ТАНҚИДЧИ: Мажиддин образи ҳақидаги гапларингизга қўшилган ҳолда, романдаги бир ўринни хотирга солмоқчиман. Мажиддин ўз фаолиятининг сўнггида ҳаёт йўлини, қилган ишларини сарҳисоб этиб чуқур афсус ва кайғу билан дейди: «Умримдаги энг катта хато - Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қарши ҳаракат қилдим... Алишер юраги тоза одам эди». Бу гапларни гарчи боши деворга урилиб, кўзи «ярқ» этиб очилган дақиқаларда айтган бўлса-да, ҳар ҳолда шундай адолатли хулосага келган одамнинг табиатида, кўнглида озми-кўпми инсоф, диёнат бўлиши керак! Қаранг, реалист адиб өзгина бўлса-да, шунга ишора қилиб ўтади.

Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов «Ойбек маҳорати» китобининг «Навоий» романига бағишланган бобини «Буюк шахс фожиаси» деб атайти. Олим асарни бадиий маҳорат нуқтан назаридан атрофлича таҳлил этади-ю, негадир романда «буюк шахс фожиаси» масаласини етарлича ёритиб бермайди. Бунинг муайян сабаби бор. Асарда Навоий, унинг улуг идеаллари, орзу-интилишлари, гуманизми билан замонаси, аниқроғи, салтанат орасидаги зиддиятлар кенг тасвир этилади, адиб бу зиддиятлар туфайли шоир қалбида кечган руҳий кечинмаларни, шунингдек, қарашлардаги айрим ожиз жиҳатларни ҳам беради, лекин бу ҳол, менинча, асарнинг асосий пафосини ташкил этмайди. Навоий даҳоси, ундаги ақл-идрок, мушоҳадакорлик, тадбиркорлик ҳамини биринчи планга олиб чиқилади... Кейинги йилларда яратилган тарихий романларда эса улуг шахсларнинг фожиаси, қалбидаги руҳий драматик тўғённи пафос ҳолига кўтариш характерли хусусият бўлиб қолаптир.

ЁЗУВЧИ: Бу ердаги фарқнинг сабаби материалнинг характерини да бўлса керак, деб ўйлайман. Навоий тўғрисидаги романга кўра, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур ҳаётдан олинган асарларда драматизм, фожей тасвирнинг кенг ва чуқурроқ бўлиши табиий. Чунки, ҳазрат Навоий бошига тушган кулфатлар қанчалик оғир бўлмасин, Улуғбек ёки Бобур бошига тушган савдолар характерини бошқача, кескин ва даҳшатли. Навоий билан Хусайн Бойқаро ва ўша даврнинг қоқоқ, тубан кимсалари орасида кечган зиддият, тўқна

шувлар бошқа-ю, Улугбек билан ўз ўғли - оқпадар Абдуллатиф ва мугаассиб дин пешволари ўртасидаги қарама-қаршилик, курашлар табиати, зарби, шиддати ўзгача! Бадийий конфликт, гарчи унинг ифода тарзи, хиллари қанчалик турли-туман бўлмасин, пировард натижада, ҳаётдаги зиддиятларнинг инъикоси-ку! Шу маънода, сўнгги романларда улкан тарихий шахсларнинг фожиаси кескин тарзда тасвирланган экан, бунга «Навой»дан ўзиб кетиш деб қарамаслик керак.

ТАНҚИДЧИ: Гапингиз тўғри, асарда кўп нарса ҳаётний материалнинг характерига боғлиқ. Аммо бунда ижодий принципларнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Сўнгги йиллар адабиётида ҳаётни, характерларни бутун мураккаблиги, зиддиятлари, ҳаётний муаммоларни ўткирлиги, кескинлиги билан кўрсатиш тенденцияси хийла кучайдики, бу ҳол тарихий мавзудаги асарларга, жумладан, Ибн Сино, Улугбек, Бобур образлари талқини, ифодасига ҳам дахлдордир.

Тарихий роман, умуман, тарихий асар учун яна бир мушкул ижодий муаммо - тарихий давр, тарихий шахслар руҳиятини, колоритини ифода этишдан иборат. Ойбек даҳоси, истеъдод сеҳри яна шундаки, «Навой» романининг илк сатрларини ўқий бошлашингиз биланоқ, ҳаёлингиз беш аср бурунги макон ва замонга кўчади-қолади: қадимги Ҳирот манзаралари кўз олдингизда жонланади, фақат ўша даврга хос манзаралар, Ҳиротдаги мадрасаларнинг ҳайбатли гумбазлари, хонақоҳлар, катта-кичик ҳужралар эмас, давр руҳини берадиган алтақандай нурлар ва тасвирдаги ички бир ҳиссий оҳанг сизни ўзига асир этади. Кўкнинг тиник ферузасида мадрасанинг ҳайбагли гумбази устида порлаган баҳор қуёши, қуёш шуълаларида азамат пештоқларнинг нақшлари ҳавойи бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатиши, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб кўниб гумбаз теварағида қувонч билан иноқ ўйин қилиши - булар ҳаёлингизни тамомила ўзига тортали. Бутун асар давомида сизни романдаги ана шу сеҳрли руҳ-қайфият асло тарк этмайди. Шу билан баробар, мадраса толиби илмлари аҳвол-руҳияти, уларнинг тирикчилик ташвишлари, уларни қизиқтирадиган ҳаётний муаммолар, Навой, Бойқаро ҳақидаги гурунглари тасвири орқали муаллиф бизни даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари ичига олиб киради... Китобхон бутун асар давомида шу ҳодисалар руҳи билан нафас олади.

ЁЗУВЧИ: Тарихий асарда тарихий давр, тарихий шахслар руҳияти, колоритини ҳаққоний ифода этиш учун экзотик лавҳа, де-

талларни қалаштириш шарт эмас. Бунинг учун ҳаммадан бурун ўша қаламга олинган даврни тераи ўрганишгина эмас, уни юракдан ҳис этиш ҳам керак. Чуқур ҳис этилган ботиний кечинма қоғозга тушгандагина, давр руҳини ифода этадиган ҳиссий оҳанг тугилади. Ойбек домлада бу хислат жуда кучли бўлган.

ТАНҚИДЧИ: Навоий умрининг ўттиз йиллик даври, ўша йиллари Хуросонда Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган музофотда кечган муҳим тарихий ҳодисалар роман фабуласини ташкил этади. Бир роман доирасида ўттиз йиллик тарихий ҳодисаларни қамраб олиш, хронологик тарзда ифода этиш, энг муҳими, бош қаҳрамонни шу тарихий жараёнлар ичидан олиб ўтиш, ҳодисаларга муносабатини, ўрни келганда, уларга кўрсатган таъсирини ифода-лаш, шу жараёнда унинг қалбида, онгида кечган хилма-хил туйғу, ўй-мулоҳазаларни, дарду ташвишларни кузатиш, тасвир этиш гоят мушкул ижодий вазифа... Кейинчалик Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» романида шу йўлдан бориб, Бобурнинг тарих саҳна-сига чиққан кундан тўртиб то умрининг сўнгги дамдаригача ўтган салкам қирқ йиллик ҳаётини хронологик тарзда ифода этди, бош-қачароқ қилиб айтганда, асар сюжети бош қаҳрамон Бобурнинг умр йўлида кечган узоқ даврлик саргузаштлар, тарихий воқеалар асосига қурилган.

Сизда эса бошқача, Улуғбекка бағишланган романингизда ҳам, Ибн Сино ва Беруний ҳаётидан олинган асарингизда ҳам хронологик сюжет принциpidан қочасиз, тарихий шахслар ҳаётининг муайян босқичини, муҳим воқеаларни танлаб олиб, уларни кенг ифода этиш йўлидан борасиз. Сизда анохронизм жуда кучли. Бу йўл ҳам ўзини оқлаган. Демак, тарихий романларда тарихий шахсларни, ҳодисаларни ифода этиш йўллари, сюжет поэтикаси хилма-хил бўлавериши мумкин экан.

ЁЗУВЧИ: Русларда «Ғолибларни айбламайдилар» деган нақл бор. Модомики тарихий романчиликда Сиз айтган ҳар икки йўл ҳам ўзини оқлаган экан, бундан фақат қувониш керак. Бу йўлнинг қай бирини танлаш эса ёзувчининг майли, услуби, ижодий тажрибаси, қолаверса, бадиий ният ва ҳаётий материалнинг характери га боғлиқ деб ўйлайман. Ойбек домла ўз ижодий услуби, тафаккур тарзи жиҳатидан эник ёзувчи. Бу хусусият унинг насрий асарларида ҳам, поэзиясида ҳам, борингки, адабий-танқидий ишларида ҳам яққол кўринади. Пиримқул Қодиров ҳам шундай услубга мойил. Мен, эҳтимол, бир маҳаллар «чалғиб» драма жанрида машқ қилиб юрганимда воқеа ва ҳодисаларни қисқа драматик шаклда

идрок эгишга одатланиб қолгандирман, бу одат, тажриба кейинчалик қисса ва романларимга ҳам кўчиб ўтгандир... Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозир жаҳон адабиётида узоқ даврлик воқеаларни қамраб олиш, бош қаҳрамоннинг таваллудидан то ўлимига қадар босиб ўтган ҳаёт йўлини бутун тафсилотлари билан тасвирлаш усули унча «мода»да эмас. Бу жиҳатдан Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» ёки Г. Маркеснинг «Патриархнинг кузи» романлари жуда характерли. Бу асарларда асосий воқеалар қисқа муддатда, ҳаттоки бир кун ичида бўлиб ўтади, қаҳрамон ҳаётидаги энг тигиз, драматик, ҳаёт-мамонт аҳамиятига молик бир босқичи олиниб, бошқа воқеалар шу қисқа муддатга жо этилади. Бу ерда ҳам аслида қаҳрамоннинг умр йўли, тақдири бор, аммо унинг ифода усули қаҳрамон ҳаётини бир бошдан тадрижий тарзда берадиган асарлардан фарқ қилади, вақт ва масофа ўзгача идрок ва талқин этилади. Шахсан менга шу усул маъқул, «Улуғбек хазинаси»да ҳам, «Кўҳна дунё»да ҳам шу йўлдан боришга ҳаракат қилганман.

ТАНҚИДЧИ: «Навоий»га бағишланган бир катор адабий-танқидий ишларда романда улуг шоирнинг ижод психологияси яхши очилмагани, буюк шоир асарларининг яратилиш жараёни йўл-йўлакка қайд этиб ўтилгани айтилади. Шундай эътироз кейинги пайтларда яратилган тарихий романлар, жумладан, «Кўҳна дунё»га нисбатан ҳам билдирилди. Бундай танқидий мулоҳазалар ҳақида нима дер эдингиз?

ЁЗУВЧИ: Атоқли адиб Чингиз Айтматов билан сўхбатларимиздан бирида у тарихий роман ҳақида фикр юритиб шундай деган эди: «Мени шоҳлар, улкан лашкарбошилар олиб борган сан-саноксиз жангу жадаллар мутлақо қизиқтирмайди. Бундай асарлар даври ўтди. Ўтмиш ҳақида, ўтмиш сиймолари ҳақида ўйлаганда мени, биринчи навбатда, уларнинг тафаккури, фалсафий ўйлари, бошқачароқ қилиб айтганда, уларнинг ҳаёгий-маънавий концепцияси, кўнглида кечган ғоялар драмаси, қалбидаги туйғулар тугёни қизиқтиради. Асло жанг тафсилотлари эмас!»

Мен ўшанда унинг бу фикрини тўла қўллаб-қувватлаган эдим. Албатта, шоҳ ёки саркарда ҳақида ёзилган асарда жанг манзаралари, олим ҳақидаги асарда илмий қарашлар, шоир ҳаётига бағишланган асарда эса, ижод психологияси, асарларининг яратилиш жараёни, тарихи бир қадар бўлса-да, ифода этилиши даркор. Лекин мен, бари бир, биринчи навбатда, тарихий шахснинг касб-кори, ҳунари, машғулоти эмас, унинг ҳақиқат, адолат учун олиб борган курашлари, бу йўлда чеккан машаққатлари, изтироблари,

Ўй-кечинмалари биринчи планга қўйилиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки адабиётнинг бош вазифаси, оқибат-натижала, яхшилик билан ёмонлик орасидаги курашни, адолат ва адолатсизлик орасидаги тўқнашувларни кўрсатишдан, қаҳрамоннинг маънавий оламини забт этишдан иборат. Шу маънода мен ўзимни асло оқламаган ҳолда, аввало, Беруний, Ибн Синоларнинг илмий-ижодий фаолиятини эмас, уларнинг жоҳил феодал жамиятда инсоф ва адолат йўлида олиб борган курашлари, чеккан заҳматлари, қалб тугёнларини ифода этишни асосий мақсад қилиб қўйганман. Ўйлайманки, Ойбек домла ҳам шу мақсадни кўзлаган.

ТАНҚИДЧИ: Тарихий романда замон, яъни асар яратилган давр руҳини ифода этиш, тарихий асарнинг замонавийлиги, бугунги кун учун аҳамияти ниҳоятда муҳим масала. Бу ҳақда кўп гапирилади. Баъзан асарнинг замонавийлиги утилитар - тор амалиётчилик тарзда, баъзан эса ўта мавҳум тарзда талқин этилади. Шахсан сиз тарихий романнинг конкрет ҳолда «Навой» асарининг замонавийлигини нималарда кўрасиз? Ойбекнинг: «Мен, ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилмасин, мабодо у даврнинг гайри ёки ҳаттоки ғалати кўринган барча хусусиятларни орасидан ўзига таниш бўлган ҳис-туйғулар ва фикрлар иласа, пировардида, мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман... Бегона даврни билиш, яъни унинг бизнинг давримиздан нимаси билан ажралиб туришини тасаввур қилишнинг ўзигина етмайди. Уни яна тушунмоқ, яъни уни бизнинг давримиз билан боғлаб турган нарсаларини кўрмоқ лозим», деган сўзлари, менингча, бу масала моҳиятини очиш учун «калит» бўла олади.

ЁЗУВЧИ: Дарҳақиқат, тарихий асарни бугунги кун билан боғлиқ томонлари, замонавий қимматини белгилашда бир ёқдамалликлар, чунончи, тарихий асарда акс этган ҳодисалар билан бугунги воқеалар орасида қўлгина параллеллар қидириш ҳоллари учраб туради. Мен, умуман, тарихий асар бугунги кунга батамом ҳамоҳанг бўлиши керак, деган гапга қўшила олмайман. Бундан беш юз йил ёки минг йил бурунги давр акс этган асардан бугунги кунга мос келадиган ўринларни қидириш ақлдан эмас. Беш юз ёки минг йил олдинги феодал даври қаёқда-ю, бугунги давр қаёқда! Аммо масаланинг бошқа бир нозик жиҳати бор. Бу шундан иборатки, инсоният ҳаммаша ўзи босиб ўтган йўлга бот-бот назар ташлаб туриши, ундан тегишли сабоқлар чиқариши лозим. Минг афсуски, ўтмишнинг аччиқ сабоқлари гоҳо унутилади, тарихда йўл қўйилган хатолар такрорланиб туради. Ахир, Гитлер давлат тепа-

сига келиб, инсон тафаккурининг энг буюк маҳсули бўлмиш даҳолар яратган асарларни ўтда ёққанида Улугбек замонида ҳам айни шу ҳодиса юз берганини, бу улкан хато, йўқотиш, жоҳиллар учун тавқи лаънат бўлганлигини ўйлаш лозим эмасмиди? Йўқ, у буни ўйламади! Тарихнинг аччиқ сабоғидан ўзи учун хулоса чиқармади. Ёки у ўз замонасининг буюк истеъдод соҳибларини қувғин остига олганида минг йиллар аввал кечган ҳодисаларнинг - ўтмишда яшаб ўтган мустабид ҳукмдорлар ҳам шундай қабих ишлар қилганини ўйлаши лозим эди-ку! Йўқ, ўйламади! Демак, адабиётнинг вазифаларидан бири бундай аччиқ тарих сабоқларини эслатиб туришдан ҳам иборат. Иккиламчи, инсон руҳиятида кўп ҳолат ва хусусиятлар - яхшилик ва ёмонлик, саҳийлик ва худбинлик, мурувват ва тошбағирлик, адолат ва адолатсизлик - даврлар ўтиши билан шаклан ўзгариши мумкин, аммо ботинан ўз кучини, асл моҳиятини сақлаб қолаверади. Модомики шундай экан, кишилар орасида шундай қарама-қарши хусусиятлар туфайли келиб чиқадиган зиддиятлар, фожиалар ҳамма давр учун хос, аҳамиятли бўлиб қолаверади, долзарблигини йўқотмайди. Демак, ёзувчи беш юз ёки минг йил бурунги воқеалар, одамлар характерини тасвирлаганда мана шу жиҳатларни назардан четда қолдирмаслик керак. Ойбек домла ўтмишдан ўзига, бинобарин, ҳозирги давр кишисига таниш ҳис-туйғулар, фикрлар излаш, ўтмишни бизнинг давримиз билан боғлаб турган жиҳатларни кўриш лозимлиги ҳақида гапирганда, эҳтимол, шуларни назарда тутгандир. Буларсиз тарихий роман чин маънодаги замонавий аҳамият касб эта олмайди.

ТАНҚИДЧИ: Ниҳоят, «Навоий» романининг тили, Ойбекнинг тарихий роман тили бобида тутган йўли, умуман, Ойбек тажрибасининг кейинги йиллар тарихий романчилигимиз учун аҳамияти, роли ҳақида нима дер эдингиз?

ЁЗУВЧИ: Бу саволга жавоб қайтаришдан олдин суҳбатимизнинг бошида чала қолган бир гапни давом эттирсам - «Навоий» романининг шахсан менга кўрсатган таъсири ҳақида озгина сўзлаб ўтсам, дейман. Менинг «Навоий» романи билан танишувим ўзгачарок, «совуқроқ» бошланган. Мен армияда, Узоқ Шарқда хизмат қилиб юрган кезларим «Навоий» романи доврўғини эшитиб, уни таниш-билишлардан сўраб-суриштириб, почта орқали олиб ўқий бошладим. Лекин бу асар негадир «Қутлуг қон»чалик мени ўзига мафтун этмади. Кейинчалик армиядан қайтиб, Тошкент Давлат университетида таълим олиб юрган кезларим бу асарга яна қайта мурожаат этдим, диплом ишим учун мавзу қилиб шу романи тан-

ладим. Асарни синчиклаб ўргана бошладим. Секин-аста бу етук асар бағрига жо бўлган улкан ҳаёт ҳақиқати, бой тарихий материал, теран маъно, чуқур туйғуларни, адибнинг реалистик маҳорат сирларини ўзим учун кашф эта бошладим. Шунда билдимки, бу асарни чуқур тушуниш, тўла қабул қилиш учун ҳам китобхонда муайян тайёргарлик бўлиши зарур экан. Эҳтимол, бир чекаси, менда тарихий ўтмишга, тарихий мавзуга майл шу романни ўзим учун кашф этган кезлари туғилгандир... Ф.Достоевский «Бизларнинг ҳаммамиз Гоголнинг «Шинел»идан чиққанмиз» деб ҳақ гапни айтган. Шу сўзларни сал ўзгартириб, биз тарихий мавзуда қалам тебратган барча ўзбек ёзувчилари Ойбекнинг «Навоий»сидан таълим олганмиз, десам хато қилмайман. Ойбекдан кейин тарихий ўтмишга, буюк зотлар ҳаётига қўл урган бирорта адиб «Навоий» тажрибасини четлаб ўтган эмас. Мирмуҳсин ҳам Пиримқул Қодиров ҳам, мен ҳам тарихий мавзуда бирон муваффақиятга эришган бўлсак, бунинг учун, биринчи галда, Ойбек домлага қуллуқ қиламиз. Кўп соҳаларда, жумладан, тил бобида, ҳеч шубҳасиз, Ойбек тажрибаси биз учун катта мактаб бўлган.

1984 йил, октябрь - ноябрь

ЁЗУВЧИ ВА ЖАНР

(Ёзувчи Мирмуҳсин билан сўхбат)

ТАНҚИДЧИ: «Ёш куч» журналининг 1936 йилги сонларини варақлаб ўтириб Мирмуҳсин имзоси билан босилган «Шератининг мардлиги», «Овчи болалар» ҳикояларига кўзим тушиб қолди. Мирмуҳсин ака, Сизнинг илк шеърингиз ҳам худди ўша йили мағбуотда - «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилган эди. Демак, Сиз бадий ижодни ҳам проза, ҳам поэзияда баробар бошлагансиз, мана, қирқ йилдан ошдики, бу икки соҳани баробар давом эттираётирсиз. Истеъдод адабий тур, жанрлар билан узвий алоқадор, бадий ижодга лаёқати бор одам исталган тур ва жанрда қалам тебрата олиши шарт эмас; одатда, улкан истеъдодлар кўпроқ бир, нари борса, икки-уч тур ва жанрдагина ёрқинроқ ўзини кўрсатиши мумкин. Прозада жуда яхши асарлар яратиб, шеъриятда бирор сатр ҳам ёзишга қўли келмайдиган, ёки аксинча, шеъриятда катта довруғ қозонса-да, прозага бирор марта қўл урмаган адиблар кўп. Ҳар ҳолда, проза билан поэзия, аниқроғи, шеъринг истеъдод билан насрий талант орасида маълум фарқ бор. Бир одамда бу икки хил истеъдоднинг баробарига намоён бўлиши катта фазилат. Бу, бир чеккаси, адабиётдаги анъаналар, қолавер-

са, адабиёт ривожининг ҳолати билан боғлиқ. Бизнинг халқ достонларимиз наср билан назм жўрлигида айтилган, барча халқ бахшилари ҳам шеърят, ҳам наср усталари бўлганлар. Ўзбек мумтоз адабиётининг чўққилари Навоий ва Бобур назм билан насрнинг тенгсиз дурдоналарини яратганлар. Бу анъана янги ўзбек адабиётида ҳам давом этди, жумладан, Сизга тенгдош адибларнинг аксарияти - Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Шўҳрат ҳам яхши шоир, ҳам истеъодли прозаик саналдилар.

Мени, аввало, Сизда наср ва назмга майлнинг тугилиш тарихи қизиқтиради. Илк бор ҳам назм, ҳам насрга қўл урганда, онгли равишда, бир ҳавас, тажриба тарзида атайи шундай йўл тутганмисиз ёки бу беихтиёр, ички бир эҳтиёж тариқасида рўй берганми?

ЎЗУВЧИ: Ҳурматли Умарали Норматович, сиз ёзувчилар билан бўлган кўп суҳбатларингизда, дафъатан, асосий масалага ўтасиз. Ижод сирлари, ҳар бир қалам аҳли маҳоратининг ўзига хосликларини билишга қизиқасиз. «Увертюра» қилиб ўтирмай «хужум» қилиш лозим бўлган жойга от соласиз. Бу яхши, менга ёқди. Баъзи танқидчи ўртоқлар гапни жуда узоқдан бошлайдилар, асосий масалага етиб келмай суҳбат ҳам тугайди, гўё чўмилгани анҳор бўйига бориб, соатларча қирғоқда сесканиб ўтиришади. Чўмилмай, бошқатдан кўйлагини кийиб кетадиганлар ҳам бор.

Наср ва назм аслида эгизак - Ҳасан ва Фотима деган гап. Мумтоз меросимизда маълум даврларда шеърят кўкори бўлиб, насрни «қора сўз» ҳам дейилган. Ҳатто табототда дори-дармон ҳам шеър билан ёзилган. Маълум даврларда Саъдий ҳикоятлари, «Зафарнома», «Бобурнома», «Қобуснома», «Оинаи Акбар» ва ҳоказолар, жангномалар қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган. Қалам соҳиби икки жанр ва ҳатто бир неча жанрларда ҳам маҳорат билан яхши асарлар яратиши мумкин. Лекин бир алабий турда у устун бўлади. Сиз ҳам шу фикрни маъқуллаяпсиз. Бизнинг ҳам фикримиз шундай. Яхши кўлол қўлидан ёмон идиш чиқмаганидек, уста санъаткор наинки бошқа турда, ҳамма жанрда ҳам ёмон ишламайди. «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма», деганларидек, камина, бу йўлга ишқ билан кирган...

ТАНҚИДЧИ: Ижодий йўлингизга назар ташлаганда шундай ҳолатга дуч келамиз: гарчи Сиз назм билан насрий ижодни баробар бошлаган бўлсангиз ҳам, илк китобингиз насрда Саид Аҳмад билан ҳамкорликда ёзилган, 1942 йили чоп этилган «Эр юрак» тўплами саналса-да, 60-йилларга қадар шеърят баланд келган, ўша кезлари, асосан, шоир сифатида танилгансиз. Кўплаб шеър-

лар, ўндан ортиқ поэма, шеърый роман - «Зиёд ва Адиба» ўша йиллари пайдо бўлган. 50-йилларнинг охири, 60-йиллардан бошлаб наср олдинги ўринга ўта бошлади, олти роман, ўнга яқин қисса, ўнлаб ҳикоя, ҳажвиялар мана шу йиллари ёзилди. Ижоднинг маълум босқичида шеърый ҳолат, бошқа бир палласида насрий майлнинг устун келиши боисини билсак бўладими?

ЁЗУВЧИ: Буни билиш жуда осон. Бу ҳам қалб иши. 50-йилларнинг ўрталарига қалар шеърыйт устун келгани, эҳтимол, менинг ўша кезлардаги ҳолатим, кайфиятим, майлим билан алоқадордир. Ҳар қандай ижодкор ёшлик, йнгитлик пайтида шеърыйтга яқинроқ бўлади. Лекин мен ўша кезлари ҳам насрни тарк этганим йўқ. Маълум йилларда мен мактабгача ёшдаги болалар учун ҳам кўпгина жажжи хикоялар ёздим. Шу ишга жуда берилиб кетган эдим. Менга Лев Толстой бобо илҳом берган эди. 50-йилларга қадар бизнинг болалар адабиётимизда яхши шеърлар, қиссалар, пьесалар бор эди-ю, кичик хикоялар йўқ даражала эди. Гап фақат бунда ҳам эмас. Сизга бир сирни очиб қўяйин. Пединститутда ўқиб юрган 1939-1940 йиллари «Профессор Саидовнинг боши» номли фантастик роман ёзган эдим. Асар адабиётшунос Алимуҳамедов раҳбарлик қиладиган тўғарақда муҳокома қилинган эди. Кўпинча одам боласининг боши энди ақл-заковатга тўлганда, у оламдан ўтади, шу ақл-заковатга тўла бошни ўзи билан олиб кетади. Уни олиб қолиб бўлмасмикан - мени шу масала қизиқтирган эди; айтиб қўяй, ўшанда йнгирма ёшда эдим, бу муаммо ҳамон менга тинчлик бермай келади. Роман ҳақида ҳам илиқ, ҳам танқидий гаплар бўлган эди, лекин ундан кўнглим тўлмади, босилмай қолиб кетди. Урушдан кейин «Олтин куз» номли повесть ёздим, «Шарқ юлдузи» ундан каттагина бир парча босди, сўнг «Коммунизм чироқлари» қиссасини ёздим, ҳар иккала қисса ҳам кўнгилдагидек чиқмади... Шундан кейин мен кўпроқ кичкинтойлар билан «гаплашадиган» бўлиб қолдим; мен насрда илк бор кичкинтойлар билан тил топдим, десам, хато бўлмас, бу соҳадаги тажриба секин-аста катталар кўнглига ҳам йўл оча бошлади... Дарҳақиқат, кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида мен ўзимни насрда яхши сезяпман. Ёзувчи ҳаётида шундай ҳол бўлар экан. Мени ўз ҳолимга қўймай ёзишга ундаётган фикрлар, воқеалар кўпроқ наср қиёфасида кўринмоқда. Эҳтимол, поэзияга қайтиш вақти ҳам келиб қолар. Биз ҳар доим устозлардан ибрат оламиз - Навоий ҳам ўрта ёшларида насрга мурожаат этган, давримизнинг буюк шоири Ойбек ҳам. Қолаверса, улкан адиб Виктор Гюго ҳам беҳисоб шеърлар ёзган. Бу фақат қаламкаш муҳабба-

ти, қалб амригина эмас, турмуш тақоюси, китобхоннинг талаби-га ҳам боғлиқ. Кишилар бизга насрий асарлар ёзиб бер деса, шу ишнинг маъқул бўляпти деса, иложимиз қанча! Биз ҳаммамиз ҳам шу юрт фарзандларимиз, шу халқ, шу мамлакатимиз, еримизни яхши кўраимиз, илджимиз ердан чиқиб қолса, қуриймиз. Китобхонлар мендан насрий асар ёзишимни сўрашяпти. Халқ истаги мен учун қонун. Лекин ёзаётган асарларимизнинг ўзига ярашур нуқсонлари ҳам бор, бу айтиляпти, буни эътироф этмаслигимиз - шаккоклик бўлади. Олтмиш ёшгача наср билан қаттиқ шугулланишим аниқ. Омонлик бўлса, олтмишдан кейин шеърийят ҳам мени соғинтириб, жамолини кўрсатса керак. Баъзи нарсаларни қоралаб кўряпман, лекин кейинчалик эълон қилсам керак.

ТАНҚИДЧИ: Адабий тур, жанрлар ривожини фақат ижодкорнинг майли, истеъдоди йўналишигагина боғлиқ бўлмай, боя айтилганидек, адабиёт ривожининг ҳолати, давр талаби, эҳтиёжи, адабий прогресс билан ҳам алоқадор. Маълум бир даврда жуда катта доврўф қозонган, истеъодларнинг тўла намоён бўлишига имкон берган адабий тур, жанрлар бошқа бир даврда ўз мавқени йўқотиб қўйиши мумкин. Ижодкор буни ҳаминча назарда тутиши керак. Шеърий роман масаласини олайлик. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романидан кейин рус адабиётида шеърий роман ёзишга жуда кўп уринишлар бўлди, лекин ҳеч ким «Евгений Онегин» даражаси у ёқда турсин, унга яқин ҳам келадиган шеърий роман ярата олмади. Буни баъзилар Пушкин даҳоси билан изоҳламоқчи бўладилар. Бу унчалик тўғри эмас. Пушкиндан кейин ҳам рус адабиётида буюк даҳолар кўп ўтган. Гап шундаки, «Евгений Онегин» ҳали рус адабиётида поэзия етакчилиқ қилган, реалистик проза ва драматургия эндигина оёққа туриб келадиган бир даврда майдонга келган эди, Пушкин гениал санъаткор сифатида кўнгилдаги романбоп гапни фақат шеърий шаклда ифода этиш мумкин эканлигини, рус насрининг ўша кезлардаги тажрибаси, ҳолати бунга имкон бермаслигини, яъни у келарга ҳали насрда тўлақонли роман яратиб бўлмаслигини ҳис этиб, роман учун шеърий шакл танлади ва тўғри қилди.

Янги ўзбек адабиётида илк бор Сиз шеърий романга қўл урган эдингиз. Сиздан кейин Ҳ. Шариповнинг «Бир савол»ни пайдо бўлди. Бу икки асар адабий тажриба, факт сифатида маълум қимматга эга бўлса-да, очиги, у қалар шухрат қозонолмади. Масалан, мен «Бир савол» романини маҳорат жиҳатидан Ҳ. Шариповнинг «Қуёшга ошиқман», «Бог кўча болалари», «Сотволдидан салом» сингари

достонлари билан бир ўринга қўя олмайман. Сиз ҳам «Зиёд ва Адиба»дан кейин бу жанрга қайтмадингиз, бутунлай насрий роман йўлига ўтиб кетдингиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, шеърий романнинг истиқболига қандай қарайсиз?

ЎЗУВЧИ: Фикрингиз тўғри. Шеърий роман шоир ҳаётида, менимча, бир марта яратиладиган - туғиладиган ҳолат. Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарлари ҳам шеърий роман. Адам Мицкевичнинг «Пан Тадеуш»и ёки Фозил ота Йўлдош ўғлининг «Алпомиш»и ҳам шеърий роман, Гап лавҳада эмас, мазмунда. Бу машаққатли жанрда ҳозир салмоқдор асарлар яратилмаётган экан, бундан «жанр инқирози» ҳақида ҳукм чиқаришга шоянмаслик керак, эҳтимол, келажакда бир шоир чиқар, Сиз билан бизни лол қолдириб, бир яхши шеърий роман ёзиб берар. Мен оптимист кишиман. Сиз шеърий романнинг туғилишини адабиёт ривожининг ҳолати билан изоҳлаётирсиз, бу, бир жиҳатдан, тўғри, бироқ адабиёт ривожига фан «қолип»ларига тушмайдиган, қутилмаган вазиятлар рўй бериши мумкин, эҳтимол, яна бирдан шеърий роман даври келиб қолар...

ТАНҚИДЧИ: Шундай бўлиши ҳам мумкин. Бироқ адабиёт илмида гипотезадан кўра адабий тажрибадан келиб чиқадиган қонуниятга таяниб иш кўриш маъқулроқ. Шу ўринда яна бир галаги жумбоққа эътиборингизни жалб этмоқчиман. Шеърий ва насрий истеъдоднинг баробар намоён бўлиши, бир адибнинг бир неча жанрда бирдек қалам тебратиши адабиёт ривожининг муайян ҳолати, босқичи билан алоқадор дедик; одатда, кўпроқ миллий адабиётларнинг бурилиш натижаларида ўшандай универсал истеъдодлар майдонга чиқди, шекилли. Яна рус адабиёти тажрибасини эсладик. XIX асрнинг бошларида, рус реализмининг туғилиб шаклланиш даврида Пушкин, Лермонтов сингари даҳолар проза, поэзия, драматургияда бирдек маҳорат кўрсатдилар, кейинчалик рус реализмининг юксак босқичида поэзия билан баробар проза ва драматургия ўз мавқеини тўла тиклаб олган келлари бундай ҳол, ҳуссан, наср билан назмда баробар шуҳрат қозонган истеъдодларнинг деярли учратмаймиз: ўзбек адабиётида ҳам шунга ҳаминдай ҳолатга дуч келамиз, янги ўзбек адабиётининг асосчиларининчи ва Сиз мансуб бўлган иккинчи авлоднинг бир талай вақтлари наср ва назм ривожига бирдек ижод қилиш шарафига эришган сар бўлдилар. Эндилекда аҳвол ўзгача. Ҳозирги кунда ўзбек адабиёти қадимий бой шеърий анъаналарининчи билан беллаша олаётган.

насрий тажрибаларга ҳам эга. Бир соҳанинг сиру асрорини эгаллашнинг ўзи бир одамдан жуда кагта билим, истеъдод, ақл-заковат, меҳнат талаб этадиган бўлиб қолди. Ёдингизда бўлса керак, давримизнинг атоқли адиби Василий Шукшин охириги интервьюларидан бирида ўз истеъдодини хилма-хил соҳаларга сочиб юбораётганидан нолиб, келгусида фақат проза билан машғул бўлишга аҳд қилганлигини айтган эди. Ўзбек адабиётининг кейинги бугунига мансуб истетеъдодлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатаётирки, бизнинг кунларимизда адабий тур, жанрлар бобида универсалликка интилавериш ўзини оқламаётир. А. Абдураззоқ, Сайёр, Ю. Шомансур, Тўлқин каби шоирларнинг насрдаги тажрибаси кўнгилдагидек чиқмади. У. Назаров, Ў. Умарбековдек яхши, оригинал насрий қалам соҳибларининг кино билан яқиндан алоқаси бошда баъзи ижобий самаралар келтирган бўлса-да, секин-аста насрдаги истеъдоднинг сусайишига олиб кетаётир. Булар менинг шахсий кузатишим. Бу масалага Сиз қандай қарайсиз?

ЎЗУВЧИ: Бу боралаги кузатишларингиз ҳам эътиборга лойиқ. Мен фикрингизга тўла қўшиламан. Истеъдодни соҳаларга сочиб юбориш тўғри эмас. Хусусан, бизнинг кунларимизда! Маълум даврда бирон адабий тур, жанрга берилиб кетиш мумкин. Аммо таъбга маъқул бирон жанрда муқимроқ туриш керак. Созанда ҳар қанча уста бўлмасин сетору най, скрипкаю пианинода баробар маҳорат билан куй чалолмайди. Давид Ойстрах пианино ва виолончелда ҳам ижро этар экан, лекин скрипкачи сифатида беқиёс ва жаҳонга машхур. Созанда Ориф Қосимов гижжак, танбур ҳам чалади, лекин дуторда унинг тенги йўқ.

Бир жанрга юрак қўрини тўкиш керак. Айниқса, соқолига оқ тушмаганлар.

ТАНҚИДЧИ: Хилма-хил тур ва жанрда ижод этган адибларнинг маълум бир тур, жанрда ўз истеъдодини, қалбини тўлароқ намоеън этиши бор ҳодиса. Бир суҳбатда Саида Зунунова: «Мен шеър ёзганда қалбим бамисоли симобдек қалқиб туради, ўзтигимни тамомила унутиб қўяман, шеър битгандан кейин ҳам талай вақт ўзимга келолмай юраман. Шеър туғилиш дамлари ҳаётимнинг олиё палласи десам бўлар, бундай дамлар мен учун мислсиз азоб ва тенгсиз роҳат. Прозада эса ўзгача, насрий асар устидаги ишларим нисбатан осойишта кечади», деган эди. Яширишнинг кераги йўқ, гарчи С. Зунунова қатор яхши қисса ва ҳикоялар яратган бўлса ҳам, аввало у шоира сифатида танилди, истеъдодини, қалб туғенларини шеърятда тўлароқ, гўзалроқ намоеън этди.

Мен Сизнинг ҳам насрий ва шеърӣй шаклларда ижод этаётган дамлардаги ҳолат, кайфиятингизни билишни истар эдим.

ЁЗУВЧИ: Ижод жараёни ҳар кимда ҳар хил кочиши мумкин. Шахсан мен учун наср ва назмда қалам тебратиш бирдек боради. Хоҳ насрда, хоҳ назмда бўлсин, ҳар бир йирик асаримни ёзиб тугатганимда янгидан дунёга келгандек бўламан. Қаттиқ берилман, озиб кетаман. Менинг учун энг асосий гап шу бўлади. Баъзан мажлисларда қилт этмай ўтирсам ҳам, ҳаёлан ё Уста Ғиёс, Нажмиддин Бухорий, ёки чандиқ Қоражон билан бирга юраман. Ижодий ишимга алоқадор ҳар бир нарса кўзимга тўтиё бўлади. Қаҳрамонимга ўхшаш сувратларни ҳам йигиб юраман. Қаҳрамон оналар ҳам бирорта фарзандини тухум қўйгандек тукқан эмас-ку! Осон иш йўқ. Эҳтимол, шу тухум қўйиш ҳам машаққатдир, буни паррандадан сўраш керак.

ТАНҚИДЧИ: Кўпинча биз «ҳикоя устаси», «қисса мастери», «машҳур романнавис» сингари ибораларни ишлатамиз. Дарҳақиқат, ёзувчининг маҳорати, санъаткорлиги жанрнинг сиру асрорини чуқур эгаллаганида, жанрнинг талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб иш кўрганлигида, жанрнинг мукаммал намунасини ярата олганлигида ҳам кўринади.

Сизнинг проза жанрлари устидаги изланишларингиз шундан далолат берадики, Сиз учун ҳикоя, қисса ва ромanning сиру асрорини эгаллаш енгил кўчган эмас. Гарчи Сиз ҳикоя жанрида кўп йиллар машқ қилган бўлсангиз ҳам, бу жанрнинг чинакам намуналарини 50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб яратишга муваффақ бўлдингиз. Мен «Араб ҳикоялари» туркумини назарда тутяпман. Ёдимда, «Зиёд ва Адиба» ҳақида анча кескин танқидий гап айтган Абдулла Қаҳҳор бу туркум, аниқроғи, шу туркумга кирган «Йўқолган жавоҳир» билан «Искандария кўрфази» ҳақида мамнуният билан: «Буларни асар деса бўлади, бу ерда ҳаёт бор, қалб бор, катта дард, одам боласининг ташвишига чуқур ҳамдардлик бор», деб эди. Бу фикрга қўшимча қилиб, шу ҳаёт, қалб тугёни, катта дард ўзининг яхши ифодасини, бадиий шаклини ҳам топган, «Йўқолган жавоҳир» билан «Искандария кўрфази» - бири ҳикоянинг, иккинчиси қисса жанрининг яхши намунаси, дер эдим. Худди шунингдек, «Оқ мармар» ва «Чўри» ҳам қиссаларингиз орасида шакл жиҳатидан мукамаллиги билан ажралиб туради. «Жамила», «Тунги чақмоқлар» ҳақида бундай дейиш кийин...

ЁЗУВЧИ: Миннатдорман. Асарнинг таъсир кучи ҳар хил. Сиз

билан биз бир сафда-ю, лекин икки хил соҳада иш тутаетган қалам-кашмиз. Сизнинг «Ўткан кунлар» романи ҳақидаги мақолангиз зўр, «Обид кетмон» ҳақидаги мақолангизга бундай дейиш қийин. Худди танқидчиликда бўлгани каби бадий ижодда ҳам барча асарлар бирдек жаранглай бермайди. Қолаверса, бир асар ҳар кимга ҳар хил таъсир қилади.

ТАНҚИДЧИ: Роман спецификаси ҳозирги кунда энг жиддий муаммолардан бири бўлиб турибди. Ёзувчилар, хусусан, ёшлар орасида ҳозир романга майл жуда кучли. Бу, бир жиҳатдан, яхши. Иккинчи томондан, романга ўта маҳлиё бўлиб кетиш туфайли кўпинча жанр масъулияти унутилиб қўйилаётир. Ёзувчи Одил Ёқубов билан «Шарқ юлдузи»даги суҳбатда бу тўғрида батафсил гаплашган эдик. Модомики, проза жанрлари устида сўз очган эканмиз, роман хусусида, романнинг ҳозирги ҳолати, жанр муаммолари устида тўхталмай илож йўқ. Бу жанрда беш-олтита асар яратиб, унинг пасту баландини, иссиқ-совуғини татиб кўрган ёзувчи сифатида Сизнинг тажрибангиз ёшлар учун муайян сабоқ бўлиши мумкин.

ЁЗУВЧИ: Ҳар қандай зинапояни бирма-бир босган маъқул. Учасини битта қилиб интилиш «халтура» деган оқибатга олиб келади.

Адабиёт тарихида ишни бирданга йирик жанрдан - қисса ёки романдан бошлаб доврўғ қозонганлар ҳам бор. Аммо оз. Аксари адиблар кичик жанрда куч синаб, тажриба тўплаб, сўнг каттасига ўтганлар. Моҳир сўз усталари ёшларга ҳам шунини маслаҳат берадилар.

Мен ўз тажрибамдан шунга амин бўлдимки, ҳар ҳолда, ишни кичик жанрдан бошлаган маъқул экан. «Шарқ юлдузи»нинг муҳаррири сифатида жуда кўп ёшларнинг қўлёмаларини ўқишга тўғри келади. Шуниси қизиқки, ёшлар орасида ҳикоядан кўра қисса ёки романи афзал биладиганлари кўп. Умрида бирорта ҳикоя ёзмай туриб, дафъатан роман ёзишга журъат этган укажонларимдан, ростки, хафа бўлиб кетаман. Йўқ, мен уларнинг журъатига қарши эмасман, шаштини қайтармоқчи ҳам эмасман, «зўри беҳуда миён мешиканад» қабилтида иш кўрганларидан, ҳали ҳаётий, адабий тажрибага эга бўлмай туриб, бу ишга қўл уриб, ўзларини қийнаб қўйганлари учун ачинаман. Боя айтдим, босилмай қолган илк роман ва қиссаларим ҳаётий ва адабий тажрибанинг етишмаслиги оқибати эди. Кичкинтойларга аталган жажжи ҳикоялар мен учун йирик жанрларга ўтишда ҳақиқий машқ майдони, тажриба мактаби бўлди.

ТАНҚИДЧИ: Жажжи ҳикоялардан ташқари, «Зиёд ва Адиба» билан «Чиниқиш» ҳам менга роман йўлидаги бир тажрибадек кўрилади. Гарчи ҳар иккала асар «роман» деб аталган бўлса-да, романдан кўра поэма ва қиссага яқинроқ. Жанрнинг хусусияти аввало қаҳрамон билан уни қуршаб олган муҳит, шароит орасидаги муносабат кўламига қараб белгиланади. «Чиниқиш»даги ана шундай муносабат кўлами ҳати роман имкониятлари даражасида эмас, инфантилизм касалига мубтало бўлиб қолган йигитнинг катта ҳаёт йўлига чиқиб олиш тарихи қиссага хос торроқ доирада ифода этилади. «Умид»да шу доира анча кенгайли, характер билан шароит орасидаги муносабат хийла кўп қиррали бўлиб қолади, «Дегрез ўғли», «Меъмор», «Чотқол йўлбарси» романларида эса бу хусусият тобора чуқурлашиб борганлигини кўрамай... Қаҳрамон билан муҳит, шароит орасидаги муносабат кўпқиррали бўла борган сари роман сюжети сертармоқ бўлиб кетади, бинобарин, табиий равишда асар ҳажми кенгайди, эҳтимолки, режа бир китоб қобилигига сизмай дилогия, трилогия, балки, ундан кенгроқ шакллари тақозо этиб қолади. Кейинги «Илдишлар ва япроқлар» асарингиз устидаги иш жараёнида шу ҳол кузатиляпти.

ЁЗУВЧИ: Кузатишларингиз, асосан, тўғри. Асарларимиз ҳақида гап кетганда, биз яхши дейилса ҳам, ёмон дейилса ҳам итоат сақлаймиз, бу - одоб тақозоси. «Илдишлар ва япроқлар» асари устида бир неча йилдан бери иш олиб боряпман. Асар, асосан, пахтакорлар ҳақида. Биринчи китоб воқеалари жанубда - Сурхондарё вилоятида кечали. Персонажлар характерининг моҳияти, ҳаракати, ривожини, Сиз айтгандай, қаҳрамонлар билан муҳит, шароит орасидаги кўп қиррали муносабат кенг майдонни талаб этипти. Иккинчи, учинчи китобга ҳам ўтишни тақозо қилляпти.

ТАНҚИДЧИ: Кейинги пайтларда: «Ҳозир йирик асарларнинг даври ўтган, бугунги китобхонга ихчам асарлар керак, замон талаби - шу», қабилдаги гаплар кўп айтиляпти. Шу хил фикрни фақат танқидчилар эмас, атоқли ёзувчилар ҳам илгари сураётдилар. Чунончи, Валентин Катаевдек улкан адиб «Правда»нинг 1979 йилги янги сонидида босилган мақоласида узундан-узун романларга кескин эътироз билдириб, буни эскича йўл, деб атайди, «Янги винони эски мешга қуймаслик керак», дейди. Янка Бриль «Неман» журналинда эълон қилинган кундалиқларида, «қисқалик, законизм талантнинг сингисигина эмас, эндиликда уни замонавийликнинг меъноси дейиш керак», деб ёзди. Лекин шунга қарамай, узун, йирик романлар яратилляпти, муваффақиятли чиққанлари китобхон-

лар орасида катта қизиқиш уйғотяпти. Сиз йирик эпик полотноларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз?

ЁЗУВЧИ: Агар яхши бўлса, қўлдан қўлга ўтиб ўқиладиган бўлса, катта романлар керак, ҳатто кўп жилдлик трилогия, тетрологиялар ҳам керак. Қани, «Тинч Дон»лар кўпроқ бўлса! Қозоқ адабиётида Абдужамил Нурпеисов «Қон ва тер» номли кўп жилдли романини ёзди. «Қамал» ва «Мангу даъват» асарлари ҳам қизиқиш билан ўқияпти. Кўп серияли телефильмлар катта доврўф қўюяпти, бошқа ҳар қандай ишимизни йиғиштириб қўйиб, уларни томоша қиламиз, гадаги сериясини ориқиб кутамиз. Гап келганда отангни ҳам аяма детанларидек, ҳурматли В. Катаев фикрларига шахсан мен қўшилмайман. «Янги винони эски меш»га ўхшатиш ҳам жонг эмас. Дубдан қилинган ём (бочка) ёки қимиз соладиган мешнинг эскиси яхши бўлади. Чоллар қизиқ сўз айтишни яхши кўришади. Устоз Валентин Петрович қизиқроқ гап айтмоқчи бўлган эканлар, яхши. Лекин тўғри эмас. Беларус адиби, дўстим Янка Бриллининг «қисқалик» (лаконизм) ҳақидаги фикри, умуман, тўғри, лекин бу ихчамлик катта асарлардаги фикру ибораларга ҳам жуда мос, аммо дўстимнинг «қисқалик - замонавийлик мезони» деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Унинг ўзи кичик ҳикоялар устаси. Ҳаммамиз ўзимиздан келиб чиқавермаслигимиз керак. Ўз ашуламизга ўзимиз маҳлиё бўлавермаслигимиз керак. Бу ашулани одамлар эшитяптими ёки кулогини беркитяптими, буни ҳам зийраклик билан эътиборга олишимиз лозим.

ТАНҚИДЧИ: Характер билан шароит орасидаги муносабатнинг кўп томонламалиги роман жанрининг муҳим бир белгиси, дедик. Айни пайтда, характерга хилма-хил томондан ёндашиш, шахсни универсал тарзда таҳлил этиш - романнинг яна бир хусусияти. Бу жиҳатдан роман тенгсиз имкониятларга эга; ҳикоя, қисса, драма, поэма - буларнинг ҳеч бири бу борада роман билан тенглаша олмайди. Шу жиҳатдан қараганда ҳам Си да романдан романга ўсиш, улғайиш бор. «Чинқиш»да етакчи персонажлар - Алижон, Бўрихўжа, Холниса характери фақат бир томондан кўрсатилади, бинобарин, бўёқлар ҳам бир хилда. «Умид»да бўёқлар бир оз ранг-баранг тус олса-да, ҳали характерлар тасвирида чинакам реалистик романга хос сербўёқлилик етишмайди. Маълумки, «Чинқиш» билан «Умид» Сиз «Муштум»га муҳаррир бўлиб турган, ҳалжий ижодингиз гуркираган бир даврда яратилган эди; эҳтимол, ўша кезлардаги ҳолат, кайфият ҳам ҳар икки романда ўз муҳрини қолдиргандир, характерлар тасвирида кўпинча сатирик, юмористик

бўёқнинг қуюқлашиб кетишига, баъзан жиддий қаҳрамонларнинг ҳам карикатурага айланиб қолишга шу ҳолат сабабчидир. «Чиниқиш»даги Бўрихўжа, «Умид»даги Жанна образларида сатирик бўёқ ўзини оқласа-да, шахсан менга Салимхон Обидийдек жиддий, мураккаб, балки фожей бир шахснинг роман охирида карикатурага айланиб қолиши унчалик ботмайди.

Кейинги романларингизда манзара бошқача. Хусусан, етакчи қаҳрамонлар - «Дегрез ўғли»даги Арслон, «Меъмор»даги Нажмиддин Бухорий, «Чотқол йўлбарси»даги Қоражон - буларнинг ҳар бири хийла кўп қиррали шахс, улар тасвиридаги бўёқлар ҳам рангбаранг.

ЁЗУВЧИ: Фикрингизда жон бор. Дарҳақиқат, ҳажвни яхши кўраман. Ҳажв масаласи мураккаб, ҳамманинг ҳам кулгиси келади. Лекин ҳажв ҳаммага ҳам ёқа бермайди. Шунга қарамай ҳажв керак. Абу Али ибн Сино дорининг ширин-чучугидан манфаат йўқ, деган эди. Ҳажвнинг, сатирик ва юмористик бўёқнинг романдаги ўрни масаласига келганда шунини айтишим мумкинки, ҳажв зарурият туғилганда жиддий роман, ҳаттоки жиддий образ учун ҳам керак. Бу ёзувчининг истеъдоди хусусиятига ҳам боғлиқ. Табиатида юмор туйғуси йўқ ёзувчи кулгили қилиб ёзолмайди. Аксинча, табиатида юмор туйғуси бор одам кулги қўшмасдан гапиролмайди. Саид Аҳмадни эсланг. Кулги аралашмаган асари деярли йўқ... Сиз «Чиниқиш» билан «Умид»ни тилга олдингиз. Эҳтимол, улардаги айрим образларда ҳажвий бўёқ бир оз қуюқлашиб кетгандир. Лекин кейинги романларим ҳам ҳажвдан холи эмас. Худди Сиз айтгандай, характер ранг-баранглиги, характери хилма-хил томондан очиш учун ҳам сатира ва юмор керак.

ТАНҚИДЧИ: Биз йирик эпик шаклларни ҳимоя этаётимиз. Бу - яхши. Айни пайтда, кичик эпик форманинг ҳолати ва тақдирига ҳам бепарво қарамаслигимиз лозим. Биз кейинги йилларда қисса билан романга ўта маҳлиё бўлиб кетиб, энг машхур ва оммавий жанр - ҳикояни маълум даражада ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Очиғи, ҳозир бизда ҳикоя, асосан, бошловчи қаламкашларнинг, «уста кўрмаган шюгирд»ларнинг қўлида қолди. Ҳикоя йирик жанрларга ўтишда тажриба мактаби, дедик. Бу - тўғри, бироқ ҳикоя - шунчаки машқ, тажриба ўтказадиган «майдон»гина бўлиб қолмай, юксак санъат намуналари яратишга, даврнинг катта гапларини айтишга имкон берадиган мукамал абадий шакл. Майдони тор бўлса-да, имконияти чексиз. Қизиқ бир ҳол. Бир вақтлар ҳикояга меҳр қўйиб, бу жанрда фаол иш олиб борган, жанрнинг яхши намуна-

ларини яратган, шу тариқа жанр ривожига муносиб ҳисса қўшган қатор тажрибали адибларимиз йирик жанрларга ўтгач, ҳикоя майдонини тарк этиб кбордилар. Чунончи, таниқли ҳикоянавис Саид Аҳмад «Уфқ»дан кейин баъзи ҳажвияларини ҳисобга олмаганда, бу жанрда айтарли ёзмай қўйди. «Умид»дан кейин Сиз ҳам бу жанр-ни тарк этиб юбордингиз. Сизлардан кейин адабиётга ҳикоянавис сифатида кириб келган О. Ёқубов, П. Қодиров, Ў. Умарбеков, Ш. Холмирзаев, У. Назаров, У. Ҳошимов каби истеъдодли носирларнинг ҳам қисса ва романдан кейинги ҳикояга кўнгиллари чопмай турибди. Мен Саид Аҳмаддан бунинг сабабини суриштирганимда ҳазил-мутойиба билан: «Роман - кенг майдон, кенг майдонга ўрганиб қолган одамнинг ҳикоянинг «тор қафаси»га қайтишга юраги дов бермай қолар экан. Ҳикояни ўйласам нафасим сиқилади», дея жавоб қилган эди. Бу борада Сиз нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ: Ҳикоячилигимизнинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги ташвишларингизга мен ҳам шерикман. Ҳикояни ўз ҳолига ташлаб қўйиш инсофдан эмас. Бу хусусда бонг урадиган пайт келди. Ҳикоя муаммоси йўл-йўлакай ҳал этиладиган масала эмас. Бу махсус, батафсил гаплашиб олишни тақозо этадиган соҳа. Мавриди келса, бу масалага бошқа сафар қайтармиз...

Жанрларга муносабат бобида ёзувчининг руҳий ҳолати хусусида Саид Аҳмад айтган ҳазил-мутойиба гаплар тагида маълум ҳақиқат бор. Узоқ вақт дуторда машқ қилиб юрган созанданинг танбурни қўлга олганида машқи келишавермагандек, ёзувчининг бир жанрдан иккинчи жанрга ўтишида ҳам маълум руҳий қийинчиликлар бўлади. Лекин романдан кейин ҳикояга қайтиб яхши асарлар яратган адиблар кўп. Менинг ҳам ҳикояга қайтиш ниятим йўқ эмас. Кўнглимга тугиб қўйган ҳикоябоп гапларим анчагина, вақт бўлмай турибди. Ҳозир фикри ҳаёлим «Илдизлар ва япроқлар»ни поёнига етказиб олиш билан банд. Омонлик бўлса, ниятлар рўёбга чиқар, кўнгилдаги ҳикоялар қоғозга тушар.

1979 йил, февраль.

ХАЁТ ВА ҲАЖВИЁТ

(Ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан суҳбат)

«Ҳажвчилик - сатира ва юморни ривожлантириш зарурлиги ҳақида кўп гапирилади. Лекин шунга қарамай, нега яхши сатирик асарлар ниҳоятда кам?»

Умринисо Асқарова, Оққўрғон.

Синглим Умринисо, Сизнинг бу саволингизга ҳажвчи ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан қилган суҳбатимизда маълум даражада жавоб топилар, деб ўйлайман.

У. Норматов.

ТАНҚИДЧИ: Худойберди, Сиз бадиий ижодни ҳажвчиликдан бошлаган эдингиз; кўп йиллар фельетон устида иш олиб боргансиз, ҳажвий қисса, ҳикоялар ёзгансиз. Демак, ҳажвчиликнинг «иссиқ-совуғи»ни бевосита татиб кўрган одамсиз. Шунинг учун ҳам бу гал мен Сизни ҳажвиёт ҳақида суҳбатга таклиф этмоқчиман.

ЁЗУВЧИ: Мен ҳам шундай суҳбатни кўпдан кутардим. Йигилиб қолган анчагина гаплар бор, майли, келинг, гаплашайлик.

ТАНҚИДЧИ: Аввало, ҳажвиёт - сатира ва юморнинг бугунги ҳаётимиздаги, алабий жараёндаги ўрни, мавқеи ҳақида гаплашиб олсак. Ҳозирги кунда сатира ва юмор учун йўл кенг очик, майдон ниҳоятда кенг. Биргина республикамизнинг ўзида сатирик журнал «Муштум» ойда икки марта катта тиражада чиқиб турибди, деярли барча журнал ва газеталарда ҳажв минбари бор; радио ва телевиденининг махсус ҳажвий кўрсатув, эшиттириш дастурлари мавжуд; кино ва театрларимиз ҳам чинакам сатирик, юмористик асарларни «жон» деб қабул қилади. Очигини айтиш керак, шундай қулай имкониятлар бўла туриб, сатира ва юморнинг ҳозирги ривожини кўнгилдагидек эмас, кенг омма қалбидан жой оладиган, элаганда кулиб юрадиган асарлар ниҳоятда кам.

ЁЗУВЧИ: Бу гапингиз тўғри. Ҳажвиётнинг ҳозирги аҳволига баҳо беришдан олдин сатира нима, юмор нима, кулги нима - шулар ҳақида ўзимнинг баъзи бир кузатишларим, мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Физика қондасига кўра, табиатда манфий ва мусбат зарядлар бор. Шу иккови тўқнаш келса, ногаҳоний олов чакнаб кетар экан, фазода иссиқ ва совуқ ҳаво тўқнаш келиб қолаётган бир-бирининг зарядини қабул қилолмасдан, тўсатдан порқлаб чакмоқ чақиларкан, момақалди роқ гулдираркан: тўқнашув катта

роқ майдонда юз берса, кўпроқ масса тўқнашса, чақмоқ ҳам каттароқ чақиларкан, овози ҳам узоқ-узоқларга кетаркан. Мен кулгини табиатнинг ана шу ҳодисасига ўхшатгим келади. Ахлоқ билан ахлоқсизлик тўқнашган жойда, меъёр билан меъёрдан чиқиш юз берган жойда, бутун халқ ва давлатнинг иродасини акс эттирган қонун билан қонунсизлик тўқнашган жойда кулгига сабаб бўладиган бир руҳий ҳолат юзага келадикки, бу руҳий ҳолатнинг катта-кичиклигига, салмоғига қараб, гоҳ майин, латиф бир кулги, гоҳ эркаловчи жилмайиш, гоҳ заҳархандали қаҳқаҳа содир бўлиши мумкин. Айтмоқчиманки, кулги одамлар жамият бўлиб таркиб топгандан буён, жамиятнинг қонун-қондалари пайдо бўлгандан буён ва шу қонун-қондаларнинг бир «қўриқчиси» сифатида, қонун-қондаларнинг бузилишини оғоҳлантириб турувчи бир «жом қўнғироқ» сифатида ҳамиша яшаб келган. Бу кулгининг қувноқ, оромбахш, беғубор бўлиши ёки аччиқ заҳарханда бўлиши жамиятда юз бераётган тартиб бузилишларининг катта-кичиклигига, жиддий-ножиддийлигига ва, ниҳоят, муаллифнинг қайси позицияда туриб ёзишига боғлиқдир.

Ҳажвчи ўз қаҳрамонидаги енгил-елпи камчиликларни шунчаки танқид қилиб, унинг устидан енгилгина кулиб қўймоқчимиз ёки шу иллатни ташувчи қаҳрамонни шармандаю шармисор қилиб, уни ер билан яксон қилмоқчимиз - ана шунга қараб, асарни ё «юмористик» ёки «сатирик» деб атаймиз.

ТАНҚИДЧИ: Ҳажвиётнинг икки тури - сатира ва юмор орасидаги фарқни яхши таърифлаб бердингиз. Қизиқ, эътибор берилса, кейинги йилларда кескин фош этувчи, заҳарханда кулги асосига қурилган сатирик асарларга кўра қувноқ, эркаловчи, ҳаётбахш юмористик асарларнинг салмоғи ортикроқ. Ҳар ҳолда, сатирага кўра юмор инсбаган яхшироқ ривожланмоқда: сатиранинг кескин фош этувчи турлари - памфлет, карикатура, фельетон тобора камайиб борапти, ҳаттоки уларнинг ўрнига ҳазил, «ижобий фельетон»лар пайдо бўляпти.

ЁЗУВЧИ: Бунинг боисини жамиятимиз табиатидан қилириш керак. Айрим шахслар у ёки бу маънода жиноятчи бўлиб қолар экан, уларни бутунлай тамом бўлган одамлар деб қарамаймиз. Инсонпарварлик гуйғуси бунга йўл қўймайди, жамият ёки қонун-қондалар таъсирида уларни қайта тарбиялаб олиш мумкин, деб қаралади. Шунинг учун ҳам бундай шахслар устидан кулаётганимизда заҳарханда заҳарли қаҳқаҳа билан эмас, балки шифобахш, оромбахш кулги билан кулишимиз керак. Машиқур фельетончи Зас-

лавскийнинг «Кимнинг устидан кулаётган бўлсанг, лоақал фельетонни ёзиб тугатганингча, ўзингни қаҳрамонинг ўрнига қўйиб кўр», деган гапи фельетончилар орасида жуда машҳур бўлиб кетган. Рус фельетончилигининг оталаридан бири Михаил Кольцов: «Мен инкор қилувчи сатирани эмас, балки тасдиқловчи сатиранинг тарафдориман», дейиши бежиз эмас. Фикримни худосалаб шуни айтмоқчиманки, бизда сагирага нисбатан юмор устунроқ ривожланиб бораётган бўлса, бу гуманизм табиатидан келиб чиқаётган бир ҳолдир.

ТАНҚИДЧИ: Кескин фош этувчи сатира нисбатан сустроқ ривожланаётганлигини унинг инсонпарварлик туйғуси билан изоҳлаётирсиз. Бу гап, бир, жиҳатдан, тўғри. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, узлуксиз тараққиётда, тараққиёт бор жойда, табиийки, муммолар, зиддиятлар, қийинчиликлар, бинобарин, танқид, жумладан, сатира ва юмор учун ҳамиша асос, материал ҳам бўлади. Замонавий адабиёт, олатлагидек, ҳозирги кунда ҳаётбахш позицияда тургани ҳолда, ҳаётдаги ўткир муаммоларни далил ўртага қўймоқда, турмушда учрайдиган камчиликларни шафқатсизлик билан рўй-рост кўрсатиб бермоқда. Жиддий адабиёт, хусусан, бадий проза, поэзия бу борада ибратли йўл тутаётир. Бугунги кунда танқидий руҳдан холи бирорта яхши роман, повесть, поэма ёки шеърний тўпламни эслай оласизми? «Диёнат», «Чотқол йўлбарси», «Гирдоб», «Нур борки, соя бор», «Сўнгги бекат», «Ёз ёмғири», «Тубсиз осмон», «Рухлар исёни», «Жаннатга йўл», «Ҳаққуш қичқириги», «Тирик сайёралар», «Юзма-юз»... Ҳаётдаги камчиликларни кўрсатиш, фош этишда, ўткир муммоларни далил кўтариб чиқишда сўнгги йилларда буларга тенглаша оладиган янги бақувват сатирик асарларни топиб бера оласизми? Бу тур асарларнинг муаллифлари танқид бобида гўё ҳажвчиларни мусобақага чақираёттирлар.

ЁЗУВЧИ: Гарчи Сиз тилга олган асарлардаги танқид, танқидни ташувчи салбий персонажлар билан тенглаша оладиган сатирик ва юмористик персонажли асарлар оз бўлса-да, ҳар ҳолда, бор. Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясини, Неймат Аминовнинг «Елвизак» повестини, шу муаллифнинг қатор сатирик ҳикояларини мен бугунги ҳажвий адабиётимизнинг жиддий ютуғи деб биламан.

Сиз жиддий асарларда танқидий пафос кучли эканлигини таъкидлаб, ҳажвчиларни улардан ибрат олишга чақираётирсиз. Шуни ҳам унутмаслик керакки, жиддий адабиётда яратилган салбий қаҳра-

мон билан ҳажвиётда яратилган қаҳрамонлар ўртасида моҳият жиҳатдан фарқ йўқ. Иккови ҳам жамият тараққиётига тўғоноқ бўлиб қолган шахслар, лекин биринчисининг атрофида бир қанча ижобий, олижаноб шахслар бор бўлади, иккинчисининг атрофида кўпроқ ўзига ўхшаган «салбий қаҳрамонча»лар бўлади. Биринчиси кўпроқ ижобий фонда талқин қилинса, иккинчиси, салбий фонда талқин этилади. Ана шу талқин этиш фони сатирик ёзувчиларнинг психологиясига муттасил таъсир этиб турса керак. Турмушни нуқул қора томондан кўрсатиб қўяётган бўлмайин тагин, деган ўринли-ўринсиз ваҳимани ҳам келтириб чиқариб турса керак. Сатирик ёзувчиларга нисбатан жиддий услубда қалам тебраталиган ёзувчиларнинг танқид бобида дадилроқ бўлиши ана шу ҳолатнинг психологик таъсиридир.

Мана шу мураккаб руҳий ҳолат ҳажвиётга, ҳажвчиларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик, билимдонлик ва меҳр билан муносабатда бўлишни, бинобарин, ҳажв доимо рағбатни талаб этади. Агар руҳсат берсангиз, мен бу ўринда Сиз адабиётшунос танқидчиларни озгина танқид қилиб ўтмоқчиман. Фарҳод Мусажонов, Анвар Муқимов, Неймат Аминов, Саъдулла Сиёев, Эргаш Раимов каби табиатан сатира ва юморга мойил бўлган талантли ёзувчиларимиз бор. Сизлар шуларнинг ижодини яхши рағбатлангирмаяпсизлар. Буларнинг асарлари ҳақида фикр-мулоҳазалар кам айтиляпти. Ҳатто Саид Аҳмаддек улкан ҳажвчининг ижодий хазинаси ҳам ҳали тузукроқ таҳлил этилган эмас. Ҳар бир миллий адабиёт ўзининг талантлари билан кучли Ҳар бир истеъдод, қанчалик қудратли бўлмасин, бари бир, у рағбатга муҳтождир. Нодир Думбадзенинг рус тилига таржима этилган асарлари кейинги «Абадият қонуни» романи каби кучли эмас эди, бироқ илк рағбат унга катта парвозлар учун қанот бергани кўриниб турибди.

ТАНКИДЧИ. Ҳажвиётга унинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак, деган фикрингизга тўла қўшиламан. Бирор адабий тур, жанрнинг туркираб ривожланишида унга кўрсатилган меҳр-эътибор ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бироқ ҳозирги кунда сатиранинг нисбатан сустроқ ривожланиши боисини фақат танқидчиларнинг унга эътиборсизлиги билангина изоҳлаш тўғри бўлмаса керак. Бунинг боисини адабиёт ривожининг умумий қонуниятларидан қидирган маъқулроқмикин? Шу ўринда мунозарали бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Менинг назаримда, ҳозир адабий тафаккур, бадий ижод шундай бир босқичга кўтарилдики, шахсга хилма-хил томондан

ёндашиш, ҳаётни мураккаблиги, ранг-баранг жилолари, товланишлари билан кўрсатиш характерли тенденциялардан бирига айланади. Адабий-бадний тафаккурнинг, реализмнинг ҳозирги бо-скичида нуқул бир хил бўёқ, бир хилдаги оҳанг билан ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини, шахснинг туб моҳиятини кўрсатиш, очиш қийин. Сатира, ҳар қолда, истайсизми-йўқми, кўпроқ бир хилда-ги қора бўёқни тақозо этади. Эҳтимол, шунинг учундир, сатира мустақил адабий тур сифатида равнақ топишга бир оз ийманаётганга ўхшайди, у бора-бора бошқа шаклларга, тасвирий ифода усулларига сингишиб, улар бағридан жой олмоқда. Ёки йирик адабий шаклда эмас, кўпроқ кичик жанрлар шаклида ривож топмоқда. Юморга келсак, ундаги бўёқлар ранг-барангроқ, ҳаётни мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари билан, инсон шахсини эса универсал тарзда кўрсатишга мойилроқ. Бинобарин, у реализмнинг табиатига ниҳоятда мос. Шунинг учун ҳам юмор нисбатан яхши ривожланмоқда...

ЎЗУВЧИ: Сатирага нисбатан юмор тезроқ ривожланибти, парвози баландроқ бўляпти, реализм шуни талаб қиляпти, натижада, сатира хусусиятлари бошқа турларга сингишиб боряпти, у кўпроқ кичик жанрлар шаклида ривожланибти, деган мулоҳазаларингизни ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, бизда шундайдир. Лекин сатира ва юмор бир адабиётнинг, бир адабий методнинг тури, жанри эмас-ку! Яқинда фин ёзувчиси Марти Ларнининг «Зўраки муттаҳам» номли романи ўзбек тилига таржима этилди. Бу асар сатирик романнинг энг гўзал намунаси. Хорижий тилларда яратилаётган ўнлаб шунга ўхшаш йирик асарларни санаб беришим мумкин. Айтмоқчиманки, турфа зиддият, қарама-қаршилик авж олган хорижий мамлакатлар муҳитида сатира, ҳажв қўл келиб турибди, ҳаёт йирик сатирик асарларга материал берибти. Бунга америка сатириги Арт. Бухвальднинг фельетон ва памфлетлари ҳам мисол бўлиши мумкин. Турк сатириги Азиз Несиннинг ҳажвиялари жаҳонга машҳур...

Ҳалидан буён баҳслашяпмизу, лекин бир нарсани аниқлаб олганимиз йўқ. Сиз «сатира оз, юмор кўп» деганингида, буни нима билан ўлчаяпсиз? Масалан, сатира ҳамма вақт ҳамма адабиётларда бўлган. Лекин ўша Сиз жиддий деб атаётган адабиётнинг маълум улушини, ирмоғини ташкил қилган. Масалан, ҳазрат Навоийдан тортиб то Фурқатгача барча шоирларда ҳажвий асарлар учрайди. Лекин ижоднинг асосий қисмини ташкил этган эмас. Демак, сатира бадний ижоднинг маълум улушини ташкил этар экан-да; ҳаёт

фақат кулгидан, фақат инкор қилишдан иборат бўлмаганидек, адабиётда ҳам сатира ҳеч қачон ривожланмас экан-да... Хуллас, бу фикрни яқунлаб шуни айтмоқчиманки, адабиётимизда юморнинг кучайиб бориш тенденцияси мавжуд, аммо сатира ўз хусусиятлари, жанговар томонларини тортинчоқлик қилиб, бошқа жанрларга бериб қўйяпти, деганингизга негадир қўшилгим келмаяпти...

ТАНҚИДЧИ: Ўзимиздаги аҳволга - конкрет адабий тажрибанинг ўзига келайлик. Моҳир ҳажвчимиз Саид Аҳмад, кўп йиллик, соф сатирик асарлар ёзмай қўйди, сатира унинг юмористик ёки жиддий асарлари бағрида ёрдамчи восита вазифасини ўтаб келяпти. Бир вақтлар қатор ўткир ҳажвий ҳикоялар ёзган Мирмуҳсин кейинги ўн беш йил давомида бевосита сатирага қўл ургани йўқ, лекин жиддий йирик асарларида сатира бир элемент сифатида ҳамиша мавжуд. Ўзингизга келсак, Сиз бошда ҳажвчи-фельетончи сифатида танилган эдингиз. Бора-бора сатирадан уюқлашиб, юмор томонга ўтдингиз. «Жонгинам, шартингни айт» қиссаси аслида юмористик асар. Ҳажвий бўёқлар билан жило берилган романларингизда ҳам оқибат натижада, юмор устунлик қилади. Тўғри, «Сариқ девнинг ўлими»да сатирик бўёқ қуюқроқ, шуниси ҳам ёрки, ўша романдаги кескин фош этилган, қуюқ сатирик бўёқларда чизилган Одил баттолга кўра юмористик ранглар билан жилаланган қувноқ йиғитча Ҳошимжон образи жонлироқ, ҳаёттироқ, таъсирчанроқ чиққан.

ЁЗУВЧИ: Ҳар бир асар қаҳрамонини ҳаётнинг ўзи беради, модамики, бугунги адабиётимизда сатирабоп воқеалар, сатирик қаҳрамонлар камроқ учраётган экан, бунинг сабабини сатирик жанрнинг имкониятлари торлигидан эмас, балки яна ўша ҳаётнинг ўзидан қидириш керак. Бугунги ҳаётимизда сатирик қаҳрамонлар кишиларни унча тўлқинлантирмайдиган, ҳайратлантирмайдиган бўлиб қолди. Одамларнинг таъби хийла нозиклашиб кетди: танқидни, қаттиқ гапни унча хуш кўрмайдиган бўлиб боряпмиз. Аслида одам боласи эсини танигандан бошлаб, маънавий мукамалликка, гўзалликка интилади, унча-мунча камчиликлари бўлса, мумкин қадар беркитишга ҳаракат қилади, қусур хоҳ ўзида, хоҳ ўзгада содир бўлсин, бари бир, дил сиёҳликни, камситишни келтириб чиқаради. Одамнинг табиати эса ҳамиша ширин сўзни, удуғлашни ва удуғланишни талаб қилиб туради. Сатирада сатирик қаҳрамон шахси ҳар томонлама камситилади, «унинг нотўғри, бунинг ахлоққа тўғри келмайди», деб дакки берилади, ўқувчи ёки томо-

шабин бундай қаҳрамонлардан турмуш тарзини бузгани, ўзини ва ўзгаларни ҳақорат қилгани учун нафратлана бошлайди. Нафратга учраган қаҳрамондан ўқувчи ёки томошабин тезроқ нари кетгиси, ундан қутулгиси хелиб қолади... Одил баттол шунинг учун ҳам Ҳошимжонга нисбатан ёқимсизроқ чиққан бўлиши мумкин. Чунки у яхшилик тимсоли эмас.

ТАНҚИДЧИ: Сиз айтган маънода барча сатирик қаҳрамонлар ҳам ёқимсиз. Мен бу ўринда инсонни тасвирлашда сатира ва юморнинг имкониятларини назарда тутяпман...

Мен сатирага кўра юморнинг истиқболи порлоқ, имкониятлари кенгроқ деганимда сатирани бутунлай инкор этмоқчи, ҳаётда кескин танқидга, аёвсиз фош этишга муносиб ҳодисалар, шахслар борлигига шак келтирмоқчи эмасман. Чинакам сатира ҳаётдаги ижтимоий иллатларга, қабоҳатларга дуч келганда, улуғ танқидчи сўзлари билан айтганда, газабланган ҳиснинг ҳамласи, олижаноб газабнинг момақалдиروғи, чақмоғига айланали. У қабоҳатларни фош қилиб, ер билан яқсон этади ва шу орқали одамлар учун ибрат ролини ўтайди, одамларни ҳаяжонга солади, тарбиялайди. Бу ҳам керак, албатта. Бироқ етук реализм қабоҳатларни фош этишда бундан юксакроқ вазифани ўз олдига кўяди. Реалистик санъатнинг кучи, қудрати шундаки, у фош эта туриб ҳам кескин танқидбоп ҳодиса бағридаги, шахс табиатидаги мураккабликларни, бориники, қандайдир нурли томонларни ҳам кўра олади; шахс билан муҳит, шароит орасидаги алоқадорликни кўрсатади; ҳодисага хилма-хил томондан ёндашиш туфайли масаланинг асл моҳияти чуқурроқ очилади, ўқувчи фақат қабоҳатни кўриб, ундан нафратланибгина қолмайди, уни туғдирган омилларни ҳам пайқаб олади, улар ҳақида ўйга толади, бинобарин, ўқувчининг ҳодисага муносабати ҳам хийла мураккаблашади. Қисқаси, сатиралардан фарқли ўлароқ, жиддий планда ёзилган изчил реалистик асарларда кескин фош этилган ҳодиса, персонаж ифодасида хилма-хил бўёқлар ишга солинади. «Анна Каренина» романидаги Каренин образини эслайлик. Асарнинг дастлабки қоралама эскизида Каренин карикатура тарзида берилган экан. Ўқувчи тез орада бу йўл билан Каренин типидagi шахсларнинг моҳиятини чуқур очиб бериш мумкин эмаслигини сезиб қолади ва уни жиддий планда хилма-хил бўёқлар билан ифола этишга ўтади. Натижада, қаршимизда кескин танқид остига олинган, аммо мураккаб бир образ пайдо бўлади: Каренинни кўп номаъқул хатти-ҳаракатлари, қилиқларини кўриб, ундан жирканамиз, айни пайтда, унинг бир инсон фар-

занди сифатида чеккан изтиробларидан ҳаяжонга тушамиз, уни шу аянчли кўйларга солган жирканч муҳиг ҳақида ўй суриб кетамиз. Бугунги кунларимиз ҳақида ёзилган «Оқ кема» қиссасидаги Мўмин чолни олайлик. Бу майини мулойим чол мураккаб вазият таъини остида ўз муқаддас эътиқодини, қолаверса, ўз нафсониятини оёқ ости қилади. Унинг бу қилмиши чексиз нафратга саювор. Лекин уни шу кўйларга солган омиллар билан танишиб, унинг ҳолига қаттиқ ачинамиз. Тарихий роман «Улуғбек хазинаси»даги Абдуллатиф - оқпадар, қотил; мавлоно Муҳиддин - хиёнаткор; ёзувчи, кези келганда, ана шундай одамларнинг дард-ташвишларини, ночор ҳолатини ҳам ўқувчини дарзага солар бир тарзда тасвир этади. Бу хил мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Афсуски, фош этиш бобида ғоят катта устунликларга эга сатирада ана шундай имконият йўқ.

Юморга келсак: унда ўзгача ҳол. У танқид қилиш билан баробар инсонни мураккаблиги билан кўрсатиш, кези келганда уни улуглаш, ардоқлашга ҳам қодир. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Солиҳ маҳдумни кўз олдингизга келтириб кўринг. Бу одамнинг хасисликлари, тамағирлиги асарда яхши очилган, фош қилинган. Айни пайтда, автор юмористик бўёқ воситасида бу одамнинг ҳамма нуқсонларини ювиб кетарлик инсоний фазилатларини ҳам топа олади - «нима бўлганда ҳам маҳдум ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан... нодир муаллимларидан» эканини айтади. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмадлар бисотидан бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин... Ҳар ҳолда реализмнинг ҳозирги етук босқичида сатира соф ҳолда, мустақил равишда ривожланиши мушкулроққа ўхшайди; у, боя айтилганидек, кўпроқ кичик жанрлар шаклида нисбатан яхшироқ ривожланаёттир, йирик жанрларда эса бошқа тасвирий воситалар, жумладан, юмор билан қўшилиб-чатишиб бораётгандай кўринади. Кейинги йилларда ҳажвий миниатюраларнинг эл орасида машҳур бўлиб кетганлиги, Аркадий Райкин, ўзимизда Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев каби моҳир миниатюра усталарининг этишиб чиққанлиги тасодифий бўлмаса керак.

ЁЗУВЧИ: Сиз бу ерда жуда жиддий бир масалани ўртага қўяпсиз. Яъни айтмоқчисизки, нега экскаватор ерни чуқур қавлайдию, белкурак ёки кетмон жуда саёз чопади, шулар ҳам ниш асбоби бўлди-ю демоқчисиз-да. Менимча, белкурак билан экскаваторнинг ўз ўрни ва вазифаси борки, бири иккинчисини тўлдиролмайди. Шунга ўхшаш, сатира билан жиддий реалистик асар имкониятла-

ри ҳам ўзига хосдир. Бирида бор имконият ва имтиёз иккинчисида чекланган бўлади, масалан, сатирада шартлилик, муболага жуда устун туради. Салтиков-Шедрин билан Лев Толстой ижодини таққослайдиган бўлсак, бу иккала адиб ҳам ўз даври жамиятига адолатли баҳо берганлар. Сатирик Шчедрин асарларида кўпроқ натижани кўрсатиш орқали бу иш бажарилган, жиддий пландаги асарлар муаллифи Толстой эса сабабиятни таҳлил этиш орқали бу вазифани адо этади. Шу тариқа, сатира билан жиддий руҳдаги асарларнинг тасвир ва талқин этиш усули ва услуби ҳар хил, ўзига хосдир. Шу ўзига хослик бўлмаса булар алабий тур, жанр бўлиб яшашга ҳақсиз бўларди. Гоголнинг Хлестакови билан Толстойнинг Каренинини солиштирадиган бўлсак, аввало, бу образлар қайси асарда, қайси жанр, услуб талаблари асосида яратилганига эътибор беришимиз керак. Ва шу жанрлар имконияти, қонуниятларидан келиб чиқиб, баҳолашимиз керак. Ахс ҳолда, имконияти торроқ бўлган ва кўпроқ шартлиликдан фойдаланиб, образ яратилган, масалан, кўғирчоқ театрига ўхшаш санъат турларини тугатишга тўғри келиб қолади-ку!

ТАНҚИДЧИ: Йўғ-е, мен асло ундай демоқчи эмасман, сатира, юмор ва жиддий руҳдаги асарларнинг танқид этишдаги ўзига хослиги, имкониятларини уқтириб ўтмоқчиман, холос... Албатта, менинг сатира ҳақидаги бу ерда ўртага ташлаган мулоҳазаларим мунозарали... Энди бошқа бир масалага - ҳажвий асарда кулгининг роли муаммосига ўтсак.

Ҳажв - сатира ва юмор кулги билан тирик. Кулги - ҳажв қуроли. Шунга қарамай, ҳажвийётга оид баҳсларда баъзан кулгисиз ҳам ҳажвий асарлар бўлиши мумкин, деган мулоҳазалар эшитилиб қолди...

ЁЗУВЧИ: «Кулгисиз ҳажвий асар бўлиши мумкин» деган гапга ҳеч қўшилиб бўлмайди. Билмадим, бу гап кимдан чиқди экан; ҳар қалай, бунга ўхшаш гаплар сатирик, юмористик асар ёзмоқчи бўлиб, бунга эришолмаган омадсиз муаллифлардан чиққан бўлса керак. Сатиранинг энг жиддий шакли памфлет ҳисобланади, ҳатто шу ҳам қочириқлар, кесатиқлар билан ёзилиб, бари бир, ўқувчида кулги туғдиради. Сатирада кулги бўлиши керакми ёки йўқми деган масала йўқ. Аммо сатирик асар кулгининг қурбони бўлиб қолмаслиги керак, деган қонда борлиги аниқ. Михаил Кольцов айтиди: «Фельетонни ўқиётганда бир бор кулсанг - яхши, иккинчи бор кулсанг - аъло, уч бор кулсанг ва охиригача кулаверсанг, бу энди фельетон эмас, олифталарча ҳиринглашдан иборат бўлиб қола-

ди». Демак, сатирик асарда кулги албатта бўлиши керак, лекин меъёрида бўлиши лозим.

ТАНҚИДЧИ: Бу хусусда Алишер Навоий ҳам «Ҳайратул-аб-рор» достонида яхши гап айтган:

*Кулжи ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Игламоқ андин кўп эрур яхшироқ.*

ЁЗУВЧИ: Қаранг, қандай доно гап! Асардаги кулги ортиб ҳам, камайиб ҳам кетмаслиги керак. Кулги кучайиб кетса, ўқувчининг диққати асосий масаладан четга чиқиб кетиши мумкин.

ТАНҚИДЧИ: «Ҳажвий асарда кулги бўлиши шарт эмас» деган гапнинг чиқишига асос берадиган фактлар ҳам бор. Баъзан асар «сатира ёки юмор» деб тақдим этилади. Дарҳақиқат, уларда сатира ва юмор учун асос - комик вазият, ҳажвбоп персонажлар мавжуд. Аммо кулги, қаҳқаҳа йўқ ёки жуда заиф. Бутун бошли сатирик ёки юмористик асарни ўқиб, томоша қилиб, нари борса, бир-икки ўриндагина базўр жилмайиб қўясиз.

ЁЗУВЧИ: Сатирик асарда кулги бўлмаса, бу хил асар чала пишган таомдек бемаза ва бадҳазм бўлади. Ҳар қандай таом пишиб этилгани, роса солинган тузи билан тотли бўлганидек, сатирик ва юмористик асарлар ҳам ўзининг кулгиси билан ёқимли-жозибadorдир.

ТАНҚИДЧИ: Абдуқаҳҳор Иброҳимов асарлари драматургиямизда ўзига хос воқеа, айниқса, унинг «Арра», «Зўлди» драмалари сатирабоп жиддий ҳодиса ва характерларни топиш жиҳатидан иборатли. Лекин, афсуски, бу икки асар ҳам образли, комик тил жиҳатидан оқсайди ..

ЁЗУВЧИ: Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ижодини мен синчиклаб, севиб кузатиб бораётман. Муаллиф асардан асарга ўсиб бораётти. «Зўлди» спектаклини қашқадарёлик артистлар яхши ижро этишди, асар муҳокамасида чиқиб, муаллифни чин юракдан табриқладим: шу билан бирга, айни кулдирадиган жойларида кулги етишмаётганлигини ҳам айтдим. «Ревизор»да сюжет ҳам кулгили тузилган, комик асос ниҳоятда жиддий, шунга мувофиқ кулгили долатлар ҳам атайлаб бўрттирилган, бир кулги кетидан келадиган бошқа кулгига ривож бериб борилган. Бизнинг тилимиз кулгига бой тил, агар унинг имкониятларидан фойдаланилса яхши бўларди. Абдулла Қаҳҳор «Ревизор»ни ўзбек тилига ағдарганида она тиличиздаги имкониятларни қойилмақом қилиб намойиш этган..

ТАНҚИДЧИ: Акс ҳолни ҳам кўриш мумкин. Шундай ҳажвий асарлар ҳам борки, улар тил, комик ифода жиҳатидан рисоладагидек - киноя-кесатиқ, латиф қочирӣқ, лоф, тагдор ўйноқи сўз-ибораларга, бинобарин, кулги ҳосил этувчи халқчил воситаларга анчагина бой; бироқ, минг афсуски, асардаги ҳаётӣй комик замин ўта заиф, кулги теран маънодорликдан холи. Бу ҳозирги ҳажвий адабиётимиздаги энг жиддий камчиликлардан бўлиб турибди... «Юзга айтганининг заҳри йўқ», дейдилар, бу хил камчиликлар Сизнинг «Жонгинам, шартингни айт» китобингиздаги қатор ҳажвий ҳикояларингизда ҳам кўзга ташланади.

ЎЗУВЧИ: Сиз назарда тутган асарлар бундан ўн беш йигирма йил бурун яратилган. Эҳтимол, ўша кезлари шундай танқилӣй фикр эшитганимда қўшилмас эдим; ҳозир эса танқилни тан олмай иложим йўқ - гапингиз тўғри; ўша кезлари мен кўпроқ ўқувчини кулдиришни ўйлабман-у, кулги остига жиддийроқ маъно жо эгишга эса етарли эътибор бермаган эканман. Бу тажрибасизлик оқибати, албатта.

ТАНҚИДЧИ: Худойберди, Сиз ҳажвиётдан болалар адабиётига ўтган ўзувчисиз. Болаларга атаб ёзган барча асарларингиз қувноқ юмор билан суғорилган. Болалар дунёси қувноқ кулги учун бой манба саналади. Юмор болалар табиатининг доимий йўлдоши. Сиз фақат болалар ҳаётдан олиб ёзган асарларингиздагина эмас, катталар ҳаётдан олиб болаларга атаган асарларингизда ҳам шу хил қувноқ кулгини сира тарк этмайсиз. Бир мисол. Аввал ўзбек тилида, сўнг яқинда Москвада рус тилида chop этилган «Қонилар юлдузлари» деб аталган очерклардан иборат китобингиз бошдан-оёқ болаларча беғубор юмор билан жилланган. Болаларга аталган асарларингиз ўзимизда, қардош республикаларда, чет элларда катта шуҳрат қозонаётганлиги сири, сабабларидан бири ҳам худди ўша ҳаётбахш юмордadir. Ёдингиздами, болалар адабиёти масалаларига бағишланган бир анжуманда атоқли итальян болалар ўзувчиси Жанни Родари «Сариқ девни миғиб» романи ҳақида тўхталиб, бу асар менга ўзининг бой фантазияси, ҳаётбахш юмори билан маъкул бўлди, деган экан. Худди шу асар немис тилида чиққанида туркшунос олима Дорас Шульц Сизга ўзбек тилида мактуб йўллаб, роман қувноқ ўзбекона кулгиси билан немис китобхонига маъкул тушганлигини таъкидлайди. Таниқли болалар адиби Альберт Лиханов «Беш болали йигитча»нинг Москвадаги нашрига ёзган сўз боши мақоласида асардаги ғамгин оҳангга жўр бўлиб уни нурлантириб турган ҳаётбахш юморга катта баҳо беради... Шу муносабат билан

бир нарсани сўрамоқчиман: Сиз болалар алабиётидаги юморнинг ўрни ҳақида қандай фикрдасиз?

ЁЗУВЧИ: Болалар табиатан қувноқ бўлади, унинг мурғак қалби эркаланиши, эркаланиши ҳаминша талаб килиб туради. Чақалоқ овоз чиқариши билан ё йиғлайди, ё қиқирлаб кулади...

ТАНҚИДЧИ: Демак, инсон боласининг ҳаётига илк муносабат воситаси - кулги ва йиғи...

ЁЗУВЧИ: Болаларга асар ёзган машҳур ёзувчилар, масалан, Марк Твен, Аркадий Гайдар бола психологиясининг ана шу томонини ҳисобга олган бўлсалар керакки, ўз асарларида юмористик оҳангни қуюқлаштиришга ҳаракат қилишган. Аркадий Гайдарнинг қайси бир асарини ўқиманг, майин, латиф кулги, эркаловчи бир оҳанг сезилиб туради. Болалар ўртасида қайсики ёзувчи машҳур бўлган бўлса, ўша ёзувчи ижоди кулгига, кулгили ҳолатга, чиройли сўз ўйинларига бой эканини кузатамиз. Чунки болаликнинг ўзи кулгига, кулгили ҳолатларга бой бир палладир. Николай Носов болалар учун қисқалина бир муддат ичида ижод қилди. Аммо у шундай тез машҳур бўлиб кетдики, китобларининг кўп нашр этилиши жиҳатидан Жанни Родаридан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Бунинг сабабларидан бири шуки, Носов асарлари юморга бой. Жанни Родари асарларининг жаҳон бўйлаб, тез тарқалишининг боиси ҳам худди шу юморга бойлигидир. Мана шуларни ҳисобга олиб, мен ҳам болаларга қувноқроқ қилиб ёзишга, уларнинг табиатига мос, ўзларининг кундалик ҳаётларига ўхшатиб ёзишга ҳаракат қиламан.

ТАНҚИДЧИ: Болалар ҳаётдан сатирик асар ёзиш, болаларни сатирик қаҳрамон қилиб бериш мумкинми, деган ва кўп баҳсларга сабаб бўлаётган масалага болалар ёзувчиси сифатида қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ: Болалар ҳаётдан болалар учун ёзилган сатирик асар ёки шу услубда яратилган образни жуда кам кузатганман. Лекин катталар ҳаётдан болалар учун ёзилган асарларда сатирик образлар кўплаб учрайди. Бунинг сабаби болаликни беғубор кўришга интилишда бўлса керак.

ТАНҚИДЧИ: Дарҳақиқат, болалар алабиётида сатирик планда битилган асарлар, айрим кичкинтой сатирик персонажлар гоҳо учраб турса-да, бола образи моҳият эътибори билан кўпроқ юмористик талқинга лойиқ...

Шуниси ҳам борки, болалар учун ёзилган асарда ҳар доим юмор бўлиши шарт эмас, болаларга аталган юмордан холи яхши асарлар

ҳам кўп. Бироқ, қизиқ, баъзан ўта жиддий ёзувчилар ҳам болалар учун ёзганда, беихтиёр юморист бўлиб қоладилар, юморга мойиллик кўрсатадилар. Буни Лев Толстой ижодида кузатиш мумкин.

ЁЗУВЧИ: Катталар учун жиддий асарлар ёзган муаллифлар ҳам болаларга ёзаётганларида кўпинча юморга мойиллик сезадилар деганингиз тўғри. Чунки болалик ҳали жиддийлик эмас, унинг асосий вақти ўйин билан ўтади, жамият тартиби, ахлоқ намуналарини ҳам кўпинча ўйинлар орқали қабул қилади ва ўзлаштиради. Шундай паллада ўқиладиган асар ҳам ҳазил-мутойиба, кулги билан суғорилгани маъқул. Лев Толстой буюк психолог эди, болалар дунёсини яхши билар эди, шунинг учун ҳам катталар учун ёзган асарлари деярли юмордан холи бўлган даҳо адибнинг болаларга атаган асарларида юмор мавжуд.

ТАНҚИДЧИ: Табиатан юморга мойил ёзувчи болалар учун ёзганда ҳамиша ўз табиатига содиқ қолавергани маъқул экан. Узоққа бориб ўтирмайлик, мана, ўзингиз Номоз ҳақидаги тарихий-саргузашт романингизнинг дастлабки қўлёзма вариантыда, негадир, аввалги барча асарларингизга хос юмористик талқиндан воз кечган эдингиз, натижада, асар бир оз қуруқроқ чиқиб қолди. Асар қўлёзмаси муҳокамаси пайтида бу камчилик айтилган эди. Романинг кейинги вариантыда ўзгача ҳолни кўрамыз. Асар ҳаётбахш юмор билан суғорилгани учун гўё тасвир нурланиб кетгандай туюлди менга.

ЁЗУВЧИ: Тўғри, «Қасоскорнинг олтин боши» номли асар ушунда ишлаётганимда менда кўп иккиланишлар бўлди. Қаҳрамоннинг қисқагина умри гоаят шиддатли, машаққатли, фожиона кечган эди, фожиавий ҳаёт тасвири ёнида юмор бўлиши номақбул деб ўйладим, азада ашула айтгандек бўлиб қолмасмикин, деб бир оз чўчинқирадим. Муҳокамадан сўнг, ўйлаб қарасам, юмор фожиани тасвирлашга халақит бермас экан. Бир бобда кулги, бир бобда йиғи тарзида давом эттира бериш мумкин экан. Ростдан ҳам асар бошдан-оёқ фожиа тасвиридан иборат бўлганида, менинг ёш китобхонларим қалбига итирўб сизмай, эрикиб қолиши, китобни ташлаб қўйиши мумкин экан. Демак, болалар билан ишлайман, уларнинг қалбини охиригача ром қилиб оламан, деган ёзувчи бола қалбининг доимий йўлдоши ва эҳтиёжи бўлган қувноқликдан, ҳаётбахш юмордан, одам боласининг бутун вужудига ором берадиган ана шу ноёб руҳий ҳолатдан узоқ кетмаслиги керак экан!

1980 йил, сентябрь.

ИСТЕЪДОДНИ КАШФ ЭТИШ САНЪАТИ

(«Гулистон» журнали адабий ходими билан суҳбат)

- Домла, ҳозирги давр ёш танқидчиларидан кўнглингиз тўлади-ми? Улардан кимларни фаол деб ўрнак қилиб кўрсатасиз?

- Авваллари ҳам айтганман, 90-йиллари бизда танқидчиларнинг янги бир авлоди шакллана бошлади. Бу авлоднинг бахти, омади шундаки, улар узок йиллар танқид соҳасида не-не ноёб истеъдод эгалари оёғида тушов бўлган, онгини, қарашларини заҳарлаб келган мустабил мафкура ва адабий сиёсат асоратларидан холидирлар. Бунинг устига улар жаҳондаги хилма-хил адабий-танқидий мактаблардан яхши хабардор, ўз миллий адабий меросимиз, анъаналаримизни яхши эгаллаган, манбаларни ўқий ва ўқий оладиган, ўтмиш билан ҳозирги адабий жараён орасидаги робиталарни назик ҳис эта биладиган истеъдод соҳибларидир. Энг муҳими, улар адабиётни, биринчи галда, санъат ҳолисаси сифатида ҳис этишга, англашга, англатишга мойил шахслардир. Ҳ. Болтабоев, Ш. Ризаев, А. Улуғов, Р. Қўчқоров, Д. Куронов, Б. Каримов, У. Ҳамдамов, М. Қаршибой, А. Отабой, айрим зиддиятли жиҳатларига қарамай С. Мели, Я. Қосимов, айни шу авлоднинг забардаст вакиллари дур. Бугун матбуотда уларнинг ўнлаб издошини учратишингиз мумкин. Мен уларнинг китобларини, мақолаларини ўқиб, радио, телевидениедаги чиқишларини тинглаб, томоша қилиб, очиги, яйрайман, уларга ҳавасим келади.

Танқидчиликдаги бу янги авлоднинг илк тажрибалари яна бир бор шундан далолат берадики, адабий танқид бу, аввало, истеъдодни, у яратган бадиий мўъжизаларни кашф этиш санъатидир. Тўғри, адабий танқид - фан, бироқ у ўзига хос фан; у санъат асарини, санъат сирини, санъаткор қалбини ҳис этиш, англаш ҳақидаги фан; танқидчиликка даъвогар одам табиатида санъаткорлик, санъатни ҳис этиш туйғуси бўлмаса, яхшиси, бу соҳада аралашмагани маъқул. Бошқа фанлар билан солиштирганда адабий танқидчиликда чинакам истеъдодларнинг камлиги шунда. Адабиёт фани бўйича фан ном юди, доктори илмий даражасини олганларнинг ҳаммаси ҳам чин танқидчи ёки адабиётшунос бўлавермайдида, ахир!

- Бирорта шоир-ёзувчининг янги китоби чиқса, маълум даражада шов-шув бўлади. Бунда сиз - танқидчиларнинг ҳам ҳиссаларингиз борми?

- Адабиётда пайдо бўлган ёрқин истеъдодларни, янги асарларни эл-юртга танитиш, улар атрофида яхши маънода «шов-шувла-

рнинг кўтарилишида адабий танқиднинг хизмати нақадар катта экани тарихдан маълум. Узоққа бормаёлик-да, яқин ўтмишни эслайлик. Адабиёт осмонида Абдулла Орипов деб аталган митти юлдуз пайдо бўлганида, уни илк бор «Шарқ юлдузи» орқали элга танитган, сўнг кетма-кет чиқишлари билан шоирнинг ижодий изланишларини мунтазам қўллаб-қувватлаб, уни замонавий шеърятимизнинг ёрқин юлдузи даражасига кўтарилишида бениҳоя катта ҳисса кўшган мунаққид Озод Шарафиддиновнинг савоб ишларини бир эсга олайлик. Ёки шу мунаққиднинг Эркин Воҳидов илк шеърлар китоби - «Тонг нафаси» ҳақидаги «Ўзбекистан маданияти»даги мақоласи шоир ижодий тақдирда қанчалар буюк рол ўйнаганини, бундай хайрли ишлар қалбини нима билан ўлчаш, баҳолаш мумкин?! Ёдимда, ўша мақола чиққан кундан бошлаб «Тонг нафаси»ни, унинг муаллифини суриштириб юрганлар адабсиз тус олган эди. Ёки Абдулла Қаҳҳорнинг Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевлар ҳақидаги илиқ сўзлари матбуотда чиққанида бу ёш истеъодларга қизиқувчилар бениҳоя кўпайганига шахсан ўзим шохидман... Афсус, шу мўътабар анъана сўнгги йилларда бир оз сусайиб қолди. Танқидчи ва ёзувчилар (ёзувчиларнинг танқидчиликдаги хизмати профессионал танқидчиларникидан кам эмас!) истеъодни, яхши асарни кашф этиш, вақтида элга танитиш бобида сусткашлик қилаётирлар.

Яна бир ҳолни унутмаслик даркор: шўролар даври танқидчилигининг аччиқ сабоқларидан бири шуки, мустабид мафкура, хаёо адабий сиёсат оқибати ўлароқ, адабий танқид кўплаб ёрқин истеъодларни, адабий асарларни бадном қилиш ва маҳв этиш, аксинча мафкуравий жиҳатдан «соғлом», аммо бадиий қиммати «сарик чақа»га эришмайдиган «асарлар»ни кўкларга кўтариш, эталон-намуна қилиб кўрсатиш бобидаги «муносиб хизматлари»ни асло унутиш мумкин эмас. Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби алломалар ижоди, улар яратган шох асарларни ўшандай маломатлардан ҳалос этиш қанақа машаққатлар ичида кечди. Бугина эмас, «Навоий», «Жалолиддин Мангуберди», «Тобутдан товуш», «Юлдузли тунлар» бошига шу хил танқид туфайли не-не савдолар тушгани кўпчиликка маълум.

Шундай аччиқ ҳақиқатлар сабоғи бизни яна бир нарсадан огоҳ этади: танқидчи учун санъатни нозик ҳис этишдек ноёб истеъод билан баробар, унда виждон, алолат, инсоф, имон туйғуси ҳам юксак бўлиши, яъни ҳақиқий танқидчи, Қодирий ибораси билан айтганда, «шахси бутун», мустаҳкам эътиқодли ижодкор бўлиши

даркор. Шўро даврида яшаб, ижод этган мунаққидларнинг ҳаммаси ҳам «вульгар социологизм» оғуси билан захарланган, жоҳил, истеъдодсиз кимсалар эди, деган фикрдан узоқман. Улар истеъдодсизлиги, билимсизлиги туфайли эмас, кўпинча замонасозлиги, вазиятга қараб товланиши оқибатида қалби буюрмаган ишларни адо этиб, гуноҳларга ботган. Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатда ана шундай машҳур бир танқидчи ҳақида: «Ақлли, билимдон, аммо ҳар қадамда виждонига хиёнат қиладиган сотқин» деган эди. Мана шунақа сотқинлардан Ахлоқнинг ўзи асрасин...

- Истиқлолдан аввалги даврда баъзи асарларда Ватанимиз тарихидаги буюк шахслар сиймоси бузиб кўрсатилган эди. Истиқлол даврида тарихий далиллар бундай бузилишларга чек қўйдими?

- Дарҳақиқат, шўро даврида яратилган бир қатор бадий асарларда Ватанимиз тарихидаги буюк шахслар сиймоси бузиб кўрсатилган. Бу ҳол, айниқса, Темури сиймоси талқинида юз берди. Бироқ ўша йиллари ёзилган тарихий мавзудаги барча асарларда буюк шахслар сиймоси ёппасига бузиб берилган, дея қатъий ҳукм чиқариш адолатдан эмас. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Абулфайзхон» каби асарларни қўя турайлик, тоғалитар адабий сиёсат авжига чиққан йилларда яратилган «Навойи», «Маҳмуд Торобий», «Жалолиддин Мангуберди» каби асарларда етакчи қаҳрамон - тарихий шахслар ҳақдоний кўрсатилганлигини бугун ким инкор эта олади! «Муқанна», «Алишер Навоий», «Улугбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Юлдузли тунлар», «Темури Малик» сингари драма ва романлардаги айрим персонажлар талқини билан алоқадор эҳдиётли, мунозарали жиҳатларни мустасно этганда, уларда тарихий ҳақиқатга садоқат туйғуси устувор.

Истиқлол туфайли адибларимиз тарихга яккаҳоким мафкура асосида тор синфий ёндашиш балосилан халос бўлди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш бобида катта хайрли ишлар бошланди. Бу ҳол бадий ижодда кўп яхши самаралар беражагига шубҳа йўқ. Бироқ тарихий ҳақиқат билан бадий ҳақиқат орасидаги нозик масалаларга ўта эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан ёндашмоқ даркор. Акс ҳолда бу борада ҳар қадамда қовун тушириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Аввало, «тарихий ҳақиқат» дегани нима ўзи? Манбалардаги маълумотларни, буюк тарихий шахсларга оид замондошларининг хотира-мулоҳазаларини тарихий ҳақиқат деб талқин этувчилар бор. Манбалардаги бир тарихий воқеа, шахслар ҳусусида неча ўнлаб талқинлар мавжудлигини ҳам унутмайлик. Чунончи, Ленин, Ста-

лин ҳақида танқидий фикрлар билан баробар, замондошлари, ҳатто XX асрнинг не-не буюк алломалари қаламига мансуб бир неча жилдларга жо бўлгудек ҳамду санолардан иборат хотира, маълумот, мулоҳазалар мавжуд, уларнинг кўпчилиги китоб бўлиб ҳам чиққан. Шуларни бугун ҳақиқат деб бўладими?!

Бу - масаланинг бир томони. Масаланинг яна бир жиҳати ҳам борки, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлидаги ҳозирги жараёнлар ҳали интиҳосига етган эмас. Бугунгача эришилган ҳақиқатлар асосида баъдий асарга ёндашиш, қатъий ҳукм чиқариш фирт нодонликдир. Фан бир жойда туриб қололмайди, эҳтимол, эртага жилдий илмий кашфиётлар яратилиб, бугунги қарашлар бугунлай ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Айни пайтда, тарих фанининг ҳозирги тараққиёти эндиликда асло барча бир хил қўшиқни айтиши шарт, деган маънони англабмайди. Муҳим тарихий ҳодисаларга, шахсларга илмий асосланган, ўй-мушоҳадаларга ундовчи хилма-хил қарашлар қанча кўп бўлса - шунчалик яхши. Бу фикр, айниқса, тарихий мавзудаги баъдий асарларга дахлдордир. Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, буюк тарихий воқеалар, шахсларнинг улуғ, даҳо адиблар томонидан хилма-хил, ҳатто, бир-бирлариникига зид ҳолда талқин этилиши нормал, табиий бир ҳолдир. Биламизки, ҳазрат Навоий дostonидаги Искандар образи тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Ф. Шиллер ўзгача, С. Цвейг бошқача, В. Скотт яна ўзгача талқин этган. Клеопатранинг В.Шекспир, А. Пушкин, Шоу ва Чўлпон асарларидаги, шунингдек, 60-йиллари Америка санъаткорлари яратган фильмдаги талқинлари нақадар хилма-хил.

Миллий адабиётимизнинг яқин кечмишидан бир мисол. Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романида сарой муҳити, салтанат ичидаги зиддиятлар, Султон Маҳмуд Ғазнавий руҳий драмаси ифодаси кенг ўрин олган. Роман тарихга синфий ёндашиш талаби устувор бўлган, жаҳонгир шоҳу султонлар ҳақида ижобий гап айтиш ман этилган, жумладан, Ғазнавийга салбий муносабат авж паллага кўтарилган кезларда дунёга келгани туфайли, бу образ талқинида давр руҳи асоратлари маълум даражада ўз муҳритини қолдирган. Асар муаллифи Султон Маҳмудни кўпроқ мустабид ҳукмдор сифатида кўрсатишга жазм этади; Султоннинг эзгу ишлари, қурган қасрлари, яратган гўзалликда беназир жаннатмонанд боғлари, барпо қилган масжид ва мадрасалари, илм-фан кишиларига кўрсатган саховатлари, жанглардаги жасорати ва мардлигини камроқ тасвирлаб, унинг ҳаётда йўл қўйган хатолари, адолатсизликлари, гу-

ноҳлари учун умри сўнггида чеккан руҳий қийноқларига кенг ўрин беради. Шуларга асосланиб, сўнгги пайтларда роман муаллифи шаънига гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона имо-ишоралар орқали баъзи таъна, дашномлар билдирилмоқда. Эҳтимол, бирор ўзбек адиби бугунги кунда Султон Маҳмуд Газнавий ҳаётига мурожаат этиб, тамомила бошқача, яъни унинг кўпроқ хайрли ишларини, ижобий хислатларини кўрсатишга жазм қилиб, бу ишни қойил қилиб адо этса, марҳамат, бундай ижодий жасоратни фақат табриклаш мумкин. «Кўҳна дунё»да Султон кўпроқ мустабид сифатида гавдалантирилган экан, бу ҳам, умуман олганда, тарихий ҳақиқатга зид эмас, бу мураккаб улуғ тарихий сиймо ҳаёти ва шахсиятида бунинг учун етарли асослар бор, ёзувчи шундай йўл тутушга ҳақли.

- Мустақиллик даврида ижодкорларга диний мавзуларни ёритиш учун кенг майдон очилди. Улар истиқлол берган бу имкониятдан қандай фойдаланишмоқда?

- Динга, адабиётдаги дин билан боғлиқ масалаларга муносабат бобида узоқ эмас, ўн-ўн беш йил бурун юз берган воқеа-ҳодисаларни талабаларга сўзлаб берсангиз, ишонишмайди. Университет талабаларидан бири Яссавий ҳақида савол бергани учун, ўша талаба ва аудиториядаги муаллим (Ботирхон Акрамов) бошига не-не савдолар тушгани, махсус комиссия тарқатган анкетанинг никоҳ ўқитиш хусусидаги саволига икки талаба ижобий муносабат билдиргани учун филология факультети атрофида қанақа шов-шувлар кўтарилгани; диний мавзуда ижобий гап айтиш, ёзиш ман этилгани, ҳатто мумтоз шоирларимиз, В. Шекспир асарларидаги диний сўзлар гаҳир этилгани - бу латифанамо воқеа-ҳодисалар чиндан бўлиб ўтганига гувоҳмиз-ку, ахир! Халқда «ношукур банда» деган гап бор. Ростини, динга, исломга муносабат бобида сўнгги йилларда содир бўлган буюк ўзгаришларнинг қалрига етганимизча йўқ. Кейинги ўн йил ичида миллий адабиётимизда бутун бошли диний йўналиш туғилиб шаклланишга улгурди. Бироқ бу йўналишда ёрқин бадиий кашфиётлар борми, деган саволга дадил ижобий жавоб беришга қийналасан, киши. Ҳозир диний мавзуда асар ёзмаган ёхуд Оллоҳ номини зикр этмаган асар, шоир ёки носирни тополмайсиз. Узоқ йиллик илоҳга чанқоқлик ҳамма қаламкашни ёппасига руҳониятга юз буришга олиб келди. Кунин кеча лаҳрий мавзуларда қалам тебраниб, «партия-совет кўшиқлари»ни куйлаб юрган шоирлар ҳам илоҳий мавзуларда, жумладан, ҳадис йўлларида шеърлар бита бошлади. Ҳазрат Навоий бутун ижоди давомида устози Жомий тажрибасига таяниб, бор-йўғи қирқта ҳадис асосида тўртликлар яратиш

билан чекланган эди. Қаранг, даҳо шоир бу борада қанчалар масъулият билан иш тутган-а! Бугунги шоирларимиз шеърӣ ҳадислар ёзишда аллақачон Ҳазратни йўлда қолдириб кетдилар. Ёки тасаввуфӣй йўлларда яратилаётган шеърларни эслайлик. Бу йўлда ҳам қалам чекмаган шоир қолмади, десам янглишмайман. Абдували Қутбиддин, Асқар Маҳкам, Ҳалима Аҳмедова изланишларини мустасно этганда, ҳозирча бу йўлда жиддийроқ бадний кашфиёт дейишга арзигулик асарлар яратилганлигини элай олмайман. XX аср адабиётида кўп мавзулар модага айлантирилди. Бироқ диний-исломий, тасаввуфӣй мавзуларни модага айлантиришга ҳаққимиз йўқ. Бу - гуноҳи азим! Тасаввуфӣй йўлда асар ёзиш учун, менимча, мутасаввуф бўлиб туғилиш керак; минг йиллик адабиётимиз тарихига назар ташлайлик. Мутасаввуф шоир бўлиб танилганлар бармоқ билан санарди: Яссавий, Сулаймон Боқиргоний, Суфи Оллоёр, Машраб, Ҳувайдо... Мундоқ мақом ҳаммага ҳам насиб этавермас экан-да! Айниқса, бизнинг замонимизда.

- Айни кунларда адабиётшуносларимиз олдида турган долзарб вазифалар нималардан иборат? Бу соҳада сизни кувонтирадиган ва қийнаётган муаммолар ҳақида гапирсангиз.

- Бу хусусдаги саволингизнинг иккинчи қисмига юқорида, ҳозирги ёш танқидчилар фаолияти хусусида гап кетганда, қисман жавоб бердим. Айни кунларда адабиётшуносларимиз олдида турган долзарб масалалар беҳад кўп. Мумтоз адабиёт, халқ оғзаки поэтик ижоди бўйича кўндаланг бўлиб турган муаммолар бевосита шу соҳаларнинг мутахассисларига яхши аён. Мен кўпроқ XX аср янги ўзбек адабиёт тарихи билан шуғулланганлигим учун бу борадаги энг жиддий вазифа - янги ўзбек адабиёти тарихини жаҳон адабиёти фани ютуқлари асосида янгича идрок ва тадқиқ этишдан иборат деб биламан.

Ҳеч қанақа тарафкашликка берилмасдан, юксак адабий-эстетик мезонлар асосида миллий адабиётимизнинг бир аср давомида босиб ўтган ўта мураккаб, зиддиятли, фожைய ҳамда шонли йўлини ҳаққоний ёритиш, унинг чинакам илмий тарихини яратиш шу соҳа «нон»ини ейдиганларнинг бурчидир.

Хабарингиз бор, олти-етти йилдан бери ўрта мактаб янги адабиёт дастури ва дарсликлари бўйича фаол иш олиб бориляпти. Шу кунларда V-IX синфлар учун тубдан янгиланган янги дастур ва дарсликлар яратишга киришилди. Афсус, олий ўқув юрглари бу соҳада анча ортда қолди. Маълумки, филология факультетларида адабиёт бўйича ўндан ортиқ фан ўрганилади. Шу фанларнинг би-

портасидан ҳам ҳозирча бугунги талабларга жавоб берадиган ўқув қўлланмаси, дарслиги йўқ. Айрим фанлар бўйича яратилган янги дарсликлар нашри турли баҳоналар билан ортга суриб келинмоқда. Энг оқсоқ соҳа - адабиёт назариясига оид замонавий қўлланмаларнинг, ҳатто, дастурнинг йўқлигидир. Мавжуд дастур, қўлланмаларни, замонавий жаҳон эстетикаси, адабиёт назарияси фани даражаси, мезонлари билан ўлчанадиган бўлса, бу соҳа бизда камида ярим аср орқادا қолиб кетганлиги аён бўлади. Назарияни эгалламай, янгиламай бугунги жаҳон адабий-танқидий тафаккури даражасига қўтармай туриб, бошқа кўнлаб долзарб масалаларни ҳал этиш асло мумкин эмас.

Суҳбатдош: Маҳмула АБДУЛЛАЁРОВА.

1999 йил.

МУНАҚҚИД МАЪНАВИЯТИ

(Сўнгсўз ўрнида)

Ҳар қандай нарса, фан, соҳа эҳтиёж ва талаб натижасида пайдо бўлади. Адабий танқидчилик ҳам кимнингдир хоҳиш-истаги ёки талаби туфайли эмас, балки одам ҳаёти, унинг қувонч-ташвишлари, инсоннинг жамиятдаги ўрни хусусида мулоҳаза билдириш эҳтиёжи натижасида юзага келган. Агар шу ҳақиқат эсга олинса, мунаққид ҳам худди шоир, адиб сингари ижодкор экани аёнлашади. Афсуски айримлар шеър, ҳикоя, роман битадиғанларни «ижодкор» дегани ҳолда, танқидчиларга андак беписанд қарайди. Улар адабий-танқидий мақолаларни ўқиёлмаслигидан шикоят қилишади. Бунга, бир чеккаси, айрим мунаққидларнинг мақола, тақризларидаги мулоҳазалар маъноси мавҳум эканлиги, уларнинг бурама, чийратма усулда ёзиши ҳам сабаб. Аслида, ҳар бир соҳага «ўз одамлари» обрў келтиради. «Ўз одамлари» сиз ҳар қандай соҳа, тармоқ таназулга учрайди. Ҳар қандай фан, йўналиш ўз фидойилари туфайли равақ топади. XX аср мислсиз фожияларга тўла бўлсада, унда инсоният жуда кўп нарсаларга эришди. Айни шу даврда ўзбек халқи ҳаётига ҳам жуда кўп янгиликлар кириб келди. Адабий танқидчилик ана шундай янгиликлардан бири бўлди. Энг муҳими, бу даврда унинг «ўз одамлари» етишиб чиқди. «Адабий танқидчилик» деган ихтисослик, «мунаққид» деган мутахассис пайдо бўлди. Ушбу янги йўналишга ўтган аср аввалида «тамал тоши» қўйилди. У 60-йиллар бошидан чинакам ривожланиш босқичига кирди. Умарали Норматов ана шу даврда мунаққид сифатида фаолият бошлади. Агар бу соҳа фидойиларнинг энг саралари «рўйхати» гузиладиган бўлса, Умарали Норматовнинг номи, албатта, пешқадамлар қаторидан жой олади. Унинг соҳага фидойилиги, тинимсиз меҳнат қилишини ҳамма бирдай тан олади. Умарали Норматовнинг адабийёт одами эканлигига барча ҳавас қилади. Соҳасига фидойи одамлар эса ҳамма замонларда ҳам жуда кам учрайди. Айнан улар туфайли тармоқ, соҳага бошқаларда ҳам қизиқиш кучаяди. Умарали Норматов ўзининг матбуот, радио, телевидениедаги фаол чиқишлари билан адабий танқидчиликка қизиқишни кучайтирди. Унинг

газета-журнал, тўпламлардаги мақолалари, китоблари номи рўйхати унинг бўйидан анча баланд келади. Агар Умарали Норматов рисоладагидан анча бўйдор экани эътиборга олинса, унинг адабий танқидчилик соҳасида қанча меҳнат қилиб, заҳмат чеккани аёнлашади. Умарали Норматовни кузатган одам дарҳол у юрганда ҳам, турганда ҳам адабиёт ва асарлар тўғрисида ўйланишини ҳис қилади. Чунки у тарих ва бугунги кун муаммоларини ҳам, кундалик маънавий турмуш масалаларини ҳам, албатта, адабиётга боғлайди. Бу ҳислат унинг бутун руҳига, вужудининг ҳужайраларига сингиб кетган. Лекин у ҳеч қачон ўзини адабиёт билимдони сифатида кўз-кўз қилмайди. Адабиёт, ҳаёт ҳақида эҳтиросга тўлиб, жўшиб, тўлқинланиб сўзласа-да, мунаққид эканини ҳеч қачон писанда қилмайди. Унвонларини эслатиб, «менинг китобимда...», «менинг мақоламда...» деб гапирмайди.

«Танқидчи» деганда кўпчилик асарларнинг «айб»ини айтади-ганларни ҳаёлига келтиради. Бу ҳам асосли. Негаки айримлар бирининг камчилиги, хатоларини таъна қилишдан маза қилганидай, баъзи танқидчилар асарларнинг заиф жиҳатларини топишдан розланали. Бошқаларга беписанд қараб, пичинг, кесатиқ қилади-ганларнинг хатти-ҳаракати, гапириш оҳангига эътибор қилинса, уларнинг ичи анча кир, бахил эканлиги сезилади. Бундайларнинг турқи, овозидан «заҳар» чакиллаб туради. Баъзи танқидчи, адабиётшунослар таниш шоир, ёзувчилари асарларидаги камчиликлардан кўз юмиб, «бегона»ларнинг шеър, ҳикоя, қиссаларидан қусур излаб юради. Қадрдонлари китобларига бир умр ҳамду сано ёғдиргани ҳолда, бошқаларнинг ижодига ғашланиб қарайди. Бу ҳам уларнинг инсон сифатидаги олами, адабиётшунос, мунаққид сифатидаги савияси қандай даражада эканини кўрсатади. Умарали Норматов одамлардан ҳам, асарлардан ҳам фазилат излайди. Камчиликлар тўғрисида ҳеч қачон кескин оҳангда гапирмайди. Баъзан эҳтиросга тушиб гапириб қўйса, ўзи хижолат тортади. Мунозаралар кескинлашишига йўл қўймайди. Мулойим муомала, ширин сўз ҳар бир кишига энг яхши тасалли эканини дил-дилидан ҳис қилади. Адабиётни, сўзни тушунган, унинг турфа маъно, жилоларини қалбига сингдирган одам айни жиҳати билан бошқалардан устун туради. Санъат, адабиётга мансаб-мартаба, шон-шуҳрат манбан, бойлик орттириш воситаси деб қарайдиганлар ҳеч қачон бундай мавқега эриша олмайди. Улар ҳар қандай юксак мартаба, унвонни эгалламасин, бошқаларнинг самимий ҳурматини қозонолмайди. Умарали Норматов «адабий танқид, биринчи галда, гўзал-

ликни ҳис этиш, англаш, кашф этиш санъати» деб билади. Унинг китобларидан бири «Ўзгаллик билан учрашув» деб номланади. Мунаққид сифатида асарлардан нафосат излайди, ижодкорнинг маҳоратини таърифлашдан завқланади. Бошқаларни ҳам ўзи ҳис қилган завқдан баҳраманд этишга интилади. «Нафосат гурунглари»дан ҳам худди шу истак «қизил ип» бўлиб ўтади. Умарали Норматовнинг бошқа китоб, мақола, эссе, хотира, қайд ва суҳбатлари моҳиятида ҳам худди шу нарса туради.

«Нафосат гурунглари»нинг биринчи фаслида мунаққид устозлари, уларнинг ибратли фазилатлари тўғрисида эҳтиросга тўлиб сўзлайди. Устозларини таърифлаганида у тўлқинланиб кетади. Бу унинг устозларига меҳри, садоқатидан далолат беради. Киши ўзи меҳр қўйган кишилари тўғрисида жўнгина гапиролмайди. Ҳавас қилган кишиларининг инсоний ожизликлари ҳам фазилат каби туюлади. Умарали Норматов Озод Шарафиддиновни «устози» деб билади. «Менинг университетда топган энг катта бойлигим, бахтим шуки, мен Озод Шарафиддиновнинг биринчи аспирант шогирди бўлиш шарафига муяссар бўлганман. Ярим аср у билан ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб биламан» дейди. Озод Шарафиддиновнинг китобларидан бири «Ижодни англаш бахти» деб аталади. Умарали Норматов ҳам устози сингари «адабиётни англашни чинакам бахт» деб билади. Адабиёт хусусида фикр юритиш, асарлар тўғрисидаги мулоҳазаларини ёзиш, сўзлашдан лаззатланади. Умарали Норматовнинг айни ҳолатини сўз санъатига шайдо, унинг сирли, сеҳрли оламига маҳлиё киши чуқур ҳис қилади.

Умарали Норматов «Гарчи адабиётшунослик бобида бой тажрибаларимиз бор бўлса-да, замонавий танқидчилик бизда кейинроқ, ўтган аср бошларида майдонга келди» деб таъкидлайди. Ҳақиқатан, минг йиллик тарихга эга мумтоз адабиётимиздан кимни «мунаққид» дейиш мумкин? Адабий танқидчилик нафақат ўзбек, балки бошқа халқлар адабиётида ҳам янги ҳодиса. У адабиётшунослик, фалсафа, тарих каби турли фанлар ҳамда адабиётнинг бағридан ўсиб чиқди. Фан ва санъатга хос хусусиятни ўзида муҷассам этган бу соҳа ижтимоий-бадний тафаккурга янги парвоз бахш этиш баробарида, кишиларнинг эстетик дидини ўстириб, уларнинг ҳаёт ва адабиёт, санъат тўғрисидаги тасаввурини бениҳоя кенгайтди. У бунга Умарали Норматов сингари заҳмат-каш, фидойилари туфайли эришди. «Нафосат гурунглари» билан танишган ҳар бир киши муаллифнинг мунаққидликни қисмат-бахт

деб билиши, у асл асарларни эҳгиросга тўлиб тарғиб этиши, ўзи ҳис этган гўзаллик, нафосатни бошқаларга етказишга интилишидан, албатта, ҳузурланади. Табиати - феъл-атвори, руҳига сўз сеҳри, нафосат ҳисси сингмаган киши «Ўткан кунлар», «Улуғбек хазинаси»дан ҳеч қачон ҳайратга тушмайди. Улар бошқалар олдида бемалол оёғини чалиштириб, қўлларини икки ёнига ёйганча керилиб ўтираверади. Чунки бундайлар ўзини ҳаммадан юксакда ҳис этади. Умарали Норматов ҳеч бундай ҳолатда турмайди, бировга белисанд муомала қилиб жеркимайди. Талабаларни ўғли, қизи, набиралари каби кўради. Уларга асло овозини кўтариб гапирмайди. Бу унинг адабиётда азалдан улуғланиб келинган эзгулик, меҳр-шафқат каби аъмолларни табиатига сингдиргани, қалбига жо этганидан далолат беради. Афсуски, кўп кишилар имон, инсоф, диёнат, ҳалоллик, ҳақиқат ҳақида оғиз кўпиртириб гапирди-ю, ўзи ҳаром-хариш «кўча»сидан бери келмайди, порахўрлик, тамагирлик, фаҳшдан ҳазар қилмайди. Одамлар эса буни кўриб, билиб туради. Сўзи бошқа-ю иши бошқа кишилар амал-мартабаси, «ҳай-баракатла»чиларига ишониб, ўзини «реклама» қилса, дағдагага ружу қўйса, обрў-эътиборга эмас, турли латифаларга «объект» бўлишга эришади, холос. Чунки ҳурмат талаб қилиб ёки сотиб олинадиган нарса эмас. Ҳурмат ҳисси - кўнгил иши. Кўнгилга буюриб, зугум ўтказиб бўлмайди. У - чинакам адолат тарозиси. Кўнгил бошқаларни ҳам, кишининг ўзини ҳам ҳаракат, амалига кўра мезонга солади. Афсуски, табиатига такаббурлик «кир»и қат-қат ўрнашиб қолганидан кўпчилик шу ҳақиқатни англамай ўтиб кетади. Ўзини англамай туриб эса ўзгаларни тушуниш мумкин эмас. Афсуски, кўпчилик ўзини англамагани туфайли бошқаларни бемалол ранжитиб юраверади. Турмушдаги барча муаммо, зиддиятлар кишиларнинг ўзини англамаслиги - ўзини бошқалардан юксакда тутишидан келиб чиқади. Ҳаёт эса такаббурларни ҳеч қачон аяб эрқалатиб қўймайди. Ундайларга барчага кўргазма, сабоқ бўладиган қилиб аёвсиз жазо беради. Сабр қилганлар уларга жабр етказганлар, албатта, азобланганини кўради...

«Устозлар ибрати», «Сафдошлар давраси»да Умарали Норматов ортга назар ташлаб, босиб ўтган ҳаётини баҳоли қудрат таҳлил қилади, билган, кузатган, дуч келган одамларига баҳо беради. «Бир асар тарихи», «Тафаккурдаги эврилишлар», «Адабий суҳбатлар», «Ижоднинг машаққатли ва нурли йўллари»да ҳам айни мулоҳазаларини давом эттиради. Чунки ҳар бир одам ҳаётнинг аввал англамаган жумбоқ, ҳикматларини шу тарзда билиб олади. Киши тани-

ган, билган кишилари, кечган воқеаларни хотирлар экан, ўзининг умр йўлларини хаёлан кезиб чиқади, ўзи билан суҳбат қуради, қувонч, шодлик ҳиссидан яйрайди, нафрат, аламдан азобланади. Бесамар ўтказган вақти, қадрламаган одамлари ҳақида ўйлаб эзилади. XX аср ўзбек адабиёти тарихини обдон ўрганган, 60-йилдан адабий жараён «марказ»ида юрган, унинг пасту баландидан хабардор мунаққиднинг устозлари, тенгдошлари, ижодкорлар тўғрисидаги хотиралари ҳам кишига кўп янгилик, сабоқ берди.

Умарали Норматов ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган воқеалар тўғрисида сўзлар экан, устозларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ижобий жиҳатлари, фазилатларини таърифлайди. Айни хусусият мунаққиднинг мақолаларига ҳам, тақриз, хотиралари, эсселарига ҳам фойз бахш этади. У асарлар баҳонасида ўзининг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги кузатишлари, ўй-мушоҳадаларини изҳор этади. Унинг саксон ёши арафасида навқиронликка хос жўшқин эҳтирос билан мушоҳада юритиши, янгиликка пешвоз чиқиши кишини ҳаваслантиради. Кўпчилик сингари Умарали Норматовни ҳам ижодкорларнинг ишлаш тартиби, ижод жараёни қизиқтиради. У шоир, адиб, адабиётшунос, мунаққидларнинг асарлари, шахсига баҳо берганда, албатта, шу хусусда сўз юритади. «Нафосат гурунглари»даги «Куй таровати, тасвир латофати» мақоласи бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур мақола таниқли ёзувчи Пиримкул Қодировнинг «ижод жараёнидан бир лавҳа» каби таассурот уйғотади. Умарали Норматовнинг адиб, шоир, адабиётшунослар билан суҳбати ҳам ана шундай назик кузатишларга асосланади. Мунаққид, адабиётшуноснинг мақола, тақризи кишиларни китоб мутолаа қилиш ва мушоҳада юритишга ундаши, рағбатлантириши билан амалий аҳамият касб этади. Китоблар эса ҳикमतлар хазинасидир. Китоблар кишиларнинг олам ва одам ҳақидаги гушунча-тасаввурини кенгайтириш, ҳис-туйғуларини тўлқинлантириш баробарида, уларнинг ўз «мен»ини англаши, шахс сифатида шаклланишига таъсир этади. Китобларнинг бу борадаги қуввати оила муҳити, теварак-атроф таъсиридан асло кам эмас. Адабий танқидчилик, адабиётшунослик кишиларни мутолаага қанчалик кенг жалб этса, зиммасидаги вазифа-миссиясини шунчалик адо этади. Афсуски, айни муаммога деярли эътибор берилмайди. Адабий танқидчилик, адабиётшунослик ёш фан бўлгани учун бу йўналишда ҳали ўзининг тажрибада синалган самарали методларига эга эмас. Оммани «оломон маданияти» хуружларидан асрашга, биринчи гада, му-

наққид, адабиётшунос, санъатшунослар масъулдир. Таассуфки, уларнинг аксарияти ана шу масъулиятни ҳис этмайди.

Умарали Норматов сўз санъатини «ноёб хилқат» деб биледи. Бу борала у Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддинов каби устозларидан ибрат олади. «Ўткан кунлар», «Улугбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Нолазор» сингари адабиётнинг асл асарларидан ҳайратга тушади ва буни тўлиб-тошиб, эҳтирос билан изҳор этади. «Бу лаҳзалар чинакам санъат намунаси» деб ҳаяжонланади. «Тафаккур ёғдуси» да: «ана шу драматик дақиқалардаги тигиз руҳий ҳолатлар ифодаланган лавҳаларни ўқиш қийин, ниҳоятда қийин! Ўша дақиқаларда «дод!» дегингиз келади» деб ёзади. Мунаққиднинг адиба Зулфия Қуролбой қизига очиқ хати, алиб, шоирлар билан суҳбатлари унинг истеъдодни эъюзлаши, сўз санъати сеҳрини дил-дилидан ҳис қилишидан далолат беради. Умарали Норматов адабий жараёнга ҳеч қачон бефарқ қарамайди. У барча янги асарлар билан, албатта, танишиб боради ҳамда шу «майдон»даги ҳар бир умидвор бандалан бир оғиз ширин сўзини дариг тутмайди. У худдан шу жиҳати билан бошқа мунаққидлардан фарқ қилади. Жумладан, «Гулдаётган юрак» шеърий тўплами муаллифига очиқ хат битиб: «ёзганларингиз куйиб кўйгандек ўзингизга ўхшайди» деб кўнглини кўтаради. Мунаққид ўз «ижодий лаборатория»си хусусида: «Бошқа ҳамкасбларимда қандай, билмайман, шахсан ўзим ўртача ёки бўш асарни ўқитганимда ҳар доим «танқидчи» ҳолига тушаман, асарларнинг кам-кўстлари, ожиз жиҳатларини, сунъий-ясамалигини барадла кўриб, йўл-йўлакай таҳлил этиб бораман. Ҳақиқий санъат асарига дуч келганимда эса мунаққидлик ҳунаримни бутунлай унутиб, муайян муддат ўша асар ичида яшайман, асар персонажлари менинг учун тирик одамларга айланади, воқеалар «ништирокчиси» сифатида персонажлар билан мулоқотга киришаман. уларнинг ташвишу қувончлари, оху зорлари, ўй-мушоҳадаларига шерик тутинман» дейди. Сўз санъатига меҳр кўйган, унинг сеҳри, жозибасини қалбдан ҳис қилган, юрагига сингдирган кишилар адабиёт олами билан шундай муносабатга киришади. Адабиёт одамларининг фазилати, бошқалардан фарқи ва устунлиги шундаки, улар ҳаётда ҳеч кимга беписанд қарамайди, атайлаб бировнинг дилини ранжитмайди. Одамзод эса азалдан айнан шу иллатдан азоб чекиб келади. Афсуски, ўзини «осмон устун», доною даҳо чоғлаб, бошқаларга беписанд қараб, дилини ранжитадиганлар ҳар бир жамоада учрайди. Аслида улар Яратганининг бошқа бандаларига юборган синови - сергак бўл, деган огоҳлантириши! Сир-жумбоқ шундаки, бундайлар, албатта, ҳамтовоқ-

ларини топиб, уюшиб олади. Улар захар томадиган турқи, туриши, қараши, овози оҳанги билан ҳам бошқаларга албатта азият етказди ва бундан лаззатланиди. Нафосатни ҳис қилмайдиган, гўзаллика ҳирс билан қарайдиганлар, афсуски, ҳамма замонда тикилиб ётади. Бундайларнинг санъат, адабиёт тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам совуқ, шилимшиқ, ирганч бир нарсадек туюлади. Эмоционал туйғулари суст, заиф одам ҳеч қачон табиат ва санъатдаги нафосат, гўзалликни чуқур ҳис қилолмайди, юрагига сингди-ролмайди. Натнжада, унинг қиёфасидан атрофдагиларга, бутун дунёга қаҳр ёғилиб туради. Бундайлар худди осмонни тутиб тургандай «Ташлаб юбораман, парча-парча бўлиб кетади», «пачақлаб ташлайман» деб дағдага қилишдан уялмайди. Санъат, адабиёт - нафосат оламида бундай ёвуз табиатдиларнинг салтанат билан юриши кишини ажаблантиради. Нафосат, ҳақиқат ҳақида гапирмоқ учун аввало одам ўзи шу эзу хислатларга эга бўлмоғи, унда адолатни ҳамма нарсадан устун қўйиш ҳисси бўлмоғи керак. Афсуски, андиша, уят ҳиссидан маҳрумлар маънавий ҳаққи бўлмаган нарсаларга ҳам даъво қилаверади. «Нафосат гурунглари» муаллифи эмоционал туйғуга эга мунаққид. Шунинг учун у сўз санъатига хос гўзаллик, нафосатни тезда илғайди ва бу хусусдаги мулоҳазаларини бошқаларга етказишга интилади. Ана шу интилиши туфайли у ҳамма вақт адабий жараён «маркази»да туради, энг фаол мунаққид сифатида кўринади. Унинг мақола, тақриз, суҳбатларига хос асосий хусусият шуки, уларда бирор бир асар шунчаки таъриф-тавсиф этилмайди, унинг сюжети мазмуни жўн баён қилинмайди. Балки асарда қаламга олинган воқелик, ундаги характерли жиҳат мисолида адабий жараённинг муҳим муаммоси, бугунги кун учун аҳамиятли зарур гап айтилади. Мунаққид адабиёт ўқитиш, ижодкор тақдири, тарихий роман муаммолари тўғрисида ўй-фикрларини жўшиб, тўлиб-тошиб изҳор этади, мавжуд қарашларга муносабат билдиради. Муаммога ҳар доим янгича нуқтан назарлар асосида ёндашишга интилади. У шу мақсадда ижтимоий фанлардаги янгиликлар билан мунтазам танишиб боришга ҳаракат қилади. Фалсафа, психологияга доир тадқиқотларга катта қизиқиш билан қарайди. Билган янгиликларидан бошқаларни хабардор этиб, суҳбат ва мақолаларида таъкидлайди. Мунаққиднинг бу хусусдаги мулоҳазаларидан унинг сўз санъати сеҳрига ошуфталиги, бутун борлиги билан унга меҳр қўйгани яққол билиниб туради. «Нафосат гурунглари» даги улуғ адиб Одил Ёҳубов билан олиб борилган суҳбатини ўқиган киши, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади. XX аср

Ўзбек адабиёти намояндалари орасида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди тўғрисида жуда кўп ёзилган. Умарали Норматов улар ҳақида энг кўп ёзганлардан бири, аниқроғи, пешқадамидир. Мунаққиднинг бутун ижодий фаолияти марказида шу уч сиймо туради. Унинг «Қодирий боғи», «Ўткан кунлар» ҳайрати», «Қаҳҳорни англаш машаққати», «Устоз ибрати» китоблари, «Қодирий мўжизаси», Ойбек ижодига бағишланган мақолалари ўзбек адабий танқидчилигида ўзига хос ўрин тутали. «Истеълод кўлами» да мунаққид Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари тўғрисидаги кўп йиллик кузатишларини ўзига хос тарзда ихчамлаштириб умумлаштиради ва ҳар доимгидек, янги фикр айтади. Умарали Норматов нафақат ушбу суҳбатда, бошқа мақола, тақриз, хотира, эсселарида ҳам нимадир дейиш, қандайдир янги гап айтишга чоғланади ва мунаққиднинг бу ҳаракат, иштигишларида у чинакамига адабиёт одами, шу сирли, сеҳрли олам фуқароси экани кўринади.

Йиллар одамнинг бўй-басти, қиёфа-кўринишига, албатта, турли ўзаришлар «кирилади». Табиатнинг азалий бу «ҳукм»идан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Вақт кишининг жисмига эмас, руҳияти, маънавияти, ҳаётга қарашига ҳам, шубҳасиз, таъсир этади. У, жумладан, мунаққид, адабиётшуносга ҳам «фармон» беради. Шундай экан, Навоий, Бобур ижоди, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа шоир, адибларнинг асарлари турлича талқин қилиниши табиий ҳол. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафидинов сингари адабиётшунос, мунаққидларнинг «Ўткан кунлар», «Навоий», «Кутлуғ қон», «Сароб» асарлари ҳақидаги дастлабки мақолалари уларнинг шу хусусдаги кейинги мулоҳазалари билан таққосланса, муайян фарқ, тафовут кўринади. Бундай «манзара» Умарали Норматов ижодий фаолиятида ҳам яққол сезилади. Энг муҳими, орадан йиллар ўтиши билан, унинг адабиётга меҳри ортиб, қарашлари теранлашиб боргани кишини қувонтиради. Умарали Норматов етмиш ёшдан ўтганида Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамза, Фафур Фулом асарларида шу пайтгача эътибордан четда қолиб келган ўринлар мавжудлиги ва улар жиддий аҳамиятга эга эканлигини топиб кўрсатди. Унинг айни мулоҳазалари навқиронликка хос шижоат, ёниқ эҳтиросга йўғрилгани билан диққатни жалб этди. Мунаққид Абдулла Қодирий, Ҳамза, Фафур Фулом асарларида халқ кулгисининг ифодаланиши ва унинг аҳамиятини, айтиш мумкинки, ўзига хос тарзда каниф этади. Унинг «Навоий» романига оид «Персонаж меъмори» мақоласи хусусида шундай дейиш мумкин.

Мунаққид «Шум бола» қиссасига янгича нуқтаи назардан қараб, мафкуравий-сиёсий таъйиқ шароитида муаллиф ҳақиқатни айтишда қандай йўл тутганини очиб берди. «Паранжи сирлари» драмасидаги қаҳрамонлар образи янги қирраларини, Ҳамзанинг халқ тилидан фойдаланишдаги маҳоратини терең таҳлил этди. Мунаққиднинг бу хусусидаги мулоҳазалари худди Озод Шарафиддиновнинг «Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир» мақоласи сингари санъаткор Ҳамза тўғрисидаги тасаввурни ойдинлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Буларнинг барчаси Умарали Норматовнинг адабиётга чексиз меҳри ва унинг мунаққид ва инсон сифатидаги юксак маънавиятидан далолат беради.

Ҳар бир бадиий асар - алоҳида бир олам. Бу сирли-серхлн оламни ҳар ким ўз диди, таъби - маънавияти даражасида англайди. Асл асарлар нафақат китобхон, ўқувчилар онги, дунёқарашига, балки адабиёт тарихига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари анча вақтдан бери адабий жараёндаги ўзгаришлар даражасини белгилашда ўзига хос мезон бўлиб келади. Янги асарлар бу адибларнинг роман, ҳикояларига таққосланади. Умарали Норматов Ойбек асарлари мукамал жилдлиги нашр этилишига бағишланган суҳбатда: «Менинг назаримда, «Ўткан кунлар», «Сароб», «Қутлуг қон», «Навой» яхлит ҳолда ўзбек романчилигига замин бўлган, кейинги тараққиёти, етакчи тенденцияларини белгилаб берган асарлардир. Сўнгги қирқ-эллик йил давомида ўзбек романчилиги, асосан, шу тўрт асар ғоявий-поэтик бойлиги доирасида ривожланиб келди» дейди. Мунаққиднинг бу каби мулоҳазалари адабий танқидчилик ва адабиётшунослик бир-бирига уйғун, вобасталиги, улар ўртасига «хитой девори» қўйиш тўғри эмаслигини кўрсатади. Хусусан, Умарали Норматовнинг мақола, тақриз, суҳбатларида адабиётшуносга хос кузатиш, мунаққидга хос тезкор мулоҳаза ўзаро бирлашиб кетади. Бу ҳам унинг сўз санъати соҳридан бениҳоя мутаассир бўлиб юриши, унга чин дилдан меҳр қўйгани - адабиёт оламига айланиб кетганидан келиб чиқади. Мунаққид ўзининг қай тарзда адабиёт оламига айлангани хусусида мулоҳаза билдираркан, мактабда, ўқувчилик кезларида ўқиган асарларини эслаб: «Айни шу асарлар менинг келажимни - тақдиримни ҳал қилган, деб дадил айта оламан. Ўша кезлари келгусида, албатта, адабиёт муаллими бўлишни, умр бўйи сўз санъати мўъжизалари оламида яшашни, пайти келиб, ўқувчиларга қалбимдаги ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларимни тўкиб солишни ният қилган эдим» дейди. У чин дилдан орзу қилган экан, ниятлари

ижобат бўлиб, мақсадига тўла-тўқис эришиди: Марказий Осиёдаги нуфузли олий ўқув юртида талабаларга ярим асрдан бери дарс бериб келади, Олий педагогика институти, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтида профессор-ўқитувчилар, муаллимларга замонавий адабиёт бўйича маърузалар ўқийди. Минглаб ўқувчилар, талабалар у ёзган дарслик, ўқув қўлланмаларидан сабоқ олади. «Қалбидаги ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларини тўқиб солиб» неча юзлаб мақола, тақриз, суҳбат, йигирмадан ортиқ китоб чиқарди. Айтишга осон, бундай натижаларга у осонгина эришмади, муттасил меҳнат қилиш тўғрисида муяссар бўлди. Сўз санъатига чиннакам меҳри унга иштиёқ билан ишлаш - мутолаа қилиш, ёзиш лаззатини бахш этди. Одам касбига меҳр қўйиб, иштиёқ билан ишламас экан, у кўпчилиكنинг бири бўлиб юраверали. Атрофдаги тарафдорлари мақтаб, ҳар қанча тарғибот-ташвиқот этмасин, у шу соҳанинг одами сифатида эътироф этилмайди. Умарали Норматов сўз санъати соҳасига ошуфта экани, унинг йўлида заҳмат чекиб келаётганини эса барча бирдай тан олади.

У қалбига адабиётда азалдан улуғлаб келинган эзгу хислатларни жо этганини устозларига ҳамisha эҳтиромда экани, адабиётда улар амал қилган ақидаларни салоқат билан давом эттираётганидан ҳам билса бўлади. Умарали Норматов ҳам худди Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшонов сингари истеъдодли ижодкорларни, ёшларни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг ижоди, асарларининг фазилати тўғрисида эҳтирос билан тўлиб-тошиб мулоҳаза билдиради. Қалбини тўлқинлантирган, уни ҳаяжонга солган асар ҳақида, албатта, матбуотда чиқишлар қилади. Умарали Норматов қатор ёшларни, хусусан, Зулфия Куролбой қизини, биринчилардан бўлиб, истеъдодли ижодкор сифатида тарғиб-ташвиқ этди. Зулфия Куролбой қизи асарларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталаркан: «Адибанинг «Ёзсиз йил», шунингдек, «Қуёш нега чиқаверади?», «Бахтсизлик маликаси» ҳикояларида персонажлар тушиб қолган чигал вазият, ўша кезлари улар қисмати, табиа-ти, руҳиятида юз берган эврилишлар, қабоҳат ва эзгу туйғулар муҳорабаси ифодаси «Машаққатлар гирдобини», «Армон асираси» романларидагидан бутунлай ўзгача. Романларда инсон қисмати, табиа-ти, руҳиятидаги жараёнлар ҳаётдаги ижтимоий силсилалар билан алоқадорликда содир бўлса, ҳикоялардаги ҳолат, тушуниш ва тушунтириш мушкул бўлган, қисман, «илми ғойиб» га дахлдор қисмат жумбоғи, тақдири азалнинг «шева»лари, қолаверса, шахс тафаккури. «онг оқими» нагмалари, инсон табиа-тидаги туғма фа-

зилат ва иллат, улугворлик ва тубанлик, даҳолик ва ожизлик, на-фосат ва дағаллик орасидаги азалий зиддиятларнинг ҳосиласи тар-зида талқин этилади» дейди. Мунаққид бошқа ижодкорларни ҳам шу тарзда «кашф» этади. Унинг ижодий фаолиятида Абдулла Қодир-ий, Абдулла Қаҳҳор ижоди талқини алоҳида ўрин тутса-да, ёш адиб, шоирлар асарлари тўғрисидаги мақола, тақризлари ҳам сон-салмоғи жиҳатидан ундан асло кам эмас. Бу ҳам мунаққиднинг сўз санъатига астойдил меҳр қўйгани, унинг айнан шу оламда яшаб, нафас олишидан далолат.

Айрим адабиётшунос, мунаққидлар бир «объект» ни ушлаб ола-ди-да, умр бўйи унинг атрофида қолиб кетади. Агар кимдир унинг «объекти» хусусида бирор мулоҳаза билдирса, албатта, гаши кела-ди, аюҳаннос солади. Ваҳоланки, Навоий, Бобур, Муқимий, Фур-қат ёки Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳеч кимга хусусий мулк, шахсий томорқа қилиб берилмаган. Умарали Норматов қўламни кент олиб, баланд миқёсда фаолият олиб борадиган мунаққидлар сирасига киради. У аввал адабий жараён билан муттасил танишиб боради. Ўзини тўлқинлантирган, ҳис-ҳаяжонга солган асарлар тўғрисида мулоҳазаларини, таъкидлаганидек, албатта, матбуотга тақдим этади. Бу осон, жун иш эмаслигини барча ҳам бирдай билавермайди. Янги асар тўғрисида ёзиш нечоғлик машаққат эканини бошидан кечир-ган кишигина ҳис қилади. Албатта, ҳар қандай юмуш, иш заҳмат эканлиги бошга тушганда билинади. Ўзининг бошига тушмагунча одам дард, оғриқ, ташвиш, муаммони ҳис қилмайди.

Кишилар иссиқ, совуқ, шамол, нур каби табиат ҳодисаларини дарҳол сезишади. Лекин одамлар улардан ҳам кўпроқ Сўздан таъ-сирланишади. Улар иссиқ, совуқ, шамол таъсирини муайян муд-дат ўтгач, албатта, унутишади. Аммо мақтаб ёки ёмонлаб айтилган бир оғиз калимани ҳар бир киши бир умр ёдида тутати. Бу худди нафас олиш, овқатланиш, сўзлаш сингари одамзоднинг табиий хусусияти саналади. Ҳар бир одам ўзи тўғрисида айтилган сўзни хотирасининг тўрига жойлаштириб қўяди. Шу боис илоҳий кито-бларда «унутгин» дейилмасдан, кечиримли бўлиш фазилат экан-лиги уқтирилади. Бундан аён бўладики, сўз мислсиз қувватта эга. Бу илоҳий мўъжиза орқали кишини турли ҳолатга солиш мумкин. Тиг жароҳати битидади. Тил жароҳати эса битмайди. Сўз етказган жароҳат маддалаб, ҳамиша оғриқ беради. Унинг жароҳатилан доим қон силқиб туради. Ўқувчи ҳам, мунаққид, адабиётшунос ҳам асар-лар тўғрисида сўз юритганда, баҳо берганда масаланинг мана шу нозик жиҳатини, албатта, эътиборга олиши жонз. Чунки шеър.

ҳикоя, қисса, драма, роман - ижодкорнинг узоқ изланишлари, машаққатли меҳнати «мева»си. Ҳар бир киши эса меҳнати қадрла-нишини истайди. Муносиб қадрланса, қувонади. Аксинча бўлса, унинг дилига жароҳат етади. Абдулла Қолирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорни калтаклаб, уриб, сўкиб, ҳақорат қилишмаган. Улар асарлари тўғрисидаги баланд-паст гаплардан азият чеккан. Шу огриқдан руҳан, жисмонан хасталанган.

Адабиётнинг асл асарларидан беҳад таъсирланиб ҳаяжонга туш-ган одам, табиийки, бадий жиҳатдан ночор асарларнинг ҳам кам-кўсти, заиф ўринларини ҳам бирданга пайқайди. Умарали Нор-матов шундай кишилар сирасига киради. У асл асарларни эҳти-рога тўлиб, таъриф-таъсиф этгани ҳолда, заиф асарлар хусусида шовқин-сурон кўтармайди. Аниқроғи, бунни ўзига эи кўрмайди. У ижодкорнинг машаққатли изланишини эътиборга олади. Уни ин-сон сифатида қадрлайди, ижодкорга азият етказмай, деб ўзини тияди. Бундай муносабат, албатта, табиатан талашиб-тортишишга мойил кишиларга унча хуш келмайди. Чунки ундайлар жиққамушт бўлаётганларни томоша қилишдан мириқайди. Ўзи ҳам ким билан бўлса-да, мунозара қилиш, уришиш учун доим енг шимариб тура-ди. Бундайлар кимдир жабр чекса, бепарволик билан «бу - табиат қонуни» деб қўя қолишади. Меҳр-шафқат ҳисси жуда суст бу ким-салар аслида қалбида қаҳр қайнаб тошишидан қийналади. Улар-нинг кўриниши, юриш-туриши, овозидан аламзада эканлиги сезилади. Ўзини ўзгалардан устун санайдиганларнинг гап-сўзи, хат-ти-ҳаракатлари Садриддин Айнийнинг «Эсдаликлар» асарининг «Парвардигорхўжа» бобини ёдга солади. Унда нас-л-насабини пеш қилиб, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган Сайид Акбархў-жанинг гаройиб феъл-атвори баён этилади. Кишилар Сайид Ак-бархўжани хурмаг қилиб, гаштак (гап)га чақирришади. Бир меҳ-монхона одам икки соат кутса-да, у келмайди. Эртаси куни кел-магани сабабини сўрашганида, Сайид Акбархўжа «Фирт саводсиз бўлган уй эгаси менинг отимни атаб, «фалончи ҳалигача келмади» деганини ўз қулоғим билан эшитдим. Бухоро мадрасаси толиби бўлган мен каби бир кишининг номини тилга олишга саводсиз бир деҳқоннинг ҳаққи борми, ахир? Бу одобсизлик эмасми? Шу-нинг учун меҳмонхонанинг эшиги олдидан қайтиб келдим» дейди. Шунда унга: «Сиз катталик қилиб, отангиз томонидан берилган номдан орланар экансиз, сизга ўзингизга муносиб улуғ бир ном бериш керак, токи у номни тилга олиш билан биз сизни фаҳмлай-лик. Бу муносиб ном Худонинг оти бўлган «Парвардигор»дир. Оламда

бу номдан каттароқ ном йўқ. Айниқса, бу номга сизнинг авлодий унвонингизни қўшиб, «Парвардигорхўжа» десак, Худонинг номидан ҳам каттароқ бўлади. Бу ном билан сизни атасак, шаънингизга зиён қилмаса керак» деб айтишади. (Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. 5-том. - Т.: «Тошкент» Бадий адабиёт нашриёти, 1965. - 312 б. - 109-бет.) Такаббурлик, таъна қилиш, айб қидириш энг қабиҳ иллатдир. Кишининг табиати ушбу иллатлар билан булганса, бу унинг иши, фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Такаббур кимсаларнинг ўзида йўқ ҳалолликни бошқалардан талаб қилиши жуда кулгили туюлади. Чунки бу дунёда барча бир-бирини кўриб, кузатиб юради. «Фалони қандай? Фалони ўзгариб қолибдими?» сўроқлари кундалик муомала-мулоқотда фаол қўлланиши ҳам шундан далолат беради. Ҳар бир кишига, у ким бўлишидан қатъи назар, ҳаракат-амалига қараб, баҳо берилади. Умарали Норматов асарлар тўғрисида мулоҳаза юритганда ҳам, ижодкорлар, устозлари, сафдошлари, ҳамкасабаларини тавсифлаганда ҳам, юқорида эътироф этилганидек, кўпроқ уларнинг фазилатларига ургу беради. Ҳеч қачон ўзини «биринчи план»га қўйиб гапирмайди. Айримлар икки гапининг бирида «мен» деб ўзини кўз-кўз этади. «Нафосат гурунглари» муаллифи такаббурларга хос бундай иллатдан, ҳар қалай, холи. У асарларга ҳам, одамларга ҳам авайлаб муносабатда бўлади. Бу ҳам унинг адабиётда улуғланган инсоний сифатларни қалбига, табиатига сингдирганини билдиради. Албатта, Умарали Норматов ҳам бекаму кўст, мукамал одамга айлашиб кетган эмас. Унинг ҳам мақола, тақризларида давр руҳи бор. Шароит, вазият тақозосига кўра, айрим асарларни метёридан ортиқроқ мақтаб юборган. Баъзи «мавсумий» ижодкорларни «классик» дейишгача бориб етган. «Соцреализм - очиқ система» деб кўп ёзган. Бир сўз билан айтганда, замонга боққан. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки одам ҳар қанча ақлли, донишманд бўлмасин, у - замонасининг фарзанди. Ҳар бир одам, истаса-истамаса, замоннинг йўриғига бўйсунди. Ҳеч ким даврнинг умумий оқими, ундаги ҳукмрон қарашларга кескин қаршилик кўрсатолмайди. Ҳамма ўз замони талабларига «давр тақозоси», «шундай бўлиши керак» деб қарайди. Одам алдангани, хато қилганини кейинчалик пайқайди. Умарали Норматовнинг ҳам, бошқа мунаққид, адабиётшуносларнинг ҳам соцреализм тўғрисидаги чиқишлари замона зайли эди. Уша пайтда адабиётшунос, мунаққидларнинг ҳеч бири соцреализмни инкор этган эмас эди. «Замона зайли»га пешвоз чиққанларни оқлаш ёки қоралашдан олдин одам ўзини ўшаларнинг ўрнига қўйиб кўриши

керак. Барча замонларда ҳам душман маҳв бўлгач, ботир кўпаяди. Шўро даври «дағдаға»сидан беҳабар, уни танасида татиб кўрмаганлар ўша замон зулми остида яшаб ижод қилганлар тўғрисида билиб-билмасдан, англаб-англамасдан ҳар хил гапларни гапирали, уларни аямасдан танқид қилади. Аммо бундан қандай наф чиқади? Қандай натижага эришилади? Нафи, натижаси шуки, бундайлар ўзларининг шухрагпарастлик қусурини бир оз қондиради, холос. Ўтмишнинг ўлчовлари бугунги кун мезонларига мос келмайди. Ҳар бир даврининг, ҳар бир жойнинг ўз тартиб-қондалари, тош-тарозиси бўлади. Умарали Норматов, бугун, шўро даври адабий методи ҳақида мулоҳаза билдирад экан, соцреализмни «очиқ система» дейиш «унинг қатъий чегараларини - имкониятларини кенгайтириш йўлидаги бир уриниш эди. Бу уриниш, масалан, бизда Қодирий, Чулпон каби адибларни, «Ўткан кунлар», «Абулфайзхон», «Сароб», «Жалолиддин» каби асарларни оқлаш, энг муҳими, мавжуд «қолин»ларга асло сизмайдиган А. Орипов, Э. Воҳидов, Р.Парфи, О. Матжонлар шеърятини, О. Ёқубов, П. Қодиров, Ў. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамлар ҳикоя, қисса, романларини ҳимоя қилиш воситаси эди...» дейди. Одам ўзи ҳақиқат деб билган, меҳр кўйган нарсасини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш учун ҳар қандай воситадан фойдаланади. Шундай экан, шўро даврида ҳам ўз кўрти равнақи, жумладан, санъат, адабиёт ривожини учун жонкуярлик билан хизмат қилганларни айблаш, жиноятчиға чиқаришдан олдин, озгина андиша қилиш, «Ўзим ким? Адабиёт равнақи йўлида қанча хизмат қилдим? Бошқаларни оқлаш, қоралашга маънавий ҳаққим борми?» дея ўзига ўзи савол бериш керак. Афсуски, айримлар бировнинг адабиётини, янглишишини пойлаб туради ва унга ташлашиб, бадном этишга уринади. Умарали Норматов унга қилинган маломатларни жуда осонлик билан енгди. Тўғрироғи, таъналарга кўн-да парво қилмади. Бундай пайтда унга сўз санъатига бўлган меҳри қувват бўлди. Ҳақиқатда ҳам, киши соҳасига астойдил меҳр кўйса, йўлда дуч келадиган машаққату маломатлар унга тўсиқ бўлолмайди. Аксинча бўлса, салгина қийинчиликдан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, киши нима қиларини билмасдан қолади. Бозор иқтисодига ўтиш бошланган кезлари кўпчилик касб-корини кўп марта ўзгартирди. Юзага келган иқтисодий қийинчилик кўпчиликни шундай қилишга мажбур қилди. Адабиётшунос, мунаққидларнинг ҳам ўз ишидан кўнгли совиб, анча-мунчаси бу «майдон»ни тарк этди. «Нафосат гурунглари» муаллифи эса ўта оғир пайтда ҳам мунаққидлик фаолиятини

бир зум сусайтирмади. Аксинча, янада фаоллашди. У 60 - 90-йилларда - 30 йилда ўнта китоб нашр эттирган бўлса, истиқлол даврида ҳам шунча китоб чоп эттирди. Аввали ўттиз йилда чиқарган китоблари кейинги ўн саккиз йилдаги китоблари қаршисида ҳажми - босма табоғи жиҳатидан ҳам, мазмун-мундарижасига кўра ҳам анча кичкина, жуда жўн кўринади. У мустақилликни олмиш ёшида қарши олди. Лекин истиқлолга эришилганидан кейин навқиронликка хос ёниқ шижоат билан меҳнат-ижод қилди. Айтиш мумкинки, у бу даврда мунаққидлар пешвоси бўлди. Адабиёт назариясида эришилган энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиши баробарида биринчилардан бўлиб, уларни ўқувчиларга етказди. Мунаққиднинг Ҳамидулла Болтаев, Жаббор Эшонқул, Раҳимжон Раҳмат билан суҳбатлари бунга мисол бўла олади. Муҳими шундаки, у адабиётнинг назарий масалалари хусусида барча тушунадиган тарзда мулоҳаза юритади. Айрим адабиётшунослар сингари фикрларини эга-кесимсиз чийратма жумлаларда баён этмайди. Масалан, адабиётда асарлар жанрини белгилашда кўп чалкашликлар учрайди. Умарали Норматов ушбу муаммони ҳал қилишда ўзининг аниқ тавсиясини беради. Унингча, асарнинг: «жанр хусусияти, аввало, қаҳрамон билан уни қуршаб олган муҳит, шароит орасидаги муносабат кўламига қараб белгиланади». Ёки «Балиий конфликт, гарчи унинг ифода тарзи, хиллари қанчалик турли-туман бўлмасин, пировард натижада, ҳаётдаги зиддиятларнинг инъикоси-ку!» дейди. Умарали Норматовнинг назарий муаммолар хусусидаги бу каби фикрларини филолог эмас, ҳар қандай ўқувчи бемалол тушунади. Баъзи адабиётшунос, мунаққидларнинг эса мақоласи, китобини ўқиганда нима тўғрисида гап кетаётганини илғаб бўлмайди. Уларни ўқиш, мутолаа қилиш кони азоб. Улар ўзларининг турли термин, атамаларга тўла, ўқиган одамнинг асабини қақшатадиган «хат»ини «мураккаб услуб» деб аташади. «Мураккаб услуб»чиларнинг даъвосича, улар «катта фикр» айтармиш. «Катта фикр»ни эса ҳамма тушунадиган тарзда ифода этиб бўлмасмиш... Мунаққид, адабиётшуноснинг мақола, китоби математика, физикага оид тадқиқотлардан шуниси билан фарқ қиладики, у мутахассисларни эмас, барча ўқувчиларни қизиқтиради. Шундай экан, мунаққид, адабиётшуноснинг китоби, мақоласи барчага бирдай тушунарли бўлиши, яъни филологияга доир тадқиқотларда фикр аниқ, тиниқ баён этилиши керак. Афсуски, аксарият ҳолларда бу унутилади. В. Белинский, Н. Добролюбовнинг адабий-танқидий мақолалари шоир, адибларнинг асарлари даражасида омма эъти-

борини қозонгани таъкидланади. Ёки О. Шарафиддинов, М. Қўшқоновнинг мақола, китоблари худди шеър, ҳикоя, қисса, роман сингари иштиёқ билан ўқилади. Умарали Норматовнинг суҳбат, эсселари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. У бадий асар, адабий жараён, адабиёт назарияси, адабиёт ўқитиш методикаси тўғрисидаги мулоҳаза, қарашларини осон, бир ўқишда тушуниладиган қилиб ёзади. Аниқроқ айтганда, мунаққид адабиётни бугунги кун, ҳаёт тўғрисидаги ўй-кечинмаларини изҳор этиш воситага айлантириб олади. Шу боисдан унинг мақола, тақриз, суҳбатларида эҳтирос акс этади. Бу эҳтирос эса мунаққиднинг адабиётга меҳри юксаклиги, унинг сўз санъатида эъзозланган эзгу ақидаларни қалби, руҳига сингдирганидан келиб чиқади.

Адабиёт тарихи, унинг муайян даври, ижодкор босиб ўтган йўлга баҳо берганда, биринчи навбатда, ўша пайтдаги вазият, даврнинг талабларини эътиборга олиш керак. Умарали Норматов XX аср адабиётидаги мураккабликлар тўғрисида сўз юритганда шундай йўл тутади. Айримлар барчанинг диққатини ўзига қаратиш, ўзини доною донишманд кўрсатиш мақсадида Абдулла Қаҳҳор ижодига қарата «тош» отганида, у «Қаҳҳорни англаш машаққати» китобини ёзиб, ижтимоий давр мураккабликлари, улуғ адибнинг ижодий маҳоратини кўрсатди. Мунаққид бадий асарларни, ижодкор шахсини ҳамиша ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Асар қаҳрамонларини ҳаётдаги одамларга таққослайди. Умарали Норматов мақола, тақриз, суҳбатлари марказига муҳим бир муаммони қўяди ва қатор асарларни қиёслаш асосида шу хусусда сўз юритади. Айрим адабиётшунос, мунаққидлар бир йилда, нари борса, иккита-учта мақола ёзади ва уч-тўрт қоғоздан ошмайдиган бу «нарсалардан бирор маънони ўқиб бўлмайди. Сабаби, улар «катта фикр» оқимига хос мураккаб услубда битилган... Худди шу «мураккаб услуб»и туфайли тилшунослик, фалсафа, тарих, санъатшуносликка оид талай мақолаларни ўқиш машаққат. Амаллаб ўқилганда ҳам нима дейилганини тушуниб бўлмайди. Кишининг «хат»и эса унинг ҳарактерига хос анча-мунча жиҳатларини аён этади. Адабиётшунос, мунаққиднинг услуби ҳам унинг ички олами, феъл-атворини кўрсатади. Бағри кенг, билимдон муаллифларнинг мақоласи билан танишиш кишига ҳар доим мароқ бағишлайди. Равон услубда ёзилган, фикр аниқ - тиниқ баён этилган бундай мақолаларни ўқиб тугатганингни сезмай қоласан. Бурама, чийратма жумаларда битилган, турли термин, атамалар қалаштириб ташланган «нарсаларга дуч келганда, кўз олдинда чиркин, қора а.улақандай

шарпа тургандай туюлади... Мураккаб, маъхум услубда ёзидиганлар атрофдагиларга яхши, ажойиб инсон сифатида кўринса-да, нимадандир аламзадага ўхшайди. Ижодкорларнинг услубини уларнинг шахсияти, феъл алови билан боғлиқ ҳолда ўрганиш жуда қизиқarli мавзу. Афсуски, бизда бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилмаган. Шоир, адиб, адабиётшунос, мунаққид, санъатшунос, тарихчиларнинг бадний асарлари, илмий тадқиқотлари тўғрисида сўз юритилиши, уларга баҳо берилиши, албатта, дуруст. Аммо уларнинг шахсиятини англашга имкон берадиган мақолалар яратилса, бу бадний асарлар, илмий тадқиқотлар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ идрок этишга олиб келади. Масалан, Виктор Шкловскийнинг «Лев Толстой» кигоби шундай салмоққа эга тадқиқотлар сирасига киради.

Умарали Норматов асарларни таҳлил қилиш, адабий жараёнга ёндашиш, ижодкорлар ҳаётини ёритиш ва мулоҳазаларини ифодалашда раёнлик, аниқликка интилади. У бу борада устозлари анъанасига амал қилса-да, аммо ўз «хат»и, услубини намоён этади. Шоир, адиб, адабиётшунос, мунаққид қачон ўз услубини топади? Қачонки сўз санъатини муқаддас билиб, унга чин дилдан ихлос қўйса ҳамда шахс сифатида «мен»ига эга бўлса! Шунда унинг асарлари, тадқиқотлари бошқаларникидан алоҳида ажралиб туради. «Нафосат гурунлари» муаллифининг китоблари, мақолалари, шубҳасиз, шундай салмоққа эга. У салкам ярим асрдан бери ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилигида ўз «овоз»ига эга ижодкор сифатида фаолият кўрсатиб келади. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов каби ўнлаб улкан шоир, адиблар, кўплаб ижодкорлар ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши тўғрисида сўз юритилса, албатта, Умарали Норматовнинг мулоҳазаларига мурожаат қилинади. Адабиётшуносликнинг қатор назарий муаммолари, хусусан, реализм, соцреализм тўғрисида баҳслар марказида у бўлгани, албатта, эътироф этилади. Миллий адабиётимизда мансуранинг шаклланиши Иброҳим Гафуров номи билан боғланса, Умарали Норматов ўзбек адабий танқидчилигида «адабий суҳбат»нинг оммаланиши, мустақил жанрга айланишига бош-қош бўлгани таъкидланади. (Қаранг: Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. - Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2008)

Одамнинг овозида унинг ички дунёси акс этгани каби ижодкорнинг асари, тадқиқотида унинг дунёқараши, маънавияти кўринади. Бу дунёқараш, маънавият унинг ҳаёт тарзи, кишилар билан муомала, муносабатида ҳам яққол сезилади. Умарали Норматов

адабиётда эъозланиб келинган эзгу қадриятларни қалбига сингиргани, унинг маънавияти шу асосга мустақкам боғлангани боис инсон табиати беҳад позиклиги, каттами-кичикми, ҳамиша мулойим муомала, ширин сўздан яйраши, одам табнатан танқидни хуш кўрмаслиги, беписанд муомала барчага оғир ботишини жуда чуқур ҳис қилади. У табиатида ана шундай ажойиб фазилат мавжудлигидан адабий танқидни «Сўз санъати мўъжизаларини кашф этиш санъати» деб қарайди. Ижодкорнинг илганиши, меҳнати, шахсига ҳурмат кўрсатади, истеъдодларни ҳамиша эъозлайди. Буларнинг барчаси Умарали Норматовнинг адабиётга бўлакча меҳри, унинг мунаққид ва инсон сифатидаги юксак маънавиятидан далолат беради.

*Абдулла УЛУФОВ,
филология фанлари номзоди, доцент*

МУНДАРИЖА

Шараф ва бурч (сўз боши ўрнида) 3

I. УСТОЗЛАР ИБРАТИ

Устози аввал	6
Одамохун сиймо	12
Олим, таржимон, мураббий	16
Шарку Фарб тадқиқоччиси	22
«Аввал калом!...»	28
Мунаққид жасорати	32
Устознинг бир шижоати хусусида	37
Муносиб эъзоз	42
Миллий танқидчилигимизнинг қўш қаноти	45
Адолат филойсн	50
Мирза аканинг надомати	54

II. САФДОШЛАР ДАВРАСИДА

Чин инсон, зиёли олим, истеъдодшунос эди	58
Қатъият	60
«Кўнгли поки сўзи поки ўзи пок...»	65
Оға-инилик шукуҳи	69
Ярим асрга чўзилган мулоқот	72
Баҳсларда кечган йиллар	79
Мен билган Гаффоржон	82
Ўзимизнинг Маҳмуджон	85

III. ИЖОДНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

Бедорликда ўтган умр	88
«Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!»	98
Яқин кечмишнинг ҳалол ва теран бадиий таҳлили	118
Хуршид Даврон шеърояти ҳақида нутқ	127
«Сўз тузалса - эл тузалар»	133
Шаффоф туйғулар куйчиси	139

IV. БИР АСАР ТАРИХИ ВА ТАЛҚИНИ

Холислик хосияти	158
Адиб адабий ижодининг чўққиси	170

Тарих ҳақиқатига садоқат	184
Куй таровати, тасвир латофати	193
Қалб кошонаси сирлари	196
Беором туйгулар мавжи	201
«Руҳлар исёни»нинг нузли толеи	206
Сатрларнинг сеҳрли кучи	211
Беназир бадиий обида ёхуд асрлар ғами силсиласининг интиҳоси	215
Янги аср одамлари	223
Тафаккур ёғдуси	227
«Шоир сўзи қуш каби эркин...»	233

V. ТАФАККУРДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Адабий таълимнинг янги даври	239
Ҳақиқат тақозоси	259
Адолатнинг машаққатли йўллари	269
Тарихий романларимизда кечмиш сабоқлари	274
Ҳаёт-мамот мушоҳадалари	283
Қалбдаги беназир зиё	292

VI. АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

Ҳаракатдаги эстетика	305
Истеъдод кўлами	318
Ёзувчи ва жанр	336
Ҳаёт ва ҳажвиёт	348
Истеъдодни кашф этиш санъати	361
Абдулла Улуғов. Мунаққид маънавияти	368

МАЪНАВИЙ ҲАҚИҚАТНИ ТАҲҚИҚ ҚИЛМОҚДА
 АДАБИЙ НАЗАРНИ ТАҲҚИҚ ҚИЛМОҚДА

Умарали Норматов

Нафосат гурунглари

Муҳаррир:

Б.Каримов

Мусахҳиҳ:

Ғ.Умурзоқов

Техник муҳаррир:

М.Абдуллаева

Босмахонага 2010 йил 22 ноябрда топширилди.

Босишга 2010 йил 15 декабрда рухсат этилди.

Бичими: 60x84¹ / . «Vitec Times» гарнитураси.

Оффсет қоғози. Оффсет босма.

Ҳисоб нашр. таб 24,25. Шарт. б.т. 23,5.

Адади 120 нусха. 174-сон буюртма.

«Муҳаррир нашриёти»

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.